ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ
ИМОМ БУХОРИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ ИНСТИТУТИ

АБДУЛҚОДИР АБДУР РАҲИМ

ЭЪТИҚОД ДУРДОНАЛАРИ

“БАДЪУЛ АМОЛИЙ” ШАРҲИ

Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр

“SHARQ” НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ - 2016

УЎК
КБК
А

“Эътиқод дурдоналари” китоби диёримиздаги ўрта махсус ислом билим юртларида “Ақоид” фанидан сабоқ берилаётган “Бадъул амолий” асарига ёзилган шарҳ бўлиб, дастлаб 2012 йилда нашр қилинган эди. Китобнинг ушбу қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашрида ўқувчиларга янада фойдалироқ бўлиши учун матнларнинг маънолар таржимаси ва луғавий изоҳлари ҳамда айрим долзарб эътиқодий масалалар батафсил баён қилинган.

Ушбу китоб Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтининг 27.06.2015 йилдаги 11 сонли илмий кенгашида нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир:
Жалолиддин Ҳамроқулов
Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти
“Таҳфизул Қуръон” кафедраси мудири

Тақризчилар:
Шайх Абдулазиз Мансур
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари
Ҳайдархон Юлдашходжаев
Тарих фанлари номзоди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 4953-рақамли хулосаси асосида нашрга тайёрланди.

ISBN 978–9943–26– Абдулқодир Абдур Раҳим
“Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2016.

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

КИРИШ

АҚОИД ИЛМИ ҲАҚИДА ТАСАВВУР

Оламлар Роббиси Аллоҳ таолога ҳамду санолар, бутун оламларга раҳмат қилиб юборилган Муҳаммад Мустафога ҳамда у зотнинг оилаларию саҳобаларига салавот ва саломлар бўлсин.

Дунёда бахтли ҳаёт кечириш ва охиратда жаннатга эришиш ҳар бир мусулмоннинг асосий мақсади ҳисобланади. Ушбу улуғ мақсад эса Яратувчини таниш ва Унинг буйруқларини адо этиш билан ҳосил бўлади. Бу ҳақида Қуръони каримда шундай хабар берилган:

﴿ وَمَا خَلَقۡتُ ٱلۡجِنَّ وَٱلۡإِنسَ إِلَّا لِيَعۡبُدُونِ ٥٦ ﴾

“Мен жинлар ва инсонларни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим”[1].

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу ушбу ояти каримани “фақат Мени танишлари учунгина яратдим” маъносини англатади, дея тафсир қилган.

Аллоҳ таолога ибодат қилишнинг асл моҳияти ҳам, У зотни танишнинг асоси ҳам ақоид илмида баён қилиниши боис, бу илм билимларнинг олийси ва диннинг асли ҳисобланади. Ушбу асл илмни ўрганиш ва унда баён қилинганларга эътиқод қилиш хайр-барака бўлса, ундан узоқ бўлиш ё ўз-ўзини қийнаб беҳуда чиранишга, ё нотўғри эътиқод қилиб дунё-ю охиратини бой беришга олиб боради. Чунки эътиқоди нотўғри кишининг ибодатлари қабул бўлмайди. Соф эътиқоддаги кишининг эса қилган озгина амали ҳам баракали бўлади, яъни, Аллоҳ таоло унинг тўғри эътиқоди баракотидан кўплаб мукофотлар ато этади. Шунинг учун аввало диннинг асли ҳисобланган ақоид илмини ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Ақоид илмининг луғавий ва истилоҳий маънолари

Ақоид сўзи луғатда “ишониб боғланган нарсалар” маъносини англатади. Бу сўздан ҳар бир ақли расо ва балоғатга етган банданинг қалбини унга мустаҳкам боғлаши лозим бўлган шаръий эътиқодий ҳукмлар кўзда тутилган. Шаръий ҳукмлар икки турга бўлинади:

1. Эътиқодий ҳукмлар;
2. Амалий ҳукмлар.

Эътиқодий ҳукмлар деганда фақатгина қатъи ишонишга тааллуқли бўладиган шаръий ҳукмлар тушунилади.

[1] Зориёт сураси, 56-оят.

Амалий ҳукмлар деганда қатъи ишончдан келиб чиқиб бажариладиган амалларнинг адо этилишига тааллуқли бўладиган шаръий ҳукмлар тушунилади.

Истилоҳда эса ақоид илмига қуйидагича таъриф берилган:

دِرَاسَةُ الْأَحْكَامِ الْإِعْتِقَادِيَّةِ فِي الشَّرِيعَةِ الْإِسْلَامِيَّةِ

Ислом шариатидаги эътиқодий ҳукмларни ўрганиш – ақоид илми дейилади.

Ақоид илмининг мақсадлари

Ақоид илмини ўрганишдан қуйидаги мақсадлар кўзланади:

1. Қатъи далиллар билан диний эътиқодларни мустаҳкамлаш ва улардан шубҳаларни рад этиш;
2. Бошқаларга тақлид қилиб юришдан аниқ ишонч даражасига кўтарилиш;
3. Дунё ва охират саодатини ҳосил қилиш.

Эътиқодий ҳукмлар Ислом дини моҳиятидир

Ақоид илмининг аҳамияти ҳақида гапирилганда аввало, муқаддас динимизнинг асоси унинг ақоиди экани таъкидланади. Ислом ақоидининг ўзаги эса Аллоҳ таолонинг борлигига ва Унинг бирлигига иймон келтириш ҳисобланади. Мусулмон киши Ислом шариати ҳукмларини эътиқодига кўра ҳаётга татбиқ қилади. Шу маънода Ислом динининг моҳияти уч қисмдан ташкил топади:



Эътиқодий ҳукмлар деганда мусулмон кишининг ишониши, қалбини уларга мустаҳкам боғлаши лозим бўлган ҳукмлар тушунилади. Бу ҳукмларнинг аввалида Аллоҳ таолонинг борлигига, бирлигига, комил сифатлар билан сифатланганига иймон келтириш туради. Мусулмон киши номусулмон кишидан “Ашҳаду ан ла илаҳа иллаллоҳ” (Аллоҳдан ўзга маъбуд йўқлигига гувоҳлик бераман) деб гувоҳлик бериши билан ажралиб туради. Мусулмон киши учун ушбу гувоҳлиги мусулмонлигининг асоси ҳисобланиб, унинг ҳамма қарашлари мазкур асос устига қурилади.

Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, қадарнинг яхшиси ҳам, ёмони ҳам Аллоҳдан эканига ва қайта тирилишга иймон келтириш Ислом ақоидининг асослари ҳисобланади.

Амалий ҳукмлар деганда мусулмон кишининг ўзига нима фойдали ва нима зарарли эканини билиб бажариши лозим бўлган ҳукмлар тушунилади. Эътиқодий ҳукмлар ва амалий ҳукмлар пойдевор ва унинг устига қурилган бинодек бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Эътиқодий ҳукмларда инсоннинг Аллоҳ таолога боғланиши тартибга солинса, амалий ҳукмларда инсоннинг жамият вакиллари билан ва бутун борлиқ билан бўладиган алоқаси эътиқодий ҳукмлар асосида тартибга солинади. Шунинг учун ҳам эътиқодий ҳукмларни ўрганмасдан туриб амалий ҳукмларни ҳаётга тўғри татбиқ этиб бўлмайди.

Амалий ҳукмла умумий икки қисмга: "Ибодатлар" ва "муомалалар"га бўлинади. "Ибодатлар" қисмида мусулмон кишининг Аллоҳга севимли банда бўлишга уриниб бажарадиган амаллари баён қилинади. Бу амаллар унинг Аллоҳга бўлган иймонида содиқ эканига белги ҳисобланади. "Муомалалар" қисмида эса мусулмонларнинг умумий манфаатларини сақлашга, бир-бирларига ёки бошқаларга зарар бериб қўйишларининг олдини олишга тааллуқли бўлган амаллар баён қилинади.

Гўзал хулқлар деганда мусулмон кишининг динида тарғиб қилинган одобларни жамлаши ва уларга риоя қилиши тушунилади. Уламолар хулқни шундай таърифлашган: "Бандадаги мақталадиган ё ёмонланадиган белгилари орқали билиниб турадиган сифат хулқ деб аталади". Яъни хулқ яхши ёки ёмон бўлиши мумкин, унинг яхши ёки ёмонлиги ташқи аломатлари орқали билиниб туради.

Хулқ икки турга бўлинади:

1. Холқий яъни, туғма хулқ;
2. Касбий яъни, кейинчалик ўзлаштириб олинадиган хулқ.

Шунга кўра яхши хулқни ўзлаштиришга уриниш ва ёмон хулқли бўлишдан сақланиш комил мусулмоннинг белгиларидан саналади.

Мусулмон кишининг эътиқоди ва амалларида содиқ экани унинг гўзал хулқидан билиниб туради.

Амалий ҳукмлар ҳам, гўзал хулқлар ҳам эътиқодий ҳукмлардан келиб чиқади.

Ислом шариатидаги асосий илмлар

Уламолар Ислом шариатидаги асосий илмларни бешга тақсимлаганлар:

Қурьон илмлари - Ислом шариатидаги ҳукмлар олинадиган асосий манба ҳақидаги илмлар;

Ҳадис илмлари - Ислом шариатидаги ҳукмлар олинадиган иккинчи манба ҳақидаги илмлар;

Ақоид илми - Ислом шариатидаги эътиқодий ҳукмлар ҳақидаги илм;

Фиқҳ илми - Ислом шариатидаги амалий ҳукмлар ҳақидаги илм;

Усулул фиқҳ илми - Ислом шариатидаги амалий ҳукмлар чиқариб олинадиган қоидалар ҳақидаги илм.

Ушбу илмлардан бошқа илмлар эса мазкур илмларнинг ичига кирувчи, уларнинг бир қисми бўлган илмлар ҳисобланади.

Ақоид илмининг турли асрларда машҳур бўлган номлари

1. Фиқҳул акбар. Ушбу ном ақоид илмининг энг аввалги номларидан бўлиб, ҳижрий иккинчи асрнинг биринчи ярмида вужудга келган. Мазҳаббошимиз Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ[2] ақоид илми тўғрисида ёзган асарини "Фиқҳул акбар" деб номлаган. Ушбу асар таҳқиқларга кўра ақоид илми бўйича ёзилган дастлабки китоб ҳисобланади.

2. Калом илми. Ақоид илмининг энг машҳур номларидан бўлган "Илму калом" ҳам "Фиқҳул акбар" номи билан бир асрда вужудга келган. "Шарҳу ақоид" китобини тадқиқ қилган Тоҳа Абдур Рауф Саъд унинг муқаддимасида қуйидагиларни келтиради: "Таҳонавий "Кашшофу истилаҳатил фунун" китобида ақоид илмининг илму калом деб номланишига қуйидаги сабабларни кўрсатган:

а) Ақоид илмининг бобларига аввалда "Каламу фи каза" (фалон нарса ҳақидаги гап) деб сарлавҳа қўйилган. Шу сабабли бу илмга илму калом ном бўлиб қолган.

б) Аллоҳ таолонинг каломи ҳақидаги масала ўша вақтларда ақоид илмнинг энг машҳур баҳсларидан бўлгани сабабли бу илмга калом илми деб ном қўйилган"[3].

3. Усулуд-дин илми. Ушбу ном ақоид илми барча диний илмлар унинг устига бино қилинадиган диннинг асл пойдевори экани эътиборидан қўйилган. Бу ном ҳам иккинчи ҳижрий асрда диний илмлар аслларга ва бўлимларга ажралганидан кейин тарқалган. Ушбу номни биринчи бўлиб имом Абулҳасан Ашъарий қўллаган. Бу зот ақоид илмига бағишлаб китоб ёзиб, уни "Ибана фи усулид-дияна" деб номлаган. Сўнгра Абдулқодир Бағдодий Ашъарий[4] "Усулуд-дин" китобини ёзган. Кейинчалик Мотуридия мазҳабининг машҳур уламоларидан бўлган Абул Юср Паздавий[5] ҳам "Усулуд-дин" китобини ёзган. Тоҳа Абдур Рауф Саъд "Шарҳу ақоид" китобининг муқаддимасида

---

[2] Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг исми шарифи Нўъмон ибн Собит ибн Зуто бўлиб, ҳижрий 80 санада Куфа шаҳрида туғилган. Баъзи уламолар: "Бу зот кўпинча сиёҳдон олиб юргани учун Абу Ҳанифа деб куняланган. Ироқ аҳлининг луғатида ҳанифа "сиёҳдон" маъносини англатган" – деганлар. Ҳижрий 150 йилда Бағдодда вафот этган.

[3] Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳу ақоид. – Миср: "Мактабатул Азҳарий", 2000. – Б. 8.

[4] Абдулқодир Бағдодий Ашъарий раҳматуллоҳи алайҳ ҳижрий 429 йилда вафот этган.

[5] Абул Юср Паздавий раҳматуллоҳи алайҳ ҳижрий 493 йилда вафот этган.

қуйидагиларни айтган: “Таҳонавий “Кашшофу истилаҳатил фунун” китобида шундай деган: “Ақоид илмининг усулид-дин деб номланиши, шаръий илмлар унинг устига бино қилиниши эътиборидан ва барча шаръий илмларнинг асли бўлгани учундир”[6].

4. Ақоид илми. Ушбу ном ҳижрий тўртинчи асрларда пайдо бўлган. Чунки бу пайтларга келиб ақоид илми фалсафа билан, нақлий хабарлар ақлий қарашлар билан аралашиб кетган. Шундан сўнг олдингиларнинг мусаффо ақидаси билан кейингиларнинг мураккаб чигал ақидаси ораларини ажратиб олиш учун ушбу номни қўллашга эҳтиёж туғилган. Шунинг учун ҳам Таҳовий раҳматуллоҳи алайҳ “Ақида” асарини шундай бошлаган: “*Ушбулар миллатнинг фақиҳлари Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит Куфий, Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим Ансорий*[7] *ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний*[8] *раҳматуллоҳи алайҳларнинг мазҳабига кўра Аҳли сунна вал-жамоанинг ақидаси ва улар усули динда эътиқод қиладиган ва оламларнинг Роббиси учун уни дин деб тутадиган нарсалар баёнидир”*[9].

5. Тавҳид ва сифат илми. Ушбу ном ҳижрий тўққизинчи ва ундан бир оз олдинги даврларда ёзилган манбаларда учрайди. Аллома Тафтазоний[10] раҳматуллоҳи алайҳ “Ақоидун-Насафий”га ёзган шарҳининг муқаддимасида қуйидагиларни ёзган: “Билингки, шариат ҳукмлари “фаръий амалий” ва “аслий эътиқодий” бўлади. Фаръий амалийлари амалларнинг қандай бажарилишига тааллуқлидир. Аслий эътиқодийлари эса эътиқодга тааллуқли бўлади. Амалларнинг қандай бажарилишига тааллуқли бўлган ҳукмлар фақатгина шариат орқали билингани учун “илмуш-шароиъ вал-аҳкам” (шариатлар ва ҳукмлар илми) деб номланади. Эътиқодга тааллуқли ҳукмлар эса “илмут-тавҳид вас-сифат” (Аллоҳ таолони ягона деб билиш ва унинг сифатлари ҳақидаги илм) деб номланади. Чунки тавҳид ва сифатлар тўғрисидаги баҳслар эътиқод илмининг энг машҳур баҳсларидан ва энг улуғ мақсадларидан ҳисобланади”[11].

6. Тавҳид илми. Ушбу ном ҳижрий ўнинчи асрдан кейин тарқалган. Тавҳид Ислом миллатининг шиори ва Ислом динининг белгиси ҳисобланади.

7. Назар ва истидлол[12] илми. Ушбу ном ҳам ҳижрий тўққизинчи асрлардан кейин тарқалган. Мазкур вақтларга келиб, ақоид илмидаги кўпгина баҳслар назарий ва ақлий бўлиб қолганидан, бу илмни фақатгина борлиқдаги нарсалар

---

[6] Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳу ақоид. – Миср: “Мактабатул Азҳарий”, 2000. – Б. 8.

[7] Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ ҳижрий 182 йилда вафот этган.

[8] Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ ҳижрий 189 йилда вафот этган.

[9] Абу Ҳафс Сирожиддин Умар ибн Исҳоқ Ғазнавий. Шарҳи ақидати имам Таҳовий. – Қоҳира: “Даротул Караз”, 2009. – Б. 25.

[10] Ислом оламида Аллома Тафтазоний номи билан машҳур бўлган бу зотнинг тўлиқ исми Масъуд ибн Умар ибн Абдуллоҳ бўлиб, ҳижрий 712 йилда Хуросон ўлкасининг Тафтазон шаҳрида таваллуд топган. Шофеъий мазҳабининг фақиҳларидан бўлган Саъдуддин Тафтазоний тафсир, фиқҳ, наҳв, сарф, усулид-дин, мантиқ каби кўплаб илмларда етук олим бўлган. Тафтазоний Тафтазондан Сарахсга кўчиб ўтиб, бир оз вақт у ерда яшаган, сўнгра Амир Темур бу зотни Самарқандга олиб келган. Самарқандда дарс бериш ва китоб ёзиш билан машғул бўлган. Аллома Тафтазоний ҳижрий 793 йилда Муҳаррам ойининг 22 куни вафот этган.

[11] Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳу ақоид. – Миср: “Мактабатул Азҳарий”, 2000. – Б. 15.

[12] Нарсалар ҳақида фикр юритиш – назар дейилади. Яъни мақсад қилинган номаълум нарсаларга эришиш учун зеҳндаги маълум ишларни тартиблаш ўша нарсаларга назар солиш ҳисобланади. Бирор нарсанинг бор ё йўқлигини исботлаш учун далил излаш – истидлол дейилади.

тўғрисида фикр юритиш ва далил излашдан кейингина идрок этиш мумкин бўлган. Шунинг учун бу илм “илмун-назар вал-истидлол” (фикр юритиш ва далил излаш илми) деб ҳам номланган.

Ақоид илмининг калом илми деб номланиши ва “калом илми” атрофидаги баҳслар

Ҳижрий иккинчи асрнинг бошларида мусулмонлар орасидаги эътиқодий баҳс-мунозаралар янги босқичга кўтарилган. Эътиқодий масалалар баҳс қилинадиган махсус давралар пайдо бўла бошлаган. Бу давраларнинг етакчилари, уларга эргашувчилар ҳамда бир-биридан фарқли қарашлар яққол кўрина бошлаган. Буларнинг самараси ўлароқ турли номлар билан аталадиган фирқалар шакллана борган. Аҳли сунна вал-жамоа бу фирқаларни етакчиларининг исми билан ё қилаётган асосий даъволари билан ё ажралиб турадиган бирор сифатлари билан номлаганлар.

Мазкур фирқаларнинг вакиллари хилма-хил эътиқоддаги шахслар бўлиб, уларнинг баъзилари ўзининг нотўғри эътиқодида ниҳоятда ҳаддан ошган ва исломдан чиқиб кетишга яқин қолган бўлса, айримлари исломга бегона бўлган турли фалсафий қарашларга ёпишиб олган эди. Бундай кимсалар эътиқод ҳақидаги сўзларга фалсафий қарашларни аралаштириб юборган эдилар. Тарафлар ўртасида бугун “фалон нарса ҳақидаги калом” номи остида, эртага бошқа бир “фалон нарса ҳақидаги калом” атрофида турли ақидавий баҳс-мунозаралар, қаттиқ тортишувлар борарди.

Шунинг учун ҳам жамият аҳли орасида мазкур шахслар машғул бўлган “калом” билан шуғулланишга шариат нима дейиши ҳақидаги саволлар баралла янграй бошлаган. Табиийки, мазкур шахсларнинг ҳолатларидан хабардор Аҳли сунна вал-жамоа уламолари бундай “калом” билан шуғулланишдан сақланиш лозимлигини қаттиқ таъкидлаганлар. Мазкур “аҳли каломчилар” ўртасидаги баҳс-мунозараларда содир бўлаётган нақлий далилларга нисбатан бепарво муносабатда бўлиш, қарши томонни кофирга чиқариш каби ҳолатлар уламоларнинг сўзлари ҳақ эканини кўрсатиб турарди. Ушбу даврларда Аҳли сунна вал-жамоа уламолари “калом илми” билан шуғулланишни қатъи равишда батамом ман қилганлар.

Кейинчалик “калом илми”нинг хатарли жиҳатларидан огоҳлантириш билан бирга, Қуръон ва суннат асосидаги “калом илми” ҳақида ҳам сўз юритганлар. Яъни энди “калом илми”ни мутлақо ман қилишдан уни жоиз ва ножоиз турларига ажратишга ўтилган. Бу ҳақида Ғаззолий “Илжамул авам ан илмил калам” (авом халқни калом илмидан жиловлаб қўйиш) рисоласида, Ибн Вазийр “Таржиҳу асалибил Қуръан ала асалибил юнан” (Қуръон услубларини юнонларнинг услубларидан устун қўйиш) китобларида баҳс юритганлар.

Шунингдек, Имомул Ҳарамайн, Ҳулаймий, Байҳақий, Ғаззолий, Нававий ва Ибн Асокир каби уламолар бу илмни ўрганиш фарзи кифоя ҳукмида бўлишини айтганлари ривоят қилинган. Абул Ҳасан Ашъарий раҳматуллоҳи алайҳ ушбу масалага бағишлаб “Истиҳсанул ховзи фи илмил калам” (Калом илмига

киришишни маъқуллаш) асарида “калом илми”га қарши чиққанларнинг далилларига жавоб берган.

“Калом илми” ҳақидаги мазкур баҳслардаги икки тарафнинг ҳам асосий далилларини ўрганиб чиқиш бу баҳсларнинг асоси нима эканини очиб беради.

“Калом илми”га қарши чиқиб, уни ўрганишдан ман қиладиганларнинг асосий далиллари қуйидагилардир:

1. Қуръон ва суннатда тортишувдан қайтарилган. Муташобиҳ оятларга эргашиб чуқур кетувчиларни дилларида оғиши борлар дея улардан огоҳлантирган:

﴿فَأَمَّا ٱلَّذِينَ فِي قُلُوبِهِمۡ زَيۡغٞ فَيَتَّبِعُونَ مَا تَشَٰبَهَ مِنۡهُ ٱبۡتِغَآءَ ٱلۡفِتۡنَةِ وَٱبۡتِغَآءَ تَأۡوِيلِهِۦۖ﴾

“Аммо дилларида оғиш бор кимсалар одамларни фитнага солиш ва ўз талқинига мувофиқ маънолар бериш учун унинг (Қуръоннинг) **муташобиҳ оятларига эргашадилар”[13].**

Муташобиҳ оятларга эргашиб чуқур кетиш эса калом илмида бўлган. Шунинг учун калом илми билан шуғулланишдан сақланиш керак.

Бу далилга калом илми уламолари шундай жавоб берганлар: “Шариатда муташобиҳ оятларга эргашишдан ёки ақл етмайдиган нарсалар тўғрисида ақлий баҳс юритишдан қайтарилган. Аммо булардан бошқа эътиқодий масалалар тўғрисида муҳкам (маъноси аниқ-равшан) оятлар, саҳиҳ суннат ва очиқ-ойдин ақл тақозоси билан баҳс юритиш асло ман қилинган эмас. Ояти карималарда ва ҳадиси шарифларда ман қилинган тортишувлар хусуматчилар ҳақидадир. Аммо ҳақиқатни билдириб қўйиш учун илмий баҳс-мунозаралар ёмон иш бўлмайди, балки у буюрилган иш ҳисобланади:

﴿وَجَٰدِلۡهُم بِٱلَّتِي هِيَ أَحۡسَنُۚ﴾

“Улар билан энг гўзал услубда мунозара қилинг!”[14].

Шариатда ботил нарса учун тортишиш, илмсиз равишда баҳс-мунозара қилиш ман қилингандир. Аммо ҳақ йўлидаги тортишув вожиб ё мустаҳаб иш ҳисобланади. Қуръони каримда Нуҳ алайҳиссаломнинг қавми билан узоқ баҳс-мунозара қилгани қавми тилидан шундай баён қилинган:

﴿قَالُواْ يَٰنُوحُ قَدۡ جَٰدَلۡتَنَا فَأَكۡثَرۡتَ جِدَٰلَنَا﴾

“Улар: Эй Нуҳ, батаҳқиқ сен биз билан тортишдинг, кўп тортишдинг”[15].

Маълумки, Нуҳ алайҳиссалом қавми билан амалий масалалар тўғрисида тортишмаганлар, балки эътиқодий масалаларда тортишганлар.

---

[13] Оли Имрон сураси, 7-оят.
[14] Наҳл сураси, 125-оят.
[15] Ҳуд сураси, 32-оят.

Эътибор бериладиган бўлса, Қуръони каримда эътиқодий масалалар ва уларнинг далилларини батафсил баён қилиб берувчи оятлар тўладир. Шунинг учун бу илмни ўрганиш фарзи кифоя ҳисобланади”.

Калом илмига қарши чиқувчиларнинг иккинчи далиллари:

2. Саҳобаи киромлар энг яхши асрда яшаганлар ва динни бошқалардан кўра яхшироқ билганлар. Ушбу зотлар фиқҳий ҳукмларни таълим олганлар ва бошқаларга ҳам уларни ўргатганлар. Аммо “калом илми” билан асло машғул бўлмаганлар. Шунга кўра саҳобаи киромлар сақланган нарсадан биз ҳам сақланишимиз лозим.

Бу далилга калом илми уламолари шундай жавоб берганлар: “Ҳақиқатдан ҳам саҳобаи киромлар бу илм билан машғул бўлмаганлар. Зеро, уларда бунга эҳтиёж йўқ бўлган. Чунки у зотларнинг олдларида ақлий далилни рўкач қилиб уларнинг эътиқодига қарши чиқадиган ҳеч ким бўлмаган. Шунинг учун уларнинг ҳолати худди жанг йўқлиги сабабли қуролланиш машаққатига эҳтиёжи бўлмаган кишиларнинг ҳолатидек бўлган. Аммо биз эътиқодимизни инкор қилиб, бизга қарши чиқадиганларга рўбарў бўлдик. Биз ўзимизни ҳимоя қилишга, тўғрини нотўғридан ажратишга муҳтож бўлиб қолдик”.

Калом илмига қарши чиқувчиларнинг учинчи далиллари:

3. Улуғ мужтаҳид уламолар “калом илми” пайдо бўлганда уни ёмон кўрганлар ва шогирдларини бу борада баҳс юритишдан қайтарганлар. Масалан, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ ўғли Ҳаммодни “калом” билан шуғулланишдан қайтарган. Имом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳ: “Калом билан машғул бўлган бирон кимса ҳам нажот топмаган”, – деган. Шунга яқин маънодаги сўзлар Имом Молик ва Имом Аҳмад раҳматуллоҳи алайҳлардан ҳам ривоят қилинган.

Бу далилга калом илми уламолари шундай жавоб берганлар: Улуғ мужтаҳид уламолар “калом илми” пайдо бўлган пайтда уни ёмон кўрганлари ва шогирдларини у ҳақида баҳс юритишдан қайтарганлари қанчалик ҳақ бўлса, ўзларининг “калом илми” бўйича машҳур асарлар таълиф этганлари ҳам шунчалик ҳақиқатдир. Шу ўринда улар қайси “калом илми”ни ёмон кўриб, ундан қайтарган, деган ҳақли савол пайдо бўлади. Бу саволга жавоб ахтариб, уларнинг асарларига мурожаат этадиган бўлсак, улар Қуръон ва суннатга мухолиф бўлган бидъатчиларнинг сўзларини ёмон кўрганлари ва шогирдларини ҳам уларнинг сўзларини баҳс қилишдан қайтарганлари маълум бўлади. Бу ҳақиқат Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг “Фиқҳул акбар”, “Фиқҳул авсат”, “Васият” ҳамда Имом Аҳмад раҳматуллоҳи алайҳнинг “Родду алал жаҳмия” каби асарларида ўз ифодасини топган. Бу асарларда Аҳли сунна вал-жамоа эътиқоди қандай бўлиши лозимлиги баён қилинган. Демак, улуғ мужтаҳид уламолар бидъатчиларнинг “калом”и дан қайтаришган, Қуръон ва суннат асосидаги “калом”ни ўрганиш зарурлигини эса ўзлари бу ҳақида асарлар ёзиб тушунтирганлар”.

Ушбу баҳслардан кўриниб турибдики “калом илми” деганда иккала тараф ҳам битта нарсани назарда тутмаган. Шунга кўра табий равишда бир-бирига зид ҳукмлар айтилган. Шунинг учун ҳам баъзи ҳамаср уламолар: “Ҳозирда

“ақоид илми”ни “калом илми” дейишдан кўра “фиқҳул акбар” дейиш афзалдир. Чунки бундай номда “калом илми” номидаги турли туҳмат ва танқидлар йўқдир” – деганлар.

Ақоид илмининг тарихи

Ақоид илми вужудга келганидан то ҳозирги кунимизгача турли босқичларни босиб ўтган. Уларни умумий тарзда беш босқичга ажратиш мумкин:

1. Вужудга келиш босқичи. Ҳижрий биринчи асрда ва иккинчи аср бошларида баъзи эътиқодий масалалар тўғрисида баҳс-мунозаралар бошланган. Бу баҳс-мунозараларнинг юзага келишига иккита асосий сабаб бўлган:

1) кўплаб фатҳлар туфайли турли дин, фалсафа ва мафкурага эга инсонларнинг исломни қабул қилганлари ёки мусулмонлар билан аралашиб яшай бошлаганлари;

2) Ислом оламининг ичида жуда тезлик билан ўзаро зиддиятли сиёсий, ижтимоий ва маданий ривожланишнинг юзага келгани.

Ушбу сабаблар туфайли айрим эътиқодий масалаларда тортишувлар пайдо бўла бошлаган. Аммо бу тортишувлар дастлаб саноқли масалалар атрофида бўлиб, улар асосан қуйидагилар бўлган:

а) Гуноҳи кабира содир этган мўмин киши мўминлигида қоладими ёки дўзахга абадий маҳкум бўладиган кофирга айланадими?

б) Инсон қилаётган амалларини қадарига кўра мажбур бўлиб бажарадими ёки уларни мутлақо ўз ихтиёри билан бажарадими?

в) Имомлик, яъни Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан сўнг мусулмонларга ким раҳбар бўлади ва нима асосида бўлади?

2. Китоблар ёзилиш ҳамда мазҳаблар ва фирқалар пайдо бўлиш босқичи. Ҳижрий иккинчи асрнинг бошларида мусулмонлар орасидаги ақидавий баҳс- мунозаралар янги босқичга кўтарилган. Ақидавий масалалар баҳс қилинадиган махсус давралар пайдо бўла бошлаган. Бу давраларнинг етакчилари, уларга эргашувчилар ҳамда бир-биридан фарқли ақидавий қарашлар яққол кўрина бошлаган. Буларнинг самараси ўлароқ турли номлар билан аталадиган фирқалар шакллана борган. Ушбу турли нотўғри эътиқодларни даъво қилиб чиққан хилма-хил фирқаларнинг хуружларидан Аҳли сунна вал-жамоа эътиқодини ҳимоя қилиб чиққан Ашъария ва Мотуридия мазҳаблари юзага келган.

3. Ривожланиш ва фалсафа билан аралашиш босқичи. Ҳижрий олтинчи асрдан тўққизинчи аср охирларигача бўлган даврлар. Бу даврларда ақидавий масалаларнинг оралари ажратилиб, тартибли равишда ёзишга ўтилган. Натижада ақида илмига оид турли асарлар таълиф этилиб, ақидавий мадрасалар шаклланиб борган. Шунингдек, Ислом дини эътиқодига хилоф бўлган фалсафий қарашларга раддиялар ҳам қилинган. Натижада ақида китоблари ичига фалсафий қарашлар ҳам аралашиб борган.

4. Турғунлик босқичи. Ҳижрий ўнинчи асрдан ўн иккинчи асргача. Ушбу даврлар олдинги ва кейинги босқичларга нисбатан ақоид илми барқарор бўлган

пайтлар бўлган. Бу даврларда асосан олдинги асрларда ёзилган матнларга шарҳлар ва ҳошиялар ёзилган.

5. Янги фикрлар пайдо бўлган босқичи. Ҳижрий ўн иккинчи ва ўн учинчи асрлар. Бу даврларда Қуръон ва суннатга ҳақиқий эргашиш даъвоси билан олдинги босқичлардагидан фарқли янги фикрлар пайдо бўлган.

Ҳозирги вақтда олдинги уламоларнинг тутган йўлларини маҳкам ушлайдиганлар ҳам, янги пайдо бўлган фикрларга эргашадиганлар ҳам бор.

Ислом умматининг етмиш уч фирқага бўлиниши ва “Саводул аъзам”дан ажралмаслик лозимлиги

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга умматларининг етмиш уч фирқага бўлиниб кетишлари билдирилган. У зот алайҳиссалом бу ҳақида шундай хабар берганлар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ **تَفَرَّقَتِ الْيَهُودُ عَلَى إِحْدَى وَسَبْعِينَ أَوِ اثْنَتَيْنِ وَسَبْعِينَ فِرْقَةً وَالنَّصَارَى مِثْلَ ذَلِكَ وَتَفْتَرِقُ أُمَّتِي عَلَى ثَلاَثٍ وَسَبْعِينَ فِرْقَةً.** رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Яҳудийлар етмиш бир фирқага ёки етмиш икки фирқага бўлиниб кетганлар. Насронийлар ҳам ўшанча** (фирқага бўлиниб кетишган). **Менинг умматим етмиш уч фирқага бўлинади”,** дедилар”. *Термизий*[16] *ривоят қилган.*

Бошқа бир ҳадисда эса улар ҳақида шундай дейилган:

إِنَّ بَنِي إِسْرَائِيلَ تَفَرَّقَتْ عَلَى ثِنْتَيْنِ وَسَبْعِينَ مِلَّةً وَتَفْتَرِقُ أُمَّتِي عَلَى ثَلاَثٍ وَسَبْعِينَ مِلَّةً كُلُّهُمْ فِي النَّارِ إِلاَّ مِلَّةً وَاحِدَةً قَالُوا وَمَنْ هِيَ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ **مَا أَنَا عَلَيْهِ وَأَصْحَابِي.** رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ

“Албатта, Бани Исроил етмиш икки миллатга бўлиниб кетганлар. Умматим етмиш уч миллатга бўлинади, фақат битта миллатдан бошқа барчаси дўзахда бўлади”, – дедилар. Шунда (саҳобалар): Эй Аллоҳнинг Расули, улар ким? – дейишди. У зот: **“Менинг ва саҳобаларимнинг йўлида бўлганлардир”**, – дедилар”. *Термизий ривоят қилган.*

Ушбу ҳадиси шарифда фақат битта миллат тўғри йўлдан оғишмасдан нажот топишлари хабари берилган. Бу миллатнинг қандай сифатда бўлиши ҳақида бошқа бир ҳадисда шундай дейилган:

---

[16] Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо Буғий Термизий ҳижрий 209 йилда Термиз шаҳрида туғилган. Имом Термизий Имом Бухорийнинг шогирдларидан бўлган. Илм талабида Хуросон, Тобаристон, Бағдод, Басра ва Ҳижоз каби диёрларни кезиб чиққан. Умрининг охирида кўзлари ожиз бўлиб қолган. Имом Термизийнинг ёдлаш қувватлари ниҳоятда кучли бўлганидан, ҳифзда бу зот зарбулмасал қилинган. Имом Термизийнинг энг машҳур китоби “Сунани Термизий”дир. Бундан ташқари “Шамоилу Набавия”, “Тарих” ва “Илал” каби кўплаб китоблари бўлган. Имом Термизий ҳижрий 279 йилда 70 ёшида Термизда вафот этган.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ صَلَّى الله عَلَيْهِ وسَلَّمَ يَقُولُ **إِنَّ أُمَّتِي لاَ تَجْتَمِعُ عَلَى ضَلاَلَةٍ فَإِذَا رَأَيْتُمُ اخْتِلاَفًا فَعَلَيْكُمْ بِالسَّوَادِ الأَعْظَمِ.** رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ

Анас ибн Моликдан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“Умматим асло залолат устида жамланмайди. Шунинг учун қачон ихтилоф кўрсаларинг “саводул аъзам”ни лозим тутинглар”,** деяётганларини эшитдим”. *Ибн Можа*[17] *ривоят қилган.*

“Саводул аъзам” калимаси “улкан жамоат” маъносига тўғри келади.

Уламолар ушбу ҳадисда хабар берилган “саводул аъзам”ни Аҳли сунна вал-жамоадир, деганлар.

Демак, мазкур ҳадиси шарифларга кўра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматлари ҳам кўплаб фирқаларга бўлиниб кетадилар. Аммо уларнинг ичидан фақат биттаси у зотнинг ва саҳобаларининг ҳамда уларга эргашганларнинг йўлларини маҳкам ушлаган бўладилар. Бу зотлар умматнинг “саводул аъзам”и бўлишади. “Саводул аъзам”дан ажралмаслик Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг барча умматларига қарата айтган буйруқлари ҳисобланади. Имом Мотуридий роҳматуллоҳи алайҳнинг шогирдларидан бири Абул Қосим Ҳаким Самарқандий “Саводул аъзам” асарида ҳадиси шарифда хабар берилган нажот топувчиларнинг олтмиш иккита хислатини баён қилган. Уларнинг айримлари қуйидагилардир:

– Мусулмонлар жамоасига қарши чиқмаслик;

– Қибла аҳли бўлган кимсани мадомики ҳалол санаб қилмаган бўлса бирор гуноҳ туфайли кофирга чиқармаслик;

– Қадарнинг яхшиси ҳам ёмони ҳам Аллоҳдан деб билиш;

– Ноҳақ равишда бирорта мусулмонга қарши қилич кўтармаслик;

– Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шафоатларини ҳақ деб билиш;

– Валийларнинг кароматларини инкор этилмайдиган ҳақ деб билиш;

– Гуноҳкор мўминларга гуноҳлари миқдорича дўзах азоби бўлишини ҳақ деб билиш;

– Аллоҳ таолони макон, замон, келиш ва кетиш (каби сифатлар)дан холи деб билиш.

Абул Қосим Ҳаким Самарқандий раҳматуллоҳи алайҳ ушбу асарида мазкур хислатларни мотуридия мазҳабига кўра баён қилган.

Баъзи уламолар ҳадиси шарифда хабар берилган етмиш икки фирқанинг асли еттита фирқага тақалади, деганлар ва уларни номма-ном келтирганлар:

1. Мўътазила фирқаси. Бу фирқанинг ўзи йигирма фирқага бўлиниб кетган;

2. Шиа фирқаси. Бу фирқанинг ўзи ҳам ўзаро йигирма иккита фирқага бўлиниб кетган;

---

[17] Муҳаммад ибн Язид Робъий Қазвиний ҳижрий 209 йилда ҳозирги Эрон ҳудудига кирувчи Қазвин номли жойда туғилган. Имом Ибн Можа илм талабида Басра, Бағдод, Шом, Миср ва Ҳижоз каби диёрларни кезиб чиққан. Имом Ибн Можанинг энг машҳур китоби “Сунани Ибн Можа”дир. Бундан ташқари “Тафсирул Қуръон” ва “Тариху Қазвин” каби кўплаб китоблари бўлган. Имом Ибн Можа ҳижрий 273 йилда 64 ёшида Қазвинда вафот этган.

3. Хавориж фирқаси. Бу фирқанинг ўзи ҳам йигирма фирқага бўлиниб кетган;

4. Нажжория фирқаси. Бу фирқанинг ўзи учта фирқага бўлиниб кетган;

5. Жабария фирқаси. Бу фирқа бандаларга ихтиёр берилганини инкор қиладиган ягона фирқа бўлган;

6. Мушаббиҳа фирқаси. Бу фирқанинг ўзи бешта фирқага бўлиниб кетган;

7. Ҳулулия фирқаси. Бу фирқа ҳам камчиликни ташкил қиладиган битта фирқа бўлган.

Ушбу ҳисобга кўра, мазкур фирқаларнинг умумий адади етмиш иккита бўлади ва бу қарашни айтган уламоларнинг наздида булардан кейин чиқадиган фирқалар ҳам аслида ушбу фирқалардан бирига мансуб бўлади.

Шу ўринда ақидавий масалалардаги ихтилофларнинг ҳаммасида ҳам ҳукм собит бўлмаслигини билиб қўйиш лозим. Эътиқодий масалалар икки қисмга: “асл” (асосий эътиқод) ва “фаръ” (асосий эътиқоддан келиб чиққан эътиқод)га бўлинади.

“Асл” (асосий эътиқод) масалаларнинг ўзи ҳам яна иккига бўлинади: “Усулуд-дин” (диннинг асослари) ва “Усулу аҳли сунна вал-жамоа” (Аҳли сунна вал жамоанинг асослари).

“Усулуд-дин” (диннинг асослари) деганда Аллоҳ таолонинг борлиги, Унинг бирлиги, оламни Аллоҳ таоло йўқдан бор қилгани каби масалалар тушунилади. Диннинг асоси бўлган бундай масалаларга қарши чиқиш билиттифоқ куфр ҳисобланади.

“Усулу Аҳли сунна вал-жамоа” (Аҳли сунна вал жамоанинг асослари) деганда саҳобаларни фақат яхшилик билан ёдга олиш, гуноҳи кабира туфайли мўмин кишининг диндан чиқмаслиги, қабр азоби ва неъматининг ҳақлиги, жаннатда Аллоҳ таолони кўриш аниқлиги каби масалалар тушунилади. Аҳли сунна вал-жамоа иттифоқ қилган бундай масалаларга қарши чиқиш оқибати ўта хатарли бўлса-да, қарши чиққан киши куфрга нисбат берилмайди. Балки адашган, фосиқ ва бидъатчи нисбати берилади. Чунки бундай кимса диннинг асосига эмас, Аҳли сунна вал-жамоанинг асосига қарши чиққан бўлади.

Ақидадаги фаръий (асосдан ажралиб чиққан) масалалар деганда юқорида айтиб ўтилган икки қисмга ҳам кирмайдиган жузъий масалалар масалан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Меърожда ўз кўзлари билан Аллоҳ таолони кўрганмилар ё кўрмаганмилар каби масалалар тушунилади. Мотуридия ва ашъария мазҳаблари орасидаги фарқли қарашлар ҳам худди шу қисмга киради.

Ақидадаги фаръий масалаларда қарама-қарши эътиқодда бўлиш туфайли адашувчи ё бидъатчи каби бирор ҳукм собит бўлмайди.

Демак, ақоид масалаларида ниҳоятда ҳаддан ошиб кетган рофизий каби айрим фирқалардан ташқари аксарият фирқалар диннинг асосига эмас, балки, Аҳли сунна вал-жамоанинг асосига қарши чиққанлар.

Машҳур ақидавий фирқалар

Юқорида баён қилинган фирқаларнинг энг машҳурлари ва ақида китобларида улар билан Аҳли сунна вал жамоа ўртасидаги баҳсларга кенгроқ ўрин ажратилгани асосан қуйидаги фирқалардир:

Хавориж фирқаси

Хавориж фирқаси “Таҳким”[18] воқеасидан кейин пайдо бўлган. Бу фирқа турли гуруҳларга бўлиниб кетган бўлиб, улардан ҳозирда “Ибозия” фирқасигина сақланиб қолган. Бу фирқа вакиллари Мағрибда ва Арабистон ярим оролининг жанубий-шарқида учрайди. Бу тоифа мўътазилий фирқасининг кўпгина дастурларини ўзлаштириб олганлар. Жумладан, яхши ва ёмон нарсалар ақл билан билинади, деб ҳисоблайдилар. Аллоҳ таоло ҳақидаги “муташобиҳ” (бир-бирига зид икки хил маъно эҳтимоли бор) хабарларни таъвил қилишга (ақл етадиган маънога ўтказишга) уринадилар, охиратда Аллоҳ таолони кўришни инкор қиладилар. Шу билан бирга, осийлар дўзахда абадий қоладилар, деган қарашлари ҳам сақланиб қолган. Ибозийлар мазкур қарашларини мўътазилийлар билан бир хил эканини инкор қилмайдилар, балки мўътазилийлар бу қарашларни биздан олишган, деб даъво қиладилар.

Хаворижларда такфир тушунчаси ва уларга уламоларнинг раддиялари

Такфир сўзи “бировни куфрга киритиш”, “Исломдан ажратиш” маъноларини англатади. Хавориж фирқаси ўзларига қарши бўлганларни кофирга чиқариб уларнинг қонларини тўкишни ҳалол санаганлар. Ўзларига қарши чиқувчиларнинг диёрларини “Дорул ҳарб” (мусулмон бўлмаган диёр)

[18] Али розияллоҳу анҳу ва Муовия розияллоҳу анҳулар ўртасидаги битим аҳди.

деб номлаганлар. Улар Али розияллоҳу анҳунинг “таҳким” ни қабул қилишини куфр деб ҳисоблаганлар. Яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тарбияларини олиб улғайган, тириклигидаёқ жаннат башорати берилган “Ашараи мубашшара” (Жаннатий экани айтилган ўн киши)дан бири бўлган зотни кофирга чиқаришган.

Ҳар бир даврда ҳам Аҳли сунна вал-жамоа уламолари “жаҳолатга қарши маърифат” билан курашга алоҳида эътибор қаратганлар. Адашган фирқаларнинг хатоларини тушунтириб, уларни тўғри йўлга солишга, мусулмонларнинг бирдамлиги-ю тинч-тотувлигини асраш йўлида жонбозлик кўрсатиб келганлар.

Али розияллоҳу анҳу ўзларига нисбатан бундай ҳукм чиқарган шоввозларнинг ғаройиб даъволарига жавоб бериш ва уларга тўғри йўлни кўрсатиш учун Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳуни элчи қилиб юборган. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу ва хавориж етакчилари ўртасида қуйидаги басҳ-мунозара бўлиб ўтган:

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу: Уни (яъни мўминлар амири Али розияллоҳу анҳуни) нимада айблайсизлар?

Хаворижлар: “Уч нарсада”.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу: “Қандай нарсалар?”

Хаворижлар: 1. Аллоҳнинг амри бўлган нарсада кишиларни ҳакам қилди. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло: ﴿ إِنِ ٱلْحُكْمُ إِلَّا لِلَّهِ ﴾ **“Ҳукм фақат Аллоҳ ихтиёридадир”**[19], деган;

2. Уришди-ю, лекин таҳқирламади ҳам, ўлжа ҳам олмади. Агар улар мўмин бўлсалар, улар билан уришиш ҳалол эмас эди. Агар улар кофир бўлсалар, улар билан уришиш ҳам, уларни таҳқирлаш ҳам ҳалол бўлган бўларди.

3. Барча мўминларнинг амири бўлишидан ўзини озод қилди. Агар у мўминларнинг амири бўлмаса, кофирларнинг амири бўлади-да, дейишди.

Абдуллоҳ ибн Аббос розяллоҳу анҳу: “Агар сизларга Аллоҳнинг китобидан ва Расулининг суннатидан сўзларингиз хато эканига далолат қиладиган далил келтирсам қайтасизларми?”.

Хаворижлар: “Нега қайтмас эканмиз?”.

Абдуллоҳ ибн Аббос розяллоҳу анҳу: “Аллоҳнинг амрида кишиларнинг ҳукм қилишига келадиган бўлсак, Аллоҳ таолонинг Ўзи китобида шундай деган:

﴿ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لَا تَقْتُلُواْ ٱلصَّيْدَ وَأَنتُمْ حُرُمٌ ۚ وَمَن قَتَلَهُۥ مِنكُم مُّتَعَمِّدًا فَجَزَآءٌ مِّثْلُ مَا قَتَلَ مِنَ ٱلنَّعَمِ يَحْكُمُ بِهِۦ ذَوَا عَدْلٍ مِّنكُمْ ﴾

[19] Юсуф сураси, 40-оят.

“Эй иймон келтирганлар! Эҳромда бўла туриб, овни ўлдирмангиз! Сизлардан кимки уни қасддан ўлдирса, (жазоси) **худди** (хонаки) **ҳайвон ўлдириш билан баробар жазодир: у** (ҳам бўлса) **Каъбага** (юриб) **бора оладиган қурбонлик бўлиб, унга ўзларингиздан икки адолатли киши ҳакамлик қилур”[20].**

Бошқа бир оятда эр-хотин ҳақида:

﴿ وَإِنْ خِفْتُمْ شِقَاقَ بَيْنِهِمَا فَٱبْعَثُوا۟ حَكَمًا مِّنْ أَهْلِهِۦ وَحَكَمًا مِّنْ أَهْلِهَآ إِن يُرِيدَآ إِصْلَٰحًا يُوَفِّقِ ٱللَّهُ بَيْنَهُمَآ ﴾

“Агар улар (эр-хотин)**нинг оралари бузилиб кетишидан қўрқсангиз, эр оиласидан бир ҳакам, хотин оиласидан бир ҳакам юборингиз. Агар** (эр-хотин) **ислоҳни хоҳласалар, Аллоҳ ўрталарини мувофиқлаштиргай”[21],** деган. Демак, Аллоҳ таоло ҳакамликни кишиларга топширган. Сизлардан Аллоҳ ҳаққи билан сўрайман айтинглар-чи, мусулмонларнинг қони ва ораларидаги ислоҳ тўғрисида кишиларнинг ҳакам бўлишлари афзалми ёки нархи тўрт дирҳам бўлган қуён тўғрисида ва хотин билан яшаш тўғрисида ҳакам бўлишлари афзалми?”.

Хаворижлар: “Йўқ, албатта, бу афзал”.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу: “Сизларни бу фикрдан қайтардимми?”.

Хаворижлар: “Ҳа, албатта”.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу: “Сизларнинг уришди-ю, таҳқирламади ҳам, ўлжа ҳам олмади, деган сўзларингизга келадиган бўлсак, оналарингиз Оишани таҳқирламоқчи эдиларингизми? Агар онамиз эмас, десаларингиз кофир бўласизлар. (агар онамиз десангиз қилаётган иддаоингизни ўзингиз инкор қилган бўласиз). Сизлар иккита залолат орасида тараддудланиб қолгансизлар. Энди сизларни бу фикрдан қайтардимми?”.

Хаворижлар: “Ҳа, албатта”.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу: “Барча мўминларнинг амири бўлишидан ўзини озод қилди, деган сўзларингизга келадиган бўлсак, сизлар рози бўладиган бир нарсани айтаман. Аллоҳнинг Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳудайбия кунида Суҳайл ибн Амр билан сулҳ тузганда: эй Али, бу Аллоҳнинг элчиси Муҳаммад сулҳ тузган нарсалар, деб ёз, дегандилар. Шунда Суҳайл ибн Амр: сени Аллоҳнинг элчиси деб билмаймиз. Агар сени Аллоҳнинг элчиси деб билганимизда сен билан урушмас эдик, деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: Эй, Аллоҳим, сенинг элчинг эканимни Ўзинг биласан, дедиларда: Эй Али (ёзганингни) ўчириб: “Бу Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ҳамда Суҳайл ибн Амр сулҳ тузган нарсалар” деб ёзгин, – дедилар...”.

---

[20] Моида сураси, 95-оят.
[21] Нисо сураси, 35-оят.

Ушбу жавобдан сўнг икки мингдан зиёд кишилар хаворижликдан қайтган эдилар.

Ҳозирги кунимизда ҳам замонамизнинг юздан ортиқ энг мўътабар уламолари “замонавий хаворижлар”га худди шу услубда “очиқ хат” билан мурожаат қилдилар. Кошки эди булар ҳам бор ҳақиқатни англаб етиб, тўғри йўлга қайтсалар...

Устоз Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ “Очиқ хат” асарларида мусулмонлар орасидаги нохушликларнинг бош сабаблари ва уларни бартараф қилиш чора тадбирлари ҳақида батафсил баён қилган.

Шиа фирқаси

“Шиа” сўзи “тарафкаш” маъносини англатади. Шиалар дастлаб Усмон розияллоҳу анҳунинг халифаликлари сўнгида юзага келган фирқа ҳисобланади. Шиаларнинг ўзлари ҳам жуда кўплаб фирқаларга бўлиниб кетган бўлиб, ҳозирги кунда уларнинг учта энг катта асосий фирқаси бор:

1. Исмоилия фирқаси. Исмоилия фирқаси Исмоил ибн Жаъфар Содиққа мансуб бўлиб, шиаларнинг энг катта фирқаларидан бири ҳисобланади. Бу фирқа вакиллари бир қанча нотўғри ғояларни илгари суришган:

– Шариат жаҳолат билан кирланиб, залолат билан аралашиб кетган, уни ювиб тозалаш фақат фалсафа билан бўлади;

– Ақл тўғри топиши ҳам, хато қилиши ҳам мумкин. Шунинг учун дин ишида унга суяниб бўлмайди. Ақлнинг ёлғиз ўзи Аллоҳ таолони танишга ожизлик қилгани учун бу ишда бошқа бир масдарга суяниш лозим бўлади. У масдар маъсум муаллим, яъни исмоилий имомдир. Аллоҳ таолони танишга, дин ҳукмларини англашга ёлғиз йўл мана шудир;

– Аллоҳ таолони бор ҳам демаймиз, йўқ ҳам демаймиз, олим ҳам демаймиз, жоҳил ҳам демаймиз, қодир ҳам демаймиз ожиз ҳам демаймиз... Чунки Аллоҳ таолонинг сифатлари ҳақиқий исбот қилинса, У зот билан бошқа мавжудотлар орасида шериклик тақозо қилиниб қолади.

2. Иснаашария фирқаси. Бу фирқа шиаларнинг энг катта фирқаларидан бири бўлиб “Зайдия” ва “Исмоилия” фирқалари билан имомларнинг ададида ихтилоф қилмайди. Бу фирқанинг эътиқоди бўйича ўн иккинчи имомлари ҳижрий 260 йилда ғойиб бўлган. У бир куни қайтиб келади ва ер юзини адолатга тўлдиради. Иснаашария фирқасининг эътиқодига кўра, имомлик пайғамбарлик ишларини давом эттириш ҳисобланади. Шунинг учун имомни Аллоҳ таоло пайғамбарнинг тили билан баён қилган бўлиши керак ёки олдинги имом тайинлаган бўлиши керак, деб ҳисоблайдилар. Бу фирқа дин ҳукмларини фақат имом орқали билиш мумкин деб ҳисоблаганидан имомда бир қанча сифатлар бўлишини шарт қилиб қўйганлар:

– Илм. Яъни имом илмли бўлиши шарт. Бундан ташқари шижоат, иффат, тўғрисўзлик ва сахийлик сингари ўз асрининг энг афзали бўлиши учун лозим бўлган сифатлар бўлиши шарт. Агар ўз асрида ундан афзал киши бўладиган бўлса, имомлик тўғри бўлмайди. Ҳар бир асрда фақат битта имом бўлади. Мазкур сифатлар ичида энг муҳими илм сифати ҳисобланади. Чунки имом

илмни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан, ё ўзидан олдинги имомдан қабул қилиб олган ёки унга илҳом қилинган бўлади. Унинг илми бошқалардек таълим олиш билан ҳосил бўлмайди.

– Исмат. Яъни имом Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам сингари барча зоҳирий ва ботиний ёмон ишларни қасддан қилишдан ҳам, билмасдан қилишдан ҳам маъсум бўлиши керак. Бу маъсумлик унинг гўдаклигидан то вафот этгунча бўлиши лозим. Чунки имом шариатни ва унинг ҳукмларини англаш йўлини сақловчи шахсдир. Агар унда хато камчиликлар бўлиши жоиз бўлса, унинг хатоси туфайли бутун уммат залолатга кетиб қолади.

– Кароматлари зоҳир бўлиши керак. Яъни бу имомнинг ҳақиқий имом эканига далолат қиладиган кароматлари бўлиши керак. Чунки баъзи вақтларда халойиқ фақат ўша кароматлари орқалигина унинг имомлигини қабул қилишлари мумкин. Ана ўшанда одамлар унинг Аллоҳ томонидан тайинланган имом эканини англайдилар.

Иснаашария фирқаси эътиқод қиладиган имомлар:

1. Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу;
2. Ҳасан ибн Али розияллоҳу анҳу;
3. Ҳусайн ибн Али розияллоҳу анҳу;
4. Али Зайнул Обидин ибн Ҳусайн;
5. Муҳаммад Боқир ибн Али Зайнул Обидин;
6. Жаъфар Содиқ ибн Муҳаммад Боқир;
7. Мусо Козим ибн Жаъфар Содиқ;
8. Али Ризо ибн Мусо Козим;
9. Муҳаммад Жавод ибн Али Ризо;
10. Али Ҳодий ибн Муҳаммад Жавод;
11. Ҳасан Аскарий ибн Али Ҳодий;
12. Муҳаммад Маҳдий ибн Ҳасан Аскарий.

Исноашария фирқаси вакиллари ушбу ўн иккинчи имом Муҳаммад Маҳдий ибн Ҳасан Аскарийни бир куни қайтиб келади, деб эътиқод қиладилар.

3. Зайдия фирқаси. Бу фирқа шиаларнинг энг катта фирқаларидан бири бўлиб, ҳозирги кунгача сақланиб келмоқда. Бу фирқа Зайд ибн Зайнул Обидиннинг нотўғри қарашларига кўра шакллангани учун ушбу ном билан аталган. Зайд: “Али барча саҳобалардан афзал бўлган, лекин саҳобалар ўз маслаҳатларига ва диний қоидаларга кўра, имомликни Абу Бакрга топширганлар”, деган даъвони қилган. Зайдия фирқаси имомлар ҳақида қуйидагича эътиқодда бўлганлар:

– Ўзидан афзал киши бўла туриб, афзал бўлмаган киши ҳам имом бўлиши жоиз;

– Саҳобалар атайлаб хилоф ишни қилмаганлар. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам имомликка Али розияллоҳу анҳунинг сифатини айтиб ишора қилганлар, шахсини айтмаганлар;

– Имом Али ва Фотима розияллоҳу анҳумоларга мансуб зоҳид, шижоатли, ўзига эргашишга чақирувчи, амру маъруф қилиб, наҳий мункар қилувчи бўлиши керак;

– Агар зарурат бўлса бир-биридан узоқ икки ўлкада икки имом бўлиши жоиздир. Имом маъсум бўлиши шарт эмас.

Адл ва тавҳид масалаларида мўътазила фирқасининг қарашларини ўзлаштирганлар.

Мўътазила фирқаси

Мўътазила фирқаси тобеинлар даврида пайдо бўлган ва ўзларининг ақидавий қарашларини ишлаб чиққан фирқа ҳисобланади. Бу фирқанинг асосчилари Восил ибн Ато ва Амр ибн Убайд исмли шахслар бўлган. Ақидавий қарашларини ишлаб чиқишда ақлга суянганлар. Кўпроқ юнон фалсафасидан таъсирланганлар. Мўътазила фирқаси Исмоилия фирқаси сингари ҳаддан ошиб кетмаган. Имомлик масаласида Аҳли сунна вал-жамоага хилоф қилмаган. Мўътазилийларнинг бешта асосий қоидалари бўлган:

1. Адл;

2. Тавҳид;

3. Ваъда ва таҳдид;

4. Икки манзил орасидаги манзил;

5. Яхши ишларга буюриш ва ёмон ишлардан қайтариш.

Мўътазила фирқасининг бошқа фирқалардан ажралиб турадиган жиҳати шуки бу фирқа шиа ё хаворижларга ўхшаган сиёсий фирқа бўлмаган.

Ҳашвия фирқаси

Ҳашвия фирқасини муайян бир фирқа дейиш ҳам қийин. Чунки улар шаръий далилларни яхши тушунмайдиган турли гуруҳлар бўлишган. Ҳашвия фирқаси Қуръон ва суннатда келган зоҳири Аллоҳ таолонинг махлуқотларга ўхшаш эканига далолат қиладиган далилларни айнан ўшандай деб эътиқод қилишга уринадиган фирқа бўлган. Бу фирқа турли хато қарашлари туфайли “ҳашвия” деб номланиб қолган. Аслида حَشْوٌ калимаси “бир нарсанинг ичига тиқилган нарса” маъносини англатади. Ушбу фирқанинг бундай номланиши ҳақида уч хил қараш бор:

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган ҳадисларнинг ичига у зот айтмаган сўзларни киритиб қўйишгани учун “ҳашвийлар”деб номланган.

2. Улуғ тобеинлардан бири Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳнинг дарс ҳалқаларига авом ровийлардан бир гуруҳ инсонлар келиб, у зотнинг ҳузурларида яроқсиз гапларни гапиришган. Шунда у зот: رُدُّوا هَؤُلاءِ إِلَى حَشَا الْحَلْقَةِ яъни “анавиларни дарс ҳалқасининг ичига қайтариб қўйинглар”, деган. Шу сабабли улар “ҳашвийлар” деб номланган.

3. Бу фирқа Аллоҳ таоло ҳақида فِي حَشْوِ الْعَالَمِ яъни, “оламнинг ичида” деганлари учун “ҳашвийлар” деб номланиб қолишган.

Зоҳирия мазҳаб

Зоҳирия мазҳаби дастлаб фақиҳ Довуд ибн Али[22]томонидан шакллантирилган бўлиб, кейинчалик Ибн Ҳазм Андалусий[23] томонидан ривожлантирилган. Зоҳирия мазҳаби ақидада ҳам, фиқҳда ҳам алоҳида мазҳаб деб қаралади. Ибн Ҳазм раҳматуллоҳи алайҳ ақлни мутлақо инкор қилмаган. Балки шаръий ҳукмни фақатгина ақл яхши санагани жиҳатидан қабул қилишни инкор қилган. Ибн Ҳазм ﴿ٱلرَّحۡمَٰنُ عَلَى ٱلۡعَرۡشِ ٱسۡتَوَىٰ ٥﴾ оятидаги استوي калимасининг маъноси ҳақидаги баҳсларда унга اسْتَوَلَى маъносини беришни ҳам, маконга жойлашиш маъносида тушунишни ҳам инкор қилган. Балки унга Аллоҳ таолонинг Аршга қилган феъли маъносини берган. Яъни Аллоҳ таоло махлуқотларини Аршда интиҳосига етказган. Аршдан юқорида бирор махлуқот йўқ маъноси тушунилади, – деган.

Мазкур даврларда Аҳли сунна вал-жамоанинг эътиқодига зид даъволар билан ундан ажралиб чиққанлар асосан, ушбу фирқалар бўлган.

Аҳли сунна вал-жамоанинг икки ақидавий мазҳаби

Мазкур фирқаларнинг нотўғри қарашлари жиддий тус олиб, жамият вакиллари орасида уларнинг зарарлари кўзга ташлана бошлаганидан сўнг Аҳли сунна вал-жамоа уламолари бу “ақллилар”нинг даъволарига жавоб бериш зарурлигини ҳис қилганлар ва эътиқод мусаффолиги йўлида курашга бел боғлаганлар. Бу курашда Аҳли сунна вал-жамоанинг барча уламолари ўзларининг соҳалари бўйича жонбозлик кўрсатганлар.

Уламолар мазкур фирқаларнинг даъволари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига ва саҳобаи киромларнинг тутган йўлларига зид эканини исботлаб асарлар таълиф этганлар. Ана шу асарларда тўғри йўлда собитқадам бўлиб келаётганларни “Аҳли сунна вал-жамоа” (суннат ва жамоага эргашувчилар) деб атаганлар. Бундай номлашдан булардан бошқалар “бидъат ва фирқаланишга эргашувчилар” деган маънони назарда тутганлар.

Мазкур фирқаларга қарши курашда икки улуғ имом Аҳли сунна вал-жамоанинг дастурига асос солишган. Бу зотлар Имом Абул Ҳасан Ашъарий ва Имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳлардир. Имом Абул Ҳасан Ашъарий ўша пайтдаги аббосийлар давлатининг маркази бўлган Бағдодда фаолият юритган бўлса, Имом Мотуридий Мовароуннаҳрда сомонийлар давлатида фаолият юритган.

Шу боис баъзи уламолар: “Аҳли сунна вал-жамоа” деганда асосан мотуридийлар ва ашъарийлар тушунилади”, - деганлар.

---

[22] Довуд ибн Али ҳижрий 202 йилда туғилган.
[23] Ибн Ҳазм Андалусий ҳижрий 456 йилда вафот этган.

Имом Ашъарий ва ашъария мазҳаби

Ашъария мазҳаби имом Ашъарий раҳматуллоҳи алайҳ асос солган ақидавий мазҳаб бўлиб, мўътазила фирқасининг нотўғри қарашлари кенг тарқалган бир пайтда шаклланган мазҳаб ҳисобланади.

Ашъария мазҳаби асосчиси бўлган имом Абулҳасан Ашъарий раҳматуллоҳи алайҳнинг исми шарифи Али ибн Исмоил ибн Абу Бишр Исҳоқ ибн Солим бўлиб, ҳижрий 260 йилда Басрада туғилган. Абулҳасан Ашъарий раҳматуллоҳи алайҳнинг насаби машҳур саҳобий Абу Мусо Ашъарийга бориб тақалади.

Имом Ашъарий қирқ ёшигача мўътазила мазҳабида юриб, ҳатто бу мазҳабнинг энг катта имомларидан бирига айланганидан сўнг Аллоҳ таоло бу зотни тўғри йўлга ҳидоят қилган. Абу Бакр ибн Фурак: “Абул Ҳасан Ашъарий ҳижрий 300 йилда мўътазилийликни тарк қилиб, аҳли суннага қайтган”[24], – деган. Шунинг учун ҳам уламолар: “Мўътазилийлар Имом Ашъарий улар сафида бўлган пайтларда гердайиб юришган, бу зот уларга қарши майдонга тушганда, мўътазилийларга “сичқоннинг ини минг танга” бўлиб кетган” маънодаги гапларни айтганлар.

Машҳур ватандошларимиздан бири Имом Абу Бакр Қаффол Шоший[25] ҳам Имом Ашъарийнинг машҳур шогирдларидан бири ҳисобланади.

Имом Ашъарий кўплаб асарлар таълиф этган бўлиб, уларнинг энг машҳурлари қуйидаги асарлардир:

- “Ибона ан усулид диёна” (диний эътиқод аслларини баён қилиш);
- “Лумаъ” (ёғдулар);
- “Мақолатул исломиййин ва ихтилофул мусоллийн” (Исломга мансуб кишиларнинг гаплари ва намозхонларнинг ихтилофлари).

  Баъзи уламолардан Имом Ашъарийнинг юздан ортиқ асар ёзиб қолдиргани нақл қилинган.

Имом Ашъарий раҳматуллоҳи алайҳнинг қачон вафот этгани ҳақида икки хил ривоят бор:

1. Ҳижрий 324 йилда;
2. Ҳижрий 330 йилдан кейин.

Ашъария мазҳаби ривожланишини икки даврга бўлиш мумкин:

1. Биринчи давр имом Ашъарий томонидан илк шаклланишидан то “Тамҳид” ва бошқа кўплаб китоблар соҳиби шайх Боқиллонийгача[26] бўлган давр. Бу давр Ашъария мазҳаби файласуфлар ва мўътазилийларга қарши қаттиқ курашган, шаръий далилларни таъвил қилишга деярли ўтилмаган давр бўлган;
2. Иккинчи давр “Таъвил” китоби соҳиби Ибн Фурак Асбаҳонийдан[27] “Милал ван-ниҳал” ва бошқа кўплаб китоблар соҳиби Абул Фатҳ Шаҳристонийгача[28] бўлган давр. Бу давр ашъария мазҳаби “таъвил”га

---

[24] Имом Абуҳасан Али ибн Исмоил Ашъарий. Ибона ан усулид диёна. – Риёз: “Мактабатул муайяд”, тўртинчи нашр 1413ҳ. – Б. 10.
[25] Қаффол Шоший ҳижрий 366 йилда вафот этган.
[26] Боқиллоний ҳижрий 403 йилда вафот этган.
[27] Ибн Фурак Асбаҳоний ҳижрий 406 йилда вафот этган.
[28] Абул Фатҳ Шаҳристоний ҳижрий 548 йилда вафот этган.

қаттиқ киришган, баъзи фалсафий фикрларни ва мантиқий қарашларни ўзлаштирган давр ҳисобланади. Ушбу даврлар оралиғида Имомул Ҳарамайн Жувайний[29], Ҳужжатул Ислом Имом Ғаззолий[30] каби зотлар ашъария мазҳабининг ривожланишига ҳисса қўшганлар.

Имом Мотуридий ва мотуридия мазҳаби

Мотуридия мазҳаби асосичиси бўлган улуғ бобомизнинг исми шарифи Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Абу Мансур Мотуридий Самарқандий Ансорий бўлган. Камолиддин Баёзийнинг таҳқиқига кўра Имом Мотуридийнинг насаби машҳур саҳобий Абу Аййуб Ансорийга бориб тақалади. Шунинг учун у зотга “Ансорий” нисбати ҳам берилган.

Имом Мотуридийнинг туғилган йили аниқ маълум эмас. Манбаларни солиштириб чиққан уламолар имом Мотуридийнинг устозларидан бири бўлган Муҳаммад ибн Муқотил Розийнинг ҳижрий 248 йилда вафот этганига кўра, бу зотнинг туғилиши ҳижрий 240 йиллар атрофига тўғри келишини айтишган.

Аҳли сунна вал-жамоанинг имоми бўлган ушбу зотнинг туғилган йили бу қадар ноаниқ бўлиши, ҳатто вафот этган йилида ҳам ихтилофлар борлиги тўғрисида кўплаб сабаблар айтилган. Мазкур сабабларнинг энг асосийси бу зотнинг ўша пайтдаги аббосийлар давлати маркази бўлган Бағдоддан узоқда сомонийлар давлатида яшаганлари ҳисобланади.

Имом Мотуридийнинг устозлари

Имом Мотуридий кўплаб устозлардан таълим олган бўлиб, уларнинг машҳурлари қуйидаги зотлардир:

1. Имом Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ Жузжоний;
2. Имом Абу Наср Аҳмад ибн Аббос Иёзий;
3. Нусайр ибн Яҳё Балхий;
4. Муҳаммад ибн Муқотил Розий ва бошқалар.

Ушбу тўртта устоз имом Мотуридийни имом Абу Ҳанифагача бўлган санадини боғловчи устозлар ҳисобланади. Чунки мазкур Аҳмад Жузжоний, Иёзий ва Балхийлар 200 ҳижрий санада вафот этган Абу Сулаймон Мусо Жузжонийнинг шогирдларидир. Бу зот эса Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммадларнинг шогирди бўлган. Демак шунга кўра ҳанафия мазҳаби имом Мотуридийга қуйидаги санад билан етиб келган:

– Имом Абу Ҳанифа;
– Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад;
– Абу Сулаймон Мусо Жузжоний;
– Аҳмад Жузжоний, Иёзий ва Балхий;
– Мотуридий.

Имом Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳ фиқҳда имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ мазҳабларида бўлганидек, ақидада ҳам у зотга эргашган.

---

[29] Имомул Ҳарамайн Жувайний ҳижрий 478 йилда вафот этган.
[30] Имом Ғаззолий ҳижрий 505 йилда вафот этган.

Шунинг учун ҳам баъзи асарларда мотуридия мазҳабидагиларни ҳанафийлар деб ҳам аталади.

Имом Мотуридийнинг шогирдлари

Имом Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳ кўплаб шогирдлар етиштирган бўлиб, уларнинг энг машҳурларидан айримлари қуйидаги зотлардир:

– Абулқосим Исҳоқ ибн Муҳаммад. Бу зот Ҳаким Самарқандий номи билан машҳур бўлган. Самарқандда қозилик лавозимида ишлаган. “Соҳаифул илаҳия” (Илоҳий саҳифалар), “Саводул аъзам” (Улкан жамоат), “Родду ала асҳабил ҳава” (Нафсу ҳавога эргашганларга раддия) каби кўплаб асарлар ёзиб қолдирган. Ҳижрий 345 йилда вафот этган;

– Имом Абулҳасан Али ибн Саъийд Рустуғфаний. “Иршадул мубтадий” (Йўл бошидаги кишини мақсадга йўллаш), “Заваид ва фаваид фи анваил улум” (Турли илмлардаги қўшимчалар ва фойдалар) каби кўплаб асарлар ёзган. Ҳижрий 350 йили вафот этган;

– Абу Лайс Наср ибн Муҳаммд Самарқандий. Бу зот тафсир, ақоид, фиқҳ, ва тасаввуфга оид ўндан ортиқ китоблар ёзган. Ҳижрий 373 йилда вафот этган;

– Имом Абу Муҳаммад Абдулкарим Паздавий. Пазда Насаф шаҳри яқинидаги қишлоқ бўлиб, шу қишлоққа нисбатан бу зотга Паздавий деб нисбат берилган. Паздавий фиқҳ илмида пешқадам бўлган. Зотан, бу зот машҳур фақиҳлар сулоласининг вакили ҳисобланади. Ҳижрий 390 йилда вафот этган. Бу зотнинг зурриётларидан Абулюср Паздавий каби мотуридия мазҳабининг етук намоёндалари етишиб чиққан.

Имом Мотуридийнинг асарлари

Уламолар Имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳни шаръий илмларнинг учта йўналиши бўйича асарлар таълиф этганини баён қилганлар:

1. Тафсир;
2. Усулул фиқҳ;
3. Ақоид.

Тафсир йўналиши бўйича “Таъвийлоту аҳли сунна” (Аҳли суннанинг тушунтиришлари) тафсирини ёзган. Бу тафсир Аҳли сунна вал– жамоанинг Қуръон оятлари тафсиридаги қарашлари тўғри эканини исботлаш билан бирга, адашган фирқаларнинг нотўғри қарашларини ҳам очиб берувчи мўътабар асар ҳисобланади.

Усулул фиқҳ йўналиши бўйича “Маъхозуш шароиъ” (шарий ҳукмлар манбаси) ва “Жадал” (илмий баҳслар) китобларини ёзган. Ушбу икки китоб ҳанафия мазҳабидаги қоидалар ва улардан келиб чиқадиган ҳукмларни жамлаган асарлар, деб васф қилинган. Зеро бу китоблар ҳижрий бешинчи асргача усулул фиқҳ бўйича мурожаат қилинадиган асосий манбалар бўлган. Кейинчалик эса ушбу йўналиш бўйича ёзилган асарларнинг асоси бўлиб хизмат қилган. Уламолар бу икки китобнинг бизгача етиб келмаганини афсус билан ёдга оладилар.

Имом Мотуридий роҳматуллоҳи алайҳ ақоид йўналиши бўйича кўплаб асарлар ёзган. Бу асарларни ўрганиб чиққан уламолар уларни умумий уч қисмга ажратганлар:

а) Мақолалар;

б) Раддиялар;

в) Аллоҳ таолога иймон келтириш асослари.

Мақолалар

Аслида Имом Мотуридийдан олдин ҳам бир қанча “Мақолот” (мақолалар) китоблари ёзилган ва уларда асосан, Ислом динига мансуб турли фирқаларнинг қарашлари жамланган. Имом Мотуридийнинг “Мақолот” (Мақолалар) асарининг қўлёзма нусхаси ҳозирда Истанбулдаги “Куприлий” кутубхонасида 856 рақам остида сақланмоқда.

Раддиялар

Ақоид уламолари ёзган асарларида фақатгина адашган фирқаларнинг қарашларини келтириб “бу нотўғри” дейиш билан чекланмаганлар. Балки мазкур қарашларга бирма-бир нақлий ва ақлий далиллар асосида раддиялар қилганлар. Бу раддияларда Аҳли сунна вал-жамоанинг қарашлари тўғрилигини исботлаш билан бирга адашган фирқаларнинг хатога йўл қўйган жойларини ҳам баён қилганлар.

Имом Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳ “Баяну ваҳмил мўътазила” (Мўътазилий фирқасининг нотўғри тасаввури баёни), “Родду алал қаромита” (Қарматийларга раддия) каби адашган фирқаларнинг умумий қарашларидаги хатоларни баён қилувчи кўплаб асарлар ёзган.

Имом Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳнинг қилган энг улкан хизмати Аҳли сунна вал–жамоага қарши чиққан фирқаларнинг даъволарига умумий раддия қилишдан ташқари уларга батафсил раддиялар қилганидир. Яъни бу зот ўша пайтларда омма мусулмонларга ташвиш туғдириб турган мўътазилий етакчиларининг асарларига бирма-бир раддиялар ёзиб, уларни “очиқ майдон”да мағлуб қилган. Бунга у зотнинг қуйидаги асарлари яққол далилдир:

– Абу Муҳаммад Боҳилий мўътазилийнинг “Усулул хомса” (бешта асос) китобига “Родду усулил хомса” (“бешта асос” китобига раддия);

– Абулқосим Каъбий мўътазилийнинг “таҳзийбул жадал” (илмий баҳсларни ўргатиш) китобига “Родду таҳзийбил жадал” (“илмий баҳсларни ўргатиш” китобига раддия);

– Абулқосим Каъбий мўътазилийнинг “Ваъийдул фуссақ” (Фосиқларга таҳдид) китобига “Родду “Ваъийдил фуссақ” (“Фосиқларга таҳдид” китобига раддия);

– Абулқосим Каъбий мўътазилийнинг “Аваилул адилла” (Дастлабки далиллар) китобига “Родду аваилил адилла” (“дастлабки далиллар” китобига раддия) каби асарлар ёзган.

Аллоҳ таолога иймон келтириш асослари

Имом Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳ Аллоҳ таолога иймон келтириш асослари бўйича “Тавҳид” асарини ёзган. Бу асарда Аҳли сунна вал-жамоанинг ақоид борасидаги асосий қоидалари баён қилинган. Шунга кўра кейинчалик ёзилган Абул Муин Насафийнинг “Табсиротул адилла”, Умар Насафийнинг “Ақоидун Насафий” каби мотуридия мазҳаби қоидаларини баён қилувчи китоблар “Тавҳид” китоби асосида таълиф этилган асарлар ҳисобланади.

Имом Мотуридийнинг унвонлари

Имом Мотуридийга у зотни яқиндан таниган уламолар ва шогирдлари томонидан мартабаларини намоён қилувчи кўплаб номлар берилган:

– Имомул ҳуда (тўғри йўлга бошловчи);

– Имомул мутакаллимийн (калом илми олимлари пешвоси);

– Мусаҳҳиҳу ақоидил муслимийн (мусулмонларнинг ақидаларидан хатоларни даф қилувчи);

– Роису Аҳли сунна вал-жамоа (Аҳли сунна вал жамоа бошлиғи);

– Носирус сунна ва қомиул бидъа (суннатни ҳимоя қилувчи ва бидъатни бостирувчи);

– Муваттиду ақоиди аҳлис сунна (Аҳли сунна ақидалари асосчиси).

Имом Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳ ҳижрий 333 йилда тўқсон беш ёшлар атрофида Самарқандда вафот этган.

Мотуридия мазҳабининг ривожланиши

Мотуридия мазҳаби ривожланишини икки даврга бўлиш мумкин:

1. Имом Мотуридий асос солган ва Марказий Осиёга кенг тарқалган ҳамда Мовароуннаҳр уламолари шакллантирган давр;

2. Мовароуннаҳрдан ташқарида ҳам мотуридия мазҳаби уламолари тараққий эттирган давр.

Мотуридия мазҳабининг машҳур уламолари

Мотуридия мазҳабининг ривожланиб тараққий этишига жуда кўплаб уламолар хизмат қилганлар. Уларнинг айримлари қуйидаги машҳур уламолардир:

Абул Муин Насафий

Бу зотнинг исми шарифи Маймун ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Насафийдир. Абул Муин куняси билан машур бўлган. Ҳижрий 438 йилда

туғилган. Абул Муин Насафий мотуридия мазҳабининг тараққий этишига энг кўп ҳисса қўшган олимлардан ҳисобланади. Абул Муин Насафийнинг машҳур асарлари:

– “Табсиротул адиллату фи усулид дин” (“Усулуд дин”даги далилларни тушунтириш);

– “Баҳрул калом” (Калом денгизи);

– Тамҳид ликоваидит тавҳид (Тавҳид қоидаларини енгиллаштириш);

Абул Муин Насафий раҳматуллоҳи алайҳ ҳижрий 508 йилда вафот этган.

Абулюср Паздавий

Бу зотнинг исми шарифи Абулюср Муҳаммад ибн Муҳаммад Паздавийдир. Абулюср Паздавий ҳижрий 421 йилда туғилган. Самарқандда қози бўлган. Мартабаси юқори бўлганидан Қози Содр номи билан аталган. Абулюср Паздавийнинг машҳур асарлари:

– “Усулуд дин” (Диннинг асослари). Бу китоб Имом Мотуридийнинг “Тавҳид” китобини енгил услубда тушунтириш учун ёзилган;

– “Мураттоб” (Янгиланган). Бу китоб Имом Муҳаммаднинг “Жомиус соғир” китобига ҳошия қилиб ёзилган;

– “Воқеот” (Воқеалар);

– “Мабсут” (Батафсил баён). Ушбу охирги икки китоб ҳам фиқҳ илмига тааллуқли бўлган.

Абулюср Паздавий раҳматуллоҳи алайҳ ҳижрий 493 йилда Бухорода вафот этган.

Абу Ҳафс Нажмиддин Умар Насафий

Бу зотнинг исми шарифи Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Али ибн Луқмон Насафий Самарқандийдир. Ҳижрий 461 йилда Насаф шаҳрида таваллуд топган. Бу зот тафсир, ҳадис, фиқҳ, усул, тарих, наҳв каби кўплаб илмлар бўйича етук олим бўлиб, “Имомус сақолайн” номи билан машҳур бўлган. Имом Насафийнинг машҳур асарлари:

– “Назму жомеис сағир фи фиқҳил ҳанафий” (Ҳанафий фиқҳи ҳақидаги – “Жомиъус сағир”нинг назмий баёни);

– “Қанд фи уламаи Самарқанд” (Самарқанд уламолари ҳақида “қанд”) яъни қанддек ширин китоб;

– “Тариху Бухоро” (Бухоро тарихи);

– “Тилбатут талаба” (Талабалар излаган маълумотлар);

– “Хосоисул луғат” (Луғат хусусиятлари);

– “Манзуматул хилофиёт” (Мунозаралар ҳақидаги манзума). Сирожиддин Ўший шу китобга шарҳ ёзган.

Умар Насафий юзга яқин асарлар ёзиб қолдирган.

Умар Насафий раҳматуллоҳи алайҳ ҳижрий 537 йилда Самарқандда вафот этган ва Чокардиза қабристонига имом Абу Мансур Мотуридий ёнига дафн этилган.

Нуриддин Собуний Бухорий

Бу зотнинг исми шарифи Нуриддин Аҳмад ибн Абу Бакр Собуний Бухорий бўлиб, туғилган йили аниқ маълум эмас. Совун таёрлаш ёки уни сотиш билан шуғуллангани учун Собуний нисбати берилган. Нуриддин Собунийнинг машҳур асарлари:

– “Бидая фи усулид дин” (“Усулид дин”га киришиш);

– “Ҳидоя фи илмил калом” (Калом илмидаги тўғри йўлга бошлаш);

– “Кифоя фил ҳидоя” (Тўғри йўл топиш ҳақида етарли “калом”).

Нуриддин Собуний раҳматуллоҳи алайҳ ҳижрий 580 йилда Бухорода вафот этган.

Камол ибн Ҳумом

Бу зотнинг исми шарифи Муҳаммад ибн Абдулвоҳид ибн Абдулҳамиддир. Бу зот Камол ибн Ҳумом номи билан машҳур бўлган. Камол ибн Ҳумом ҳижрий 788 йилда Румнинг Сивас шаҳрида туғилган. Шунинг учун бу зотга Сивасий нисбаси ҳам берилган. Ибн Ҳумомнинг машҳур асарлари:

– “Фатҳул қадир лиложизил фақир” (Мен ожиз фақирга Ал-Қодир зотнинг фазлу марҳамати). Ушбу китоб Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарига ёзилган энг машҳур шарҳлардан бири ҳисобланади. Аммо муаллиф бу шарҳни охирига етказишга улгурмаган. Чунки “Ваколат китоби”га етганда вафот этган. Кейинчалик Аллома Қозизода[31] бу шарҳни ниҳоясига етказиб қўйган ва “Натаижул афкор фи кашфир румуз вал асрор” (Ишоралар ва ички маъноларни очишдаги хулосавий фикрлар) деб номлаган.

– “Мусаяро фи ақоиди мунжия фи охира” (Охиратда нажот топишга сабаб бўладиган ақидаларга мувофиқ бўлиш). Бу китобнинг иккита шарҳи машҳур:

1. Зайниддин Қосим ибн Қутлубуғо ҳанафий[32] “Ҳошияту ала “Мусаяро” (“Мусаяро”га ҳошия);

2. Камолиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аби Шариф шофеъий[33] “Мусамаро фи шарҳи Мусаяро” (“Мусаяро” шарҳидаги суҳбатлар) шарҳини ёзган.

– “Задул фақир фил фуруъ” (Эҳтиёжманд кишининг фиқҳий масалалардаги озуқаси);

– “Рисала фил эъроби “Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи ва субҳаналлоҳил азим” (“Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи ва субҳаналлоҳил азим”нинг эъроби ҳақида рисола).

Камол ибн Ҳумом раҳматуллоҳи алайҳ ҳижрий 861 йилда Қоҳирада вафот этган[34].

---

[31] Аллома Қозизода ҳижрий 988 йилда вафот этган.

[32] Зайниддин Қосим ибн Қутлубуғо ҳанафий ҳижрий 879 йилда вафот этган.

[33] Камолиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аби Шариф шофеъий ҳижрий 905 йилда вафот этган.

[34] Турли ривоятлар ва воқеаларнинг санади аниқ бўлиши учун ровийларнинг ёки бирор воқеага алоқали кишиларнинг вафот этган саналари кўрсатиб ўтилади. Бу иш дастлаб муҳаддис уламолар томонидан йўлга қўйиладиган.

Мулла Али Қори

Бу зотнинг исми шарифи Али ибн Султонмуҳаммад бўлиб, Ҳирот шаҳрида туғилган. Туғилган йили аниқ маълум эмас. Макка шаҳрига сафар қилиб бориб умрларининг охиригача ўша ерда яшаб қолган. Шунинг учун туғилган жойи эътиборидан Ҳиравий ва асосий яшаган жойи эътиборидан Маккий нисбалари берилган. Энг машҳур қорилардан бўлгани учун Мулла Али Қори номи билан машҳур бўлган. Мулла Али Қори тафсир, ҳадис, ақоид, фиқҳ ва сийрат каби турли илм соҳаларига оид юз элликдан ортиқ асарлар таълиф этган бўлиб, уларнинг энг машҳурлари қуйидагилардир:

– “Мирқотул мафотиҳ шарҳу мишкатил масобиҳ” (“Мишкатул масобиҳ” шарҳи калитларига олиб борувчи зиналар). Бу асар Хатиб Табризийнинг ҳадис илмига оид “Мишкатул масобиҳ” (Чироқлар токчаси[35]) китобига ёзилган шарҳ бўлиб, ҳадислар ҳанафия мазҳабига кўра шарҳланган;

– “Фатҳу бабил иная фи шарҳи Нуқоя” (Нуқоя[36] шарҳи тўғрисида иноят эшигини очиш). Бу асар Содруш шариа Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Нуқоя” асарига ёзилган шарҳдир;

– “Шарҳу Шамоил” (“Шамоил”нинг шарҳи). Бу асар имом Термизийнинг “Шамоили Муҳаммадия” (Муҳаммад алайҳиссаломга хос хусусиятлар) асарига ёзилган шарҳдир;

– “Шарҳу Айнил илм (“Айнул илм” шарҳи). Бу асар Муҳаммад ибн Усмон Балхийнинг “Айнул илм ва зайнул ҳилм” (Илм булоғи ва ақл зийнати) асарига ёзилган шарҳ бўлиб, одоб-ахлоққа тааллуқли мўътабар асар ҳисобланади;

– “Зовъул маолий либадъил амолий” (“Бадъул амолий”нинг улуғворлик ёғдуси). Бу асар Сирожиддин Али ибн Усмон Ўшийнинг “Бадъул амолий” асарига ёзилган шарҳдир.

– “Минаҳул фикрия шарҳу муқаддиматил Жазария” (“Муқаддиматул Жазария”нинг шарҳи бўлган фикрий ҳадялар). Бу асар тажвид илми бўйича энг машҳур ва мўътабар асарлардан бири саналадиган имом Жазарийнинг “Муқаддиматул Жазария” асарига ёзилган шарҳдир.

– “Минаҳу ровзил азҳар шарҳу фиқҳил акбар” (“Фиқҳул акбар”нинг шарҳи ҳақида чаманзор ҳадялари). Бу асар имоми Аъзам роҳматуллоҳи алайҳнинг “Фиқҳул акбар” асарига ёзилган энг салмоқли шарҳларидан бири ҳисобланади.

Мулла Али Қори раҳматуллоҳи алайҳ ҳижрий 1014 йилда Маккада вафот этган ва Масжидул ҳаромдан унча узоқ бўлмаган “Муалло” қабристонига дафн этилган.

---

[35] “Мишкат” сўзи луғатда “Бирор нарса қўйса бўладиган девор каваги”, “чироқ қўйиладиган токча” маъноларини англатади. Муаллифнинг китобини бундай номлашининг сабабини қуйидагича тушуниш мумкин: чироқ ёқилса хонанинг барча тарафига нур таратади. Худди шунингдек ҳадиси шарифларга ҳам амал қилинса, ҳаётнинг барча тарафи нурафшон бўлади. Токча хонани ёритувчи чироқни тутиб турганидек, ушбу китоб ҳам ҳаётни нурафшон қилувчи ҳадиси шарифларни ўзида жамлаб турибди.

[36] Нуқоя луғатда “саралаш”, “танлаш” каби маъноларни англатади. “Нуқоя” китобини Убайдуллоҳ Содруш шариа ўзининг бобоси Маҳмуд ибн Содруш шариа қаламига мансуб бўлган “Виқоятур ривоя фи масаилил ҳидоя” асаридан қисқартириб саралаб олган. Бу китоб асл номи бўлган “Нуқоя”дан кўра “Мухтасарул Виқоя” (Виқоядан саралаб олинган” номи билан машҳурдир.

Мотуридия мазҳабидаги мўътабар асарлар

Мотуридия мазҳабидаги асарларни икки табақага ажратиш мумкин:

1. Имом Мотуридий “Китабут Тавҳид”, Абул Муин Насафий “Табсиротул адиллати фи усулид дин”.

Ушбу китоб мотуридия мазҳабининг шаклланишига хизмат қилган асосий асарлар ҳисобланади.

2. Абул Муин Насафий “Тамҳид лиқоваидит тавҳид”, Жамолиддин Аҳмад Ғазнавий “Китабу усулид дин”, Аллома Тафтазоний “Шарҳу ақоидин Насафия”.

Бу китоблар мотуридия мазҳабининг қоидалари жамланган мўътабар асарлар ҳисобланади.

Ақоид масалаларини ўрганиш зарурлиги эътиборидан тақсимоти

Ақоид масалаларини ўрганиш зарурлиги жиҳатидан уч қисмга ажратиш мумкин:

1. Зарурий ақоид; Ислом ақоидининг асослари бўлган Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, қадарнинг яхшиси ҳам, ёмони ҳам Аллоҳдан эканига ва ўлгандан сўнг қайта тирилишга иймон келтиришни динда кўрсатилганидек ўрганиш ҳар бир ақли расо, балоғатга етган мусулмонга фарзу айн бўлади.

2. Тўлдирувчи ақоид; фарзи айн бўлган зарурий ақоидларнинг нақлий ва ақлий тафсилотларини ўрганиш фарзи кифоя бўлади.

3. Қўшимча ақоид. Билиб қўйиш фойдадан холи бўлмайдиган, лекин билмаслик айб ҳам бўлмайдиган ақидавий масалаларни ўрганиш мубоҳ бўлади. Масалан файласуфлар ёки мўътазилийларнинг баъзи ақлий даъволари ҳақидаги баҳсларни ўрганиш.

Сўфи Оллоҳёр[37] бобомиз ақоид илмини ўрганиш зарурлигини баён қилиб шундай ёзган:

---

[37] Сўфи Оллоҳёрнинг туғилган йили аниқ маълум эмас. Турли тадқиқотчиларнинг қарашларига кўра, бу зот 1630 –1650 йиллар оралиғида Самарқанднинг Каттақўрғон беклигига қарашли Минглар қишлоғида таваллуд топган. Сўфи Оллоҳёр кўплаб илмлар бўйича етук олим ҳамда форсий ва туркий тилларда маҳорат билан ижод этган адиб ҳисобланади. Сўфи Оллоҳёрнинг турли мавзуларга оид кўплаб асарлари бўлиб, уларнинг айримлари қуйидагилардир:

1. “*Маслакул муттақин*” (Тақводорларнинг тутган йўли) ақоид ва фиқҳ илмига бағишланган;

Ақида билмаган шайтона элдир,
Агар минг йил амал деб қилса елдир.

Ушбу сўзларидан ҳар бир ақли расо, балоғатга етган мусулмон ўрганиши фарз бўлган зарурий ақоидлар кўзда тутилган.

Ақоид масалаларининг баён этилиши эътиборидан тақсимоти

Ақоид масалалари баён этилиши жиҳатидан қуйидаги тўрт қисмга бўлинади:

1. **Илоҳиёт;** бу қисмда Аллоҳ таолонинг борлиги, бу ҳақдаги ақлий ва нақлий далиллар, Аллоҳ таолонинг сифатлари, нуқсонлардан мутлоқ холи экани, қазо ва қадар, жаннатда Аллоҳ таолони кўриш каби масалалар ҳақида баҳс юритилади.

2. **Нубувват;** бу қисмда нубувват ва рисолат маънолари, ваҳий тушунчаси, пайғамбарлар, уларнинг сифатлари, мўъжизалари ва ҳоказо уларга тегишли масалалар тўғрисида баҳс қилинади.

3. **Кавниёт;** бу қисмда инсонлар, фаришталар, жинлар, борлиқдаги сабабият қонунлари ва ҳоказо борлиқдаги барча мавжуд нарсалар тўғрисида баҳс қилинади.

4. **Ғайбиёт.** Бу қисмда жуда кўплаб ҳақиқатлар тўғрисида баҳс қилинади. Уларни умумий қилиб уч қисмга ажратиш мумкин:

а) ўлимга тааллуқли бўлган баҳслар;

б) қиёмат аломатлари тўғрисидаги баҳслар;

в) қиёмат куни ва у кунда рўй берадиган воқеалар тўғрисидаги баҳслар.

---

2. "*Муродул орифийн"* (Орифлар муроди) маъносини англатувчи бу асар ҳам форс тилида таълиф этилган бўлиб, тасаввуф илмига бағишланган;

3. **"***Махзанул мутеин"* (Итоаткорлар захираси) маъносини англатувчи ушбу асар ҳам форс тилида ёзилган бўлиб, ақоид ва фиқҳ илмига бағишланган;

4. **"***Саботул ожизин*" (Ожизлар матонати) маъносини англатувчи ушбу асар ақоид илмига бағишланган бўлиб, ўзбек тилида шеърий услубда ёзилган.

Баъзи олимлар "Нажотут толибин" ва "Фавзун нажот" китобларини ҳам Сўфи Оллоҳёр ёзганини айтишган.

Сўфи Оллоҳёрнинг вафот этган йили кўпчилик тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, 1721 йилга тўғри келади. Қабри Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудида жойлашган Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманига қарашли Катта Вахшивор қишлоғидадир.

Ақоид илмидаги машҳур матнлар ва уларнинг хусусиятлари

Ақоид илми бўйича турли даврларда ўша давр талабидан келиб чиққан ҳолда кўплаб асарлар таълиф этилган. Юртимизда кенг тарқалган ва ота-боболаримиз севиб ўқиб, ундаги масалаларга эътиқод қилиб келишган энг машҳур ақоид матнлари асосан, қуйидаги асарлар ҳисобланади:

1. “Фиқҳул акбар”;
2. “Ақидатут Таҳовий”;
3. “Ақоидун Насафий”;
4. “Бадъул амолий”.

“Фиқҳул акбар”

“Фиқҳул акбар” асари мазҳаббошимиз Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг қаламига мансуб бўлиб, ақоид илмига бағишлаб ёзилган дастлабки асар ҳисобланади. Асарда ақли расо, балоғатга етган мусулмон эътиқод қилиши лозим бўлган масалалар қисқа ва лўнда баён этилган. Бу матн саҳобалар асрига энг яқин даврда ёзилгани учун ҳам, ақлий далилларга киришилмаган. Чунки бунга ортиқча эҳтиёж бўлмаган. “Фиқҳул акбар” асарига турли асрларда кўплаб шарҳлар ёзилган:

– Мулла Али Қори “Минаҳу ровзил азҳар шарҳу фиқҳил акбар”;
– Муҳйиддин Муҳаммад ибн Баҳоуддин “Қавлул фасл”;
– Абул Мунтаҳо “Шарҳу фиқҳил акбар”;
– Абдулкарим Таттон “Шарҳу фиқҳил акбар”;
– Имом Мотуридий ёки Абу Лайс Самарқандий “Шарҳу фиқҳил акбар”. Ушбу шарҳнинг айнан Абу Мансур Мотуридийга ёки у зотнинг машҳур шогирдларидан бири Абу Лайс Самарқандийга тегишли экани ҳақида ихтилоф бор.

“Фиқҳул акбар” матни мотуридия мазҳабидаги эътиқодий қарашларнинг асоси ҳисобланади.

“Ақидатут Таҳовия”

“Ақидатут Таҳовия” асари ҳанафия мазҳабидаги машҳур уламолардан бири Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳамад ибн Салама ибн Абдулмалик Таҳовий[38] раҳ матуллоҳи алайҳнинг қаламига мансуб асар ҳисобланади. Улуғ муҳаддис олим, ҳанафия мазҳабининг фақиҳларидан бири бўлган Таҳовий раҳматуллоҳи алайҳ бу асарини ақоид илмига фалсафий қарашлар аралашиб турли чигалликлар пайдо бўлган даврда ёзган. Муаллиф бу асарни ёзишда оммага фалсафий қарашлар аралашмаган Аҳли сунна вал-жамоанинг соф ақидасини баён қилиб беришни мақсад қилган.

Муаллиф ушбу матнни “Ақида” деб номлаган. Кейинчалик “Таҳовий” нисбати қўшилган ва “Ақидатут Таҳовий” номи билан машҳур бўлган.

---

[38] Имом Таҳовий ҳижрий 321-йилда вафот этган.

Имом Таҳовий ҳам, имом Мотуридий ҳам бир даврда яшаб ўтишган. Ҳатто туғилган саналари ҳам таҳқиқларга кўра бир ё икки йил фарқ бўлмаса, деярли бир йилда (Таҳовий 239, Мотуридий 240 ҳижрий йиллар атрофида) туғилган. Аммо бир-бирларидан жуда узоқда Имом Таҳовий Мисрда, Имом Мотуридий Мовароуннаҳрда ҳанафия мазҳабининг тараққий этишига хизмат қилган.

“Ақидатут Таҳовий” асари бошқа матнлардан унга энг кўп шарҳ ёзилгани билан ажралиб туради. Бу асарга ёзилган машҳур шарҳларнинг айримлари қуйидагилардир:

– Муҳаммад ибн Алоуддин Али ибн Муҳаммад ибн Абул Из Ҳанафий Дамашқий “Шарҳу ақидатит Таҳовий”;

– Абу Ҳафс Сирожиддин Умар ибн Исҳоқ Ғазнавий Ҳиндий “Шарҳу ақидати Имом Таҳовий”. Ушбу шарҳ мотуридия мазҳабига кўра ёзилган энг яхши шарҳлардан бири ҳисобланади;

– Муҳаммад Анвар Бадахшоний “Талхийсу шарҳи ақидатит Таҳовий”. Ушбу китоб Ибн Абул Из Ҳанафий ёзган шарҳдан қисқартириб олинган бўлиб, муаллиф унга баъзи зарур деб ҳисоблаган маълумотларни ҳам қўшган. Бу китобни устоз Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ ўзбек тилига таржима қилган ва 2014 йилда нашр эттирган.

“Ақоидун Насафий”

“Ақоидун Насафий” матни машҳур ватандошимиз Умар Насафий раҳматуллоҳи алайҳнинг қаламига мансуб бўлиб, мотуридия мазҳабидаги энг машҳур матнлардан бири ҳисобланади. Бу матннинг бошқа матнлардан ажралиб турадиган хусусияти бошқа матнлар дастлаб Аллоҳ таолонинг бирлиги ва Унинг сифатлари ҳақидаги баҳслар билан бошланган бўлса, бу матн дастлаб бандаларнинг маълумот олиш воситалари, оламнинг йўқдан бор қилингани ҳақидаги ақлий далиллар ва бу ақлий далиллар Яратувчи бор эканини тақозо қилиши ҳақидаги баҳслар билан бошланган.

“Ақоидун Насафий” матнига Аллома Тафтазоний ёзган “Шарҳу ақоид” асари мотуридия мазҳабидаги энг машҳур ва мўътабар асарлардан бири ҳисобланади. Ибораларининг қийинлиги билан ҳам “машҳур” бўлган бу асарга йигирмадан ортиқ шарҳлар ва ҳошиялар битилган бўлиб, уларнинг айримлари қуйидагилардир:

– Аллома Абдулазиз Фарҳорий “Ниброс ала шарҳи ақоид” (Шарҳи ақоид маъноларини ёритувчи машъала). Ушбу шарҳ “Шарҳу ақоид”нинг энг яхши шарҳларидан бири ҳисобланади;

– Рамазон ибн Муҳаммад “Ҳошияту Рамазон афанди ала шарҳи ақоид” (Шарҳу ақоидга Рамазон ҳазратнинг ҳошияси);

– Аҳмад ибн Мусо Хаёлий[39] “Ҳошияту Хаёлий ала шарҳи ақоид” (Шарҳу ақоидга Хаёлийнинг ҳошияси);

– Аллома Муҳаммад ибн Абушариф Қудсий[40] “Фароид фи ҳалли шарҳи ақоид” (Шарҳу ақоид маъноларини очишдаги бебаҳо марваридлар).

---

[39] Аҳмад ибн Мусо Хаёлий ҳижрий 860 ва 870 йиллар оралиғида вафот этган.

Жалолиддин Суютий[41] ва Мулла Али Қорилар “Шарҳу ақоид” асарида келтирилган ҳадисларни “тахрийж” (санадларини аниқлаб чиқиш) қилганлар.

“Бадъул амолий”

Ўқиётган ушбу китобимиз “Бадъул амолий” матнига ёзилган шарҳ бўлганидан бу матн ҳақида батафсил тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

“Бадъул амолий” асари мухтасар ва лўндалигига қарамай кенг қамровлилиги билан бошқа асарлардан ажралиб туради. Бу асарнинг алоҳида хусусиятларидан бири ундан Аҳли сунна вал-жамоанинг эътиқодий қарашларини ўрганиш ва доимо ёдда сақлашнинг қулай эканидир. Асар худди шу мақсадни кўзлаб назмий услубда ёзилган.

“Бадъул амолий” муаллифининг таржимаи ҳоли:

“Бадъул амолий” асари муаллифи Сирожиддин Ўший раҳматуллоҳи алайҳ мотуридия мазҳабидаги машҳур уламолардан ҳисобланади. Манбаларда Фарғоний, Ҳанафий, Мотуридий дея эътироф этилган ушбу зотнинг исми шарифи Сирожиддин Али ибн Усмон Ўший бўлиб, ўша вақтларда Фарғона ўлкасига қарашли бўлган Ўш шаҳрида ҳижрий беш юзинчи йиллар атрофида туғилган. Туғилган йили аниқ эмас. Ўший раҳматуллоҳи алайҳ кўплаб илмлар бўйича пешқадам олим бўлиб, бу зотнинг асарларида назмий услуб алоҳида ўрин тутган. Манбаларда бу зотнинг шайх, имом, қози каби унвонлари айтилган. Илм даражаларининг юқори бўлгани ёзган асарларидан ҳам билиниб туради. Бу зотнинг турли мавзуларга оид кўплаб асарлари бўлган:

1. “Фатавои Сирожия” (Сирожиддиннинг фатволари). Бу асар кўплаб фиқҳий мушкул масалаларнинг ечимига бағишланган ҳанафия мазҳабига оид муҳим китоб ҳисобланади;
2. “Ғурорул ахбар ва дурорул ашъар” (танланган хабарлар ва дурдона шеърлар). Бу асарда асосан Аллоҳнинг азобидан қўрқитиш ва раҳматидан умидвор қилиш маъносидаги турли мавзуларга оид мингта ҳадис жамланган. Бу асардаги ҳадислар “Саҳиҳул Бухорий”, “Жомеъут Термизий” ва “Фирдавсул ахбор” каби китоблардан териб олинган;
3. “Нисобул ахбар литазкиротил ахёр фи аҳадиси Набиийил мухтор” (“Ихтиёр қилинган Пайғамбарнинг ҳадислари тўғрисида” яхши кишиларга билдириш йўлидаги хабарларнинг асоси). Бу китоб “Ғурорул ахбар ва дурорул ашъар” китобининг мухтасари, яъни, ундан қисқартириб олинган китоб ҳисобланади;
4. “Савоқибул ахбар” (ўткир хабарлар);

---

[40] Аллома Муҳаммад ибн Абушариф Қудсий ҳижрий 905 йилда вафот этган.

[41] Жалолиддин Суютий ҳижрий 849 йилда Қоҳирада туғилган ва 911 йилда 63 ёшга етиб вафот этган. Имом Суютий тафсир, ҳадис, фиқҳ, балоғат каби кўплаб илмларга тааллуқли 600 (олти юз!) атрофида катта-кичик китоб ва рисолалар ёзиб қолдирган.

5. “Мухталафур ривая” (ривоятларнинг турлари). Бу китоб Абу Ҳафс Умар Насафийнинг “Манзуматул хилофиёт” (Мунозаралар ҳақидаги манзума) асари шарҳи бўлиб, ўнта бобга ажратилган. Биринчи бобда Имоми Аъзамнинг қавли, иккинчи бобда имом Абу Юсуфнинг қавли, учинчи бобда имом Муҳаммаднинг қавли, тўртинчи бобда имом Аъзам ва имом Абу Юсуфларнинг қавли, бешинчи бобда имом Аъзам ва имом Муҳаммадларнинг қавли, олтинчи бобда имом Абу Юсуф ва имом Муҳаммадларнинг қавли, еттинчи бобда барчаларининг қавли, саккизинчи бобда имом Зуфарнинг қавли, тўққизинчи бобда имом Шофеийнинг қавли ва ўнинчи бобда имом Моликнинг қавли жамланган.

Уламолар бу асарнинг байтлари икки минг олти юз олтмиш тўққизта, деганлар.

6. “Бадъул амолий” (қалбдан ёзишлар муқаддимаси). Ушбу асар “Яқулул абду” ва “Қасидатул ломия” номлари билан ҳам машҳур бўлган. “Яқулул абду” номи асарнинг биринчи байти туфайли тарқалган бўлса, мисралари лом ҳарфи билан тугалланиб ёзилгани учун “Қасидатул ломия”, яъни “Ломлик қасида” деб ҳам номланган. Асар қисқа бўлишига қарамасдан, ундаги эътиқодий масалалар мотуридия мазҳабига кўра лўнда тарзда баён этилган, кенг қамровли асар ҳисобланади. “Бадъул амолий” асари ҳижрий 569 йилда ёзиб тугалланган.

Ўший раҳматуллоҳи алайҳнинг қачон вафот этгани ҳақида икки хил машҳур қараш мавжуд:

1. Ҳижрий 569 йилда;
2. Ҳижрий 575 йилда.

Аксар уламолар Ўший раҳматуллоҳи алайҳни ҳижрий 575 йилда вабо касалига чалиниб вафот этган, дейишган.

“Бадъул амолий” асарининг турли нусхалари ва уларнинг шарҳрлари

“Бадъул амолий” асарининг турли нусхалари орасида кам бўлса-да баъзи фарқлар мавжуд. Мулла Али Қорининг “Зовъул маолий” шарҳида ҳам, “Туҳфатул аолий”да ҳам, Ҳумайдийнинг “Амолий таржимаси” асарида ҳам бир хил 68 та байт келтирилган. Абу Бакр Аҳмад Розийнинг шарҳида эса 60 та байт келтирилган. Асарнинг асосий маълумотлари 60 та байтда баён қилинган бўлиб, қолганларида ўқувчиларга насиҳатлар ва дуолар ўрин олган. Ушбу асарни таҳқиқ қилган баъзи уламолар унинг байтлари етмиш учта эканини айтганлар. Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти кутубхонасида сақланаётган ноёб қўлёзма нусха ҳам ушбу асарнинг байтлари аслида етмиш учта бўлганини тасдиқлайди. Ушбу қўлёзма нусхада “Бадъул амолий” асарининг юқорида зикр қилинган асарларда йўқ бўлган олтита матн келтирилган. Бу матнлар кириш қисмига тааллуқли бўлиб, асосан ҳамду саноларни ўз ичига олган:

إِلَهٌ مَالِكٌ مَوْلَى الْمَوَالِي لَهُ وَصْفُ التَّكَبُّرِ وَالتَّعَالِي
إِلَهٌ لَا يُنَازِعُهُ شَرِيكٌ وَيَخْلُقُ مَا يَشَاءُ بِلَا مِثَالِ
جَلِيلٌ جَلَّ عَنْ شَبَهٍ وَمِثْلٍ عَزِيزٌ عَزَّ عَنْ عَمٍّ وَخَالِ
وَأَيْقِنْ أَنَّ كُلَّ الْخَلْقِ فَانٍ وَيَبْقَى وَجْهُ رَبِّكَ ذُو الْجَلَالِ
وَبَعْدَ الْحَمْدِ وَالتَّوْحِيدِ صَلِّ عَلَى نُورٍ مُبِينٍ ذِي جَمَالِ
وَأَصْحَابٍ كِرَامٍ مُهْتَدِينَ وَأَتْبَاعٍ تَقِيٍّ قَالَ آلِ

Ушбу нусхада мазкур ҳамду сано ва салавоту саломлардан сўнг бошқа нусхаларда биринчи келган يَقُولُ الْعَبْدُ فِي بَدْءِ الأَمَالِي матни бошланган. Бу олтита матннинг нима учун кўплаб машҳур нусхаларга кирмай қолгани сабаби ҳозирча маълум эмас.

“Бадъул амолий”нинг аҳли илмларни доимо ўзига жалб қилиб келган ажойиб асар экани унга ёзилган шарҳларнинг кўплигидан ҳам билиниб туради. Саккиз юз йилдан ортиқ вақт давомида матнлари ёд олиниб, маъноларига эътиқод қилиб келинаётган ушбу асарга кўплаб шарҳлар битилган. Турли асрларда битилган шарҳларининг баъзилари қуйидагилардир:

– Халил ибн Ало Нажорий, Яманий[42] “Нафисур риёз ли иъдамил амроз” (“эътиқоддаги” касалликларни кетказиш йўлидаги кўркам чаманзорлар).

– Изуддин Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Жамоа[43], “Матлаул мисал фи ақоидил исламия ва манбаул камал фи масаилил каламия фи шарҳи қасидатил ломия” (“Ломлик қасида” шарҳидаги Ислом ақидасининг намунавий пиллапояси ва калом масалаларидаги баркамоллик манбаси). Мулла Али Қори “Зовъул маолий”да ушбу китобдан кўп иқтибос келтирган.

– Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Ғазий, Темиртоший, Ҳанафий[44] “Фаваидул марзия фи шарҳи қасидатил ломия” (“Ломлик қасида” шарҳидаги маъқулланган мазмунлар).

– Мулла Али Қори “Зовъул маолий либадъил амалий” (“Бадъул амолий”нинг улуғворлик ёғдуси). Ушбу шарҳ “Бадъул амолий”нинг энг мўътабар шарҳлардан бири бўлиб, муаллифи уни “Фиқҳул акбар”нинг шарҳини тамомлаганидан сўнг, алоҳида эҳтимом билан ёзган.

– Муҳаққиқлар гуруҳи “Туҳфатул аолий” (Улуғлар туҳфаси). Ушбу китоб баъзи муҳаққиқ олимлар томонидан Мулла Али Қорининг “Зовъул маолий” асарига ҳошия қилиб битилган. Ҳижрий 1164 йилда ёзилган.

– Ҳусайн ибн Иброҳим ибн Ҳамза ибн Холил “Лаоли фи шарҳи бадъил амоли” (“Бадъул амолий” шарҳи ҳақида дурлар).

Булардан бошқа ҳам кўплаб шарҳлар ёзилган.

---

[42] Ҳижрий 632 йилда вафот этган.
[43] Ҳижрий 819 йилда вафот этган.
[44] Ҳижрий 1004 йилда вафот этган.

“Бадъул амолий”нинг ўзбек тилидаги таржима ва шарҳлари

“Бадъул амолий” матнининг ҳозирги кунгача ўзбек тилида нашр қилинган таржима ва шарҳлари қуйидаги асарлардир:

1. Шайх Абдулазиз Мансурнинг “Ақоид матнлари” китобида “Бадъул амолий” матни сўзма-сўз таржима қилинган. Ушбу китоб 2006 йилда нашр қилинган.
2. “Бадъул амолий” матни Ҳумайдий исмли мударрис томонидан татар тилига таржима қилиниб, 1908 йилда “Амолий таржимаси” номи билан Қозон шаҳрида чоп этилган. Бу таржима эски ўзбек ёзувида битилган.
3. Муҳаммад Зоҳид Қутқу ибн Иброҳим Бурсавийнинг “Аҳли суннат вал жамоат ақоиди” китобида “Бадъул амолий” матни шарҳланган. Шарҳ Мулла Али Қорининг “Зовъул маолий” китоби асосида бўлган. Ушбу китобни таниқли шоир Мирзо Кенжабек ўзбек тилига ўгириб, 1999 йилда чоп эттирган. Мирзо Кенжабек “Бадъул амолий” матнини ўзбек тилида ҳам “л” ҳарфи билан тугаллаб ажойиб тарзда таржима қилган.
4. Шайх Назруллоҳхон эшон Ғарибий томонидан “Бадъул амолий” матни шеърий тарзда шарҳланган. Ушбу асар “Қасидаи Амолий шарҳи ва тавҳид манзумаси” номи билан 2008 йилда чоп этилган.

“Эътиқод дурдоналари” ҳақида

Ушбу “Эътиқод дурдоналари” китоби “Бадъул амолий” асарига ёзилган шарҳдир. Шарҳлашда ҳар бир мўмин киши билиши зарур бўлган маълумотларни батафсил ёритишга, уларни тўлдирувчи маълумотларнинг эса хулосасини баён қилишга ҳаракат қилинди. Китобга “Бадъул амолий”нинг ҳижрий 1164 йилда ёзилган “Туҳфатул аолий” китобидаги матн асос қилиб олинди. Эътиқодий масалаларни баён қилувчи назмий асарнинг шарҳи бўлганидан китобга “Эътиқод дурдоналари” деб ном қўйилди. Қолаверса, бундай номлашда эътиқодий масалаларнинг дурдек мусаффоларини жамлашга ҳаракат қилинганига ҳам ишора бор. Ёзишда имкон қадар содда услубда баён этиш билан биргаликда мазкур маълумотлар олинган манбаларни ҳам кўрсатиб боришга ҳаракат қилинди.

“Эътиқод дурдоналари” дастлаб 2012 йилда нашр қилинган эди. Ўтган йиллар мобайнида ўқувчиларнинг талаб, истак ва мулоҳазаларидан келиб чиқиб китоб қайта нашрга таёрланди. Китобнинг ушбу иккинчи нашрида ўқувчиларга янада фойдалироқ бўлиши учун матнларнинг маънолар таржимаси ва луғавий изоҳлари ҳам баён қилинди. Ушбу нашрда ҳам “Туҳфатул аолий” китобидаги матн асос қилиб олинган бўлса-да, уни бошқа китобларда келтирилган матнлар билан қиёслаб чиқилди ва баъзи ўринларда айрим ўзгартиришлар киритилди. Баъзи масалаларни баён қилишда янада тушунарлироқ бўлиши учун жадваллардан ҳам фойдаланилди. Машҳур ақидавий фирқалар ва улар ихтилоф қилган масалаларнинг асосий сабабларини кўрсатиб ўтишга ҳаракат қилинди. Ушбу китоб мотуридия мазҳабидаги машҳур матнлардан бирининг шарҳи

бўлганидан дастлаб Имом Мотуридий ва мотуридия мазҳаби ҳақида батафсил маълумот бериш маъқул кўрилди. Шунингдек долзарб мавзуларга бағишланган “Аллоҳ таолога нисбатан мўминнинг одоблари”, “Ирода сифати ҳақида савол жавоблар”, “Дуо ва сабабият қонунлари”, “Аллоҳ таоло макон ва тарафдан холидир” каби кўплаб мақолалар ҳам киритилди.

“Эътиқод дурдоналари”ни ёзиш жараёнида унинг ушбу илмни энди ўрганаётган ўқувчи тушуна оладиган даражада бўлиши билан бир қаторда, бу соҳанинг мутахасислари ҳам ундан “баҳра” оладиган даражада бўлишини ҳам доимо назарда тутишга ҳаракат қилинди.

Аллоҳ таолодан ушбу китобни барча ўқувчиларга манфаатли қилишини сўрайман. Ундаги сатрларда асосий мақсад тўғри ифодаланган бўлса, тўғри йўлга муваффақ қилган Роббимизга ҳамду санолар бўлсин. Агар бирор хато-нуқсонга йўл қўйилган бўлса, раҳмати чексиз меҳрибон Роббимизнинг мағфират қилишини сўрайман.

Абдулқодир Абдур Раҳим

05 шаъбон 1436 йил –23 май 2015 йил.

بسم الله الرحمن الرحيم

ТАВҲИД БАЁНИ

- يَقُولُ الْعَبْدُ فِي بَدْءِ الأَمَالِي لِتَوْحِيدٍ بِنَظْمٍ كَاللَّآلِي

Маънолар таржимаси:

Банда “имло” *(қалб ёзиш)**лар аввалида тавҳид*** *(ни баён қилиш)* ***учун дурлардек назм билан айтади:***

Назмий баёни:

Сўз бошлар имлолар бошида банда,
Дурлардек назм-ла тавҳид ҳақинда.

Луғатлар изоҳи:

يَقُولُ – قَوْلٌ масдаридан олинган музориъ феъли. Бу феъл кўпроқ талаффуз қилиш маъносида ишлатилади. Талаффуз қилинган сўзларнинг рост ёлғонлигидан қатъи назар барчасига нисбатан қўлланади.

الْعَبْدُ – луғатда “қул”, “банда” маъноларини англатади. Ундаги اَلْ маҳзуф “музофун илайҳ” дан бадалдир. Шунга кўра бу калиманинг маъноси عَبْدُ اللهِ бўлади.

فِي – зарфият маъносида келган жор ҳарфи.

بَدْءِ – “ибтидо”, “аввал”, “мақаддима” маъноларида келган.

الأَمَالِي –бу калима الإِمْلاَء нинг кўплик шакли бўлиб, “китобга қарамасдан қалбдан ёзишлар” маъносини англатади. Нозим асарини ушбу ном билан атаган.

لِتَوْحِيدٍ – لِ ҳарфи “таълил” маъносида келган. Тавҳид “яккалаш”, “ёлғизлик нисбатини бериш” маъноларини англатади. Жор мажрур يَقُولُ феълига мутааллиқдир.

بِنَظْمٍ – بِ “восита” маъносида келган жор ҳарфи. Назм луғатда “ипга терилган лаълу-маржонлар” маъносини англатади. Истилоҳда эса “*ақл тақозосига кўра маъноларини тартибли, далолатларини бир-бирига мувофиқ қилиб калима ва жумлаларни тузиш назм деб аталади*”.

كَاللَّآلِي – كَ га икки хил маъно бериш мумкин:

1. Жор ҳарфи. Бунда маҳзуф феълга мутааллиқ бўлади;
2. مِثْلُ маъносидаги исм. Бунда тааллуқ топишга ҳожат йўқ бўлади.

اللَّآلِي калимаси اللُّؤْلُؤ нинг кўплик шакли бўлиб, “дурлар” маъносини англатади.

Матн шарҳи:

Оламлар Роббиси Аллоҳ таолога ҳамду санолар, Пайғамбарлар сўнгиси Муҳаммад Мустафога салавот ва саломлар бўлсин.

Ўший раҳматуллоҳи алайҳ асарини “Банда имлолар аввалида айтади” маъносидаги сўз билан бошлаган. Ҳар бир банда учун айтадиган сўзи аҳамиятли ҳисобланади. Чунки бандалар уч томонлама масъул бўладилар:

1. Тилдан;
2. Қалбдан;
3. Барча аъзолардан.

Ушбу аъзоларнинг ҳар бири билан қилинган ишдан бандалар қиёмат кунида ҳисоб-китоб қилинадилар. Инсон аъзоларининг энг хатарлиси тил ҳисобланади. Аслида тилнинг иши қалбдаги каломга мувофиқ ё мувофиқ эмаслигидан қатъи назар мутлақо талаффуз қилиш ҳисобланади. Шоир айтганидек:

إِنَّ الْكَلاَمَ لَفِي الفُؤَادِ وَ إِنَّمَا جُعِلَ اللِّسَانُ عَلَى الْفُؤَادِ دَلِيلاً

Каломнинг асли қалбда бўлар бил,
Тил эса қалбга қилинган далил.

Ҳар бир мукаллаф инсоннинг тили талаффуз қилган сўзларини фаришталар ёзиб борадилар. Талаффуз қилинадиган сўзларнинг энг афзали шаҳодат калимасини айтишдир. Сўнгра барча ишларда фақат рост сўзларни сўзлаш ҳисобланади. Талаффуз қилинадиган сўзларнинг энг ёмони Аллоҳ таолога ширк келтириш ва куфр бўлган сўзларни айтишдир. Кейин эса ёлғон, ғийбат ва чақимчилик каби сўзлардир. Шунинг учун ҳар бир банда талаффуз қилаётган сўзларига ҳушёр бўлиши лозим.

Бандалар масъул бўладиган иккинчи аъзо қалб ҳисобланади. Қалбнинг иши мутлақо эътиқод қилишдир. Тўғри бўладими ё нотўғри бўладими қалб қайси тушунчага боғланса, ўша тушунча “эътиқод” ва “ақида” деб номланади. Шунинг учун қалб ҳеч қачон ақидасиз бўлмайди. Яъни мўмин кишининг ақидаси иймон бўлса, кофирнинг ақидаси куфр бўлади. Ўзини гўё ҳеч нарсага иймон келтирмайдиган деб ҳисоблайдиган кимсанинг ақидаси иймон келтириш лозим нарсаларга иймон келтирмаслик бўлади. Қалбга тааллуқли муҳим ишлардан бири ният ҳисобланади. Қилинаётган амалларнинг савобли бўлиши ёки аксинча бўлиши ниятга боғлиқ бўлади. Аллоҳ таолога ва У нозил қилган барча нарсаларга иймон келтириш ҳар бир ақли расо, балоғатга етган мусулмон зиммасига фарз бўлган эътиқоддир.

Бандалар масъул бўладиган нарсаларнинг учинчиси қолган барча аъзолардир. Бандалар фарз, нафл, мубоҳ амалларни ҳам, гуноҳу маъсиятларни ҳам аъзолари билан амалга оширадилар.

Маълумки, умри давомида узрсиз равишда бирор марта ҳам иймон калимасини айтмаган кишининг мўмин ҳисобланиши ё ҳисобланмаслиги тўғрисида ихтилоф қилинган. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз дастлаб иймон калималарини ўрганишга ва ўргатишга эътибор қаратганлар. Аҳмад Ҳодий Мақсудий раҳматуллоҳи алайҳнинг “Муаллимус соний” асарида бошланғич ўқувчилар учун “иймон калималари” алоҳида баён қилинган. Мазкур калималар ҳар бир мўмин киши билиши ва уларнинг маъноларига эътиқод қилиши зарур бўлган калималардир. Қуйида ушбу калималарнинг таржималари ва қисқача изоҳлари билан танишиб чиқамиз:

كَلِمَةٌ طَيِّبَةٌ

Калимаи тойиба (Ёқимли калима)

لَا اِلَهَ اِلاَّ اللهُ مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللهِ.

Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир, Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг элчисидир.

Изоҳ: Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир деган сўздан У зотдан бошқа ибодат қилинишга ҳақли зот йўқдир, деган маъно тушунилади. Ушбу калима барча соғлом фитратли[45] бандаларга ёқадиган калима ҳисобланади. Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг элчисидир, деган сўздан қуйидаги маънолар тушунилади:

1. Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг танлаб олган бандаси;
2. Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбарларнинг сўнгиси.

كَلِمَةُ الشَّهَادَةِ

Калимаи шаҳодат (Гувоҳлик калимаси)

أَشْهَدُ اَنْ لَا اِلَهَ اِلاَّ اللهُ وَاَشْهَدُ اَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ.

Гувоҳлик бераман, албатта, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир, яна гувоҳлик бераман ,албатта, Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг бандаси ва элчисидир.

Изоҳ: ушбу калималар айтувчисининг мусулмонлигига гувоҳлик берувчи калималар ҳисобланади.

[45] Фитрат деганда одамларнинг асл табиати тушунилади. Бу ҳақида Рум сурасининг 30 ояти тафсирига қаранг.

كَلِمَةُ التَّوْحِيدِ

Калимаи тавҳид (Тавҳид калимаси)

أَشْهَدُ اَنْ لاَ اِلَهَ اِلاَّ اللهُ وَحْدَهُ لاَ شَرِيكَ لَهُ لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ يُحْيِي وَيُمِيتُ وَهُوَ حَيٌّ لاَ يَمُوتُ بِيَدِهِ الْخَيْرُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ.

Албатта, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига, Унинг яккаю ягоналигига, шериги йўқлигига гувоҳлик бераман, мулк ҳам, ҳамду сано ҳам Уникидир. Тирилтирадиган ҳам, ўлдирадиган ҳам Удир. У ҳеч қачон ўлмайдиган доимий тирикдир. Бахт-саодат Унинг қўлидадир. У барча нарсага қодирдир.

Изоҳ: Тавҳид сўзи луғатда “яккалаш”, яъни унинг кўп ададда эканини инкор қилиш маъносини англатади. Истилоҳда эса “Абадий барҳаёт Зотнинг яккаю ягоналигини тасдиқлаш – тавҳид деб аталади”. Тавҳид Ислом динининг шиори ҳисобланади.

كَلِمَةُ رَدِّ الْكُفْرِ

Калимаи роддил куфр (Куфрни рад этиш калимаси)

اَللَّهُمَّ اِنِّي اَعُوذُ بِكَ مِنْ اَنْ اُشْرِكَ بِكَ شَيْأً وَاَنَا اَعْلَمُ وَاَسْتَغْفِرُكَ لِمَا لَا أَعْلَمُ اِنَّكَ اَنْتَ عَلاَّمُ الْغُيُبِ.

Эй Аллоҳим, Сендан ўзим билиб туриб бирор нарсани Сенга шерик қилиб қўйишимдан паноҳ сўрайман. Билмаган нарсаларимдан эса мени кечиришингни сўрайман. Албатта, Сен барча нарсаларни билгувчи Зотсан.

Изоҳ: Ширк луғатда “шерик қилиш” маъносини англатади. Истилоҳда эса “Аллоҳ таолонинг Зотида, ё сифатларида, ё феъларида, ё исмларида, ё ҳукмларида У зотга ўзгани тенг қилиш ширк келтириш дейилади”. Ширкнинг катта ва кичик турлари бор.

Мазкур “куфрни рад этиш калимаси”ни ихлос билан такрорлаб юрган мўмин кишига катта ва кичик ширклардан халос бўлиш ваъдаси берилган.

كَلِمَةُ الاِسْتِغْفَارِ

Калимаи истиғфор (Мағфират сўраш калимаси)

اَسْتَغْفِرُ اللهَ اَسْتَغْفِرُ اللهَ اَسْتَغْفِرُ اللهَ تَعَالَى مِنْ كُلِّ ذَنْبٍ اَذْنَبْتُهُ عَمْدًا اَوْ خَطَأً سِرًا اَوْ عَلاَنِيَةً وَاَتُوبُ اِلَيْهِ مِنَ الذَّنْبِ الَّذِى اَعْلَمُ وَمِنَ الذَّنْبِ الَّذِى لَا اَعْلَمُ اِنَّكَ اَنْتَ عَلاَّمُ الْغُيُوبِ.

Аллоҳдан мағфират сўрайман, Аллоҳдан мағфират сўрайман, Аллоҳ таолодан барча қасддан қилган гуноҳларимни ҳам, ёки билмасдан қилиб қўйган яширин ва ошкора гуноҳларимни ҳам кечиришини сўрайман. Унга биладиган гуноҳларимдан ҳам, билмайдиган гуноҳларимдан ҳам тавба қиламан. (*Эй Аллоҳим*) **Албатта, Сен барча ғайбларни билгувчи Зотсан.**

Изоҳ: Ихлос билан “астағфируллоҳ” дейиш Аллоҳдан мағфират сўраш ҳисобланади. Аммо баъзи уламолар мазкур калималарни ҳам қўшиб айтишни афзалроқ санаганлар.

كَلِمَةُ التَّمْجِيدِ

Калимаи тамжийд (Улуғлаш калимаси)

سُبْحَانَ اللهِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ وَلاَ اِلَهَ اِلاَّ اللهُ وَ اللهُ اَكْبَرُ لَا حَوْلَ وَلاَ قُوَّةَ اِلاَّ بِاللهِ الْعَلِيِّ الْعَظِيمِ مَا شَاءَ اللهُ كَانَ وَمَا لَمْ يَشَأْ لَمْ يَكُنْ اَلاِيْمَانُ اِقْرَارٌ بِاللِّسَانِ وَتَصْدِيقٌ بِالْقَلْبِ بِمَا جَاءَ بِهِ مِنْ عِنْدِ اللهِ مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ.

Аллоҳни поклаб ёд этаман, ҳамду-сано Аллоҳгадир, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир, Аллоҳ буюкдир, куч ҳам, қувват ҳам олий ва улуғ бўлган Аллоҳ ёрдами биландир. Аллоҳ таолонинг хоҳлагани бўлган, хоҳламагани бўлмаган. Иймон Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таолонинг ҳузуридан келтирган нарсани тил билан ифодалаш ва қалб билан тасдиқлашдир.

Изоҳ: Яъни маъсиятдан сақланиш ҳам, ибодат қилиш ҳам Аллоҳ таолонинг ёрдами билан амалга ошади.

Қалбан ишониш тасдиқлаш дейилади. Қалбий ишонч бандаларга яширин бўлгани сабабли унга далолат қиладиган бирор аломат лозим бўлади. Шунга кўра дунёда мўмин ҳисобланиш учун қалбий тасдиқни тил билан ифодалаш шарт қилиб қўйилган.

اِيْمَانٌ مُجْمَلٌ

Иймони мужмал (Умумий иймон)

آمَنْتُ بِاللهِ كَمَا هُوَ بِاَسْمَائِهِ وَصِفَاتِهِ وَقَبِلْتُ جَمِيعَ أَحْكَامِهِ.

Аллоҳга Унинг исмлари ва сифатлари қандай бўлса худди шундай иймон келтирдим ҳамда Унинг барча ҳукмларини қабул қилдим.

Изоҳ: Иймони мужмал деганда қатъи ишонилиши лозим бўлган калималарнинг қисқа ва лўндаси тушунилади. Кимга тавҳид илмининг дақиқ жойларидан бирор нарса мушкул бўлиб қолса, дарҳол ушбу калималарни ихлос билан ўқиши ва зудлик билан уни биладиган кишидан сўраб олиши лозим бўлади.

اِيْمَانٌ مُفَصَّلٌ

Иймони муфассал (Батафсил иймон)

آمَنْتُ بِاللهِ وَمَلآئِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ وَالْيَوْمِ الآخِرِ وَالْقَدَرِ خَيْرِهِ وَشَرِّهِ مِنَ اللهِ تَعَالَى وَالْبَعْثِ بَعْدَ الْمَوْتِ.

Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, Пайғамбарларига, охират кунига, қадарнинг яхшиси ҳам, ёмони ҳам Аллоҳ таолодан эканига, ўлгандан сўнг қайта тирилишга иймон келтирдим.

Изоҳ: Иймони муфассал деганда мўмин кишининг қатъи ишониши лозим бўлган нарсаларнинг асослари тушунилади.

Ўший раҳматуллоҳи алайҳ “сўз бошлар имлолар бошида банда” дея ўзига Аллоҳнинг қули нисбатини бериб сўз бошлаган. Ушбу сўзда Аллоҳ таолога қул бўлишдек юксак мақомдан фахрланиш маъноси ҳам бор. Зеро, барча махлуқларни яратган, уларни тарбия қилиб турган буюк Зотга қул бўлиш банда учун шон-шараф ва фахру ифтихор қиладиган улуғ обрў, мартабадир. Ушбу “абд”, яъни “қул”, “банда” каби маъноларни англатувчи исмнинг энг юксак мақомларда қўлланилиши Қуръони каримда ўз ифодасини топган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам асосан Муҳаммад, Аҳмад, Расул ва Набий деб аталган бўлсалар-да, ҳаётларидаги энг олий мақомларда ушбу исмларнинг бирортаси билан эмас, балки “абд” (банда) исми билан аталганлар.

1. Қуръонни нозил қилган Аллоҳ таолога ҳамд айтиш ўрнида у зот банда деб аталганлар:

﴿ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ ٱلَّذِىٓ أَنزَلَ عَلَىٰ عَبْدِهِ ٱلْكِتَٰبَ وَلَمْ يَجْعَل لَّهُۥ عِوَجَا ۜ ١﴾

“(Ўз) **бандаси** (Муҳаммад)**га Китоб** (Қуръон)**ни нозил қилган зот** (Аллоҳ)**га – ҳамд! Уни** (Қуръонни маъно ва мазмунда) **қинғир қилмади”**[46]**.**

2.Огоҳлантирувчи пайғамбар қилиб юборилганлари хабар берилганда ҳам банда деб аталганлар:

﴿تَبَارَكَ ٱلَّذِى نَزَّلَ ٱلْفُرْقَانَ عَلَىٰ عَبْدِهِۦ لِيَكُونَ لِلْعَٰلَمِينَ نَذِيرًا ١﴾

“Оламлар (инсонлар ва жинлар)**га огоҳлантирувчи бўлиши учун Ўз бандаси** (Муҳаммад)**га Фурқон** (Қуръон)**ни нозил этган зот баракотли** (буюк)**дир”**[47]**.**

3. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларидаги энг улуғ воқеалардан бири бўлган Исро кечаси ҳақидаги хабарда ҳам банда деб аталганлар:

﴿سُبْحَٰنَ ٱلَّذِىٓ أَسْرَىٰ بِعَبْدِهِۦ لَيْلًا مِّنَ ٱلْمَسْجِدِ ٱلْحَرَامِ إِلَى ٱلْمَسْجِدِ ٱلْأَقْصَا ٱلَّذِى بَٰرَكْنَا حَوْلَهُۥ لِنُرِيَهُۥ مِنْ ءَايَٰتِنَآ ۚ إِنَّهُۥ هُوَ ٱلسَّمِيعُ ٱلْبَصِيرُ ١﴾

“(Ўз) **бандаси** (Муҳаммад)**ни, унга мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун** (Маккадаги) **Масжиди Ҳаромдан** (Қуддусдаги) **Биз атрофини баракотли қилган Масжиди Ақсога тунда сайр қилдирган зотга тасбеҳ айтилур. Дарҳақиқат, У Самеъ** (эшитувчи) **ва Басир** (кўрувчи)**дир”**[48]**.**

Ушбулардан кўриниб турибдики, мазкур ўринларнинг ҳаммаси энг улуғ мақомлардир. Ушбу улуғ мақомларда Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни исмлари билан эмас, балки банда деб васф қилганлиги бу сифатнинг ҳар бир бандага шараф бўлишининг исботидир.

Ўший раҳматуллоҳи алайҳ “имлолар бошида банда” дея ушбу асарни ёзишда ўзларига илҳом берилганига ишора қилган. Сўзларининг давомида терилган дур доналардек ёрқин байтлар билан тавҳид масалаларининг баёнига киришганини айтган.

Тавҳиднинг луғавий ва истилоҳий маънолари

Тавҳид сўзи исми масдар бўлиб, луғатда “яккалаш”, яъни бир нарсага яккаю ёлғизлик нисбатини бериш ва унинг кўп ададда эканини инкор қилиш маъноларини англатади. “Қомусул муҳит” китобида, “тавҳид ёлғиз Аллоҳга иймон келтиришдир” дейилган.

Тавҳиднинг истилоҳий маъноси тўғрисида бир қанча ажойиб таърифлар келган. Мулла Али Қори раҳматуллоҳи алайҳ тавҳидни шундай таърифлаган:

هُوَ إِثْبَاتُ الْوَحْدَانِيَّةِ لِلذَّاتِ الصَّمَدَانِيَّةِ

[46] Каҳф сураси, 1- оят.
[47] Фурқон сураси, 1- оят.
[48] Исро сураси, 1-оят.

“Абадий барҳаёт Зотнинг яккаю ягоналигини тасдиқлаш, тавҳид деб аталади”[49].

Муҳамммад Анвар Бадахшоний эса “Ақидатут-Таҳовий”нинг шарҳида тавҳидга шундай таъриф берган:

أَنْ يَتَبَرَّأَ الإِنْسَانُ عَنْ جَمِيعِ وُجُوهِ الإِشْرَاكِ بِاللهِ وَيَعْتَقِدَ أَنَّ اللهَ سُبْحَانَهُ وَتَعَالَى وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ لَا فِي ذَاتِهِ وَلَا فِي صِفَاتِهِ وَلَا فِي اَفْعَالِهِ وَلَا فِي اَسْمَائِهِ وَلَا فِي أَحْكَامِهِ

“*Инсон Аллоҳ таолога ширк келтиришнинг барча кўринишларидан ўзини сақлаб, Аллоҳ таолони зотида ҳам, сифатларида ҳам, феълларида ҳам, исмларида ҳам, ҳукмларида ҳам шериги йўқ, яккаю ёлғиз эканлигига эътиқод қилиши тавҳид деб аталади*”[50].

Ушбу таърифдан Аллоҳ таоло ҳақида қуйидагича эътиқод қилиш лозимлиги келиб чиқади:

– Аллоҳ таоло борлиқдаги бирор нарсага ўхшамайди ва Унинг бирор нуқсону камчилиги йўқдир;

– Аллоҳ таолонинг исм ва сифатлари Қуръон ва ҳадисларда баён қилинган;

– Аллоҳ таолонинг исм ва сифатларининг ҳақиқати қандай эканини билишдан барча халойиқ ожиз.

Ақоид уламолари илоҳиёт бобидаги масалаларни иккита асосга боғлаб тушунтирадилар:

1. Аллоҳ таолонинг борлигига иймон келтириш;

2. Аллоҳ таолонинг бирлигига иймон келтириш.

Аллоҳ таолонинг борлигига иймон келтириш далиллари ҳақида қуйидаги гапни айтганлар: “Аллоҳ таолонинг борлигига далиллар махлуқотларнинг ададларичадир”. Аллоҳ таолонинг борлигига иймон келтириш далиллари ҳам икки қисмга бўлинади:

а) Барча махлуқотларда мушоҳада этиладиган далиллар;

б) Пайғамбарлар олиб келган далиллар.

Банда Аллоҳ таолони борлиқдаги бирор нарсага ўхшамаслигига ва Унинг бирор нуқсону камчилиги йўқлигига қатъи эътиқод қилмагунича мўмин бўла олмайди. Қуръони каримда Унга ўхшаш бирор нарса йўқ экани ҳақида шундай хабар берилган:

﴿لَيْسَ كَمِثْلِهِۦ شَىْءٌ ۖ وَهُوَ ٱلسَّمِيعُ ٱلْبَصِيرُ ﴿١١﴾﴾

“Унинг мислидек бирор нарса йўқдир. У Эшитувчи ва кўрувчидир”[51]

Шунингдек, ҳар бир мўмин банда Аллоҳ таолонинг исму сифатлари ҳақида Қуръони каримда ва ҳадиси шарифларда баён қилинганидек эътиқод қилиши лозим. Бу ҳақида қуйидаги ривоятлар келтирилган:

---

[49] Мулла Али Қори. Зовъул маолий. – Истанбул: “Дор Саодат”, 1962. – Б. 10.

[50] Муҳаммад Анвар Бадахшоний. Талхийсу шарҳи ақидатит Таҳовий. – Карачи: “Замзам бабилшарз”, 1415ҳ. – Б. 24.

[51] Шуро, 11-оят

“Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳ: “Аллоҳ таоло Ўзи васф қилганидан ёки Расули васф қилганидан бошқача васф қилинмайди, Қуръон ва ҳадисдан ташқарига чиқилмайди”, деган.

Имом Бухорийнинг устози Нуъайм ибн Ҳаммод: “Ким Аллоҳни Унинг яратган нарсасига ўхшатса, кофир бўлибди, ким Аллоҳ Ўзи ҳақида васф қилган нарсани ёки Унинг Расули васф қилган нарсани инкор қилса, кофир бўлибди, Аллоҳ Ўзини васф қилган нарсада ва Расули Уни васф қилган нарсада ўхшаш ҳам, тенг ҳам йўқдир”, деган”.

Сўфи Оллоҳёр бобомиз ушбу масалаларни қисқа ва содда сўзлари билан тушунтириб қўйган:

Кўнгилда кечса кўзга тушса ҳар шай,
Эрур андин муназзаҳ Холиқи Ҳай.
* * *
Удур ҳоким ки ҳукмин ўзга этмас,
Анинг зотиға ҳеч ким ақли етмас.

Яъни Аллоҳ таоло инсоннинг кўнглига келган ва тасаввур қилган барча нарсалардан олийдир. Чунки бандалар замон ва макон ичида бўлган нарсаларни тасаввур қиладилар. Аллоҳ таоло эса замон ва маконнинг ичида эмас, балки уларни йўқдан бор қилган зотдир.

Шундай экан, ҳар бир мўмин банда Аллоҳ таолонинг исм ва сифатларининг ҳақиқати нимадан иборат эканини била олмаслигига қатъи эътиқод қилиши ҳамда уларнинг қандай эканини билишга уриниб баҳс қилмаслиги лозим. Қуйидаги ҳикматли шеър бу ҳақида етарли тасаввур беради:

اَلْعَجْزُ عَنْ دَرْكِ الإِدْرَاكِ اِدْرَاكٌ

وَ البَحْثُ عَنْ سِرِّ ذَاتِ الرَّبِّ إِشْرَاكٌ

“Идрок этиш фаҳмидан ожизлик идрок этишдир,
Роббнинг зоти сирини излаш ширк келтиришдир”[52].

Зеро, баҳс қилишнинг бирор фойдаси ҳам бўлмайди. Чунки бирор нарсадаги сифатнинг ҳақиқати нимадан иборат эканини тўлиқ англаш учун ўша сифат эгасини тўлиқ англаш керак бўлади. Аллоҳ таолонинг зоти қандай экани эса сўралмайди. Шунинг учун Аллоҳ таолодаги сифатларнинг асл моҳияти нимадан иборат эканини сўраш ҳам дуруст бўлмайди.

Аллоҳ таолонинг гўзал исмлари

Қуръони каримда ва ҳадиси шарифларда Аллоҳ таолонинг гўзал исмлари зикр қилинган. Ҳадиси шарифда Аллоҳ таолонинг тўқсон тўққизта исми бор эканлиги баён қилинган. Аммо бундан Аллоҳ таолонинг барча исмлари фақат

[52] Мулла Али Қори. Миркотул мафотиҳ 1-жуз. Байрут-Лубнан: “Дорул кутубил илмия”, 2007. – Б. 404.

тўқсон тўққизтадан иборатлиги келиб чиқмайди, балки бизларга баён қилинганлари тўқсон тўққизта экани тушунилади. Ушбу тўқсон тўққизта исмларини номма-ном санаб чиққанларга жаннат ваъдаси берилган:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **إِنَّ لِلَّهِ تِسْعَةً وَتِسْعِينَ اسْمًا مِائَةً غَيْرَ وَاحِدَةٍ مَنْ أَحْصَاهَا دَخَلَ الْجَنَّةَ وَهُوَ وِتْرٌ يُحِبُّ الْوِتْرَ هُوَ اللَّهُ الَّذِى لاَ إِلَهَ إِلاَّ هُوَ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ الْمَلِكُ الْقُدُّوسُ السَّلاَمُ الْمُؤْمِنُ الْمُهَيْمِنُ الْعَزِيزُ الْجَبَّارُ الْمُتَكَبِّرُ الْخَالِقُ الْبَارِئُ الْمُصَوِّرُ الْغَفَّارُ الْقَهَّارُ الْوَهَّابُ الرَّزَّاقُ الْفَتَّاحُ الْعَلِيمُ الْقَابِضُ الْبَاسِطُ الْخَافِضُ الرَّافِعُ الْمُعِزُّ الْمُذِلُّ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ الْحَكَمُ الْعَدْلُ اللَّطِيفُ الْخَبِيرُ الْحَلِيمُ الْعَظِيمُ الْغَفُورُ الشَّكُورُ الْعَلِيُّ الْكَبِيرُ الْحَفِيظُ الْمُقِيتُ الْحَسِيبُ الْجَلِيلُ الْكَرِيمُ الرَّقِيبُ الْمُجِيبُ الْوَاسِعُ الْحَكِيمُ الْوَدُودُ الْمَجِيدُ الْبَاعِثُ الشَّهِيدُ الْحَقُّ الْوَكِيلُ الْقَوِيُّ الْمَتِينُ الْوَلِيُّ الْحَمِيدُ الْمُحْصِى الْمُبْدِئُ الْمُعِيدُ الْمُحْيِى الْمُمِيتُ الْحَيُّ الْقَيُّومُ الْوَاجِدُ الْمَاجِدُ الْوَاحِدُ الصَّمَدُ الْقَادِرُ الْمُقْتَدِرُ الْمُقَدِّمُ الْمُؤَخِّرُ الأَوَّلُ الآخِرُ الظَّاهِرُ الْبَاطِنُ الْوَالِى الْمُتَعَالِى الْبَرُّ التَّوَّابُ الْمُنْتَقِمُ الْعَفُوُّ الرَّءُوفُ مَالِكُ الْمُلْكِ ذُو الْجَلاَلِ وَالإِكْرَامِ الْمُقْسِطُ الْجَامِعُ الْغَنِيُّ الْمُغْنِى الْمَانِعُ الضَّارُّ النَّافِعُ النُّورُ الْهَادِى الْبَدِيعُ الْبَاقِى الْوَارِثُ الرَّشِيدُ الصَّبُورُ.** رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “**Аллоҳ таолонинг 99 та, бир кам 100 та исми бор. Ким уларни номма-ном айтиб чиқса, жаннатга киради. У тоқдир тоқни яхши кўради. У Ундан бошқа илоҳ йўқ бўлган: 1. Аллоҳ** *(Ибодат қилинган Зот)*, **2. Ар-Роҳман** *(Меҳрибон)*, **3. Ар-Роҳийм** *(Шафқатли)*, **4. Ал-Малик** *(Эга)*, **5. Ал-Қуддус** *(Мутлақ пок)*, **6. Ас-Салам** *(Тинчлик ато этувчи)*, **7. Ал-Муъмин** *(Иймон ато этувчи)*, **8. Ал-Муҳаймин** *(Назорат қилувчи)*, **9. Ал-Азийз** *(Энг кучли)*, **10. Ал-Жаббар** *(Энг қудратли)*, **11. Ал-Мутакаббир** *(Энг буюк)*, **12. Ал-Холиқ** *(Яратувчи)*, **13. Ал-Бариъ** *(Йўқдан бор қилгувчи)*, **14. Ал-Мусоввир** *(Махлуқотларга суврат берувчи)*, **15. Ал-Ғоффар** *(Ниҳоятда кечирувчи)*, **16. Ал-Қоҳҳар** *(Бўйин сундирувчи)*, **17. Ал-Ваҳҳаб** *(Доимий неъматлар ато этувчи)*, **18. Ар-Роззақ** *(Ризқ берувчи)*, **19. Ал-Фаттаҳ** *(Файзу-барака манбасини очувчи)*, **20. Ал-Алийм** *(Ҳар бир нарсани билувчи)*, **21. Ал-Қобиз** *(Ўзи хоҳлаган барча нарсани ушлаб турувчи)*, **22. Ал-Басит** *(Қалбларни кенгайтирувчи)*, **23. Ал-Хофиз** *(Пасайтирувчи)*, **24. Ар-Рофиъ** *(Кўтарувчи)*, **25. Ал-Муъизз** *(Азиз қилувчи)*, **26. Ал-Музилл** *(Хор қилувчи)*, **27. Ас-Самийъ** *(Ҳар бир нарсани эшитувчи)*, **28. Ал-Басийр** *(Ҳар бир нарсани кўрувчи)*, **29. Ал-Ҳакам** *(Ҳукм қилувчи)*, **30. Ал-Адл** *(Мутлақ адолат қилувчи)*, **31. Ал-Латийф** *(Энг илтифотли)*, **32. Ал-Хобир** *(Ўта хабардор)*, **33. Ал-Ҳалим**

(Мўминларнинг тавба қилиб олишларига ўта имкон берувчи), **34. Ал-Азийм** *(Энг улуғ)*, **35. Ал-Ғофур** *(Ўта мағфиратли)*, **36. Аш-Шакур** *(Оз амал учун кўп савоб берувчи)*, **37. Ал-Алий** *(Энг олий мартабали)*, **38. Ал-Кабийр** *(Энг катта)*, **39. Ал-Ҳафийз** *(Муҳофаза қилувчи)*, **40. Ал-Муқийт** *(Ризқ берувчи)*, **41. Ал-Ҳасийб** *(Ҳисоб қилувчи)*, **42. Ал-Жалил** *(Улуғ Зот)*, **43. Ал-Карийм** *(Лутфу-карам кўрсатувчи)*, **44. Ар-Роқиб** *(Энг юксак кузатиб турувчи)*, **45. Ал-Мужийб** *(Ижобат қилувчи)*, **46. Ал-Васиъ** *(Илму раҳмати бепоён)*, **47. Ал-Ҳакийм** *(Ҳар бир нарсани ҳикмат билан қилувчи)*, **48. Ал-Вадуд** *(Барчага меҳр кўрсатувчи)*, **49. Ал-Мажид** *(Шон-шарафи чексиз)*, **50. Ал-Баъис** *(Юборувчи)*, **51. Аш-Шаҳийд** *(Гувоҳлик берувчи)*, **52. Ал-Ҳаққ** *(Ҳақни юзага чиқарувчи)*, **53. Ал-Вакийл** *(Барчанинг иши унга топширилган Зот)*, **54. Ал-Қовий** *(Кучли Зот)*, **55. Ал-Матийн** *(Матонатли Зот)*, **56. Ал-Валий** *(Ҳомий Зот)*, **57. Ал-Ҳамийд** *(Унга ҳамду-сано айтилган Зот)*, **58. Ал-Муҳсий** *(Ҳисоб қилувчи)*, **59. Ал-Мубдиъ** *(Асос солувчи)*, **60. Ал-Муъийд** *(Қайтарувчи)*, **61. Ал-Муҳйи** *(Тирилтирувчи)*, **62. Ал-Мумийт** *(Ўлдирувчи)*, **63. Ал-Ҳай** *(Азалий ва абадий барҳаёт)*, **64. Ал-Қоййум** *(Қоим қилувчи Зот)*, **65. Ал-Важид** *(Хоҳлаганини топувчи Зот)*, **66. Ал-Мажид** *(Шон-шарафли Зот)*, **67. Ал-Ваҳид** *(Яккаю-ягона)*, **68. Ас-Сомад** *(Эҳтиёжсиз Зот)*, **69. Ал-Қодир** *(Барча нарсага Қодир Зот)*, **70. Ал-Муқтадир** *(Ниҳоятда Қудратли)*, **71. Ал-Муқаддим** *(Олдинга сурувчи)*, **72. Ал-Муаххир** *(Орқага сурувчи)*, **73. Ал-Аввал** *(Барча нарсадан аввал)*, **74. Ал-Охир** *(Махлуқотлар йўқ бўлиб кетганда ҳам Ўзи қолувчи)*, **75. Аз-Зоҳир** *(Борлиги очиқ-ойдин)*, **76. Ал-Батин** *(Махфий нарсаларни билувчи)*, **77. Ал-Ваалий** *(Барча нарсаларнинг эгаси)*, **78. Ал-Мутаъалий** *(Нуқсонлардан пок Зот)*, **79. Ал-Барр** *(Энг яхшилик қилувчи)*, **80. Ат-Тавваб** *(Гуноҳларни кечирувчи)*, **81. Ал-Мунтақим** *(Интиқом олувчи)*, **82. Ал-Афувв** *(Авф қилувчи)*, **83. Ар-Роуф** *(Ўта меҳрибон)*, **84. Маликул мулк** *(Мулк эгаси)*, **85. Зул жалали вал икром** *(Шон-шараф ва иззат-икром эгаси)*, **86. Ал-Муқсит** *(Адолат қилувчи)*, **87. Ал-Жамиъ** *(Жамловчи)*, **88. Ал-Ғоний** *(Беҳожат)*, **89. Ал-Муғний** *(Ҳожатларни раво қилувчи)*, **90. Ал-Маниъ** *(Ман қилувчи)*, **91. Аз-Зорр** *(Зарарли нарсаларни ҳам яратувчи)*, **92. Ан-Нафиъ** *(Наф берувчи)*, **93. Ан-Нур** *(Осмонлар ва ерни ёритгувчи)*, **94. Ал-Ҳадий** *(Ҳидоят қилувчи)*, **95. Ал-Бадийъ** *(Нарсаларни ўхшашсиз яратувчи)*, **96. Ал-Бақий** *(Боқий қолувчи)*, **97. Ал-Варис** *(Мавжудотлар йўқ бўлиб кетганда ҳам доимий бўлувчи)*, **98. Ар-Рошийд** *(Тўғри йўлга йўлловчи)*, **99. Ас-Собур** *(Ўта сабрли)",* – дедилар". *Байҳақий ривоят қилган.*

Шарҳ: Матндаги مَنْ أَحْصَاهَا калимаси ҳақида Хаттобий шундай деган: "Иҳсо қилиш" (номма-ном айтиб чиқиш) бир қанча кўринишларда ҳосил бўлиши мумкин:

1. Уларнинг бирортасини қолдирмасдан охиригача тўлиқ санаб чиқади, улар билан Аллоҳ таолога дуо қилади ва ҳамду сано айтади, шунда "иҳсо" қилган бўлади ва ваъда қилинган нарсага ҳақдор бўлади.

2. "Иҳсо қилиш" ушбу ояти кариманинг маъносига тааллуқлидир:

﴿عَلِمَ أَن لَّن تُحْصُوهُ﴾

(**... У саноғига ета олмаслигингизни билиб...**)[53] яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу сўзлари, ким ушбу исмларнинг ҳаққини адо этишга тоқати етса ва улар тақозо қиладиган нарсаларга амал қила олса, жаннатга киради, маъносидадир. Бу эса уларнинг маъноларини англаш ва улар тақозо қиладиган нарсаларни ўзига лозим тутиш орқали вужудга келади. Масалан, ким Розиқни таниса, ризқ масаласида хотиржам бўлади. Бошқа исмларда ҳам шу каби бўлади.

3. Бу сўздан мазкур исмларнинг маъноларини англаш кўзда тутилгандир. Чунки арабларнинг فُلاَنٌ ذُو إِحْصَاءٍ “*Фалончи иҳсо эгаси*” деган сўзларидан فُلاَنٌ ذُو مَعْرِفَةٍ “*Фалончи маърифат эгаси*” маъноси тушунилади.

Баъзи уламолар эса “Ким уларни номма-ном айтиб чиқса жаннатга киради”, сўзининг беш хил маъноси бор деганлар:

1. Ким уларни тўлиқ ёдлаб олса, жаннатга киради;
2. Ким улар тақозо қиладиган нарсаларга амал қилишга тоқат қила олса, жаннатга киради;
3. Ким уларнинг маъноларини англаса, жаннатга киради;
4. Ким уларни билиб, иймон келтириб, номма-ном айтиб чиқса, жаннатга киради;
5. Ким Қуръонни то хатм қилгунча ўқиса, жаннатга киради, чунки бу исмлар унинг ичидадир.

“Аллоҳ таоло тоқдир” сўзи Аллоҳ таоло шериги йўқ, ўхшаши йўқ бўлган ягона зотдир, барча махлуқотлар эса жуфтдир, деган маънони англатади.

“Тоқни яхши кўради” сўзи Аллоҳ таолонинг исмлари ададида жуфтдан тоқнинг афзал кўрилиши, тоқ ваҳдоният маъносига далолат қилувчироқ бўлганлиги учундир, деб тушунилади. Шунингдек, бу сўзни Аллоҳ таоло худди намознинг беш вақт тоқ қилиб адо этилиши, таҳоратдаги амалларнинг уч ёки бир мартадан бажарилиши ва намоздан кейинги зикрларнинг ўттиз уч мартадан айтилиши каби амаллардан ва зикрлардан тоқларини яхши кўради, деб тушуниш ҳам мумкин.

Албатта, таржимада берилган маънолар Аллоҳ таолонинг исмлари маъноларидан бири бўлиб, ундан бошқа маънолари ҳам кўп. Ҳужжатул Ислом Имом Ғаззолий “Мақсидул асна шарҳу асмаиллаҳил ҳусна” (Аллоҳ таолонинг гўзал исмлари шарҳидаги улуғвор мақсад) асарида тўқсон тўққизта исмнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида шарҳлаган.

---

[53] Муззаммил сураси, 20-оят.

АЛЛОҲ ТАОЛОГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ БАЁНИ

2 إِلَهُ الْخَلْقِ مَوْلاَنَا قَدِيمٌ وَمَوْصُوفٌ بِأَوْصَافِ الْكَمَالِ

Маънолар таржимаси:

Барча махлуқотларнинг илоҳи эгамиз қадимдир ва комил сифатлар билан сифатлангандир.

Назмий баёни:

Эгамиз қадимдир олам илоҳи,
Бенуқсон комилдир Унинг сифоти.

Луғатлар изоҳи:

إِلَهُ – бу калима فِعَالٌ вазнида бўлса ҳам مَفْعُولٌ яъни مَأْلُوهٌ маъносидадир. Худди كِتَابٌ калимаси فِعَالٌ вазнида бўлса ҳам مَكْتُوبٌ “ёзилган” маъносида бўлгани каби. مَأْلُوهٌ нинг маъноси مَعْبُودٌ яъни, “ибодат қилинувчи Зот”дир.

الْخَلْقِ – калимаси اَلْمَخْلُوق маъносида келган. Бундаги اَلْ “истиғроқия”[54]дир. Шунга кўра бу калима барча махлуқотларни ўз ичига қамраб олади. إِلَهُ الْخَلْقِ ушбу изофа “ихтисос”ни (ўзига хос хусусиятни) ифодалайди. Яъни барча махлуқотларнинг илоҳлиги фақат Аллоҳга хос, деган маънони билдиради.

مَوْلاَنَا – бу калима إِلَهُ الْخَلْقِ дан бадал бўлиб, луғатда “эгамиз”, “мададкоримиз” маъноларини англатади.

قَدِيمٌ – қадим калимаси луғатда “борлигининг ибтидоси йўқ” маъносини англатади. Қадим калимаси умумий уч хил маънода ишлатилади:

1. Зотий қадим – “борлигининг ибтидоси йўқ” маъносида бўлиб, фақат Аллоҳ таолога нисбатан ишлатилади;

---

[54] اَلْ накра исм олдидан келса, ўша исм маърифага айланади. Ушбу اَلْ ё жинсни тўлалигича маърифа қилиш учун, ёки қайсидир бир таниш бўлагини маърифа қилиш учун ишлатилади. Жинсни тўлалигича маърифа қилиш учун келгани “жинсия” дейилади, қайсидир бир таниш бўлагини маърифа қилиш учун келгани “аҳдия” дейилади. “Аҳдия”اَلْ га мисол: جَاءَنِي ضَيْفٌ فَأَكْرَمْتُ الضَّيْفَ (меникига меҳмон келди ва мен келган меҳмонни яхши кутиб олдим).

“Жинсия”اَلْ нинг ўзи икки хил маънони ифодалаш учун келади:

1. Истиғроқ учун (жинс вакилларини тўлалигича қамраб олиш учун). Масалан, وَخُلِقَ الإِنْسَانُ ضَعِيفًا (Барча инсонлар заиф қилиб яратилгандир).
2. Жинс ҳақиқатини баён қилиш учун. Масалан, اَلْإِنْسَانُ حَيْوَانٌ نَاطِقٌ (Барча инсонларнинг ҳақиқати нутқ қилувчи жонзотдир).

2. Замоний қадим – “бор бўлганига узун замон ўтган” маъносини билдириб, ўзбек тилидаги “эски” сўзига тўғри келади. Албатта, ушбу сўз бу маънода Аллоҳ таолога нисбатан ишлатилмайди;

3. Изофий қадим – “бир нарсанинг вужудга келиши иккинчисидан кўра олдинроқ бўлган” маъносини англатади. Масалан, отанинг фарзандидан олдинроқ дунёга келганини ифодалаш учун “ота фарзандидан қадимдир” дейилади. Албатта, бу маънода ҳам фақат бандаларга нисбатан ишлатилади.

وَ – мутлақ жамлаш учун келтирилган атф ҳарфи. Атф луғатда “бирикмоқ” маъносига тўғри келади. Истилоҳда эса икки исм ёки икки феълни эъроб жиҳатидан олдингиси ҳукмини кейингисига ҳам ўтказиш атф қилиш дейилади. Атф қилиш уларнинг ўрталарига атф ҳарфларини келтириш билан бўлади. Атф ҳарфлари тўққизта бўлиб, бир-бирларидан фарқли маъноларни ифодалайди:

1. **اَلْواوُ** бу ҳарф мутлақ жамлаш учун келтирилади. Масалан, جَاءَ أَحْمَدُ وَحَسَنٌ (Аҳмад ва Ҳасан келди). Яъни ушбу атф ҳарфи фақатгина Аҳмад келганидек, Ҳасан ҳам келганини ифодалайди, холос. Шунинг учун бу ҳарф мутлақ жамлашни ифодалайдиган ҳарф дейилади.
2. **اَلْفاءُ** бу ҳарф тартиб ва кетма-кетликни ифодалайди. Масалан, جَاءَ أَحْمَدُ فَحَسَنٌ (Аҳмад келиши биланоқ орқасидан Ҳасан келди). Яъни ушбу атф ҳарфи Аҳмаднинг олдин келганини ифодалаш билан бирга Ҳасаннинг ҳам ортидан кетма-кет келганини билдиради.
3. **ثُمَّ** бу ҳарф тартиб ва мудддат ўтишни ифодалайди. Масалан, جَاءَ أَحْمَدُ ثُمَّ حَسَنٌ(Аҳмад келгандан сўнг Ҳасан келди). Яъни ушбу атф ҳарфи Аҳмаднинггг олдин келганини ифодалаш билан бирга Ҳасаннинг анча кейин келганини билдиради.
4. **أو** бу атф ҳарфи танлаш имконини қолдириш ёки шубҳаланишни ифодалайди. Масалан, جَاءَ أَحْمَدُ اَوْ حَسَنٌ(Аҳмад ёки Ҳасан келди). Яъни ушбу атф ҳарфи эшитувчига Аҳмад ё Ҳасандан қайси бири келганини танлаш имконини қолдириш учун ёки айтувчининг қайси бири келганини аниқ билолмай турганини ифодалаш ишлатилади.
5. **أَمْ** бу атф ҳарфи аниқ тайин қилиш сўровини ифодалайди. Масалан, جَاءَ أَحْمَدُ أَمْ حَسَنٌ (Келган Аҳмадми Ҳасанми?).
6. **لا** бу атф ҳарфи атф қилингандан ҳукмнм ифода қилишни ифодалайди. Масалан, جَاءَ أَحْمَدُ لا حَسَنٌ (Аҳмад келди Ҳасан эмас). Яъни ушбу атф ҳарфи Ҳасандан келиш ҳукмини инкор қилмоқда.

7. لَكِنْ бу атф ҳарфи ҳукмни тўғрилаб қўйишни ифодалайди. Масалан, مَا جَاءَ أَحْمَدُ لَكِنْ حَسَنٌ (Аҳмад келмади, лекин Ҳасан келди).

8. بَلْ бу атф ҳарфи олдинги ҳукмдан воз кечишни ифодалайди. Масалан, جَاءَ أَحْمَدُ بَلْ حَسَنٌ(Аҳмад келди, балки (у эмас) Ҳасан келди). Яъни ушбу атф ҳарфи Аҳмаднинг келгани ҳақидаги ҳукмдан воз кечилганини ифодаламоқда.

9. حَتَّي бу атф ҳарфи чегарани ифодалайди. Масалан, جَاءَ أَحْمَدُ حَتَّي حَسَنٌ (Аҳмад келди ҳатто Ҳасан ҳам келди). Яъни ушбу атф ҳарфи Аҳмаддан Ҳасангача бўлган ҳамманинг келганини, аммо ундан кейингилар келмаганини ифодаламоқда. Шунингдек ушбу ҳарф жор ҳарфи ҳам ҳисобланади. Аҳмад Ҳодий Мақсудий раҳматуллоҳи алайҳ **حتي** нинг жор ҳарфи ва атф ҳарфи бўлиши орасидаги фарқни битта мисолда ажойиб равишда тушинтириб берган:

-Жор ҳарфи бўлганда: أَكَلْتُ السّمَكَةَ حَتَّي رأْسِهَا (Бита балиқни едим, ҳатто боши қолди қолди холос).

- Атф ҳарфи бўлганда:أَكَلْتُ السَّمَكَةَ حَتَّي رَأْسَهَا (Битта балиқни едим, ҳатто бошини ҳам еб қўйдим).

مَوْصُوفٌ – васф деганда маълум бир зотга маъно эътиборидан далолат қилган нарса тушунилади. Сифат ва васф бир хил маънони англатади. Фақатгина сифат сифатланмишдаги маълум бир белгини ифодаласа, васф сифатловчининг таърифини англатади.

بِأَوْصَافِ – بِ ҳарфи “мусоҳаба” (бирга бўлиш) маъносида келган жор ҳарфи бўлиб مَوْصُوفٌ га мутаалликдир.

الْكَمَالِ – музофун илайҳ. Луғатда “нуқсонсиз тўлиқ” маъносига тўғри келади.

Матн шарҳи:

Ўший раҳматуллоҳи алайҳ бошқа ақида китоблари услубига риоя қилиб, дастлаб “илоҳиёт” бобига тааллуқли масалаларни баён қилишга киришган. Илоҳиёт қисмида ўрганиладиган масалаларнинг мағзи мўмин банданинг Роббисига нисбатан одобларини ўрганиш бўлади.

Аллоҳ таолога нисбатан мўминнинг одоблари

Одоб улуғ фазилатларга эришишга сабаб бўладиган асосий восита ҳисобланади. Шу сабабли ҳар бир замон ва маконда инсонлар маълум бир

одобларга риоя қилишга муҳтож бўладилар. Ана шу эътибордан динимизда энг оддий нарсаларга нисбатан бўладиган одобдан тортиб Аллоҳ таолога нисбатан одобгача батафсил баён қилиб қўйилган. Мазкур одобларни ўрганиб, уларни ўзининг ажралмас сифатига айлантириб олган мўмин банда дунёда ҳам, охиратда ҳам саодатли ҳаётга эришади. Ислом таълимотларидаги ушбу одобларнинг энг улуғи – Аллоҳ таолога нисбатан одоб ҳисобланади. Уламолар Аллоҳ таолога нисбатан одобларни ўрганувчига олдин У зотни Ўзи ва Расули танитганидек таниб олиш лозимлигини уқтирадилар.

Шу маънода Аллоҳ таоло ҳақида қуйидагича эътиқод қилинади:

– Аллоҳ таоло осмонлару ерни йўқдан бор қилган Зотдир;

– Аллоҳ таоло осмонлару ердаги бирор зарра ҳам Унга махфий бўлмаган, барчасини ададлари билан билиб турувчи Зотдир;

– Аллоҳ таоло Ундан олдин бирор нарса бўлмаган, барча нарсалар йўқ бўлиб кетганда ҳам доимо бор бўлиб турувчи Зотдир;

– Аллоҳ таоло бирор нарсадан ожиз қолмайдиган, барча нарсага қодир Зотдир;

– Аллоҳ таоло бандаларига ҳатто улар санаб ҳам чиқа олмайдиган даражада кўплаб неъматларни ато қилиб турувчи Зотдир;

– Аллоҳ таоло бандаларнинг ҳамду сано айтиб улуғлашларига ва қуллик қилишларига ҳақли бўлган ягона Зотдир.

Булардан бошқа сифатларини ҳам Қуръон ва суннатда баён қилинганидек таниб олиш керак бўлади.

Аҳмад ибн Осим Антокий раҳматуллоҳи алайҳ: “Кимки Аллоҳ таолони кўпроқ таниган бўлса, Ундан кўпроқ қўрқувчи бўлади”, – деган.

Мўминнинг Аллоҳ таолога нисбатан одоблари деганда, асосан, қуйидаги одоблар тушунилади:

Биринчи одоб - Аллоҳ таолога муҳаббатли бўлиш.

Аллоҳ таолога нисбатан энг муҳим одоблардан бири У зотга муҳаббатли бўлишдир. Мўмин банданинг қалби Аллоҳ таолонинг муҳаббати билан тўлиқ бўлиши лозим. Аллоҳ таолога муҳаббатли бўлиш деганда қуйидаги ишлар тушунилади:

– Аллоҳга бўлган муҳаббат бошқа барча муҳаббатлардан муқаддам туриши керак;

– Барча яхши кўрилган нарсалар Аллоҳга бўлган муҳаббатдан келиб чиқиши керак;

– Банда қалбидаги Аллоҳ муҳаббати бошқа барча муҳаббатларни бўйсундириши керак.

Ушбу муҳаббатга эга бўлиш мўмин киши учун қанчалар аҳамиятга эга экани ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай хабар берганлар:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ قَالَ **ثَلاَثٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ وَجَدَ بِهِنَّ طَعْمَ الإِيمَانِ مَنْ كَانَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِمَّا سِوَاهُمَا وَأَنْ يُحِبَّ الْمَرْءَ لاَ يُحِبُّهُ إِلاَّ لِلَّهِ وَأَنْ يَكْرَهَ أَنْ يَعُودَ فِى الْكُفْرِ بَعْدَ إِذْ أَنْقَذَهُ اللَّهُ مِنْهُ كَمَا يَكْرَهُ أَنْ يُقْذَفَ فِى النَّارِ.** رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ

Анас ибн Моликдан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Учта** (хислат) **борки улар кимда бўлса, у иймон таъмини албатта ҳис қилади. Кимгаки Аллоҳ ва Унинг Расули бошқа барча нарсалардан энг севимли бўлса, яхши кўрган кишисини Аллоҳ учун яхши кўрса, Аллоҳ уни қутқазганидан сўнг куфрга қайтишни оловга улоқтирилишни ёмон кўргандек ёмон кўрса”, -** дедилар”. *Термизий ривоят қилган.*

Демак, мўминлик бахтини ҳис қилиш учун Аллоҳга муҳаббатли бўлиш керак.

Иккинчи одоб - Аллоҳ таолони кўп зикр қилиш.

Аллоҳ таолога нисбатан энг муҳим одоблардан бири У зотни кўп зикр қилиш ҳисобланади. Аллоҳга иймон келтирган, Уни яхши кўрган банда қалбида муҳаббат ва рағбат билан, тилида дуо-ю тасбиҳлар билан, бошқа аъзоларида тоат-ибодатлар билан доимо У зотнинг зикрида бардавом бўлиши лозим. Аслида ушбу ишларнинг барчаси иймон тақозоси ҳисобланади. Чунки бу ишлар мўминлар учун Роббиларининг буйруғидир:

﴿يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ ٱذۡكُرُواْ ٱللَّهَ ذِكۡرٗا كَثِيرٗا ٤١ وَسَبِّحُوهُ بُكۡرَةٗ وَأَصِيلًا ٤٢﴾

“Эй иймон келтирганлар ! Аллоҳни кўп зикр қилинглар. Ва эрта-ю кеч Уни поклаб ёд этинглар”[55].

Оятда келган **“кўп зикр қилинглар”** деган буйруқ тил билан зикр қилишни ҳам, қалб билан зикр қилишни ҳам ўз ичига қамраб олади. Эрта-ю кеч Уни поклаб ёд этишга бўлган буйруқдан эса банданинг асосий вақти зикр билан ўтиши лозимлиги тушунилади. Чунки бир нарсанинг аввали ва охири айтилса одатда ўртаси ҳам улар билан қўшиб тушунилади.

Аллоҳ таолони кўп зикр қилиш бандага дунё ва охиратда кўплаб манфаатлар келтиради:

– Аллоҳнинг зикри сабабли қалблар ором олади. Бундай қалб мусибат чоғида ҳам жазавага тушмайди;

– Аллоҳнинг зикри сабабли шайтондан сақланилади. Чунки шайтон Аллоҳ зикр қилинган жойдан қочади;

– Аллоҳнинг зикри яхши ишларни кўп қилишга сабаб бўлади. Зеро Аллоҳнинг зикри энг улуғ солиҳ амаллардан ҳисобланади.

Учинчи одоб - Аллоҳ таолонинг ҳукмларига риоя қилиш.

Аллоҳ таолога нисбатан энг муҳим одоблардан яна бири доимо У зотнинг ҳукмларига риоя қилишдир. Банда Аллоҳ таолонинг буйруқларига сўзсиз итоат этиши, қайтариқларидан қатъи равишда қайтиши лозим. Бу ҳақида севикли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдуллоҳ ибн Аббос шахсида бутун умматларига шундай насиҳат қилганлар:

[55] Аҳзоб сураси, 41, 42-оятлар.

عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ كُنْتُ خَلْفَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ يَوْمًا فَقَالَ **يَا غُلاَمُ إِنِّي أُعَلِّمُكَ كَلِمَاتٍ احْفَظِ اللَّهَ يَحْفَظْكَ احْفَظِ اللَّهَ تَجِدْهُ تُجَاهَكَ إِذَا سَأَلْتَ فَاسْأَلِ اللَّهَ وَإِذَا اسْتَعَنْتَ فَاسْتَعِنْ بِاللَّهِ وَاعْلَمْ أَنَّ الأُمَّةَ لَوِ اجْتَمَعَتْ عَلَى أَنْ يَنْفَعُوكَ بِشَيْءٍ لَمْ يَنْفَعُوكَ إِلاَّ بِشَيْءٍ قَدْ كَتَبَهُ اللَّهُ لَكَ وَلَوِ اجْتَمَعُوا عَلَى أَنْ يَضُرُّوكَ بِشَيْءٍ لَمْ يَضُرُّوكَ إِلاَّ بِشَيْءٍ قَدْ كَتَبَهُ اللَّهُ عَلَيْكَ رُفِعَتِ الأَقْلاَمُ وَجَفَّتِ الصُّحُفُ.** رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ

Ибн Аббосдан розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: “Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг орқаларида эдим. У зот: **“Эй бола, мен сенга бир калималарни ўргатиб қўяман: Аллоҳни** (Унинг шариатини) **сақлагин, У сени** (тўғри йўлда) **сақлайди, Аллоҳни** (Унинг шариатини) **сақлагин, Уни олдингда топасан, агар сўрасанг Аллоҳдан сўра, агар ёрдам истасанг Аллоҳдан иста, билгинки, агар сенга бирор нарсада фойда бериш учун бутун уммат тўпланса ҳам, Аллоҳ сенга битиб қўйган фойдадан бошқа бирор фойда бера олмаслар, агар сенга бирор нарсада зарар бериш учун бутун уммат тўпланса ҳам, Аллоҳ сенга битиб қўйган зарардан бошқа бирор зарар етказа олмаслар, қаламлар кўтарилган, саҳифалар қуригандир”, -**дедилар”. *Термизий ривоят қилган.*

Ушбу ҳадиси шарифда қайси бир банда тўғри йўлда бардавом бўлишни хоҳласа, Аллоҳ таолонинг ҳукмларига риоя қилиши, бу йўлда машаққатларга дуч келса, Аллоҳдан ёрдам сўраб сабр билан ҳаракат қилиб бориши тавсия қилинган. Динимизнинг мўминларга берадиган бахту-саодатидан баҳраманд бўлишни истаган киши албатта Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу насиҳатлари асосида ҳаёт кечириши лозим.

Тўртинчи одоб - Аллоҳга ибодат қилишда ихлосли бўлиш.

Аллоҳ таолога нисбатан энг муҳим одоблардан яна бири У зотга ибодат қилишда ихлосли бўлишдир. Зеро, амалларнинг қабул бўлиши ихлосга боғлиқ бўлади. Қанчадан-қанча машаққат билан адо этилган амалларнинг қиёмат кунида заррача фойда келтирмаслиги ихлос йўқлиги сабабли бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам амалларни ихлос балан адо этишга тарғиб қилиб шундай деганлар:

عَنْ مُعَاوِيَةَ بْنَ أَبِي سُفْيَانَ يَقُولُ سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ صَلَّى الله عَلَيْهِ وسَلَّمَ يَقُولُ **إِنَّمَا الأَعْمَالُ كَالْوِعَاءِ إِذَا طَابَ أَسْفَلُهُ طَابَ أَعْلاَهُ وَإِذَا فَسَدَ أَسْفَلُهُ فَسَدَ أَعْلاَهُ.** رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ

Муовия ибн Абу Суфёндан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“Албатта, амаллар идиш сингаридир. Агар таги яхши бўлса, юқориси ҳам яхши бўлади, агар таги яроқсиз бўлиб қолган бўлса, юқориси ҳам яроқсиз бўлиб қолади”,** деётганларини эшитдим”. *Ибн Можа ривоят қилган.*

Яъни банданинг амаллари ичига нарса солиб тўлдириб қўйилган идишларга ўхшайди. Идишдаги нарсаларнинг таги бузилмаган бўлса, юқориси чиройли

бўлиб тураверади. Худди шу сингари амалларнинг ҳам асли бўлган ният ва ихлос ўзгармаган бўлса, амалларнинг зоҳири ҳам гўзал бўлиб тураверади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу: “Қалб подшоҳдир, аъзолар эса унинг аскарларидир, агар подшоҳ яхши бўладиган бўлса, аскарлари ҳам яхши бўлади, агар подшоҳ ёмон бўладиган бўлса, аскарлари ҳам ёмон бўлади”, – деган.

Абу Сулаймон: “Қачон банда ихлосли бўладиган бўлса, кўп васваса ва риё уни тарк этади”, – деган.

Демак, банда амаллари қабул бўлиб, Қиёмат кунида ўзига манфаат келтиришини истаса, Роббисига нисбатан одобли бўлиши, яъни Унга ибодат қилишда ихлосли бўлиши лозим.

Бешинчи одоб - Доимо Аллоҳнинг кузатиб турганини ҳис қилиб туриш.

Аллоҳ таолога нисбатан энг муҳим одоблардан яна бири У зотнинг кузатиб турганини доимо ҳис қилиб яшашдир. Бу иш Аллоҳ таолонинг буйруғи ҳисобланади:

﴿وَٱعۡلَمُوٓاْ أَنَّ ٱللَّهَ يَعۡلَمُ مَا فِيٓ أَنفُسِكُمۡ فَٱحۡذَرُوهُ﴾

“Ва билингки, Аллоҳ ичингиздагини албатта билади. Бас, Ундан огоҳ бўлинг”[56].

Яъни Аллоҳ таоло асл мақсадларингизни билиб турибди. Шунинг учун унинг жазосига гирифтор бўлишдан ҳазир бўлинг.

Суфён Саврий бу ҳақида шундай деган: “Сен доимо Унга бирор иш махфий бўлмайдиган зот кузатиб турганини ҳис қилиб туришинг, ваъдасига хилоф қилмайдиган зотдан умидвор бўлиб туришинг, жазолашга қодир зотга (исён қилишдан) сақланишинг лозим”.

Аллоҳ таолонинг кузатиб турганини ҳис қилиб яшаш бандани доимо тоат-ибодатларга ғайрат қилишга, маъсиятлардан сақланишга ундаб туради.

Олтинчи одоб - Аллоҳ таолодан қўрқиш.

Аллоҳ таолога нисбатан энг муҳим одоблардан яна бири доимо У зотдан қўрқишдир. Аллоҳ таолодан қўрқмаслик Унга нисбатан беодоблик ҳисобланади. Бу беодоблик инсонни Аллоҳга исён қилишга, У зот ҳаром қилган нарсаларни содир этишга олиб боради. Шунинг учун ҳам У зот Ўзидан қўрқишга амр қилган:

﴿وَخَافُونِ إِن كُنتُم مُّؤۡمِنِينَ ١٧٥﴾

“Ва агар мўмин бўлсангиз, мендан қўрқинглар”[57].

Аллоҳдан қўрқиш банда учун ўта муҳим бўлганидан ориф зотлар уни тарғиб қилишга катта эътибор қаратганлар:

– Абул Қосим Ҳаким: “Ким бирор нарсадан қўрқса, ундан қочади, Аллоҳдан қўрққан Унга қочади”;

– Бишр Ҳофий: “Аллоҳдан қўрқиш фақат тақводорнинг қалбигагина ўрнашадиган мулкдир”;

---

[56] Бақара сураси, 235-оят.
[57] Оли Имрон сураси, 175-оят.

– Абу Ҳафс: “Хавф қалбнинг чироғидир. Қалбдаги яхши ва ёмон нарсалар ушбу чироқ билан кўрилади”;

– Яҳё ибн Муъоз: “Бечора одам боласи, агар дўзахдан камбағалликдан қўрққанчалик қўрққанида, албатта, жаннатга кирган бўлар эди”.

Аллоҳ таолодан қўрқиш банда учун кўплаб манфаатлар келтиради:

– Маъсиятлардан қайтариб туради;

– Тоат-ибодатларга ундаб туради;

– Қалб доимо Аллоҳни ёд этиб туради;

– Қалб Аллоҳ қўрқуви билан тўлиқ бўлгани сабабли бошқа қўрқувларга ўрин қолмайди.

Еттинчи одоб - Аллоҳ таолодан ҳаё қилиш.

Аллоҳ таолога нисбатан энг муҳим одоблардан яна бири доимо У зотдан ҳаё қилишдир. Банда Аллоҳ таолонинг ўзини доимо кўриб, ҳолатларидан хабардор бўлиб турганини билиши ва У зотдан ҳаё қилиши лозим. Аллоҳдан ҳаё қилиш қандай бўлишини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай тушунтирганлар:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ **اسْتَحْيُوا مِنَ اللَّهِ حَقَّ الْحَيَاءِ** قَالَ قُلْنَا يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّا لَنَسْتَحْيِي وَالْحَمْدُ لِلَّهِ قَالَ **لَيْسَ ذَاكَ وَلَكِنَّ الاِسْتِحْيَاءَ مِنَ اللَّهِ حَقَّ الْحَيَاءِ أَنْ تَحْفَظَ الرَّأْسَ وَمَا وَعَى وَتَحْفَظَ الْبَطْنَ وَمَا حَوَى وَتَتَذَكَّرَ الْمَوْتَ وَالْبِلَى وَمَنْ أَرَادَ الآخِرَةَ تَرَكَ زِينَةَ الدُّنْيَا فَمَنْ فَعَلَ ذَلِكَ فَقَدِ اسْتَحْيَا مِنَ اللَّهِ حَقَّ الْحَيَاءِ**. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ

Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилишда ҳаё қилинглар”,** дедилар. Биз: эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, биз албатта ҳаё қиламиз, дедик. У зот: **“Ундай эмас, лекин Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилиш бошни ва ундаги нарсаларни сақлашингиз билан, қоринни ва ундаги нарсаларни асрашингиз билан, ўлимни ва чириб кетишни эслаб юришингиз билан бўлади. Ким охиратни хоҳласа дунё зиёнатини тарк қилади. Кимки ушбуларни қилса ўша киши Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилган бўлади”,** дедилар”. *Термизий ривоят қилган.*

Яъни Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилиш учун банда:

– Бошини ва ундаги қулоқлари, кўзлари ва тилини маъсиятлардан тийиши керак;

– Қалбини гуноҳ нарсаларни қасд қилишдан асраши керак;

– Ҳаром озуқаларни истеъмол қилишдан сақланиши керак.

Кимда ушбу сифатлар топилса, ўша киши Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилган бўлади.

Руҳий тарбия уламолари ушбу ҳадиси шарифнинг маъноларини турли содда услублар билан осонгина тушунтириб қўйганлар:

Бир киши Иброҳим Адҳамнинг олдига келиб: “Эй Абу Исҳоқ, нафсим гуноҳ маъсиятларга ботиб кетди, сизда гуноҳ-маъсиятлардан қайтарадиган бирор нарса борми?” – деди.

Иброҳим Адҳам: “Агар айтадиган насиҳатларимни тинглаб уларга риоя қила олсанг сенга бирорта ҳам гуноҳ зарар бермайди”, – деб жавоб берди.

Ҳалиги киши: “Уларни айта қолинг, эй Абу Исҳоқ”, – деди.

Иброҳим Адҳам бешта хислатни санади:

1. Аллоҳ таолога исён қилмоқчи бўлсанг, Унинг берган ризқини емагин!

Ҳалиги киши: “Унда қаердан ейман, ахир ердаги барча нарса Унинг берган ризқи бўлса!”.

Иброҳим Адҳам: “Ундай бўлса, У берган ризқни еб туриб, яна Унга исён қилишни ўзингга эп кўрасанми?!”.

Ҳалиги киши: “Йўқ, албатта, иккинчисини айта қолинг”, – деди.

2. Аллоҳ таолога исён қилмоқчи бўлсанг, Унинг ерида турмагин!

Ҳалиги киши: “Эй Иброҳим бу биринчисидан ҳам даҳшатлироқ-ку. Машриқ ҳам, мағриб ҳам уларнинг орасида нима бўлса ҳаммаси Унинг мулки-ку, Уники бўлмаган қаерда тураман?”.

Иброҳим Адҳам: “Эй инсон У берган ризқни есанг, Унинг ерида яшасанг, яна Унга исён қилсанг, шуни ўзингга эп кўрасанми?!”.

Ҳалиги киши: “Йўқ, асло эп кўрмайман, учинчисини айта қолинг”, – деди.

3. Аллоҳ таолога исён қилмоқчи бўлсанг, У сени кўрмайдиган бир жойни топ-да, исёнингни ўша ерда қил!

Ҳалиги киши: “Ҳой Иброҳим, бу нима деган гап? У зот барча сирлардан хабардор бўлса, қалбдан кечаётган нарсаларни ҳам билиб турса, бирор нарса ҳам Унга махфий бўлмаса?!”.

Иброҳим Адҳам: “Ҳой одам, Унинг берган ризқини есанг, У берган маконда яшаб туриб, Унинг сени кўриб, барча сирларингдан хабардор эканини била туриб, яна Унга исён қилишни ўзингга эп кўрасанми?”.

Ҳалиги киши: “Йўқ, асло эп кўрмайман, тўртинчисини айта қолинг”.

4. Агар ўлим фариштаси руҳингни олиш учун келса унга: “Мени қолдириб тургин, тавба қилиб олай”, – дегин.

Ҳалиги киши: “У буни қабул қилмайди-ку”, – деди.

Иброҳим Адҳам: “Агар тавба қилиб олишинг учун ўлимни ўзингдан қайтариб тура олмасанг, жонингни олиш учун келган пайтда асло ортга сурмаслигини билсанг, қандай қилиб халос бўлиш ҳақида умид қиласан?!”.

Ҳалиги киши: “Бўлди, бешинчисини ҳам айтинг”.

5. Қиёмат кунида Забониялар (дўзахга кирганларни азоблашга тайин қилинган фаришталар) сени дўзахга олиб кетишга келсалар, улар билан бирга бормагин.

Ҳалиги киши: “Улар бунга қараб ўтирмайдилар-ку, – деди”.

Иброҳим Адҳам: “Ундай бўлса нажот топишдан қандай умидвор бўлаяпсан?!”.

Ҳалиги киши: “Эй Иброҳим, бўлди, етарли бўлди, мен Аллоҳга истиғфор айтаман ва Унга тавба қиламан”, – деди.

Саккизинчи одоб - Аллоҳ таоло учун тақво қилиш.

Аллоҳ таолога нисбатан энг муҳим одоблардан яна бири доимо У зот учун тақво қилишдир. Тақво нима эканини уламолар қисқа ва лўнда сўзлар билан тушунтириб қўйганлар:

– Абу Абдуллоҳ Рўзборий: “Тақво – сени Аллоҳдан узоқлаштирадиган нарсадан ўзингни олиб қочишингдир”;

– Ибн Ато: “Тақвонинг ташқи ва ички тарафи бордир. Ташқи тарафи шариат ҳукмларига риоя этиш, ички тарафи эса ният ва ихлосдир”.

Тақвонинг жуда кўплаб самаралари бор:

– Аллоҳ таоло тақводор банда билан бирга бўлади. Бу ҳақида Қуръони каримда шундай хабар берилган:

﴿ إِنَّ ٱللَّهَ مَعَ ٱلَّذِينَ ٱتَّقَوا۟ وَّٱلَّذِينَ هُم مُّحْسِنُونَ ﴿١٢٨﴾ ﴾

“Албатта, Аллоҳ тақво қилганлар ва гўзал ишлар қилганлар билан биргадир”[58].

Аллоҳ таолонинг тақводор банда билан бирга бўлиши деганда уни ҳидоят қилиши, маъсиятлардан сақлаши, унинг амалларини қабул қилиши каби маънолар тушунилади.

– Тақводор банда душманларнинг макридан нажот топади:

﴿ وَإِن تَصْبِرُوا۟ وَتَتَّقُوا۟ لَا يَضُرُّكُمْ كَيْدُهُمْ شَيْـًٔا ﴾

“Агар сабр ва тақво қилсангиз, уларнинг макри сизга ҳеч зарар қилмас”[59].

– Ҳақ ва ботил орасини ажратадиган бўлади:

﴿ يَـٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ إِن تَتَّقُوا۟ ٱللَّهَ يَجْعَل لَّكُمْ فُرْقَانًا ﴾

“Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга тақво қилсангиз, сизга фурқон беради”[60].

Тақводорларга Аллоҳ таоло ҳақ ва ботил, ҳидоят ва залолат орасини ажратадиган нур бериб қўяди. Натижада улар залолатга кетмайдилар.

Тўққизинчи одоб - Аллоҳ таолога таваккул қилиш.

Аллоҳ таолога нисбатан энг муҳим одоблардан яна бири доимо У зотга таваккул қилишдир. Банданинг Аллоҳ таолога таваккул қилиши унинг иймони комил экани белгиси бўлади. Бу ҳақида Қуръони каримда шундай хабар берилган:

---

[58] Наҳл сураси, 128-оят.
[59] Оли Имрон сураси, 120-оят.
[60] Анфол сураси, 29-оят.

﴿ إِنَّمَا ٱلْمُؤْمِنُونَ ٱلَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ ٱللَّهُ وَجِلَتْ قُلُوبُهُمْ وَإِذَا تُلِيَتْ عَلَيْهِمْ ءَايَٰتُهُۥ زَادَتْهُمْ إِيمَٰنًا وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ﴿٢﴾ ﴾

“Албатта, Аллоҳ зикр қилинса, қалблари титрагувчи, оятлари тиловат этилса, иймонларини зиёда қилгувчи ва Роббиларига таваккул қилувчиларгина мўминлардир”[61].

Руҳий тарбия уламолари таваккулнинг мўмин учун ниҳоятда аҳамиятли эканини таъкидлаганлар:

– Яҳё ибн Муъоздан: “Киши қачон таваккул қилувчи бўлади”, деб сўрашди. У: “Қачон Аллоҳнинг “Ал-Вакил” (барча ишларда Унга суяниладиган Зот) эканига рози бўлса”, дея жавоб берди;

– Бишр Хофий: “Баъзилар Аллоҳга таваккул қилдим, дея Аллоҳга нисбатан ёлғон гапиради. Агар у Аллоҳга таваккул қилганида, албатта, Роббисининг унга қилган нарсасига рози бўлган бўлар эди”, – деган.

Аллоҳ таолога таваккул қилишнинг кўплаб манфаатлари бор:

– Таваккул қилувчини Аллоҳ таоло инсонлар ва жинларнинг ёмонликларидан сақлайди:

﴿ وَمَن يَتَوَكَّلْ عَلَى ٱللَّهِ فَهُوَ حَسْبُهُۥٓ ﴾

“Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, унга У зотнинг Ўзи кифоядир”[62].

– Таваккул мўминнинг қалбида қувват пайдо қилади. Аллоҳга таваккал қилган мўмин банда ҳақ йўлида бирор маломатчининг маломатидан қўрқмасдан ҳаракат қилади. Чунки у Аллоҳнинг изнисиз ўзига бирор бир фойда ҳам, зарар ҳам етмаслигини билади.

– Таваккул қилувчи тирикчилик йўлида мўътадил бўлади. Чунки у ризқи Аллоҳ белгилаб қўйганидан ортиқ бўлмаслигини билади. Тирикчилик учун сабаб қилиб қўйилган ишларни амалга оширади, бироқ натижани Аллоҳдан кутади. Сўфи Оллоҳёр бобомиз айтганларидек:

Қидирғон бирла ризқинг қатра тошмас,
Кетар қадринг қадардин ҳаргиз ошмас.

Яъни эй банда, ҳар қанча чирансанг ҳам Аллоҳ белгилаб қўйган ризқдан бир томчи ҳам ортиқ ололмайсан. Сенинг зиммангда фақат ризқ учун сабаб қилиб қўйилган ишларни амалга ошириш бор холос, ризқинг эса Аллоҳ таолонинг сен учун тайинлаб қўйган нарсасидир.

Ўнинчи одоб - Аллоҳ учун яхши кўриш ва Аллоҳ учун ёмон кўриш.

Банданинг Роббисига нисбатан муҳим одобларидан бири ҳар бир амалида Аллоҳ розилиги учун ҳаракат қилишидир. Бу ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай хабар берганлар:

---

[61] Анфол сураси, 2-оят.
[62] Талоқ сураси, 3-оят.

عَنْ أَبِي أُمَامَةَ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ **مَنْ أَحَبَّ لِلَّهِ وَأَبْغَضَ لِلَّهِ وَأَعْطَى لِلَّهِ وَمَنَعَ لِلَّهِ فَقَدِ اسْتَكْمَلَ الإِيمَانَ.** رَوَاهُ اَبُو دَاوُودَ

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Кимки Аллоҳ учун яхши кўрса, Аллоҳ учун ёмон кўрса, Аллоҳ учун берса, Аллоҳ учун рад қилса, албатта, иймонини комил қилибди”,** дедилар”. *Абу Довуд ривоят қилган.*

Аллоҳ таолони яхши кўриш пайғамбарларни ва солиҳ бандаларни яхши кўришни ҳам тақозо қилади. Пайғамбарлар ва солиҳ бандаларни яхши кўриш эса уларга эргашиш ва уларнинг кўрсатмаларига риоя қилишни тақозо қилади.

Ўн биринчи одоб - Қазо ва қадарга рози бўлиш.

Мўмин банда учун иймони тақозо қиладиган муҳим ишлардан бири – Роббиси тайин қилган қазо ва қадарга рози бўлишдир. Мўмин киши ўзига етган нарсанинг етмасдан қолиши мумкин эмаслигига, ўзига етмаган нарсанинг эса етиши мумкин эмаслигига иймон келтирган бўлади. Шу эътиқодига кўра ўзига бирор хурсандлик етса, шукр қилишга, бирор хафаликка дучор бўлса, сабр қилишга ўтади. Бундай эътиқоднинг фақат мўминларда бўладиган улкан саодат эканини севикли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қисқа сўзлари билан тушунтириб қўйганлар:

عَنْ صُهَيْبٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ **عَجَبًا لِأَمْرِ الْمُؤْمِنِ إِنَّ أَمْرَهُ كُلَّهُ خَيْرٌ وَلَيْسَ ذَاكَ لأَحَدٍ إِلاَّ لِلْمُؤْمِنِ إِنْ أَصَابَتْهُ سَرَّاءُ شَكَرَ فَكَانَ خَيْرًا لَهُ وَإِنْ أَصَابَتْهُ ضَرَّاءُ صَبَرَ فَكَانَ خَيْرًا لَهُ.**

رَوَاهُ مُسْلِمُ

Суҳайб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Мўминнинг ишидан ажабланаман, албатта, ишининг барчаси хайрлидир, бу нарса мўминдан бошқа ҳеч кимда бўлмайди. Агар унга бирор хурсандлик етса, шукр қилади, бу унга хайрли бўлган бўлади. Агар унга бирор хафалик етса, сабр қилади, бу ҳам унга хайрли бўлган бўлади”,** дедилар”. *Муслим*[63] *ривоят қилган.*

Ушбу тушунчанинг мўминлар учун қанчалар катта бахту-саодат экани мўмин ва мўмин бўлмаган кишининг мусибатга учраган ҳолатида яққол намоён бўлади. Ҳа, бундай ажойиб бахтга эришиш учун киши фақат мўмин бўлиши ва иймони тақозосига кўра ҳаёт кечириши лозим.

Шунинг учун ҳам баъзи уламолар ушбу ҳадисни таърифлаб: “Ушбу ҳадис Исломнинг ярмидир, ёки бутунлай Исломдир, дейилса ҳам ҳеч бир муболаға қилинмаган бўлади”, - деганлар.

Ушбу одобларга риоя этиб уларнинг самараларидан дунё-ю охиратда баҳраманд бўлишга Аллоҳ таоло барчаларимизни муваффақ қилсин

---

[63] Муслим ибн Ҳажжож ибн Қушайрий Найсабурий ҳижрий 204 йилда ҳозирги Эрон ҳудудига кирувчи Найсабур номли жойда туғилган. Илм талабида Басра, Ҳижоз, Миср, Шом ва Бағдод каби диёрларни кезиб чиққан. Бу зотнинг “Саҳиҳу Муслим” номли китоби жуда машҳур бўлган. Бундан ташқари “Муснадул кабир”, “Ал-куна вал асмо” ва “Китабу авладис соҳаба” каби кўплаб китоблари бўлган. Имом Муслим ҳижрий 261 йилда 55 ёшда Найсабурда вафот этган.

БОРЛИҚНИНГ ТАДБИРИНИ ҚИЛИБ ТУРУВЧИ ЗОТ

3 هُوَ الْحَيُّ الْمُدَبِّرُ كُلَّ أَمْرٍ هُوَ الْحَقُّ الْمُقَدِّرُ ذُو الْجَلاَلِ

Маънолар таржимаси:

У Ҳайдир, барча ишнинг тадбирини қилувчидир, У Ҳақдир, тақдир тайин қилувчи Зул Жалолдир.

Назмий баёни:

У Ҳайдир тайинловчи неки бўлса ҳол,
У Ҳақдир тақдирловчи олий Зул жалол.

Луғатлар изоҳи:

هُوَ – ғоиб муфрадга хос бўлган мунфасил замир. Ушбу замирдан олдинги байтдаги اِلَهُ الْخَلْق кўзда тутилган.

الْحَيُّ – бу калима билан зотий сифатларга ишора қилинган. Аллоҳ таолонинг Ҳай (доимий тирик) Зот экани ўз-ўзидандир. Бошқа барча нарсаларнинг тирик бўлиши эса У зотнинг иродасига боғлиқ бўлган маълум миқдордаги тирикликдир.

الْمُدَبِّرُ – бу калима билан Аллоҳ таолонинг феълий сифатларига ишора қилинган. “Мудаббир” луғатда “тадбир қилувчи” маъносини англатади. Истилоҳий маъноси ҳақида уч хил сўз айтилган:

1. Натижаларни белгиловчи;
2. Ишларини бенуқсон бажарувчи;
3. Ўйлаб фикр қилмасдан ишларининг натижаларини билувчи.

كُلَّ اَمْرٍ – كُل калимаси накра исмга изофа бўлиб келгани учун “истиғроқул жинс”[64] (жинснинг барчасини тўла қамраб олиш) маъносини билдиради. Шунга кўра борлиқдаги барча ишларнинг тадбирини Аллоҳ таоло қилади, маъноси келиб чиқади.

الْحَقُّ – бу калима билан “Асмаи ҳусна”га ишора қилинган. Аллоҳ таолонинг Ҳақ Зот экани бошқанинг Уни ҳақ қилишига боғлиқ эмас балки ўз-

---

[64] كُلَّ калимаси кўпинча музоф бўлиб келади. Агар накра исмга изофа бўлиб келса, истиғроқул жинсни ифодалайди. Масалан, وَكُلَّ إِنْسَانٍ أَلْزَمْنَاهُ طَائِرَهُ فِى عُنُقِهِ (“Биз ҳар бир инсоннинг амалини бўйнига боғлаб қўйганмиз”, Исро сураси, 13-оят). Яъни, ҳар бир инсоннинг қилмиши ўзининг бўйнига тушади.

Агар маърифа исмга изофа бўлиб келса, жинс вакилларининг истиғроқини ифодалайди. Масалан, جَاءَ كُلُّ الْقَوْمِ (Қавмнинг барчаси келди).

ўзидан ҳақдир. Бошқа барча нарсаларнинг ҳақлиги эса У зотнинг ҳақ қилишига боғлиқ бўлади.

الْمُقَدِّرُ – бу калима билан қазо ва қадарга ишора қилинган.

ذُو الْجَلَالِ – Аллоҳ таолонинг исмларидан бири.

Матн шарҳи:

Аллоҳ таолонинг доимий тирик зот экани, барча ишларнинг тадбири ёлғиз Унинг қўлида экани, Унинг илми бутун борлиқни қамраб олганлиги, У бутун борлиқни муҳофаза қилишдан асло чарчамаслиги, Унинг Ўзи барча нарсалардан олий ва буюк экани Оятул курсий номи билан машҳур бўлган ушбу оятда баён қилинган:

﴿ ٱللَّهُ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ ٱلۡحَيُّ ٱلۡقَيُّومُۚ لَا تَأۡخُذُهُۥ سِنَةٞ وَلَا نَوۡمٞۚ لَّهُۥ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِي ٱلۡأَرۡضِۗ مَن ذَا ٱلَّذِي يَشۡفَعُ عِندَهُۥٓ إِلَّا بِإِذۡنِهِۦۚ يَعۡلَمُ مَا بَيۡنَ أَيۡدِيهِمۡ وَمَا خَلۡفَهُمۡۖ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيۡءٖ مِّنۡ عِلۡمِهِۦٓ إِلَّا بِمَا شَآءَۚ وَسِعَ كُرۡسِيُّهُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضَۖ وَلَا يَـُٔودُهُۥ حِفۡظُهُمَاۚ وَهُوَ ٱلۡعَلِيُّ ٱلۡعَظِيمُ ٢٥٥ ﴾

“Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқдир. (У) **ҳамиша Барҳаёт ва абадий Турувчидир. Уни на мудроқ тутар ва на уйқу. Осмонлар ва Ердаги** (барча) **нарсалар Уникидир.** (Қиёмат куни) **Унинг ҳузурида ким ҳам** (гуноҳкорларни) **Унинг рухсатисиз шафоат қила оларди?!** (У) **улардан** (одамлардан) **олдинги ва кейинги нарсаларни билур.** (Одамлар) **Унинг илмидан фақат** (У) **истаган миқдорича ўзлаштирурлар. Унинг Курсийси осмонлар ва Ерни** (ҳам) **ўз ичига сиғдира олур. У иккисини муҳофаза этиш Уни толиқтирмас. У Олий ва Буюкдир”**[65]**.**

Ушбу ояти карима “Софватут тафосир” (Тафсирларнинг мағизи) китобида қуйидагича тафсир қилинган:

“Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқдир. (У) **ҳамиша Барҳаёт ва абадий Турувчидир”.** Яъни Аллоҳ таолонинг Ўзи буюк ва яккаю ягона, барча нарсалардан беҳожат, қолган барча нарсалар Унга муҳтож бўлган Сомад зотдир. Унинг Ўзигина ҳеч қачон ўлмайдиган доимий бор бўладиган баркамол ҳаёт соҳибидир. Унинг Ўзигина бутун халойиққа ғамхўрлик кўрсатиб, уларни ҳифзу ҳимоясига олиб, чора-тадбирларини қилиб турибди.

“Уни на мудроқ тутар ва на уйқу”. Яъни У мудрамайди ҳам, ухламайди ҳам. Саҳиҳ ҳадисда: **“Аллоҳ таоло ухламайди, ҳатто Уни бир лаҳза ҳам**

[65] Бақара сураси, 255-оят.

мудроқ олмайди, У халойиқнинг улушларини пасайтириб кўтариб туради...”, - дейилган.

“Осмонлар ва Ердаги (барча) **нарсалар Уникидир”.** Яъни Осмонлару ердаги ҳамма нарса Унинг мулки ва қули бўлиб, барчалари Унинг ҳукми ва салтанати остидадир.

“(Қиёмат куни) **Унинг ҳузурида ким ҳам** (гуноҳкорларни) **Унинг рухсатисиз шафоат қила оларди?!”.** Яъни У изн бермаса, ҳеч ким бировнинг ёнини олишга журъат қила олмайди. Улуғ муфассир Ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳ: “Бу бирор кимса Унинг изнисиз бировнинг ёнини олишга журъат этмайдиган даражадаги Унинг улуғлиги ва буюклигининг баёнидир”, – деган.

“(У) **улардан** (одамлардан) **олдинги ва кейинги нарсаларни билур”.** У зот ҳар доим ҳозиру-нозир бўлиб, уларга кўриниб турган нарсани, яъни ушбу дунёни ҳам, ҳали олдинда юз беражак нарсани, яъни охиратни ҳам билади. Унинг илми бутун коинот ва оламларни қамраб олган.

“(Одамлар) **Унинг илмидан фақат** (У) **истаган миқдорича ўзлаштирурлар”.** Яъни халойиқлар Унинг илмидан бирор нарсани билмайдилар. Биладиган нарсалари фақатгина У зотнинг Ўзи пайғамбарлари орқали билдирган нарсалардир.

“Унинг Курсийси осмонлар ва Ерни (ҳам) **ўз ичига сиғдира олур”.** Яъни Унинг курсиси улканлиги ва кенглиги билан осмонлару ерни қамраб олган. Етти осмон ва ерлар курсига нисбатан саҳрога ташланган халқа кабидир. Ибн Аббос розияллоҳу анҳу: “Курсидан мурод, У зотнинг илмидир. Бунга Аллоҳ таолонинг ушбу сўзи далолат қилади:

﴿ رَبَّنَا وَسِعْتَ كُلَّ شَيْءٍ رَّحْمَةً وَعِلْمًا ﴾

“Парвардигоро, Ўзинг раҳмат ва илм жиҳатдан барча нарсани эгаллагандирсан”[66]**.** Яъни ушбу оятда илми ҳамма нарсани қамраб олганини хабар берган”, деган.

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ эса: “Курсий – Аршдир”, – деган. Ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳ: “Курсий Аршдан бошқадир. Асарлар ва хабарлар далолат қилганидек, Арш ундан каттароқдир”, – деган.

“У иккисини муҳофаза этиш Уни толиқтирмас. У Олий ва Буюқдир”: Осмонлару ерни ва улардаги нарсаларни муҳофаза қилиш Унга сира малол келмайди ёки Уни ожиз қолдириб қўймайди. У барча мавжудотлардан олий бўлган улуғ ва буюк Зотдир”[67].

Аллоҳ таолонинг “Мудаббир” зот экани, борликдаги барча ишларнинг тадбири ёлғиз У зотнинг қўлида экани тўғрисида “Сажда” сурасида шундай хабар берилган:

﴿ يُدَبِّرُ ٱلْأَمْرَ مِنَ ٱلسَّمَآءِ إِلَى ٱلْأَرْضِ ﴾

---

[66] Ғофир сураси, 7-оят.

[67] Муҳаммад Али Собуний. Софватут-тафосир 1-жилд. – Байрут-Лубнан: “Мактабатул Асрия”, 2009. – Б.137.

“(У) **осмондан ергача бўлган барча ишни тадбирини кўрар** (бошқарар)**”**[68]. Яъни Аллоҳ таоло осмонлару ерлардаги барча махлуқотларнинг тадбирини қилиб туради ва бирортасини унутиб қолдирмайди. Ибн Аббос розияллоҳу анҳу ушбу оят ҳақида: “Самодан ергача қазо ва қадарни ҳамда тадбирини қилиб белгилаган нарсани нозил қилади”, – деган.

Аллоҳ таолонинг тақдирларни тайин қилувчи Зот эканлиги, борлиқдаги барча нарсаларни аниқ ўлчов билан яратиб қўйгани ҳақида “Қамар” сурасида шундай хабар берилган:

﴿ إِنَّا كُلَّ شَيْءٍ خَلَقْنَٰهُ بِقَدَرٍ ٤٩ ﴾

“Албатта, Биз ҳар бир нарсани ўлчов билан яратдик” [69]**.** Яъни биз ҳар бир насани азалдан “Лавҳул маҳфуз”га битиб қўйилганидек, ўлчов билан яратдик. Ҳа, Аллоҳ таоло барча ишларнинг тадбирларини қилиб турувчи доимий тирик бўлган буюк зотдир.

---

[68] Сажда сураси, 5-оят.
[69] Қамар сураси, 49-оят.

ҚАЗОЮ ҚАДАРГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ БАЁНИ

4 مُرِيدُ الْخَيْرِ وَالشَّرِّ الْقَبِيحِ وَلَكِنْ لَيْسَ يَرْضَى بِالْمُحَالِ

Маънолар таржимаси:

Яхшини ҳам, қабиҳ ёмонни ҳам ирода қилгувчидир, лекин куфр ва маъсиятларга рози эмас.

Назмий баёни:

Яхшию ёмонга иродаси бор,
Лек ёмон ишларга розимас зинҳор.

Луғатлар изоҳи:

مُرِيدُ – мубтадо. Аҳли сунна вал-жамоанинг наздида Аллоҳ таолонинг “ирода” ва “машиат” сифатлари бир хил маънони ифодалайди. “Ирода” сифати деганда барча бўлиши жоиз нарсаларни улар учун мумкин бўлган кўплаб нарсалардан бирига хослайдиган Аллоҳ таолонинг азалий сифати тушунилади.

الْخَيْرِ – бу калима аслида اَخْيَرُ исми тафзилнинг ҳамзаси ҳазф қилинган шаклидир. Аммо бу ўринда исми тафзил маъноси ирода қилинмаган. Балки “шариат тарғиб қилган амал” маъносида ишлатилган.

وَ – мутлақ жамлаш учун келтирилган атф ҳарфи.

الشَّرِّ – Бу калима ҳам аслида أَشَرُّ нинг ҳамзаси ҳазф қилинган шаклидир. Аммо бу ўринда исми тафзил маъноси эмас, балки “шариат рад қилган нарса” маъноси ирода қилинган.

الْقَبِيحِ – қабиҳ луғатда “номаъқул”, “ярамас” каби маъноларни англатади. Нозим الشَّرِّ ни ушбу маънолар билан сифатлаб келтирган.

لَكِنْ – “истидрок”ни (тўғрилаб қўйишни) ифодалайдиган ибтидо ҳарфи.

لَيْسَ – бу калима كَانَ нинг шерикларидан бўлган жомид ноқис мозий феъли бўлиб, унинг исми маҳзуф замирдир.

يَرْضَى – розилик луғатда “ғазабнинг зидди” маъносида келади. Истилоҳда “маълум нарсани қабул қилиш ва уни тақдирлаш” маъносини англатади. Шунга кўра “Аллоҳ мўминлардан рози бўлди” маъносидаги оятдан “Аллоҳ мўминларнинг амалларини қабул қилди ва амалларига кўра уларни тақдирлади”, маъноси тушунилади. “Мўминлар Аллоҳдан рози бўлдилар”

сўзидан эса “мўминлар Аллоҳнинг берган савобларини қабул қилдилар ва ундан шодландилар” маъноси тушунилади.

بِ – таъкидлаш маъносида келган зоида жор ҳарфи.

الْمُحَالِ – “муҳол” калимаси луғатда “беҳуда” маъносини англатади. Бу ўринда “куфр ва маъсиятлар” кўзда тутилган.

Матн шарҳи:

Яхши иш ҳам, ёмон иш ҳам Аллоҳ таолонинг иродаси билан вужудга келади. У зот ирода қилмаган бирор нарса вужудга келмайди. Яхши-ю ёмон барчаси Аллоҳ таолонинг иродаси билан вужудга келган бўлса-да, ёмон ишлар рози бўлинмаган, бандаларнинг хоҳишига мувофиқ яратилган ишлар ҳисобланади. Сўфи Оллоҳёр бобомиз мазкур маъноларни қуйидагича тушунтирганлар:

Худо рози эмас исёнимизга,
Ризосидур анинг эҳсонимизга.
* * *
Киши рози деса исён қилурга,
Аимма ҳукмидур кофир бўлурга[70].

“Ирода” сифати Аллоҳ таолонинг зотий сифатларидан бири бўлиб, “машиат”, яъни “хоҳиш” сифати бу сифатнинг маънодоши ҳисобланади. Аллоҳ хоҳламаган бирор нарса вужудга келмайди, шунга кўра борлиқдаги барча нарсалар Аллоҳ таолонинг хоҳиши ҳисобланади. Имом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳ Аллоҳ таолонинг хоҳиш сифати ҳақида ажойиб шеър ёзган:

مَا شِئْتَ كَانَ وَ إِنْ لَمْ أَشَأْ وَ مَا شِئْتُ إِنْ لَمْ تَشَأْ لَمْ يَكُنْ
خَلَقْتَ الْعِبَادَ عَلَى مَا عَلِمْتَ فَفِى الْعِلْمِ يَجْرِي الْفَتَى وَ الْمُسِنْ
عَلَى ذَا مَنَنْتَ وَ هَذَا خَذَلْتَ وَ هَذَا أَعَنْتَ وَ ذَا لَمْ تُعِنْ
فَمِنْهُمْ شَقِيٌّ وَ مِنْهُمْ سَعِيدْ وَ مِنْهُمْ قَبِيحٌ وَ مِنْهُمْ حَسَنْ

Хоҳлаганинг бўлар, албат, менда хоҳиш бўлмаса ҳам.
Хоҳлаганим асло бўлмас, гар хоҳишинг унда кам.
Бандаларни яратгансан Ўзинг белгилагандек,
Билганингдек жорий бўлар йигитлигу қарилик.
Фалончини мамнун қилдинг, буни эса этдинг ғариб,

[70] Сўфи Оллоҳёр. Саботул ожизин. – Тошкент: “Чўлпон нашриёти”, 1991. – Б. 12.

Бировларга мадад бериб, бировларни қилдинг мағлуб.
Шунга кўра толесизлар ҳам толеси камоллар бор,
Кўриниши беўхшовлар ҳамда соҳиб жамоллар бор[71].

Демак яхши нарса ҳам, ёмон нарса ҳам Аллоҳ таолонинг иродаси билан пайдо бўлади, дегани Аллоҳнинг иродасисиз ҳеч нарса пайдо бўлмайди деганидир. Куфр ва маъсиятлар ҳам Аллоҳ таолонинг иродаси билан юзага келган бўлса, Аллоҳ таоло Ўзи ирода қилган нарсага Ўзи рози бўлмаган бўладими деган саволга Аҳли сунна вал-жамоа уламолари: “Ҳа, рози бўлмайди, чунки ирода бошқа нарса, розилик бошқа нарса”, – деб жавоб берганлар. Аслида бу масала мўътазилий фирқасининг нотўғри эътиқодидан огоҳлантириш сифатида келтириладиган масала ҳисобланади. Чунки мўътазилий фирқаси “Аллоҳ таоло фақат яхши ишларни яратади, ёмон ишларни эса банданинг ўзи яратади”, деган эътиқодда бўлишган. Улар бу қарашларини “Ҳаким зот томонидан ёмон иш содир бўлмайди”, дея изоҳлашган.

Ирода сифати ҳақида Аҳли сунна вал-жамоанинг эътиқоди қандай эканини батафсил ўрганиб чиқиш кўплаб тушунмовчиликларга барҳам беради.

“Ирода” сифати ҳақида эътиқодимиз

Аллоҳ таолонинг сифатларидан бири “ирода” сифатидир. “Ирода” луғатда “хоҳлаш”, “қасд қилиш” маъноларини англатади. Истилоҳда эса “Барча бўлиши жоиз нарсаларни улар учун мумкин бўлган кўплаб нарсалардан бирига хослайдиган Аллоҳ таолонинг азалий сифати – ирода сифати дейилади”. Яъни ирода сифати бўлиши ножоиз нарсаларга тааллуқли бўлмайди.

Ирода сифатининг борлигига Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда кўплаб далиллар келган:

﴿إِنَّ ٱللَّهَ يَحۡكُمُ مَا يُرِيدُ ١﴾

“Албатта, Аллоҳ нимани ирода этса, шуни ҳукм қиладир”[72]**.**

Бошқа бир оятда шундай хабар берган:

﴿يُرِيدُ ٱللَّهُ بِكُمُ ٱلۡيُسۡرَ وَلَا يُرِيدُ بِكُمُ ٱلۡعُسۡرَ﴾

“Аллоҳ сизларга енгилликни хоҳлайди ва сизларга қийинликни хоҳламас”[73]**.**

Имом Абу Довуд[74] ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

---

[71] Абдурраҳмон ибн Носир Барок Шарҳу ақидатит Таҳовий. “Дорут Тадмурия”, 2008. – Б. 334.

[72] Моида сураси, 1-оят.

[73] Бақара сураси, 185-оят.

[74] Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъас ибн Исҳоқ ибн Башир Аздий Сижистоний ҳижрий 202 йилда ҳозирги Афғонистон ҳудудига кирувчи Сижистон номли жойда туғилган. Имом Абу Довуд илм талабида Бағдод, Басра,

مَا شَاءَ اللَّهُ كَانَ وَمَا لَمْ يَشَأْ لَمْ يَكُنْ.

“Аллоҳ хоҳлаган нарса бўлган, хоҳламагани бўлмаган”.

Булардан бошқа яна кўплаб оят ва ҳадисларда Аллоҳ таолонинг ирода қилувчи Зот экани баён қилинган. Бу эса У зотда ирода сифати собит эканига далолат қилади.

Шунга кўра Аҳли сунна вал-жамоа мазҳабида Аллоҳ таолонинг ирода сифати ҳақида шундай эътиқод қилинади: “Дунё ва охиратдаги барча иймон-куфр, тоъат-маъсият, фойда-зарар, оз-кўп, катта-кичик – ҳамма-ҳаммаси Аллоҳ таолонинг иродасига кўра ҳикматига мувофиқ қазо ва қадари билан юзага келган. Аллоҳ хоҳлаган нарса бўлган, хоҳламагани бўлмаган. Аллоҳ ирода қилган нарсани рад этувчи йўқдир”.

“Ирода” сифатига тааллуқли саволларга Аҳли сунна вал-жамоа уламолари қуйидагича жавоб берганлар.

“Ирода” сифати ҳақидаги савол жавоблар

Савол: **“**Барча мавжудотлар Аллоҳ таолонинг иродаси билан вужудга келишига иймон келтирган банда сабабият қонунлари ҳақида қандай эътиқодда бўлади?”.

Жавоб: “Сабабият қонунлари ҳақида қуйидагича эътиқод қилинади: мавжудотларнинг вужудга келишидаги сабаблар иккитадир:

1. Аслий сабаб;

2. Тайин қилиб ўрнатилган сабаб.

Аслий сабаб деганда Аллоҳ таолонинг иродаси тушунилади. Яъни барча нарсалар аслида Аллоҳ таолонинг иродаси туфайли вужудга келади.

Тайин қилиб ўрнатилган сабаблар деганда эса, нарсаларнинг пайдо бўлиши учун тайин қилиб ўрнатиб қўйилган сабаблар тушунилади. Масалан, ёмғир ўсимликлар ўсишига, олов куйдиришга, сув чанқоқ қондиришга сабаб қилиб қўйилган. Мазкур сабаблар юзага чиқарилган пайтда уларга боғлиқ қилиб қўйилган нарсалар ҳам юзага чиқишини Аллоҳ таоло тайин қилиб ўрнатиб қўйган. Яъни чанқоқ киши сув ичганда унинг чанқоғи қонишини сув яратмайди, балки Аллоҳ таоло яратади. Қоғоз оловга ташланса, қоғозни куйдириб юборишни олов яратмайди, балки Аллоҳ таоло яратади. Чунки сув ҳам, олов ҳам тайин қилиб ўрнатиб қўйилган сабаб холос, аслий сабаб Аллоҳ таолонинг иродасидир. Фарзанд дунёга келишига эркак ва аёлнинг бирга бўлиши тайин қилиб ўрнатилган сабаб холос. Аслий сабаб эса Аллоҳ таолонинг иродасидир. Шунга кўра, фарзанд вужудга келиши ҳам Аллоҳ таолонинг иродаси билан бўлади, деб эътиқод қилинади. Ушбу ҳақиқатни англатиш учун Аллоҳ таоло гоҳида одатий сабабларни бекор қилиб қўяди. Масалан, Иброҳим

Ҳижоз, Миср, Шом каби диёрларни кезиб чиққан. Имом Абу Довуднинг энг машҳур китоби “Сунани Аби Довуд”дир. Бундан ташқари “Китабуз зуҳд” ва “Ахбару Аби Довуд” каби кўплаб китоблари бўлган. Имом Абу Довуд ҳижрий 275 йилда 73 ёшида Басрада вафот этган.

алайҳиссалом оловга ташланганида куймаганлар. Оловнинг одатий ишини қила олмай қолиши, ичига ташланган инсонни куйдира олмаслиги оловнинг ўз-ўзидан куйдира олмаслигига, Аллоҳ хоҳласагина куйдиришига ёрқин далилдир”.

Савол: “Банданинг маъсият содир этишини Аллоҳ таолонинг Ўзи хоҳлаган бўлса, кейин уни маъсият қилгани учун жазолаши зулм эмасми?”.

Жавоб: “Аллоҳ таоло банданинг маъсият қилишини ирода қилиб, сўнг бандани қилган маъсияти учун жазолаши зулм бўлмайди. Чунки зулм ман этилган ишни қилиш билан бўлади. Аллоҳ таолонинг ишларида эса ман этилган иш бўлмаслиги сабабли бу иш зулм ҳисобланмайди. Қолаверса, банда Аллоҳ таолонинг унга нимани ирода қилганини билиб кейин ўша ишни қилмайди. Балки шариат талаб қилган ишларни бажаришга ва ман этган ишлардан сақланишга буюрилганини билади. Шунга кўра бандага бериладиган жазо Аллоҳнинг иродасини амалга оширгани учун эмас, балки талаб қилинган ишларни бажармагани ва ман этилган ишни содир этгани учун берилган бўлади”.

Савол: “Аллоҳ таоло иродасига кўра банданинг маъсият содир этиши аслида итоат қилиш ҳисобланмайдими? Чунки ирода қилинган нарсани бажариш аслида итоат қилиш бўлиб қолади-ку?”.

Жавоб: “Агар Аллоҳ таоло бандага маъсият қилишни ман қилмаганида банданинг маъсият содир этиши итоат қилиш бўлиб қоларди. Аллоҳ таоло эса бандани маъсиятлардан ман қилган. Шунинг учун банданинг маъсият қилиши ман қилинган ишни содир этиш саналади”.

Савол: “Нима учун куфр ва маъсият сингари Аллоҳ таоло рози бўлмайдиган нарсалар ҳам Аллоҳ таолонинг иродаси билан вужудга келган дейилади?”.

Жавоб: “Чунки “ирода” сифати рози бўлинган нарсани ҳам, рози бўлинмаган нарсани ҳам ўз ичига олади. Сўфи Оллоҳёр бобомиз мазкур маънони қуйидагича тушунтирган:

Худо рози эмас исёнимизга,
Ризосидур анинг эҳсонимизга.

Яъни исён қилишимиз ҳам, сидқи дилдан итоат этишимиз ҳам Аллоҳ таолонинг иродаси билан вужудга келади. Аммо У зот исён қилишимизга рози бўлмайди. Ўзи рози бўлмайдиган нарсаларни ҳам ирода қилиши ҳақида қуйидагича эътиқод қилинади: Бутун борлиқ Аллоҳ таолонинг мулки, мулкида фақат У зот хоҳлаган нарсаларгина вужудга келади. Шунинг учун яхшими, ёмонми бирор нарса У зотнинг иродасисиз вужудга келмайди”.

Бу масаланинг хулосаси мўътазилий фирқаси етакчиси ва Аҳли сунна вал-жамоа имоми орасида бўлиб ўтган баҳсда яққол намоён бўлган: Мўътазилийларнинг етакчиларидан бири бўлмиш қози Абдулжаббор Ҳамадоний вазир Соҳиб ибн Ибоднинг ҳузурига кирибди. Унинг ҳузурида Аҳли сунна вал-жамоа имомларидан бири бўлган устоз Абу Исҳоқ Исфароиний ўтирган экан.

У устозни кўриши билан: “Ўзи рози бўлмайдиган ишлардан пок бўлган Зотга тасбеҳ айтаман”, – деди.

Устоз буни эшитибоқ орқасидан: “Ўзининг мулкида фақат Ўзи хоҳлаган нарсагина амалга ошадиган Зотга тасбиҳ айтаман”, – деб жавоб берди.

Мўътазилий етакчиси: “Нима Роббимиз Ўзига исён қилинишини хоҳлайдими, – деди.

Аҳли сунна вал-жамоа имоми: “Бўлмаса Роббимизга мажбурлаб исён қилинадими?”, – деди.

Мўътазилий етакчиси: “Нима деб ҳисоблайсиз, Роббимиз мени ҳидоятдан тўсса ва мени ҳалокатга ҳукм қилса, менга яхшилик қилган бўладими ё ёмонлик қилган бўладими”, – деди.

Аҳли сунна вал-жамоа имоми: “Агар сизни ўз-ўзингизники бўлган нарсадан тўсган бўлса, ҳақиқатан сизга ёмонлик қилибди, аммо Ўзиники бўлган нарсадан сизни тўсган бўлса, Ўзининг нарсасини кимга хоҳласа ўшанга беради-да”, – деди.

Мўътазилий етакчиси каловланиб қолди. Чунки бу ҳеч қандай эътирозга ўрин қолдирмайдиган даражада нишонга аниқ урилган гап эди.

Савол: “Ёмон ишлар ҳам Аллоҳ таолонинг иродасига кўра вужудга келса, Аллоҳ таоло ёмон иш содир этган бўлиб қолмайдими?”.

Жавоб: “Аллоҳ таолонинг иродаси билан вужудга келган амалларнинг ёмон деб номланиши, Аллоҳ таолонинг иродасига кўра содир бўлишига нисбатан эмас, балки бандаларнинг ўша ишга ҳаракат қилгани ҳамда уларга зарарли бўлишига нисбатандир. Чунки амаллар Аллоҳ таолонинг иродасига тааллуқли бўлиши жиҳатидан ёмон иш ҳисобланмайди”.

Савол: “Пайғамбарлар бандаларнинг иймонга келишларини хоҳлаган, шайтон эса бандаларнинг иймонга келмасликларини хоҳлаган. Шу маънода Аллоҳ таолонинг кофирларнинг иймонга келмасликларини ирода қилиши шайтоннинг хоҳишига мувофиқ бўлиб қолмайдими?”.

Жавоб: “Шайтоннинг хоҳиши ҳам, пайғамбарларнинг хоҳиши ҳам Аллоҳ таолонинг иродасидир. Шунга кўра, барча Аллоҳ ирода қилган нарсани хоҳлаган ҳисобланади”.

Хулоса шуки, “ирода” сифати ҳақида тўғри эътиқодда бўлиш туфайли бандада барча ҳолатларда Роббисига қуллик қилиш лаззатини татиш ва имкон қадар ибодатга уриниш юзага келади.

“Ирода” сифати ҳақида тўғри эътиқодда бўлган киши содир этган гуноҳ ва маъсиятларини Роббисининг иродасига тўнкаб ўзини оқлашга ўтмайди, балки тавбага шошилади. Чунки у қилган гуноҳлари ҳақидаги Роббисининг иродасидан хабардор бўлиб кейин уларни мажбуран қилмаганини жуда яхши билиб туради.

“Ирода” сифати ҳақида тўғри эътиқодда бўлган киши муваффақиятларга эришганида ҳовлиқиб ўзига бино қўймайди, балки ато этилган неъматларнинг шукронасини адо этишга шошилади. Чунки у бу неъматларга аслида ўзи ҳақдор бўлгани учун эмас Роббиси ирода қилгани учун эришганини яхши билиб туради.

“Ирода” сифати ҳақида тўғри эътиқодда бўлган киши бирор мусибатга дучор бўлса, Роббисининг иродасига таслим бўлади ва: “Роббим бу сенинг иродангдир, бундан кўра каттароқ мусибатларга дучор қилмаганинг учун Ўзингга ҳамдлар бўлсин, биз Сеникимиз ва Сенинг ҳузурингга қайтамиз”, дея дуо қилишга ўтади.

“Ирода” сифати ҳақида тўғри эътиқодда бўлган киши бирор ибодатни адо этар экан, бу иши Роббисининг иродасига кўра амалга ошганини ҳис этиб хурсанд бўлади ва ҳар бир амалида қалбан Роббисига ҳамд айтиб туради:

– Роббим, мўминлигим Сенинг иродангдир, иймон муҳаббатини қалбимга солган ҳам, мени куфрдан узоқ қилган ҳам, мўминлик бахтига сазовор қилган ҳам Ўзингсан;

– Роббим, ўқиган намозим Сенинг иродангдир, намозни менга суюкли қилган ҳам, намоз ўқиш бахтига муяссар қилган ҳам Ўзингсан;

– Роббим, тутган рўзам Сенинг иродангдир, рўзанинг машаққатига муҳаббатли қилган ҳам, нафсим устидан мени ғолиб қилган ҳам, рўза тутиш бахтига мушарраф қилган ҳам Ўзингсан;

– Роббим, берган закотим Сенинг иродангдир, бахилликдан нажот берган ҳам, зиммамдаги ҳақни адо этишга тавфиқ берган ҳам, закот бериш бахтига муваффақ қилган ҳам Ўзингсан;

– Роббим, адо этган ҳажим Сенинг иродангдир, бандаларинг орасидан ҳаж сафарига боришимни хоҳлаган ҳам, ҳаж машаққатларига сабр-бардошли қилган ҳам, ҳажни адо этиш бахтига лойиқ кўрган ҳам Ўзингсан;

– Роббим, адо этган барча-барча амалларим Сенинг иродангдир, шунинг учун қилган бирор амалим эвазига ажру мукофот олишни ўзимнинг ҳаққим деб билмайман, балки бу амалларни менинг адо этишимни ирода қилганинг учун Сенга ҳамду-санолар айтишни зиммамдаги бурчим деб биламан, агар ажру мукофот берсанг фақат ва фақат лутфу марҳаматингдир...

Роббимиз барчамизни лутфу марҳаматига муваффақ қилсин.

Бандаларнинг амалларига эътиқодий жиҳатдан назар

Бандалар тарафидан содир бўладиган барча амалларни умумий қилиб ўрганилганда уларни уч қисмга ажратиш мумкин:

1. Бандаларнинг барча амаллари уларнинг касби бўлиб, барчасининг яратувчиси Аллоҳ таолодир. Яхши ва ёмон барча амаллар Аллоҳ таолонинг хоҳиши, илми, қазоси ва қадари билан вужудга келади;

2. Бандаларнинг зиммаларига юклатилган амалларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг буйруғи, яхши кўриши, ризоси, илми, хоҳиши, қазоси ва тақдири билан вужудга келади;

3. Гуноҳ-маъсиятларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг илми, қазоси, тақдири ва хоҳиши билан вужудга келади, лекин яхши кўриши, ризоси ва буйруғи билан вужудга келмайди.

Бутун борликда содир бўладиган яхши-ю ёмон ишларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг хоҳишига кўра бўлишига иймон келтириш вожиб бўлади. Қуръони каримда барча иш Аллоҳ таолога оид экани баён қилинган:

﴿قُلۡ إِنَّ ٱلۡأَمۡرَ كُلَّهُۥ لِلَّهِۗ﴾

“Айтинг: “Барча иш Аллоҳга (оид)**дир”**[75]**.** Яъни эй Муҳаммад алайҳиссалом, анави мунофиқларга айтинг: ишларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг қўлидадир. У зот уларни хоҳлаганича тасарруф қилади.

Қазою қадарга шак-шубҳасиз ишониш кишини мўминлик мартабасига кўтарадиган иймон рукнларидан биридир. Қадар деганда яхшилик, ёмонлик, манфаат, зарар, қайси замон ва қайси маконда вужудга келиш каби махлуқотларда бўладиган барча ишларни Аллоҳ таолонинг олдиндан билиб туриши тушунилади. Қазо деганда эса Аллоҳ таолонинг Ўзи олдиндан билиб турган нарсасини вужудга келтириши тушунилади.

Қазо ва қадарнинг маънолари

Қазо ва қадарнинг луғавий ва истилоҳий маъноларини ўрганиш ўта муҳим бўлиб, уни яхши англаш кўпгина тушунмовчиликларга барҳам беради.

Қадар луғавий жиҳатдан “миқдор белгиламоқ”, “тақсимламоқ” каби маъноларни англатади. Истилоҳда:

اَلْقَدَرُ: عِلْمُ اللهِ تَعَالَى بِمَا يَكُونُ فِي خَلْقِهِ

Аллоҳ таолонинг келажакда махлуқотларида бўладиган нарсани билиши – қадар дейилади.

Яъни Аллоҳ таолонинг махлуқотларининг ризқларини ва барча ҳолатларини олдиндан тақсимлаб қўйганлиги, шунга кўра улар дуч келадиган барча нарсалар У зотга олдиндан маълум экани қадар ҳисобланади.

Қазо луғатда “амалга оширмоқ”, “юзага чиқармоқ” каби маъноларни англатади. Истилоҳда:

اَلْقَضَاءُ: اِيجَادُ اللهِ تَعَالَى مَا سَبَقَ فِي عِلْمِهِ أَنَّهُ يُوجَدُ

Аллоҳ таолонинг илмида вужудга келиши олдиндан аниқ бўлган нарсани вужудга келтириши – қазо дейилади[76]**.**

Яъни Аллоҳ таолонинг махлуқотларига олдиндан тақсимлаб қўйган нарсасини Ўзи белгилаб қўйган вақтида юзага чиқариши қазо ҳисобланади.

Қазо ва қадарга иймон келтириш тушунчаси

Қазо ва қадарга иймон келтириш деганда қуйидаги нарсаларга шак-шубҳасиз ишониш тушинилади.

- Аллоҳ таоло бандаларнинг ҳали қилмаган амалларини ҳам олдиндан билади;

---

[75] Оли Имрон сураси, 154-оят.

[76] Абу Ҳафс Сирожиддин Умар ибн Исҳоқ Ғазнавий. Шарҳу ақидати Имом Таҳовий. – Қоҳира: “Даротул Караз”, 2009. – Б. 171.

- Бандаларнинг қиладиган барча амаллари олдиндан “Лавҳул маҳфуз”га ёзиб қўйилган;
- Содир бўлган барча нарсалар Аллоҳ таолонинг хоҳишидир;
- Пайдо бўлган барча нарсаларни Аллоҳ таоло яратгандир.

Мазҳаббошимиз Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ “Фиқҳул акбар” асарида борлиқда содир бўладиган ҳар бир иш Аллоҳ таолонинг хоҳиш-иродасига кўра амалга ошиши ҳақида шундай ёзган:

كَانَ اللهُ تَعَالَى عَالِمًا فِي الأَزَلِ بِالأَشْيَاءِ قَبْلَ كَوْنِهَا وَهُوَ الَّذِي قَدَّرَ الأَشْيَاءَ وَقَضَاهَا وَلاَ يَكُونُ فِي الدُّنْيَا وَلاَ فِي الآخِرَةِ شَيْءٌ إِلاَّ بِمَشِيئَتِهِ وَعِلْمِهِ وَقَضَائِهِ وَقَدَرِهِ وَكَتْبِهِ فِي اللَّوْحِ المَحْفُوظِ وَلَكِنْ كَتَبَهُ بِالْوَصْفِ لاَ بِالْحُكْمِ

Аллоҳ таоло нарсаларни мавжуд бўлишларидан олдин ҳам азалда Билувчи эди. У нарсаларга тақдир тайин қилган ва уларга ҳукмини жорий қилган Зотдир. Дунё ва охиратдаги ҳар бир нарса Унинг хоҳиши, илми, ҳукми, ўлчови ҳамда “Лавҳул маҳфуз”га ёзганидек бўлади. Лекин уни васф билан ёзган, буйруқ билан эмас.

Шарҳ: Аллоҳ таоло ўзининг азалий ва абадий илми билан барча махлуқотларининг тақдирини олдиндан белгилаб, уларга Ўз ҳукмини жорий қилган. Аммо бу бандалар ўша амалларни қилишга мажбур, деган маънони эмас, балки бандаларнинг келгусида қиладиган ишлари Аллоҳ таолога азалдан маълум, деган маънони билдиради. Яъни бандаларга жузъий ихтиёр берилган бўлиб, ўша ихтиёрларини қайси тарафга йўналтирганларига кўра жазо ёки мукофот оладилар. Аллоҳ таоло “Лавҳул маҳфуз”га барча нарсаларни узун-қисқа, чиройли-хунук, тоат-маъсият ва ҳоказоларни васф билан “шундай бўлади”, деб ёзган. Лекин “шундай бўлсин” деб буйруқ билан ёзмаган. Масалан, “фалончи мўмин бўлсин”, “фистончи кофир бўлсин”, деб буйруқ билан ёзмаган. Яъни қадар буйруқ эмас, балки Аллоҳ таолонинг илмидир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло “фалончи ўз ихтиёри билан мўмин бўлади, иймонни хоҳлайди, куфрни хоҳламайди, фистончи ўз ихтиёри билан кофир бўлади, куфрни хоҳлайди, иймонни хоҳламайди”,- дея ёзиб қўйган. Бандаларининг қайси бирини хоҳлаш-хоҳламаслигини эса, Ўзининг азалий ва абадий илми билан олдиндан билган ҳолда “Лавҳул маҳфуз”га битиб қўйган.

Қазою қадарга иймон келтирган ҳар бир мўмин киши ўзига етган мусибатларнинг ҳам, хурсандчиликларнинг ҳам олдиндан битиб қўйилганлигига аниқ ишониши лозим бўлади. Аллоҳ таоло бандага етадиган ҳар бир мусибат олдиндан битиб қўйилган бўлишини, унга олдиндан битиб қўйилмаган бирор мусибат етмаслигини хабар берган:

﴿ مَآ أَصَابَ مِن مُّصِيبَةٍ فِي ٱلۡأَرۡضِ وَلَا فِيٓ أَنفُسِكُمۡ إِلَّا فِي كِتَٰبٖ مِّن قَبۡلِ أَن نَّبۡرَأَهَآۚ ﴾

“Хоҳ ерга ва хоҳ ўзларингизга бирор мусибат етса, Биз уни пайдо қилишимиздан илгари Китобда (Лавҳул-маҳфузда битилган) **бўлур”**[77]**.**

Агар ер юзида қаҳатчилик, зилзила ёки экин-тикинларга офат етиши каби мусибатлар содир бўлса, бирор инсонга касаллик, муҳтожлик, фарзандларидан айрилиб қолиш каби турли мусибатлар етадиган бўлса, буларнинг барча-барчаси ҳали юзага келмасдан олдин “Лавҳул маҳфуз”га битиб қўйилганига кўра амалга ошган ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ориф зотлардан бири: “Кимки Аллоҳ таолонинг қадар тўғрисидаги сирини таниган бўлса, унга мусибатларни енгиш албатта, енгил бўлади”, деган.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу мусибатга учраганларга таскин бағишловчи сўзларни айтган: “Менга бирор мусибат етса, ундан учта неъматни топдим:

1. Ушбу мусибат динимда бўлмади;
2. Ушбу мусибат содир бўлганидан кўра каттароқ бўлмади;
3. Аллоҳ таоло ушбу мусибат сабабли улкан ажр-мукофотлар беради”.

Ҳадиси шарифларда ҳам инсонга етадиган нарса олдиндан битиб қўйилган бўлиши, олдиндан битилмаган бирор нарса етмаслиги баён қилинган:

عَنْ أَبِي حَفْصَةَ قَالَ قَالَ عُبَادَةُ بْنُ الصَّامِتِ لِابْنِهِ يَا بُنَيَّ إِنَّكَ لَنْ تَجِدَ طَعْمَ حَقِيقَةِ الإِيمَانِ حَتَّى تَعْلَمَ أَنَّ مَا أَصَابَكَ لَمْ يَكُنْ لِيُخْطِئَكَ وَمَا أَخْطَأَكَ لَمْ يَكُنْ لِيُصِيبَكَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ **إِنَّ أَوَّلَ مَا خَلَقَ اللَّهُ الْقَلَمَ فَقَالَ لَهُ اكْتُبْ قَالَ رَبِّ وَمَاذَا أَكْتُبُ قَالَ اكْتُبْ مَقَادِيرَ كُلِّ شَيْءٍ حَتَّى تَقُومَ السَّاعَةُ** يَا بُنَيَّ إِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ **مَنْ مَاتَ عَلَى غَيْرِ هَذَا فَلَيْسَ مِنِّي**. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ

Абу Ҳафсадан ривоят қилинади: “Убода ибн Сомит ўғлига: “Эй ўғилчам, то сенга нима етган бўлса, янглишиб сенга етмасдан қолиши мумкин эмаслигини ва нима сенга етмаган бўлса, янглишиб сенга етиб қолиши мумкин эмаслигини билмагунингча иймон ҳақиқати таъмини асло тота олмайсан. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“Аллоҳ дастлаб қаламни яратган ва унга: “Ёз”, - деган. У: “Роббим нимани ёзаман”, - деган. Унга: “То қиёмат қоим бўлгунча бўладиган барча нарсаларнинг миқдорларини ёзгин”, - деган”,** деяётганларини эшитганман. Эй ўғилчам, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“ Ким ушбудан бошқада** (бошқа тушунчада) **вафот этса, мендан эмасдир”, -** деяётганларини эшитганман”, - деди”. *Абу Довуд ривоят қилган.*

Шунингдек, қазою қадарни рўкач қилиб дангасалик қиладиганларга кўрсатма ўлароқ Қуръони каримда: “Агар Аллоҳ хоҳлаганида биз ҳам, ота-боболаримиз ҳам ширк келтирмас эдик”, деган кимсаларнинг сўзлари ва уларга Аллоҳ таолонинг берган жавоби шундай баён қилинган:

[77] Ҳадид сураси, 22-оят.

﴿ سَيَقُولُ ٱلَّذِينَ أَشۡرَكُواْ لَوۡ شَآءَ ٱللَّهُ مَآ أَشۡرَكۡنَا وَلَآ ءَابَآؤُنَا وَلَا حَرَّمۡنَا مِن شَيۡءٖۚ كَذَٰلِكَ كَذَّبَ ٱلَّذِينَ مِن قَبۡلِهِمۡ حَتَّىٰ ذَاقُواْ بَأۡسَنَاۗ قُلۡ هَلۡ عِندَكُم مِّنۡ عِلۡمٖ فَتُخۡرِجُوهُ لَنَآۖ إِن تَتَّبِعُونَ إِلَّا ٱلظَّنَّ وَإِنۡ أَنتُمۡ إِلَّا تَخۡرُصُونَ ١٤٨ ﴾

“Ширк келтирган кимсалар: “Аллоҳ хоҳлаганида биз ҳам, ота-боболаримиз ҳам мушрик бўлмаган ва бирор (ҳалол) **нарсани ҳаром қилмаган бўлур эдик”, – дейишади. Улардан олдингилар ҳам, то азобимизни тотмагунларича,** (пайғамбарларни) **худди шундай ёлғончига чиқарганлар. Айтинг: “Сизларда бизга чиқарадиган** (кўрсатадиган) **илм** (ҳужжат) **борми?** (Сизлар) **фақат гумонга эргашмоқдасиз ва сизлар фақат ёлғон сўзламоқдасиз”[78].**

Қазою қадарга иймон келтирган мўмин киши Аллоҳ таолонинг барча нарсаларни билгувчи Зот эканига, барча нарсаларнинг яратувчиси эканига, У хоҳламаган бирор нарса бўлмаслигига, Унинг одиллигига, ҳеч кимга зулм қилмаслигига, Унинг ҳар бир ишни ҳикмат билан қилишига ва ҳеч бир ишни беҳуда қилмаслигига қатъи ишонган бўлади.

Уламоларнинг қадар ҳақидаги сўзлари

Қадарга иймон келтирган ҳар бир мўмин киши бандаларнинг билишлари керак бўлган нарсаларни Аллоҳ таолонинг Ўзи баён қилиб берганини ва У зотнинг бандалардан сир тутган нарсалари тўғрисида баҳс қилмаслик кераклигини ҳам билиши лозим. Бу ҳақиқатни уламолар турли ўхшатишлар билан осон қилиб тушунтириб қўйганлар.

Али розияллоҳу анҳудан қадар ҳақида сўрашганида: “Қадар қоронғи йўл, унга қадам босмагин”, - деган. Ҳалиги сўровчи яна: “Менга қадарнинг нима эканини билдиринг”, - деганида, “қадар чуқур денгиздир, унга кира кўрма”, - деган. Бояги сўровчи яна хиралик билан: “қадарнинг нима эканини менга билдириб қўйинг” деганида, “қадар Аллоҳ таолонинг махфий тутган нарсасидир қўй, ўзингни қийнама”, - деб жавоб берган.

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан қадар ҳақида сўрашганида: “Қадар Аллоҳ таолонинг чуқур кирмасликларингизни ирода қилган нарсасидир. Аллоҳ таолонинг сизларга рухсат бермаган нарсасини билишга уринманглар”, - деб жавоб берган.

Ваҳб ибн Мунаббиҳ: “Қадар тўғрисида тафаккур қилиб кўрдим-у эсанкираб қолдим, сўнгра яна тафаккур қилдим-у тағин довдираб қолдим. Шундан билдимки, инсонларнинг қадарни энг яхши билувчироғи у ҳақида тафаккур қилишдан энг тийилувчироғи экан, қадар тўғрисида энг билимсизроғи эса, у ҳақида энг кўп гапирувчироғи экан”, – деган.

---

[78] Анъом сураси, 148-оят.

Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг олдиларига бир киши қадар ҳақида баҳслашмоқчи бўлиб келганида, у зот: “Қадар тўғрисида тафаккур қилиш худди қуёшнинг кўзни қамаштирадиган нурига қарашдек гап, киши унга қанча кўп қараса, шунча кўп довдираб эсанкирайверади”, – деб жавоб берган.

Имом Таҳовий раҳматуллоҳи алайҳ қадар ҳақида қуйидагиларни ёзган:

أَصْلُ القَدَرِ سِرُّ الله تعالى في خَلْقِهِ لَمْ يَطَّلِعْ عَلى ذَلِك مَلَكٌ مُقرَّبٌ ولا نَبِيٌّ مُرْسَلٌ والتَّعمُّقُ والنَّظَرُ في ذلكَ ذَرِيعَةُ الخِذْلاَنِ وَسُلَّمُ الحِرْمَانِ ودَرَجَةُ الطُّغْيَانِ فالحذَرَ كُلَّ الحذَرَ مِنْ ذَلِكَ نَظَراً وفِكْراً وَوَسْوَسَةً فإن الله تعالى طَوَى عِلْمَ القَدَر عَنْ أنَامِهِ ونَهَاهُم عَنْ مرامِهِ كما قال تعالى في كتابه: ﴿ لَا يُسْـَٔلُ عَمَّا يَفْعَلُ وَهُمْ يُسْـَٔلُونَ ﴿٢٣﴾ ﴾ فَمَنْ سَأَلَ لِمَ فَعَلَ فَقَدْ رَدَّ حُكْمَ الكِتَابِ وَمَنْ رَدَّ حُكْمَ الكِتَاب كانَ مِنَ الكافِرين.

“Қадарнинг асли Аллоҳ таолонинг махлуқотлари тўғрисидаги сиридир. Ундан бирор улуғ фаришта ҳам, юборилган бирор пайғамбар ҳам хабардор эмас. Чуқур кетиш ва у ҳақида тафаккур қилиш хорликка олиб борадиган восита, маҳрум бўлиш нарвони ҳамда ҳаддан ошиш даражасидир. У нарса ҳақида тафаккур қилиш, фикр юритиш ва васвасага тушишдан ниҳоят даражада ҳазар қилинг! Чунки Аллоҳ таоло бандаларидан қадар илмини ўраб қўйгандир ва у ҳақида баҳс қилишдан қайтаргандир. Аллоҳ таоло Ўзининг китобида айтгани кабики: **“У қилган нарсасидан сўралмас. Ҳолбуки, улар сўралурлар”**[79]. *Ким: “Нима учун бундай қилди”, – деб сўраса, Китобнинг ҳукмини рад этган бўлади, ким Китобнинг ҳукмини рад этган бўлса, кофирлардан бўлади”.*

Дуо тақдирни ўзгартирадими?

Қазою қадар ҳақида сўз борар экан, дуонинг қазони қайтариши ҳақидаги ҳадиси шарифлар ва қадарнинг олдиндан белгилаб қўйилгани ҳақидаги ҳадиси шарифлар ҳам қўшиб ўрганилса, қазою қадар ҳақидаги умумий маълумотлар янада тўлиқроқ бўлади:

عَنْ سَلْمَانَ الْفَارْسِيِّ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ الله صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قال **لَا يَرُدُّ القَضاءَ إِلَّا الدُّعاءُ وَلَا يَزِيدُ فِي الْعُمُرِ إِلَّا الْبِرُّ.** رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ

Салмон Форсий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “**Қазони фақатгина дуо қайтаради, умрни фақатгина яхшилик зиёда қилади”,** – дедилар”. *Термизий ривоят қилган.*

Шарҳ: “Қазони фақатгина дуо қайтаради” дейилди. Ушбу ҳадисни ўқиганда кишининг хаёлига бирдан қадарнинг тайин қилиб қўйилгани маъносини англатувчи ҳадислар билан, ушбу ҳадис ўртасида қандай

[79] Анбиё сураси, 23-оят.

мувофиқлик мавжуд деган фикр келиши табиий ҳолдир. Қуйидаги ҳадис қадарнинг олдиндан белгилаб қўйилганига очиқ-ойдин далилдир:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرِو بْنِ الْعَاصِ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ **كَتَبَ اللَّهُ مَقَادِيرَ الْخَلاَئِقِ قَبْلَ أَنْ يَخْلُقَ السَّمَاوَاتِ وَالأَرْضَ بِخَمْسِينَ أَلْفَ سَنَةٍ قَالَ وَعَرْشُهُ عَلَى الْمَاءِ.** رَوَاهُ مُسْلِمُ

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“Аллоҳ таоло халойиқнинг миқдорларини осмонлару ерни яратишидан эллик минг йил олдин битиб қўйган ва Арши сувнинг устида бўлган”,** – деяётганларини эшитганман”. *Муслим ривоят қилган.*

Шарҳ: Келтирилган ҳадисларнинг бирида “Қазони фақатгина дуо қайтаради” дейилмоқда, иккинчисида эса “Аллоҳ таоло халойиқнинг миқдорларини осмонлару ерни яратишидан эллик минг йил олдин битиб қўйган” дейилмоқда. Ушбу икки ҳадиснинг маъноларига кўра, дуо осмонлару ер яратилишидан эллик минг йил олдин тайин қилиб қўйилган нарсани қайтарадими, деган савол пайдо бўлиши табийдир. Бу саволга қуйидагича жавоблар берилган:

“Мазкур иккала ҳадис бир-бирига зид эмас. Ҳа, Аллоҳ таоло халойиқнинг миқдорларини осмонлару ерни яратишидан эллик минг йил олдин битиб қўйган, Унинг битиб қўйганида асло ўзгариш бўлмайди. Лекин У зот рўй берадиган ушбу нарсаларга азалий сабабларни тайин қилган. Яъни солиҳ амаллар саодатга эришиш учун қўйилган азалий сабаблар бўлса, ёмон амаллар бадбахт бўлиш учун азалий сабаблардир. Шунингдек, яхшилик, гўзал хулқли бўлиш ва қариндошлик алоқаларини боғлаш каби амаллар ҳам азалий сабаблар қаторига киради”[80].

Шу ўринда дуо ва сабабият қонунларининг бир-бирига алоқасини ҳам ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Дуо ва сабабият қонунлари

Дуо луғатда “илтижо”, “ўтинч” каби маъноларни англатади. Истилоҳда “ банда ўзининг фақирлигини, ҳожатмандлигини ва мутелигини ҳамма нарсага қодир бўлган Аллоҳ таолога изҳор қилиб, манфаатларни жалб қилишни ва зарарларни даф қилишни сўраши, дуо деб аталади”.

Дуо мусулмон кишининг ҳаётида ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган улкан ибодат ҳисобланади. Бу ибодатнинг қанчалар катта аҳамиятга эга эканини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай баён қилганлар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ قَالَ **لَيْسَ شَيْءٌ أَكْرَمَ عَلَى اللَّهِ تَعَالَى مِنَ الدُّعَاءِ.** رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ

[80] Ҳофиз Абул Қосим Лалкоий. “Шарҳу эътиқоди аҳли сунна” 3-жуз. “Мактабатуш шомила”. – Б. 18.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Аллоҳ таолога бирор-бир нарса дуодан кўра қадрлироқ эмасдир”,** – дедилар”. *Термизий ривоят қилган.*

Чунки дуо қилувчи ўзининг ожиз банда эканини изҳор қилиш билан биргаликда, Роббисининг кўплаб сифатларини эътироф этаётган бўлади:

1. Борлигини, чунки йўққа дуо қилиб ундан бирор нарса сўралмайди;
2. Бойлигини, чунки ҳожатларни раво қилиш фақирдан сўралмайди;
3. Эшитувчилигини, чунки карга дуо қилиб ундан бирор нарса сўралмайди;
4. Сахийлигини, чунки бахилга дуо қилиб ундан бирор нарса сўралмайди;
5. Раҳматини, чунки бераҳмга дуо қилиб ундан бирор нарса сўралмайди;
6. Қодирлигини, чунки ожизга дуо қилиб ундан бирор нарса сўралмайди.

Дуога беэътибор бўлиш Аллоҳ таолонинг мазкур сифатларига эътиборсиз қараш билан баробардир. Шунинг учун мўмин киши доимо дуога ҳаракат қилиши лозим бўлади.

Шунингдек, банда ўзига манфаатларни жалб қилиш ва зарарларни даф қилишда имкониятидаги зоҳирий сабабларни, яъни сабабият қонунларини юзага чиқаришга уриниши лозимлиги ҳам шариат талаби ҳисобланади. Демак, имкониятидаги сабабият қонунларини юзага чиқариш ҳам, ортидан дуо қилиб натижани Аллоҳдан сўраш ҳам шариатнинг талабидир.

Шунга кўра сабабият қонунлари ва дуонинг бир-бирига алоқасини уч турга ажратиш мумкин:

1. Сабабларга суяниб дуони тарк қилиш беодобликдир.

Масалан, мўл ҳосил олмоқчи бўлган деҳқон ерини шудгорласа, уруғларнинг яхшисини танласа, экинларини ўз вақтида суғорса, қўйингки мўл ҳосил олишга сабаб қилиб қўйилган барча нарсаларни амалга оширса-ю, дуога бепарво бўлса, мўл ҳосилни фақатгина тайин қилиб қўйилган сабаблар яратади, деган ваҳм юзага келиб қолади. Бу эса барча нарсаларнинг тадбиркори бўлган Аллоҳ таолога нисбатан беодоблик бўлади.

2. Сабабларни юзага чиқаришга уринмасдан дуо қилиб ўтириш шариатни тушунмасликдир.

Масалан, модомики мўл ҳосил Аллоҳ таолонинг бериши билан бўлар экан, ҳосилга сабаб қилиб қўйилган ишларни амалга ошириш ўрнига У зотга дуо қилишга “зўр бериш” керак, бу ёғи Аллоҳга таваккал, деган тушунчада бўлиш, шариатнинг кўрсатмаларини тушунмаслик бўлади. Чунки дуо қилишга буюрган шариат сабабларни юзага чиқаришга ҳам буюргандир.

Бу ҳақида Саҳл Тустарий раҳматуллоҳи алайҳнинг ажойиб сўзлари бор: “Ким ҳаракатга (сабабларни рўёбга чиқаришга) бепарво бўлса, суннатга бепарво бўлибди, ким (Аллоҳга) таваккал қилишга бепарво бўлса, иймонга бепарво бўлибди. (Аллоҳга) таваккал қилиш Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳоллари (доимий сифатлари)дир, касб (сабабларни рўёбга чиқариш) у зотнинг суннатларидир. У зотнинг ҳолларига амал қилган киши асло суннатларини тарк қилмасин”.

3. Сабабларни юзага чиқариб натижани Аллоҳдан сўраш шариат талабидир.

Масалан, мўл ҳосил олмоқчи бўлганларга аввал мўл ҳосил олишнинг сабабларини юзага чиқариш, сўнгра мўл ҳосилни Аллоҳ таолодан сўраш шариат талаби ҳисобланади.

Демак, дуо қилувчи сабабларга суяниб ҳам қолмайди, уларни бекорга ҳам чиқармайди, балки имкониятида бор сабабларни бажариб, натижани Аллоҳ таолодан сўраб, дуо қилиб боради.

Сабаблар қазонинг даракчилари экани

Ҳар бир ишга сабаблар тайин қилинган бўлиб, ўша сабаблар юзага чиқарилган пайтда унга боғланган ишлар ҳам юзага чиқаверади. Масалан, чанқаган киши сув ичса, сув ичишга боғланган чонқоқнинг қониши юзага чиқади. Шу маънода Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қариндошлик алоқаларини боғлашга тарғиб қилиб, бу ишга қандай натижалар боғлангани ҳақида шундай хабар берганлар:

عَنِ ابْنِ شِهَابٍ قَالَ أَخْبَرَنِي أَنَسُ بْنُ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ **مَنْ أَحَبَّ أَنَّ يُبْسَطَ لَهُ فِي رِزْقِهِ وَيُنْسَأَ لَهُ فِي أَثَرِهِ فَلْيَصِلْ رَحِمَهُ.** رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Ибн Шиҳоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, менга Анас ибн Молик хабар берди: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Ким ризқи кенг бўлишини ва ажали[81] кечиктирилишини** (умри узун бўлишини) **яхши кўрса, қариндошлик алоқаларини боғласин”,** – дедилар”. *Бухорий[82] ривоят қилган.*

Шарҳ: Дунёда ҳар бир вужудга келадиган нарса учун унинг сабаблари ва йўл йўриқлари Аллоҳ таоло томонидан тайин қилиб қўйилган бўлади. Бирор нарсанинг сабаби рўёбга чиқарилмас экан, ўша сабабга боғланган нарсалар ҳам рўёбга чиқмай қолиши сабабият қонуни сифатида жорий қилинган. Шу маънода кишининг бирор манфаатли ишни қилиши, бошқаларнинг уни яхши кўришларига сабаб қилиб қўйилганидек, қариндошлик алоқаларини боғлаши умрининг зиёда бўлишига ва ризқининг кенг қилинишига сабаб қилиб қўйилган. Уламолар сабаблар ҳақида қуйидаги ажойиб гапларни айтганлар: Дунёда бирор нарса вужудга келиши учун қўйилган сабаблар иккитадир:

1. Ҳис этиладиган;
2. Ҳис этилмайдиган.

Ҳис этиладиган сабаблар – ақл билан билинадиган, ҳис қилиш аъзолари орқали идрок этиладиган нарсалардир. Ҳис этилмайдиган сабаблар эса ақл

---

[81] Ажал луғатда: “Кейин келмоқ”, “Чегара” каби маъноларни англатади. У тирикликдан кейин келгани ва унинг чегараси бўлгани учун шундай номланган.

[82] Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Муғийра Бухорий ҳижрий 194 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. Имом Бухорий ҳижрий 210 йилда 16 ёшида ҳадис йиғиш мақсадида узоқ ва машаққатли сафарга отланган ҳамда Хуросон, Бағдод, Басра, Шом, Миср ва Ҳижоз каби диёрларни кезиб чиққан. Сафар давомида 1000 га яқин устозлардан ҳадис тинглаган. Имом Бухорийнинг энг машҳур асари “Саҳиҳул Бухорий” номи билан машҳур бўлган “Жомиус саҳиҳ” китобидир. Бундан ташқари “Тарих” ва “Зуафо” каби кўплаб китоблари бўлган. Ҳижрий 256 йилда Самарқанднинг Хартанг қишлоғида 62 ёшида вафот этган.

билан билиб бўлмайдиган, ҳис қилиш аъзолари идрок эта олмайдиган нарсалардир. Ҳар иккаласини ҳам барча нарсага қодир бўлган Зот сабаб қилиб қўйгандир.

Яъни инсон тоза ҳавода юриши аъзоларининг соғлом бўлиши учун зарур эканини ҳамда бу нарса аъзоларининг узоқ муддат ишлашига сабаб эканлигини ҳис эта олади. Аммо қариндошчилик алоқаларини боғлашнинг соғлом бўлишга ва аъзоларнинг узоқ муддат ишлашига нима алоқаси борлигини ҳис эта олмайди. Охиратга аниқ ишонган мўмин банда ҳар иккаласини ҳам барча нарсага қодир бўлган Зот сабаб қилиб қўйган ва бу бўлиши аниқ, аммо инсоннинг ҳис қилиш аъзолари идрок эта олмайдиган нарсалардандир, деган тушунчада бўлади.

Ушбу ҳадисда ҳам қариндошлик алоқаларини боғлаш, ризқнинг кенг қилинишини ва ажалнинг кечиктирилишини юзага чиқарувчи сабабларидан бири экани баён қилинган. Аллоҳ таоло барча нарсаларни билгувчи Зотдир, шунга кўра дуо қилувчини ҳам, исён қилувчини ҳам, итоат қилувчини ҳам, яхши амал қилиб бахтли бўлувчини ҳам – барча-барчасини азалдан битиб қўйгандир. Аллома Тафтазонийнинг сўзлари бу тушунчани янада ёрқин ифодалаб беради:

“Аллоҳ таоло банда бу тоатни қилмаганда унинг умри қирқ йил бўлишини, лекин тоатни қилиб умри етмиш йил бўлишини олдиндан билган. Аллоҳ таолонинг илмига кўра бу тоат бўлмаганида мазкур зиёдалик ҳам рўёбга ошмаслиги эътиборидан бу зиёдалик ўша тоатга нисбат берилган”[83].

Шу маънода ҳамма нарса олдиндан ҳал бўлган экан, тақдиримда борини кўраман, дея қўлидан келадиган ишни тарк қилишга ҳам ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки ҳеч ким ўз тақдирига нима ёзиб қўйилганини билмайди, билиш имкони ҳам йўқ. Унинг биладигани, билишга имкони бор нарсаси Аллоҳ таолонинг яхши ишларни қилишга буюриб, ёмон ишлардан қайтарганидир. Шунга кўра у бор имкониятидан фойдаланиб буйруқни бажариш ҳаракатини қилиши лозим. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларнинг: “Амални қўйиб, тақдиримиз ёзувига суянмайликми”, – деган саволларига: “Амал қилинглар...”, – деб жавоб берганлар. Бу ҳақида ҳадиси шарифда шундай дейилган:

عَنْ عَلِيٍّ قَالَ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي جَنَازَةٍ فَأَخَذَ شَيْئًا فَجَعَلَ يَنْكُتُ بِهِ الْأَرْضَ فَقَالَ مَا مِنْكُمْ مِنْ أَحَدٍ إِلاَّ وَقَدْ كُتِبَ مَقْعَدُهُ مِنْ النَّارِ وَمَقْعَدُهُ مِنْ الْجَنَّةِ قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ أَفَلاَ نَتَّكِلُ عَلَى كِتَابِنَا وَنَدَعُ الْعَمَلَ قَالَ اِعْمَلُوا فَكُلٌّ مُيَسَّرٌ لِمَا خُلِقَ لَهُ أَمَّا مَنْ كَانَ مِنْ أَهْلِ السَّعَادَةِ فَيُيَسَّرُ لِعَمَلِ أَهْلِ السَّعَادَةِ وَأَمَّا مَنْ كَانَ مِنْ أَهْلِ الشَّقَاءِ فَيُيَسَّرُ لِعَمَلِ أَهْلِ الشَّقَاوَةِ ثُمَّ قَرَأَ: ﴿ فَأَمَّا مَنْ أَعْطَىٰ وَاتَّقَىٰ ﴿٥﴾ وَصَدَّقَ بِالْحُسْنَىٰ ﴿٦﴾ ﴾ رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

[83] Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳу ақоид. – Миср: “Мактабатул Азҳарияту лит турос”, биринчи нашр 1421ҳ. – Б. 92.

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жанозада эдилар, бир нарсани олдилар-да, у билан ерга чиза бошладилар ва: **“Сизлардан бирор кимса йўқки, унинг дўзахдаги ва жаннатдаги жойи тақдирига ёзилмаган бўлса”,** – дедилар. Саҳобалар: “Эй Аллоҳнинг Расули! Амал қилишни қўйиб, тақдиримиз ёзувига суянмайликми?” – дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Амал қилинглар, ҳар ким ўзи учун яратилган нарсага мослаштирилгандир, ким саодат аҳлидан бўлса, албатта, саодат аҳли амалига муваффақ қилинади, ким бахтсизлик аҳлидан бўлса, албатта, бахтсизлик аҳли амалига муваффақ қилинади”,** – дедилар. Сўнгра: (**Бас, кимки** (закот ва садақотларни) **берса ва** (Аллоҳдан) **қўрқса, ҳамда гўзал** (нарса)**ни тасдиқ этса)”**[84]**,** – оятини ўқидилар”. *Бухорий ривоят қилган.*

Яъни банда “тақдиримда битилгани бўлади”, дея амални ташлаб қўймаслиги, балки “тақдиримнинг белгилаб қўйилгани маълум, аммо қандай белгилангани номаълум, менга юклатилган вазифа эса тақдирга суяниб ўтириш эмас, шариат кўрсатмаларига риоя қилишдир”, деган тушунчада бўлиши ва бунинг тақозосига кўра ҳаракат қилиб бориши лозим.

[84] Лайл сураси, 5, 6-оятлар.

АЛЛОҲ ТАОЛОНИНГ СИФАТЛАРИ БАЁНИ

5 صِفَاتُ اللَّهِ لَيْسَتْ عَيْنَ ذَاتٍ وَلاَ غَيْرًا سِوَاهُ ذَا انْفِصَالِ

Маънолар таржимаси:

Аллоҳнинг сифатлари зотининг айни эмас ҳамда ундан ажраладиган бошқа ҳам эмас.

Назмий баёни:

Аллоҳ сифатлари айни зотимас,
Ундан ажралувчи бошқа ҳам эмас.

Луғатлар изоҳи:

صِفَاتُ – бу калима صِفَة нинг кўплик шакли. Сифат деганда сифатланмишда бор бўлган ва ўша билан уни бошқалардан ажратиб олиш мумкин бўлган белги тушунилади.

اللَّهِ – бу исм ҳақида икки хил қараш бор:

1. Аллоҳ исми алам муртажалдир[85]. Яъни бошқа бирор калимадан исм қилиб кўчирилмаган.

2. Аллоҳ исми алам манқулдир. Яъни бошқа бирор калимадан исм қилиб кўчирилган. Алам манқул деган уламолар қуйидагича тушунтирганлар: “الله исмининг асли إله бўлган, сўнгра эса унга اَلْ киритилган ва أَلْإِلَهُ га айланган. Сўнгра талаффузда енгил бўлиши учун иккинчи ҳамза туширилиб, اَلْ–لَهُ бўлган. Идғом шартига биноан اَلْ нинг биринчи ل и иккинчи ل га идғом қилиниб الله бўлган. Фатҳа ва заммадан кейин тафхим ўқилган. Касра тарқиққа муносиб бўлгани учун ундан кейин тарқиқ ўқилган”[86].

Кўпчилик уламолар наздида биринчи қараш мўътабар ҳисобланади.

لَيْسَتْ – мозий, ноқис, жомид феъли كَانَ нинг шерикларидан бири. Феъллар сарфланиши ва сарфланмаслиги жиҳатидан иккига бўлинади:

---

[85] Алам исм (атоқли от) икки қисмга бўлинади: 1. Алам муртажал; 2. Алам манқул.

– Аввалданоқ истеъмол қилишда бир нарсага махсус исм қилиб тайин қилинган аламларга алами муртажал дейилади. Масалан, فَقْعَسٌ ва عِمْرَان кабилар.

– Аввалда аламликдан бошқа маъноси бўлиб, кейин бир нарсага исм қилиб кўчирилган аламларга алами манқул дейилади. Масалан, مُقِيمٌ ва طَاهِرٌ кабилар. Қаранг: Аҳмад Ҳодий Мақсудий. Истикмал. – Қозон: “Лито-Типография И. Н. Харитонова”, 1909. – Б. 2.

[86] Атияту Қобил Наср. Ғоятул мурид фи илмит тажвид. – Риёз: “Мактабатул Ҳарамайни”, иккинчи нашр 1410 ҳ. – Б. 86.

1. Жомид феллар;
2. Мутасарриф феъллар.

Жомид феъллар деганда фақат битта кўринишда, мозий ёки амр кўринишида бўладиган тусланмайдиган феъллар тушунилади. Масалан,

لَيْسَ –мозий кўринишидаги ушбу феълнинг музориъ ва амри йўқ.

هَبْ – амр кўринишидаги ушбу феълнинг мозий ва музориси йўқ.

Мутасарриф феъллар деганда эса тусланадиган феъллар тушунилади. Тусланадиган феъллар ҳам икки қисмга бўлинади:

1. Тўлиқ тусланадиган. Масалан, قَامَ يَقُومُ قُمْ

3. Тўлиқ тусланмайдиган. Бундай феъларда фақат мозий ва музориъ бўлади, амр бўлмайди. Масалан, كَادَ يَكَادُ

عَيْنَ –ноқис феълнинг хабари бўлгани учун насб бўлиб турибди. Луғатда “айнан ўзи” маъносини англатади.

ذَاتٍ – ذُو нинг муаннаси бўлиб, ундан мустақил тасаввур қилинадиган нарса тушунилади. Наҳв олимлари исмни икки қисмга ажратганлар:

1. Исми зот. Зотга тааллуқли бўлган исмлар исми зот дейилади. Масалан, инсон;
2. Исми маъно. Ундан зот тушунилмайдиган исмлар исми маъно дейилади. Масалан, шижоат.

ذَاتٌ ва شَخْصٌ калималари ўртасидаги фарқ:

– Зот - жисмга ҳам, жисм бўлмаганга ҳам ишлатилади;
– Шахс - фақат жисми бор нарсаларга нисбатан ишлатилади.

Шунга кўра Аллоҳ таолога нисбатан “шахс” калимаси ишлатилмайди.

وَ – мутлақ жамлаш учун келтирилган атф ҳарфи.

لا – нафий ҳарфи.

غَيْرًا – калимаси عَيْنَ га атф қилинган

سِوَاهُ – калимаси غَيْرًا ни таъкидлаш учун келган бадалдир. Ундаги замир ذَاتٍ га қайтади. Аслида ذَاتٍ калимаси муаннас бўлса-да, унга қайтаётган замир одоб юзасидан музаккар шаклида келтирилган.

ذَا – “соҳиб” маъносида келган “асмаи ситта”[87]дан бири. غَيْرًا га сифат бўлгани учун насб бўлиб турибди. Бу исм ҳаракатлар билан эмас, ҳарфлар билан эъробланади.

انْفِصَالِ – музофун илайҳ. Луғатда “ажралиш” маъносини билдиради.

Матн шарҳи:

Аҳли сунна вал-жамоа эътиқоди бўйича Аллоҳ таолонинг сифатлари Унинг айни Ўзи ҳам, Ўзидан бошқа ҳам эмас. Сифатлари Унинг Ўзи эмас деган гапнинг маъноси шуки сифат деганда зотдан бошқа нарса тушунилади. Шу маънода Аллоҳ таолонинг сифатлари Унинг айни Ўзи эмас, дейилади.

Аллоҳ таолонинг сифатлари Унинг ўзидан бошқа ҳам эмаслиги эса, Унинг бирор сифати азалда бўлмасдан кейин пайдо бўлган эмас ва абадий ҳеч қачон Унинг зотидан ажралмайди ҳам. Шу маънода Аллоҳ таолонинг сифатлари зотидан бошқа эмас, дейилади.

Аслида, ушбу масалага бунчалик урғу берилишининг асосий сабаби Аллоҳ таолонинг сифатлари ҳодис[88] эмаслигини исботлашдир. Чунки Аллоҳ таолонинг сифатлари Ундан мутлақо бошқа дейиладиган бўлса, Аллоҳ таолодан бошқа нарсалар ҳодис бўлгани учун У зотнинг сифатлари ҳам ҳодис, деган маъно чиқиб қолади. Шунинг учун Аллоҳ таолонинг сифатлари зотининг айни бўлмагани билан, зотидан бошқа ҳам эмас, дейилган.

Сўфи Оллоҳёр бобомиз мазкур масала ҳақида қуйидагиларни ёзган:

Субутийдур онинг саккиз сифоти,
сифоти зоти эрмас на ғойри зоти

Яъни саккизта сифат субутий сифатлар дейилади ва улар Аллоҳ таолонинг зотининг айни ҳам эмас, зотидан бўлак ҳам эмас, деб эътиқод қилинади. Саккизта субутий сифатни шундай баён қилган:

Ҳаёту, илму, қудрат ҳам басар, самъ,
Иродаю, калом, таквиндур, эй шамъ.

Яъни ҳаёт, илм, қудрат, басор (кўриш), самъ (эшитиш), ирода, калом ва таквийн (вужудга келтириш) сифатлари субутий сифатлардир. Байт охирида келган “эй шамъ” сўзи “эй чироғим” яъни “эй болагинам” маъносида ишлатилган.

Мазкур сифатлар ақоид китобларида қуйидаги номлар билан аталган:

---

[87] “Асмаи ситта” деб аталадиган бу исмларни баъзи нахв олимлари улар, аслида, қуйидаги бешта исмлардир, дейишган: أب –أخ – حَم – فو – ذو Бу исмларнинг бошқа исмлардан фарқи, улар و билан раф, ا билан насб ва ي билан жор бўлади. Бундай эъробланиш учун уларда иккита шарт топилиши керак:

1. Бу исмлар мутакаллим ي дан бошқасига изофа қилинган бўлиш керак. (Изофа қилинмаган бўлса ҳаракат билан эъробланади).
2. Муфрад бўлиш керак. (Тасния ва жам бўладиган бўлса, уларнинг эъроби билан эъробланади).

[88] Ҳодис луғатда “олдин йўқ бўлиб, кейин бор бўлган нарса” маъносини англатади. Ақоид китобларида бу калима кўп ишлатилгани сабабли уни таржима қилмасдан термин маъносида ишлатиш маъқул кўрилди.

– ***Маъоний сифатлар.*** Бу сифатлар Аллоҳ таолонинг зотидан бошқа маъноларга ҳам далолат қилгани эътиборидан “маъоний” (зотдан бошқа маънони ифодаловчи) сифатлар деб номланган;

– ***Зотий сифатлар.*** Бу сифатлар Аллоҳ таолонинг зотидан ҳеч қачон ажралмагани эътиборидан “зотий” (зотдан ажралмайдиган) сифатлар деб номланган;

– ***Субутий сифатлар.*** Бу сифатлар Аллоҳ таолонинг зотида кейинчалик пайдо бўлмагани эътиборидан “субутий” (борлиги азалий экани исботланган) сифатлар деб номланган.

Фақатгина зотий ва феълий сифатлар тўғрисидаги баҳслар эътиборидан зотий сифатлар деганда, асосан, қуйидаги еттита сифат тушунилади:

1.Қудрат, 2. Ирода, 3. Илм, 4. Ҳаёт, 5. Самъ (эшитиш), 6. Басор (кўриш), 7. Калом (гапириш).

Феълий сифатлар деганда эса “тирилтириш”, “ўлдириш” ва “ризқ бериш” каби кўплаб сифатлар бўлиб, уларнинг умумий номи “таквин”дир. Мотуридийларда “таквин” ҳам қадим ҳисоблангани учун Сўфи Оллоҳёр бобомиз мазкур еттита сифатга таквинни ҳам қўшиб, саккизта сифатни субутийдур, деган. Ашъарийлар эса мазкур еттита сифатни зотий, яъни қадим ҳисоблаганлар.

Уламолар: “ Зотий сифатларни еттита дейиш ҳам, мутлақ ададни баён қилиш жиҳатидан эмас, балки ушбу еттита сифатни билиш мўминга кифоя қилиши эътиборидандир”, - деганлар.

Аллоҳ таолонинг сифатлари ҳақидаги фарқли қарашлар

Жоҳил файласуфлар. Баъзи жоҳил файласуфлар Аллоҳ таолонинг барча сифатларини инкор қилганлар. Махлуқотларга нисбатан ишлатиш мумкин бўладиган сифатларни Аллоҳ таолога нисбатан ишлатиб бўлмайди, деб ҳисоблаганлар. Бу фирқа ўзларининг қарашларига қуйидагича ақлий далил келтиришган: “Яратувчи яратилган нарсаларга ўхшаш бўлишини ақл инкор қилади. Яратилган нарсаларнинг “олим”, “қодир”, “эшитувчи” ва “кўрувчи” каби сифатлари бор. Шунинг учун бундай сифатлар билан Яратувчининг сифатланиши жоиз бўлмайди. Агар бу сифатлар билан сифатланадиган бўлса, яратилганларга ўхшаш бўлиб қолади. Шу маънода баъзи файласуфлар Аллоҳ таолога нисбатан “зот” ва “шай” каби исмларни ишлатиб бўлмайди, деб ҳисоблашган.

Мўътазилийлар. Аллоҳ таолонинг сифатлари зотидан бошқа маънони ифодалашини инкор қилганлар. Шунга кўра Аллоҳ таолони Олим дейилади лекин илми бор дейилмайди, Қодир дейилади лекин қудрати бор дейилмайди, дейишиб “калом” ва “ирода”дан бошқа сифатларини инкор қилганлар. Бу икки сифатни эса зотдан бошқа маънони ифодалайди, иккаласи ҳам Аллоҳ таолонинг зотидан бошқа жойда пайдо бўладиган сифатлардир, дейишган. Мўътазилийларнинг эътиқодига кўра Яратувчи шериксиз ягона зотдир. Агар Уни илм сифати билан “олим”дир, “қудрат” сифати билан қодирдир дейилса, бу сифатлар Унинг зотидан бошқа бўлгани учун азалда Яратувчидан бошқа

нарсалар ҳам бўлган дейиш бўлиб қолади. Бундай дейиш эса тавҳидни инкор қилишдан бошқа нарса эмасдир.

Карромия ва мушаббиҳа фирқалари. Аллоҳ таолода олдин йўқ бўлган сифатлар кейин пайдо бўлиши мумкин ва улар йўқ бўлиб кетиши ҳам мумкин деб ҳисоблашган. Бу фирқалар Аллоҳ таолонинг сифатлари махлуқотларнинг сифатларига ўхшайди, деган эътиқодда бўлишган. Бу эътиқодларига оят ва ҳадисларнинг зоҳирий маъноларини далил қилишган. Ақлнинг илм воситаси эканини инкор қилишган.

Аҳли сунна вал-жамоа: Нақлий ва ақлий далиллар билан Яратувчининг бир экани ва махлуқотлардан бирортасига ўхшамаслиги собит бўлгач, У зотнинг комил сифатлар билан сифатлангани ҳам собит бўлган бўлади. Агар Аллоҳ таолода мазкур сифатлар азалда бўлмаганида, улар кейинчалик пайдо бўлган деган маъно бўлиб қолади. Олдин бўлмасдан кейинчалик пайдо бўлиш эса махлуқларнинг сифатларидир. Шунга кўра Аллоҳ таолонинг барча сифатлари ибтидоси йўқ азалий ва интиҳоси йўқ абадий деб эътиқод қилинади.

Аллоҳ таолонинг исмлари ва сифатлари орасидаги фарқлар

Аллоҳ таолонинг исмлари ва сифатлари ўртасидаги фарқлар ҳақида жуда кўплаб маълумотлар келган. Таҳқиқ қилинганда асосий фарқ шу бўладики, Аллоҳ таолонинг исмлари Унинг зотига ва Ундаги комил сифатларга далолат қилади. Масалан, “Ал-Қодир”, “Ал-Алийм”, “Ал-Ҳакийм”, “Ас-Самийъ”, “Ал-Басийр” каби. Сифатлар эса зот орқали тасаввур қилинадиган “илм”, “ҳикмат”, “самъ”, “басор” каби комил сифатлардир. Чунки бу исмлар Аллоҳ таолонинг зотига ҳам, Ундаги “илм”, “ҳикмат”, “самъ”, “басор” каби сифатларига ҳам далолат қилади. Шу маънода айтиш мумкинки, исм икки нарсага, сифат эса фақат бир нарсага далолат қилади.

Аллоҳ таолонинг исмлари ва сифатлари бир-бирларидан қуйидагича фарқланади:

“1. Исмлардан сифатлар келиб чиқади. Сифатлардан эса исмлар келиб чиқмайди. Аллоҳ таолонинг “Ар-Роҳийм”, “Ал-Қодир” ва “Ал-Азийм” исмларидан “раҳмат”, “қудрат” ва “азамат” сифатлари чиқади, лекин “ирода” ва “макр” сифатларидан “Мурийд” ва “Маакир” исмлари чиқмайди.

2. Аллоҳ таолонинг исмлари феъларидан чиқарилмайди. Аллоҳ таолонинг яхши кўриши, ёмон кўриши ва ғазабланишидан “Яхши кўрувчи”, “Ёмон кўрувчи” ва “Ғазаб қилувчи” маъносидаги “Муҳиб”, “Кариҳ” ва “Ғозиб” исмлари чиқмайди. Сифатлари эса Унинг феъларидан чиқарилади. Мазкур феъларидан “яхши кўриш”, “ёмон кўриш” ва “ғазабланиш” сифатлари чиқади. Шунинг учун ҳам сифатларнинг тури исмларнинг туридан кенгроқдир, дейилган.

3. Аллоҳ таолонинг исм ва сифатлари паноҳ сўралиш ва қасам ичилишда тенг қўлланади, лекин Унга қулликни ифодалаш ва дуо қилишда фарқланади. Аллоҳ таолонинг исмларини айтиб Унга қуллик маъноси ифода қилинаверади. Масалан, Абдулкарим (Ал-Каримнинг қули), Абдурроҳман (Ар-Роҳманнинг

қули), Абдулазиз (Ал-Азизнинг қули), каби. Лекин Унинг сифатлари айтилиб қуллик изҳор қилинмайди, масалан: Абдулкарам (Лутфу карамнинг қули), Абдурроҳмат (Раҳматнинг қули), Абдулиззат (Иззатнинг қули), дейилмайди. Шунингдек, Аллоҳ таолога Унинг исмларини айтиб дуо қилинади. “Эй Раҳим, бизларга раҳим қилгин, эй Карийм, бизларни икром қилгин, эй Латийф, бизларга лутф қилгин”, каби. Лекин Унинг сифатларини айтиб дуо қилинмайди. Масалан, “Эй Раҳматуллоҳ, бизларга раҳм қилгин, эй Карамуллоҳ, бизларни икром қилгин, эй Лутфуллоҳ, бизларга лутф қилгин”, дейилмайди. Чунки сифат мавсуфнинг, яъни сифатланмишнинг айни ўзи бўлмайди. Шу маънода раҳмат, карам ва лутфлар Аллоҳ таолонинг айни Ўзи эмас, балки Унинг сифатларидир. Бандаликни изҳор қилиш ва дуо қилиш эса фақатгина Унинг Ўзига бўлади, ундан бошқага жоиз эмас”[89].

[89] Алавий ибн Абдулқодир Саққоф. Сифатуллоҳи азза ва жалла ал-варидату фил китаби ва сунна. “Мактабатуш шомила”. 1-жуз, – Б. 10.

ЗОТИЙ ВА ФЕЛИЙ СИФАТЛАР БАЁНИ

6 صِفَاتُ الذَّاتِ وَالأَفْعَالِ طُرًّا قَدِيمَاتٌ مَصُونَاتُ الزَّوَالِ

Маънолар таржимаси:

Зотий ва феълий сифатларнинг барчаси қадимдир ва заволдан сақлангандир.

Назмий баёни:

Зотий феълий сифатлар бари баркамол,
Ибтидосиз, интиҳосиз доим безавол.

Луғатлар изоҳи:

صِفَاتُ – мубтадо. Сифат деганда мустақил тасавввур қилинмайдиган, фақат бирор зот орқали тасаввур қилинадиган нарсалар тушунилади.

الذَّاتِ – музофун илайҳ. Зотий сифатлар таърифи юқорида ўтди.

وَالأَفْعَالِ –Аллоҳ таоло бир сифатлар билан сифатланиб, унинг зидди билан ҳам сифатланиши жоиз бўлса, феълий сифат дейилади.

طُرًّا – бу калима луғатда “барчаси”, “ҳаммаси” маънолари англатади. Ҳолликка кўра насб бўлиб турибди.

قَدِيمَاتٌ – қадимнинг маъноси иккинчи байтнинг изоҳида баён қилинди. Биринчи хабар.

مَصُونَاتُ – “ҳимоя қилинган”, “сақланган” маънолари англатади. Иккинчи хабар.

الزَّوَالِ – завол калимаси икки хил маънода ишлатилади:

1. Бир нарсанинг комил ҳолатидан нуқсонга учраши;
2. Бир нарсанинг йўқ бўлиб кетиши.

Матн шарҳи:

Аллоҳ таолонинг зотий ва феълий сифатларининг барчаси ибтидосиз азалий ва интиҳосиз абадий сифатлар бўлиб, улар ҳеч қачон заволга юз тутмайди. Яъни Аллоҳ таолонинг сифатлари У зот томонидан яратилган ҳам эмас, махлуқотларни яратиш вақтида вужудга келган ҳам эмасдир.

Қуръон ва суннатда баён қилинган Аллоҳ таолонинг сифатлари иккига бўлинади:

1. Зотий сифатлар;
2. Феълий сифатлар.

Ҳаёт, илм, калом, қудрат, эшитиш, кўриш ва ирода каби сифатлар зотий сифатлар бўлади. Ушбу сифатлар Аллоҳ таолонинг зотига тааллуқли бўлганидан зотий сифатлар деб аталган.

Аллоҳ таолонинг хоҳишига тааллуқли бўлган яратиш, ризқ бериш, истиво қилиш, яхши кўриш, ёмон кўриш, ғазабланиш ва хурсанд бўлиш каби сифатлар феълий сифатлар ҳисобланади.

Аллоҳ таоло азалда “ирода” (хоҳлаш) ва “калом” (гапириш) сифатлари билан сифатланганми? Мана шу саволга Мўътазилийлар: “Азалда сифатланмаган”, дейишган. Ашъарийлар: “Азалда сифатланган”, – деганлар. Ана шу жавобдан зотий ва феълий сифатларнинг таърифидаги ихтилоф келиб чиққан.

Мўътазилийлар: “Қайси бир сифатда инкор қилиш ҳам, исбот қилиш ҳам жорий бўлган бўлса у феълий сифатдир, масалан, “фалончига фарзанд берди”, “фалончига фарзанд бермади”. “Илм” ва “қудрат” сингари қайси бир сифатда инкор қилиш жорий бўлмаган бўлса у зотий сифатдир. Масалан, “Аллоҳ фалон нарсани билмади” ёки фалон нарсага қодир эмас” дейилмайди-ку. Шунга кўра “ирода” ва “калом”да инкор қилиш ҳам, исбот қилиш ҳам жорий бўлгани учун иккаласи феълий сифатлардандир, феълий сифатлар эса ҳодисдир”, – дейишган.

Ашъарийлар: “Феълий сифатлар деганда уни инкор қилиш туфайли зидди лозим бўлиб қолмайдиган сифатлар тушунилади. Масалан, “Аллоҳ фалончига фарзанд бермаган” деган гапдан Аллоҳ таолода фарзанд бермаслик сифати лозим бўлиб қолмайди. Шунга кўра агар “ирода” сифати инкор қилинадиган бўлса, унинг зидди бўлган “мажбурийлик” лозим бўлиб қолади. Агар “калом” инкор қилинса, унинг зидди бўлган “гапиришдан ожизлик” лозим бўлиб қолади. Шунинг учун “ирода” ҳам, “калом” ҳам зотий сифатлардандир, зотий сифатларнинг барчаси эса қадимдир”, – деганлар.

Мотуридийларда эса зотий сифатлар ҳам, феълий сифатлар ҳам барчаси қадим ҳисоблангани сабабли қадимлигини исботлаш учун уларнинг ўрталарини ажратишга эҳтиёж ҳам йўқдир. Фақатгина зотий сифатлар деганда Аллоҳ таоло бир сифат билан сифатланиб, унинг зидди билан сифатланиши жоиз бўлмаган “қудрат”, “калом” ва “ирода” сингари сифатлар тушунилади. Феълий сифатлар деганда эса Аллоҳ таоло бир сифат билан сифатланиб, унинг зидди билан ҳам сифатланиши жоиз бўлган “раҳмат” ва “ғазаб” сингари сифатлар тушунилади.

Зотий сифатларнинг қадим эканида ихтилоф йўқ. Аммо феълий сифатларнинг қадим ёки ҳодислиги тўғрисида Аҳли сунна вал-жамоанинг ичида ҳам икки хил қараш бор. Имом Мотуридий феълий сифатларни қадим ҳисоблаган. Имом Ашъарий эса феълий сифатларни ҳодис деб тушунтирган[90]. Ушбу хилма-хиллик сабаби ҳақида “Шарҳу Фиқҳил акбар”, “Бидаяту фи

[90] Имом Мотуридий ва имом Ашъарий ораларидаги фарқли қарашлар ва уларнинг самаралари ҳақида алоҳида китоблар ҳам ёзилган бўлиб, Абдураҳим ибн Али Шайхзоданинг “Назмул фароид ва жамъул фаваид” китобида қирқта фарқ баён қилинган. Ҳасан ибн Абдул Муҳсин Абу Азбанинг “Равзатул баҳия фийма байнал Ашаироти вал Мотуридия” китобида эса ораларидаги фарқлар лафзий ва маънавийларга ажратилиб, еттита лафзий ва олтита маънавий фарқ баён қилинган.

усулид-дин” ва булардан бошқа кўплаб китобларда кенг баҳс юритилган. Жумладан, Ҳасан ибн Абдул Муҳсин Абу Азбанинг “Равзатул баҳия фийма байнал Ашаироти вал Мотуридия” (Ашъарийлар ва Мотуридийлар ўртасидаги гўзал чаманзор” асарида шундай ёзилган:

“Ҳанафийлар феълий сифатларнинг барчаси зотий сифатлар каби Аллоҳ таолонинг Ўзи ҳам бўлмаган, Ундан бошқа ҳам бўлмаган қадим сифатлардир, деганлар. Ашъарийлар эса феълий сифатлар қадим бўлмаган сифатлардир, деганлар. Ашъарийларнинг сўзларни луғат жиҳатидан олиб қаралганда “яратишидан олдин яратувчи дейилмайди, ризқ беришидан олдин ризқ берувчи дейилмайди”, деган маъно чиқади. Ҳанафийларнинг сўзидан эса, “тўқишни билган ва тўқишга қодир бўлган зот ҳали тўқимаган бўлса ҳам, тўқувчи дейилгани каби яратишга қодир зотни яратувчи, ризқ беришга қодир зотни ризқ берувчи дейилаверади”, деган маъно чиқади”[91].

Бу масалани кенг таҳқиқ этиб ўрганган уламолар ўрталаридаги фарқ фақатгина лафзда бўлиб, аслида, иккала тарафда ҳам бир хил қадимдир, деганлар. Яъни феълий сифат вужудга келтирилган нарсалар тарафидан қаралганда иккала тарафда ҳам қадим эмас, вужудга келтирувчига нисбатан эса иккала тарафда ҳам қадимдир.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу байт Аллоҳ таолонинг зотий сифатлари ҳам, феълий сифатлари ҳам – барча-барчаси азалийдир ва абадийдир маъносини англатади.

[91] Ҳасан ибн Абдул Муҳсин. Равзатул баҳия фийма байнал Ашаъироти вал Мотуридия. – Байрут: “Дору сабийлир рошад”, 1996. – Б. 101.

АЛЛОҲ ТАОЛОНИ “ШАЙ” ДЕЙИШ МУМКИНЛИГИ БАЁНИ

7 نُسَمِّي اللَّهَ شَيْئًا لاَ كَالأَشْيَاءِ وَذَاتًا عَنْ جِهَاتِ السِّتِّ خَالِي

Маънолар таржимаси:

Аллоҳни бошқа “шай”лар каби бўлмаган “шай” деб атаймиз ва олти тарафдан холи бўлган Зот деймиз.

Назмий баёни:

Аллоҳни бетимсол “шай” деб аташ бор,
Ҳам зот деймиз, аммо эмас тарафдор.

Луғатлар изоҳи:

نُسَمِّي – мутакаллим маълум сийғасидаги икки мафъулли феъл.

اللَّهَ – Ушбу лафз نُسَمِّي феълининг биринчи мафъули.

شَيْئًا –نُسَمِّي феълининг иккинчи мафъули. Аҳли сунна вал-жамоа эътиқодига кўра “шай” исми барча бор нарсаларга нисбатан ишлатилади. Сибавайҳ бу исмни шундай таърифлаган: “Шай” – уни билиш ва у ҳақида хабар бериш мумкин бўлган барча нарсадир”.

لاَ – нафий ҳарфи.

كَالاَشْيَاءِ – жор мажрур شَيْئًا га сифат бўлгани учун насб ўрнида турибди.

وَذَاتًا – شَيْئًا га атф қилинган. Зотнинг маъноси юқорида ўтди.

عَنْ – жор ҳарфи.

جِهَاتِ السِّتِّ – олти тараф: тепа, паст, ўнг, чап, олд, орқа.

خَالِ – (олти тарафдан) холи маъносида ишлатилган. Маҳзуф мубтадонинг хабаридир.

Матн шарҳи:

Биз – Аҳли сунна вал-жамоа Аллоҳ таолони зот эътиборидан ҳам, сифат эътиборидан ҳам бошқа шайларга мутлақо ўхшамайди, деб эътиқод қиламиз. Аллоҳ таолога нисбатан “шай” сўзини қўллаш тўғрисида эса бу сўзни бошқаларга қараганда У зотга қўллаш аълороқдир, деймиз. Чунки бор нарсаларнигина “шай” деб номлаш мумкинлиги эътиборга олинганда, Аллоҳ таолонинг бор эканлиги бошқа нарсалар каби ўзидан бошқага муҳтож эмас, балки борлиги бошқанинг таъсир қилишига боғлиқ бўлмаган зотдир. Шунинг

учун бошқа мавжуд нарсаларга қараганда У зотга “шай” сўзини қўллаш аълороқдир. Ушбу сўзнинг таъкидлаб келтирилиши эътиқод масалаларида қаттиқ адашган жаҳмия[92] фирқасининг нотўғри ақидасидан огоҳлантириш учун бўлган.

Ўший раҳматуллоҳи алайҳнинг шеърий услубда қисқа ва лўнда қилиб турли эътиқод масалаларини бирма-бир баён қилишлари ҳам эҳтимол ўша пайтдаги энг долзарб бўлиб турган масалалар ҳақида Аҳли сунна вал-жамоа қарашларини оммага тақдим этиш бўлган. Бу зотдан икки юз йилча вақт олдин Имом Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳ ҳам машҳур “Тавҳид” асарида Аллоҳ таолони “шай” деб аташ мумкинлиги ҳақида шундай ёзган:

“Аллоҳ таолони “шай” деб аташ мумкинлигига икки асос бор. Биринчиси, нақлий асос бўлиб, Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай хабар берган:

﴿لَيْسَ كَمِثْلِهِۦ شَىْءٌ ۖ وَهُوَ ٱلسَّمِيعُ ٱلْبَصِيرُ ﴿١١﴾﴾

“Унинг мислидек бирор “шай” йўқдир ва У ўта эшитувчи, ўта кўргувчи зотдир”[93].

Агар У зотни “шай” деб аташ мумкин бўлмаганида, Ўзидан ўхшашни **“Унинг мислидек бирор “шай” йўқдир”,** дея “шай” исми билан рад этмаган бўлар эди. Зеро, мавжуд бўлмаган, балки борлиқда йўқ бўлганга “шай” сўзи ишлатилмайди. Аллоҳ таолонинг сўзида эса “шай” сўзи ишлатилган:

﴿قُلْ أَىُّ شَىْءٍ أَكْبَرُ شَهَٰدَةً ۖ قُلِ ٱللَّهُ ۖ﴾

“Айтинг: “Гувоҳлик бўйича қайси нарса каттароқ?” (Яна ўзингиз) **айтинг: Аллоҳ”[94].**

Агар Унга “шай” исми тўғри келмаганда эди, ўша сўзнинг Унга нисбат берадиган даражада нарса маъносини ўз ичига қамраб олиш эҳтимоли бўлмас эди.

Иккинчиси ақлий асос бўлиб, аслида “шай” дейиш урфда бир нарсанинг бор эканини тасдиқлаш учунгина ишлатиладиган исмдир. Агар بلا شيء (ҳеч нарса) деган сўздан “арзимас нарса” маъноси ирода қилинмаган бўлса, бир нарсанинг борлигини инкор қилиш бўлади. Шунга кўра Аллоҳ таолони “шай” дейиш, Унинг борлигини тасдиқлаш ва сифатларини эътироф этиш бўлади”[95].

Аллоҳ таолога нисбатан бирор исм қўлланганда ўша исм бошқа мавжудотларга нисбатан ҳам ишлатилса, масалан, “шай”, “зот” каби, бу исмни Аллоҳ таолога қўллашда бошқаларга ўхшаш эмаслигини таъкидлаб қўйиш

---

[92] Жаҳмия фирқасининг номи Жаҳм ибн Сафвонга нисбат берилган бўлиб, улар инсонга ихтиёр берилганини ва Аллоҳ таолонинг сифатларини инкор қилиб чиқишган. Мазкур бузуқ қарашларини ҳижрий 118 йилда муртад сифатида қатл этилган Жаъд ибн Дирҳамдан ўзлаштирганлар. Жаҳм ибн Сафвон Умавийларга қарши Ҳорис ибн Сурайж билан бирга бош кўтариб чиққани учун 128 ҳижрий санада қатл этилган. Қаранг: Мунжид фил-луғати аълом. – Байрут: “Дорул машриқ”, ўттиз саккизинчи нашр. – Б. 205.

[93] Шуро сураси, 11-оят.

[94] Анъом сураси, 19-оят.

[95] Имом Абу Мансур Мотуридий. Тавҳид. – Байрут Лубнан: “Дорул кутубил илмия”, 2006. – Б. 35.

вожиб бўлади. Ўший раҳматуллоҳи алайҳнинг сўзларида ушбу тушунча ўз ифодасини топган. Яъни Аллоҳ таолони бошқа бор нарсалар каби бўлмаган “шай” деймиз, олти тарафдан: тепа, паст, ўнг, чап, олд ва орқалардан холи бўлган зот деймиз, деган. Чунки бошқа бор нарсалар мазкур тарафларнинг бирида бўлади.

Мана шу ўринда Аллоҳ таолонинг макон ва тарафдан холи экани ҳақидаги эътиқодимизни далиллари билан ўрганиб чиқиш кўплаб тушунмовчиликларга барҳам беради.

Аллоҳ таоло макон ва тарафдан холидир

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, саҳобаи киромлар даврида Аллоҳ таолонинг сифатлари Қуръон ва суннатда келганидан ортиқча баҳс қилинмаганига гувоҳ бўламиз.

Аммо кейинчалик пайдо бўлган карромия, мушаббиҳа, нажжория ва мўътазилий каби фирқалар Аллоҳ таолонинг сифатлари ҳақида турли бузуқ даъволарни кўтариб чиқишган. Уларнинг шундай бузуқ даъволаридан бири Аллоҳ таолога макон нисбатини бериш бўлган. Ана шундан кейин Аллоҳ таолонинг маконлардан холи экани ҳақида чуқур баҳс қилишга эҳтиёж туғилган. Мазкур фирқаларнинг даъвою фитналарига Аҳли сунна вал-жамоа уламолари Қуръон ва суннат асосида кескин раддиялар берганлар. Ушбу масала бўйича Аҳли сунна вал-жамоа ва адашган фирқалар орасидаги фарқлар қуйидагича бўлган:

Карромия ва Мушаббиҳа фирқалари: “Аллоҳ таоло махсус маконда, яъни Аршда”, – дейишган.

Нажжория фирқаси: “Аллоҳ таоло барча маконда”, – дейишган.

Мўътазилий фирқаси: “Аллоҳ таоло барча маконда, лекин зоти эмас, балки илми барча маконда”, – дейишган.

Аҳли сунна вал-жамоа: “Аллоҳ таоло бирор маконда ўрин олишдан холидир”, – дейишган.

Машҳур ватандошимиз Умар Насафий раҳматуллоҳи алайҳ “Ақоидун Насафий” да бу ҳақида қуйидагича ёзган:

وَلَا يَتَمَكَّنُ فِي مَكَانٍ

“У зот бирор бир маконда ўрин олмайди”.

Яъни бирор макондан ўрин олиш бошқа маконга нисбатан узоқда бўлиш ҳисобланади. Бир-биридан узоқ ёки яқин масофада бўлиш эса жисмларнинг хусусиятларидир. Ўнг, чап, тепа, паст, олди, орқа томонларнинг бирортаси Аллоҳ таолони ўз ичига қамраб ололмайди. Чунки борлиқдаги барча нарсаларни, олти тарафларни ҳам, Аллоҳ таоло йўқдан бор қилган. Йўқдан бор қилинган нарсалар эса уларни яратган Зотни ўз ичларига ололмайди. Аллоҳ таоло бундай нуқсонли хусусиятлардан холидир.

Демак, Аҳли сунна вал-жамоа ва мазкур адашган фирқалар орасидаги асосий фарқ “Аллоҳ таоло макондан холи”, деб эътиқод қилиш лозимлигида бўлган.

Шунга кўра, агар мазкур фирқаларнинг гаплари таъвил қилиш имкони бўлмайдиган даражада очиқ-ойдин айтилса, масалан, “Аллоҳ осмонда жойлашган”, ё “Арш устига ўрнашган” дейилса, Аллоҳ таолога нуқсонни нисбат бериш деб қаралган. Нуқсонни нисбат беришни эса барча уламолар куфр санашган.

Аммо кейинчалик Аҳли сунна вал-жамоага нисбат берилганлар ичидан ҳам “Аллоҳ таоло макон олмасдан осмонда”, дейдиганлар пайдо бўлган.

Энди бу тоифа билан олдиндан “Аллоҳ таоло бирор тарафда бўлишдан холи”, деб эътиқод қилиб келган Аҳли сунна жумҳури орасидаги фарқ янада нозиклашган. Яъни олдинги фирқалар макондан жой олиш нисбатини берган бўлсалар, бу тоифа макон олмасдан осмонда деган. Аҳли сунна жумҳури ва мазкур тоифа ўртасида “Аллоҳ таолони макон олмасдан осмонда” деб эътиқод қилиш мумкин ё мумкин эмаслиги тўғрисида баҳс мунозараларининг натижалари қуйидагичадир:

Аҳли сунна жумҳури: “Зоҳиран юқорига далолат қиладиган оят ва ҳадислар муташобиҳдир, муташобиҳ хабарларни Аллоҳ таолонинг осмонда эканига далил қилинмайди, балки улардан нима ирода қилинганини Аллоҳ ва Расулига ҳавола қилинади”, – дейишган.

“Аллоҳ макон олмасдан осмонда” дейдиганлар: “Қуръон, суннат ва саҳобаларнинг сўзлари Аллоҳ таолонинг буюклигига мос равишда осмонда эканига ҳужжатдир”, – дейишган.

Аҳли сунна жумҳури: “Аллоҳ таолони бирор тарафда дейиш У зотга нуқсонли сифатни нисбат бериш бўлади”, – дейишган.

“Аллоҳ макон олмасдан осмонда” дейдиганлар: **“**Аллоҳ таолони макон олмасдан осмонда дейиш, нуқсонли сифатни нисбат бериш ҳисобланмайди”, – дейишган.

Бу тоифанинг келтирган далил ва ҳужжатларига Аҳли сунна жумҳури бирма-бир батафсил жавобларини берганлар. Уларнинг айримлари қуйидагилардир:

1. “Аллоҳ таоло макон олмасдан осмонда” дейдиганларнинг далили:

﴿إِلَيۡهِ يَصۡعَدُ ٱلۡكَلِمُ ٱلطَّيِّبُ﴾

“Унга хуш каломлар юксалур”[96].

Яъни хуш каломларнинг Унга кўтарилиши, У зотнинг юқорида эканига далолат қилади.

Аҳли сунна жумҳурининг жавоби: Ушбу оятда Аллоҳ таолонинг самода, ё юқорида эканига далил йўқ, балки хуш каломларнинг қабул қилинишига далил бор. Чунки юксалиш каломлар тўғрисида ҳақиқий маънода ишлатилмайди, балки жисмларда ҳақиқий маънода ишлатилади.

---

[96] Фотир сураси, 10-оят.

2. “Аллоҳ таоло макон олмасдан осмонда” дейдиганларнинг далили:

﴿إِنِّي مُتَوَفِّيكَ وَرَافِعُكَ إِلَيَّ﴾

“Мен сени вафот эттирувчи ва Ўзимга кўтарувчиман”[97].

Яъни Аллоҳ таоло Исо алайҳиссаломни Ўзига кўтарувчи эканини айтган. Бу ҳам У зотнинг юқорида эканига далилдир.

Аҳли сунна жумҳурининг жавоби: Бу оят ҳам асло Аллоҳ таолонинг юқорида эканига далил бўла олмайди. Чунки бирор нарсанинг юқорисида бўлиш жисми ва чегараси бор нарсаларда бўлади. Аллоҳ таоло жисм ҳам эмас, бирор нарса Уни чегаралай ҳам олмайди. Аллоҳ таолонинг Исо алайҳиссаломни Ўзига кўтарганига келадиган бўлсак, бу оят муташобиҳ бўлиб, қандай қилиб Ўзига кўтарганини У зотнинг Ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди ва билишга буюрилган ҳам эмас. Шунинг учун бундай оятларнинг таъвилига киришмаслигимиз балки, унга иймон келтирдик, барчаси Роббимиз ҳузуридандир, дейишимиз лозим бўлади.

3. “Аллоҳ таоло макон олмасдан осмонда” дейдиганларнинг далили:

﴿ءَأَمِنتُم مَّن فِي ٱلسَّمَآءِ أَن يَخۡسِفَ بِكُمُ ٱلۡأَرۡضَ فَإِذَا هِيَ تَمُورُ ١٦﴾

“Осмондаги Зот сизларни изтиробда ҳаракатланиб турган ерга юттириб юборишдан омонда бўлдингизми?”[98].

Ушбу оятда келган **“Осмондаги зот”**дан Аллоҳ таоло ирода қилинган. Бу эса Аллоҳ таолонинг осмонда эканига очиқ-ойдин далилдир.

Аҳли сунна жумҳурининг жавоби: Ушбу оят қуйидаги маъноларда тафсир қилинган:

а) салтанати, буйруғи, қайтариғи, ва тадбири самода бўлган зотнинг сизларни ерга юттириб юборишидан омонда бўлдингизми? Самода дейилиши эса, само фаришталарнинг маскани, Арш, Курси, ва Лавҳул маҳфуз каби улуғ нарсаларнинг ўрни бўлгани учундир;

б) ушбу оятда кофирларнинг эътиқодларига кўра хитоб қилинган. Яъни Аллоҳ таолони бошқа махлуқларга ўхшаш деб эътиқод қилган кофирларга, эътиқодларига мувофиқ хитоб қилинган.

4. “Аллоҳ таоло макон олмасдан осмонда” дейдиганларнинг далили:

﴿يَخَافُونَ رَبَّهُم مِّن فَوۡقِهِمۡ﴾

“Улар устиларидаги Роббиларидан қўрқурлар”[99].

Ушбу оятда Аллоҳ таолонинг юқорида экани айтилган. Бу ҳам У зотнинг осмонда эканига далолат қилади.

---

[97] Оли Имрон сураси, 55-оят.
[98] Мулк сураси, 16-оят.
[99] Наҳл сураси, 50-оят.

Аҳли сунна жумҳурининг жавоби: Ушбу оятда ҳам Аллоҳ таолонинг самода ё аршда эканига бирор далолат йўқ. Оятда келган уст маъносига далолат қиладиган فَوْقَ калимаси икки хил маънода ишлатилади:

а) бирор жисм бошқа жисмнинг боши тарафида туриши маъносида, яъни бири иккинчисининг боши тарафида турса, унинг устида дейилади. Аслида бирор нарсанинг усти деганда бош тарафи, пасти деганда оёқ тарафи тушунилади. Шунга кўра баъзи жисмларнинг уст тарафи бошқа жисмларнинг паст тарафи бўлиши ҳам мумкин. Масалан, уйнинг ичидаги инсонга шифт уст тараф бўлса, шифтда ўрмалаётган чумоли учун паст тараф ҳисобланади.

б) мартаба маъносида, яъни ходим устидаги раҳбарига итоат қилади, дейилгани каби. Бу маъно оятларда ҳам келган. Масалан,

﴿وَإِنَّا فَوْقَهُمْ قَٰهِرُونَ ١٢٧﴾

“Биз улар устидан қаҳр ўтказувчимиз”[100].

Яъни ушбу “**улар устидан**” маъносидаги оятдан ҳеч ким Фиръавн Бани Исроил қавмининг елкаларига миниб олиб, бош тарафларида туриб қаҳр ўтказган, деган маънони тушунмайди. Балки “эгалик ва ғолиблик тарафидан қаҳр ўтказувчимиз” деган маънони тушунади. Қолаверса, юқори тарафда туриш мақтовга далолат қилмайди. Чунки қўриқчи ҳам подшоҳдан юқори тарафда туриши мумкин, бундан унинг матрабаси подшоҳдан ҳам юқори, деган тушунча келиб чиқмайди.

5. “Аллоҳ таоло макон олмасдан осмонда” дейдиганларнинг далили:

﴿ٱلرَّحْمَٰنُ عَلَى ٱلْعَرْشِ ٱسْتَوَىٰ ٥﴾

“Ар-Роҳман Аршга “истиво” қилди”[101].

барча махлуқотлардан юқорида ҳисобланади. Шунинг учун бу оят ҳам У зотнинг барча махлуқотларидан юқорида эканига далил бўлади.

Аҳли сунна жумҳурининг жавоби: Қуръони каримда кўплаб ўринларда келган “Ар-Роҳман Аршга “истиво” қилди” маъносидаги оятни ҳам Аллоҳ таолонинг юқори томонда эканига далил қилиб бўлмайди. Бирор тарафда бўлиш Аллоҳ таолонинг комил сифатларига лойиқ эмас. Чунки у зотни қайсидир тарафда дейилса, У зотнинг ўша тараф билан ниҳояланиши лозим бўлиб қолади. Қайси нарсанинг бирор жиҳатдан ниҳояланиши жоиз бўлса, унинг бошқа жиҳатдан ҳам ниҳояланиши жоиз бўлиб қолади. Ниҳояланиш эса махлуқотларнинг сифатлари бўлиб, Аллоҳ таоло бундай сифатлардан олий ва буюкдир. Шунинг учун Аллоҳ таоло бирор тарафда бўлмасдан Ўзининг буюклигига лойиқ равишда “истиво” қилган, деб эътиқод қилиш лозим. Қуръон Араб тилида нозил бўлган. Араб тилида “истиво” калимаси мулкни эгаллашга киноя қилиб ҳам ишлатилади. Масалан, فُلاَنٌ اِسْتَوَى عَلَى كُرْسِيِّ الْمَمْلَكَةِ (*Фалончи*

---

[100] Аъроф сураси, 127-оят.
[101] Тоҳа сураси, 5-оят.

мамлакат курсисисига (истиво қилди) яъни, уни эгаллади) дейилади. Бу гапдан араблар ўша подшоҳнинг мамлакат курсисининг усти тарафидан жой олганини эмас, балки унга эга бўлганини тушунтириш мақсадида айтадилар.

Арш барча мавжудотларни ўз ичига қамраб олганига кўра уни эгаллаш бошқа барча мавжудотларни ҳам эгаллаш ҳисобланади. Бошқалари ҳақида эса бундай деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам баъзи уламолар اِسْتَوَى калимасини اِسْتَوْلَى маъносига ҳамл қилиш (ўтказиш) жоиз бўлади, дейишган.

Аслида олдин ўтган уламоларимиз бу оятни Аллоҳ таоло осмонда эканига далил қилиш у ёқда турсин, у ҳақида сўрашни ҳам бидъат деганлар. Имом Молик раҳматуллоҳи алайҳнинг машҳур сўзларига эътибор беринг. У зотдан истиво ҳақида сўрашганида: “Истиво маълум (яъни луғавий маъноси), қандайлиги номаълум, у ҳақида сўраш бидъатдир”, деб жавоб берган.

6. “Аллоҳ таоло макон олмасдан осмонда” дейдиганларнинг далили:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَجُلاً أَتَى النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِجَارِيَةٍ سَوْدَاءَ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللهِ إِنَّ عَلَيَّ رَقَبَةٌ مُؤْمِنَةٌ فَقَالَ لَهَا **أَيْنَ اللهُ** فَأَشَارَتْ إِلَى السَّمَاءِ بِإِصْبَعِهَا فَقَالَ لَهَا **فَمَنْ أَنَا** فَأَشَارَتْ إِلَى النَّبِي صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَإِلَى السَّمَاءِ يَعْنِي أَنْتَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ **أَعْتِقْهَا فَإِنَّهَا مُؤْمِنَةٌ**. رَوَاهُ اَبُو دَاوُدَ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига қора танли чўрини олиб келиб: “Эй Аллоҳнинг Расули, менинг зиммамда мўмина чўрини озод қилиш мажбурияти бор”, – деди. Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам чўрига: **“Аллоҳ қаерда”,** – дедилар. У бармоғи билан самога ишора қилди. **“Мен кимман”,** – дедилар. У Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ва самога ишора қилди, яъни сиз Аллоҳнинг элчисисиз маъносига ишора қилди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Уни озод қил, у мўминадир”,** – дедилар”. *Абу Довуд ривоят қилган.*

Ушбу ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари “Аллоҳ қаерда” деб сўраганлар. Бу сўровга жавобан осмонга ишора қилган чўрини мўмина эканига ҳукм қилганлар. Бу ҳам Аллоҳ таолонинг осмонда эканига ёрқин далилдир.

Аҳли сунна жумҳурининг жавоби: Осмонга ишора қилган чўри ҳақидаги ҳадисдан ҳам Аллоҳ таолонинг осмонда экани маъноси чиқмайди. Чунки баъзи ривоятларда ушбу чўрининг соқов бўлгани айтилган. Соқов ўзининг эътиқодини ишора билан тушунтирган. Яъни у ўзининг маъбуди санамлар уйида эмас, балки самонинг илоҳи эканини тушунтирган. Чунки уларнинг урфида санамлар ернинг илоҳлари, Аллоҳ самонинг илоҳи деган тушунча бўлган.

7. “Аллоҳ таоло макон олмасдан осмонда” дейдиганларнинг далили:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ **يَنْزِلُ رَبُّنَا تَبَارَكَ وَتَعَالَى كُلَّ لَيْلَةٍ إِلَى السَّمَاءِ الدُّنْيَا حِينَ يَبْقَى ثُلُثُ اللَّيْلِ الآخِرُ فَيَقُولُ مَنْ يَدْعُونِي فَأَسْتَجِيبَ لَهُ وَمَنْ يَسْأَلُنِي فَأُعْطِيَهُ وَمَنْ يَسْتَغْفِرُنِي فَأَغْفِرَ لَهُ**. رَوَاهُ مُسْلِمُ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Махлуқларнинг сифатларидан холи[102] ва олий Роббимиз ҳар тун кечанинг охирги учдан бири қолган пайтда дунё осмонига тушади ва: “ Ким менга дуо қилади уни ижобат қиламан, ким мендан сўрайди унга ато қиламан, ким мендан мағфират сўрайди уни мағфират қиламан, дейди”,** – дедилар*”. Муслим ривоят қилган.*

Ушбу ҳадисда ҳам ҳар тун кечанинг охирги учдан бири қолган вақтда Аллоҳ таолонинг дунё осмонига тушиши хабар берилган. Бу ҳам У зотнинг юқорида эканига далилдир.

Аҳли сунна жумҳурининг жавоби: Имом Нававий ушбу ҳадисни шарҳлаб қуйидагиларни айтган: бу ҳадис сифатларни баён қилувчи ҳадис бўлиб, мазкур хабар тўғрисида уламоларнинг икки хил қарашлари машҳурдир:

а) Олдинги жумҳур уламоларнинг ва баъзи мутакаллимларнинг қарашлари:

“Бу ҳадисда баён қилинган нарсанинг Аллоҳ таолога лойиқ равишда содир бўлишига иймон келтирилади, бу ерда бизнинг тасаввуримиздаги зоҳирий маъноси ирода қилинмаган. Аллоҳ таолонинг бир жойдан бошқа жойга кўчиш, ҳаракат ва бундан бошқа халойиққа хос сифатлардан пок эканига эътиқод қилиш билан бирга бунинг таъвили тўғрисида гапирилмайди”.

б) Аксар мутакаллимлар ва баъзи олдинги уламоларнинг қарашлари:

“Ушбу ҳадис баён қилиш эътиборига кўра шунга лойиқ қилиб таъвил қилинади.

Иккинчи қараш соҳиблари бу ҳадисни икки хил таъвил қиладилар:

1. “Молик ибн Анас розияллоҳу анҳунинг таъвили: бу Унинг раҳмати, амри ёки фаришталари тушади маъносини англатади. Худди султоннинг хизматчилари унинг буйруғини бажарганда султон фалон ишни қилди, дейилганидек.

2. Бу истиорадир. Яъни “дунё осмонига тушади” сўзи кўчма маънода ишлатилган бўлиб, “кечанинг учдан бири қолган вақтда, дуо қилувчиларнинг дуолари қабул қилинади”, маъноси ирода қилинган[103].

8. “Аллоҳ таоло макон олмасдан осмонда” дейдиганларнинг далили:

فَكَانَتْ زَيْنَبُ تَفْخَرُ عَلَى أَزْوَاجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَقُولُ زَوَّجَكُنَّ أَهَالِيكُنَّ وَزَوَّجَنِي اللَّهُ تَعَالَى مِنْ فَوْقِ سَبْعِ سَمَوَاتٍ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

[102] Матнда келган “табарока” калимаси “махлуқларнинг сифатларидан холи” маъносини ифодалайди.
[103] Имом Нававий. Шарҳу Саҳиҳи Муслим. – Дамашқ: “Дорул Файҳо”, 2010. – Б. 521.

“Зайнаб Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларига фахрланиб: **“Сизларни қариндошларинг никоҳлаб беришган, мени эса Аллоҳ таоло етти осмон устидан никоҳлаб берган”,** – дерди”. *Бухорий ривоят қилган.*

Зайнаб розияллоҳу анҳонинг ушбу сўзларида ҳам Аллоҳ таолонинг осмонда эканига далил бор.

Аҳли сунна жумҳурининг жавоби: Зайнаб розияллоҳу анҳо асло Аллоҳ таоло етти осмон устида, демаган, балки Аллоҳ таолонинг у зотни никоҳлаб бериши етти осмон устидан бўлганини айтган.

“Аллоҳ таоло макон олмасдан осмонда” дейдиганларнинг булардан бошқа далилларига ҳам шу тарзда жавоблар берилган. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам, у зотнинг саҳобаларидан бирортаси ҳам: “Эй инсонлар, мен Аллоҳ таолони осмонда деб эътиқод қиламан”, – демаганлар. Балки банданинг Роббисига қандай бандалик қилишини таълим берганлар.

Эътибор бериладиган бўлса, юқоридаги баҳсларда фақат “Аллоҳ таоло макон олмасдан осмонда” дейдиганларнинг далиллари ва уларга раддиялар баён қилинди. Шу ўринда нега фақат улар далил келтиришади-ю биз “ҳимоя”да турамиз, бизнинг уларга қарши келтирадиган далилларимиз йўқми, деган ҳақли савол пайдо бўлади. Қуйидагилар ушбу тақдирий саволга жавоб ўлароқ кўплаб далилларимизнинг айримлари ҳисобланади:

Аҳли сунна жумҳурининг далиллари

1. Аллоҳ таоло Шўро сурасида шундай хабар берган:

﴿لَيۡسَ كَمِثۡلِهِۦ شَيۡءٞۖ وَهُوَ ٱلسَّمِيعُ ٱلۡبَصِيرُ ١١﴾

“Унинг мислидек бирор “шай” йўқдир ва У ўта эшитувчи, ўта кўргувчи зотдир”[104].

Ушбу оят Аллоҳ таолонинг аъзо ва қисмлардан таркиб топган жисм эмаслигига ҳамда бирор макон ё тарафдан жой олишдан холи эканига ёрқин далилдир. Зеро, Аллоҳ таоло бирор тарафда бўлса, бошқа “шай”ларга ўхшаш бўлиб қолади. Бу эса У зотнинг берган хабарига зиддир.

2. Бақара сурасида шундай хабар берган:

﴿ٱللَّهُ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ ٱلۡحَيُّ ٱلۡقَيُّومُۚ﴾

“Аллоҳ, Ундан ўзга илоҳ йўқ. У тирикдир ва қаййумдир”[105].

Ушбу оятда Аллоҳ таоло Ўзининг қаййум эканини айтган. Қаййум сифати У зотнинг борлиги осмон ёки бошқа бирор махлуқотнинг бор бўлишига боғлиқ эмаслигини, барча махлуқотларнинг бор бўлиши эса Унга боғлиқ эканини ифодалайди. Мана шунга кўра агар Аллоҳ таолони бирор тарафда дейилса,

---

[104] Шуро сураси, 11-оят.
[105] Бақара сураси, 255-оят.

Унинг борлигини ўша тарафга боғлиқ қилиш бўлиб қолади. Бу эса У зотнинг қаййум сифатига зид нарсани исбот қилишдир. Шунинг учун Аллоҳ таоло бирор томонда бўлишдан холи, томонларни ҳам, маконларни ҳам бор қилган ва уларни тутиб турувчидир, деб эътиқод қилиш лозим.

3. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидагича дуо ўқишни таълим берганлар:

وَأَنْتَ الظَّاهِرُ فَلَيْسَ فَوْقَكَ شَيْءٌ وَأَنْتَ الْبَاطِنُ فَلَيْسَ دُونَكَ شَيْءٌ. رَوَاهُ مُسْلِمُ

“Сен Зоҳирсан, сендан юқорида ҳеч нарса йўқ, сен Ботинсан, сендан пастда ҳеч нарса йўқ”. *Муслим ривоят қилган.*

Ҳофиз Аҳмад ибн Ҳусайн Байҳақий[106] раҳматуллоҳи алайҳ ушбу ҳадис ҳақида шундай деган: “Баъзи дўстларимиз Аллоҳ таолодан маконни рад этишга Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **“Сен Зоҳирсан, сендан юқорида ҳеч нарса йўқ, сен Ботинсан, сендан пастда ҳеч нарса йўқ”** сўзларини далил қилишган. Чунки юқорисида бирор нарса бўлмаса, пастида бирор нарса бўлмаса, бирор маконда бўлмаган бўлади”.

Ана энди Расуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларидан то ҳозирги асримизгача яшаб ўтган мўътабар уламоларнинг ушбу масала ҳақидаги сўзларига эътибор берайлик:

1. Хулафои рошидинларнинг бири, улуғ саҳоба Али розияллоҳу анҳу шундай деган:

كَانَ اللهُ وَلَا مَكَانَ وَهُوَ الْآنَ عَلَى مَا كَانَ.

“Аллоҳ таоло бўлган бирор макон бўлмаган, У ҳозир олдин қандай бўлса ўшандайдир”. *Абу Мансур Бағдодий “Ал-фарқу байнал фирақ” китобида келтирган.*

2. Улуғ тобеинлардан бири Зайнулобидин Али ибн Ҳусайн[107] раҳматуллоҳи алайҳ шундай деган:

اَنْتَ اللهُ الَّذِي لَا يَحْوِيكَ مَكَانٌ.

“Сен – бирор макон ўз ичига ололмайдиган Аллоҳсан”. *(Соҳийфатус сажжадия) китобида келтирилган.*

3. Имом Жаъфар Содиқ[108] раҳматуллоҳи алайҳ шундай деган:

مَنْ زَعَمَ أَنَّ اللهَ فِي شَيْءٍ أَوْ مِنْ شَيْءٍ أَوْ عَلَى شَيْءٍ فَقَدْ أَشْرَكَ إِذْ لَوْ كَانَ عَلَى شَيْءٍ لَكَانَ مَحْمُولًا وَلَوْ كَانَ فِي شَيْءٍ لَكَانَ مَحْصُورًا وَلَوْ كَانَ مِنْ شَيْءٍ لَكَانَ مُحْدَثًا.

“Кимки Аллоҳ таолони бирор нарса ичида, ё бирор нарсадан таркиб топган, ё бирор нарса устида деб ҳисоблаган бўлса, ширк келтирибди. Чунки У зот агар бирор нарсанинг ичида бўлса чегараланган бўлиб қолади, агар устида бўлса, кўтариб турилган бўлиб қолади, агар бирор нарсадан таркиб топган бўлса

[106] Ҳижрий 458 йилда вафот этган.
[107] Ҳижрий 94 йилда вафот этган.
[108] Ҳижрий 148 йилда вафот этган.

янгидан пайдо бўлган бўлиб қолади”. *Қушайрий “Рисалатул Қушайрия”да келтирган.*

4. Имом Шофеъий[109] раҳматуллоҳи алайҳ шундай деган:

إِنَّهُ تَعَالَى كَانَ وَلَا مَكَانَ فَخَلَقَ الْمَكَانَ وَهُوَ عَلَى صِفَةِ الْأَزَلِيَّةِ كَمَا كَانَ قَبْلَ خَلْقِهِ الْمَكَانَ لَا يَجُوزُ عَلَيْهِ التَّغْيِيرَ فِي ذَاتِهِ وِلَا التَّبْدِيلَ فِي صِفَاتِهِ.

“У зот бўлган, бирор макон бўлмаган, бас маконларни яратган, маконларни яратишидан олдингидек азалий сифатларида бўлган. Унинг зотида ўзгариш бўлиши, сифатларида янгиланиш бўлиши жоиз эмас”. *Зубайдий “Итҳафу садатил муттақин” китобида келтирган.*

5. Имом Таҳовий[110] раҳматуллоҳи алайҳ “Ақида” рисоласида шундай ёзган:

لَا تَحْوِيهِ الْجِهَاتُ السِّتُّ كَسَائِرِ الْمُبْتَدَعَاتِ.

“У зотни олти тараф бошқа махлуқотларни (ўз ичига олгани) сингари ўз ичига ололмайди”.

6. Аҳли сунна вал-жамоа имоми Абу Мансур Мотуридий[111] раҳматуллоҳи алайҳ “Тавҳид” китобининг “Аллоҳ таолони макон билан васф қилиш жоиз эмаслиги” бобида шундай ёзган:

إِذْ قَدْ ثَبَتَ اَنَّ قَدْ كَانَ وَلَا مَكَانَ... أَنَّ الْقَوْلَ بِالْمَكَانِ لَيْسَ مِنْ نَوْعِ التَّعْظِيمِ وَالتَّبْجِيلِ.

“Зеро, У зот бўлгани, ва бирор маконнинг бўлмагани собитдир... Албатта (У зотга нисбатан) маконни айтиш улуғлаш ва мақташ навидан эмас”.

7. Ҳофиз Муҳаммад ибн Ҳиббон[112] раҳматуллоҳи алайҳ “Саҳиҳу Ибн Ҳиббон” китобида шундай деган:

كَانَ اللهُ وَلَا زَمَانَ وَلَا مَكَانَ.

“Аллоҳ бўлган, бирор замон ҳам, бирор макон ҳам бўлмаган”.

8. Ҳужжатул ислом имом Ғаззолий[113] раҳматуллоҳи алайҳ “Қоваъидул ақоид” асарида шундай ёзган:

وَاَنَّهُ لَا يَحُدُّهُ الْمِقْدَارُ وَلَا تَحْوِيهِ الْاَقْطَارُ وَلَا تُحِيطُ بِهِ الْجِهَاتُ وَلَا تَكْتَنِفُهُ الْاَرْضُونَ وَلَا السَّمَوَاتُ.

“Миқдорлар Уни чегаралай олмайди, чегаралар Уни ўз ичига ололмайди, тарафлар Уни иҳота қила олмайди, ерлар ҳам, осмонлар ҳам Уни қамраб ололмайди”.

9. Имом Фахриддин Розий[114] раҳматуллоҳи алайҳ “Тафсирул кабир” китобида қуйидаги оятни шундай тафсир қилган:

---

[109] Ҳижрий 204 йилда вафот этган.
[110] Ҳижрий 321 йилда вафот этган.
[111] Ҳижрий 333 йилда вафот этган.
[112] Ҳижрий 354 йилда вафот этган.
[113] Ҳижрий 505 йилда вафот этган.

﴿وَهُوَ ٱلۡعَلِيُّ ٱلۡعَظِيمُ ٢٥٥﴾

“Ва У Алий ва Азийм зотдир”[115]**.**

У зотнинг Алий эканидан, тараф ва макон жиҳатидан баландда экани тушунилмайди. Чунки бунинг (Аллоҳ таолони макон жиҳатидан баландда дейишнинг) нотўғри эканига далолат қилувчи хабарлар бор. Шунга кўра оятдаги Алийдан У зотнинг йўқдан бор бўлган нарсаларга ўхшаш бўлишдан олий экани ирода қилинган.

10. Шайх Шиҳобиддин Аҳмад ибн Муҳаммад Қосталоний[116] раҳматуллоҳи алайҳ “Иршадус сорий шарҳу саҳиҳил Бухорий” асарида шундай ёзган:

ذَاتُ اللهِ مُنَزَّهٌ عَنِ الْمَكَانِ وَالْجِهَاةِ.

“Аллоҳ таолонинг зоти барча макондан ва барча тарафдан холидир”.

11. Мулла Али Қори[117] раҳматуллоҳи алайҳ “Фиқҳул акбар”нинг шарҳида қуйидагиларни ёзган:

اَمَّا عُلُوُّهُ تَعَالَى عَلَى خَلْقِهِ الْمُسْتَفَادُ مِنْ نَحْوِ قَوْلِهِ تَعَالَى: ﴿وَهُوَ ٱلۡقَاهِرُ فَوۡقَ عِبَادِهِۦۖ﴾ فَعُلُوٌّ مَكَانَةً وَمَرْتَبَةً لَا عُلُوُّ مَكَانٍ كَمَا هُوَ مُقَرَّرٌ عِنْدَ اَهْلِ السُّنَّةِ وَالْجَمَاعَةِ

“Аммо У зот таолонинг махлуқотларидан олий экани Аллоҳ таолонинг **“У бандалари устидан ғолибдир”**[118] сўзидан истифода қилинган. Демак, У Зот мавқе ва мартаба жиҳатидан олийдир, макон жиҳатидан эмас. Зеро, бу Аҳли сунна вал-жамоа ҳузурида аниқ бўлган ҳақиқатдир”.

12. Шайх Абдулғаний Набулусий[119] Ҳанафий раҳматуллоҳи алайҳ “Кифаятул ғулам” манзумасида шундай ёзган:

وَلَيْسَ يَحْوِيْهِ مَكَانٌ لَا وَلَا تُدْرِكُهُ الْعُقُولُ جَلَّ وَعَلَا

“Уни ҳеч бир макон иҳота қилолмас асло,
Ақллар идрок этолмас, жалла ва ъало”.

13. Муҳаммад ибн Аҳмад Шинқитий[120] раҳматуллоҳи алайҳ “Аятул муҳкамат” китобида қуйидагиларни ёзган:

---

[114] Ҳижрий 606 йилда вафот этган.
[115] Бақара сураси, 255-оят.
[116] Ҳижрий 923 йилда вафот этган.
[117] Ҳижрий 1014 йилда вафот этган.
[118] Анъом сураси, 61-оят.
[119] Ҳижрий 1143 йилда вафот этган.
[120] Ҳижрий 1404 йилда вафот этган.

اِتَّفَقَ عُلَمَاءُ السُّنَّةِ عَلَى اَنَّ اللهَ غَنِيٌّ عَنْ كُلِّ شَيْءٍ وَكُلُّ شَيْءٍ مُفْتَقِرٌ اِلَيْهِ قَائِمٌ بِنَفْسِهِ لاَ يَحْتَاجُ اِلَى مَحَلٍّ وَلَا اِلَى مُخَصِّصٍ فَهُوَ الَّذِى خَلَقَ الزَّمَانَ وَالْمَكَانَ وَهُوَ عَلَى مَا عَلَيْهِ كَانَ

“Суннат уламолари Аллоҳ таолонинг барча нарсадан беҳожат эканига, барча нарсанинг Унга муҳтож эканига, Ўз-Ўзидан қоим эканига, бирор ўринга ҳам, бирор хословчига ҳам муҳтож эмаслигига иттифоқ қилганлар. Бас У зот замонлару маконларни яратгандир, ўзи олдин қандай бўлса ўшандайдир”.

Яҳё ибн Муоз Розий раҳматуллоҳи алайҳдан: “Бизга Аллоҳ азза ва жалла ҳақида хабар беринг?” – дейишди. У зот: “Бир илоҳдир”, – деди. “У қандай”, – деб сўрашди. У зот: “Молик, Қодир”, – деди. “У қаерда”, – дейишди. У зот: “Кузатувда”, – деди. Сўровчи: “Мен буни сўрамадим”, – деди. У зот: “Бундан бошқача бўлса, махлуқнинг сифати бўлиб қолади, У зотнинг сифати эса сенга хабар берганимдек”, – деб жавоб берди.

Абу Усмон Мағрибийнинг ходими Муҳаммад ибн Маҳбуб шундай деган: “Бир куни менга Абу Усмон Мағрибий: “Эй Муҳаммад, агар биров: “Маъбудинг қаерда, деса нима дейсан?” – деди. Мен: “Азалдаги ўрнида, дейман”, – дедим. У: “Азалда қаерда бўлган”, – деса нима дейсан, деди. Мен: “Ҳозирги ўрнида, дейман”, – дедим. Яъни У бирор макон бўлмаган пайтда ҳам У зот бўлган, ҳозир ҳам У олдин қандай бўлса, ўшандайдир”, – дедим. У жавобимдан рози бўлди”.

Демак, ушбу далиллардан кейин хулоса қилиб айтадиган бўлсак, биз – Аҳли сунна вал-жамоа Аллоҳ таоло ҳақида шундай эътиқод қиламиз:

Аллоҳ таоло бирор тарафда ҳам, бирор маконда ҳам эмас. Унга вақт ҳам, замон ҳам жорий бўлмайди. Агар кўнглимизга “Аллоҳ қаерда” деган савол келадиган бўлса, иймон ва ихлос билан: “Бирор макон бўлмаган пайтда ҳам У зот бўлган. Кейин маконларни пайдо қилган, замонларни жорий қилган. Замонлару маконлар йўқ пайтда У зот қандай бўлса, ҳозир ҳам ўшандайдир”,- деймиз.

Маконлару тарафларни йўқдан бор қилган Зотга ҳамду санолар, Унинг элчиси бўлган саййидул башарга саловот ва саломлар бўлсин.

ИСМ ЭГАСИГА ДАЛОЛАТ ҚИЛИШИ БАЁНИ

8وَلَيْسَ الإِسْمُ غَيْرًا لِلْمُسَمَّى لَدَى أَهْلِ الْبَصِيرَةِ خَيْرِ آلِ

Маънолар таржимаси:

Энг яхши кишилар бўлган тафаккур қилиб ҳақиқатни идрок этувчилар ҳузурида исм номлангандан ўзга эмасдир.

Назмий баёни:

Исм номлангандан эмасдир ўзга,
Идрок аҳли – яхши оила наздида.

Луғатлар изоҳи:

لَيْسَ – жомид, ноқис, мозий феъли كَانَ нинг шерикларидан бири.

الإِسْمُ – لَيْسَ нинг исми.

غَيْرًا – لَيْسَ нинг хабари.

لِ – ҳарфи عَنْ маъносида келган.

مُسَمَّى – “аталган”, “ном берилган” маъноларини ифодаловчи исми мафъул.

لَدَى – калимаси عِنْدَ маъносидаги жомид исм. Ўрнига кўра зарфи замон ёки зарфи маконни ифодалайди.

أَهْلِ – аҳл калимаси қайси исмга изофа қилиниши эътиборидан турли маъноларни ифодалайди. Кишига нисбатан ишлатилса, “кишининг оиласи ва яқинлари” маъноси тушунилади. Масалан, اَهْلُ الرَّجُل (кишининг оиласи). Ишга нисабатан ишлатилса, “иш эгалари” маъноси тушунилади. Масалан, اَهْلُ الْأَمْرِ (иш эгаси). Бирор маконга нисбатан ишлатилса, “ўша маконда яшовчилар” маъноси тушунилади. Масалан, اَهْلُ الْبَيْتِ “уйда яшовчилар”.

الْبَصِيرَةِ – музофун илайҳ. Луғатда “ақл”, “идрок” ва “фаҳм-фаросат” маъноларини англатади. Ушбу калима қалб билан ҳис этишга нисбатан ишлатилади. Кўз билан ҳис этишга البَصَر калимаси ишлатилади.

خَيْرِ – бу калима, аслида, اَخْيَرُ нинг ҳамзаси ҳазф қилинган шаклидир. أَهْلِ нинг сифати.

آلِ – бу калима “аҳли” маъносини билдиради. Аммо луғатда اَهْلُ калимаси آلِ калимасидан умумий ҳисобланади. Яъни اَهْلُ калимаси ҳурмат эътиборли кишиларга ҳам, қадр-қиммати йўқ кимсаларга нисабатан ҳам ишлатилади. آل калимаси фақат ҳурмат-этиборлиларга нисабатан ишлатилади.

Матн шарҳи:

Ўший раҳматуллоҳи алайҳнинг “*Исм номлангандан эмасдир ўзга*” деган сўзлари Аллоҳ таолонинг гўзал исмларидан Унинг айни Ўзи тушунилади маъносини ифодалайди. “*Яхши оила*” деган сўзларидан эса Аҳли сунна вал-жамоа тушунилади. “Басийрат” сўзи луғатда “ақл”, “идрок” “фаҳм” ва “фаросат” каби маъноларни англатади. Шунга кўра, “басийрат аҳли” сўзи “идрок аҳли”, дея таржима қилинди. Мулла Али Қори “басийрат”ни “У билан нарсалар идрок этиладиган қалбдаги нурдир”[121], дея таърифлаган. Ушбу исм ном эгасидан бошқа эмаслиги тўғрисидаги масала ҳам адашган тоифаларга раддия ўлароқ ёзилгани учун алоҳида келтирилган. Аслида, бу масала Аллоҳ таолонинг барча исмлари қадимми ёки ҳодисми, деган масаланинг бир бўлагидир.

Жаҳмиялар, мўътазилийлар ва карромийлар[122] “исм мусаммодан *(исм эгасидан)* бошқадир”, шу маънода Аллоҳ таолонинг исмлари ҳам Ундан бошқадир. Аллоҳдан бошқа барча нарсалар йўқдан бор бўлгани учун Унинг исмлари ҳам йўқдан бор бўлгандир”, деган даъвони қилишган ҳамда бу даъволарига бир қанча далиллар ҳам келтиришган:

﴿وَلِلَّهِ ٱلْأَسْمَآءُ ٱلْحُسْنَىٰ فَٱدْعُوهُ بِهَا ۖ﴾

“Аллоҳнинг чиройли исмлари бордир. Уни ўша (исм)**лар билан атангиз! ”**[123]**.**

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло исмларни Ўзига изофа қилган. Исмлар эса ўзидан бошқага изофа қилиниши, ўзига изофа қилинмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Агар исм билан мусаммо бир бўлганида исмларни Ўзига изофа қилиши тўғри бўлмай қоларди, деганлар.

Аҳли сунна вал-жамоа уламолари ушбу ва бошқа шу каби даъволарга атрофлича жавоб берганлар. Бу масала тўғрисида Нуриддин Собуний “Бидаяту фи усулид-дин” асарида қуйидагиларни ёзган: “Бу масаладаги тўғри гап бизнинг айтган гапимиздир. Агар биров “Аллоҳ” деса, бу киши “Аллоҳни зикр

---

[121] Мулла Али Қори. Зовъул маолий. – Истанбул: “Дор Саодат”, 1962. – Б. 26.

[122] Карромийлар Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Карромнинг издошлари бўлиб, Аллоҳ таолонинг сифатларини инкор этмайдиган, лекин жисм нисбатини берадиган ва ташбеҳ қиладиган фирқа ҳисобланади. Ушбу фирқанинг ўзи ҳам ичидан бўлиниб кетиб, бўлак-бўлак майда фирқаларининг адади ўн иккитага етган. Уларнинг асосийлари олтита бўлиб, Обидия, Туния, Зариния, Исҳоқия, Воҳидия ва Ҳасамиялар ҳисобланади. Ҳар бирларининг алоҳида қарашлари бўлган. Қаранг: Абдулкарим Шаҳристоний. Ал-Милал ван-Ниҳал 1-жуз. – Миср: “Мактабатут-Тавфиқия”. – Б. 122.

[123] Аъроф сураси, 180-оят.

қилди” деса ҳам “Аллоҳнинг исмини зикр қилди” деса ҳам бўлади-ку, агар исм билан мусаммо бир бўлмаганида, бундай дейиш тўғри бўлмасди. Бунга Аллоҳ таолонинг сўзи ҳам далил бўлади:

﴿ فَسَبِّحۡ بِٱسۡمِ رَبِّكَ ٱلۡعَظِيمِ ٩٦ ﴾

“Бас, улуғ Роббинг исмини нуқсонлардан холи деб ёд эт![124].

(Аллоҳ таоло исмини поклаб ёд этишга амр қилган бўлса-да), бизлар рукуъда: “Субҳана Роббиял Азийм” “Улуғ Роббимни (*барча айбу нуқсонлардан*) холи деб ёд этаман”, деймиз.

Тилшунос олимлар ҳам исм ва унинг эгасини бир деб билишган. Машҳур шоир Лабиднинг шундай шеъри бор:

اِلَى الْحَوْلِ ثُمَّ اسْمُ السَّلاَمِ عَلَيْكُمَا وَمَنْ يَبْكِ حَوْلاً كَامِلاً فَقَدْ اعْتَذَرْ

Бир йилгача, сўнгра сизларга саломнинг исми бўлсин,
Кимки тўлиқ бир йил йиғласа, ўзини оқлабди.

Ушбу байтда ҳам шоир “*саломнинг исми бўлсин”* деб саломнинг ўзини ирода қилган.

Шунингдек, Зайнаб исмли хотини бўлган киши “Зайнабни талоқ қилдим” деса, талоқ хотинининг исмига эмас, хотинининг ўзига тушади. Тўғри, баъзи ҳолатларда исм айтилиб, тасмия, яъни номнинг ўзи ирода қилинади. Тасмия маъносида қўлланганда эса исмнинг мусаммодан бошқа бўлиши шак-шубҳасиздир. Масалан, مَا اسْمُكَ “исминг нима? ” дейилса, “Муҳаммад” деб жавоб берасиз, чунки бу саволдан ном ирода қилиняпти. Бунинг далили шуки, грамматик қоида бўйича ما калимаси ғойри оқил (ақли бўлмаган) нарсаларга қўлланади. Исмнинг ўзи ғойри оқил бўлгани учун унга мазкур калима қўлланган. Шунингдек, оқилларга нисбатан қўлланадиган مَنْ калимаси билан: مَنْ مُحَمَّدٌ “Муҳаммад ким? ” деса, сиз: اَنَا “мен” деб исмни зотга изофа қиласиз. Ўша пайтда: “Муҳаммад менинг исмим, мен бошқа, Муҳаммад бошқа”, демайсиз-ку. Бу эса айтган сўзимизнинг саҳиҳлигига далолат қилади”[125].

Хулоса қилиб айтганда, ушбу байтда Аллоҳ таолонинг исмлари тўғрисида Мотуридий мазҳаби қандай эътиқодда эканлиги лўнда тарзда баён қилинган.

---

[124] Воқеа сураси, 96-оят.

[125] Нуриддин Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Абу Бакр Собуний. Бидаяту фи усулид-дин, бешинчи нашр. – Анқара: “Нашрияту риасати шуъунид диния”, 1995. – Б. 29.

У ЗОТ ЎЗИ ВА РАСУЛИ БАЁН ҚИЛГАНИДЕКДИР

9 وَمَا إِنْ جَوْهَرٌ رَبِّي وَجِسْمٌ وَلاَ كُلٌّ وَبَعْضٌ ذُو اشْتِمَالِ

Маънолар таржимаси:

Роббим асло жавҳар эмас, жисм ҳам эмас, “кулл” ҳам эмас, қамраб олинувчи “баъз” ҳам эмас.

Назмий баёни:

Роббим жавҳар эмас, жисм ҳам эмас,
Мураккаб ҳам эмас, қисм ҳам эмас.

Луғатлар изоҳи:

مَا – нафий (инкор) ҳарфи.

إِنْ – нафийни таъкидлаш учун келган қўшимча нафий ҳарфи.

جَوْهَرٌ – жавҳар деганда, аслида, ундан бирор бир манфаатли нарса чиқариладиган тошлар тушунилади. Аммо бу ўринда макон оладиган, аммо бўлинмайдиган бир жуз кўзда тутилган.

رَبِّي – Роб калимаси луғатда “эга” маъносини англатади. Мутакаллим ي га изофа қилинган.

جِسْمٌ – жисм деганда узунлиги, эни ва бўйи бор бўлган икки ва ундан ортиқ жавҳарлар йиғиндиси тушунилади.

لاَ – مَا ва إِنْ лардан кейин келган зоида ҳарф.

كُلٌّ – бир ва ундан ортиқ жуздан таркиб топган зеҳний тушунча.

بَعْضٌ – баъз деганда ундан ва бошқасидан كُلٌّ таркиб топадиган зеҳний нарса тушунилади.

ذُو اشْتِمَالِ – بَعْضٌ нинг сифати. Луғатда “қамраб олинувчи” маъносини англатади.

Матн шарҳи:

Ушбу байтда Аллоҳ таолонинг бандаларга хос бўлган барча сифатлардан холи экани баён қилинган. Ўтган байтда Аллоҳ таолони бошқа “шай”лар каби бўлмаган “шай”дир, дейиш мумкинлиги айтиб ўтилган эди. Бу ерда эса У зотни жавҳар ҳам, жисм ҳам деб номлаб бўлмаслиги айтилмоқда. Чунки жисм ва

жавҳар номлари фақат олти тарафнинг бирида бўладиган ёки чегараси бор нарсаларгагина қўлланади. Шунинг учун Аллоҳ таолони бошқа жисмлар каби бўлмаган жисмдир ё бошқа жавҳарлар каби бўлмаган жавҳардир, деб бўлмайди.

Жавҳар деганда жуда кичкиналиги сабабли бошқа бўлакка бўлинмайдиган, лекин қайсидир даражада жой эгаллаб турадиган нарса тушунилади. Жисм деганда эса икки ва ундан кўп бўлаклардан ташкил топган ва жой эгаллаб турадиган нарса тушунилади. Икки ва ундан кўп бўлаклардан ташкил топгани учун, албатта, у шунча бўлакка бўлинадиган бўлади. Кулл эса ўзбек тилидаги “ҳамма”, “барча” маъноларини англатиб, ундан икки ва ундан кўп чегаралганган навлардан ташкил топган нарса тушунилади. “Баъз” эса ўзбек тилидаги “баъзиси”, “айрими” маъносида бўлиб, “кулл”, яъни “ҳамма” ундан ва унинг шериклари бўлган бошқа “баъзи”лардан ташкил топади. Ушбу таърифлардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, мазкур байтнинг маъноси, Аллоҳ таоло бўлинмайдиган, лекин жой оладиган бир бўлак ҳам эмас, жой оладиган бўлаклардан ҳам ташкил топган эмас, кўп нарсалардан ташкил топган ҳам эмас, кўп нарсаларнинг ичига кирадиган бир нарса ҳам эмас, балки бундай сифатларнинг барчасидан холи бўлган ва уларнинг барчасини йўқдан бор қилган Зотдир.

БЎЛИНМАЙДИГАН ЖУЗНИНГ АҚЛАН МУМКИНЛИГИ БАЁНИ

10 وَفِي الأَذْهَانِ حَقٌّ كَوْنُ جُزْءٍ بِلاَ وَصْفِ التَّجَزِّي يَا ابْنَ خَالِ

Маънолар таржимаси:

Ақлларда “жуз”нинг бўлмоғи собитдир, бўлиниш васфисиз эй тоғамнинг ўғли.

Назмий баёни:

“Бўлинмас жуз”нинг мавжудлиги бор,
Ўйла, тоғам ўғли, ақл этмас инкор.

Луғатлар изоҳи:

فِي – “зарфият” маъносида келган жор ҳарфи.

الأَذْهَانِ – калимаси ذِهْنٌ нинг кўплик шакли бўлиб “зеҳнлар”, “ақллар” ва “идроклар” каби маъноларини англатади. Бу ерда “ақллар” маъноси ирода қилинган. Жор мажрур хабари муқаддам.

حَقٌّ – жумла хабаридан кейин келтирилган мубтадо. Ҳақ луғатда инкор қилиб бўлмайдиган нарсага нисбатан ишлатилади. Ҳақ ва сидқ калималарининг маънолари бир-бирларига жуда яқин ҳисобланади. Фақатгина сидқ калимаси кўпроқ сўзларга нисбатан ишлатилади. Ҳақ ва сидқ ўртасидаги фарқ:

– Воқеликнинг берилган ҳукмга мувофиқ бўлиши ҳақ (ҳақиқат) дейилади;
– Берилган ҳукмнинг воқеликка мувофиқ бўлиши сидқ (рост) дейилади.

كَوْنُ – борлик маъносини англатади.

جُزْءٍ – бу калимадан олдинги мутакаллимлар “жавҳарул фард” деб номлашган бўлинмайдиган жуз ирода қилинган.

بِلاَ – بِ таъкидни ифодалаб келган зоида жор ҳарфи. لاَ нафий (инкор) ҳарфи.

وَصْفِ – васф деганда маълум бир зотга маъно эътиборидан далолат қилган нарса тушунилади.

التَّجَزِّي – бўлак-бўлак бўлиш маъносини англатади. Музофун илайҳ.

يَا – яқинга ҳам узоққа ҳам ишлатиладиган нидо ҳарфи.

ابْنَ خَالِ – мунодо. “Тоғамнинг ўғли” маъносидаги ушбу сўздан Нозимнинг манзумани ўқиётган ҳар бир толиби илмни ўзига яқин олиб меҳрибонлик билан хитоб қилгани тушунилади.

Матн шарҳи:

Ақлан олиб қаралганда оддий кўз билан мутлақо кўриб бўлмайдиган жуда кичик бир бўлакнинг мавжудлиги ҳақдир. Бу бўлак атом деб номланадими ё бошқа бирор ном билан аталадими, қандай номланишидан қатъи назар ўта кичиклиги сабабли бошқа бўлинмайдиган, лекин барибир қайсидир даражада жой эгаллаб турадиган бир бўлакнинг мавжудлигини ақл инкор этмайди. Ўший раҳматуллоҳи алайҳ бу байтни файласуфлар ва баъзи мўътазилийларга раддия сифатида ёзган. Улар амалга ошириш юзасидан ҳам, ақлан олиб кўриш жиҳатидан ҳам жуз деб аталадиган кичик бир бўлакни ниҳоясиз даражада тақсимлаб бориш мумкинлиги тасаввурга сиғади дейишган. Аҳли сунна вал-жамоа уламолари уларни даъволарини ҳам ақлий, ҳам нақлий жиҳатдан рад этганлар. “Туҳфатул аолий” китобида бу ҳақида қуйидагилар келтирилган: “Адашган тоифаларнинг ушбу масаладаги хатолари, асосан, уч ўринда ошкор бўлиб қолади:

1. Аллоҳ таоло бўлинмайдиган жузни яратишга қодир деб сифатланадими ё йўқми?

Адашган тоифаларга кўра сифатланмайди, чунки У зотнинг ҳузурида икки бир-бирига зид нарсанинг жамланиши мумкин эмас.

Аҳли сунна вал-жамода эса сифатланади, чунки ўша жуз мумкин бўлган нарсадир. Бўлиши мумкин нарсага эса қудрат сифатининг боғланиши билиттифоқдир.

2. Агар жузнинг бўлиниши тугаб бошқа бўлинмайдиган даражада бўлиб қолмасдан ниҳоясиз даражада бўлиниб бораверишi мумкин бўлганида, ҳамма нарсанинг ададини ҳисоб қилиш мумкин бўлмасди. Бу эса Қуръон оятига зиддир:

﴿وَأَحْصَىٰ كُلَّ شَيْءٍ عَدَدًا ﴿٢٨﴾﴾

“Ва (борлиқдаги) **ҳар бир нарсанинг саноғини ҳисоблаб қўйгандир”**[126]**.**

3. Уларнинг ушбу “кичик бир бўлакни ниҳоясиз даражада тақсимлаб бориш мумкинлиги” тўғрисидаги даъволарига кўра, агар катта ҳовузга кичкина нажосат тушиб кетса, ўша нажосатнинг ниҳоясиз даражада бўлиниб бориши мумкинлигидан ҳовуздаги ҳар бир қатра сувга нажосат тегиши лозим бўлиб қолади”[127].

Шунинг учун ушбу баҳс ақоид илмидаги зарур масала эмас, балки шу тўғрисида ҳам тортишувлар бўлиб ўтганини баён қилувчи қўшимча маълумот

[126] Жин сураси, 28-оят.
[127] Муҳаққиқлар гуруҳи. Туҳфатул аолий. – Миср: “Ахтар босмахонаси”, 1887. – Б. 30.

ҳисобланади. Байт охиридаги “ўйла, тоғам ўғли” деган сўздан меҳрибон қариндош ўзи яхши кўрадиган яқинига қандай насиҳат қилса, Ўший раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳам назмини ўқиб фойда олаётганларга меҳрибонлик билан шундай насиҳат қилаётгани тушунилади.

Баъзи уламолар يَا ابْنَ خَالِ жумласини “эй бу масала ҳақидаги билимдан холи бола” маъносида тушунса ҳам бўлади, деганлар.

ҚУРЪОН КАРИМГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ БАЁНИ

11 وَمَا الْقُرْآنُ مَخْلُوقًا تَعَالَى كَلاَمُ الرَّبِّ عَنْ جِنْسِ الْمَقَالِ

Маънолар таржимаси:

Қуръон йўқдан бор қилинган эмас, Роббнинг каломи мақол жинсидан (яъни банданинг тили ошкор қилган лафздан) ***олий бўлгандир.***

Назмий баёни:

Қуръон ижодиймас, каломи илоҳий
Робб каломи мақол жинсидан олий.

Луғатлар изоҳи:

مَا – нафий ҳарфи. لَيْسَ нинг амалини қилади[128].

الْقُرْآنُ – бу калима مَا нинг исми бўлгани учун роф бўлиб турибди.

مَخْلُوقًا – луғатда “йўқдан бор қилинган” маъносини англатади. مَا нинг хабари бўлгани учун насб бўлиб турибди.

تَعَالَى – “олий бўлди” маъносидаги мозий феъли.

كَلاَمُ – تَعَالَى феълининг фоили. Калом икки хил маънода ишлатилади:

1. Ҳиссий калом. Ҳарфлар ва овозлардан иборат талаффуз;
2. Нафсий калом. Ҳарф ҳам, овоз ҳам бўлмаган, ҳарфлар ва овозлар унга далолат қиладиган маъно.

الرَّبِّ – луғатда “эга” маъносини англатади. اَلْ билан келганда фақат Аллоҳ таолога нисбатан ишлатилади.

عَنْ – жор ҳарфи.

جِنْسِ – луғатда бирор нарсанинг жинсини ва синфини баён қилиш учун ишлатилади. Жинс “нав”дан умумий ҳисобланади. Чунки жинс ҳақиқати ҳар

---

[128] مَا ҳарфи баъзи ўринларда لَيْسَ нинг амалини, яъни, мубтадони раф, хабарни насб қилади. Бунда қуйидаги шартлар топилиши керак:

1. مَا нинг хабари исмидан олдин келмаслиги керак. Агар олдин келса, مَا ҳарфи لَيْسَ нинг амалини қила олмайди. Масалан, مَا فَائِزٌ سَعِيدٌ
2. مَا дан кейин إِنْ келмаслиги керак. Агар келса مَا ҳарфи لَيْسَ нинг амалини қила олмайди. Масалан, مَا إِنْ خَالِدٌ شُجَاعٌ
3. مَا нинг нафийси إِلاَّ билан бекор қилинмаслиги керак. Агар إِلاَّ билан бекор қилинса, مَا ҳарфи لَيْسَ нинг амалини қила олмайди. Масалан, مَا أَنْتَ إِلاَّ كَرِيمٌ

хил нарсаларга нисбатан ишлатилади. Нав эса ҳақиқати бир хил нарсаларга нисбатан ишлатилади.

اَلْمَقَالِ – луғатда тўлиқ ёки тўлиқ қилмасдан тил ошкор қилган лафз тушунилади.

Матн шарҳи:

Қуръон луғавий жиҳатдан “ўқиш”, “жамлаш”, “бир-бирига қўшиш” каби маъноларни англатади. Улумул Қуръон истилоҳида:

اَلْقُرْآنُ كَلاَمُ اللهِ تَعَالَى اَلْمُنَزَّلُ عَلَى مُحَمَّدٍ صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ اَلْمُتَعَبَّدُ بِتِلاَوَتِهِ.

“Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилинган ҳамда тиловати ибодат саналадиган Аллоҳ таолонинг каломи – Қуръон деб аталади”[129].

Мақол луғавий жиҳатдан “сўзлаш”, “мулоҳаза қилиш” маъноларини ифодалайди.

Аҳли сунна вал-жамоанинг эътиқодини баён қилувчи барча китобларда Қуръони каримнинг махлуқ эмаслиги, яъни бир пайтлар йўқ бўлиб кейин яратилган эмаслиги, балки Аллоҳ таолонинг калом сифати экани алоҳида таъкидланади. Чунки адашган тоифалар Қуръони карим тўғрисидаги эътиқодларига бошқаларни ҳам тортиш учун кўплаб фитналарни келтириб чиқарганлар. Ана шу маънода Ўший раҳматуллоҳи алайҳ Қуръони карим ҳақидаги Аҳли сунна вал-жамоа эътиқодини баён қилган. Бу масала деярли барча ақоид китобларида келтирилиб, атрофлича баҳс юритилган. Жумладан, Умар Насафий раҳматуллоҳи алайҳ “Ақоидун Насафий” китобида Қуръон ҳақида қуйидагиларни ёзган:

اَلْقُرْآنُ كَلاَمُ اللهِ تَعَالَى غَيْرُ مَخْلُوقٍ وَ هُوَ مَكْتُوبٌ فِي مَصَاحِفِنَا مَحْفُوظٌ فِي قُلُوبِنَا مَقْرُوءٌ بِاَلْسِنَتِنَا مَسْمُوعٌ بِآذَانِنَا غَيْرُ حَالٍّ فِيهَا.

“Қуръон Аллоҳ таолонинг каломи бўлиб, у махлуқ (йўқдан бор қилинган) эмасдир. У мусҳафларимизда ёзилган, қалбларимизда ёдланган, тилларимиз воситасида ўқилган, қулоқларимиз воситасида эшитилган, уларга (мазкур нарсаларнинг бирортасига ҳам) ўрнашувчи эмасдир”.

Ушбу матндаги “уларга ўрнашувчи эмасдир” сўзларини аллома Тафтазоний шундай шарҳлаган: Қуръон мусҳафларга ҳам, қалбларга ҳам, тилларга ҳам, қулоқларга ҳам ўрнашувчи эмас, балки у Аллоҳ таолонинг зотида азалдан бор бўлган маъносидадир. Унга далолат қиладиган назм воситасида талаффуз қилинади, эшитилади, ҳифз қилинган лафзлар билан ёддан айтилади. Унга далолат қиладиган ҳарфларнинг шакллари билан ёзилади. Тушунтириш маъносида айтиладики, олов ёндирувчи модда бўлиб лафзда зикр қилинади,

[129] Маннъ Қаттон. Мабаҳис фи улумил Қуръон. – Байрут: “муассасату кутубис сиқофия”, 1980. – Б. 21.

қалам билан ёзилади, лекин бундан оловнинг ҳақиқати овоз ва ҳарф эканлиги лозим бўлиб қолмайди”[130].

Қуръони каримнинг олдинги илоҳий китоблардан фарқлари

Қуръони карим олдинги илоҳий китоблардан бир қанча жиҳати билан фарқ қилади:

– Олдинги илоҳий китоблар маълум бир қавмларга хослаб, Қуръони карим эса бутун башариятга умумий қилиб туширилган.

– Олдинги илоҳий китобларнинг асл ҳолида сақланиши Аллоҳ томонидан тайин қилинмаган, Қуръони каримнинг эса сақланиши тайин қилинган. Бунинг сабаби шуки, олдинги китоблардаги ҳукмлар муайян замон ва қавмларга хос бўлган.

– Олдинги илоҳий китоблардан кейин яна илоҳий китоблар тушаверган, Қуръони каримдан кейин эса илоҳий китоб асло тушмайди, чунки у қиёматгача башариятга дастуруламал бўладиган охирги илоҳий китобдир.

Қуръони каримга иймон келтириш маъноси

Ҳар бир мусулмон Қуръони каримнинг охирги илоҳий дастур эканига иймон келтириши лозим. Бу эса қуйидаги маъноларни билиш ва уларга шак-шубҳасиз ишониш орқали юзага чиқади:

1. Қуръони карим нозил қилинган китобларнинг энг охиргиси, ўзидан олдинги китобларда келтирилган илоҳий таълимотларни тасдиқлайди ва улар устидан назорат этади:

﴿ وَأَنزَلْنَآ إِلَيْكَ ٱلْكِتَٰبَ بِٱلْحَقِّ مُصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ ٱلْكِتَٰبِ وَمُهَيْمِنًا عَلَيْهِ ﴾

“Сизга (эса, эй Муҳаммад!) **ўзидан олдинги Китоб**(лар)**ни тасдиқ этувчи ва у** (китоблар)**ни мувофиқлаштирувчи сифатида Китоб** (Қуръон)**ни ҳақиқатан нозил қилдик”[131].**

Ушбу оят тафсирида Замахшарий раҳматуллоҳи алайҳ: “Бу китоб бошқа китоблар устидан назоратчи этиб нозил қилинган, чунки бу китоб бошқа китобларнинг тўғри ва аниқлигига гувоҳлик беради”, – деган.

2. Қуръони каримга инсоният тарафидан бирор ўзгартириш киритилмаган ва киритилиши мумкин ҳам эмас, чунки у Аллоҳ таоло томонидан муҳофаза қилинади:

﴿ إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا ٱلذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُۥ لَحَٰفِظُونَ ٩ ﴾

---

[130] Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳу ақоид. – Миср: “Мактабатул Азҳарий”, 2000. – Б. 65.
[131] Моида сураси, 48-оят.

“Албатта, бу зикрни (яъни Қуръонни) **Биз Ўзимиз нозил қилдик ва уни Ўзимиз асрагувчидирмиз”**[132]**.**

Ушбу оят тафсирида муфассирлар: “Аллоҳ таоло ушбу Қуръонни муҳофаза қилишни ўз зиммасига олган. Шунга кўра бошқа китобларда бўлгани каби унга бирор нарсани қўшиб қўйишга ёки ундан бирор нарсани олиб ташлашга ёки унинг бирор жойини алмаштиришга ё ўзгартиришга ҳеч кимнинг кучи етмайди”, – деганлар.

3. Қуръони карим азиз, яъни кучли ва иззатли китобдир, шунинг учун унга куфр келтирганлар кучсиз ва хор бўладилар:

﴿وَإِنَّهُۥ لَكِتَٰبٌ عَزِيزٌ ٤١﴾

“Шубҳасиз, у азиз Китобдир”[133]**.**

Яъни Қуръони карим ҳар қандай инкор қилувчини мот қилиб қўядиган ҳужжати кучли тенгсиз китобдир.

4. Қуръони каримга ботил нарсалар, яъни ёлғон ва беҳуда нарсалар мутлақо яқинлаша олмайди. У доимо мусаффо ҳолатида илоҳий мўъжиза бўлиб тураверади:

﴿لَّا يَأْتِيهِ ٱلْبَٰطِلُ مِنۢ بَيْنِ يَدَيْهِ وَلَا مِنْ خَلْفِهِۦ ۖ تَنزِيلٌ مِّنْ حَكِيمٍ حَمِيدٍ ٤٢﴾

“Унга олдидан ҳам, ортидан ҳам (ҳеч қандай) **ботил** (ноҳақлик) **келмас.** (У) **ҳикмат ва ҳамд эгаси** (томони)**дан нозил қилингандир”**[134]**.**

Яъни Қуръони каримга бирор тарафдан ҳам ботил кела олмайди, уни инкор қилишнинг умуман иложи йўқдир.

5. Қуръони карим тақводор бандаларни дунё ва охират саодатига йўлловчи ҳидоятдир:

﴿ذَٰلِكَ ٱلْكِتَٰبُ لَا رَيْبَ ۛ فِيهِ ۛ هُدًى لِّلْمُتَّقِينَ ٢﴾

“Ушбу Китоб (Қуръон) **шубҳадан холи ва тақводорлар учун ҳидоят** (манбаи)**дир”**[135]**.**

Яъни ушбу китобнинг Аллоҳ таоло ҳузуридан туширилганига шак-шубҳа йўқ. Бу китоб буйруқларига бўйсуниш ва қайтариқларидан қайтиш билан Аллоҳ таолонинг ғазабидан қўрқадиган бандаларга ҳидоятдир.

6. Қуръони карим намозни тўкис адо этадиган, закотни берадиган ва охиратга аниқ ишонадиган ихлос билан амал қилувчи бандаларга ҳидоят ва раҳматдир:

---

[132] Ҳижр сураси, 9-оят.
[133] Фуссилат сураси, 41-оят.
[134] Фуссилат сураси, 42-оят.
[135] Бақара сураси, 2-оят.

﴿ هُدًى وَرَحْمَةً لِّلْمُحْسِنِينَ ٣ يُقِيمُونَ ٱلصَّلَوٰةَ وَيُؤْتُونَ ٱلزَّكَوٰةَ وَهُم بِٱلْءَاخِرَةِ هُمْ يُوقِنُونَ ٤ ﴾

“Эзгу амал қилувчилар учун ҳидоят ва раҳмат (манбаи экани) **жиҳатидан. Улар намозни баркамол адо этадилар, закотни** (ўз жойига) **берадилар ва охиратга аниқ ишонадилар”[136].**

7. Қуръони карим мўмин бандаларнинг барча моддий ва маънавий касалликларига шифо ва раҳматдир. Унга иймон келтирмай золим бўлганларга эса зиёнларини оттирувчидир:

﴿ وَنُنَزِّلُ مِنَ ٱلْقُرْءَانِ مَا هُوَ شِفَآءٌ وَرَحْمَةٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ ۙ وَلَا يَزِيدُ ٱلظَّٰلِمِينَ إِلَّا خَسَارًا ٨٢ ﴾

“(Биз) **Қуръондан мўминлар учун шифо ва раҳмат бўлган** (оят)**ларни нозил қилурмиз.** (Лекин бу оятлар) **золим** (кофир)**ларга фақат зиённи орттирур”[137].**

8. Қуръон қалбларни жонлантирадиган илоҳий зикр бўлиб, унинг тиловати руҳларга ҳузур бахш этади:

﴿ صٓ ۚ وَٱلْقُرْءَانِ ذِى ٱلذِّكْرِ ١ ﴾

“Сод. Зикр манбаи бўлмиш Қуръонга қасамёд этаман!” [138].

9. Қуръон инсоннинг бахтли ҳаёт кечириши учун лозим бўлган маънавий руҳдир:

﴿ وَكَذَٰلِكَ أَوْحَيْنَآ إِلَيْكَ رُوحًا مِّنْ أَمْرِنَا ۚ مَا كُنتَ ﴾

“(Эй Муҳаммад!) **Шундай қилиб, амримиз билан Сизга Руҳни** (Қуръонни) **ваҳий қилдик”[139].**

Аллоҳ таоло Қуръони каримни руҳ деб номлади, чунки бу китобнинг ичида нафсни жаҳолат ўлимидан сақлайдиган ҳаёт бор. Молик ибн Динорнинг қуйидаги сўзлари буни тушунишимизга яқиндан ёрдам беради: “*Эй Қуръон аҳли, Қуръон қалбларингизга нимани экди? Ёмғир ернинг баҳори бўлгани каби Қуръон ҳам қалбларнинг баҳоридир*”.

---

[136] Луқмон сураси, 3, 4-оятлар.
[137] Исро сураси, 82-оят.
[138] Сод сураси, 1-оят.
[139] Шуро сураси, 52-оят.

Қуръони карим суралари

Қуръони каримда 114 та сура бўлиб, улар турли воқеа ва муносабатлар билан 23 йил давомида босқичма-босқич нозил қилинган. Қуръон суралари тўрт қисмга бўлинади:



1. Тивол (узунлар). Узун ҳисобланадиган суралар еттита: 1. Бақара, 2. Оли Имрон, 3. Нисо, 4. Моида, 5. Анъом, 6. Аъроф, 7. Баъзилар ораларида “Басмала” бўлмаганидан Анфол ва Бароат суралари дейишган, баъзилар Юнус сураси дейишган.

2. *Миун (“юз”лар).* “Юз”лар деб ҳисобланадиган суралар: Юз ёки шунга яқин ададдаги оятлари бўлган суралардир.

3. *Масаний (такрорланганлар).*Ушбу суралар қироатда Тивол ва Миунлардан кўп такрорлангани сабабли шундай номланган.

4. *Муфассал (ажратилганлар).* Бу суралар оралари “Басмала” билан кўп ажратилгани учун “ажратилганлар” деб номланган. Муфассални баъзилар “Қоф” сурасидан бошланади дейишса, баъзилар “Ҳужурот” сурасидан бошланади, дейишган. Муфассалнинг ўзи ҳам уч турга бўлинади:

1. *Узун;*
2. *Ўртача;*
3. *Қисқа*.

Узун “Қоф” ёки “Ҳужурот” дан “Амма”гача ёки “Буруж”гачадир.

Ўртача “Амма”дан ёки “Буруж”дан “Зуҳо” гача ёки “Лам якуниллази”гачадир. *Қисқа* “Зуҳо”дан ёки “Лам якуниллази”дан Қуръоннинг охиригачадир” [140].

Ҳавас қилинадиган амал

Қуръони каримни доимий равишда тиловат қилиб юрадиганларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай васф қилганлар:

[140] Маннаъ Қаттон. Мабаҳис фи улумил Қуръан. – Байрут: “Муассасату кутубис сиқофия”, 1980. – Б. 145.

عَنْ سَالِمٍ عَنْ أَبِيهِ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ **لَا حَسَدَ إِلَّا فِي اثْنَتَيْنِ رَجُلٌ آتَاهُ اللَّهُ الْقُرْآنَ فَهُوَ يَتْلُوهُ آنَاءَ اللَّيْلِ وَآنَاءَ النَّهَارِ وَرَجُلٌ آتَاهُ اللَّهُ مَالاً فَهُوَ يُنْفِقُهُ آنَاءَ اللَّيْلِ وَآنَاءَ النَّهَارِ.** مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ

Солим отасидан ривоят қилади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “**Ҳасад қилиш йўқ, фақат икки кишидаги нарсага ҳасад қилиш бундан мустаснодир. Бир кишики Аллоҳ унга Қуръонни ато қилган, у тунги вақтларда ҳам, кундузги вақтларда ҳам** (эртаю кеч) **уни тиловат қилади. Яна бир кишики Аллоҳ унга мол ато қилган, у тунги вақтларда ҳам, кундузги вақтларда ҳам уни инфоқ қилади** (яхши ишларга сарфлайди)”, дедилар”. *Муттафақун алайҳ.*

Мазкур ҳадиси шарифни шарҳлаган уламолар, матнда حَسَدَ яъни “*ҳасад қилиш*” сўзи келган бўлса ҳам, اَلْغِبْطَةُ яъни “*ҳавас қилиш*” маъноси ирода қилинган, деганлар.

“Ҳасад ҳақида Мийрук шундай деган: Ҳасад икки хил бўлади:

1. *Ҳақиқий;*
2. *Мажозий.*

Ҳақиқий ҳасад – *бировдаги неъматнинг завол топишига кўз тикишдир.*

Мажозий ҳасад – *бу ҳавас бўлиб, бировдаги неъматнинг завол топишига кўз тикмасдан, ўшанга ўхшаш неъмат ўзида ҳам бўлишини орзу қилишдир.*

Ҳавас қилиш дунё ишларида мубоҳ бўлади. Тоат ибодатларда эса мустаҳаб бўлади. Ҳадиси шарифдаги ҳасаддан мурод ҳавасдир. Яъни икки хислат тўғрисидаги ҳавас, мақталинган ҳавасдир”[141].

Ҳа, мазкур ҳадиси шариф кўрсатмасига биноан икки кишига ҳавас қилиш мустаҳабдир. Бири тунги вақтларда ҳам, кундузги вақтларда ҳам Қуръон тиловат қилиб, маъноларини англашга астойдил ҳаракат қиладиган ҳамда унинг буйруқларига амал қилиб, қайтариқларидан қайтадиган инсондир. Бундай инсон Қуръони каримда ҳам мадҳ этилган:

﴿إِنَّهُۥ لَقُرۡءَانٞ كَرِيمٞ ٧٧ فِي كِتَٰبٖ مَّكۡنُونٖ ٧٨ لَّا يَمَسُّهُۥٓ إِلَّا ٱلۡمُطَهَّرُونَ ٧٩﴾

“Албатта, у Қуръони каримдир. У сақланган Китобда (Лавҳул-маҳфузда)**дир. Уни фақат поклaнган кишиларгина ушлайди”[142].**

Иккинчиси эса қўлидаги молни асосий мақсад деб эмас, балки мақсадга эриштирувчи восита деб биладиган ва шу тушунчасига кўра кеча-ю кундуз уни яхшилик йўлига сарфлаш пайида бўладиган инсондир. Бу инсоннинг ҳавас қилса арзийдиган пок инсон эканини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари билдирдилар.

---

[141] Мулла Али Қори. Мирқотул мафотиҳ. Байрут-Лубнан: “Дорул кутубил илмия”, 2007. – Б. 618.
[142] Воқиа сураси, 77, 79-оятлар.

Илоҳий китобларга иймон келтириш

Қуръони каримга иймон келтириш, иймон рукнларидан бири бўлган илоҳий китобларга иймон келтиришнинг бир бўлагидир. Аллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссаломга Қуръонни нозил қилгани каби бошқа пайғамбарларга ҳам китоблар нозил қилган. Қуръони каримда ўша китоблардан баъзиларининг номлари келтирилган:

1. Таврот. Бу китоб Мусо алайҳиссаломга нозил қилинган бўлиб, унда ҳидоят ва нур бўлган. У билан халқ тарбиясига масъул кишилар ва яҳудий уламолари ҳукм юритганлар:

إِنَّا أَنْزَلْنَا التَّوْرَاةَ فِيهَا هُدًى وَنُورٌ يَحْكُمُ بِهَا النَّبِيُّونَ الَّذِينَ أَسْلَمُوا لِلَّذِينَ هَادُوا وَالرَّبَّانِيُّونَ وَالْأَحْبَارُ بِمَا اسْتُحْفِظُوا مِنْ كِتَابِ اللَّهِ وَكَانُوا عَلَيْهِ شُهَدَاءَ.

“Дарвоқе, Биз (уларга) **Тавротни нозил қилдик. Ундаги ҳидоят ва нур** (аҳкомлар изоҳи) **билан итоаткор набийлар, зоҳидлар ва уламолар яҳудий бўлганларга Аллоҳнинг Китобидан ёд олдирилган** (билимлари)**га биноан ҳукм баён этурлар. Ўзлари бунга гувоҳдирлар”**[143]**.**

Ушбу ҳидоятли ва нурли Таврот маълум вақт ўтгандан сўнг унга эргашувчилари томонидан бузилган. Бу ҳақда Қуръонда шундай хабар берилган:

﴿أَفَتَطْمَعُونَ أَن يُؤْمِنُوا۟ لَكُمْ وَقَدْ كَانَ فَرِيقٌ مِّنْهُمْ يَسْمَعُونَ كَلَٰمَ ٱللَّهِ ثُمَّ يُحَرِّفُونَهُۥ مِنۢ بَعْدِ مَا عَقَلُوهُ وَهُمْ يَعْلَمُونَ ﴿٧٥﴾﴾

“Улар (Исроил авлоди)**нинг сизларга ишонишидан умид қилаяпсизми** (эй мусулмонлар)**?! Ваҳоланки, улардан бир гуруҳи Аллоҳнинг каломини эшитиб, англаб олганларидан сўнг, била туриб, уни ўзгартирар эдилар-ку! ”**[144]**.**

---

[143] Моида сураси, 44-оят.
[144] Бақара сураси, 75-оят.

2. Инжил. Ушбу китоб Исо алайҳиссаломга туширилган бўлиб, унда ҳидоят ва нур бўлган. Бу китоб ўзидан олдинги Тавротни тасдиқловчи бўлиб келган:

﴿وَقَفَّيْنَا عَلَىٰٓ ءَاثَٰرِهِم بِعِيسَى ٱبْنِ مَرْيَمَ مُصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ ٱلتَّوْرَىٰةِ ۖ وَءَاتَيْنَٰهُ ٱلْإِنجِيلَ فِيهِ هُدًى وَنُورٌ وَمُصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ ٱلتَّوْرَىٰةِ وَهُدًى وَمَوْعِظَةً لِّلْمُتَّقِينَ ﴿٤٦﴾﴾

“Уларнинг изларидан Исо ибн Марямни ўзидан олдинги (туширилган) **Тавротни тасдиқ этувчи ҳолда издош қилиб юбордик ва унга Инжилни – ичида ҳидоят ва нури билан ўзидан олдинги** (туширилган) **Тавротни тасдиқ этувчи ҳолда тақводорлар учун ҳидоят ва насиҳат** (манбаи) **қилиб бердик”**[145]**.**

Маълум вақтдан сўнг ҳидоятли ва нурли бўлган Инжил ҳам унга эргашувчилари томонидан асл ҳолатидан ўзгартириб юборилган:

﴿وَمِنَ ٱلَّذِينَ قَالُوٓاْ إِنَّا نَصَٰرَىٰٓ أَخَذْنَا مِيثَٰقَهُمْ فَنَسُواْ حَظًّا مِّمَّا ذُكِّرُواْ بِهِۦ فَأَغْرَيْنَا بَيْنَهُمُ ٱلْعَدَاوَةَ وَٱلْبَغْضَآءَ إِلَىٰ يَوْمِ ٱلْقِيَٰمَةِ ۚ وَسَوْفَ يُنَبِّئُهُمُ ٱللَّهُ بِمَا كَانُواْ يَصْنَعُونَ ﴿١٤﴾ يَٰٓأَهْلَ ٱلْكِتَٰبِ قَدْ جَآءَكُمْ رَسُولُنَا يُبَيِّنُ لَكُمْ كَثِيرًا مِّمَّا كُنتُمْ تُخْفُونَ مِنَ ٱلْكِتَٰبِ وَيَعْفُواْ عَن كَثِيرٍ ۚ قَدْ جَآءَكُم مِّنَ ٱللَّهِ نُورٌ وَكِتَٰبٌ مُّبِينٌ ﴿١٥﴾﴾

“Биз – насронийлармиз” деганлардан (ҳам) **аҳдларини олдик. Уларга эслатилган нарсадан** (катта) **бир қисмини унутдилар. Шундан кейин уларнинг ўрталарида қиёмат кунигача адоват ва нафрат қўзғатдик. Кейин Аллоҳ уларни ўз қилмишларидан хабардор қилажак. Эй аҳли китоблар! Сизларга расулимиз** (Муҳаммад) **келиб, Китобдаги кўпгина сиз яширган** (оятлар)**ни сизларга баён қилмоқда ва** (хатоларингизнинг) **аксариятини афв этмоқда. Аллоҳдан сизларга Нур ва равшан Китоб келди”**[146]**.**

3. Забур. Ушбу китобнинг Довуд алайҳиссаломга нозил қилингани шундай хабар берилган:

﴿وَرَبُّكَ أَعْلَمُ بِمَن فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۗ وَلَقَدْ فَضَّلْنَا بَعْضَ ٱلنَّبِيِّـۧنَ عَلَىٰ بَعْضٍ ۖ وَءَاتَيْنَا دَاوُۥدَ زَبُورًا ﴿٥٥﴾﴾

[145] Моида сураси, 46-оят.
[146] Моида сураси, 14, 15-оятлар.

“Роббинг осмонлару ердаги барча жонзотларни яхши билувчидир. Дарҳақиқат баъзи пайғамбарларни баъзиларидан афзал қилдик ва Довудга Забурни бердик”[147].

4. Саҳифалар. Аллоҳ таоло Иброҳим ва Мусо алайҳиссаломларга саҳифалар нозил қилган. Бу саҳифаларда ҳалол ва пок, Аллоҳни зикр қилиб юрган, намоз ўқийдиган кишиларнинг ютуққа эришишлари ҳамда охиратнинг яхшироқ ва боқий экани тўғрисида хабарлар бўлган:

﴿قَدۡ أَفۡلَحَ مَن تَزَكَّىٰ ١٤ وَذَكَرَ ٱسۡمَ رَبِّهِۦ فَصَلَّىٰ ١٥ بَلۡ تُؤۡثِرُونَ ٱلۡحَيَوٰةَ ٱلدُّنۡيَا ١٦ وَٱلۡأٓخِرَةُ خَيۡرٞ وَأَبۡقَىٰٓ ١٧ إِنَّ هَٰذَا لَفِي ٱلصُّحُفِ ٱلۡأُولَىٰ ١٨ صُحُفِ إِبۡرَٰهِيمَ وَمُوسَىٰ ١٩﴾

“Нажот топувчи одам, ҳақиқатан, (куфр ва гуноҳлардан) **пок бўлур ва Парвардигорининг исмини ёд этиб,** (беш вақт) **намоз ўқир. Ҳа, сизлар,** (эй кофирлар!) **Дунё ҳаётини** (охиратдан) **устун қўюрсиз. Ҳолбуки, охират яхшироқ ва боқийроқдир. Дарвоқе, бу** (оятлар) **аввалги** (пайғамбарларга нозил бўлган) **саҳифаларда – Иброҳим ва Мусо саҳифаларида** (ҳам) **бордир”[148].**

Булардан бошқа китобларнинг номлари ҳақида Қуръони каримда бирор хабар келмаган. Аммо кўплаб пайғамбарлар юборилгани ва уларга китоблар берилгани ҳақида умумий хабарлар келган:

﴿كَانَ ٱلنَّاسُ أُمَّةٗ وَٰحِدَةٗ فَبَعَثَ ٱللَّهُ ٱلنَّبِيِّـۧنَ مُبَشِّرِينَ وَمُنذِرِينَ وَأَنزَلَ مَعَهُمُ ٱلۡكِتَٰبَ بِٱلۡحَقِّ لِيَحۡكُمَ بَيۡنَ ٱلنَّاسِ فِيمَا ٱخۡتَلَفُواْ فِيهِۚ﴾

“Одамлар бир миллат (бир хил динда, яъни Исломда) **эдилар. Сўнгра** (улар бузилиб кетгач,) **Аллоҳ ҳам хушхабар берувчи, ҳам огоҳлантирувчи пайғамбарларни юборди. Яна улар билан бирга одамлар орасида чиққан келишмовчиликларни ҳал этадиган ҳукмларни чиқарсин деб** (илоҳий) **Китобни ҳам ҳақиқатан нозил қилди”[149].**

Қуръонда номлари зикр қилинмаган бошқа илоҳий китобларга ҳам умумий иймон келтириш лозим бўлади.

---

[147] Исро сураси, 55-оят.
[148] Аъло сураси, 14, 19-оятлар.
[149] Бақара сураси, 213-оят.

АРШГА ИСТИВО ҲАҚИДА

12 وَرَبُّ الْعَرْشِ فَوْقَ الْعَرْشِ لَكِنْ بِلاَ وَصْفِ التَّمَكُّنِ وَالتِّصَالِ

Маънолар таржимаси:

Аршнинг Роббиси Аршдан юқори, лекин макон олиш ва бирлашиш васфисиздир.

Назмий баёни:

Арш Роббиси аршдан юқори, бироқ
Жой олиш, ўрнашиш васфидан йироқ.

Луғатлар изоҳи:

رَبُّ – луғавий ва истилоҳий маънолари юқорида ўтди.

الْعَرْشِ – Арш луғатда “подшоҳнинг тахти” маъносига тўғри келади. Робга изофа қилиб келтириш Аршнинг улуғ нарса эканига далолат қилади.

فَوْقَ – “юқорисида” маъносини англатувчи зарф.

لَكِنْ – “истидрок” (тўғрилаб қўйиш) ҳарфи.

بِ – таъкидни ифодалаб келган зоида жор ҳарфи.

لاَ – маътуфун алайҳга собит бўлган ҳукмни маътуфдан нафий қиладиган атф ҳарфи.

وَصْفِ – васф деганда маълум бир зотга маъно эътиборидан далолат қилган нарса тушунилади.

التَّمَكُّنِ – бу масдардан макон олувчи нарсанинг бирор маконда бўлиши маъноси тушунилади. Макон деганда жисм унда жойлашиб турадиган нарса назарда тутилади.

التِّصَالِ – луғатда бир жисмнинг бошқа бир жисмга бирлашиши ва унга туташиши маъноларини англатади.

Матн шарҳи:

Ақоид уламолари: “Арш барча жисмларни иҳота қилиб турадиган нурдан бўлган улкан жисмдир”, – деганлар.

Қуръони каримда Арш икки хил васф билан баён қилинган:

1. Кўтариб турилиш билан қайдлаб зикр қилинган:

﴿ٱلَّذِينَ يَحۡمِلُونَ ٱلۡعَرۡشَ وَمَنۡ حَوۡلَهُۥ﴾

“Аршни кўтариб турганлар ва унинг атрофидагилар”[150].

2. Мутлақ зикр қилинган:

﴿وَهُوَ رَبُّ ٱلۡعَرۡشِ ٱلۡعَظِيمِ ١٢٩﴾

“У улуғ Аршнинг Роббисидир”[151].

Уламолар кўтариш билан қайдлаб зикр қилинган Арш ҳақида: “Фаришталар кўтариб ўраб турадиган тахтдир”, - деганлар.

Мутлақ зикр қилинган Арш ҳақида эса “ундан мулк ирода қилинган бўлиши ҳам мумкин”, - деганлар.

Мотуридия мазҳаби уламолари Қуръон ва суннатда келган, лекин амалиётга тааллуқли жойи бўлмаган нарсаларни таъвил қилишга уриниш шарт эмас. Балки унинг собитлигига ва ундан ирода қилинган нарсанинг ҳақиқати нима бўлса, ўшанга иймон келтирдим, деган эътиқодда бўлиш лозимдир, - деганлар.

Аршнинг Аллоҳ таолога изофа қилиниши Арш мавжудотларнинг энг улуғи ва етти осмондан ҳам кенг бўлгани учундир. Аршнинг ана шундай улкан қилиб яратилиши яратувчисининг буюклигига далолат қилади.

Ўший раҳматуллоҳи алайҳнинг “Аршнинг Роббиси” деган сўзларидан Аршнинг яратувчиси ва эгаси деган маъно тушунилади.

Қуръони каримда Аллоҳ таолонинг Аршга “истиво” қилгани маъносидаги оятлар бўлиб, улардаги “истиво”нинг маъноси ҳақида баҳс-мунозаралар бўлиб ўтган. Ушбу маънодаги оятлардан бирида қуйидагича хабар берилган:

﴿إِنَّ رَبَّكُمُ ٱللَّهُ ٱلَّذِى خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضَ فِى سِتَّةِ أَيَّامٍ ثُمَّ ٱسۡتَوَىٰ عَلَى ٱلۡعَرۡشِ يُغۡشِى ٱلَّيۡلَ ٱلنَّهَارَ﴾

“Албатта, осмонлару ерни олти кунда яратган, сўнгра Аршга “истиво” қилган Роббингиз кечани кундузга қоплайди”[152].

Ушбу ояти каримани шайх Муҳаммад Али Собуний “Софватут Тафосир” асарида қуйидагича тафсир қилган: “Сўнгра Аршга “истиво” қилган” яъни, ўзининг улуғлигига муносиб, бирор ўхшашсиз, бирор тимсолсиз, истиво қилган. Шундай тушуниш олдинги ўтган уламоларимизнинг тутган йўлидир. Имом Молик: “Истиво маълум (яъни луғавий маъноси), қандайлиги номаълум, унга иймон келтириш вожиб, у ҳақида сўраш бидъатдир”, – деган. Имом Аҳмад: “Сифатларнинг хабарлари қандай келган бўлса, шундайлигича бирор

[150] Ғофир сураси, 7-оят.
[151] Тавба сураси, 129-оят.
[152] Аъроф сураси, 54-оят.

нарсага ўхшатмасдан ва инкор қилмасдан гапирилади. Қандай, нима учун, дейилмайди. Биз бирор васф қилувчи васф қилолмайдиган ва бирор ифодаловчи ифода қилиб бера олмайдиган даражада унинг Ўзи қандай хоҳлаган бўлса, ўша хоҳлаганидек Аршга “истиво” қилганига иймон келтирамиз. Оят ва хабарни ўқиймиз ҳамда улардаги нарсаларга аниқ ишонамиз. Сифатларнинг қандай эканини Аллоҳ таолонинг илмига топширамиз”, – деган”[153].

Мулла Али Қори мазкур мавзуни шарҳлаб, шундай деган: “Кейинги уламоларимиз ояти карималарда келган “истава” сўзини “иставла”, яъни “эгаллади” сўзига таъвил қилишни жоиз санашган. Олдинги уламоларимиз эса, қандоқ нозил қилинган бўлса, худди ўшандай таъвилсиз эътиқод қилишни ихтиёр этганлар. Бундай эътиқод қилиш бандадаги убудиятнинг комиллигига далолат қилади. Муташобиҳ хабарларнинг тафсирига киришиш ва уларни мусаффо эътиқод тушунчасига кўра таъвил қилиш банданинг ибодати ҳисобланади.

“Убудият”[154] тушунчаси “ибодат”[155] тушунчасидан устун туради. Чунки убудият Аллоҳ таолонинг ишларига розилик бўлса, ибодат Аллоҳ рози бўладиган амалларни қилишдир. Ризо эса амалдан устундир. Амални тарк қилиш фосиқлик, рози бўлмаслик эса куфр бўлади. Ибодат охиратда соқит бўлади, убудият эса дунёда ҳам охиратда ҳам соқит бўлмайди. Шулардан маълум бўладики, олдинги уламоларимизнинг тутган йўллари саломатроқ ва ёрқинроқдир, кейинги уламоларимизнинг тутган йўллари эса шароит тақозосига кўра иш тутиб, оммани адашиб кетишдан сақловчироқдир”[156].

Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ “Васият” асарида Аршга истиво ҳақида шундай деган: “Аллоҳ таоло Аршга муҳтож бўлмасдан ва ўрнашмасдан истиво қилганини тасдиқлаймиз. У зот Аршни ҳам, ундан бошқа нарсаларни ҳам тутиб турувчидир. Агар Аллоҳ таоло муҳтож бўлганида, оламни вужудга келтиришга ва тадбирини қилиб туришга қодир бўлмасди. Агар ўтириш ва жой олишга эҳтиёжманд бўлганида, Аршни яратишдан олдин қаерда бўларди? Ушбулардан маълумки, Аллоҳ таоло бундай нуқсонли сифатлардан олий ва буюкдир”.

---

[153] Муҳаммад Али Собуний. Софватут-тафосир1-жилд. – Байрут-Лубнан: “Мактабатул Асрия”, 2009. – Б. 383-бет.
[154] Аллоҳ тақдир қилган нарсаларга рози бўлиш – убудият дейилади.
[155] Аллоҳ рози бўладиган нарсаларни қилиш – ибодат дейилади.
[156] Мулла Али Қори. Зовъул маолий. – Истанбул: “Дор Саодат”, 1962. – Б. 33.

АЛЛОҲ БЕТИМСОЛ ЗОТДИР

13 وَمَا التَّشْبِيهُ لِلرَّحْمَنِ وَجْهًا فَصُنْ عَنْ ذَاكَ أَصْنَافَ الأَهَالِ

Маънолар таржимаси:

Ар-Роҳманга ўхшатиш рози бўлинган йўл эмас, шундай экан аҳоли синфларини ундан сақлагин.

Назмий баёни:

Ар-Роҳманга қиёслаш мумкинмас билгин,
Аҳоли синфларин ундан сақлагин.

Луғатлар изоҳи:

مَا – нафий ҳарфи, бу ўринда لَيْسَ нинг амалини қилади.

التَّشْبِيهُ – луғатда “бирор нарсага ўхшатмоқ” маъносини англатади. مَا нинг исми бўлгани учун роф бўлиб турибди.

لِ – إِلَى маъносида келган жор ҳарфи.

الرَّحْمَنِ – калимаси اَلْ билан фақат Аллоҳ таолога нисбатан ишлатилади.

وَجْهًا – луғатда “рози бўлинган йўл” маъносида келган. مَا нинг хабари эканига кўра насб бўлиб турибди.

فَ – “сабабия” маъносида келган.

صُنْ – “сақлагин”, “ҳимоя қилгин” маъноларидаги амр феъли.

عَنْ – жор ҳарфи مِنْ маъносида келган.

ذَاكَ – исми ишора ذَا ва хитоб ҳарфи бўлган كَ дан таркиб топган калима. Жор мажрур صُنْ га мутаалиқ.

أَصْنَافَ – луғатда “навлар” маъносини англатади. صُنْ феълига мафъул бўлгани учун насб бўлиб турибди.

الأَهَالِ – музофун илайҳ. Луғатда “оила аъзолар, қавму қариндошлар” маъносини англатади. Аммо бу ерда Аҳли сунна вал-жамоанинг барча вакиллари кўзда тутилган.

Матн шарҳи:

Матнда келган مَا ҳарфи لَيْسَ нинг амалини қилувчи нафий ҳарфидир[157]. Ушбу байт Аллоҳ таолога бирор нарсани ўхшатиш мумкин эмас, ушбу ҳақиқатни Аҳли сунна вал-жамоа вакилларига етказиб, уларни адашган фирқаларнинг фитналаридан сақлашга ҳаракат қилинг, маъносини англатади.

Ҳар бир мўмин банда Аллоҳ таолонинг бирор нарсага ўхшамайдиган бетимсол зот эканига қатъи иймон келтириши шартдир. Бу ҳақида Қуръони каримда шундай хабар берилган:

﴿لَيْسَ كَمِثْلِهِۦ شَىْءٌ ۖ وَهُوَ ٱلسَّمِيعُ ٱلْبَصِيرُ ﴿١١﴾﴾

“Унинг мислидек бирор нарса йўқдир. У Эшитувчи ва кўрувчидир”[158].

“Софватут тафосир” китобида ушбу ояти карима қуйидагича тафсир қилинган: “Аллоҳ таолонинг зотида ҳам, сифатларида ҳам, амалларида ҳам Унга ўхшаш ва тенг келадиган йўқ. У яккаю ягона, бемисл Сомад зотдир. Бу ерда кўзланган асосий мақсад, Аллоҳ таолонинг махлуқларга ўхшашдан пок эканини билдиришдир. Ояти каримадаги ك ҳарфи рад этишни таъкидлаш учун келган... Баъзи муҳаққиқлар сўзига кўра, тавҳид зотни бошқа зотларга ўхшатишсиз ва сифатларни ажратмасдан исбот қилишдир. Воситий раҳматуллоҳи алайҳ бунга қўшимча қилиб: “Унинг зотидек зот йўқ, Унинг исмидек исм йўқ, Унинг амалидек амал йўқ, бу аҳли ҳақнинг - Аҳли сунна вал-жамоанинг мазҳабидир”, –деган”[159].

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳ: “Аллоҳ таоло Ўзи ёки Расули васф қилганидан бошқача васф қилинмайди, Қуръон ва ҳадисдан ташқарига чиқилмайди”, – деган.

Имом Бухорийнинг устози Нуъайм ибн Ҳаммод: “Ким Аллоҳни Унинг яратган нарсасига ўхшатса, кофир бўлибди. Ким Аллоҳ ёки Унинг Расули васф қилган нарсани инкор қилса, кофир бўлибди. Аллоҳ ва Расули васф қилган нарсада ўхшаш ҳам, тенг ҳам йўқдир”, – деган.

---

1. [157] “ Нафий ҳарфлари бўлган إِنْ , مَا, لَا *ва* لَاتَ лар мубтадо ва хабарга кирган пайтда бир шарт билан لَيْسَ нинг амалини қиладилар, яъни мубтадони роф ва хабарни насб қиладилар. У шарт لَيْسَ нинг амалини қилувчи нафий ҳарфнинг исми хабаридан олдин келиши ва إِلَّا билан синмаслиги керак. Масалан, مَا الْحُصُونُ مَنِيعَةً “Қўрғонлар мустаҳкам эмас...” Қаранг: Фуад Нуъма. Мулаххос қоваъиди луғатил арабия. – Миср: “Макткабатул илмия ли таълиф ва таржима”. – Б. 63.

[158] Шўро сураси, 11-оят.

[159] Муҳаммад Али Собуний. Софватут-тафосир1-жилд. – Байрут-Лубнан: “Мактабатул Асрия”, 2009. – Б. 1116.

Аллоҳ таолонинг сифатлари ҳақидаги муташобиҳ оятлар

Аллоҳ таолонинг сифатлари баён қилинган муташобиҳ[160] оятлардан нима ирода қилингани ҳақида жуда кўплаб баҳс- мунозаралар қилинган. Бундай муташобиҳ оятларни учга тақсимлаш мумкин[161].

1.Зоҳири Аллоҳ таолога тараф нисбатини беришни ваҳмга келтирувчи муташобиҳ оятлар. Масалан,

﴿ يَخَافُونَ رَبَّهُم مِّن فَوۡقِهِمۡ ﴾

“Улар устиларидаги Роббиларидан қўрқурлар”[162]

Ушбу оятнинг зоҳирий маъноси Аллоҳ таолога уст тараф нисбатини беришни ваҳмга келтиради. 2. Зоҳири Аллоҳ таолога жисм нисбатини беришни ваҳмга келтирувчи муташобиҳ оятлар. Масалан,

﴿ وَجَآءَ رَبُّكَ ﴾

“Ва Роббинг келса”[163].

Оятнинг зоҳирий маъноси Аллоҳга жисмлар каби бир жойдан иккинчи жойга кўчиш нисбатини беришни ваҳмга келтиради. 3. Зоҳири Аллоҳ таоло аъзо нисбатини беришни ваҳмга келтирувчи муташобиҳ оятлар. Масалан,

﴿ يَدُ ٱللَّهِ فَوۡقَ أَيۡدِيهِمۡۚ ﴾

“Аллоҳнинг қўли уларнинг қўллари устидадир”[164].

Ушбу оятнинг зоҳирий маъноси Аллоҳ таолога тана аъзосини нисбат беришни ваҳмга келтиради. Ушбу оятларнинг зоҳирий маънолари Аллоҳ таолонинг сифатларини баён қилган муҳкам[165]оятларнинг маъноларига зид бўлиб қолган. Аллоҳ таолонинг зоти ва сифатилари ҳақидаги эътиқод эса Қуръоннинг асли бўлган муҳкам оятлар билан собит бўлган. Шунинг учун ушбу муташобиҳ оятларни қандай тушуниш лозимлигида жуда кўплаб баҳс мунозаралар қилинган.

Аҳли сунна вал-жамоа уламолари муташобиҳ оятлар ҳақида қандай эътиқод қилиш лозимлигини шаръий далиллар асосида исботлаб берганлар. Мазкур уламолар ушбу масала тўғрисида умумий икки гуруҳга бшлинадилар:

---

[160] Бир-бирига зид икки хил маънонинг эҳтимоли бўлгани учун сўзловчининг ирода қилган нарсаси эшитувчига ноаниқ бўлиб қолган сўзлар муташобиҳ дейилади.

[161] Аҳмад ибн Муҳаммад Моликий Совий. Китаб шарҳу Совий ала жавҳаротит тавҳид. – Димашқ Байрут: “Дору Ибн Касир”, 1999. – Б. 217.

[162] Наҳл сураси, 50-оят.

[163] Фажр сураси, 22- оят.

[164] Фатҳ сураси, 10-оят.

[165] Ирода қилинган маъноси қатъий равишда очиқ – ойдин бўлиб, фақат битта маънонинг эҳтимоли бўлган оятлар – муҳкам дейилади. Қаранг: Аҳмад ибн Абу Саид Мулла Жийван, Нурул анвор. – Покистон. Ҳофиз Санауллоҳ Зоҳидий таҳқиқ ва таълиқи. 2- жилд. – Б. 224.

1. Тафвийз қилувчилар, (ирода қилинган маънони Аллоҳга топширувчилар);

2.Таъвил қилувчилар, (муҳкам оятларига мувофиқ қилиб маъно қилувчилар).

Тафвийз қилувчилар деганда аҳли сунна вал- жамоа уламоларининг жумҳури тушинилади. Таъвил қилувчилар деганда эса зарурат тақозосига кўра таъвил қилишга рухсат берган озчилик уламолар тушунилади.

Саҳобалар ва тобеъинлар даврларида тафвийз қилингани маълум бўлади. Бу зотларнинг даврларида муташобиҳ хабарлар Қуръон ва суннатда келганидан ортиқча баҳс қилинмагган, баҳс қилишга уринмоқчи бўлганларн ҳам, бу ишдан қаттиқ қайтариб ташланган. Бунга асосан қуйидаги машҳур ривоят мисол қилиб келтирилади: *“Абдуллоҳ ибн Ваҳбдан ривоят қилинади: “Биз Молик ибн Анаснинг ҳузурларида эдик, бир киши кириб келиб,* ***“Ар-Роҳман аршга истиво қилди”****маъносидаги оятларни ўқиди ва “Эй Абу Абдуллоҳ, истиво қандай бўлган”,-деб сўради. Имом молик ерга қаради, шу туришда у зот терга ботиб кетди сўнг бошини кўтариб: “Ар-Роҳман Ўзи васф қилганидек, Аршга иситиво қилган, у “қандай бўлган”дейилмайди, “қандай бўлиш” ундан олиб ташлангандир, сен бидъатчи ёмон кишисан, чиқаариб юборинглар буни”,-деди. У чиқариб юборилди”.*

Ҳа, сўралган масала бандадан ниҳоятда эҳтиёткор бўлиб сўзлашни тақозо қиладиган ўта нозик масала эди. Бу масала мўмин банданинг тмуташобиҳ отларда баён қилинган роббисининг сифатлари тўғрисида қандай эътиқод қилиш ҳақида эди. Шунинг учун ҳам имом Молик раҳматуллоҳи алайҳ бу масалага рўбарў бўлганида терга ботиб кетган ва энг эҳтиёткор йўл бўлган саҳобалар ва тобеъинларнинг йўлларини, яъни тафвийзни маҳкам ушлаган.

Мана шу йўл мотуридия мазҳабининг йўлидир.

ЯХШИГА МУКОФОТ, ЁМОНГА ЖАЗО БЕРУВЧИ

14 وَلاَ يَمْضِي عَلَى الدَّيَّانِ وَقْتٌ وَأَزْمَانٌ وَأَحْوَالٌ بِحَالِ

Маънолар таржимаси:

Дайёнга бирор вақт ўтмайди, ҳамда замонлар ва ҳолатлардан бирор ҳолат ҳам *(ўтмайди)***.**

Назмий баёни:

Дайёнга нисбатан жорий бўлмас вақт,
Шунингдек, замонлару ва бирор ҳолат.

Луғатлар изоҳи:

لاَ – нафий ҳарфи.

يَمْضِي –музориъ феъли, охирида келган ي нинг заммасини билдириб ўқиш оғир бўлгани учун тақдирий замма билан марфуъ ҳисобланади.

عَلَى – “истеъло” (устун бўлиш) маъносидаги жор ҳарфи.

الـدَّيَّانِ – жор ва мажрурلاَ يَمْضِـي феълига мутааллиқ. Луғатда “бўйинсундирувчи”, “ҳукм қилувчи” ва “жазо берувчи” каби маъноларни англатадиган Аллоҳ таолонинг исмларидан бири.

وَقْتٌ – يَمْضِي феълининг фоили. Вақт деганда ўтаётган даврнинг бир бўлаги тушунилади.

أَزْمَانٌ – замонлар деганда кетма-кет келувчи даврлар тушунилади.

أَحْوَالٌ– калимаси حَالٌ нинг кўплик шакли бўлиб “собит бўлмаган сифатлар” маъносини англатади. Яъни вақтинчалик бор бўлиб кейин заволга учрайдиган, ўзгариб турадиган сифатлар ҳол дейилади. Масалан туриш, ўтириш, юриш каби сифатлар.

بِحَالِ – بِ жор ҳарфи فِي маъносида келган.

Матн шарҳи:

Аллоҳ таолонинг яхшига мукофот, ёмонга жазо бериладиган куннинг подшоҳи экани ҳар намозда такрор-такрор эътироф этиб турилади:

﴿ مَٰلِكِ يَوۡمِ ٱلدِّينِ ٤ ﴾

“Жазо (ва мукофот) **кунининг** (қиёмат кунининг) **эгасидир”**[166]**.**

“*Дайён*” Аллоҳ таолонинг исмларидан бири экани ҳадиси-шарифда баён қилинган:

عَنْ أَبِي قَلاَبَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ **اَلْبِرُّ لَا يَبْلَى وَالْإِثْمُ لَا يُنْسَى وَالدَّيَّانُ لَا يَمُوتُ فَكُنْ كَمَا شِئْتَ كَمَا تَدِينُ تُدَانُ.** مُصَنَّفُ عَبْدِ الرَّزَّاقِ

Абу Қалобадан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “ **Яхшилик эскирмайди, жиноят унутилмайди, Дайён ўлмайди, бас хоҳлаганингдек бўл, қилмишингга яраша жазо оласан”,** дедилар”. *Абдурраззоқ “Мусаннаф”да келтирган.*

Шарҳ: “Яхшилик”, яъни ўзгаларга қилинган яхшилик ва Аллоҳ таолога қилинган тоат-ибодат, “эскирмайди”, яъни зое кетмайди, “жиноят унутилмайди”, яъни иккиси ҳам дунёю охиратда зикр қилинади, иккисига кўра гўзал мукофотлар ёки ёмон жазолар берилади”[167].

Байтнинг умумий маъноси шуки, замон ва маконлар Аллоҳ таолонинг вужудга келтирган нарсаларидир. Бир пайтлар маконлар ҳам, замонлар ҳам ва турли ҳолатлар ҳам бўлмаган. Сўнгра Аллоҳ таоло уларни йўқдан бор қилган. Унинг йўқдан бор қилган нарсалари Ўзининг устига жорий бўлмайди, балки яралмиш мавжудотларнинг устиларига жорий бўлади.

---

[166] Фотиҳа сураси, 3-оят.

[167] Мулла Али Қори. Шарҳу Муснади Аби Ҳанифа 1-жуз. “Мактабатуш шомила”. – Б. 273.

МУТЛАҚ ЭҲТИЁЖСИЗ ЗОТ

15 وَمُسْتَغْنٍ إِلَهِي عَنْ نِسَاءٍ وَأَوْلاَدٍ إِنَاثٍ أَوْ رِجَالِ

Маънолар таржимаси:

Илоҳим аёллардан беҳожатдир ҳамда қиз ё ўғил болалардан ҳам *(беҳожатдир)***.**

Назмий баёни:

Роббимиз олийдир муҳтож қолишдан,
Қиз ё ўғил болаю хотин олишдан.

Луғатлар изоҳи:

مُسْتَغْنٍ – мубтадосидан олдин келтирилган хабар. الإِسْتِغْنَاءُ калимаси “беҳожатликни билдириш” маъносини англатади ва қуйидаги маъноларда ишлатилади:

1. Бирор нарсадан эҳтиёжи қонганлиги туфайли ундан беҳожат эканини билдириш;
2. Аслида муҳтож бўлган нарсадан айрим сабабларга кўра ўзини беҳожат қилиб кўрсатиш;
3. Мутлақ эҳтиёжсизликни билдириб қўйиш.

Албатта, ушбу калима бу ерда учинчи маънода ишлатилган.

إِلَهِي – хабаридан кейин келтирилган мубтадо. Мутакаллим ي сига изофа қилинган.

نِسَاءٍ – калимаси مَرْأَةٌ нинг кўплик шаклидир.

اَوْلاَدٍ – калимаси وَلَدٌ нинг кўплик шакли бўлиб, ўғил болага ҳам, қиз болага ҳам баробар ишлатилади. Бу худди ўзбек тилидаги фарзанд сўзи ўғил болага ҳам, қиз болага ҳам тенг ишлатилганига ўхшаш.

اِنَاثٍ – бу калима أُنْثَى нинг кўплик шакли бўлиб, “аёллар” маъносини билдиради. اَوْلاَدٍ дан бадал.

اَوْ – “табъийз” (бўлакларга ажратиш) ва “тафсийл” (батафсил баён қилиш) маъносидаги атф ҳарфи.

رِجَالِ – رَجُلٌ калимасининг кўплик шакли бўлиб, бундан ташқари رَجَلَةٌ, رَجْلَةٌ, اَرَاجِلُ ва رِجَالاَت шаклларида ҳам жам бўлади.

Матн шарҳи:

Аллоҳ таоло бирор нарсага муҳтож бўлишдан пок зотдир. У зот на хотин ва на фарзандга муҳтож бўлмайди. Ўший раҳматуллоҳи алайҳ ана шу маънони таъкидлаш учун У зот қиз болаларга ҳам муҳтож эмас, ўғил болаларга ҳам муҳтож эмас, дея батафсил келтираяпти. Аслида, “валадун” калимаси луғавий жиҳатидан ҳам, шаръий жиҳатидан ҳам, ўғил ва қиз фарзандаларнинг барчасини қамраб оладиган калима ҳисобланади. Бунга жинларнинг тилидан ҳикоя тарзда баён қилинган хабар далилдир:

﴿وَأَنَّهُۥ تَعَٰلَىٰ جَدُّ رَبِّنَا مَا ٱتَّخَذَ صَٰحِبَةً وَلَا وَلَدًا ٣﴾

“Албатта, буюклиги олий бўлган Роббимиз ўзига бирорта хотин ҳам, фарзанд ҳам тутган эмасдир”[168].

Ушбу оятдаги “фарзанд тутган эмас” сўзи ўғил бола ҳам, қиз бола ҳам тутмаганини билдиради. Бундан олдинги байтда Аллоҳ таолога замон ва бирор ҳолат ўтмаслиги баён қилинган эди. Ушбу байтда эса У зотнинг ҳеч нарсага муҳтож эмаслиги келтирилди. Банданинг Аллоҳ таоло тўғрисидаги эътиқоди қандай бўлиши лозимлиги “Ихлос” сурасида қисқа ва лўнда хабар берилган:

﴿قُلْ هُوَ ٱللَّهُ أَحَدٌ ١ ٱللَّهُ ٱلصَّمَدُ ٢ لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُولَدْ ٣ وَلَمْ يَكُن لَّهُۥ كُفُوًا أَحَدٌۢ ٤﴾

“(Эй Муҳаммад!) **Айтинг: “У Аллоҳ ягонадир. Аллоҳ Самад** (эҳтиёжсиз, ҳожатбарор)**дир. У туғмаган ва туғилмаган ҳам. Шунингдек, Унинг ҳеч бир тенгги йўқдир”[169].**

Бу ояти карималар тўғрисида “Софватут тафосир” китобида қуйидагилар айтилган: “ ... Билингки, Аллоҳ таоло “Ягонадир” дея васф қилинди. Бунинг учта маъноси бор бўлиб, учаласини ҳам У зотга нисбатан қўллаш тўғридир:

1. У ягонадир, иккинчиси йўқдир. Яъни бу сўз ададни рад этади.

2. У ягонадир, тенги ва шериги йўқдир. Бу худди “фалончи ўз асрида ягона” деган сўзингиздан “унга тенг келадигани йўқ” маъноси тушунилгани кабидир.

3. У ягонадир, қисмланмайди ҳам, бўлинмайди ҳам...

Юқорида тавҳид тушунчаси тўғрисида баён қилинган бўлса-да, ушбу ўринда яна Аллоҳ таолонинг аёл ва фарзандларга муҳтож эмаслигининг таъкидланиши “Аллоҳ учтанинг учинчисидир” деган бузуқ эътиқоддаги кимсаларга раддиядир. Зеро, бундай эътиқоддаги кимсаларнинг кофир бўлишлари Қуръони каримда баён қилинган:

---

[168] Жин сураси, 3-оят.

[169] Ихлос сураси, 1, 4-оятлар.

﴿لَّقَدْ كَفَرَ ٱلَّذِينَ قَالُوٓاْ إِنَّ ٱللَّهَ ثَالِثُ ثَلَٰثَةٍۘ وَمَا مِنْ إِلَٰهٍ إِلَّآ إِلَٰهٌ وَٰحِدٌۚ وَإِن لَّمْ يَنتَهُواْ عَمَّا يَقُولُونَ لَيَمَسَّنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ مِنْهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ٧٣﴾

“Аллоҳ Учтанинг (Аллоҳ, Марям ва Исонинг ёки Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳнинг) **биридир”, – деганлар** (ҳам) **кофир бўлдилар. Ягона Илоҳдан бошқа илоҳ йўқдир. Агар айтаётган** (гап)**ларидан қайтмасалар, улар орасидан кофир бўлганларига** (охиратда) **аламли азоб етиши муқаррардир”**[170]**.**

Ушбу оятда баъзи насроний фирқаларнинг “илоҳлик Аллоҳ, Исо ва Марямлар ораларида муштаракдир, уларнинг ҳар бири илоҳдир”, деган эътиқодларининг нотўғри экани ҳамда тўғри эътиқод қандай бўлиши баён қилинган.

[170] Моида сураси, 73-оят.

УЛУҒЛИК ВА ОЛИЙЛИК ЭГАСИ

16 كَذَا عَنْ كُلِّ ذِي عَوْنٍ وَنَصْرٍ تَفَرَّدَ ذُو الْجَلاَلِ وَذُو الْمَعَالِ

Маънолар таржимаси:

Шунингдек, барча кўмакчи ва ёрдамчидан ҳам *(беҳожатдир)*. ***Буюклик соҳиби ва улуғ ишлар соҳиби ягонадир***

.

Назмий баёни:

Кўмакчию ёрдамчига муҳтожмас асло,
Зул жалолу Мутаолий мутлақо танҳо.

Луғатлар изоҳи:

كَذَا – “ташбеҳ” (ўхшатиш) ҳарфи бўлган كَ ва исми ишора ذَا дан таркиб топган исм бўлиб, олдинги байтга маътуф бўлиб келган.

عَنْ – жор ҳарфи مِنْ маъносида келган. Яъни мажрур исм مُسْتَغْنٍ нинг “мафъулун биҳи”сидир.

كُلِّ – накра исмга изофа бўлгани учун “истиғроқул жинс”ни ифодалаб келган[171]. Жор мажрур олдинги байтдаги مُسْتَغْنٍ га мутааллиқ.

ذِي – “соҳиб” маъносидаги исм бўлиб, “асмаи ситта”дан бири. Доимо изофа бўлиб келади. Фақат мутакаллим ى га изофа қилинмайди.

عَوْنٍ – луғатда “хизматчи” маъносини англатади.

نَصْرٍ – исми фоил маъносидаги масдар. Яъни رَجُلٌ نَصْرٌ деган сўздан رَجُلٌ نَاصِرٌ маъноси тушунилади.

تَفَرَّدَ – ушбу феъл бирор бир хусусиятда ҳеч бир шериксиз, яккаю ягона бўлишга нисбатан ишлатилади. Нозим Аллоҳ таолони зотида ҳам, сифатларида ҳам ягона эканини ифодалаш учун айнан ушбу феълни ишлатган.

ذُو الْجَلاَلِ – Аллоҳ таолонинг исмларидан бири. ذُو Фоилликка кўра раф бўлиб турибди.

مَعَالِ калимаси مَعْلاَة нинг кўплик шакли бўлиб, “улуғ ишлар” маъносини англатади.

---

[171] Бу ҳақидаги маълумот 3-байтнинг изоҳида баён қилинди.

Матн шарҳи:

Ушбу байт юқоридаги байтнинг давоми бўлиб, Аллоҳ таоло Ўзига хотин ва фарзанд тутишдан холи бўлганидек, бирор бир кўмакчи ва ёрдамчига муҳтож бўлишдан ҳам холи деган маънони англатади. Зеро, Аллоҳ таоло бутун оламлардан беҳожат зотдир. Ушбу ҳақиқат Қуръони каримда шундай ифода қилинган:

﴿ وَقُلِ ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ ٱلَّذِى لَمْ يَتَّخِذْ وَلَدًا وَلَمْ يَكُن لَّهُۥ شَرِيكٌ فِى ٱلْمُلْكِ وَلَمْ يَكُن لَّهُۥ وَلِىٌّ مِّنَ ٱلذُّلِّ ۖ وَكَبِّرْهُ تَكْبِيرًۢا ﴿١١١﴾ ﴾

“Ҳамд фарзанд тутмаган, подшоҳлигида шериги йўқ, хорликдан (қутқарувчи) **дўсти бўлмаган** (яъни ҳеч кимга муҳтож бўлмайдиган) **зот – Аллоҳга хосдир”, – денг ва** (улуғлаб) **Унга такбир айтинг!”**[172]**.**

Яъни фарзанд тутишдан холи бўлган Аллоҳга ҳамд бўлсин, ибодат қилинишга ҳақли эканида шериги бўлмаган Аллоҳга ҳамд бўлсин, бутун оламлардан беҳожат бўлган, шунинг учун ҳеч қачон бирор дўст ё кўмакчига муҳтож бўлмайдиган Аллоҳга ҳамд бўлсин, дегин. Ҳамда Уни мутлақо улуғлагин, Уни олий ва буюк сифатлари билан зикр қилгин.

Мазкур маъноларни тўлдирувчи маълумотлар 2-байтнинг шарҳида айтиб ўтилди.

[172] Исро сураси, 111-оят.

ҚАЙТА ТИРИЛИШГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ

17 يُمِيتُ الْخَلْقَ طُرًّا ثُمَّ يُحْيِي فَيَجْزِيهِمْ عَلَى وَفْقِ الْخِصَالِ

Маънолар таржимаси:

Махлуқларнинг барчасини ўлдиради, сўнгра тирилтиради, кейин уларга хислатларига мувофиқ жазо-мукофотлар беради.

Назмий баёни:

Барчани ўлдирар, сўнгра тиргизар,
Кимга жазо, кимга мукофот берар.

Луғатлар изоҳи:

يُمِيتُ – музориъ феъли. Фоили яширин هُوَ замир бўлиб, олдинги байтда ўтган إِلَهِي га қайтади.

الْخَلْقَ – мафъул. Бу калимадан الْمَخْلُوق маъноси ирода қилинган. Ундаги اَلْ “истиғроқия” маъносида келган.

طُرًّا – “барчаси” маъносини англатади. Ҳолликка кўра насб бўлиб турибди. Кўплаб нусхаларда طُرًّا нинг ўрнига قَهْرًا келган. Муҳаққиқ уламоларнинг қарашларига кўра طُرًّا мўътабар ҳисобланади.

ثُمَّ – тартибни ва маълум муддат ўтишини ифодалайдиган атф ҳарфи.

يُحْيِي – музориъ феъли يُمِيتُ феълига атф қилинган.

فَ – “таъқийб” (шарҳламоқ) маъносида келган.

يَجْزِيهِمْ – жазо бериш деганда ўзбек тилида “таъзирини бериш” маъносида ишлатилади. Аммо бу сўз араб тилида мукофотлашга ҳам, таъзирини беришга нисбатан ҳам баробар қўлланади. هُمْ жам музаккар ғоиб замир. Кўпинча муттасил ҳолатда келса-да, айрим ҳолатларда мунфасил бўлиб ҳам келади.

عَلَى – “таъвийз” (эваз) маъносида келган жор ҳарфи.

وَفْقِ – мувофиқ маъносини англатади. Жор мажрур يَجْزِيهِمْ га мутааллиқ.

خِصَالِ – бу калима خَصْلَةٌ нинг кўплик шакли бўлиб, ижобий хислатларга ҳам, салбий хислатларга ҳам қўлланилади. Шунинг учун Нозим айнан шу калимани ишлатган.

Матн шарҳи:

Аллоҳ таоло махлуқотларни Ўзи хоҳлаган вақтда улар истасинлар-истамасинлар, ўлимга бўйсундирадиган Қаҳҳор зотдир. У Ўзигагина маълум бўлган бир кунда бандаларни қайтадан тирилтириб, яхши амал қилганларни мукофотлашини ва ёмон амал қилганларни жазолашини хабар берган.

Охират кунига иймон келтиришнинг инсон ҳаётидаги таъсири катта. Айниқса, бу охират кунига иймон келтирган ва иймон келтирмаган икки кишини таққослаб кўрилганда яққол намоён бўлади. Охират кунига иймон келтирган киши қилаётган ишлари ва айтаётган сўзлари бир куни ҳисоб-китоб қилинишини, яхшисига мукофот, ёмонига жазо берилишини ҳис этиб, имкон қадар эзгу ишларни амалга оширишга ҳаракат қилиб яшайди. Охират кунига иймон келтирмаган киши эса фақат шу дунё учун яшайди. У нима қилиб бўлса-да, кўпроқ лаззатланиб қолиш, нафси хоҳлаган лаззатларнинг охирига етишни асосий мақсад қилади. Натижада хоҳиш-истакларига халал берадиган ҳар қандай қонун-қоида ва тўсиқларни четлаб ўтишга интилиш унинг табий одатларига айланади. Инсонларни бундан қайтариш учун ҳам Қуръони каримда охират кунини юракларга қўркув солувчи турли хил номлар билан: **Қиёмат, Соат, Охират, Дин куни, Ҳисоб куни, Жамлаш куни, Ҳақиқатда бўлувчи, Ўраб олувчи, Воқиъа** каби маъноларда қайта-қайта зикр қилинган.

Иймон рукнларидан бири

Охират куни бўлишига аниқ ишониш иймон рукнларидан бири бўлиб, ундан қуйидаги маънолар тушунилади:

1. Охират кунига умумий ҳолатда, яъни бир куни қиёмат қоим бўлади, деб ишониш;

2. Саҳиҳ хабарларда баён қилинган ўлимдан кейин юз берадиган ҳолатларнинг барчасига ишониш.

Қайси бир бандада ана шу икки ишонч тўлиқ топилса, у охират кунига иймон келтирган бўлади. Охират кунига иймон келтириш ўта муҳим бўлганидан Қуръони каримда жуда кўп ўринларда Аллоҳ таолога иймон келтириш билан бирга зикр қилинган:

﴿إِنَّمَا يَعۡمُرُ مَسَٰجِدَ ٱللَّهِ مَنۡ ءَامَنَ بِٱللَّهِ وَٱلۡيَوۡمِ ٱلۡأٓخِرِ وَأَقَامَ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتَى ٱلزَّكَوٰةَ وَلَمۡ يَخۡشَ إِلَّا ٱللَّهَ ۖ﴾

“Аллоҳнинг масжидларини фақат Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган, намозни баркамол ўқиган, закот берган ва фақат Аллоҳдангина қўрққан кишилар обод қилурлар”[173].

Қуръони каримда қайта тирилишга шубҳа билан қарайдиганларга бундай қарашлари ноўрин эканини уқтириш маъносида қандай дунёга келганларини эслатиб қўйилган:

﴿ يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ إِن كُنتُمۡ فِي رَيۡبٖ مِّنَ ٱلۡبَعۡثِ فَإِنَّا خَلَقۡنَٰكُم مِّن تُرَابٖ ثُمَّ مِن نُّطۡفَةٖ ثُمَّ مِنۡ عَلَقَةٖ ثُمَّ مِن مُّضۡغَةٖ مُّخَلَّقَةٖ وَغَيۡرِ مُخَلَّقَةٖ لِّنُبَيِّنَ لَكُمۡۚ وَنُقِرُّ فِي ٱلۡأَرۡحَامِ مَا نَشَآءُ إِلَىٰٓ أَجَلٖ مُّسَمّٗى ثُمَّ نُخۡرِجُكُمۡ طِفۡلٗا ثُمَّ لِتَبۡلُغُوٓاْ أَشُدَّكُمۡۖ ﴾

“Эй инсонлар! Агар сизлар қайта тирилишдан шубҳада бўлсангиз, (ўйлаб кўринг): **Биз сизларга** (Аллоҳнинг қудратини) **баён қилиш учун сизларни** (отангиз Одамни) **тупроқдан, сўнгра** (Одам наслини) **манийдан, сўнгра лахта қондан, сўнгра** (шаклланиб) **битган ва битмаган парча гўштдан яратдик. Биз** (сизларни) **хоҳлаганимизча – муайян муддатгача бачадонларда қолдириб, сўнгра чақалоқ ҳолингизда** (дунёга) **чиқарурмиз, сўнгра вояга етгунларингизгача** (тарбия қилурмиз)**”[174].**

Ушбу ояти каримада инсонларнинг қандай яратилганлиги баён қилинган бўлса, қуйидаги оятда уларнинг беҳуда яратилмаганлари ва, албатта, бир куни У зотнинг ҳузурига қайтарилишлари ҳақлиги баён қилинган:

﴿ أَفَحَسِبۡتُمۡ أَنَّمَا خَلَقۡنَٰكُمۡ عَبَثٗا وَأَنَّكُمۡ إِلَيۡنَا لَا تُرۡجَعُونَ ١١٥ ﴾

“Ёки сизларнинг гумонингизча, Биз сизларни беҳуда яратдиг-у, сизлар Бизнинг ҳузуримизга қайтарилмайсизми?!”[175].

Охират куни қачон бўлишини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким, бирор фариштa ҳам, бирор пайғамбар ҳам билмайди, уни фақатгина Аллоҳ таолонинг Ўзи билади. Бу ҳақида шундай хабар берилган:

﴿ يَسۡـَٔلُونَكَ عَنِ ٱلسَّاعَةِ أَيَّانَ مُرۡسَىٰهَاۖ قُلۡ إِنَّمَا عِلۡمُهَا عِندَ رَبِّيۖ لَا يُجَلِّيهَا لِوَقۡتِهَآ إِلَّا هُوَۚ ثَقُلَتۡ فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِۚ لَا تَأۡتِيكُمۡ إِلَّا بَغۡتَةٗۗ يَسۡـَٔلُونَكَ كَأَنَّكَ حَفِيٌّ عَنۡهَاۖ قُلۡ إِنَّمَا عِلۡمُهَا عِندَ ٱللَّهِ وَلَٰكِنَّ أَكۡثَرَ ٱلنَّاسِ لَا يَعۡلَمُونَ ١٨٧ ﴾

---

[173] Тавба сураси, 18-оят.
[174] Ҳаж сураси, 5-оят.
[175] Муъминун сураси, 115-оят.

“Сендан соат (қиёмат) **ҳақида қачон собит бўлиши ҳақида сўрарлар. Сен: “Унинг илми фақат Роббим ҳузуридадир, Уни фақат Ўзигина зоҳир қиладир. У осмонлару ерда оғир иш бўлади. Сизларга фақат тўсатдан келадир”, – деб айт. Худди сен уни билишинг керакдек, сендан сўрарлар. Сен: “Унинг илми фақат Аллоҳнинг ҳузуридадир. Лекин кўп одамлар билмаслар”, – деб айт”[176].**

Яъни қиёматнинг қачон бўлиши, нима сабабдан сир тутилишини билмайдилар. Имом Фахр раҳматуллоҳи алайҳ ушбу оят тафсири хусусида қуйидаги гапларни айтган: “Қиёматнинг бандалардан махфий қилинишининг ҳикмати шуки, бандалар қиёматнинг қачон бўлишини билмасалар, билмаганлари туфайли ҳар доим унга ҳозир бўлиб туришга уринадилар, бу эса уларни доимо тоатга ундаб, маъсиятдан қайтариб туради”.

Қиёмат аломатлари

Қиёмат қачон бўлиши бандалардан сир тутилган бўлса-да, унинг яқин қолганини билдирувчи бир қанча белги-аломатлар хабари берилган. Қиёматдан дарак берадиган аломатлар икки турга бўлинади:

1. Қиёматнинг кичик аломатлари;
2. Қиёматнинг катта аломатлари.

Қиёматнинг кичик аломатлари кўплаб ҳадиси шарифларда баён қилинган:

عَنْ أَنَسٍ قَالَ لَأُحَدِّثَنَّكُمْ حَدِيثًا سَمِعْتُهُ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **لاَ يُحَدِّثُكُمْ بِهِ أَحَدٌ غَيْرِي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ إِنَّ مِنْ أَشْرَاطِ السَّاعَةِ أَنْ يُرْفَعَ الْعِلْمُ وَيَكْثُرَ الْجَهْلُ وَيَكْثُرَ الزِّنَا وَيَكْثُرَ شُرْبُ الْخَمْرِ وَيَقِلَّ الرِّجَالُ وَيَكْثُرَ النِّسَاءُ حَتَّى يَكُونَ لِخَمْسِينَ امْرَأَةً الْقَيِّمُ الْوَاحِدُ.** رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Сизларга Расулуллоҳ соллаллҳу алайҳи васалламдан эшитганим бир ҳадисни гапириб бераман, уни сизларга мендан бошқа ҳеч ким гапириб беролмайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“Қиёматнинг аломатлари, илмнинг кўтарилиши, жаҳолатнинг кўпайиши, зинонинг кўпайиши, ароқхўрлик кўпайиши, эркакларнинг камайиб, аёлларнинг кўпайиб кетиши, ҳатто элликта аёлга битта назоратчи эркак бўлиб қолади”,** деяётганларини эшитганман”. *Бухорий ривоят қилган.*

Шарҳ: Анас розияллоҳу анҳунинг “уни сизларга мендан бошқа ҳеч ким гапириб беролмайди”, деган сўзларининг икки хил эҳтимоли бор:

1. Анас розияллоҳу анҳу бу ҳадисни айтаётган пайтларида жуда улуғ ёшга етганларидан бу ҳадисни эшитган бошқа саҳобаларнинг вафот этиб кетган бўлишлари;

[176] Аъроф сураси, 187-оят.

2. Анас розияллоҳу анҳу илмнинг камайиб кетаётганини кўриб, унинг кўтарилиб кетиши қиёмат аломатларидан бири эканидан огоҳлантириш ва илмга қизиқтириш маъносида шундай деганлар.

Матнда келган: “**Ҳатто элликта аёлга битта назоратчи эркак бўлиб қолади**”, сўзининг маъноси ҳақида шундай дейилган: Бу сўзнинг икки хил таъвили бор:

1. Аёллар жуда кўпайиб кетганидан мазкур ададдаги аёлларга битта эркак қараб, ишларини назорат қилиб турадиган бўлиб қолади;

2. Битта эркакка унга ҳалол бўлмаган шунча аёл эргашадиган бўлиб қолади, яна Аллоҳ билувчироқдир.

Ушбу ҳадиси шарифда қиёмат яқин қолганда пайдо бўладиган ишлар ҳақида хабар берилган. Қачон мазкур нарсалар содир бўлса, қиёмат яқин қолганидан дарак бераётган бўлади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **إِذَا ضُيِّعَتْ الْأَمَانَةُ فَانْتَظِرْ السَّاعَةَ** قَالَ كَيْفَ إِضَاعَتُهَا يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ **إِذَا أُسْنِدَ الْأَمْرُ إِلَى غَيْرِ أَهْلِهِ فَانْتَظِرِ السَّاعَةَ.** رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Қачон омонат зое қилинса, қиёматни кутавер”,** дедилар. (Аъробий киши): Омонатнинг зое қилиш қандай бўлади, эй Аллоҳнинг Расули, деди. У зот: **“Қачон иш эгасидан бошқага топширилса, қиёматни кутавер”,** дедилар”. *Бухорий ривоят қилган.*

Шарҳ: Бир аъробий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан қиёмат қачон бўлишини сўраганида у зот мазкур жавобни берганлар. Демак, қачон қиёмат яқин қолса, динга тааллуқли ишлар унга нолойиқ кишилар қўлига тушиб қолар экан. Ушбу ҳадиси шарифларда қиёмат яқин қолганда пайдо бўладиган кичик аломатлар ҳақида хабар берилган.

Қиёматнинг катта аломатлари жумласидан бўлган, қуёшнинг мағрибдан чиқиши, ер ҳайвонининг чиқиши, дажжолнинг чиқиши, Исо алайҳиссаломнинг тушишлари, яъжуж ва маъжужларнинг чиқишлари ҳақида ҳам батафсил маълумотлар келган. Буларнинг баъзилари ҳақида Ўший раҳматуллоҳи алайҳ алоҳида сўз юритганлари учун улар ҳақидаги маълумотлар келгуси сатрларда баён қилинади.

Қиёматнинг катта аломатлари ҳам содир бўлганидан сўнг, Аллоҳ таолога маълум бўлган бир кунда қиёмат куни бошланади.

Қиёмат кунидаги воқеалар тартиби

Агар қиёмат кунида рўй берадиган воқеалар ҳақидаги хабарларга қаралса, уларнинг қуйидаги тартибда содир бўлиши маълум бўлади:

1. Аллоҳ таолонинг буйруғи билан Исрофил алайҳиссалом сурга пуфлайдилар, пуфлаганларидан сўнг ер осмонлар ўзгариб кетади:

﴿ يَوْمَ تُبَدَّلُ ٱلْأَرْضُ غَيْرَ ٱلْأَرْضِ وَٱلسَّمَٰوَٰتُ ۖ وَبَرَزُوا۟ لِلَّهِ ٱلْوَٰحِدِ ٱلْقَهَّارِ ﴿٤٨﴾ ﴾

“Бу Ер бошқа Ерга ва осмонлар (ўзга осмонларга) **алмаштириладиган ҳамда** (барча одамлар) **ёлғиз ва ғолиб Аллоҳга рўбарў бўладиган Кунда** (қиёматда интиқом олувчи)**дир”**[177].

2. Маълум вақтдан сўнг Аллоҳ таоло Исрофил алайҳиссаломга сурни иккинчи марта пуфлашга буюради. Исрофил алайҳиссалом сурни иккинчи марта пуфлаганларидан сўнг ўликлар қайта тириладилар. Бу қайта тирилиш куни бўлади. Бу кунда инсонлар дунёда қандай бўлган бўлсалар, яна ўшандай ҳолатга қайтадилар. Сўнгра Аллоҳ таоло инсонларни қабрлардан чиқаришга амр этади. Қабрлардан шошилиб чиққан кофиру мунофиқлар даҳшатга тушиб, ҳасрату надомат билан: “Ҳолимизга вой!” деб юборадилар:

﴿ قَالُوا۟ يَٰوَيْلَنَا مَنۢ بَعَثَنَا مِن مَّرْقَدِنَا ۜ هَٰذَا مَا وَعَدَ ٱلرَّحْمَٰنُ وَصَدَقَ ٱلْمُرْسَلُونَ ﴿٥٢﴾ ﴾

“Улар: “Ҳолимизга вой! Ким бизларни ухлаётган жойимиздан уйғотди?” – деганларида, (уларга айтилур)**: “Мана шу Раҳмон ваъда қилган ва пайғамбарлар сўзлаган рост нарса** (қиёмат)**дир”**[178]**.**

3. Сўнгра Аллоҳ таолонинг амрига мувофиқ фаришталар барча халойиқни, тақводорлар ҳам, жиноятчилар ҳам ўзларига хос ҳолатларда ҳукмларини кутиб туришадиган мавқиф деб аталадиган жойга ҳайдайдилар.

﴿يَوْمَ نَحْشُرُ ٱلْمُتَّقِينَ إِلَى ٱلرَّحْمَٰنِ وَفْدًا ﴿٨٥﴾ وَنَسُوقُ ٱلْمُجْرِمِينَ إِلَىٰ جَهَنَّمَ وِرْدًا ﴿٨٦﴾﴾

“Тақводорларни Раҳмон ҳузурига меҳмон ҳайъати этиб тўплаган кунимизда. Жиноятчиларни жаҳаннамга чанқоқ ҳолларида ҳайдаймиз”[179].

Халойиқ мавқифда ялангоёқ, яланғоч ва хатна қилинмаган ҳолатда турадилар. Аҳволлари жуда қаттиқ ва оғир бўлганидан ёнида турганга кўз қирини ҳам ташлай олмайдиган даражада даҳшатга тушган бўладилар:

عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ **يُحْشَرُ النَّاسُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ حُفَاةً عُرَاةً غُرْلاً** قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ النِّسَاءُ وَالرِّجَالُ جَمِيعًا يَنْظُرُ بَعْضُهُمْ إِلَى بَعْضٍ قَالَ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **يَا عَائِشَةُ الأَمْرُ أَشَدُّ مِنْ أَنْ يَنْظُرَ بَعْضُهُمْ إِلَى بَعْضٍ.** رَوَاهُ مُسْلِمُ

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“Инсонлар қиёмат кунида ялангоёқ, яланғоч, хатна қилинмаган ҳолатларида тўпланадилар”,** – деяётганларини эшитдим. Шунда

---

[177] Иброҳим сураси, 48-оят.
[178] Ёсин сураси, 52-оят.
[179] Марям сураси, 85, 86-оятлар.

мен: “Эй Аллоҳнинг Расули, аёллар ва эркаклар ҳаммалари бир жойда бўлсалар, баъзилари баъзиларига қарайдилар-ку”, – дедим. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Эй Оиша, иш баъзилари баъзиларига қарашдан шиддатлироқ бўлади-да”,** – дедилар”. *Муслим ривоят қилган.*

4. Мавқифда халойиқ оғир ҳолатларни бошдан кечирадилар. Ҳамма тик туриб Роббиларининг буйруғини кутиб турганида, устиларига қуёш яқинлаштирилади ва қилган амалларига яраша терга ботадилар:

عن سُلَيْم بْن عَامِرٍ حَدَّثَنِي الْمِقْدَادُ بْنُ الاَسْوَدِ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ **تُدْنَى الشَّمْسُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِنْ الْخَلْقِ حَتَّى تَكُونَ مِنْهُمْ كَمِقْدَارِ مِيلٍ** قَالَ سُلَيْمُ بْنُ عَامِرٍ فَوَاللَّهِ مَا أَدْرِي مَا يَعْنِي بِالْمِيلِ أَمَسَافَةَ الاَرْضِ أَمْ الْمِيلَ الَّذِي تُكْتَحَلُ بِهِ الْعَيْنُ قَالَ **فَيَكُونُ النَّاسُ عَلَى قَدْرِ أَعْمَالِهِمْ فِي الْعَرَقِ فَمِنْهُمْ مَنْ يَكُونُ إِلَى كَعْبَيْهِ وَمِنْهُمْ مَنْ يَكُونُ إِلَى رُكْبَتَيْهِ وَمِنْهُمْ مَنْ يَكُونُ إِلَى حَقْوَيْهِ وَمِنْهُمْ مَنْ يُلْجِمُهُ الْعَرَقُ إِلْجَامًا** قَالَ وَأَشَارَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِيَدِهِ إِلَى فِيهِ. رَوَاهُ مُسْلِمُ

Сулайм ибн Омирдан ривоят қилинади: Менга Миқдод ибн Асвад гапириб берди: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деяётганларини эшитганман: **“Қиёмат кунида қуёш халойиққа яқинлаштирилади, ҳатто уларга бир мил миқдорида бўлиб қолади”.** Сулайм ибн Омир айтади: “Аллоҳга қасамки, милдан ернинг масофасиними ё у билан кўзга сурма қўйиладиган қаламними, нимани тайин қилаётганларини билмайман. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Инсонлар амаллари миқдорида терга ботиб кетадилар, улардан баъзилари тўпиқларигача тер ичида бўлади, баъзилари тиззаларигача, баъзилари белларигача, баъзиларини эса тер мутлақо жиловлаб қўяди”,** – дедилар-да Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўллари билан оғизларига ишора қилдилар”. *Муслим ривоят қилган.*

Шарҳ: Қиёмат кунида ҳисоб-китоб бошланиши кутиб турилган пайтда қуёш уларга яқинлаштирилганидан ҳамма қилган ёмон амаллари миқдорида терга ботиб турар экан. Кимдир тўпиғигача, кимдир тиззасигача, кимдир белигача, яна кимдир эса оғзига қадар терга ғарқ бўлар экан. Ҳамма одамлар бир жойда турган бўлсалар-да, тер денгизи бирининг тўпиғидан ошса, иккинчисининг оғзи баробаридан бўлар экан. Бунинг қандай бўлиши ҳақида қуйидаги сўзлар айтилган:

1. Аллоҳ таоло ҳар бир инсоннинг қадами остидаги ерни унинг яхши ё ёмон амалига яраша баланд-паст қилиб қўяди. Шунга кўра ҳар кимнинг баландлиги ҳар хил бўлади.

2. Аллоҳ таоло инсонларни амалларига мос ҳолатда гуруҳ-гуруҳ қилиб тўплайди, баъзи гуруҳдагилар тўпиқларигача терга ботиб турадиган жойда, баъзилари белларигача терга ботиб турадиган даражадаги чуқурроқ жойда турадилар.

Ана шундай қуёш яқинлаштирилиб, ҳамма иссиқда қийналиб турган пайтда баъзи инсонлар сояланиб турадилар. Улар дунёда қилган ишлари эвазига Аллоҳ

таолонинг фазлу марҳаматига сазовор бўлган ва шундай даҳшатли кунда У зот тарафидан соялантириб турилган бахтли инсонлардир. Қуйидаги ҳадисда бундай бахтли инсонларнинг кимлар эканлиги баён қилинган:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ **سَبْعَةٌ يُظِلُّهُمْ اللَّهُ تَعَالَى فِي ظِلِّهِ يَوْمَ لاَ ظِلَّ إِلاَّ ظِلُّهُ إِمَامٌ عَدْلٌ وَشَابٌّ نَشَأَ فِي عِبَادَةِ اللَّهِ وَرَجُلٌ قَلْبُهُ مُعَلَّقٌ فِي الْمَسَاجِدِ وَرَجُلاَنِ تَحَابَّا فِي اللَّهِ اجْتَمَعَا عَلَيْهِ وَتَفَرَّقَا عَلَيْهِ وَرَجُلٌ دَعَتْهُ امْرَأَةٌ ذَاتُ مَنْصِبٍ وَجَمَالٍ فَقَالَ إِنِّي أَخَافُ اللَّهَ وَرَجُلٌ تَصَدَّقَ بِصَدَقَةٍ فَأَخْفَاهَا حَتَّى لاَ تَعْلَمَ شِمَالُهُ مَا تُنْفِقُ يَمِينُهُ وَرَجُلٌ ذَكَرَ اللَّهَ خَالِيًا فَفَاضَتْ عَيْنَاهُ.** رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Етти нафарни Аллоҳ таоло Ўзининг соясидан бошқа соя бўлмайдиган кунда соялантиради:**

1. Адолатли бошлиқ;

2. Аллоҳнинг ибодатида вояга етган йигит;

3. Қалби масжидларга боғланган киши;

4. Аллоҳ йўлида бир-бирларини яхши кўрган, шу муҳаббатга кўра жамланиб, шу муҳаббатга кўра ажрашадиган икки киши;

5. Мансабдор ва чиройли аёл (гуноҳ ишга) **чақирганда, Аллоҳдан қўрқаман деган киши;**

6. Ўнг қўли берган садақани ҳатто чап қўли ҳам билмай қоладиган даражада махфий қилган киши;

7. Аллоҳ таолони ёлғиз ҳолатда зикр қилган ва кўзлари ёш тўкан киши”, – дедилар”. *Бухорий ривоят қилган.*

Шарҳ: Ушбу ҳадисда соянинг Аллоҳ таолога изофа қилиниши мулк маъносидаги изофадир. Яъни барча соялар Аллоҳнинг мулкидир, ўша кунда Аллоҳ уларни соялантиради, жаннатнинг сояси билан соялантирадими ё бошқа соя биланми уни Ўзи билади, маъносидадир. Бошқа бир ҳадисда Аршининг соясида дейилган. Ибн Динор: “Бу ҳадисдаги “соя”нинг маъноси кароматдир”, – деган. Яъни мазкур етти тоифа Аллоҳнинг иззат икромида бўлади, маъноси тушунилади.

Халойиққа мавқифда туриш қийинлашиб бораверади. Улар Аллоҳ таолонинг бу қийинчиликлардан халос қилиши ва ўзлари учун тезроқ ҳукм чиқаришга изн бериши учун пайғамбарлардан шафоат сўрайдилар. Аммо шафоат сўралган пайғамбарлар уларни бошқаларга йўллайдилар. Ниҳоят, охир замон пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломнинг ёнига келишиб, у зотдан шафоат қилишларини сўрайдилар. Муҳаммад алайҳиссалом уларни шафоат қиладилар ва Аллоҳ таоло у зотнинг шафоатларини қабул қилади. Ниҳоят, ҳисоб-китобга юзланадилар.

5. Ҳисоб-китобдан олдин уларга бу дунёда қилган барча амаллари ёзиб қўйилган номаи аъмоллари берилади. Бу номаи аъмоллар баъзиларга олдиларидан, баъзиларга ўнг тарафларидан, баъзиларга чап тарафларидан, баъзиларга эса орқа тарафларидан берилади. Яна очиқ китоб ҳам чиқарилади ва

бу очиқ китобда қилинган барча амаллар аниқ қилиб ёзиб қўйилган бўлади. Сўнгра унга: “Китобингни ўқи, ўзингга қарши ўзинг етарли ҳисобчисан”, – дейилади. Бу ҳақида Қуръони каримда шундай хабар берилган:

﴿ وَكُلَّ إِنسَٰنٍ أَلْزَمْنَٰهُ طَٰٓئِرَهُۥ فِى عُنُقِهِۦ ۖ وَنُخْرِجُ لَهُۥ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ كِتَٰبًا يَلْقَىٰهُ مَنشُورًا ﴿١٣﴾

ٱقْرَأْ كِتَٰبَكَ كَفَىٰ بِنَفْسِكَ ٱلْيَوْمَ عَلَيْكَ حَسِيبًا ﴿١٤﴾ ﴾

“Биз ҳар бир инсоннинг амалини бўйнига илиб қўйгандирмиз. Қиёмат кунида унга очиқ ҳолда учратадиган китобни (Номаи аъмолини) **чиқариб берурмиз.** (Унга айтилур)**: “Китобингни ўқи! Бугун ўз шахсинг ўзингга қарши етарли ҳисобчидир”**[180]**.**

6. Сўнгра барчанинг бу дунёда қилган савоб ва гуноҳ ишлари бирма-бир ҳисоб-китоб қилина бошлайди. Ҳисоб-китоб қилишда ҳам яхши ишларининг савоблари кўпайтириб ўлчанади, ёмон ишлар эса кўпайтирилмасдан ўз ҳолича ўлчанади:

﴿ مَن جَآءَ بِٱلْحَسَنَةِ فَلَهُۥ خَيْرٌ مِّنْهَا ۖ وَمَن جَآءَ بِٱلسَّيِّئَةِ فَلَا يُجْزَى ٱلَّذِينَ عَمِلُوا۟

ٱلسَّيِّـَٔاتِ إِلَّا مَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿٨٤﴾ ﴾

“Ким савобли амал билан келса, бас, унинг учун ундан яхшироқ (мукофот) **бўлур. Ким гуноҳ билан келса, бас, гуноҳларни қилган кимсалар фақат ўзлари қилган қилмишлари баробаридагина жазоланурлар”**[181]**.**

7. Ҳисоб-китоб тугаганидан сўнг барча халойиқ амаллари ўлчанадиган тарозига рўбарў бўладилар. Ушбу тарозининг икки палласи борлиги ҳақида ҳадисда баён қилинган. Қуръони каримда тарози ҳақида шундай хабар берилган:

﴿ وَنَضَعُ ٱلْمَوَٰزِينَ ٱلْقِسْطَ لِيَوْمِ ٱلْقِيَٰمَةِ فَلَا تُظْلَمُ نَفْسٌ شَيْـًٔا ۖ وَإِن كَانَ

مِثْقَالَ حَبَّةٍ مِّنْ خَرْدَلٍ أَتَيْنَا بِهَا ۗ وَكَفَىٰ بِنَا حَٰسِبِينَ ﴿٤٧﴾ ﴾

“Биз қиёмат куни учун адолатли тарозилар қўюрмиз, бас, бирор жонга заррача зулм қилинмас. Агар хантал (ўсимлиги) **уруғидек** (яхши ёки ёмон амали) **бўлса ҳам, ўшани келтирурмиз! Биз ўзимиз етарли ҳисоб-китоб қилувчидирмиз”**[182]**.**

Амалларининг тарозида қандай ўлчаниши тўғрисидаги маълумотлар 57 байтнинг шарҳида баён қилинади.

---

[180] Исро сураси, 13, 14-оятлар.
[181] Қасас сураси, 84-оят.
[182] Анбиё сураси, 47-оят.

9. Тарозидан сўнг барча халойиқ Сирот устидан ўтишлари керак бўлади. Сирот дўзах устига қурилган узун кўприк бўлиб, ҳамма ўзининг қилган амалига яраша кимдир тез, кимдир секин ўтади, кимлардир эса, унинг тагидаги дўзахга қулайдилар. Бу ҳақида ҳадиси шарифда шундай хабар берилган:

عَن أَبِي هُرَيْرَةَ وَأَبُو رِبْعِيٍّ عَن حُذَيْفَةَ قَالاَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **يَجْمَعُ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى النَّاسَ فَيَقُومُ الْمُؤْمِنُونَ حَتَّى تُزْلَفَ لَهُمْ الْجَنَّةُ فَيَأْتُونَ آدَمَ فَيَقُولُونَ يَا أَبَانَا اسْتَفْتِحْ لَنَا الْجَنَّةَ فَيَقُولُ وَهَلْ أَخْرَجَكُمْ مِنْ الْجَنَّةِ إِلَّا خَطِيئَةُ أَبِيكُمْ آدَمَ لَسْتُ بِصَاحِبِ ذَلِكَ اذْهَبُوا إِلَى ابْنِي إِبْرَاهِيمَ خَلِيلِ اللَّهِ قَالَ فَيَقُولُ إِبْرَاهِيمُ لَسْتُ بِصَاحِبِ ذَلِكَ إِنَّمَا كُنْتُ خَلِيلًا مِنْ وَرَاءَ وَرَاءَ اعْمِدُوا إِلَى مُوسَى صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الَّذِي كَلَّمَهُ اللَّهُ تَكْلِيمًا فَيَأْتُونَ مُوسَى صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَيَقُولُ لَسْتُ بِصَاحِبِ ذَلِكَ اذْهَبُوا إِلَى عِيسَى كَلِمَةِ اللَّهِ وَرُوحِهِ فَيَقُولُ عِيسَى صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَسْتُ بِصَاحِبِ ذَلِكَ فَيَأْتُونَ مُحَمَّدًا صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَيَقُومُ فَيُؤْذَنُ لَهُ وَتُرْسَلُ الْأَمَانَةُ وَالرَّحِمُ فَتَقُومَانِ جَنَبَتَيْ الصِّرَاطِ يَمِينًا وَشِمَالاً فَيَمُرُّ أَوَّلُكُمْ كَالْبَرْقِ قَالَ قُلْتُ بِأَبِي أَنْتَ وَأُمِّي أَيُّ شَيْءٍ كَمَرِّ الْبَرْقِ قَالَ أَلَمْ تَرَوْا إِلَى الْبَرْقِ كَيْفَ يَمُرُّ وَيَرْجِعُ فِي طَرْفَةِ عَيْنٍ ثُمَّ كَمَرِّ الرِّيحِ ثُمَّ كَمَرِّ الطَّيْرِ وَشَدِّ الرِّجَالِ تَجْرِي بِهِمْ أَعْمَالُهُمْ وَنَبِيُّكُمْ قَائِمٌ عَلَى الصِّرَاطِ يَقُولُ رَبِّ سَلِّمْ سَلِّمْ حَتَّى تَعْجِزَ أَعْمَالُ الْعِبَادِ حَتَّى يَجِيءَ الرَّجُلُ فَلاَ يَسْتَطِيعُ السَّيْرَ إِلاَّ زَحْفًا** قَالَ **وَفِي حَافَتَيْ الصِّرَاطِ كَلاَلِيبُ مُعَلَّقَةٌ مَأْمُورَةٌ بِأَخْذِ مَنْ أُمِرَتْ بِهِ فَمَخْدُوشٌ نَاجٍ وَمَكْدُوسٌ فِي النَّارِ وَالَّذِي نَفْسُ أَبِي هُرَيْرَةَ بِيَدِهِ إِنَّ قَعْرَ جَهَنَّمَ لَسَبْعُونَ خَرِيفًا.** رَوَاهُ مُسْلِمٌ

Абу Ҳурайра ва Абу Рибъий розияллоҳу анҳулар Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Аллоҳ табарока ва таоло инсонларни жамлайди, мўминлар жаннатга яқин жойда турадилар. Улар Одам алайҳиссаломнинг ёнларига келишади ва: “Эй отамиз, бизларга жаннатни очишни сўраб беринг”, – дейишади. У: “Сизларни жаннатдан отангиз Одамнинг хатоси чиқармадими, мен бунга эга эмасман, сизлар ўғлим Иброҳим Халилуллоҳнинг ёнига боринглар”, – дейди. У зот дедилар: “Иброҳим мен бунга эга эмасман, бундай юксак даражадаги халил бўлмаганман. – Сизлар Аллоҳ таолонинг Ўзи унга мутлақ гапирган Мусо соллаллоҳу алайҳи васалламга боринглар, – дейди. Улар Мусо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнига келадилар. У: “Мен бунга эга эмасман, Аллоҳнинг калимаси ва руҳи Исога боринглар”, – дейди. Исо: “Мен бунга эга эмасман”, – дейди. Бас улар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга келадилар. У зот турадилар ва у зотга изн берилади. Омонат ва қариндошлик ўз ҳолига қўйилади, улар сиротнинг ўнг ва чап томонларига туриб оладилар. Сизларнинг аввалгиларингиз чақмоқ каби ўтадилар.** Мен: “Ота-онам сизга фидо бўлсин, қайси нарса чақмоқ каби ўтади”, – дедим. У зот: **“Чақмоқнинг кўз юмиб очгунча қандай**

ўтиб қайтишини кўрмаганмисан, сўнгра шамолнинг ўтиши каби, сўнгра қушнинг ўтиши каби ва амаллари югуртираётган кишиларнинг судралиши каби ўтадилар. Пайғамбарларингиз сирот устида: “Роббим, қутқаргин, қутқаргин” – деб туради. Ҳатто бандаларнинг амаллари (уларни ҳаракатлантириб олиб ўтишдан) **ожиз қолади, ҳатто юришга қуввати етмайдиган, фақат судралиб ҳаракатланадиган киши келади”.** Яна дедилар: **“Сиротнинг икки четида буюрилган кимсани тутишга тайин қилиниб осиб қўйилган чангаклар бўлади. Бас тирналганлар** (яъни тирналиб бўлса-да ўтиб кетган) **нажот топувчидирлар, тўпланиб қолганлар дўзахдадирлар”.** Абу Ҳурайранинг жони Унинг қўлида бўлган зотга қасамки, албатта, жаҳаннамнинг қаъри етмиш куздир (етмиш йиллик масофадир)”, – деди”. *Муслим ривоят қилган.*

9. Кофиру мунофиқлар қилдек ингичка Сиротдан пастга қулайдилар, чангакларга илиниб, жаҳаннам қаърига улоқтириладилар ва шундай қилиб абадий манзилларини эгаллайдилар. Баъзи осий мўминлар ҳам гуноҳлари сабабли дўзахга тушадилар ва гуноҳлари миқдорида жазоларини олганларидан кейин жаннатга чиқариладилар. Сиротдан соғ-саломат ўтиб олган мўминлар ҳам тўғри жаннатга кириб кета олмайдилар, энди жаннат ва дўзах орасидаги кўприкда тўхтатилиб, дунёда бир-бирларига нисбатан ноҳақлик қилган бўлса, шуларнинг қасоси олиб берилади. Уларнинг барчалари бир-бирларидан рози бўлишиб, қалбларида мутлақо гина-адоват қолмай, ўзаро самимий меҳр-муҳаббатли бўлганларидан сўнг, абадий роҳат-фароғат маскани – Жаннатга киришга изн берилади. Бу ҳақида шундай хабар берилган:

عَنْ أَبِي الْمُتَوَكِّلِ النَّاجِيِّ أَنَّ أَبَا سَعِيدٍ الْخُدْرِيَّ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **يَخْلُصُ الْمُؤْمِنُونَ مِنْ النَّارِ فَيُحْبَسُونَ عَلَى قَنْطَرَةٍ بَيْنَ الْجَنَّةِ وَالنَّارِ فَيُقَصُّ لِبَعْضِهِمْ مِنْ بَعْضٍ مَظَالِمُ كَانَتْ بَيْنَهُمْ فِي الدُّنْيَا حَتَّى إِذَا هُذِّبُوا وَنُقُّوا أُذِنَ لَهُمْ فِي دُخُولِ الْجَنَّةِ فَوَالَّذِي نَفْسُ مُحَمَّدٍ بِيَدِهِ لَأَحَدُهُمْ أَهْدَى بِمَنْزِلِهِ فِي الْجَنَّةِ مِنْهُ بِمَنْزِلِهِ كَانَ فِي الدُّنْيَا.** رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Абу Мутаваккил Ножийдан ривоят қилинади: Абу Саид Худрий деди: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Мўминлар дўзахдан халос бўлганларидан сўнг жаннат ва дўзах орасидаги кўприкда тўхтатиб туриладилар. Уларнинг баъзиларидан баъзиларига дунёда ораларида бўлган адолатсизликлар қасоси олиб берилади. Қачон яхшиланса ва покиза бўлсалар, уларга жаннатга кириш изни берилади. Муҳаммаднинг жони Унинг қўлида бўлган зотга қасамки, уларнинг ҳар бири жаннатдаги турар жойини дунёда бўлган турар жойидан кўра яхшироқ топиб борадиган бўлади”,** – дедилар”. *Бухорий ривоят қилган.*

9. Жаннат аҳли жаннатга, дўзах аҳли дўзахга ўтганларидан сўнг ўлимнинг ўзи ўлдирилади ва энди дўзахийлар абадий азоб-уқубатли ҳаётга, жаннатийлар эса абадий роҳат-фароғатли ҳаётга юзланадилар.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **إِذَا صَارَ أَهْلُ الْجَنَّةِ إِلَى الْجَنَّةِ وَأَهْلُ النَّارِ إِلَى النَّارِ جِيءَ بِالْمَوْتِ حَتَّى يُجْعَلَ بَيْنَ الْجَنَّةِ وَالنَّارِ ثُمَّ يُذْبَحُ ثُمَّ يُنَادِي مُنَادٍ يَا أَهْلَ الْجَنَّةِ لاَ مَوْتَ وَيَا أَهْلَ النَّارِ لاَ مَوْتَ فَيَزْدَادُ أَهْلُ الْجَنَّةِ فَرَحًا إِلَى فَرَحِهِمْ وَيَزْدَادُ أَهْلُ النَّارِ حُزْنًا إِلَى حُزْنِهِمْ.** رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Қачон жаннат аҳли жаннатга, дўзах аҳли дўзахга ўтсалар, ўлим келтирилади. Ҳатто жаннат ва дўзахнинг ўртасига қўйилади. Сўнгра у бўғизланади. Сўнгра бир нидо қилгувчи: “Эй жаннат аҳли, ўлим йўқ, эй дўзах аҳли, ўлим йўқ”, – дея нидо қилади. Жаннат аҳлининг хурсандликларига хурсандлик қўшилади, дўзах аҳлининг қайғуларига қайғу қўшилади”,** – дедилар”. *Бухорий ривоят қилган.*

Шундай қилиб, ҳамма ўз манзилига ҳеч қачон ундан чиқмайдиган бўлиб абадий жойлашади.

ЭНГ СЎНГИ МАНЗИЛЛАР

18 لِأَهْلِ الْخَيْرِ جَنَّاتٌ وَنُعْمَى وَلِلْكُفَّارِ أَدْرَاكُ النَّكَالِ

Маънолар таржимаси:

Солиҳ бандаларга жаннатлар ва шоду хуррамликлар бўлади, кофирларга эса қаттиқ жазоларнинг энг туби бўлади.

Назмий баёни:

Солиҳларга жаннат, шоду хуррамлик,
Кофирларга уқубат, азоб аламлик.

Луғатлар изоҳи:

لِ – жор ҳарфи إِلَى маъносида келган.

أَهْلِ الْخَيْرِ – жор мажрур хабари муқаддам. Матнда келган “аҳли хойр”дан барча умматларнинг мўминлари назарда тутилган.

جَنَّاتٌ – мубтадо. Луғатда “дарахтзор боғ” маъносини англатади.

وَ – мутлақ жамлаш учун келган атф ҳарфи.

نُعْمَى – калимаси نُعْمَةٌ нинг кўплик шакли бўлиб, “кўз қувончлари”, “шоду хуррамликлар” маъноларини англатади. جَنَّاتٌ га атф қилинган.

كُفَّارِ – жор ва мажрур мубтадосидан олдин келган хабардир. Мубтадоси اَدْرَاكُ дир. كُفَّارِ калимаси كَافِرٌ нинг кўплик шакли бўлиб, бундан ташқари كَافِرُونَ كَفَرَةٌ ва كِفَارُ шаклларида ҳам жам бўлади. Фақатгина كُفَّارُ кўпроқ иймонсизларга нисбатан истеъмол қилинса, كَفَرَةٌ кўпроқ неъматга нонкўрлик қилувчиларга нисбатан ишлатилади.

اَدْرَاكُ – калимаси دَرَكٌ ва دَرْكٌ ларнинг кўплик шакли бўлиб, “энг туби” маъносини англатади. Кўплаб шарҳларда إِدْرَاكُ тарзида биринчи ҳарфини касрали қилиб “кофирларга жазоларнинг етиши бордир”, маъноси берилган. Лекин таҳқиқларга кўра أَدْرَاكُ мўътабар ҳисобланади.

النَّكَالِ – музофун илайҳ. Луғатда “қилмишга яраша берилган қаттиқ жазо” маъносини англатади.

Матн шарҳи:

Дунёда иймон келтирган ва унинг тақозоси бўлган яхши амалларни қилиб, хайр аҳлидан бўлган бахтли инсонларни Аллоҳ таоло остиларидан анҳорлар оқиб турадиган жаннатларга киритади ва хилма-хил неъматлар билан мукофотлайди. Иймон келтириб, яхши амалларни қилган солиҳ бандаларни қандай мукофотлар кутиб турганини шундай хабар берган:

﴿ إِنَّ ٱللَّهَ يُدۡخِلُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ جَنَّٰتٖ تَجۡرِي مِن تَحۡتِهَا ٱلۡأَنۡهَٰرُ يُحَلَّوۡنَ فِيهَا مِنۡ أَسَاوِرَ مِن ذَهَبٖ وَلُؤۡلُؤٗاۖ وَلِبَاسُهُمۡ فِيهَا حَرِيرٞ ٢٣ ﴾

“Албатта, иймон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотларни Аллоҳ (жаннатдаги) **остидан анҳорлар оқиб турадиган боғларга киритур. Улар у жойда олтин билакузуклар ва марваридлар билан безалурлар, либослари эса ҳарир** (ипак) **бўлур”[183].**

Жаннатга кириш Аллоҳ таолонинг фазлу марҳамати билан бўлади. Яъни Аллоҳ таолонинг фазлу марҳаматига сазовор бўлган инсонлар жаннатга кирадилар. Аммо жаннатларнинг ичидаги мартабалар инсонларнинг қилган амалларига кўра бўлади. Кўпроқ ва яхшироқ амал қилганлар улуғ жойларни эгалласалар, улардан камроқ амал қилганлар эса амалларига яраша пастроқ жойларга эга бўладилар.

“Жаннат луғатда “боғ” маъносини билдириб, аслида, “тўсилган” сўзидан олинган. “Жин” сўзи ҳам “тўсилган” маъносидадир чунки улар ҳам кўзлардан яширин ва тўсилган бўладилар. “Жиннилик” ҳам шу маънода бўлиб, бундай васфга эга инсоннинг қалби яхши ва ёмонни ажратиб олиш қобилиятидан тўсилганлиги учун шундай номланган. Мукофотлар диёри бўлган жойнинг “Жаннат” деб номланиши эса унга кирган кишиларни дарахтлар тўсиб тургани ёки у жойда бериладиган мукофотлар то унга киргунча тўсилган бўлганлиги учундир”[184].

Жаннатнинг номлари

Матнда جَنَّاتٌ (жаннатлар) дея кўплик шаклида келтирилди, чунки жаннатлар кўп бўлиб, уларнинг номлари Қуръони каримда қуйидагича баён қилинган:

1. ***Фирдавс*** (боғ, бўстон).

﴿ إِنَّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ كَانَتۡ لَهُمۡ جَنَّٰتُ ٱلۡفِرۡدَوۡسِ نُزُلًا ١٠٧ ﴾

---

[183] Ҳаж сураси, 23-оят.

[184] Муҳаққиқлар гуруҳи. Тухфатул аолий. – Миср: “Ахтар босмахонаси”, 1887. – Б. 40.

“Албатта, иймон келтирган ва эзгу ишларни қилган зотлар учун Фирдавс боғлари манзил бўлур”[185].

2. ***Адн*** (ватан тутмоқ).

﴿ جَنَّٰتُ عَدۡنٖ يَدۡخُلُونَهَا تَجۡرِي مِن تَحۡتِهَا ٱلۡأَنۡهَٰرُۖ لَهُمۡ فِيهَا مَا يَشَآءُونَۚ كَذَٰلِكَ يَجۡزِي ٱللَّهُ ٱلۡمُتَّقِينَ ٣١ ﴾

“Улар остидан анҳорлар оқиб турадиган мангу жаннатларга кирурлар. Улар учун у ерда хоҳлаган нарсалари бордир. Тақводорларни Аллоҳ мана шундай мукофотлагай”[186].

3. ***Наъийм*** (ҳузур-ҳаловат).

﴿ إِنَّ لِلۡمُتَّقِينَ عِندَ رَبِّهِمۡ جَنَّٰتِ ٱلنَّعِيمِ ٣٤ ﴾

“Албатта, тақводорлар учун Парвардигорлари ҳузурида неъмат боғлари бордир”[187].

4. ***Ҳулд*** (мангулик).

﴿ قُلۡ أَذَٰلِكَ خَيۡرٌ أَمۡ جَنَّةُ ٱلۡخُلۡدِ ٱلَّتِي وُعِدَ ٱلۡمُتَّقُونَۚ كَانَتۡ لَهُمۡ جَزَآءٗ وَمَصِيرٗا ١٥ ﴾

“(Эй Муҳаммад! Уларга) **айтинг: “Шу** (дўзах) **яхшироқми ёки тақводорларга ваъда қилинган мангулик жаннатими?!” Улар учун** (бу) **мукофот ва натижа бўлур эди”[188].**

5. ***Маъво*** (текис жой).

﴿ أَمَّا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ فَلَهُمۡ جَنَّٰتُ ٱلۡمَأۡوَىٰ نُزُلَۢا بِمَا كَانُواْ يَعۡمَلُونَ ١٩ ﴾

“Иймон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотлар учун қилган амаллари сабабли жаннат масканлари манзил бўлур”[189].

6. ***Дорус-Салом*** (омонлик диёри).

﴿ لَهُمۡ دَارُ ٱلسَّلَٰمِ عِندَ رَبِّهِمۡۖ وَهُوَ وَلِيُّهُم بِمَا كَانُواْ يَعۡمَلُونَ ١٢٧ ﴾

“Улар учун Парвардигорлари ҳузурида тинчлик диёри (жаннат) **бордир. Қилган** (солиҳ) **амаллари сабабли, У уларнинг дўстидир”[190].**

---

[185] Каҳф сураси, 107-оят.
[186] Наҳл сураси, 31-оят.
[187] Қалам сураси, 34-оят.
[188] Фурқон сураси, 15-оят.
[189] Сажда сураси, 19-оят.

7. ***Дорул Муқома*** (турар жой).

﴿ ٱلَّذِىٓ أَحَلَّنَا دَارَ ٱلْمُقَامَةِ مِن فَضْلِهِۦ لَا يَمَسُّنَا فِيهَا نَصَبٌ وَلَا يَمَسُّنَا فِيهَا لُغُوبٌ ﴿٣٥﴾ ﴾

“У зот бизларни Ўз фазли ила бир турар жойга жойлаштирдики, у ерда бизга чарчоқ етмас, ҳорғинлик ҳам етмас”[191].

Жаннатийларнинг қувонч ва хурсандчилиги ҳали жаннатларга кирмасларидан оқ бошланади. Жаннатга кириш изни берилгандан сўнг ҳаммалари хурсандчиликдан энтикишиб, унга яқинлашадилар. Жаннат эшиклари ҳам кўриниб, унга яқинлашганларида хурсандчилик устига хурсандчилик бўлиб жаннат эшиклари очилади ва унинг қўриқчилари: “Сизга саломлар бўлсин! Хуш келдингиз! Унга мангу қолувчи бўлган ҳолингизда киринг”, дея олқишлар билан кутиб оладилар:

﴿ وَسِيقَ ٱلَّذِينَ ٱتَّقَوْا۟ رَبَّهُمْ إِلَى ٱلْجَنَّةِ زُمَرًا ۖ حَتَّىٰٓ إِذَا جَآءُوهَا وَفُتِحَتْ أَبْوَٰبُهَا وَقَالَ لَهُمْ خَزَنَتُهَا سَلَٰمٌ عَلَيْكُمْ طِبْتُمْ فَٱدْخُلُوهَا خَٰلِدِينَ ﴿٧٣﴾ ﴾

“Парвардигорларидан қўрққан тақволи зотлар ҳам гуруҳ-гуруҳ ҳолда жаннатга бошлаб борилур. То қачонки, улар унинг дарвозалари очилган ҳолда эканида етиб келганларида ва унинг қўриқчилари: “Сизларга салом! Хуш келдингиз! Бас, унга мангу қолувчи бўлган ҳолингизда киринг!” – деганларида (улар беҳад шодланурлар)**”[192].**

Жаннатга кирганларидан сўнг эса кўзлар кўрмаган, қулоқлар эшитмаган, санаб саноғига етиб бўлмайдиган улуғ неъматлар ато қилинади:

﴿ يَٰعِبَادِ لَا خَوْفٌ عَلَيْكُمُ ٱلْيَوْمَ وَلَآ أَنتُمْ تَحْزَنُونَ ﴿٦٨﴾ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَا وَكَانُوا۟ مُسْلِمِينَ ﴿٦٩﴾ ٱدْخُلُوا۟ ٱلْجَنَّةَ أَنتُمْ وَأَزْوَٰجُكُمْ تُحْبَرُونَ ﴿٧٠﴾ يُطَافُ عَلَيْهِم بِصِحَافٍ مِّن ذَهَبٍ وَأَكْوَابٍ ۖ وَفِيهَا مَا تَشْتَهِيهِ ٱلْأَنفُسُ وَتَلَذُّ ٱلْأَعْيُنُ ۖ وَأَنتُمْ فِيهَا خَٰلِدُونَ ﴿٧١﴾ وَتِلْكَ ٱلْجَنَّةُ ٱلَّتِىٓ أُورِثْتُمُوهَا بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٧٢﴾ ﴾

“(У кунда тақво аҳлига айтилур:) **“Эй бандаларим! Бугун сизларга хавф йўқдир ва сизлар асло ғам чекмайсиз.** (Сизлар дунёда) **оятларимизга иймон келтирган ва мусулмон бўлгансиз. Ўзингиз ҳам, хотинларингиз ҳам**

---

[190] Анъом сураси, 127-оят.
[191] Фотир сураси, 35-оят.
[192] Зумар сураси, 73-оят.

мамнунлик ҳолларингизда жаннатга кирингиз!” Уларга олтин лаганлар(да таомлар) **ва қадаҳлар**(да шароблар) **айлантирилур. У жойда кўнгиллар тилайдиган ва кўзлар лаззатланадиган** (барча) **нарса бордир. Сизлар у жойда** (жаннатда) **мангу қолурсиз. Қилиб ўтган амалларингиз учун сизларга мерос қилиб берилган жаннат мана шудир”[193].**

Жаннатларга кириш Аллоҳ таолонинг фазлу марҳамати билан бўлганидек, дўзахларга кириш У зотнинг адолати билан бўлади.

Ушбу байт: “Яхшиларга Аллоҳ таолонинг фазлу марҳаматига эришишларига кўра неъмат даражалари бордир. Кофирларга эса У зотнинг адолатига мувофиқ тобора азобларга шўнғиш бордир”, маъносидадир. Кофирларнинг азобларга шўнғишлари ҳақида Қуръонда шундай хабар берилган:

﴿ إِنَّ ٱلۡمُنَٰفِقِينَ فِي ٱلدَّرۡكِ ٱلۡأَسۡفَلِ مِنَ ٱلنَّارِ وَلَن تَجِدَ لَهُمۡ نَصِيرًا ١٤٥ ﴾

“Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг тубида (бўлур)**лар. Уларга** (ўшанда бирор) **ёрдамчи топмайсиз”[194].**

“Яъни мунофиқлар жаҳаннам қаъридаги табақададирлар. Жаҳаннамнинг етти табақаси бор. Ибн Аббос розияллоҳу анҳу: “Улар (яъни мунофиқлар) дўзахнинг энг остида бўладилар. Чунки улар ислом ва унинг аҳлига истеҳзо қилиб куфр билан жамланганлар. Жаннатда даражотлар (юксалишлар) бўлганидек, дўзахда дарокатлар (азоб чуқурларига шўнғишлар) бордир”, – деган[195].

Жаннатлар кўп бўлгани каби дўзахлар ҳам кўп бўлиб, уларнинг бир-бирларидан қўрқинчли номлари Қуръони каримда баён қилинган.

Дўзахнинг номлари

Қуръони каримда қуйидаги номдаги дўзахлар борлиги зикр этилган:

1. ***Жаҳаннам*** (абадий жазо диёри).

﴿ إِنَّ ٱلَّذِينَ فَتَنُواْ ٱلۡمُؤۡمِنِينَ وَٱلۡمُؤۡمِنَٰتِ ثُمَّ لَمۡ يَتُوبُواْ فَلَهُمۡ عَذَابُ جَهَنَّمَ وَلَهُمۡ عَذَابُ ٱلۡحَرِيقِ ١٠ ﴾

“Албатта, мўмин ва мўминаларни фитнага солиб, сўнгра тавба қилмаган кимсаларга жаҳаннам азоби ва улар учун ўт азоби бордир”[196].

2. ***Лазо*** (кучли аланга).

---

[193] Зухруф сураси, 68, 72-оятлар.
[194] Нисо сураси, 145-оят.
[195] Муҳаммад Али Собуний. Софватут-тафосир 1-жилд. – Байрут-Лубнан: “Мактабатул Асрия”, 2009. – Б. 264.
[196] Буруж сураси, 10-оят.

﴿كَلَّآ إِنَّهَا لَظَىٰ ١٥ نَزَّاعَةً لِّلشَّوَىٰ ١٦﴾

“Йўқ! Ахир, у шундай дўзахдирки, териларни сидириб олувчидир”[197]**.**

3. ***Ҳутома*** (синдирувчи, вайрон қилувчи).

﴿كَلَّا لَيُنۢبَذَنَّ فِي ٱلۡحُطَمَةِ ٤﴾

“Йўқ! Қасамки, албатта, у “Ҳутама”га ташланур!”[198]**.**

4. ***Саъийр*** (ўта қизиган).

﴿إِنَّ ٱلشَّيۡطَٰنَ لَكُمۡ عَدُوّٞ فَٱتَّخِذُوهُ عَدُوًّاۚ إِنَّمَا يَدۡعُواْ حِزۡبَهُۥ لِيَكُونُواْ مِنۡ أَصۡحَٰبِ ٱلسَّعِيرِ ٦﴾

“Албатта, шайтон сизларга душмандир, бас, уни душман тутингиз! У ўз фирқасини (ўзига эргашганларни) **дўзах аҳли бўлишга даъват қилур”**[199]**.**

5. ***Сақар*** (қаттиқ куйдириб жизғанак қилувчи).

﴿سَأُصۡلِيهِ سَقَرَ ٢٦﴾

“Яқинда Мен уни Сақарда (жаҳаннамда) **куйдиражакман”**[200]**.**

6. ***Жаҳийм*** (ўта иссиқ олов).

﴿وَإِنَّ ٱلۡفُجَّارَ لَفِي جَحِيمٖ ١٤﴾

“Фожирлар (кофирлар) **эса дўзахдадирлар”**[201]**.**

7. ***Ҳовия*** (қаттиқ қизиган ўт).

﴿فَأُمُّهُۥ هَاوِيَةٞ ٩ وَمَآ أَدۡرَىٰكَ مَا هِيَهۡ ١٠ نَارٌ حَامِيَةُۢ ١١﴾

“Бас, унинг онаси “ҳовия”дир”. У (ҳовия)**нинг қандай эканини сенга нима билдирди? У қаттиқ қизиган ўтдир**[202]**.**

Яхшига мукофот, ёмонга жазо бериладиган қиёмат кунида иймон келтиришдан такаббурлик қилганлар ана шундай энг ёмон жойларга гирифтор бўладилар. Жаҳаннамга ҳукм қилинганларни азоб фаришталари орқаларидан куч билан унга итариб борадилар:

---

[197] Маъориж сураси, 15, 16-оятлар.
[198] Ҳумаза сураси, 4-оят.
[199] Фотир сураси, 6-оят.
[200] Муддассир сураси, 26-оят.
[201] Инфитор сураси, 14-оят.
[202] Қориъа сураси, 9-оят.

﴿ يَوْمَ يُدَعُّونَ إِلَىٰ نَارِ جَهَنَّمَ دَعًّا ﴿١٣﴾ هَٰذِهِ ٱلنَّارُ ٱلَّتِي كُنتُم بِهَا تُكَذِّبُونَ ﴿١٤﴾ أَفَسِحْرٌ هَٰذَآ أَمْ أَنتُمْ لَا تُبْصِرُونَ ﴿١٥﴾ ٱصْلَوْهَا فَٱصْبِرُوٓا۟ أَوْ لَا تَصْبِرُوا۟ سَوَآءٌ عَلَيْكُمْ إِنَّمَا تُجْزَوْنَ مَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿١٦﴾ ﴾

“У кунда улар жаҳаннам олови сари ҳайдалурлар. (Уларга дейилур)**: “Сизлар ёлғон деб юрган дўзах мана шудир. Қани, бу ҳам сеҳрми ёки сизлар кўрмаяпсизларми?! Унда куйингиз! Энди** (унинг азобига) **хоҳ сабр қилинг, хоҳ сабр қилманг – сизларга баробардир! Сизлар фақат ўзларингиз қилиб ўтган қилмишларингиз жазосини олурсиз”[203].**

Азоб фаришталари куч билан дўзахга итариб борганларидан сўнг уларга: “Мана бу ўз кўзларингиз билан кўриб турганларингиз сизлар ёлғонга чиқарган ўт бўлади, сеҳр эканми бу, ё дунёда яхшилик ва иймонни кўрмаганларингиз каби буни ҳам кўрмаяпсизларми, энди чидайсизларми, чидамайсизларми – барибир қилиб юрган амалларингизнинг жазосини оласизлар”, – дер эканлар.

[203] Тур сураси, 13, 16-оятлар.

ЖАННАТ ВА ДЎЗАХНИНГ АБАДИЙЛИГИ БАЁНИ

19 وَلاَ تَفْنَى الْجَحِيمُ وَلاَ الْجِنَانُ وَلاَ أَهْلُوهُمَا أَهْلُ انْتِقَالِ

Маънолар таржимаси:

Дўзах ва жаннатлар йўқ бўлиб кетмайди ва иккаласининг аҳллари ҳам кўчиб ўтиш аҳли бўлмайдилар.

Назмий баёни:

Дўзаху жаннатлар ҳеч фано бўлмас,
Уларнинг аҳллари кўчмас ва ўлмас.

Луғатлар изоҳи:

لاَ – нафий ҳарфи.

تَفْنَى – (йўқ бўлмоқ) маъносидаги فَنَاءً масдаридан олинган музориъ феъли. Шу маънода дунёдан кетиши яқин қолгани эътиборидан кекса кишига ҳам “шайх фоний” сўзи ишлатилади.

الْجَحِيمُ – фоилликка кўра раф бўлиб турибди. Луғатда “қаттиқ қиздирилган олов” маъносини англатади.

لاَ – нафий ҳарфи мозий феъли билан қўлланганда такрор келиши вожиб бўлади. Музориъ феъли билан қўлланганда эса такрор келиши жоиз бўлади. Шунга кўра бу ерда لَا ҳарфи жоизликка кўра такроран келган.

الْجِنَانُ – جَنَّةٌ калимасининг кўплик шакли бўлиб, الْجَحِيمُ га атф қилингани учун раф бўлиб турибди.

لاَ – нафий ҳарфи. لَا нинг исми изофа билан маърифа бўлгани сабабли لَيْسَ нинг амалини қила олмайди[204].

---

[204] لَا ҳарфи баъзи ўринларда لَيْسَ нинг амалини, яъни мубтадони раф, хабарни насб қилади. Бунда қуйидаги шартлар топилиши керак:

1. لَا нинг исми ҳам хабари ҳам накра бўлиши керак. Масалан, لَا تِلْمِيذٌ مُقَصِّرًا مِنْ هَؤُلاَءِ التَّلاَمِيذِ
2. لَا билан исми ораси бошқа бирор калима билан ажралиб қолмаслиги керак. Фақт зарф ва жор мажрурнинг орани ажратиши мустасно ҳисобланади. Масалан, لَا عَلَيْكَ رَجُلٌ شاهدًا
3. لَا нинг нафийси إِلاَّ билан бекор қилинмаслиги керак. Агар إِلاَّ билан бекор қилинса, لَا ҳарфи لَيْسَнинг амалини қила олмайди. Масалан, لَا تِلْمِيذٌ إِلاَّ أَفْضَلُ مِنْ زُهيرٍ
4. لَا дан кейин إِنْ келмаслиги керак. Агар орқасидан إِنْ келса, لَا ҳарфи لَيْسَ нинг амалини қила олмайди. Масалан, لَا إِنْ تِلْمِيذٌ مُتَقَاعِسٌ

أَهْلُوهُمَا – замир жаннат ва дўзахга қайтади. Олдинги жумлага атф.

أَهْلُ – хабар. Аҳл калимаси бу ўринда “эга” маъносини ифодалайди.

انْتِقَالِ – бу масдар бир макондан иккинчи маконга кўчиб ўтишга нисбатан ишлатилади.

Матн шарҳи:

Жаннат ва дўзахга иймон келтириш охират кунига иймон келтиришнинг бир бўлаги ҳисобланади. Ўший раҳматуллоҳи алайҳнинг “Дўзаху жаннатлар ҳеч фано бўлмас” деган сўзлари, жаннат ҳам, дўзах ҳам яратиб қўйилган, улар ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайди, уларни Аллоҳ таоло боқий қолдиради, деган маъноларни ўз ичига олади. Яъни Аҳли сунна вал-жамоанинг эътиқодига кўра, жаннат ва дўзах ҳозирда мавжуд бўлиб, улар ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайди.

Бу масалада ҳам мўътазилийлар каби адашган тоифалар жаннат ва дўзахнинг ҳозирда яратиб қўйилганини инкор қилишиб, уларни Аллоҳ таоло қиёмат кунида яратади, агар ҳозирда мавжуд бўлса, ояти карималарда хабар берилганидек йўқ бўлиб кетишлари лозим бўлиб қолади, деган эътиқодда бўлишган. Ўзларининг бу сўзларига далиллар келтиришган:

﴿كُلُّ شَيْءٍ هَالِكٌ إِلَّا وَجْهَهُۥ﴾

“Унинг “юзи”дан бошқа барча нарса ҳалок бўлувчидир”[205].

Яъни Аллоҳ таолодан бошқа ҳар бир нарса ҳалок бўлувчидир. Бошқа бир оятда ҳам барча жонзотнинг фоний бўлиб, фақат Аллоҳ таолонинг Ўзи боқий қолиши хабар берилган:

﴿كُلُّ مَنْ عَلَيْهَا فَانٍ ﴿٢٦﴾ وَيَبْقَىٰ وَجْهُ رَبِّكَ ذُو الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ ﴿٢٧﴾﴾

“(Ер) **юзидаги барча мавжудот фонийдир. Улуғлик ва Икром эгаси бўлмиш Роббингнинг “юзи” боқий қолур”[206].**

Ушбу оятлардаги كُلٌّ калимаси عَامٌّ ва جَمِيعٌ каби умумийликни ифодаловчи калималарнинг энг кучлиси бўлиб, у чекланмаган кўпликка далолат қилади. Модомики бу калимани мазкур маъносидан бошқа маънога ўзгартирувчи далил бўлмаса, у асл ҳолида тураверади. Шунга кўра жаннату дўзах ҳозирда яратиб қўйилган бўлганида, уларнинг иккаласи ҳам, ичидагилар ҳам қиёмат кунидан олдин бошқа махлуқотлар қатори йўқ бўлиб кетиши лозим бўлиб қоларди. Уларнинг эса абадий экани, ҳеч қачон йўқ бўлмаслиги хабари

---

5. لَا ҳарфи такрор келмаслиги керак. Агар такрор келса, لَا ҳарфи لَيْسَ нинг амалини қила олмайди. Масалан, لَا لَا تِلميذٌ كَسُولٌ

[205] Қасос сураси, 88-оят.

[206] Ар-Роҳман сураси, 26, 27-оятлар.

берилган. Шунинг учун ҳам икковини Аллоҳ таоло қиёмат кунида абадий йўқ бўлмайдиган қилиб яратади, дейишган.

Уларнинг бу тушунчаларига қарши бирор кишида шак-шубҳа қолдирмайдиган даражадаги очиқ-ойдин далиллар келтирилган.

Жаннат ва дўзахнинг яратиб қўйилганига далиллар

1. Қуръонда жаннат ва дўзах ҳақида келган оятларда ўтган замонни ифодаловчи сўзлар билан хабар берилган:

﴿وَسَارِعُوٓاْ إِلَىٰ مَغۡفِرَةٖ مِّن رَّبِّكُمۡ وَجَنَّةٍ عَرۡضُهَا ٱلسَّمَٰوَٰتُ وَٱلۡأَرۡضُ أُعِدَّتۡ لِلۡمُتَّقِينَ ١٣٣﴾

“Роббингиздан бўлган мағфиратга ва кенглиги осмонлару ерча бўлган, тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган жаннатга шошилинг”[207].

Ушбу ояти каримада жаннатнинг тайёр қилиб қўйилгани хабари берилган.

﴿وَٱتَّقُواْ ٱلنَّارَ ٱلَّتِيٓ أُعِدَّتۡ لِلۡكَٰفِرِينَ ١٣١﴾

“Кофирлар учун тайёрлаб қўйилган дўзахдан сақланингиз!”[208].

Бу ояти каримада эса дўзахнинг тайёрлаб қўйилгани хабар берилган. Мазкур ояти карималарда жаннат ва дўзах ҳақида “тайёрлаб қўйилган” дея ўтган замонни ифодаловчи сўз билан келтирилиши ҳозирда мавжуд эканига ва тайёрлаб қўйилганига далолат қилади.

2. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Меърожда жаннат ва дўзахни кўрганлар. Кўрилган нарса эса мавжуд нарса бўлиши ҳеч кимга сир эмас.

﴿وَلَقَدۡ رَءَاهُ نَزۡلَةً أُخۡرَىٰ ١٣ عِندَ سِدۡرَةِ ٱلۡمُنتَهَىٰ ١٤ عِندَهَا جَنَّةُ ٱلۡمَأۡوَىٰٓ ١٥﴾

“Қасамки, (Муҳаммад Жаброилни илк бор Ерда кўргач, яна) **иккинчи бор кўрди.** “**Сидратул-мунтаҳо” дарахти олдида. “Маъво боғи” ҳам ўша** (дарахт)**нинг олдидадир”[209].**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам “Сидратул мунтаҳо”га борганларидан сўнг жаннатга кирганлар ва унинг қандай эканини тасвирлаб берганлар:

ثُمَّ دَخَلْتُ الْجَنَّةَ فَإِذَا فِيهَا جَنَابِذُ اللُّؤْلُؤِ وَإِذَا تُرَابُهَا الْمِسْكُ

[207] Оли Имрон сураси, 133-оят.
[208] Оли Имрон сураси, 131-оят.
[209] Нажм сураси, 13, 15-оятлар.

“... Сўнгра жаннатга кирдим, у ерда марварид гумбазлар бор экан, унинг тупроғи мушк экан”. *Бухорий ривоят қилган.*

3. Аллоҳ таоло жаннат ва дўзахни яратганидан сўнг Жаброил алайҳиссаломни кўришга юборгани ҳақидаги ривоят ҳам иккисининг яратилиб қўйилганига далилдир:

عن أَبِي هُرَيْرَةَ عن رَسُولِ الله صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ **لَمّا خَلَقَ الله الْجَنّةَ وَالنّارَ أَرْسَلَ جِبْرَيلَ إِلَى الْجَنّةِ فَقَالَ انْظُرْ إِلَيْهَا وَإِلَى مَا أَعْدَدْتُ لأَهْلِهَا فِيهَا قَالَ فَجَاءَهَا وَنَظَرَ إِلَيْهَا وَإِلَى مَا أَعَدّ الله لأَهْلِهَا فِيهَا قالَ فَرَجَعَ إِلَيْهِ قالَ فَوَعِزّتِكَ لاَ يَسْمَعُ بِهَا أَحَدٌ إلا دَخَلَهَا فَأَمَرَ بِهَا فَحُفّتْ بِالمكَارِهِ فَقَالَ ارْجِعْ إِلَيْهَا فَانْظُرْ إِلَيْهَا وَإِلَى مَا أَعْدَدْتُ لأَهْلِهَا فِيهَا قالَ فَرَجَعَ إِلَيْهَا فَإِذَا هِيَ قَدْ حُفّتْ بِالمكَارِهِ فَرَجَعَ إِلَيْهِ فَقَالَ وَعِزّتِكَ لَقَدْ خِفْتُ أَنْ لاَ يَدْخُلَهَا أَحَدٌ قالَ اذْهَبْ إِلَى النّارِ فَانْظُرْ إِلَيْهَا وَإِلَى مَا أَعْدَدْتُ لأَهْلِهَا فِيهَا فَإِذَا هِيَ يَرْكَبُ بَعْضُهَا بَعْضاً فَرَجَعَ إِلَيْهِ فَقَالَ وَعِزّتِكَ لاَ يَسْمَعُ بِهَا أَحَدٌ فَيَدْخُلُهَا فَأَمَرَ بِهَا فَحُفّتْ بِالشّهَوَاتِ فَقَالَ ارْجَعْ إِلَيْهَا فَرَجَعَ إِلَيْهَا فَقَالَ وَعِزّتِكَ لَقَدْ خَشِيتُ أَنّ لاَ يَنْجُوَ مِنْهَا أَحَدٌ إِلاّ دَخَلَهَا.**

رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Аллоҳ таоло жаннатни ва дўзахни яратган вақтида Жаброилни жаннатга жўнатиб: “Унга ва у ерда унинг аҳли учун тайёрлаб қўйган нарсаларимга қара”, – деди. У келиб унга ва у ерда Аллоҳ таоло унинг аҳли учун тайёрлаб қўйган нарсаларига қаради-ю, бирдан Аллоҳнинг ҳузурига қайтиб: “Иззатингга қасам ичиб айтаманки, у ҳақида эшитган кимса борки, албатта унга киради”, – деди. Аллоҳ жаннатга амр қилди, у ёқимсиз нарсалар билан ўралди. Аллоҳ таоло Жаброилга: “Унга қайт ва у ерда унинг аҳли учун тайёрлаб қўйган нарсаларимга қара”, – деди. Жаброил унга қайтиб келиб қараса, у ёқимсиз нарсалар билан ўралибди. У Аллоҳ ҳузурига қайтди ва: “Иззатингга қасам ичиб айтаманки, унга бирор кимса киролмаса керак, деб хавфсираб қолдим”, – деди. Аллоҳ таоло унга: “Дўзахга бор унга ва у ерда унинг аҳли учун тайёрлаб қўйган нарсаларимга қара”, – деди. Бас унинг баъзиси баъзисининг устига чиқиб турган эди. У Аллоҳ ҳузурига қайтди ва: “Иззатингга қасам ичиб айтаманки, унга у ҳақида эшитмаган кимсагина кирса керак”, – деди. Аллоҳ унга амр қилди, у шаҳватлар билан ўралди. Аллоҳ таоло: “Унга қайтиб бориб қара”, – деди. Жаброил қайтиб бориб қаради ва: “Иззатингга қасам ичиб айтаманки, ундан бирор кимса нажот топа олмай унга кириб кетса керак, деб қўрқиб қолдим”, – деди”,** – деб айтдилар”. *Термизий ривоят қилган.*

Ушбу хабарлар ҳозирда жаннат ҳам, дўзах ҳам яратиб қўйилганига очиқ-ойдин далиллардир. Энди уларнинг كُلٌّ калимасини ўз маъносидан бурувчи далил бўлмаса, у асл ҳолида тураверади, деган сўзларига қуйидагилар билан

жавоб берилган: юқоридаги далиллардан жаннат ва дўзахнинг ҳозирда мавжуд эканлиги собит бўлди. Мавжудлиги собит бўлган жаннат учун тугаш йўқлигини Аллоҳ таоло шундай хабар берган:

﴿ إِنَّ هَٰذَا لَرِزْقُنَا مَا لَهُۥ مِن نَّفَادٍ ﴿٥٤﴾ ﴾

“Албатта, бу Бизнинг (жаннат аҳлига берадиган) **ризқимиздирки, унда тугаш бўлмас”[210].**

Жаннатдаги неъматларнинг доимийлиги ҳақида:

﴿ مَّثَلُ ٱلْجَنَّةِ ٱلَّتِى وُعِدَ ٱلْمُتَّقُونَ ۖ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ ۖ أُكُلُهَا دَآئِمٌ وَظِلُّهَا ۚ ﴾

“Тақводорлар учун ваъда қилинган жаннатнинг мисоли: унинг остида анҳорлар (доимо) **жорий, мевалари ва соялари боқийдир”[211].**

Ҳадиси шарифда жаннатдаги неъматларнинг доимийлиги ҳақида шундай хабар берилган:

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ وَأَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قال **إِذَا دَخَلَ أَهْلُ الجَنَّةِ الجَنَّةَ يُنَادِي مُنَادٍ إِنَّ لَكُمْ أَنْ تَحْيَوْا ، فَلا تَمُوتُوا أَبَداً إِنَّ لَكُمْ أَنْ تَصِحُّوا فلا تَسْقَمُوا أبداً وإِنَّ لَكمْ أَنْ تَشِبُّوا فلا تَهْرَمُوا أبداً وَإِنَّ لَكُمْ أَنْ تَنْعَمُوا فَلا تَبْأسُوا أَبَداً.** رَوَاهُ مُسْلِمٌ

Абу Саид ва Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳумолардан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Қачон жаннат аҳли жаннатга кирсалар, бир нидо қилгувчи: “Албатта, яшашларингиз сизларга, ҳеч қачон ўлмайсизлар, албатта, соғлом бўлишларингиз сизларга, ҳеч қачон касал бўлмайсизлар, албатта, ёш бўлишларингиз сизларга, ҳеч қачон қаримайсизлар, албатта, ҳузур-ҳаловатда яшамоқларингиз сизларга, ҳеч қачон бахтсиз бўлмайсизлар”, – дея нидо қилади”,** – дедилар”. *Муслим ривоят қилган.*

Жаннатдаги неъматлар абадий бўлганидек, дўзахдаги азоблар ҳам абадийлиги ҳақида шундай хабар берилган:

﴿ إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مِنْ أَهْلِ ٱلْكِتَٰبِ وَٱلْمُشْرِكِينَ فِى نَارِ جَهَنَّمَ خَٰلِدِينَ فِيهَآ ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ هُمْ شَرُّ ٱلْبَرِيَّةِ ﴿٦﴾ ﴾

“Албатта, аҳли китоб ва мушриклардан бўлган куфр келтирганлар жаҳаннам ўтидадирлар, у ерда абадий қолурлар. Ундайлар халойиқнинг энг ёмонидирлар”[212].

---

[210] Сод сураси, 54-оят.
[211] Раъд сураси, 35-оят.
[212] Баййина сураси, 6-оят.

Хулоса қилиб айтганда, жаннат ҳам, дўзах ҳам ҳозирда мавжуд, улар ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайди. Уламолар яратилган нарсаларни йўқ бўлиш ё бўлмаслиги жиҳатидан иккига ажратганлар:

1. Аввали ҳам, охири ҳам бор нарсалар. Масалан, дунё ва ундаги нарсалар;
2. Аввали бор, охири йўқ нарсалар. Масалан, жаннат, дўзах ва улардаги нарсалар.

Демак, жаннат ва дўзах Аллоҳ таолонинг йўқдан бор қилиши билан вужудга келган бўлса, худди шундай Аллоҳ таолонинг йўқ қилиб юбормаслиги билан доимий бор бўлиб туради.

ЖАННАТДА АЛЛОҲ ТАОЛОНИ КЎРИШ БАЁНИ

20 يَرَاهُ الْمُؤْمِنُونَ بِغَيْرِ كَيْفٍ وَإِدْرَاكٍ وَضَرْبٍ مِنْ مِثَالِ

Маънолар таржимаси:

Мўминлар Уни қандайдир бир ҳолатсиз ҳамда бирор идрок қилишсиз, ва “зарбул масал”сиз кўрадилар.

Назмий баёни:

Мўминлар кўрарлар Уни шаклсиз
Ҳамда идроксизу, “зарбул масал”сиз.

Луғатлар изоҳи:

يَرَاهُ – феъл ва мафъул. هُ замир жумлада зикр қилинмаган Аллоҳ лафзига қайтади. Кўзланган маъно аниқ бўлгани учун зикр қилинмаган лафзга ҳам замир қайтарилган.

الْمُؤْمِنُونَ – жам музаккар солим. Фоилликка кўра раф бўлиб турибди.

بِ – “сабабия” маъносида келган жор ҳарфи.

غَيْرِ – ҳол бўлиб келган. Жор мажрур يَرَاهُ га мутааллиқ.

كَيْفٍ – Бу калима, аслида, ҳолатни сўраш учун ишлатилади. Масалан كَيْفَ رَأَيتَ فُلاَنًا (фалончини қандай ҳолатда кўрдинг?), дейилса, бунга жавобан “фалон жойда кўрдим”, “ўтирганини кўрдим”, “турганини кўрдим” каби жавоблар берилади. Нозим бу ерда бандалар Роббиларини ана шундай бандаларга хос сифатларсиз кўришларини баён қилган.

وَ – мутлақ жамлаш учун келган атф ҳарфи.

اِدْرَاكٍ – идрок қилиш деганда бирор нарсанинг моҳиятини тўлиқ қамраб олиш тушунилади. Бу билан Нозим кўзлар Аллоҳ таолони идрок эта олмаслиги оятда баён қилинганига ишора қилган.

ضَرْبٍ مِنْ مِثَالِ – مِنْ зоида жор ҳарфи. “Зарбул масал” деганда ақлан ҳис қилинадиган нарсани тасвирлаб бериш тушунилади. Нозим мўминлар Аллоҳ таолони қандай кўрганларини тасвирлаб бера олмасликларини ушбу калималар билан баён қилган.

Матн шарҳи:

Мўминлар жаннатга киргач, уларга кўзлар кўрмаган ва қулоқлар эшитмаган сон-саноқсиз неъматлар ато қилинади. Ўша неъматларнинг энг улуғи Аллоҳ таолога назар солиш ҳисобланади. Бундай улуғ бахтга муяссар бўлган бандалар Аллоҳ таолони кўрадилар. Ўший раҳматуллоҳи алайҳ мўминларнинг Аллоҳ таолони кўришлари қандай бўлиши ҳақида сўз юритиб, Уни шаклсиз, идроксиз ва бирор тимсолсиз кўришларини баён қилганлар. Шаклсиз ва тимсолсиз кўриш ҳақидаги сўз худди Сўфи Оллоҳёр бобомиз айтганлари кабидир:

Кўнгулда кечса, кўзга тушса ҳар шай
Эрур андин муназзаҳ Холиқи Ҳай[213].

Яъни инсоннинг кўнглида Аллоҳ таолонинг қандайлиги тўғрисида қандай фикр ўтса ўтсин, унинг кўзига қандай улуғвор нарса кўринса кўринсин, Аллоҳ таоло барчасидан бошқача бўлган, олий ва буюк Зотдир.

Идроксиз кўриш деганда эса кўрилган нарсани тасвирлаб бера олмайдиган, унинг қандайлигини тушунтириб бера олмайдиган ҳамда ёдида сақлаб қола олмайдиган даражада кўриш маънолари тушунилади. Шу маънода мўминлар Аллоҳ таолонинг жамолига шаклсиз, идроксиз ва бирор тимсолсиз равишда назар ташлайдилар. Бу ҳақида шундай хабар берилган:

﴿ وُجُوهٌ يَوْمَئِذٍ نَّاضِرَةٌ ﴿٢٢﴾ إِلَىٰ رَبِّهَا نَاظِرَةٌ ﴿٢٣﴾ ﴾

“У кунда чиройли юзлар бор. Ўз Роббисига назар солувчилар”[214].

Кофирлар эса ўша кунда Аллоҳ таолони кўришдан тўсиладилар. Бу ҳақида Қуръони каримда қуйидагича хабар берилган:

﴿ كَلَّآ إِنَّهُمْ عَن رَّبِّهِمْ يَوْمَئِذٍ لَّمَحْجُوبُونَ ﴿١٥﴾ ﴾

“Йўқ!!! Албатта, улар ўша кунда ўз Роббиларини кўришдан тўсилурлар”[215].

“Имом Шофеий раҳматуллоҳи алайҳ: “Ушбу оятда мўминларнинг Аллоҳ таолони кўришларига далил бор”, деган.

Имом Молик раҳматуллоҳи алайҳ: “Унинг душманлари тўсилган ва Уни кўра олмаганларидан кейин, Ўзининг дўстларига тажаллий (ўзини намоён) қиладики, У зотни кўрадилар”, - деган.

Бошқа бир ояти каримада кўзларнинг Уни идрок эта олмаслиги хабар берилган:

﴿ لَّا تُدْرِكُهُ ٱلْأَبْصَٰرُ وَهُوَ يُدْرِكُ ٱلْأَبْصَٰرَ ۖ ﴾

---

[213] Сўфи Оллоҳёр. Саботул ожизин. – Тошкент: “Чўлпон нашриёти”, 1991. – Б. 9.
[214] Қиёмат сураси, 22, 23-оятлар.
[215] Мутаффифун сураси, 15-оят.

“Кўзлар Уни идрок этмас. Кўзларни У идрок этар”[216].

Бу ояти кариманинг маъноси беш хил таъвил қилинган:

1. Уни кўзлар иҳота қила олмайди. У кўзларни иҳота қилади;

2. Кўзлар Уни кўрмайди. У кўзларни кўради; Бу сўзни айтувчилар иккита далил келтирадилар:

а) кўзлар олдиларидаги нарсаларни кўради. Кўзлар билан кўриладиган нарсалар орасида фазо бўлиши керак. Шу боис ўзларига жипс бўлиб турган нарсаларни кўрмайди. Агар кўзлар Уни кўрса, У чегараланиб қолиши лозим бўлиб қолади, шунинг учун кўзлар Уни кўрмайди;

б) эшитиш овозларни идрок этганидек, кўриш рангларни идрок этади. У зотни ранглар билан васф қилиш мумкин бўлмаганидек, кўриш билан ҳам васф қилиш мумкин бўлмайди.

3. Бу дунёда махлуқларнинг кўзлари Уни идрок эта олмайди. Охиратда эса “**Роббисига назар солувчилар**” маъносидаги оятнинг тақозосига кўра Уни идрок этадилар. У зот эса дунёю охиратда кўзларни идрок этади;

4. Дунёю охиратда золимларнинг кўзлари Уни идрок эта олмайди. Мўминларнинг кўзлари Уни идрок этади. Чунки идрок этиш осийлардан ман қилиниб, мўминларга ато этиладиган иззат-икромдир;

5. Кўзлар Уни дунёю охиратда идрок эта олмайди. Лекин Аллоҳ таоло Ўзининг дўстларига улардаги бешта сезгилардан[217] бошқа олтинчи сезгини яратади, Уни ўша алоҳида сезги билан кўрадилар[218].

Аллоҳ таолони кўришнинг ҳақ экани ҳадиси шарифларда ҳам баён қилинган.

عَنْ جَرِيرِ بْنِ عَبْدِ اللهِ البَجَلِيِّ قَالَ كُنَّا عِنْدَ النبيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَنَظَرَ إِلَى القَمَرِ لَيْلَةَ البَدْرِ فَقَالَ **إِنَّكُمْ سَتَرَونَ رَبَّكُمْ كَمَا تَرَوْنَ هَذَا القَمَرَ لا تُضَامُّونَ فِي رُؤْيَتِهِ فَإِنِ اسْتَطَعْتُمْ أَنْ لاَ تُغْلَبُوا عَلَى صَلاَةٍ قَبْلَ طُلُوعِ الشَّمْسِ وَقَبْلَ غُرُوبِهَا فَافْعَلُوا**. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ

Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Бизлар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдик, у зот тўлин ой кечасида ойга назар солдилар-да: **“Сизлар яқинда Роббиларингизни бу ойни кўргандек кўрасизлар, Уни кўришда қийналмайсизлар, агар қуёш чиқишидан олдин ва ботишидан олдин намозга куч сарфлашга қодир бўлсаларингиз, албатта, уни адо қилинглар”,** – дедилар”. *Муттафақун алайҳ.*

Шарҳ: “Уламолар айтадиларки, Аллоҳ таолони кўриш ҳақидаги сўзда бу икки намознинг зикр қилиниш сабаби шуки, намоз тоатнинг афзалидир. Қолаверса, бу икки намоз, (бомдод ва аср) фаришталар жамланиши, амалларнинг кўтарилиши каби фазилатлар билан бошқа намозлардан афзаллиги

---

[216] Анъом сураси, 103-оят.

[217] Инсондаги сезгилар: 1. Эшитиш; 2. Кўриш; 3. Ҳидлаш; 4. Там билиш; 5. Теккизиб билиш.

[218] Али ибн Муҳаммад. Нукату вал Уъюн. “Мактабатуш шомила”. – Б. 151.

собит бўлган. Бу икки намоз намозларнинг энг афзали бўлганидан кейин уларни ўз вақтида адо этувчиларга энг афзал мукофот муносиб бўлади. Энг афзал мукофот эса Аллоҳ таолога назар солишдир”[219].

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “Бу ойни кўргандек кўрасизлар” дейишлари кўриладиганни кўриладиганга ўхшатиш эмас, балки кўришни кўришга ўхшатишдир. Аллоҳ таолони кўришни ойни кўришга ўхшатишда икки хил маъно бор:

1. Тўлин ой кечасида ойни кўриш тўғрисида ҳеч қандай шак-шубҳа бўлмайди;

2. Ойни кўришда кўрувчилар қанча кўп бўлишларидан қатъи назар ҳеч бир машаққатсиз барчалари баравар кўраверадилар”[220].

[219] Файсол ибн Абдулазиз. Татрийзу Риёзис солиҳийн. “Мактабатуш шомила”. – Б. 99.
[220] Ибн Ражаб. Фатҳул Борий. “Мактабатуш шомила”. – Б. 134.

ЖАННАТДАГИ ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ

21 فَيَنْسَوْنَ النَّعِيمَ اِذَا رَأَوْهُ فَيَا خُسْرَانَ أَهْلِ الاِعْتِزَالِ

Маънолар таржимаси:

Уни кўрган вақтларида неъматларни унутадилар, бас, эй *(одамлар)* ***мўътазилийларнинг адашишлари*** *(дан эҳтиёт бўлинглар).*

Назмий баёни:

Неъматлар унутилар Уни кўрсалар қачон,
Ҳазир бўлинг, мўътазила аҳлига зиён.

Луғатлар изоҳи:

فَ – “таъқийб” маъносида келган атф ҳарфи. Жумлани жумлага атф қилган.

يَنْسَوْنَ – тарк қиладилар, маъносидаги музориъ феъли.

النَّعِيمَ – мафъулликка кўра насб бўлиб турибди.

اِذَا – “шартия” маъносида келган зорф ҳарфи.

رَأَوْهُ – феъл, фоил ва мафъул. رَأَى феъли кўз билан қарашга нисбатан ҳам, ақл билан қарашга нисбатан ҳам ишлатилади. Бу ерда кўз билан қараш маъносида ишлатилган.

فَ – “таълилия” (изоҳлаш) маъносида келган.

يَا – яқинга ҳам, узоққа ҳам ишлатиладиган нидо ҳарфи. Мунодоси маҳзуф.

خُسْرَانَ – маҳзуф феълнинг мафъули бўлганига кўра насб бўлиб турибди. Луғатда “зарар кўриш”, “ҳалок бўлиш” ва “адашиш” маъноларини англатувчи масдар исм.

أَهْلِ الاِعْتِزَالِ – музофун илайҳ. Эътизол аҳлидан мўътазилий фирқаси назарда тутилган. إِعْتَزَلَ феъли бировнинг бирор нарсадан воз кечиб, уни ўзи ташлаб кетишига нисбатан ишлатилади. إِنْعَزَلَ феъли эса бировнинг бошқа биров томонидан бирор нарсадан четлаштирилишига нисбатан ишлатилади.

Матн шарҳи:

Жаннатийларга кўзлар кўрмаган, қулоқлар эшитмаган сон-саноқсиз неъматлар ато қилинади. Жаннатдаги неъматлар шундай васф қилинган:

﴿ عَلَىٰ سُرُرٍ مَّوْضُونَةٍ ﴿١٥﴾ مُّتَّكِـِٔينَ عَلَيْهَا مُتَقَـٰبِلِينَ ﴿١٦﴾ يَطُوفُ عَلَيْهِمْ وِلْدَٰنٌ مُّخَلَّدُونَ ﴿١٧﴾
بِأَكْوَابٍ وَأَبَارِيقَ وَكَأْسٍ مِّن مَّعِينٍ ﴿١٨﴾ لَّا يُصَدَّعُونَ عَنْهَا وَلَا يُنزِفُونَ ﴿١٩﴾ وَفَـٰكِهَةٍ مِّمَّا يَتَخَيَّرُونَ
﴿٢٠﴾ وَلَحْمِ طَيْرٍ مِّمَّا يَشْتَهُونَ ﴿٢١﴾ وَحُورٌ عِينٌ ﴿٢٢﴾ كَأَمْثَـٰلِ ٱللُّؤْلُوِ ٱلْمَكْنُونِ ﴿٢٣﴾ جَزَآءًۢ بِمَا كَانُوا۟
يَعْمَلُونَ ﴿٢٤﴾ ﴾

“(Улар олтиндан) **ясалган сўриларда, ястанган ҳолларида бир-бирларига юзма-юз бўлиб** (ўтирурлар)**. Устиларида эса мангу ёш болалар айланиб** (хизматда) **юрурлар оқар чашмадан олинган** (май тўла) **қадаҳлар, кўзалар ва косалар билан. У** (май)**лардан уларнинг бошлари ҳам оғримас, маст ҳам бўлмаслар. Яна ўзлари танлаб оладиган мева билан, иштаҳалари тортадиган қуш гўштлари билан ҳам** (таъминлаб турурлар)**. Яна** (улар учун) **оппоқ юзли катта ва чиройли кўзли ҳур қизлар ҳам бўлурки, улар худди** (пардага) **ўралган дурлар кабидирлар.** (Бу) **улар** (дунёда) **қилиб ўтган амалларининг мукофотидир”[221].**

Шунчалик ажойиб нозу неъматлар ичида бўлган жаннатийлар Аллоҳ таолонинг жамолини кўрган пайтларида олдиларидаги барча неъматларни унутар эканлар. Шу маънода Ҳишом ибн Ҳассон: “Албатта, Аллоҳ таоло жаннат аҳлига Ўзини намоён қилади. Жаннат аҳли Уни кўрган пайтларида жаннат неъматларини унутадилар”, – деган[222].

Аммо жаннатийлар Аллоҳ таолони кўрганларидан сўнг жаннат неъматлари уларга арзимас бўлиб қолмайди. Балки жаннатийлар Аллоҳ таолони кўрган вақтларида, Унинг тасвирлаб бўлмайдиган даражада улуғлигидан бошқа неъматларни унутиб, унга маҳлиё бўлиб қоладилар. У зот жамолини тўсгандан кейин эса кўрилган нарсани тасвирлаб, тушунтириб бера олмасликлари, ёдда сақлаб қола олмасликлари, қандай эканини идрок эта олмасликлари сабабли яна жаннат неъматларидан роҳатланиб яшайверадилар.

Мулла Али Қори байтдаги فَيَا خُسْرَانَ маъносидаги сўзни грамматик жиҳатдан шарҳлаб, ҳарфи нидонинг мунодоси маҳзуф деганлар ва бу сўзларига имом Шотибийнинг[223] сўзларидан далил келтирган:

---

[221] Воқеа сураси, 15, 24-оятлар.

[222] Ибн Батто. Ибонатул Кубро 6-жуз. “Мактабатуш шомила”. – Б. 96.

[223] Имом Шотибий қироат имомларидан бири бўлиб, ҳижрий 590 йилда вафот этган. Қироат илмига бағишлаб ёзилган “Ҳирзул аманий” асари 1173 байтдан иборатдир. Имом Шотибий қироат илми имоми бўлиши билан бир қаторда луғат ва грамматика илмининг ҳам билимдони бўлган. У зот шу қадар иқтидорли бўлганки, мазкур 1173 байтдан иборат бўлган шеърий асарининг ҳар бир қаторини لا ҳарфи билан тугаллаб ёзган.

Уламолар араб тили билимдони сифатида машҳур бўлган зотларнинг сўзларини наҳв сарф қоидаларидан бирортасини исботлаш учун келтирадилар. Шу маънода Мулла Али Қори ҳам бу зотнинг сўзларини далил қилиб келтирган.

وَلَوْ أَنَّ عَيْناً سَاعَدتْ لتَوَكَّفَتْ سَحَائِبُهَا بِالدَّمْعِ دِيماً وَهُطّلاَ

وَلكِنَّها عَنْ قَسْوَةِ الْقَلْبِ قَحْطُهاَ فَيَا ضَيْعَةَ الأَعْمَارِ تَمْشِى سَبَهْلَلاَ

Агар кўз ёрдам берса, булутлари қуярди,
Давомли ёш ёмғирларин киприклардан бетиним.
Лекин қалб қаттиқлиги уларни қуруқ қилди.
Эй (халойиқ, сақланинглар) умрларнинг зое ўтишидан[224].

Яъни ушбу فَيَا ضَيْعَةَ الْأَعْمَارِ ҳам нидо ҳарфидан сўнг “халойиқ” деган мунодо ҳазф қилинган.

Мулла Али Қори “Ҳазир бўлинг мўътазила аҳлига зиён” деган байтда мўътазилий фирқасидагилар борди-ю жаннатга кирсалар ҳам, кўришни инкор қилганликлари сабабли ушбу улуғ неъматдан маҳрум бўлишларига ишора бор, деган. Чунки банда Аллоҳ таоло тўғрисида қандай ўйласа, унга бериладиган жазо ё мукофотнинг ўша ўйга мувофиқ бўлиши хабарларда келган:

عَنْ حِبَّانَ بْنِ أَبِي النَّضْرِ قَالَ خَرَجْتُ عَائِدًا لِيَزِيدَ بْنِ الأَسْوَدِ فَلَقِيتُ وَاثِلَةَ بْنَ الأَسْقَعِ وَهُوَ يُرِيدُ عِيَادَتَهُ فَدَخَلْنَا عَلَيْهِ فَلَمَّا رَأَى وَاثِلَةَ بَسَطَ يَدَهُ وَجَعَلَ يُشِيرُ إِلَيْهِ فَأَقْبَلَ وَاثِلَةُ حَتَّى جَلَسَ فَأَخَذَ يَزِيدُ بِكَفَّيْ وَاثِلَةَ فَجَعَلَهُمَا عَلَى وَجْهِهِ فَقَالَ وَاثِلَةُ كَيْفَ ظَنُّكَ بِاللهِ قَالَ ظَنِّي بِاللهِ وَاللهِ حَسَنٌ قَالَ فَأَبْشِرْ فَإِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ **قَالَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ أَنَا عِنْدَ ظَنِّ عَبْدِي بِي إِنْ ظَنَّ خَيْرًا فَلَهُ وَإِنْ ظَنَّ شَرًّا فَلَهُ.** رَوَاهُ أَحْمَدُ بْنُ حَنْبَلٍ

Ҳиббон ибн Аби Назрдан ривоят қилинади: “Язид ибн Асвадни (бемор бўлиб ётган эди) кўргани чиқдим. Йўлда Восила ибн Асқоъга йўликдим, у ҳам Язид ибн Асвадни кўргани кетаётган экан. Иккаламиз унинг ёнига кирдик. У Восилани кўргач, унга қўлларини чўзиб, ёнига ишора қилди. Восила унинг ёнига бориб ўтирди. Язид Восиланинг иккала кафтларини ушлаб, ўз юзига босди. Восила унга: “Аллоҳ тўғрисида қандай ўйдасан”, – деди. У: “Аллоҳга қасамки, Аллоҳ тўғрисидаги ўйим яхшидир”, – деди. Восила унга: “Хурсанд бўлавер, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“Аллоҳ азза ва жалла айтдики: “Мен бандамнинг мен тўғримда қилган ўйидаман, агар яхши ўйлаган бўлса, ўзига яхши, агар ёмон ўйлаган бўлса, ўзига ёмон”,** деганларини эшитганман”, – деди”. *Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган.*

Шунинг учун ҳар бир мўмин киши, иншоаллоҳ, Аллоҳ мени кечиради, жаннатига киритади ва у ерда Унинг жамолини кўраман, деган ўйда бўлиб, шу ўйига яраша ҳаракат қилиб бориши керак.

[224] Имом Шотибий “Ҳирзул аманий” 82-83-байтлар. “Мактабатуш шомила”.

АЛЛОҲ АДОЛАТЛИ ВА РАҲМАТЛИ ЗОТДИР

22 وَمَا إِنْ فِعْلُ أَصْلَحَ ذُو افْتِرَاضٍ عَلَى الْهَادِي الْمُقَدَّسِ ذِي التَّعَالِي

Маънолар таржимаси:

Олийлик соҳиби муқаддас *(махлуқларнинг сифатларидан холи)* ***Ҳодийга “аслаҳ иши” асло фарз бўлмайди.***

Назмий баёни:

“Аслаҳ иши” фарз эмас улуғ Ҳодийга,
Нуқсонлардан холи Мутаъолийга.

Луғатлар изоҳи:

مَا – нафий ҳарфи. Нафийни таъкидловчи зоида إِنْ билан бирга келгани сабабли لَيْسَ нинг амалини қила олмайди[225].

إِنْ – нафийни таъкидлаб келган зоида ҳарф.

فِعْلُ – мубтадо. Музоф бўлгани учун танвинли бўлмайди.

أَصْلَحَ – музофун илайҳ, ғойру мунсориф бўлгани учун фатҳа билан мажрур бўлиб турибди.

ذُو – хабар бўлгани учун марфуъ бўлиб турибди. Таҳқиқларга кўра ушбу таркиб мўътабар ҳисобланади.

افْتِرَاضٍ – музофун илайҳ. Луғатда “зиммага юклаш” маъносидаги масдар.

عَلَى – “истеъло” (устун бўлиш) маъносида келган жор ҳарфи.

الْهَادِي – Ҳодий Аллоҳ таолонинг исмларидан бири бўлиб, луғавий жиҳатдан икки хил маънони ифодалайди:

1. Тўғри йўлни кўрсатувчи;
2. Ҳидоятни яратувчи.

الْمُقَدَّسِ – луғатда “нолойиқ сифатлардан холи” маъносини англатади. Нозим бу сўз билан Аллоҳ таолонинг اَلْقُدُّوسُ исмига ишора қилган.

---

[225] Бу ҳақидаги маълумот 11- байтнинг изоҳида баён қилинди.

ذِي التَّعَالِي – луғатда “олийлик соҳиби” маъносини англатади. ذِي “асмои ситта”дан бири бўлиб, “соҳиб” маъносини англатади. الْهَادِي га сифат бўлгани учун мажрур бўлиб турибди. Бу сифат билан Аллоҳ таолонинг اَلْمُتَعَالِي исмига ишора қилинган.

Матн шарҳи:

Ушбу байт ҳам мўътазилий фирқасига раддия тарзида ёзилган байтлардан биридир. Ўзларини “Адолат ва тавҳид тарафдорлари” деб аташган бу фирқа “Аллоҳ адолатли зот, шунинг учун Унга бандаларга яхши бўлган ишни ихтиёр қилиш вожиб бўлади”, деган даъвони қилишгани учун уларга раддия маъносида мазкур баҳслар қилинган. Уларнинг ўзлари ҳам бу масалада ўзаро ихтилоф қилишган. Уларнинг асосий даъволари шуки, “Солаҳ” (яхшилик қилиш) ва “Аслаҳ” (ҳиммат кўрсатиш) Аллоҳ таолонинг зиммасига вожиб бўлади. “Солаҳ” деганда куфрнинг муқобилидаги иймон, касалликнинг муқобилидаги соғлик каби, фасод ишнинг муқобилидаги яхши ишлар тушунилади. Агар бандага икки ишдан бири – ё унинг жаннатга кириши, ё дўзахга кириши каби иш рўбарў бўладиган бўлса, Аллоҳ таолонинг зиммасига банда учун “солаҳ” бўлган ишни қилиши ва шунга кўра, уни жаннатга киритиши вожиб бўлади. “Аслаҳ” (ҳиммат кўрсатиш) деганда эса банданинг қилган амалига яраша савоб бериш муқобилидаги амалидан кўпроқ савоб бериш каби ишлар тушунилади. Агар банда учун “солаҳ” бўлган жаннатда бўлиши ё “аслаҳ” бўлган” ундаги олий мақомда бўлиши каби икки иш кўндаланг келиб қолса, Аллоҳ таолонинг зиммасига “аслаҳ” вожиб бўлгани учун уни жаннатдаги олий мартабага кўтариши лозим бўлади”.

Мўътазилийларнинг ушбу даъвоси Имом Ашъарийнинг уларнинг йўллари хато эканини англаб етишига сабаб бўлган масала ҳисобланади. Ушбу масала ҳақида имом Ашъарий ва мўътазилий етакчиси Абу Али Жуббоий ўртасида қуйидаги баҳс-мунозара бўлиб ўтган:

Имом Ашъарий: “Уч киши ҳақида нима дейсиз, улардан бири мўмин ҳолида, иккинчиси кофир ҳолида, учинчиси ёш бола ҳолида дунёдан ўтган бўлса, уларнинг оқибати нима бўлади”, - деди.

Жуббоий: “Мўмин жаннат билан мукофотланади, кофир дўзах билан жазоланади, ёш бола эса мукофотланмайди ҳам, жазоланмайди ҳам”, - деб жавоб берди.

Имом Ашъарий: “Агар ёш бола жаннатга киришни хоҳласа унинг жаннатга кириши мумкин эмасми”, - деди.

Жуббоий : “ЙЎқ, унга: “Жаннатга солиҳ амал қилган мўмин киради, сенинг эса амалинг йўқ” деб жавоб берилади”, - деди.

Имом Ашъарий: “Агар ёш бола айб менда эмас-ку, агар мен улғайганимда солиҳ амалларни жаннатга кирган бўлур эдим”, деса унга нима дейилади”, - деди.

Жуббоий: “Аллоҳ таоло унга: “Агар сен улғайганингда исён қилиб жазога гирифтор бўлишингни билган эдим. Шунинг учун сенга “солаҳ” (яхши бўлган иш)ни ихтиёр қилиб ёшлигингда вафот эттирдим, - дейди” – деб жавоб берди.

Имом Ашъарий: “Ундай бўлса дўзахга гирифтор бўлган кофир: “Унинг ҳолатини билганингдек меникиниҳам биласан-ку, нима учун менга “солаҳ” (яхши бўлган иш)ни ихтиёр қилмадинг”, деса унга нима жавоб бўлади”, - деди.

Жуббоий нима дейишни билмай жим қолди.

Ана шундан кейин Имом Ашъарий мўътазилий фирқасининг қарашларини чуқур таҳлил қилиб уларнинг хато эканини англаб етган ва омма халққа тўғри йўлни кўрсатишга киришган.

Мўътазилий фирқасинингш даъволарига қатъий далиллар асосида кескин раддиялар берилган.Ўший раҳматуллоҳи алайҳ бу ҳақида Аҳли сунна вал-жамоанинг қарашларини қисқа ва лўнда қилиб:

“Аслаҳ иши” фарз эмас улуғ Ҳодийга,
Бирор бир нуқсонсиз Мутаолийга.

дея баён қилиб қўя қолган. Ҳа, махлуқотларнинг сифатларига ўхшашдан олий бўлган Аллоҳ таолога ҳеч қачон бирор нарсани қилиш фарз бўлиб қолмайди. Чунки Аллоҳ таоло ҳеч қачон бирор нарсани мажбур бўлиб қилмайди, мажбур бўлиб бажариш бандаларга хосдир.

Мўътазилийларнинг қилган даъволари ботил эканига кўплаб далиллар келтирилган:

﴿وَلَوۡ شَآءَ ٱللَّهُ لَجَعَلَكُمۡ أُمَّةٗ وَٰحِدَةٗ وَلَٰكِن يُضِلُّ مَن يَشَآءُ وَيَهۡدِي مَن يَشَآءُۚ وَلَتُسۡـَٔلُنَّ عَمَّا كُنتُمۡ تَعۡمَلُونَ ٩٣﴾

“Агар Аллоҳ хоҳлаганида, албатта, сизларни бир уммат қилган бўлур эди. Лекин У, ўзи хоҳлаган кимсаларни йўлдан оздирур ва ўзи хоҳлаган кишиларни (Тўғри йўлга) **ҳидоят қилур. Албатта,** (сизлар бу дунёда) **қилиб ўтган ишларингиздан сўралурсиз”[226].**

Яъни агар Аллоҳ хоҳлаганида бутун инсониятни бир-бирлари билан ихтилоф қилмайдиган, фирқаларга бўлинмайдиган бир миллат вакиллари қилиб қўйган бўларди. Лекин У зотнинг ҳикмати уларни ўз ихтиёрларига қўйиб қўймоқни тақозо қилди. Баъзи инсонлар залолатни ихтиёр қилдилар, баъзи инсонлар ҳидоятни ихтиёр қилдилар. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кимсани ёрдамсиз қолдириши билан залолатга кетказди, хоҳлаганини эса фазлу марҳамати билан ҳидоятга муваффақ қилди.

Ушбу оятда банда учун энг яхши ва энг манфаатли бўлган ҳидоятнинг Аллоҳ таолога вожиб эмаслиги, балки хоҳлаганини залолатга кетказиши ва хоҳлаганини ҳидоят қилиши баён қилинмоқда. Бундан бировни залолатга

[226] Наҳл сураси, 93-оят.

кетказиши Унинг адолати, ҳидоятга йўллаши эса Унинг фазлу марҳамати экани, асло ва асло Унга ҳеч нарса вожиб бўлиб қолмаслиги тушунилади.

Ибн Атоуллоҳ Сакандарий раҳматуллоҳи алайҳ “Ҳикамул Атоия”да шундай деган: “Барча нарсалар Аллоҳ таолонинг хоҳишига суянади. Унинг хоҳиши эса ҳеч нарсага суянмайди”.

Шарҳ: Борлиқдаги барча нарсалар Аллоҳ таоло хоҳлагани сабабли вужудга келган бўлади. Аллоҳ таолога эса уларни хоҳлашини вожиб қиладиган бирор сабаб бўлмайди. Чунки У зотнинг хоҳиши сабаблар билан чегаралланган эмасдир.

ПАЙҒАМБАРЛАР ВА ФАРИШТАЛАРГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ БАЁНИ

23 وَفَرْضٌ لاَزِمٌ تَصْدِيقُ رُسْلٍ وَأَمْلاَكٍ كِرَامٍ بِالنَّوَالِ

Маънолар таржимаси:

Расулларни ва инъомлар билан улуғланган фаришталарни тасдиқлаш лозим фарздир.

Назмий баёни:

Фарзу лозим эрур тасдиқлаш расулларни,
Ҳам инъомлар-ла шарафланган малакларни.

Луғатлар изоҳи:

فَرْضٌ – мубтадосидан олдин келтирилган хабар. Фарз калимаси луғатда “вазифа қилиб белгилаш” маъносига тўғри келади. Истилоҳда эса шак-шубҳасиз қатъи далил билан собит бўлган ҳукм фарз дейилади. Фарз икки хил бўлади:

1. Фарзи айн. Ҳар бир ақли расо балоғатга етган мусулмонга бажариш вазифа қилиб белгиланган ҳукм фарзи айн дейилади. Масалан, иймон келтириш;
2. Фарзи кифоя. Мусулмонларнинг умумий жамосига вазифа қилиб белгиланган ҳукм фарзи кифоя дейилади. Масалан, жаноза намози ўқиш.

لاَزِمٌ – лозим луғатда “зарур”, “керакли” маъноларига тўғри келади. Истилоҳда “маълум бир нарсадан ажралиши мумкин бўлмаган нарса лозим дейилади”. Масалан, 4 сонининг тенг 2 га бўлинишдан ажралиши ақлан мумкин эмас. Шунга кўра 4 нинг тенг 2 га бўлиниши лозим ҳисобланади.

تَصْدِيقُ – хабаридан кейин келтирилган мубтадо. Луғатда рост деб билиш, қалбан ишониш маъноларини англатади.

رُسْلٍ – музофун илайҳ. Назм зарурати учун ўртаси сукунли қилиб келтирилган. Аслида, رُسُلٍ дир.

وَ – мутлақ жамлаш учун келган атф ҳарфи.

اَمْلاَكٍ – бу калима аслида, مَلَكٌ нинг эмас, балки مَلِكٌ нинг кўплик шаклидир. Лекин Нозим назм зарурати учун ушбу шаклда келтирган.

كِرَامٍ – бу калима كَرِيمٌ нинг кўплик шакли бўлиб, أَمْلَاكٍ га сифат бўлиб келган. كَرِيمٌ калимаси ҳар бир нарсанинг энг яхшисига ва барча рози бўлинадиган ва мақталадиган нарсаларга нисбатан ишлатилади.

بِ – “табъийз” (бўлакларга ажратиш) маъносида келган жор ҳарфи.

النَّوَالِ – жор ва мажрур كِرَامٍ га мутааллиқдир. Луғатда “тортиқ”, “ҳадя” каби маъноларни англатади.

Матн шарҳи:

Пайғамбарлар ва Фаришталарни тасдиқлаш ҳар бир мўмин кишига фарзи айн бўлганидан “фарзу лозим эрур” дея таъкидланди.

Аллоҳ таоло башариятга огоҳлантирувчи ва хушхабар берувчи Пайғамбарлар юборганига шак-шубҳасиз ишониш, иймон рукнларидан бири ҳисобланади. Пайғамбар сўзи араб тилида “расул” ёки “набий” деб ифодаланади. Бу икки исм ўртасида қуйидагича фарқ бор: Расул луғатда “элчи” “вакил” каби маъноларни англатади.

Истилоҳда эса “Аллоҳ таолодан шариат ваҳий қилинган ва уни етказишга буюрилган инсон, расул деб аталади”.

Расулларнинг рисолатни етказишга буюрилганларига ушбу оятлар далилдир:

﴿ ٱلَّذِينَ يُبَلِّغُونَ رِسَٰلَٰتِ ٱللَّهِ وَيَخۡشَوۡنَهُۥ وَلَا يَخۡشَوۡنَ أَحَدًا إِلَّا ٱللَّهَۗ وَكَفَىٰ بِٱللَّهِ حَسِيبًا ﴿٣٩﴾ ﴾

“Улар Аллоҳнинг элчилигини етказадиган, Ундан қўрқадиган, Аллоҳдан бошқа ҳеч кимдан қўрқмайдиган зотлардир. Аллоҳнинг ўзи ҳисоб қилгувчиликка кифоядир”[227].

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга шундай хитоб қилинган:

﴿ يَٰٓأَيُّهَا ٱلرَّسُولُ بَلِّغۡ مَآ أُنزِلَ إِلَيۡكَ مِن رَّبِّكَۖ وَإِن لَّمۡ تَفۡعَلۡ فَمَا بَلَّغۡتَ رِسَالَتَهُۥۚ وَٱللَّهُ يَعۡصِمُكَ مِنَ ٱلنَّاسِۗ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَهۡدِي ٱلۡقَوۡمَ ٱلۡكَٰفِرِينَ ﴿٦٧﴾ ﴾

“Эй Пайғамбар! Сенга Роббингдан нозил қилинган нарсани етказ. Агар шундай қилмасанг, Унинг элчилигини етказмаган бўласан. Аллоҳ сени

[227] Аҳзоб сураси, 39-оят.

одамлар (зарари)**дан сақлар. Албатта, Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоят қилмас”**[228]**.**

Набий сўзи луғатда, “баланд бўлмоқ” , “маълумот”, “хабар”, “янгилик” каби маъноларни англатади.

Истилоҳда эса “Аллоҳ таолодан шариат ваҳий қилинган, лекин уни етказишга масъул қилинмаган инсон, набий деб аталади”.

“Расуллик мартабаси набийлик мартабасидан олий ҳисобланади. Чунки барча расуллар набий ҳам саналади, аммо набийлар расул саналмайди. Пайғамбарларнинг адади аниқ маълум эмас. Аммо баъзи асарларда уларнинг ададлари 120 мингдан ортиқ экани хабар берилган. Расулларнинг адади оздир. Қуръони каримда зикр қилинганларига батафсил иймон келтириш вожиб бўлади, улар 25 та бўлиб, барчалари расулдирлар” [229].

Қуръонда зикр қилинган пайғамбарлар

Қуръони каримда 25 нафар пайғамбарларнинг номлари зикр қилинган:

1. Одам; 2. Идрис; 3. Нуҳ; 4. Ҳуд; 5. Солиҳ; 6. Иброҳим; 7. Лут; 8. Исмоил; 9. Исҳоқ; 10. Яъқуб; 11. Юсуф; 12. Айюб; 13. Шуайб; 14. Мусо; 15. Ҳорун; 16. Юнус; 17. Довуд; 18. Сулаймон; 19. Илёс; 20. Ал-Ясаъ; 21. Закариё; 22. Яҳё; 23. Зул-кифл; 24. Исо ва 25. Муҳаммад алайҳиссаломлар.

Анъом сурасида 18 нафар пайғамбар алайҳиссаломларнинг номлари кетма-кет зикр қилинган:

﴿ وَتِلْكَ حُجَّتُنَآ ءَاتَيْنَٰهَآ إِبْرَٰهِيمَ عَلَىٰ قَوْمِهِۦ ۚ نَرْفَعُ دَرَجَٰتٍ مَّن نَّشَآءُ ۗ إِنَّ رَبَّكَ حَكِيمٌ عَلِيمٌ ﴿٨٣﴾ وَوَهَبْنَا لَهُۥٓ إِسْحَٰقَ وَيَعْقُوبَ ۚ كُلًّا هَدَيْنَا ۚ وَنُوحًا هَدَيْنَا مِن قَبْلُ ۖ وَمِن ذُرِّيَّتِهِۦ دَاوُۥدَ وَسُلَيْمَٰنَ وَأَيُّوبَ وَيُوسُفَ وَمُوسَىٰ وَهَٰرُونَ ۚ وَكَذَٰلِكَ نَجْزِى ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿٨٤﴾ وَزَكَرِيَّا وَيَحْيَىٰ وَعِيسَىٰ وَإِلْيَاسَ ۖ كُلٌّ مِّنَ ٱلصَّٰلِحِينَ ﴿٨٥﴾ وَإِسْمَٰعِيلَ وَٱلْيَسَعَ وَيُونُسَ وَلُوطًا ۚ وَكُلًّا فَضَّلْنَا عَلَى ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٨٦﴾ ﴾

“Ана ўшалар, Иброҳимга қавмига қарши (тортишувда) берган ҳужжатларимиздир. Кимни хоҳласак, даражасини кўтарамиз. Албатта, Роббинг ҳикматли ва яхши билувчи Зотдир. Ва Биз унга (Иброҳимга) **Исҳоқ ва Яъқубни бердик. Барчаларини ҳидоят қилдик. Бундан олдин Нуҳни ҳам ҳидоят қилган эдик. Ва унинг зурриётидан Довуд, Сулаймон, Айюб, Юсуф, Мусо ва Ҳорунни ҳам** (ҳидоят қилдик)**. Чиройли иш қилувчиларни ана шундай мукофотлармиз. Ва Закариё, Яҳё, Исо ва**

---

[228] Моида сураси, 67-оят.

[229] Шайх Муҳаммад Али Собуний. Нубувват вал Анбия. – Байрут: “Мактабатул Асрия”, 2005. – Б. 17.

Илёсни ҳам. Ҳаммалари аҳли солиҳлардир. Ва Исмоил, ал-Ясаъ, Юнус ва Лутни ҳам. Барчаларини бутун оламлардан афзал қилдик”[230].

Қолганларининг номлари эса Қуръонда турли ўринларда зикр қилинган:

﴿ وَإِلَىٰ عَادٍ أَخَاهُمْ هُودًا ﴾

“Од (қабиласи)**га биродарлари Ҳудни** (пайғамбар этиб юбордик)”[231].

﴿ وَإِلَىٰ مَدْيَنَ أَخَاهُمْ شُعَيْبًا ﴾

“Мадян (қавми)**га биродари Шуайбни** (элчи – пайғамбар этиб юбордик) ”[232].

﴿ إِنَّ ٱللَّهَ ٱصْطَفَىٰٓ ءَادَمَ وَنُوحًا وَءَالَ إِبْرَٰهِيمَ وَءَالَ عِمْرَٰنَ عَلَى ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٣٣﴾ ﴾

“Албатта, Аллоҳ Одам ва Нуҳни ҳамда Иброҳим ва Имрон авлодларини оламлар узра (пайғамбарлик учун) **танлади”[233].**

﴿ وَإِسْمَٰعِيلَ وَإِدْرِيسَ وَذَا ٱلْكِفْلِ كُلٌّ مِّنَ ٱلصَّٰبِرِينَ ﴿٨٥﴾ ﴾

“Исмоил, Идрис ва Зул-кифлни (эсланг)**. Барчалари сабр қилувчилардандир”[234].**

﴿ مُّحَمَّدٌ رَّسُولُ ٱللَّهِ ﴾

“Муҳаммад Аллоҳнинг расулидир”[235].

Муҳаммад Али Собуний “Нубувват вал анбия” китобида Қуръони каримда зикр қилинган пайғамбарлар ҳамда уларларнинг хусусиятлари ҳақида батафсил баён қилган.

Пайғамбарларга иймон келтириш тушунчаси

Пайғамбарларга иймон келтириш ҳамда уларни тасдиқлаш қуйидаги тушунчаларни ўз ичига олади:

– Барча пайғамбарлар башариятни Аллоҳ таолога ибодат қилишга чақириш учун юборилган;

– Барча пайғамбарлар ўзларига топширилган вазифаларни тўла-тўкис адо этган;

– Барча пайғамбарларга итоат этиш ва бирортасига ҳам қарши чиқмаслик вожибдир. Чунки уларга итоат этиш Аллоҳга итоат этиш ҳисобланади;

---

[230] Анъом сураси, 83, 86-оятлар.
[231] Ҳуд сураси, 50-оят.
[232] Ҳуд сураси, 84-оят.
[233] Оли Имрон сураси, 33-оят.
[234] Анбиё сураси, 85-оят.
[235] Фатҳ сураси, 29-оят.

– Барча пайғамбарлар инсониятнинг энг ростгўйлари, энг хулқи гўзаллари, илм жиҳатидан ҳам, амал жиҳатидан ҳам энг афзали бўлганлар;

– Барча пайғамбарлар эркак жинсидан бўлганлар, фаришталардан ҳам, аёллардан ҳам бўлмаганлар;.

– Аллоҳ таоло бирор пайғамбарни инсоният табиатидан бошқа табиат билан хосламаган. Уларнинг барчалари оддий инсонлар каби еб-ичадиган, бозорда юрадиган, ухлайдиган, куладиган ва азиятларга учрайдиган кишилар бўлганлар.Улар касал ҳам бўлган, ҳатто баъзилари ноҳақ қатл ҳам этилган. Инсонга етиши мумкин бўлган азиятлар уларга ҳам етган, бироқ бу нарсаларнинг бирортаси уларнинг олий мартабаларига нуқсон етказмаган;

– Аллоҳ таоло пайғамбарларни Ўзининг ҳақиқий элчилари эканларини тасдиқлаб, уларни мўъжиза билан қўллаб-қувватлаган;

– Пайғамбарларнинг энг афзали Муҳаммад алайҳиссаломдир. Бу ҳақида ҳадиси шарифда шундай хабар берилган:

فُضِّلْتُ عَلَى الاَنْبِيَاءِ بِسِتٍّ اُعْطِيَتُ جَوَامِعَ الْكَلِمِ وَ نُصِرْتُ بِالرُّعْبِ وَ اُحِلَّتْ لِى الْغَنَائِمُ وَ جُعِلَتْ لِى الاَرْضُ مَسْجِدًا وَ طَهُورًا وَ اُرْسِلْتُ اِلَى الْخَلْقِ كَافَّةً وَ خُتِمَ بِى النَّبِيُّونَ رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَ التِرْمِذِىُّ

“Пайғамбарлардан олти нарсада афзал кўрилдим:

1. Менга сермазмун нутқ ато қилинди;

2. Қўрқинч билан ёрдам берилдим;

3. Менга ўлжалар ҳалол қилинди;

4. Менга ер масжид ва покловчи қилинди;

5. Барча халойиққа (пайғамбар этиб) **юборилдим;**

6. Мен билан пайғамбарлар ниҳояланди”. *Муслим ва Термизий ривоят қилган.*

Пайғамбарларнинг умумий адади ҳақида эътиқодимиз

Мотуридия мазҳабининг мўътабар уламоларидан бўлган Нажмиддин Умар Насафий “Ақоидун Насафия” асарида пайғамбарларнинг умумий адади ҳақида шундай деган:

وَقَدْ رُوِيَ بَيَانُ عَدَدِهِمْ فِى بَعْضِ الْاَحَادِيثِ وَالْاَوْلَى اَنْ لاَ يُقْتَصَرَ عَلَى عَدَدٍ فِى التَّسْمِيَةِ فَقَدْ قَالَ اللَّهُ تَعَالَى ﴿مِنْهُم مَّن قَصَصْنَا عَلَيْكَ وَمِنْهُم مَّن لَّمْ نَقْصُصْ عَلَيْكَ﴾ وَلَا يُؤْمَنُ فِى ذِكْرِ الْعَدَدِ أَنْ يُدْخِلَ فِيهِمْ مَنْ لَيْسَ مِنْهَمْ اَوْ يُخْرِجَ مِنْهُمْ مَنْ هُوَ فِيهِمْ

“Албатта, баъзи ҳадисларда уларнинг ададлари баёни ривоят қилинган. Афзалроғи уларни маълум ададга чекламасликдир. Чунки Аллоҳ таоло:“ ***Улардан кимнингдир қиссасини сенга айтдик ва улардан кимнингдир қиссасини сенга айтмадик”***[236]*, – деган. (Шунга кўра) адад зикр қилинса,*

[236] Ғофир сураси, 78-оят.

улардан бўлмаганни улар сафига киритиб қўйиш ёки улардан бирини улар сафидан чиқариб юбориш (эҳтимоли)дан омонда бўлинмайди”.

Ушбу ўринда пайғамбарларнинг адади ҳақидаги машҳур саволнинг жавобини билиб қўйиш лозим бўлади. Яъни “пайғамбарларнинг адади ҳақида ҳадиси шарифда хабар берилган бўлса, ўша ҳадисда айтилган ададни тайин қилиш вожиб бўлмайдими? Агар вожиб бўлмайди, дейилса, ҳадисда баён қилинган нарсага эътиқод қилиш вожиб эмас деган гап бўлиб қолади-ку, буни қандай тушуниш мумкин?

Бу саволга уламолар қуйидагича жавоб берганлар:

– мазкур ҳадис мақбул ҳадис бўлган тақдирда ҳам “хабару воҳид” ҳисобланади. “Хабару воҳид” эса эътиқодий қатъиликни ифодаламайди, балки “зон”ни ифодалайди. “Зон” билан эса қатъи эътиқод собит бўлмайди;

– мазкур ҳадис қатъиликни ифодалаган тақдирда ҳам, пайғамбарларнинг адади ҳақидаги ривоятлар қувватлари бир хил бўлгани учун ўзаро таоруз (қарама-қарши) бўлиб қолган;

– “Хобарул воҳид”нинг мақбул бўлиш шарти Қуръоннинг зоҳирига зид бўлмаслик керак. Мазкур ҳадис эса “улардан кимнингдир қиссасини сенга айтмадик” маъносидаги оятга зоҳиран зид бўлиб қолган.

Шунинг учун пайғамбарларнинг адади ҳақида гапирилганда уларни маълум бир ададга чекламасдан Аллоҳ таоло қанча пайғамбар юборган бўлса, барчасига иймон келтирдим, дейилади.

Фаришталарга иймон келтириш тушунчаси

Ўший раҳматуллоҳи алайҳ сўзларининг давомида “ҳам инъомлар-ла шарафланган малакларни” дея фаришталарни тасдиқлаш ҳам фарзу лозим эканини баён қилган. Фаришталар Аллоҳ таолога исён қилмайдиган, инсонлар нафас олишдан чарчамаганлари сингари улар ҳам тоат-ибодатдан чарчамайдиган, улар эркаклик билан ҳам, аёллик билан ҳам васф қилинмайди. Уларнинг жисмлари нурдан яратилган бўлиб, турли шаклларга кира олиш салоҳиятига эгадирлар. Улар мазкур имтиёзлардан ташқари ҳам кўплаб фазилатлар берилган ҳурматли зотлардир.

Фаришталарнинг борлигига қатъи ишониш иймон рукнларидан бири ҳисобланади. Қуръони каримда ҳам, ҳадиси шарифларда ҳам фаришталарга иймон келтириш ҳақида жуда кўплаб хабарлар келган:

﴿ ءَامَنَ ٱلرَّسُولُ بِمَآ أُنزِلَ إِلَيۡهِ مِن رَّبِّهِۦ وَٱلۡمُؤۡمِنُونَۚ كُلٌّ ءَامَنَ بِٱللَّهِ وَمَلَٰٓئِكَتِهِۦ وَكُتُبِهِۦ وَرُسُلِهِۦ ﴾

“Пайғамбар (Муҳаммад) **ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага** (оятларга) **иймон келтирди ва мўминлар ҳам.** (Уларнинг) **ҳар бири**

Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига (ҳаммасига) **иймон келтирди”**[237]**.**

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَارِزًا يَوْمًا لِلنَّاسِ فَأَتَاهُ رَجُلٌ فَقَالَ مَا الْإِيمَانُ قَالَ **الْإِيمَانُ أَنْ تُؤْمِنَ بِاللهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكِتَابِهِ وَلِقَائِهِ وَرُسُلِهِ، وَتُؤْمِنَ بِالْبَعْثِ.** أَخْرَجَهُ الْبُخَارِيُّ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни одамларнинг олдиларига чиқиб турган эдилар. Бир киши у зотнинг ёнларига келди ва: “Иймон нима?”, – деб сўради. У зот: **“Иймон – Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобига, Унга йўлиқишга, Унинг пайғамбарларига ва қайта тирилишга ишонмоғингдир”,** – дедилар”. *Бухорий ривоят қилган.*

Фаришталарга иймон келтиришнинг мўмин ҳаётидаги таъсири

Фаришталарга иймон келтириш мўмин-мусулмонларнинг ҳаётида улкан таъсирга эга бўлиб, ундан кўплаб манфаатлар ҳосил бўлади:

– Фаришталарнинг бандалар қилаётган ҳар бир ишини кузатиб, ёзиб бораётганларига аниқ ишонган киши доимий равишда кузатувда эканини ҳис этади ва инсонлар кўрмаётган пайтларда ҳам гуноҳ ишларни қилишдан ҳаё қилиб қолади;

– Қийинчилик пайтларида ҳам сабр қилиши осон бўлади. Чунки у чекаётган машаққатларни ҳар доим ўзи кўрмаётган фариштанинг ёзиб бораётганини, унинг ҳаққига Роббисидан истиғфор сўраб турганини сезиб, ҳис қилиб туради.

Фаришталар қачон яратилган?

Фаришталар Одам алайҳиссаломдан олдин яратилган ҳисобланади. Бунга ушбу оят далолат қилади:

﴿وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلَٰٓئِكَةِ إِنِّي جَاعِلٌ فِي ٱلْأَرْضِ خَلِيفَةً ۖ قَالُوٓاْ أَتَجْعَلُ فِيهَا مَن يُفْسِدُ فِيهَا وَيَسْفِكُ ٱلدِّمَآءَ﴾

Эсла, вақтики Роббинг фаришталарга: “Мен Ер юзида халифа қилмоқчиман”, – деди. Улар: “Унда (Ерда) **фасод қиладиган, қон тўкадиган кимсани қилмоқчимисан?”**[238]**.**

Ушбу оят тақозосига кўра ҳали инсон яратилмасидан илгари фаришталар яшаганлар ва Аллоҳ таоло одамни яратишини хабар берганида улар

[237] Бақара сураси, 285-оят.
[238] Бақара сураси, 30-оят.

таажжубланиб мазкур гапни айтганлар. Инсонларнинг бузғунчилик қиладиган ва ноҳақ қонлар тўкадиган мавжудот бўлишини фаришталар қаердан билганлар, улар ғайбни билмайдилар-ку, деган саволга бир қанча жавоблар берилган:

1. Аллоҳ таоло билдирган;
2. Лавҳул маҳфуздаги ёзувни ўқишган;
3. Фаришталарда фақатгина ўзларининг маъсум бўлишлари қолган махлуқотларнинг бундай сифатга эга бўлмасликлари тўғрисида илм бўлган;
4. “Сақолайн” (инсонлар ва жинлар)нинг бирини иккинчисига қиёс қилишган. Яъни инсонларни ҳам ерда бузғунчилик қилган жинларга қиёс қилишган.

Фаришталарни асл қиёфаларида кўриш мумкинми?

Уламолар инсонларнинг фаришталарни кўришлари мумкинлиги ҳақида шундай деганлар: “Фаришталар нурдан яратилганлари сабабли уларни асл қиёфаларида кўришга башарнинг тоқати етмайди. Шунинг учун асл қиёфаларидан инсон кўринишига ўтганларидан кейингина инсонлар уларни кўришлари мумкин. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Жаброил алайҳиссаломни асл кўринишларида икки марта кўрганлари эса у зотнинг ўзларига хос хусусият ҳисобланади”.

Фаришталарнинг ададлари қанча?

Фаришталар жуда кўп бўлиб, уларнинг адади қанча эканини Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким билмайди. Бу ҳақида Қуръони каримда шундай баён қилинган:

﴿وَمَا يَعۡلَمُ جُنُودَ رَبِّكَ إِلَّا هُوَۚ﴾

“Роббингнинг аскарларини Ўзидан бошқа ҳеч ким билмас”[239].

Шунингдек, ҳадиси шарифларда “Байтул маъмур” (Каъбанинг тепасида, еттинчи осмонда фаришталар тавоф қиладиган уй)ни ҳар куни етмиш минг фаришта тавоф қилиши ва ададлари кўплигидан бир марта тавоф қилганлари қайта тавоф қила олмасликлари хабари берилган.

Фаришталар ухлайдиларми?

Фаришталарда ухлаш ва чарчаш сингари инсонлар ва бошқа жониворларга хос сифатлар бўлмайди. Бунга қуйидаги оят далолат қилади:

﴿يُسَبِّحُونَ ٱلَّيۡلَ وَٱلنَّهَارَ لَا يَفۡتُرُونَ ٢٠﴾

[239] Муддассир сураси, 31-оят.

“Улар кечаю кундуз тасбиҳ айтарлар. Чарчамаслар”[240].

Яъни фаришталар доимий равишда ибодат билан машғул бўлиб турадилар. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, инсонлар нафас олишдан чарчаб қолиб бир оз “дам олишга” асло тўхтамаганларидек, фаришталар ҳам ибодат қилишдан асло тўхтамайдилар.

Фаришталар гўзал суратда бўладиларми?

Фаришталар ниҳоятда гўзал суратда яратилган махлуқотлар ҳисобланади. Бунга қуйидаги оятда далолат бор:

﴿عَلَّمَهُۥ شَدِيدُ ٱلۡقُوَىٰ ٥ ذُو مِرَّةٖ فَٱسۡتَوَىٰ ٦﴾

“У (Муҳаммад)**га шиддатли қувват эгаси таълим берди. Миррат эгаси кўтарилди”[241].**

Ушбу оятдаги “Зу мирротин” сўзини Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу “гўзал кўриниш эгаси”, деб тафсир қилган.

Фаришталарнинг вазифалари

Фаришталарга хилма-хил вазифалар тайин қилинган. Улардан айримларининг номлари ва қандай вазифани адо этишлари Қуръони каримда ва ҳадиси шарифларда баён қилинган:

1. **Жаброил алайҳиссалом.** Бу зот Руҳул Амин деб ҳам аталган. Жаброил алайҳиссалом Қуръони каримда шундай васф қилинган:

﴿إِنَّهُۥ لَقَوۡلُ رَسُولٖ كَرِيمٖ ١٩ ذِي قُوَّةٍ عِندَ ذِي ٱلۡعَرۡشِ مَكِينٖ ٢٠ مُّطَاعٖ ثَمَّ أَمِينٖ ٢١﴾

“Албатта, у (Қуръон) **бир улуғ элчи** (Жаброил Аллоҳ ҳузуридан келтирган ваҳий) **сўзидир.** (Жаброил) **қувватли, Аршнинг соҳиби** (Аллоҳ) **наздида мартабали, у жойда** (фаришталар томонидан) **итоат этилувчи ва ишончли зотдир”[242].**

Аллоҳ таоло Жаброил алайҳиссаломни пайғамбарларга ваҳий олиб тушишдек улуғ вазифага тайин қилган. Бу ҳақида Қуръонда шундай хабар берилган:

﴿وَإِنَّهُۥ لَتَنزِيلُ رَبِّ ٱلۡعَٰلَمِينَ ١٩٢ نَزَلَ بِهِ ٱلرُّوحُ ٱلۡأَمِينُ ١٩٣ عَلَىٰ قَلۡبِكَ لِتَكُونَ مِنَ ٱلۡمُنذِرِينَ ١٩٤﴾

---

[240] Анбиё сураси, 20-оят.
[241] Нажм сураси, 5, 6-оятлар.
[242] Таквир сураси, 19, 21-оятлар.

“Албатта, (бу Қуръон) **оламлар Парвардигорининг нозил қилган** (китоб)**идир. Уни Руҳул-амин** (Жаброил) **олиб келиб огоҳлантирувчи** (пайғамбар)**лардан бўлишингиз учун қалбингизга туширди”**[243]**.**

2. **Микоил алайҳиссалом.** Бу зот улуғ фаришталардан бўлгани учун Қуръони каримда фаришталар умумий баён қилинганларидан кейин алоҳида Жаброил алайҳиссалом билан бирга зикр қилинган:

﴿ مَن كَانَ عَدُوًّا لِّلَّهِ وَمَلَٰٓئِكَتِهِۦ وَرُسُلِهِۦ وَجِبْرِيلَ وَمِيكَىٰلَ فَإِنَّ ٱللَّهَ عَدُوٌّ لِّلْكَٰفِرِينَ ﴿٩٨﴾ ﴾

“Ким Аллоҳга, Унинг фаришталарига, пайғамбарларига, Жаброил ва Микоилга душман бўлса, (билиб қўйсинки) **Аллоҳ ҳам** (ундай) **кофирларга душмандир”**[244]**.**

Микоил алайҳиссаломни Аллоҳ таоло ёмғир ва набототларга вакил қилган.

3. **Исрофил алайҳиссалом.** Қиёмат куни бўлганда сурга пуфлашга вакил қилинган. Сур ҳақида шундай хабар берилган:

﴿ وَنُفِخَ فِى ٱلصُّورِ فَصَعِقَ مَن فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَن فِى ٱلْأَرْضِ إِلَّا مَن شَآءَ ٱللَّهُ ۖ ثُمَّ نُفِخَ فِيهِ أُخْرَىٰ فَإِذَا هُمْ قِيَامٌ يَنظُرُونَ ﴿٦٨﴾ ﴾

“Сур чалиниши билан осмонлар ва Ердаги бор жонзот ўлади, илло Аллоҳ хоҳлаган зотларгина (тирик қолурлар)**. Сўнгра у яна бир бор чалинганда, ногоҳ улар** (барча халойиқ тирилиб, қабрларидан) **туриб,** (Аллоҳнинг амрига) **қараб тургайлар”**[245]**.**

Сур, Аллоҳ таолонинг буйруғига кўра Исрофил алайҳиссалом пуфлайдиган, шохга ўхшаш нарсадир.

4. **Малакул мавт** (Азроил) **алайҳиссалом.** Бу зот руҳларни олишга вакил қилинганлар. Ушбу фаришстанинг “Азроил” деб аталиши тўғрисида ихтилофлар бор. Баъзилар, “Қуръонда ҳам, суннатда ҳам “Азроил” деган ном келмаган, балки “Малакул мавт” деб номланган. Шунинг учун бу зотни асли йўқ ном билан эмас, зикр қилинган ном билан аташ керак, дейишган. “Айсарут Тафосир” тафсирида эса, “ўлим фариштасининг исми Қуръонда келмаган, аммо Аҳли сунна унинг исми “Абдуллоҳ” маъносини ифодаловчи “Азроил” эканини эътироф этадилар”[246], дейилган.

﴿ قُلْ يَتَوَفَّىٰكُم مَّلَكُ ٱلْمَوْتِ ٱلَّذِى وُكِّلَ بِكُمْ ثُمَّ إِلَىٰ رَبِّكُمْ تُرْجَعُونَ ﴿١١﴾ ﴾

---

[243] Шуаро сураси, 192, 194-оятлар.
[244] Бақара сураси, 98-оят.
[245] Зумар сураси, 68-оят.
[246] Абу Бакр Жобир Жазорий. Айсарут-Тафосир ликаламил Алийил Кабир. – Байрут: “Мактабатул улум вал ҳикам”, 2002. – Б. 1189.

“Сен: “Сизларга вакил қилинган ўлим фариштаси жонларингизни олади, сўнгра Раббингизга қайтариласиз”, деб айт”[247].

5. **Азроил алайҳиссаломнинг ёрдамчилари.** Ушбу ёрдамчилар икки турга бўлинади:

1. Раҳмат фаришталари;
2. Азоб фаришталари.

Уларнинг ишлари ҳақида шундай хабар берилган:

﴿حَتَّىٰٓ إِذَا جَآءَ أَحَدَكُمُ ٱلۡمَوۡتُ تَوَفَّتۡهُ رُسُلُنَا وَهُمۡ لَا يُفَرِّطُونَ ٦١﴾

“Қачонки бирортангизга ўлим келса, элчиларимиз камчиликка йўл қўймаган ҳолда уни вафот эттирадир”[248].

6. **Аршни кўтариб турувчи фаришталар.** Аршни кўтариб туришга тайин қилинган фаришталар ҳақида шундай хабар берилган:

﴿ٱلَّذِينَ يَحۡمِلُونَ ٱلۡعَرۡشَ وَمَنۡ حَوۡلَهُۥ يُسَبِّحُونَ بِحَمۡدِ رَبِّهِمۡ﴾

“Аршни кўтариб турадиган ва унинг атрофидаги (фаришта)**лар** (яккаю ягона) **Парвардигорларига ҳамд билан тасбеҳ айтурлар”[249].**

7. **Ризвон.** Бу фаришта жаннатга қўриқчи ва у ерда хизмат қиладиганларга бошлиқдир. Қуйидаги ривоятда Ризвон ҳақида хабар келган:

عَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ عَبَّاسٍ أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ **إِنَّ الْجَنَّةَ لَتُنَجَّدُ وَتُزَيَّنُ مِنَ الْحَوْلِ إِلَى الْحَوْلِ لِدُخُولِ شَهْرِ رَمَضَانَ فَإِذَا كَانَتْ أَوَّلُ لَيْلَةٍ مِنْ شَهْرِ رَمَضَانَ هَبَّتْ رِيحٌ مِنْ تَحْتِ الْعَرْشِ يُقَالُ لَهَا الْمُثِيرَةُ تُصَفِّقُ وَرَقَ أَشْجَارِ الْجِنَانِ وَحَلَقَ الْمَصَارِيعِ يُسْمَعُ لِذَلِكَ طَنِينٌ لَمْ يَسْمَعِ السَّامِعُونَ أَحْسَنَ مِنْهُ فَيَثِبْنَ الْحُورُ الْعِينُ حَتَّى يَشْرُفْنَ عَلَى شَرَفِ الْجَنَّةِ فَيُنَادِينَ هَلْ مِنْ خَاطَبٍ إِلَى اللهِ فَيُزَوِّجَهُ ثُمَّ يَقُلْنَ الْحُورُ الْعِينُ يَا رَضْوَانَ الْجَنَّةِ مَا هَذِهِ اللَّيْلَةُ فَيُجِيبُهُنَّ بِالتَّلْبِيَةِ ثُمَّ يَقُولُ هَذِهِ أَوَّلُ لَيْلَةٍ مِنْ شَهْرِ رَمَضَانَ فُتِحَتْ أَبْوَابُ الْجَنَّةِ عَلَى الصَّائِمِينَ مِنْ أُمَّةِ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ وَيَقُولُ اللهُ عَزَّ وَجَلَّ يَا رَضْوَانُ افْتَحْ أَبْوَابَ الْجِنَّانِ وَيَا مَالِكُ أَغْلِقْ أَبْوَابَ الْجَحِيمِ عَلَى الصَّائِمِينَ مِنْ أُمَّةِ مُحَمَّدٍ، وَيَا جِبْرِيلُ اهْبِطْ إِلَى الأَرْضِ فَاصْفِدْ مَرَدَةَ الشَّيَاطِينِ وَغُلَّهُمْ بالأَغْلاَلِ ثُمَّ اقْذِفْهُمْ فِي الْبِحَارِ حَتَّى لاَ يُفْسِدُوا عَلَى أُمَّةِ مُحَمَّدٍ حَبِيبِي صِيَامَهُمْ.** رَوَى الْبَيْهَقِيُّ فِي شُعَبِ الإِيْمَانِ

Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилинади, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“Жаннат ҳар йили Рамазон ойи киришида безак берилиб, зийнатлантирилади. Қачон Рамазон ойининг биринчи кечаси бўлганда,**

---

[247] Сажда сураси, 11-оят.
[248] Анъом сураси, 61-оят.
[249] Ғофир сураси, 7-оят.

Аршнинг тагидан шамол эсади. Ўша (шамол) **“Мусийро”** (ҳаяжонга солувчи) **деб номланади. У жаннатлардаги дарахтларининг баргларини ва эшик табақаларининг ҳалқаларини тебратиб ўтади. Ундан бир оҳанг эшитиладики, эшитувчилар ундан гўзалроғини эшитмаган бўладилар. Бундан оҳу кўз ҳурлар ўринларидан туриб кетадилар ва жаннатнинг энг юқорисига кўтарилиб: “Аллоҳ таолодан унаштиришни сўровчи борми, уни жуфтлаб қўяди”, – дея нидо қиладилар. Сўнгра оҳу кўз ҳурлар: “ Эй жаннат Ризвони, бу қандай кеча?”, – дейдилар. У талбия айтиб уларга жавоб беради. Сўнгра: “Бу Рамазон ойининг аввалги кечасидир, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматларидан бўлган рўзадорларга жаннат эшиклари очилди”, – дейди.** Яна у зот дедилар: **Аллоҳ азза ва жалла: “Эй Ризвон, жаннат эшикларини очгин, эй Молик, дўзах эшикларини бекитгин, эй Жаброил, ерга тушиб исёнкор шайтонларни боғла ва уларни темир бўйинбоғлар билан занжирлаб ташла, сўнгра уларни денгизларга улоқтирки, дўстим Муҳаммад умматининг рўзаларини бузмасинлар”, – дейди”,** – деётганларини эшитган”. *Байҳақий “Шуъабул иймон”да келтирган.*

8. **Жаннат хизматчилари.** Бу фаришталар жаннатга кирганларга хизмат қилиш учун тайин қилинганлар. Жаннатийлар хизматига шай бўлиб турган фаришталарнинг ададини ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзи билади. Булар ҳақида шундай хабар келган:

﴿وَٱلۡمَلَٰٓئِكَةُ يَدۡخُلُونَ عَلَيۡهِم مِّن كُلِّ بَابٖ ٢٣ سَلَٰمٌ عَلَيۡكُم بِمَا صَبَرۡتُمۡۚ فَنِعۡمَ عُقۡبَى ٱلدَّارِ ٢٤﴾

“Сўнгра уларнинг ҳузурларига ҳар эшикдан фаришталар кириб: “Сабр қилганингиз учун сизларга Салом бўлсин! Бу оқибат қандай ҳам яхши!”(дерлар**)**[250]**.**

9. **Забония.** Улар ўн тўққизта фаришта бўлиб уларни Аллоҳ таоло дўзахга кирганларни азоблаш ишига тайин қилган. Булар ҳақида Қуръонда шундай хабар берилган:

﴿لَا تُبۡقِي وَلَا تَذَرُ ٢٨ لَوَّاحَةٞ لِّلۡبَشَرِ ٢٩ عَلَيۡهَا تِسۡعَةَ عَشَرَ ٣٠﴾

“У (бирор кофирни) **қолдирмас ҳам,** (ўз ҳолига) **қўймас ҳам** (балки куйдириб, азоб берур)**.** (У) **териларни қорайтириб куйдирувчидир. Унинг устида ўн тўққиз** (фаришта қўриқчилик қилур) **”**[251]**.**

Забонияларнинг бошлиғи Молик деб аталади. Дўзахга тушганларнинг азобга чидай олмасдан Моликка нидо қилишлари Қуръони каримда шундай тасвирланган:

﴿وَنَادَوۡاْ يَٰمَٰلِكُ لِيَقۡضِ عَلَيۡنَا رَبُّكَۖ قَالَ إِنَّكُم مَّٰكِثُونَ ٧٧﴾

[250] Раъд сураси, 23, 24-оятлар.
[251] Муддассир сураси, 28, 30-оятлар.

“Улар (дўзах фаришталарига)**: “Эй Молик! Парвардигоринг бизга Ўз ҳукмини қилсин** (жонимизни олсин!)**”, – деб нидо қилганларида, у** (фаришта)**: “Сизлар** (шу азобда мангу) **қолувчидирсиз”, – дейди”**[252]**.**

10. **Ҳурматли ёзиб турувчилар.** Бу фаришталар башариятнинг қилаётган ишларини ёзиб боришга тайин қилинганлар. Улар инсонларнинг қилаётган барча яхшию ёмон ишларини ёзиб борадилар. Бу ҳурматли ёзувчилар ҳақида шундай хабар берилган:

﴿ وَإِنَّ عَلَيْكُمْ لَحَٰفِظِينَ ﴿١٠﴾ كِرَامًا كَٰتِبِينَ ﴿١١﴾ يَعْلَمُونَ مَا تَفْعَلُونَ ﴿١٢﴾ ﴾

“Ҳолбуки, сизларнинг устингизда (барча сўзингиз ва ишингизни) **ёдлаб турувчи** (фаришталар) **бор.** (Улар номаи аъмолга) **ёзувчи улуғ зотлардир.** (Улар) **сиз қилаётган ишларни билурлар”**[253]**.**

Ҳар бир балоғатга етган, ақли расо бўлган инсоннинг иккала тарафида ҳам фаришта бўлади. Ўнг тарафдаги фаришта унинг солиҳ амалларини, чап тарафидаги фаришта эса ёмон ишларини ёзиб боради:

﴿ إِذْ يَتَلَقَّى ٱلْمُتَلَقِّيَانِ عَنِ ٱلْيَمِينِ وَعَنِ ٱلشِّمَالِ قَعِيدٌ ﴿١٧﴾ ﴾

“Зотан, ўнг ва чап (томон)**да ўтирган икки** (ёзиб турувчи фаришта) **қабул қилиб** (ёзиб) **турурлар”**[254]**.**

11. **Сақловчи фаришталар.** Бу фаришталар инсонни жин, шайтон ва турли офатлардан сақлаш ишига тайин қилинганлар. Инсонни ҳифзу ҳимоя қилиб турадиган бу фаришталар ҳақида қуйидаги оятда хабар берилган:

﴿ لَهُۥ مُعَقِّبَٰتٌ مِّنۢ بَيْنِ يَدَيْهِ وَمِنْ خَلْفِهِۦ يَحْفَظُونَهُۥ مِنْ أَمْرِ ٱللَّهِ ﴾

“Унинг (инсоннинг) **олдида ҳам, ортида ҳам таъқиб этувчи** (фаришталар) **бўлиб, улар Аллоҳнинг амри билан уни муҳофаза қилиб турурлар”**[255]**.**

12. **Бачадонга тайин қилинган фаришта.** Бу фаришта отадан онанинг бачадонига нутфа тушишидан бошлаб, унинг ривожланиш босқичлари ҳақида Роббисига ҳисобот бериб боради. Ҳомиланинг ўғил ё қиз бўлишини бахтли ё бахтсиз бўлишини Роббисидан сўрайди. Қуйидаги ҳадисда бу фаришта ҳақида хабар берилган:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ اللَّهَ وَكَّلَ بِالرَّحِمِ مَلَكًا يَقُولُ أَىْ رَبِّ نُطْفَةٌ أَىْ رَبِّ عَلَقَةٌ أَىْ رَبِّ مُضْغَةٌ فَإِذَا أَرَادَ اللَّهُ أَنْ يَقْضِىَ خَلْقَهَا قَالَ يَا رَبِّ أَذَكَرٌ أَمْ أُنْثَى أَشَقِىٌّ أَمْ سَعِيدٌ فَمَا الرِّزْقُ فَمَا الأَجَلُ فَيُكْتَبُ كَذَلِكَ فِى بَطْنِ أُمِّهِ. رَوَاهُ الْبَيْهَقِىُّ

---

[252] Зухруф сураси, 77-оят.
[253] Инфитор сураси, 10, 12-оятлар.
[254] Қоф сураси, 17-оят.
[255] Раъд сураси, 11-оят.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Аллоҳ таоло бачадонга бир фариштани тайин қилиб қўйган. У: “Эй Роббим, “нутфа”[256] ҳолатда, эй Роббим, “алақа”[257] ҳолатда, эй Роббим, “музға”[258] ҳолатда”, – дейди. Қачон Аллоҳ таоло унинг яратилишини ирода қилса, у: “Эй Роббим, ўғилми ё қизми, бадбахтми ё бахтлими, ризқи нима, ажали нима”, – дейди. Бас, ўшандай қилиб онасининг қорнида ёзилади”,** – дедилар”. *Байҳақий ривоят қилган.*

13. **Тоғлар фариштаси.** Ушбу фариштани Аллоҳ таоло тоғларга тайин қилган. Тоғлар фариштаси ҳақида қуйидаги ривоятда хабар берилган:

عَنْ عَائِشَةَ زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهَا قَالَتْ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَا رَسُولَ اللَّهِ هَلْ أَتَى عَلَيْكَ يَوْمٌ كَانَ أَشَدَّ مِنْ يَوْمِ أُحُدٍ فَقَالَ **لَقَدْ لَقِيتُ مِنْ قَوْمِكِ وَكَانَ أَشَدَّ مَا لَقِيتُ مِنْهُمْ يَوْمَ الْعَقَبَةِ إِذْ عَرَضْتُ نَفْسِي عَلَى ابْنِ عَبْدِ يَالِيلَ بْنِ عَبْدِ كُلاَلٍ فَلَمْ يُجِبْنِي إِلَى مَا أَرَدْتُ فَانْطَلَقْتُ وَأَنَا مَهْمُومٌ عَلَى وَجْهِي فَلَمْ أَسْتَفِقْ إِلَّا بِقَرْنِ الثَّعَالِبِ فَرَفَعْتُ رَأْسِي فَإِذَا أَنَا بِسَحَابَةٍ قَدْ أَظَلَّتْنِي فَنَظَرْتُ فَإِذَا فِيهَا جِبْرِيلُ فَنَادَانِي فَقَالَ إِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ قَدْ سَمِعَ قَوْلَ قَوْمِكَ لَكَ وَمَا رُدُّوا عَلَيْكَ وَقَدْ بَعَثَ إِلَيْكَ مَلَكَ الْجِبَالِ لِتَأْمُرَهُ بِمَا شِئْتَ فِيهِمْ قَالَ فَنَادَانِي مَلَكُ الْجِبَالِ وَسَلَّمَ عَلَيَّ ثُمَّ قَالَ يَا مُحَمَّدُ إِنَّ اللَّهَ قَدْ سَمِعَ قَوْلَ قَوْمِكَ لَكَ وَأَنَا مَلَكُ الْجِبَالِ وَقَدْ بَعَثَنِي رَبُّكَ إِلَيْكَ لِتَأْمُرَنِي بِأَمْرِكَ فَمَا شِئْتَ إِنْ شِئْتَ أَنْ أُطْبِقَ عَلَيْهِمْ الْأَخْشَبَيْنِ فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَلْ أَرْجُو أَنْ يُخْرِجَ اللَّهُ مِنْ أَصْلَابِهِمْ مَنْ يَعْبُدُ اللَّهَ وَحْدَهُ لاَ يُشْرِكُ بِهِ شَيْئًا.** مُتَّفَقٌ عَلَيهِ

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жуфти ҳалоллари Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: “Эй Аллоҳнинг Расули, сизда Уҳуд кунидан ҳам шиддатлироқ бирор кун бўлганми, деб сўрабди. У зот: **“Мен қавминг[259] сабабидан йўлиққан эдим, ўша қийинчилик кунида улар туфайли йўлиққан нарсам шиддатлироқ бўлган эди. Мен Ибн Абду Йалил ибн Абду Кулолга таклиф қилган эдим** (яъни ундан ёрдам сўраган эдим), **у мен хоҳлаган нарсага жавоб бермади. Мен хафа бўлган ҳолатда йўлимга тушдим. Қорнис Саълибгача тўхтамасдан юрдим. Бошимни тепага кўтариб, менга соя солиб турган булутни кўрдим. Қарасам, унда Жаброил бор экан. У менга нидо қилиб: “Аллоҳ азза ва жалла қавмингнинг сенга айтган сўзини ва сени рад қилганларини эшитди. Улар тўғрисида хоҳлаган нарсангни буюришинг учун сенга**

---

[256] Нутфа луғатда “озгина сув” маъносини англатади. Истилоҳда эркак кишидан ажралиб чиқадиган уруғ “нутфа” дейилади. Бу уруғ озгина сувга ўхшагани учун “нутфа” деб номланган.

[257] Алақа луғатда “қон шимадиган кичкина қора қурт” яъни, зулук маъносини англатади. Истилоҳда бачадонга ёпишиб ундаги қонни шимиб турадиган ҳомила “алақа” дейилади.

[258] Музға луғатда “кичкина бир бўлак гўшт” маъносини англатади. Истилоҳда “алақа”дан кейинги босқичдаги ҳомила “музға” дейилади. Музғанинг катталиги бир чайнам гўшт миқдорида бўлади.

[259] Яъни Қурайш мушриклари сабабли Тоифга чиқиб, улардан ёрдам сўрашга мажбур бўлганлар.

тоғлар фариштасини жўнатди”, деди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Шунда менга тоғлар фариштаси нидо қилди ва салом берди. Сўнгра: “Эй Муҳаммад, Аллоҳ қавмингнинг сенга айтган сўзини эшитди. Мен тоғлар фариштасиман, мени Роббинг хоҳлаган буйруғингни менга буюришинг учун сенга юборди, агар хоҳласанг уларнинг устиларига икки баланд тоғни ағдараман”, деди.** Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **“Балки Аллоҳ уларнинг сулбларидан ёлғиз Аллоҳга ибодат қиладиган, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайдиган кимсаларни чиқаришини умид қиламан”,** – дедилар”. *Муттафақун алайҳ.*

14. **Кезиб юрадиган фаришталар.** Ушбу фаришталар ер юзида айланиб юришга тайин қилинган. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга умматларининг саломини етказиб турадилар.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **إِنَّ لِلَّهِ عَزَّ وَجَلَّ مَلاَئِكَةً سَيَّاحِينَ فِي الأَرْضِ يُبَلِّغُونَنِي مِنْ أُمَّتِي السَّلاَمَ.** رَوَاهُ اَحْمَدُ

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Аллоҳ азза ва жалланинг ерда кезиб юрадиган фаришталари бор. Улар менга умматимдан салом етказадилар”, -** дедилар”. *Аҳмад ривоят қилган.*

15. **Дуо фаришталари.** Ушбу фаришталар дўсту биродарлари ҳаққига махфий ҳолатда хайрли дуо қиладиганларнинг устига тайин қилиб қўйилган. Бу фаришталар дуо қилувчига: “Омийн, сенга ҳам шундай бўлсин”, – деб турадилар.

عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ أَنَّ رَسُولَ الله صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَقُولُ **دَعْوَةُ الْمَرْءِ الْمُسْلِمِ لأَخِيهِ بِظَهْرِ الغَيْبِ مُسْتَجَابَةٌ عِنْدَ رَأْسِهِ مَلَكٌ مُوَكَّلٌ كُلَّمَا دَعَا لأَخِيهِ بِخَيْرٍ قَالَ الْمَلَكُ الْمُوَكَّلُ بِهِ آمِينَ وَلَكَ بِمِثْلٍ.** رَوَاهُ مُسْلِمٌ

Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Мусулмон кишининг биродари ҳаққига махфий қилган дуоси мустажобдир. Унинг бошида вакил қилинган бир фаришта бўлади, у биродари ҳаққига хайрли дуо қилган пайтда, вакил қилинган фаришта: “Омийн, сенга ҳам шундай бўлсин”, – деб туради”,** – деган эдилар”. *Муслим ривоят қилган.*

16. **Бандаларнинг руҳларини юқорига олиб чиқадиган фаришталар.** Бу фаришталарга вафот этган бандаларнинг руҳларини юқорига олиб чиқиш вазифаси юклатилган:

عَن أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ **إِذَا خَرَجَتْ رُوحُ الْمُؤْمِنِ تَلَقَّاهَا مَلَكَانِ يُصْعِدَانِهَا قَالَ حَمَّادٌ فَذَكَرَ مِنْ طِيبِ رِيحِهَا وَذَكَرَ الْمِسْكَ قَالَ وَيَقُولُ أَهْلُ السَّمَاءِ رُوحٌ طَيِّبَةٌ جَاءَتْ مِنْ قِبَلِ الْأَرْضِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْكِ وَعَلَى جَسَدٍ كُنْتِ تَعْمُرِينَهُ فَيُنْطَلَقُ بِهِ إِلَى رَبِّهِ عَزَّ وَجَلَّ ثُمَّ يَقُولُ انْطَلِقُوا**

بِهِ إِلَى آخِرِ الْأَجَلِ قَالَ وَإِنَّ الْكَافِرَ إِذَا خَرَجَتْ رُوحُهُ قَالَ حَمَّادٌ وَذَكَرَ مِنْ نَتْنِهَا وَذَكَرَ لَعْنًا وَيَقُولُ أَهْلُ السَّمَاءِ رُوحٌ خَبِيثَةٌ جَاءَتْ مِنْ قِبَلِ الْأَرْضِ قَالَ فَيُقَالُ انْطَلِقُوا بِهِ إِلَى آخِرِ اللأَجَلِ قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ فَرَدَّ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَيْطَةً كَانَتْ عَلَيْهِ عَلَى أَنْفِهِ هَكَذَا. رَوَاهُ مُسْلِمُ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Қачон мўминнинг руҳи чиқса, уни икки фаришта қабул қилиб олиб юқорига олиб чиқадилар”.** Ҳаммод айтади (ушбу ҳадис ровийларидан бири): (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам) унинг ҳидининг хушбўйлигини айта туриб мушкни зикр қилиб дедилар: **“Само аҳли айтадилар: Эй ер тарафдан келган муаттар руҳ, сенга ва сен эгаллаган жасадга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин. Уни Роббиси азза ва жаллага олиб борадилар. Сўнгра** (Роббиси): **“Уни** (қиёмат кунигача белгиланган) **охирги маконга олиб боринглар”, – дейди.** Яна дедилар: **“Қачон кофирнинг руҳи чиқса, Ҳаммод айтади:** (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам) **унинг ҳидининг бадбўйлигини айта туриб, лаънатни зикр қилиб дедилар: Само аҳли ер тарафдан келган ифлос руҳ деб айтадилар. Уни охирги маконга** (қиёмат кунигача белгиланган сижжинга) **олиб боринглар, дейилади”,** – дедилар”. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам устиларидаги чойшабни бурниларига бундай қилиб ёпдилар”. (Худди кофир руҳининг бадбўй ҳидидан бурунларини тўсган каби). *Муслим ривоят қилган.*

17. **Мункар ва Накир.** Бу фаришталарнинг номлари “нотаниш” маъносини англатади. Чунки булар маййитга нотаниш бўладилар. Маййит улардек кўринишни олдин кўрмаган бўлади. Бу иккала фаришта қабрга қўйилган инсонларни сўроқ-савол қилишга тайин қилинганлар.

عَن أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **إِذَا قُبِرَ الْمَيِّتُ أَوْ قَالَ أَحَدُكُمْ أَتَاهُ مَلَكَانِ أَسْوَدَانِ أَزْرَقَانِ يُقَالُ لِأَحَدِهِمَا الْمُنْكَرُ وَالْآخَرُ النَّكِيرُ فَيَقُولَانِ مَا كُنْتَ تَقُولُ فِي هَذَا الرَّجُلِ فَيَقُولُ مَا كَانَ يَقُولُ هُوَ عَبْدُ اللَّهِ وَرَسُولُهُ أَشْهَدُ أَنْ لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ فَيَقُولاَنِ قَدْ كُنَّا نَعْلَمُ أَنَّكَ تَقُولُ هَذَا ثُمَّ يُفْسَحُ لَهُ فِي قَبْرِهِ سَبْعُونَ ذِرَاعًا فِي سَبْعِينَ ثُمَّ يُنَوَّرُ لَهُ فِيهِ ثُمَّ يُقَالُ لَهُ نَمْ فَيَقُولُ أَرْجِعُ إِلَى أَهْلِي فَأُخْبِرُهُمْ فَيَقُولاَنِ نَمْ كَنَوْمَةِ الْعَرُوسِ الَّذِي لاَ يُوقِظُهُ إِلاَّ أَحَبُّ أَهْلِهِ إِلَيْهِ حَتَّى يَبْعَثَهُ اللَّهُ مِنْ مَضْجَعِهِ ذَلِكَ وَإِنْ كَانَ مُنَافِقًا قَالَ سَمِعْتُ النَّاسَ يَقُولُونَ فَقُلْتُ مِثْلَهُ لاَ أَدْرِي فَيَقُولاَنِ قَدْ كُنَّا نَعْلَمُ أَنَّكَ تَقُولُ ذَلِكَ فَيُقَالُ لِلأَرْضِ الْتَئِمِي عَلَيْهِ فَتَلْتَئِمُ عَلَيْهِ فَتَخْتَلِفُ فِيهَا أَضْلاَعُهُ فَلاَ يَزَالُ فِيهَا مُعَذَّبًا حَتَّى يَبْعَثَهُ اللَّهُ مِنْ مَضْجَعِهِ ذَلِكَ.** رَوَاهُ التِّرْمِذِيّ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Қачон маййит қабрга қўйилса, ё[260] сизлардан бирларингиз қабрга қўйилса, унга иккита қора кўк фаришталар келадилар. Уларнинг бири Мункар, иккинчиси Накир дейилади. Улар: “Бу киши ҳақида нима дердинг”, – дейдилар. У олдин айтган нарсасини айтади: “У Аллоҳнинг бандаси ва Расулидир, гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир, Муҳаммад Унинг бандаси ва Расулидир”, – дейди. Улар: “Сенинг шундай дейишингни билардик”, – дейдилар. Сўнгра унинг қабри етмишга етмиш зироъ қилиб кенгайтирилади. Сўнгра у ер унинг учун чароғон қилинади. Сўнгра унга, “ухла” дейилади. У: “Аҳлимга қайтиб уларга хабар берай”, –дейди. Улар: “Сен оиласининг энг севимли кишиси уйғотадиган янги уйланган куёвнинг уйқусидек ухлагин”, – дейдилар. У то Аллоҳ таоло уни ўша ётган жойидан қайта тирилтиргунича шундай ётади. Агар мунофиқ бўлса: “Одамларнинг айтаётганларини эшитган эдим, мен ҳам ўшандай деганман, билмайман”, – дейди. Улар: “Биз сенинг шундай дейишингни билардик”, – дейдилар. Ўша пайт ерга: “Унинг устида бирлашгин!” дейилади. Ер унинг устида бирлашади, ўшанда унинг қовурғалари аралашиб кетади. У то Аллоҳ таоло уни ўша ётган жойидан қайта тирилтиргунича доимо азобланиб туради”,** – дедилар”. *Термизий ривоят қилган.*

Фаришталар вафот этадиларми?

Исрофил алайҳиссалом сурга пуфлаган пайтда Аллоҳ уларнинг вафот этмасликларини хоҳлаган баъзи фаришталардан ташқари қолган барча фаришталар вафот этадилар. Бунга қуйидаги оятда далолат қилади:

﴿وَنُفِخَ فِي ٱلصُّورِ فَصَعِقَ مَن فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَن فِي ٱلۡأَرۡضِ إِلَّا مَن شَآءَ ٱللَّهُۖ ثُمَّ نُفِخَ فِيهِ أُخۡرَىٰ فَإِذَا هُمۡ قِيَامٞ يَنظُرُونَ ٦٨﴾

“Ва сурга пуфланди. Осмонлару ерда ким бўлса қулаб ўлди. Магар Аллоҳ хоҳлаганларгина қолди. Сўнгра унга яна бир бор пуфланди. Бас, тўсатдан улар туриб интизор бўлурлар”[261].

Имом Мотуридий роҳматуллоҳи алайҳ ушбу: **“Магар Аллоҳ хоҳлаганларгина қолди”** оятини, “улар Жаброил, Микоил, Исрофил ва Малакул мавтлардир, валлоҳу аълам”, дея тафсир қилган. Имом Байҳақий Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда мазкур фаришталарнинг ҳам бирма-бир вафот этишлари хабар берилган.

---

[260] Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу икки гапдан қайси бирини айтганларини ровий аниқ била олмагани сабабли омонатдорлик билан ҳар иккаласини ҳам айтиб қўйган. Ҳадис илмида бундай ҳолатни “ровийдан шак” дейилади.

[261] Зумар сураси, 68-оят.

Ҳар бир қилаётган амалларимизни фаришталарнинг кузатиб ёзиб бораётганларини доимо ёдимизда сақлаб, яхши амалларимизнинг ададлари ва сифатларини ошириб бориш бахтига Аллоҳ таоло барчаларимизни муваффақ қилсин.

ХОТАМУЛ АНБИЁ ҲАҚИДА

24 وَخَتْمُ الرُّسْلِ بِالصَّدْرِ الْمُعَلَّى نَبِيٍّ هَاشِمِيٍّ ذِي جَمَالِ

Маънолар таржимаси:

Пайғамбарларнинг сўнгиси “содру муъалло” бўлган гўзаллик соҳиби Ҳошимий Набийдир.

Назмий баёни:

“Содру муъалло”дир хотамуннабий,
Жисмию хулқи гўзал расул Ҳошимий.

Луғатлар изоҳи:

خَتْمُ – мубтадо, музоф. Луғатда фориғ бўлинган ишга нисбатан мажозан ишлатилади.

الرُّسْلِ – музофун илайҳ. Бу калима الرَّسُولِ нинг кўплик шакли бўлиб, аслида, الرُّسُلِ бўлган. Назм заруратига кўра мазкур шаклда келтирилган.

بِالصَّدْرِ – жор мажрур маҳзуф كَانَ феълига мутааллиқ. Содр калимаси бирор қавмнинг энг афзал кишисига нисбатан мажозан ишлатилган.

الْمُعَلَّى – луғатда “юксак мақомга кўтарилган” маъносига тўғри келади.

نَبِيٍّ – “бадал” бўлгани учун мажрур бўлиб турибди. Шунингдек, бу калимани хабар қилиб раф ўқиш ҳам жоиз бўлади.

هَاشِمِيٍّ – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг боболари Ҳошимга нисбат бериб айтилган.

ذِي – “соҳиб” маъносини англатувчи “асмаи ситта”дан бири. نَبِيٍّ га сифат бўлгани учун жор бўлиб турибди. Баъзи нусхаларда **ذُو** келган. Бунда икки хил таркиб жоиз бўлади:

– **ذُو** маҳзуф мубтадонинг хабари;

– **نَبِيٌّ** хабар, ذُو унинг иккинчи сифати.

جَمَالِ – музофун илайҳ. Розиликка ва лутф кўрсатишга тааллуқли бўлган сифатлар жамолий сифатлар дейилади.

Матн шарҳи:

Ўший раҳматуллоҳи алайҳ кўкс шарафли аъзо бўлганлиги ва Расулуллоҳ алайҳиссалом Қуръонда ҳам шу аъзо билан хосланганлари учун уни истиора[262] қилиб келтирганлар. Қуръони каримда у зотга шундай дейилган:

﴿أَلَمْ نَشْرَحْ لَكَ صَدْرَكَ ١﴾

“(Эй Муҳаммад!) **Кўксингизни** (илму ҳикматга) **кенг очиб қўймадикми?! „**[263].

Шунингдек, “кўкс” дея таржима қилинган “содр” калимаси, “олд”, “ҳурматли мақом” каби маъноларда ҳам қўлланади. Шу маънода ушбу байт: “Пайғамбарлар сўнгиси, энг олдин яратилган зотдир” ёки “Пайғамбарлар сўнгиси, ҳурматли мақомдаги зотдир” каби маъноларни ифодалайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг ҳурматли мақомда эканликлари ҳамда энг аввал яратилган пайғамбар эканликлари хабарларда келган.

عَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ شَقِيقٍ أَنَّ رَجُلاً سَأَلَ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَتَى كُنْتَ نَبِيًّا قَالَ **كُنْتُ نَبِيًّا وَآدَمُ بَيْنَ الرُّوحِ وَالْجَسَدِ.** رَوَاهُ اِبْنُ اَبِي شَيْبَةَ

Абдуллоҳ ибн Шақийқ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан: “Қачон набий бўлгансиз”, – деб сўради. У зот: **“Мен набий бўлганимда Одам руҳ билан жасад орасида эди”,** – дедилар”. *Ибн Абу Шайба ривоят қилган.*

Шарҳ: “Аллоҳ таоло Одам болаларининг жисмларини яратишидан олдин улардан аҳд олганини хабар бергани каби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарликлари ҳам у зотнинг руҳ ҳолатларида, инсонларнинг жисмлари яратилишидан олдин бўлганини хабар берган”[264].

Пайғамбарлар сўнгисига иймон келтириш тушунчаси

Пайғамбарлар сўнгисига иймон келтириш деганда, жумладан, қуйидагилар тушунилади:

1. Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг набийси, расули, ва танлаб олган бандасидирлар;

2. Муҳаммад алайҳиссалом Қуръон ва суннатда баён қилинганидек пайғамбарларнинг сўнгисидирлар:

---

[262] Истиора луғатда: “Фойдаланишга олиб туриш” маъносини англатади. Истилоҳда: Бир лафзни ўз ўрни бўлмаган жойда, кўзланган маъно билан истеъмол қилинган маъно орасида алоқа бўлганлиги учун, аслий маъносидан буриб турувчи қарина билан бирга ишлатиш истиора дейилади. Қаранг: Хулоса фи улумил балоға. “Мактабатуш шомила”. – Б. 43.

[263] Шарҳ сураси, 1-оят.

[264] Зайнуддин Абдур Рауф Муновий. Тайсир бишарҳи Жамиъис-соғир, 2-жуз. “Мактабатуш шомила”. – Б. 437.

﴿ مَّا كَانَ مُحَمَّدٌ أَبَآ أَحَدٍ مِّن رِّجَالِكُمْ وَلَٰكِن رَّسُولَ ٱللَّهِ وَخَاتَمَ ٱلنَّبِيِّـۧنَ ۗ وَكَانَ ٱللَّهُ بِكُلِّ شَىْءٍ عَلِيمًا ﴿٤٠﴾ ﴾

“Муҳаммад сизларнинг эркакларингиздан бирортасига ота эмасдир, балки у Аллоҳнинг элчиси ва пайғамбарларнинг муҳридир. Аллоҳ барча нарсани билувчи зотдир”[265].

3. Муҳаммад алайҳиссаломдан кейин пайғамбарлик даъвосини қилган ҳар қандай кимса ёлғончидир.

عَنْ ثَوْبَانَ قَالَ: قَالَ رَسُولُ الله صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **لَا تَقُومُ السّاعَةُ حَتّى تَلْحَقَ قَبَائِلُ مِنْ أُمّتِي بِالْمُشْرِكِينَ وَحَتّى يَعْبُدُوا الأَوْثَانَ وَإِنّهُ سَيَكُونُ فِي أُمَّتِي ثَلاَثُونَ كَذّابُونَ كُلُّهُمْ يَزْعُمُ أَنّهُ نَبِيٌّ وَأَنَا خَاتَمُ النّبِيّينَ لَا نَبِيّ بَعْدِي.** رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ

Савбон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Умматимдан бир қабилалар то мушрикларга эргашмагунларигача қиёмат қоим бўлмайди, улар ҳатто бутларга ибодат қиладилар. Келажакда умматимда ўттизта ўта ёлғончилар бўлади, уларнинг ҳар бири ўзини пайғамбар деб ҳисоблайди, ваҳоланки мен пайғамбарларнинг сўнгисиман, мендан кейин бирор пайғамбар йўқдир”,** дедилар”. *Термизий ривоят қилган.*

4. Муҳаммад алайҳиссалом яхши кўриладиган ва эргашиладиган инсонларнинг энг улуғидирлар:

﴿ قُلْ إِن كُنتُمْ تُحِبُّونَ ٱللَّهَ فَٱتَّبِعُونِى يُحْبِبْكُمُ ٱللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ ۗ وَٱللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٣١﴾ ﴾

“Айтинг (эй Муҳаммад!)**: “Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашингиз. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират этади. Аллоҳ кечирувчи ва раҳмлидир”[266].**

Яъни эй Муҳаммад, соллаллоҳу алайҳи васаллам айтинг: Сизлар ҳақиқатдан ҳам Аллоҳни яхши кўрсангизлар, менга эргашинглар, чунки мен У зотнинг элчисиман. Шунда У зот ҳам элчисига эргашганингиз ва буйруғига бўйсунганингиз учун сизларни яхши кўради.

Қуръони каримда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот ва салом айтишга қуйидагича буйруқ келган: **“Албатта, Аллоҳ ва Унинг фаришталари**

---

[265] Аҳзоб сураси, 40- оят.
[266] Оли Имрон сураси, 31-оят.

Набийга саловот айтурлар. Эй, иймон келтирганлар! Сиз ҳам унга салавот айтинг ва юборинг”[267].

Уламолар умр давомида бир марта салавот ва салом айтиш фарзлиги ушбу оят билан собит бўлганини, аммо у зотнинг номлари зикр қилинган пайтда, ё ҳар бир мажлисда, ё ададга чекламасдан доимий равишда салавот васалом айтиб юриш зарурлиги ҳадислар билан собит бўлганини айтганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳ таолонинг, фаришталарнинг ва одамларнинг салавот айтишлари қуйидаги маъноларга далолат қилади:

- Аллоҳнинг салавот айтиши – у зотга раҳмат юбориши.
- Фаришталарнинг салавот айтиши – у зот учун истиғфор айтишлари.
- Одамларнинг салавот айтиши - у зотнинг ҳақларига дуо қилишлари.

Ташаҳудда, хутбада, жаноза намозида, азондан кейин, дуо қилаётган пайтда ва ҳоказо кўплаб ибодатларда салавот айтиш жоорий қилингани салавотнинг аҳамияти нақадар улуғлигига далолат қилади.

Жисми ва хулқи гўзал Ҳошимий Набий

Ўший раҳматуллоҳи алайҳ байтнинг давомида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни “Жисмию хулқи гўзал расул Ҳошимий”, маъносида таърифлаган. Ҳошимий, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ота тарафдан боболари Ҳошимга нисбатдир. Чунки Ҳошимийлар Қурайш қабилалари ичида энг афзал уруғ бўлган. Тарих китобларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ташқи қиёфалари ва хулқ-атворлари тўғрисидаги ривоятлар батафсил келтирилган. Ўша хабарларда у зоти бобаракотнинг том маънода комил инсон бўлганликлари, жисмларининг мукаммаллиги-ю, хулқларининг гўзаллиги билан бошқа инсонлардан кескин ажралиб турганлари баён қилинган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу у зоти бобаракотни шундай хотирлаган: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўра гўзалроқ кишини кўрмаганман. Гўё юзларида қуёш балқиб тургандек бўларди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўра илдам юрадиган кишини кўрмаганман, гўё ер масофаси у зот оёқлари остида ўралиб, қисқариб кетаётганга ўхшарди, у зотнинг бемалол эркин одим ташлаб юришларига етишиб юриш учун, бизлар жидду-жаҳд билан тез юриб ҳам ортда қолиб кетардик”.

Каъб ибн Моликдан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор нарсадан хурсанд бўлсалар, юзларидан худди ой парчаси каби нур таралиб кетарди”.

У зотнинг хулқлари қандай бўлганини Аллоҳ таолонинг Ўзи баён қилиб қўйган:

﴿ وَإِنَّكَ لَعَلَىٰ خُلُقٍ عَظِيمٍ ٤ ﴾

“Албатта, Сиз буюк хулқ узрадирсиз!”[268].

---

[267] Аҳзоб сураси, 56-оят.

Ҳа, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқлари илм бўлган, ҳалимлик бўлган, ҳаё бўлган, ибодат бўлган, сахийлик бўлган, сабр бўлган, шукр бўлган, тавозеъ бўлган, зуҳд бўлган, раҳмат бўлган, шафқат бўлган, гўзал муомала бўлган, намунавий одоб бўлган ва булардан бошқа комил инсон учун лозим бўлган қандай олий хислатлар бўлса, уларнинг барчаси у зотда мужассам бўлган. Зеро, оламларга раҳмат қилиб юборилган пайғамбар булардан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас.

﴿ وَمَآ أَرۡسَلۡنَٰكَ إِلَّا رَحۡمَةٗ لِّلۡعَٰلَمِينَ ١٠٧ ﴾

“(Эй Муҳаммад!) **Биз Сизни** (бутун) **оламларга айни раҳмат қилиб юборганмиз”[269].**

Яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фақат мусулмонларгагина эмас, бутун оламларга раҳмат қилиб юборилганлар. Бу зот олиб келган таълимотлар жамодот оламига ҳам, яъни тоғу тошлар ва сувлар каби оламларга ҳам, наботот оламига ҳам, ҳайвонот оламига ҳам, инсоният оламига ҳам ва агар яна булардан бошқа оламлар мавжуд бўлса, уларнинг барча-барчасига ҳам Аллоҳ таоло томонидан ҳадя қилиб берилган раҳматдир. У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари бу ҳақда шундай деганлар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ **إِنَّمَا أَنَا رَحْمَةٌ مُهْدَاةٌ.** رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ

“Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Албатта, мен ҳадя қилинган раҳматман”,** – дедилар”. *Байҳақий ривоят қилган.*

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таолонинг оламларга юборган ҳадясидир. Бу ҳадяни қабул қилганларга дунёда бахтли ҳаёт, охиратда жаннат ваъдаси берилган. Қабул қилмаганлар эса бахту-саодатни ўрни бўлмаган жойдан излаб овора бўлиб ўтишган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқлари мўмин киши учун намуна ҳисобланади. Қуйидаги хулқларга риоя қилиб, уларни ўзининг доимий одатига айлантириб олган киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқлари билан хулқланган бўлади:

1. Барча ёмон сўз ва ишлардан тийилиш;
2. Одамлар билан муомала қилишда овозни баландлатмаслик;
3. Кечиримли бўлиш;
4. Зиммадаги вазифани бажаришда сусткашлик қилмаслик;
5. Кўп кулишдан сақланиш;
6. Эҳтиёжмандларнинг ҳожатларини раво қилишни ортга сурмаслик;
7. Аҳли оиласига уй ишларида кўмаклашиш;
8. Ҳайитларда, тўйларда энг яхши кийимларини кийиш;
9. Оз таом билан кифояланиш;

---

[268] Қалам сураси, 4-оят.
[269] Анбиё сураси, 107-оят.

10. Ортиқча мақтовларга рози бўлмаслик;
11. Бировга азият бериши мумкин бўлган сўзларни ҳазиллашиб ҳам айтмаслик;
12. Дўстларининг бирортасига ҳам ёмон кўз билан қарамаслик;
13. Ширин сўзли бўлиш;
14. Фақат рост гапни гапириш;
15. Инсонларга ҳам, ҳайвонларга ҳам раҳм-шафқатли бўлиш;
16. Бахиллик қилмаслик;
17. Тунги уйқуда эрта ётиб эрта туриш;
18. Жамоат намозига кечикмаслик;
19. Ғазабланмаслик, ғазаби келган пайтда “аъузу биллаҳи минаш шайтонир рожийм” дейиш;
20. Кўп гапиришдан тийилиш;
21. Қуръони каримни тушуниб, тадаббур билан қироат қилиш ва ўзгаларнинг тиловатларини ҳам тинглаб юриш;
22. Доимо хушбўйликлар ишлатиб юриш;
23. Доимо мисвок ишлатиб юриш;
24. Шижоатли бўлиш, ўзининг зарарига бўлса ҳам ҳақни гапириш;
25. Инсонларнинг насиҳатларини қабул қилиш;
26. Аёллари ва фарзандлари ўртасида адолат билан иш юритиш;
27. Инсонларнинг азиятларига сабрли бўлиш;
28. Ўзи учун яхши кўрган нарсани бошқаларга ҳам бўлишини яхши кўриш;
29. Саломни кўпайтириш;
30. Кийимлари ва соч-соқолларини доимо ораста тутиш.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратларига бағишланган китобларда у зотнинг сиймолари ва хулқ-атворларига тааллуқли маълумотлар алоҳида-алоҳида гўзал тартибда жамланган.

ХОТАМУЛ АНБИЁНИНГ СИФАТЛАРИ

25 إِمَامُ الأَنْبِيَاءِ بِلاَ اخْتِلاَفٍ وَتَاجُ الأَصْفِيَاءِ بِلاَ اخْتِلاَلِ

Маънолар таржимаси:

(У зот) ***ҳеч бир ихтилофсиз барча пайғамбарларнинг имомидирлар ва барча*** *(ёмон сифатлардан)* ***холи бандаларнинг нуқсонсиз тожидирлар.***

Назмий баёни:

Барча пайғамбарлар имомидирлар,
улуғ афиф бандалар тожидирлар.

Луғатлар изоҳи:

إِمَامُ – маҳзуф мубтадонинг хабари. Луғатда “олдинда турувчи” маъносини англатади.

الأَنْبِيَاءِ – ушбу калимадаги اَلْ истиғроқиядир. Шунга кўра барча пайғамбарларнинг имоми деган маъно чиқади.

بِ – зоида жор ҳарфи.

لاَ – нафий ҳарфи.

اخْتِلاَفٍ – жор мажрур إِمَامُ га мутааллиқдир.

تَاجُ – тож безак навларининг ичида энг юқорида турувчи энг олийси бўлгани учун Нозим тожни ташбеҳ қилиб келтирган.

الأَصْفِيَاءِ – صَفِيّ калимасининг кўплик шакли бўлиб, “маънавий кирликлардан пок бандалар”, маъносида ишлатилган. Шунинг учун улуғ афиф бандалар деб таржима қилинди.

اخْتِلاَلِ – жор мажрур تَاجُ га мутааллиқ. Бу калима луғатда заиф гапларга ва номувофиқ ишларга нисбатан ишлатилади.

Матн шарҳи:

Ўший раҳматуллоҳи алайҳ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатларини баён қилишда давом этиб, у зотни пайғамбарларнинг имоми, улуғ афиф бандаларнинг тожи дея васф қилган. Бу васфдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қиёмат кунида барча пайғамбарлардан муқаддам туришларига ҳам ишора бор. Бу ҳақида қуйидаги ривоят келган:

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **أَنَا سَيِّدُ وَلَدِ آدَمَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَا فَخْرَ وَبِيَدِى لِوَاءُ الْحَمْدِ وَلاَ فَخْرَ وَمَا مِنْ نَبِيٍّ يَوْمَئِذٍ آدَمُ فَمَنْ سِوَاهُ إِلاَّ تَحْتَ لِوَائِى وَأَنَا أَوَّلُ مَنْ تَنْشَقُّ عَنْهُ الْأَرْضُ وَلَا فَخْرَ**. سُنَنُ التِّرْمِذِيِّ

Абу Саиддан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Мен қиёмат кунида Одам боласининг саййидиман, лекин мақтаниш эмас. Ҳамд байроғи менинг қўлимда бўлади, лекин мақтаниш эмас. Ўша кунда Одамми, ундан бошқасими, менинг байроғим остида бўлмаган бирор пайғамбар бўлмайди. Мен ер унинг устидан ёриладиган биринчи кишиман, лекин мақтаниш эмас”,** – дедилар”. *“Сунани Термизий”да келган.*

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам “Барча афиф бандаларнинг тожидирлар” дея васф қилинди. Афиф инсонлар деганда қалблари нафсий иллатлардан холи бўлган олимлар, шаҳидлар ва бошқа тақводор мўминлар тушунилади. Тож безак турларининг ичида энг кўзга кўриниб турадиган ва энг қиймати юксак бўлганидек, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам афиф инсонларнинг энг кўзга кўриниб турадигани ва энг қийматлисидирлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни яхши кўриш иймон тақозоси ҳисобланади. Яъни Ислом динини бино деб тасаввур қилинадиган бўлса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни яхши кўриш ўша бинони тутиб турадиган пойдевор мақомидаги тушунча ҳисобланади. Бу ҳақида у зотнинг ўзлари шундай хабар берганлар:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ **لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّى أَكُونَ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِنْ وَلَدِهِ وَوَالِدِهِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ**. رَوَاهُ مُسْلِمُ

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Сизлардан бирингиз токи мен унга боласидан, отасидан ва барча инсонлардан севикли бўлмагунимча мўмин бўла олмайди”,** – дедилар”. *Муслим ривоят қилган.*

Дунёда ҳеч бир инсон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламчалик яхши кўрилиб, мақтов билан ёд этилмаган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг доимий мақталган, улуғланиб мадҳ этилган зот эканлари Муҳаммад деб номланишларида ҳам ўз аксини топган. У зотни Аллоҳ таолонинг Ўзи улуғлаб мадҳ этган, фаришталар ҳам, пайғамбарлар ҳам мадҳ этганлар, ер юзидаги барча ақли бор инсонлар доимо у зотни мақтаб, мадҳ этиб келганлар. Чунки у зотнинг сифатлари дўсту душман – ҳамманинг ҳузурида энг мақтовли сифатлар бўлган. Бу ҳақида у зотнинг ўзлари шундай хабар берганлар:

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ **أَنَا سَيِّدُ وَلَدِ آدَمَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَا فَخْرَ**. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Абу Саиддан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Мен қиёмат кунидаги Одам боласининг саййидиман, лекин мақтаниш эмас”,** – дедилар”. *Бухорий ривоят қилган.*

Саййидул башарга салавот ва саломлар бўлсин.

СЎНГИ МУКАММАЛ ШАРИАТ ҲАҚИДА

26 وَبَاقٍ شَرْعُهُ فِي كُلِّ وَقْتٍ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ وَارْتِحَالِ

Маънолар таржимаси:

У зотнинг шариати то қиёмат кунигача ва *(дунёдан охиратга)* ***кўчишгача барча вақтда боқий қолувчидир.***

Назмий баёни:

Унинг шариати боқийдир ҳар вақт,
Келгунича кўчиш кун, рўзи қиёмат.

Луғатлар изоҳи:

بَاقٍ – мубтадосидан олдин келтирилган хабар. Луғатда “собит қолувчи” маъносини англатади.

شَرْعُهُ – хабаридан кейин келтирилган мубтадо. Шариат сўзи луғавий жиҳатдан “баён қилинган қонун” маъносини англатади. Истилоҳда эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам баён қилган шаръий ҳукмлар, шариат деб аталади.

فِي –“зарфият” маъносида келган жор ҳарфи.

كُلِّ – жор мажрур بَاقٍ га мутааллиқдир.

وَقْتٍ – музофун илайҳ. Вақт калимаси ўтаётган даврнинг бир бўлагига нисбатан ишлатилади.

اِلَى – “замоний ғоя”нинг интиҳоси учун келган жор ҳарфи.

يَوْمِ الْقِيَامَةِ – луғатда “ўрнидан туриш куни” маъносини англатади. Истилоҳда қабрлардан туриладиган кун, қиёмат куни дейилади.

ارْتِحَال –бу масдар бир жойдан бошқасига кўчишга нисбатан ишлатилади. Бу ерда барча халойиқнинг дунёдан охиратга кўчадиган Куни назарда тутилган.

Матн шарҳи:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олиб келган шариатлари олдинги барча шариатларни насх[270] қилувчи охирги мукаммал шариат

[270] Насх луғатда: “бекор қилмоқ”, “йўқ қилмоқ” каби маъноларни англатади. Истилоҳда эса:

ҳисобланади. Зеро, у зотдан сўнг шариатларини насх қиладиган бирор пайғамбар ҳам келмайди. Аслида, ушбу байт “Жаҳмия”[271] фирқасининг бузуқ эътиқодларига раддия сифатида келтирилган.

Ушбу байтда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариатлари қиёмат кунигача мансух бўлмаслигига, яъни у зотнинг шариатини насх қилувчи бошқа пайғамбар келмаслигига ишора бор. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўнг кимдир у зот келтирган шариатдан бошқа бирор шариатни хоҳлаган тақдирда ҳам қилаётган ишлари ундан қабул қилинмайди. Бу ҳақида Қуръони каримда шундай хабар берилган:

﴿ وَمَن يَبْتَغِ غَيْرَ ٱلْإِسْلَٰمِ دِينًا فَلَن يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِى ٱلْءَاخِرَةِ مِنَ ٱلْخَٰسِرِينَ ﴿٨٥﴾ ﴾

“Кимки Исломдан ўзга динни истаса (ихтиёр этса)**, ундан** (у дин) **сира қабул қилинмагай ва у охиратда зиён кўрувчилардандир”[272].**

Бироқ Исо алайҳиссаломнинг қиёматга яқин тушишлари ва жизяни[273] бекор қилишлари ҳақида ҳам ҳадислар келган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариатларида қўлланган жизяни бекор қилиш насх ҳисобланмайдими? Ҳа, зоҳиран насхга ўхшаб кўринган бу иш аслида насх эмас, балки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўрсатмаларига амал қилиш ҳисобланади. Ушбу ҳақиқат Исо алайҳиссаломнинг жизянинг ҳукмини кўтаришлари ҳақидаги хабарда ўз ифодасини топган:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ **لَيْسَ بَيْنِي وَبَيْنَهُ نَبِيٌّ يَعْنِي عِيسَى وَإِنَّهُ نَازِلٌ فَإِذَا رَأَيْتُمُوهُ فَاعْرِفُوهُ رَجُلٌ مَرْبُوعٌ إِلَى الْحُمْرَةِ وَالْبَيَاضِ بَيْنَ مُمَصَّرَتَيْنِ كَأَنَّ رَأْسَهُ يَقْطُرُ وَإِنْ لَمْ يُصِبْهُ بَلَلٌ فَيُقَاتِلُ النَّاسَ عَلَى الإِسْلاَمِ فَيَدُقُّ الصَّلِيبَ وَيَقْتُلُ الْخِنْزِيرَ وَيَضَعُ الْجِزْيَةَ وَيُهْلِكُ اللَّهُ فِي زَمَانِهِ الْمِلَلَ كُلَّهَا إِلاَّ الإِسْلاَمَ وَيُهْلِكُ الْمَسِيحَ الدَّجَّالَ فَيَمْكُثُ فِي الأَرْضِ أَرْبَعِينَ سَنَةً ثُمَّ يُتَوَفَّى فَيُصَلِّي عَلَيْهِ الْمُسْلِمُونَ.** رَوَاهُ اَبُو دَاوُدَ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Мен билан унинг орасида набий йўқдир, яъни Исо алайҳиссаломнинг. У тушгувчидир. Қачон уни кўрсаларингиз, билиб олингларки, у қизил юзли ва оқ юзли ўртасидаги кишидир. Унинг устида**

Шориъ ўзининг олдинги ҳукмини кейинги ҳукми билан бекор қилиши насх деб аталади. Қаранг: Доктор Маҳмуд Тоҳҳон. Тайсиру мусталаҳил ҳадис. – Риёз: “Мактабатул маъориф линнашри ват тавзийъ”, 2004. – Б 74.

[271] Жаҳмия фирқасининг номи Жаҳм ибн Сафвонга нисбат берилган бўлиб, улар инсонга ихтиёр берилганини ва Аллоҳ таолонинг сифатларини инкор қилиб чиқишган. Мазкур бузуқ қарашларини ҳижрий 118-йилда муртад сифатида қатл этилган Жаъд ибн Дирҳамдан ўзлаштирганлар. Жаҳм ибн Сафвон Умавийларга қарши Ҳорис ибн Сурайж билан бирга бош кўтариб чиққани учун 128-ҳижрий санада қатл этилган. Қаранг: Мунжид фил-луғати аълом. – Байрут: “Дорул машриқ”, ўттиз саккизинчи нашр. – Б. 205.

[272] Оли Имрон сураси, 85-оят.

[273] Жизя луғатда “тўламоқ” маъносини англатади. Истилоҳда эса “мусулмон бўлмаганлардан Ислом ҳукмига таслим бўлганликларига ва унинг ҳукми остида яшашга рози бўлганларига моддий далил каби олинадиган маълум миқдордаги мол жизя дейилади”. Қаранг: Абдулҳамид Маҳмуд Тоҳмоз. Фиқҳул Ҳанафий фи савбиҳил жадид. – Дамашқ: “Дорул қалам”, 2009. – Б. 79.

иккита бўялган кийим бор. Гўё бошидан томчи томиб тургандек бўлади, гарчи намлик етмаган бўлса ҳам. У Ислом йўлида одамлар билан жанг қилади. У бутни парчалайди, чўчқани ўлдиради ва жизяни кўтаради. Аллоҳ таоло унинг замонида Исломдан бошқа барча миллатларни ҳам, масийҳ дажжолни ҳам ҳалок қилади. У (Исо алайҳиссалом) **ерда қирқ йил яшаб туради. Сўнгра вафот этади. Унга мусулмонлар намоз** (жаноза) **ўқийдилар”,** – дедилар”. *Абу Довуд ривоят қилган.*

Демак, Исо алайҳиссалом жизяни бошқа бир янги шариат билан эмас, балки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган шариат билан бекор қиладилар. Бу эса насх қилиш эмас, балки унга амал қилиш ҳисобланади.

Исо алайҳиссалом тушганларидан сўнг ваҳий тушадими?

Исо алайҳиссалом ерга тушганларидан сўнг у зотга ваҳий нозил бўлиши ҳақида хабарлар келган. “Саҳиҳи Муслим” китобининг охирида “Яъжуж ва Маъжуж” ҳақидаги узун ҳадисда Исо алайҳиссаломга ваҳий тушиши ҳақида, жумладан, шундай дейилган:

فَبَيْنَمَا هُوَ كَذَلِكَ إِذْ أَوْحَى اللَّهُ إِلَى عِيسَى إِنِّي قَدْ أَخْرَجْتُ عِبَادًا لِي لاَ يَدَانِ لأَحَدٍ بِقِتَالِهِمْ فَحَرِّزْ عِبَادِي إِلَى الطُّورِ وَيَبْعَثُ اللَّهُ يَأْجُوجَ وَمَأْجُوجَ. صَحِيحُ مُسْلِمٍ

“...У ана шундай бўлиб турганида Аллоҳ таоло Исога “Мен улар билан уришишга бирор кимсанинг тоқати етмайдиган бандаларни чиқардим, бас, бандаларимни Турга истеҳком қилиб сақла”, – деб ваҳий қилади, сўнгра Аллоҳ Яъжуж ва Маъжужни юборади...”. *“Саҳиҳи Муслим”да келган.*

Ушбу ҳадисда Исо алайҳиссаломга тушганларидан сўнг ваҳий юборилиши баён қилинган. Бироқ бу бирор шаръий ҳукмни жорий қиладиган ваҳий эмас, балки хабар бериш маъносидаги ваҳий бўлади. Шунга кўра, Исо алайҳиссалом ерга тушганларидан сўнг қирқ йил Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг халифаси мақомида у зотнинг умматлари билан бирга бўладилар. Шундан кейин вафот этадилар ва мусулмонлар у зотнинг жанозаларини ўқиб дафн қиладилар.

ИСРО ВА МЕЪРОЖ БАЁНИ

27 وَحَقٌّ أَمْرُ مِعْرَاجٍ وَصِدْقٌ فَفِيهِ نَصُّ أَخْبَارٍ عَوَالِي

Маънолар таржимаси:

Меърож иши ҳақ ва ростдир, у ҳақида олий *(исноди)* ***хабарларнинг баёни бўлгани сабабли.***

Назмий баёни:

Меърож воқеасин ҳақ ва рост деб бил,
Олий хабарларда келгандир далил.

Луғатлар изоҳи:

حَقٌّ – мубтадосидан олдин келтирилган хабар. Воқеликнинг берилган ҳукмга мувофиқ бўлиши ҳақ (ҳақиқат) дейилади.

اَمْرُ – хабаридан кейин келтирилган мубтадо, музоф.

مِعْرَاجٍ – музофун илайҳ. Луғатда “юқорига кўтарувчи асбоб” маъносини англатади. Аммо бу ерда “кўтарилиш” сўзини ифодаловчи масдарий маъноси ирода қилинган.

صِدْقٌ – “сидқ” (рост) берилган ҳукмнинг воқеликка мувофиқ бўлиши сидқ дейилади. Шунга кўра бу калимадан “асло ёлғон эмасдир” маъноси тушунилади.

فَ – “таълилия” (изоҳламоқ) маъносида келган.

فِيهِ – жор ва мажрур мубтадосидан олдин келтирилган хабардир.

نَصُّ – хабаридан кейин келтирилган мубтадо. Фақат битта маънога далалат қиладиган ёки таъвийл қилиб бўлмайдиган калималар насс дейилади.

أَخْبَارٍ عَوَالِي – музофун илайҳ. Олий хабарлар маъносини англатувчи бу сўздан олий исноди ҳадислар ирода қилинган. Олий исноди ҳадислар деганда ҳадис ровийси билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ораларидаги кишилар оз бўлган ҳадислар тушунилади. Орадаги восита қанча кам бўлса, хато эҳтимоли шунча камайган бўлади. Шунинг учун бундай ҳадисларни муҳаддислар “олий исноди ҳадислар” дейишган.

Матн шарҳи:

Ушбу байтда “Меърож” воқеасининг саҳиҳ хабарларда баён қилинганидек содир бўлгани тўғрисида сўз юритилган.

Исро луғатда “тунги сайр” маъносини билдирса, шаръий истилоҳда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Макка шаҳридан Қуддус шаҳрига қилган тунги сайрлари “Исро” дейилади.

“Меърож – Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Исродан сўнг ўша кечанинг ўзида “Масжидул Аксо”дан олий самоларга, кейин “Сидратул мунтаҳо”га кўтарилишлари, сўнгра ўша кечанинг бир қисмининг ўзидаёқ “Байтул Мақдис” га қайтишларидир.

Меърож луғат жиҳатидан нарвонга ўхшаш “кўтарилиш асбоби”маъносини англатади. Лекин унинг қандай нарса экани номаълумдир. Унинг ҳукми ҳам бошқа ғайбий нарсаларнинг ҳукми каби бўлиб, шакл ва ҳолати қандайлигини билишга уриниб ақлни қийнаш дуруст эмас[274]”.

Аммо истилоҳда “кўтарилиш” маъносидаги масдарий маъноси ирода қилинган бўлади.

Исро ва Меърож ҳақида иккаласи бир кечада бўлганми ёки бошқа-бошқа кечада бўлганми, қайси бири аввал бўлган, уйғоқликда бўлганми ёки уйқуда бўлганми ёки баъзиси уйғоқликда ва баъзиси уйқуда бўлганми бир марта бўлганми ё икки марта бўлганми ё кўп марта бўлганми каби турли фикр-мулоҳазалар билдирилган. Бундай турли қарашлар “Исро ва Меърож” кечаси ҳақидаги ривоятларда баён қилинган воқелар сабабли келиб чиққан. Ана шундай воқеалардан бири Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарларни кўрганлари ҳақидаги хабардир. Бу ҳақида қуйидагича мулоҳазалар билдирилган:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “Исро ва Меърож” кечасида пайғамбарларни кўзлари билан кўрганлари ривоят қилинган. Яна у зотнинг барча пайғамбарларни самода ҳам кўрганлари зикр қилинган. Шунга кўра баъзилар: “Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тунда сайр эттирилишлари уйқуда бўлган” дейишиб, саҳиҳ хабарларни рад этишган. Чунки улар вазмин нарсанинг юқорига ҳаракатланишини ва ўликнинг тирилишини одатга хилоф деб билишган. Уламолар эса мазкур саҳиҳ хабарни қабул қилиш лозимлигини таъкидлаганлар. Зеро, вазмин нарсанинг юқорига ҳаракатланиши худди тушиши каби бир жараёндир. Жаброил алайҳиссалом енгил бўлишлари билан бирга ерга тушганлар, худди шундай Муҳаммад алайҳиссалом ҳам вазмин бўлишлари билан бирга юқорига кўтарилганлар. Осмонлару ерни устунларсиз тутиб турган зотнинг ҳикмати шуни тақозо қилишининг ҳеч қандай ажабланарли жойи йўқ. Аллоҳ таолонинг қудратига вазмин нарсани ўша даражаларга кўтариши қийинлик туғдирмайди. Шунингдек, пайғамбарларни тирилтириб, уларни хилма-хил ўринларда ва турли вақтларда у зотга кўрсатиши ҳам жоиз ишлардан ҳисобланади”[275].

---

[274] Имом Ибн Касир “Исро ва Меърож” 7-бет.

[275] Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Арабий Моликий. Авасим минал қовасим. Байрут: “Мактабатул Ансор”, 2006. – Б. 235.

Имом Жалолиддин Суютий “Исро ва Меърож” ҳақида қуйидагиларни ёзган: “Муфассирлар, муҳаддислар, фуқаҳолар ва мутакаллимларнинг барчалари “Исро ва Меърож”нинг уйғоқликда бир кечада бўлганига иттифоқ қилганлар. Бу ҳақида очиқ-ойдин саҳиҳ хабарлар келган. Қуръони каримда шундай хабар берилган:

﴿سُبۡحَٰنَ ٱلَّذِيٓ أَسۡرَىٰ بِعَبۡدِهِۦ لَيۡلٗا مِّنَ ٱلۡمَسۡجِدِ ٱلۡحَرَامِ إِلَى ٱلۡمَسۡجِدِ ٱلۡأَقۡصَا ٱلَّذِي بَٰرَكۡنَا حَوۡلَهُۥ لِنُرِيَهُۥ مِنۡ ءَايَٰتِنَآۚ﴾

“(Ўз) **бандаси** (Муҳаммад)**ни, унга мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун** (Маккадаги) **Масжиди Ҳаромдан** (Қуддусдаги) **Биз атрофини баракотли қилган Масжиди Ақсога тунда сайр қилдирган зотга тасбеҳ айтилур”**[276]**.**

Тасбеҳ улуғ ишлар қаршисида айтилади (оятда “Субҳана” дея тасбеҳ айтилмоқда) агар мазкур воқеа Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ухлаётган пайтларида содир бўлганида, бу ишда алоҳида бир улуғлик бўлмасди. Қурайш ҳам буни бирдан инкор қилишга ошиқмас эди. Зеро, банда руҳ ва жасаддан иборат. Агар мазкур воқеа у зотнинг ухлаган пайтларида фақат руҳларига боғлиқ ҳолда содир бўлганида эди, оятда “Бандасини” деб эмас, балки “Бандасининг руҳини” деб айтилган бўларди. Қолаверса, бу ақлан ҳам тўғри эмас, чунки у зот Бурокка миндирилганлар, Бурокка эса руҳ миндирилмайди, балки бадан миндирилади”[277].

Байтул Мақдисга олиб борилиш ҳикмати

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “Исро ва Меърож” кечасида аввало Байтул Мақдисга олиб борилиб, сўнгра самога кўтарилишларининг ҳикмати ҳақида қуйидагилар баён қилинган:

“Байтул Мақдисга олиб борилишда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Меърож ҳақидаги сўзларининг рост эканини изҳор этиш ҳикмати бор. Қурайш Байтул Мақдиснинг васфи ҳақида сўрашганида, у зот васфини келтириб, уларнинг йўлда келаётган карвонлари ҳақида ҳам хабар берганлар. Агар у зотнинг самога кўтарилишлари тўғри Макка орқали бўлганида эди, ўша нарса ҳосил бўлмай қоларди. Чунки агар самода юз берган воқеанинг ўзинигина хабар берганларида самодаги нарсани уларга кўрсатиш иложи бўлмасди. Аммо улар Байтул Мақдисни кўрган эдилар, шу сабабли ўртада Байтул Мақдис ҳақида савол-жавоб бўлган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйғоқ ҳолатларида жисмонан самога кўтарилганларига ушбу оят ҳам далил бўлади:

﴿وَلَقَدۡ رَءَاهُ نَزۡلَةً أُخۡرَىٰ ١٣ عِندَ سِدۡرَةِ ٱلۡمُنتَهَىٰ ١٤ عِندَهَا جَنَّةُ ٱلۡمَأۡوَىٰٓ ١٥﴾

---

[276] Исро сураси, 1-оят.

[277] Имом Жалолиддин Суютий. Исро ва Меърож, биринчи нашр. – Миср: “Дору ғоддил жадид”, 2005. – Б. 75.

“Ва, дарҳақиқат, уни бошқа сафар кўрди. “Сидратул-мунтаҳо” (тугаш дарахти) **олдида. Унинг ҳузурида маъво жаннати бор”[278].**

Яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Жаброил алайҳиссаломни Сидратул-мунтаҳода кўришлари учун у зот ўша жойга ва жаннатул маъвога борган бўлишлари керак”[279].

Машҳур ватандошимиз Нажмиддин Насафий “Исро ва Меърож” ҳақида шундай ёзган:

وَالْمِعْرَاجُ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَ سَلَّمَ فِي الْيَقْظَةِ بِشَخْصِهِ اِلَى السَّمَاءِ ثُمَّ اِلَى مَا شَاءَ اللَّهُ تَعَالَى مِنَ الْعُلَى حَقٌّ.

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйғоқликда жисмонан самога кўтарилишлари сўнгра Аллоҳ хоҳлаган олийликларга юксалишлари ҳақдир”.

Аллома Тафтазоний мазкур матнларни қуйидагича шарҳлаган: “Масжидул Ҳаромдан Байтул Мақдисга қилинган исро Қуръон билан собит бўлган хабардир. Ердан самога кўтарилишлари “машҳур” хабардир[280]. Самодан жаннатга ё Аршга ё ундан бошқа жойга кўтарилишлари “оҳод”дир[281]. Сўнгра тўғриси: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Роббиларини қалблари билан кўрганларидир, кўзлари билан кўрганлари эмас”[282].

Софиюрраҳмон Муборакфурий “Роҳиқул Махтум” китобида “Исро ва Меърож” воқеаси қачон содир бўлгани тўғрисида айтилган қуйидаги олти хил қарашни келтирган:

1. Исро Аллоҳ таоло у зотни нубувватга мушарраф этган йили бўлган;
2. Пайғамбар бўлганларидан беш йил кейин бўлган;
3. Нубувватнинг ўнинчи йилида ражаб ойининг 27 кечасида бўлган;
4. Ҳижратдан ўн олти ой олдин нубувватнинг 12 йилида рамазон ойида бўлган;
5. Ҳижратдан бир йил-у икки ой олдин нубувватнинг 13 йилида муҳаррам ойида бўлган;
6. Ҳижратдан бир йил олдин нубувватнинг 13 йилида робиъул аввал ойида бўлган.

Кейин сўзида давом этиб, Исро сурасида Исро қиссаси битта оятда зикр қилингани, сўнгра Бани Исроил ва уларнинг бузғунчиликлари ҳақида сўз юритилгани кейин Қуръоннинг энг тўғри йўлга ҳидоят қилиши ҳақидаги хабар

---

[278] Нажм сураси, 13, 15-оятлар.

[279] Муҳаммад Анвар Бадахшоний. Талхийсу шарҳи ақидатит-Таҳовий. – Карачи: “Замзам бабилшарз”, 1415 ҳ. – Б. 96.

[280] Машҳур луғатда: “таниқли”, “донг таратган” каби маъноларни англатади. Ҳадис илми истилоҳида эса: Ҳар бир табақада уч ва ундан ортиқ кишилар ривоят қилган, лекин мутавотир даражасига етмаган хабар – машҳур дейилади. Қаранг: Доктор Маҳмуд Тоҳҳон. Тайсиру мусталаҳил ҳадис. – Риёз: “Мактабатул маъориф линнашри ват тавзийъ”, 2004. – Б. 22.

[281] Оҳод луғатда: “Бирлар” маъносини англатади. Шу маънода “Хобарул воҳид” дейилганда бир киши ривоят қилган хабар тушунилади. Истилоҳда эса: Мутавотирнинг шартларини ўзида жамлай олмаган хабар оҳод дейилади. Қаранг: Ибн Ҳажар Асқалоний. Нузҳатун-назор фи тавзийҳи нухбатил фикар фи мусталаҳи аҳлил асар. – Мадинаи мунаввара: “Жамиятут Тойиба”, 2008. – Б. 55.

[282] Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳу ақоид. – Миср: “Мактабатул Азҳарий”, 2000. – Б. 130.

берилгани ҳамда бу оятларнинг ораларидаги боғлиқликлар ва уларнинг ҳикматлари ҳақида атрофлича сўз юритиб, охирида “Ушбу ҳикматларга кўра Исро биринчи “Ақаба байъати”дан салгина олдин ёки икки “Ақаба байъат”ларининг орасида бўлган”[283], деган.

Ушбуларга кўра “Исро ва Меърож” нинг қачон содир бўлгани тўғрисида қатъи бир фикр айтилмайди. Аммо айтиладики, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Масжидул Ҳаромдан Масжидул Ақсога тунда сайр қилдирилганларини Аллоҳ таолонинг Ўзи хабар берган. Исродан сўнг ўша кечанинг ўзида Масжидул Ақсодан олий самоларга, кейин “Сидратул мунтаҳо”га кўтарилганларини, сўнг ўша кечанинг бир қисмидаёқ Масжидул Ақсога қайтганларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари хабар берганлар. Шунга кўра Исро Қуръон ояти билан собит бўлгани учун уни инкор қилган киши кофир бўлади. Меърож эса ҳадислар билан собит бўлгани учун уни инкор қилган кофир бўлмаса ҳам, бидъатчи ва адашувчи саналади. Сўфи Аллоҳёр бобомиз меърож тўғрисидаги эътиқодни байт орқали қисқа ва лўнда тарзда шундай баён қилган:

Яқин билгил ани меърожин, эй ёр,
Тани бирла эди, ҳам эрди бедор.

* * *

Ҳабибин ҳар нечук қилса сарафроз,
Худони раҳмати кўпдур, эмас оз[284].

Яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг меърож кечасида уйғоқ ҳолатда таналари билан самога кўтарилганларни ҳақ деб билгин. Зеро, Аллоҳ таоло Ўзининг суюкли бандасини хоҳлаганича иззат-икром қилиши мумкин. Бунинг ҳеч қандай ажабланарли жойи йўқ.

---

[283] Софиюрраҳмон Муборакфурий. Роҳиқул махтум, тўртинчи нашри. “Мактабатур Рушд”, 2008. – Б.164.
[284] Сўфи Оллоҳёр. Саботул ожизин. – Тошкент: “Чўлпон нашриёти”, 1991. – Б. 18.

ШАФОАТ ТУШУНЧАСИ БАЁНИ

28 وَمَرْجُوٌّ شَفَاعَةُ أَهْلِ خَيْرٍ لِأَصْحَابِ الْكَبَائِرِ كَالْجِبَالِ

Маънолар таржимаси:

Солиҳ бандаларнинг шафоати тоғлардек гуноҳи кабираларни қилганларга** (ҳам) **умид қилингандир.

Назмий баёни:

Солиҳлар шафоатидан, албат, умид бор,
Умидворлар бўлса ҳам тоғдек гуноҳкор.

Луғатлар изоҳи:

مَرْجُوٌّ – мубтадосидан олдин келтирилган хабар. Ражо калимаси луғатда “умидворлик” маъносида ишлатилади.

شَفَاعَةُ – хабаридан кейин келтирилган мубтадо. Луғатда “жуфт қилмоқ”, “тарафини олмоқ” маъноларини англатади.

أَهْلِ خَيْرٍ – музофун илайҳ. Луғатда “яхшилик эгалари” маъносини англатади.

لِ – إِلَى маънosида келган жор ҳарфи.

أَصْحَابِ الْكَبَائِرِ – гуноҳи кабираларни содир этган ва тавба қилмасдан вафот этган кишилар кўзда тутилган.

كَ – “ташбеҳ” (ўхшатиш) учун келган жор ҳарфи.

الْجِبَالِ – тоғлар деганда ердан баланд кўтарилган ва узун чўзилиб кетган баҳайбат дўнгликлардир. Мусулмон киши ҳар қанча баҳайбат гуноҳларни содир этган бўлса ҳам шафоатдан умид узилмаслигини билдириб қўйиш учун айнан шу калима ишлатилган.

Матн шарҳи:

Хайр аҳли ҳисобланган солиҳ инсонларнинг гуноҳкорларни шафоат қилишлари, агар ўша гуноҳкорлар тоғлардек катта гуноҳларни содир этган бўлсалар ҳам, Аллоҳ таолодан гуноҳларини афв этишини сўрашлари умид қилинадиган иш саналади. Солиҳ инсонларнинг кимлар эканлиги қуйидаги ҳадиси шарифда баён қилинган:

عَنْ عُثْمَانَ بْنِ عَفَّانَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **يَشْفَعُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ ثَلاَثَةٌ الأَنْبِيَاءُ ثُمَّ الْعُلَمَاءُ ثُمَّ الشُّهَدَاءُ.** رَوَاهُ اِبْنُ مَاجَّةَ

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Қиёмат кунида шафоат қиладиганлар учтадир: пайғамбарлар, сўнгра уламолар, сўнгра шаҳидлардир”,** дедилар”. *Ибн Можа ривоят қилган.*

Яъни қиёмат кунида энг аввало пайғамбарлар шафоат қиладилар, сўнгра илмига амал қилган олимлар шафоат қиладилар, сўнгра Аллоҳ йўлида жонларини фидо қилган мухлис шаҳидлар шафоат қиладилар. Ҳадиси шарифда шаҳидларнинг олимларга ثُمَّ билан атф қилинишида олимларнинг шаҳидлардан юқори мартабада бўлишларига ишора бор.

Шафоатга луғавий жиҳатдан икки хил маъно берилган. Баъзилар шафоатни شَفْعٌ яъни “жуфт қилмоқ” маъносида дейишса, баъзилар эса شَفَاعَةٌ яъни “ҳимоя қилмоқ”, “тарафини олмоқ” каби маъноларни билдиради, дейишган. Шунга кўра шафоатга ики хил таъриф берилган:

1. “Шафоат луғатда “тоқни жуфт қилиш” маъносини англатади. Икки ракат намоз ҳам шу маънода “ шаф” дейилади. Истилоҳда эса, яхшиликни жалб қилиш ёки зарарни даф этишда ўртада туришни шафоат дейилади. Демак шафоат деганда икки иш тушунилади:

а) Яхшиликни жалб қилиш;

б) Зарарни даф қилиш[285]”.

2. Шафоат луғатда “васийла”, “сўров” каби маъноларни англатади. Урфда эса бошқадан бошқа биров учун яхшилик қилишни сўраш шафоат дейилади. Шунингдек шафоатда “жуфт қилиш” маъноси ҳам бўлиб, гўё шафоат қилувчи ўзининг сўровини шафоат қилинганнинг сўровига қўшган, яъни икки сўровни жуфтлаштирган бўлади.

Шафоатнинг шартлари

Қуръони каримда шафоатнинг қачон наф бериши шундай баён қилинган:

﴿ وَكَم مِّن مَّلَكٍ فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ لَا تُغْنِى شَفَٰعَتُهُمْ شَيْـًٔا إِلَّا مِنۢ بَعْدِ أَن يَأْذَنَ ٱللَّهُ لِمَن يَشَآءُ وَيَرْضَىٰٓ ﴿٢٦﴾ ﴾

“Осмонларда қанчадан-қанча фаришталар бўлиб, ўшаларнинг шафоатлари ҳам – Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ва рози бўлган кишиларга (шафоатга) **изн бермагунича – фойда бермас”[286].**

---

[285] Муваффиқ ибн Қудома. Шарҳу Ламъатул эътиқод, ўн тўртинчи жуз. “Мактабатуш шомила”. – Б. 3.

[286] Нажм сураси, 26-оят.

Ушбу ояти каримада шафоат фақат икки шарт билан наф бериши айтилган:

1. Аллоҳ таолонинг шафоат қилувчига шафоат қилиш изнини бериши. Чунки шафоат ёлғиз Аллоҳ таолонинг мулки бўлиб, бу ҳақида шундай хабар берилган:

﴿قُل لِّلَّهِ ٱلشَّفَٰعَةُ جَمِيعًا﴾

“Айтинг: “Барча шафоат (оқлов) **фақат Аллоҳникидир”[287].**

2. Аллоҳ таолонинг шафоат қилингандан унинг тавҳид аҳли бўлгани сабабли рози бўлиши. Чунки мушрикка шафоатчиларнинг шафоатлари наф бермайди. Бу ҳақида шундай хабар берилган:

﴿فَمَا تَنفَعُهُمْ شَفَٰعَةُ ٱلشَّٰفِعِينَ ٤٨﴾

“Энди шафоатчиларнинг шафоати уларга фойда бермас”[288].

Яъни Аллоҳдан уларни азобламасликни сўрайдиган шафоатчи бўлмайди. Агар бутун Ер аҳли уларни шафоат қилмоқчи бўлсалар ҳам, уларнинг шафоатлари қабул қилинмайди. Шафоат ҳақида кўплаб ҳадиси шарифлар келган:

عَنْ عَوْفِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللهُ قَالْ قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَى اللهُ عَلَيهِ وَ سَلَّمَ **أَتَانِي آتٍ مِنْ عِنْدِ رَبِّي فَخَيَّرَنِي بَيْنَ أَنْ يَدْخُلَ نِصْفُ أُمَّتِي الْجَنَّةَ وَ بَيْنَ الشَّفَاعَةِ فَاخْتَرْتُ الشَّفَاعَةَ وَ هِيَ لِمَنْ مَاتَ لاَ يُشْرِكُ بِاللهِ شَيْئًا.** رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ

Авф ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Менга Роббимнинг ҳузуридан бир келгувчи келди ва умматимнинг ярми жаннатга кирмоқлигини ёки шафоатни танлашимни сўради. Бас, мен шафоатни танладим. У Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмай вафот этган киши учундир”,** – дедилар”. *Термизий ривоят қилган.*

Шафоатнинг турлари

Шафоатни икки турга ажратиш мумкин:

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хос шафоатлар;
2. Умумий шафоатгўйларнинг шафоатлари.

---

[287] Зумар сураси, 44-оят.
[288] Муддассир сураси, 48-оят.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хос шафоатлар:

1. ***Барча Пайғамбарлар орасидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хос қилиб берилган улкан шафоат.*** Қуръони каримда ушбу шафоатга ишора келган:

﴿عَسَىٰٓ أَن يَبۡعَثَكَ رَبُّكَ مَقَامٗا مَّحۡمُودٗا ٧٩﴾

“Шоядки, Роббинг сени (Қиёмат кунида) **мақтовли** (шафоат қиладиган) **мақомда тирилтирса”**[289]**.**

Ояти каримада зикр қилинган **“мақтовли мақом”**ни жумҳур уламолар Пайғамбаримизга бериладиган қиёмат кунидаги улкан шафоат, - дейишган.

1. ***Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг яхшиликлари ва ёмонликлари тенг келиб қолган қавмларни жаннатга киришлари учун қиладиган шафоатлари.*** Баъзилар бу шафоат тўғрисида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳам, у зотдан бошқадан ҳам саҳиҳ хабар келмаган,- дейишган. Баъзилар эса ушбу оятни келтиришган:

﴿وَعَلَى ٱلۡأَعۡرَافِ رِجَالٞ يَعۡرِفُونَ كُلَّۢا بِسِيمَىٰهُمۡۚ﴾

“Аъроф (арасот) **узра** (жаннат ва дўзахдагиларнинг) **ҳар бирини сиймолари** (аломатлари)**дан таниб оладиган кишилар** (бўлур) ”[290]**.**

Яхшиликлари ва ёмонликлари тенг келиб қолган кишилар бир тафсирга кўра ушбу ояти кариманинг умумий маъносига кирадилар. Яъни яхшиликлари ва ёмонликлари тенг келиб, ўртада туриб қолган кишилар Расулуллоҳнинг шафоатлари билан жаннатга кирадилар, - дейишган.

3. ***Дўзахга амр қилинган қавмларни унга кирмасликлари учун қиладиган шафоатлари.*** Бунинг далили Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умумий қилиб айтган қуйидаги сўзларидир:

عَنْ جَابِرِ بنِ عَبْدِ اللهِ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **شَفَاعَتِي لِأَهْلِ الكَبَائِرِ مِنْ أُمَّتِي**. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Умматимдан аҳли кабоирларга шафоатим бордир”,** – дедилар”. *Термизий ривоят қилган.*

Шунингдек, дўзахга кирган баъзи кимсаларнинг у зотнинг шафоатлари сабабли ундан чиқарилиши ҳақида ҳам ривоятлар келган:

حَدَّثَنَا عِمْرَانُ بْنُ حُصَيْنٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ **يَخْرُجُ قَوْمٌ مِنْ النَّارِ بِشَفَاعَةِ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَيَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ يُسَمَّوْنَ الْجَهَنَّمِيِّينَ**. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

---

[289] Исро сураси, 79-оят.
[290] Аъроф сураси, 46-оят.

Бизларга Имрон ибн Ҳусайн розияллоҳу анҳумо Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганини гапириб берди: **“Бир қавм Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шафоатлари сабабли дўзахдан чиқиб, жаннатга кирадилар, “жаҳаннамийлар” деб номланадилар”.** *Бухорий ривоят қилган.*

4. ***Жаннатга кирганларни амалларининг савоблари тақозо қилган даражадан юқори даражага кўтариш учун қиладиган шафоатлари.*** Бунга ушбу ҳадис далилдир:

عَنْ أُمّ سَلَمَةَ قَالَتْ: دَخَلَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَىَ أَبِي سَلَمَةَ وَقَدْ شَقّ بَصَرُهُ فَأَغْمَضَهُ ثُمّ قَالَ **إِنّ الرّوحَ إِذَا قُبِضَ تَبِعَهُ الْبَصَرُ** فَضَجّ نَاسٌ مِنْ أَهْلِهِ فَقَالَ **لَا تَدْعُوا عَلَيَّ أَنْفُسِكُمْ إِلاّ بِخَيْرٍ فَإِنّ الْمَلاَئِكَةَ يُؤَمِّنُونَ عَلَىَ مَا تَقُولُونَ** ثُمّ قَالَ **اللّهُمّ اغْفِرْ لأَبِي سَلَمَةَ وَارْفَعْ دَرَجَتَهُ فِي الْمَهْدِيّينَ وَاخْلُفْهُ فِي عَقِبِهِ فِي الْغَابِرِينَ وَاغْفِرْ لَنَا وَلَهُ يَا رَبّ الْعَالَمِينَ وَافْسَحْ لَهُ فِي قَبْرِهِ وَنَوّرْ لَهُ فِيهِ.** رَوَاهُ مُسْلِمٌ

Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Саламанинг ёнига кирдилар, унинг кўзи бир томонга қараб қолган эди, уни ёпиб қўйдилар. Сўнгра: **“Қачон руҳ қабз қилинса, кўз унга эргашади”,** – дедилар. Унинг яқинлари йиғлаб юборишди. У зот: **“Ўзларингизга фақат яхши нарсани тиланглар, албатта фаришталар айтаётган нарсаларингизга омийн деб турадилар”,** – дедилар. Сўнгра: **“Эй Аллоҳим, Абу Саламани мағфират қилгин, унинг даражасини ҳидоят қилинганлар ҳолатида кўтаргин, унга аҳлидан ўринбосарлар қилгин, эй оламлар Роббиси, бизни ҳам, уни ҳам кечиргин. Унга қабрини кенг ва нурли қилиб бергин”,** – дедилар”. *Муслим ривоят қилган.*

5. ***Баъзи қавмларни жаннатга ҳисобсиз киришлари учун қиладиган шафоатлари.*** Бу ҳақида қуйидаги ҳадисда хабар берилган:

عَنْ الزُّهْرِيِّ قَالَ حَدَّثَنِي سَعِيدُ بْنُ الْمُسَيَّبِ أَنَّ أَبَا هُرَيْرَةَ حَدَّثَهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ **يَدْخُلُ الْجَنَّةَ مِنْ أُمَّتِي زُمْرَةٌ هُمْ سَبْعُونَ أَلْفًا تُضِيءُ وُجُوهُهُمْ إِضَاءَةَ الْقَمَرِ لَيْلَةَ الْبَدْرِ وَقَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ** فَقَامَ عُكَّاشَةُ بْنُ مِحْصَنٍ الْأَسَدِيُّ يَرْفَعُ نَمِرَةً عَلَيْهِ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ ادْعُ اللَّهَ أَنْ يَجْعَلَنِي مِنْهُمْ قَالَ **اللَّهُمَّ اجْعَلْهُ مِنْهُمْ** ثُمَّ قَامَ رَجُلٌ مِنْ الْأَنْصَارِ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ ادْعُ اللَّهَ أَنْ يَجْعَلَنِي مِنْهُمْ فَقَالَ **سَبَقَكَ بِهَا عُكَّاشَةُ.** رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Зуҳрийдан ривоят қилинади: “Менга Саид ибн Мусаййаб гапириб берди, унга Абу Ҳурайра гапириб берган экан: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“Жаннатга менинг умматимдан юзларидан нур балқиб турган бир гуруҳ киради. Улар етмиш мингтадир. Уларнинг юзлари тўлин ой кечасидаги ойнинг зиёсидек нур таратиб туради”,** – деяётганларини эшитдим. Абу Ҳурайра: “Шунда Уккоша ибн Миҳсон Асадий устидаги чакмонини кўтариб сакраб ўрнидан туриб кетди ва: “Эй Аллоҳнинг Расули,

мени ўшалардан қилишини сўраб Аллоҳга дуо қилинг”, – деди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Эй Аллоҳим, уни ўшалардан қилгин”,** – дедилар. Сўнгра ансорлардан бўлган бир киши ўрнидан туриб: “Эй Аллоҳнинг Расули, мени ўшалардан қилишини сўраб Аллоҳга дуо қилинг, – деди. У зот: **“Уни Уккоша сендан олдин қўлга киритиб бўлди”,** – дедилар”. *Бухорий ривоят қилган.*

6. ***Азобга мустаҳиқ бўлиб қолганларнинг азобларини енгиллатиш учун қиладиган шафоатлари.*** Бунинг далили ушбу ҳадисдир:

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَذُكِرَ عِنْدَهُ عَمُّهُ أَبُو طَالِبٍ فَقَالَ **لَعَلَّهُ تَنْفَعُهُ شَفَاعَتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَيُجْعَلُ فِي ضَحْضَاحٍ مِنْ النَّارِ يَبْلُغُ كَعْبَيْهِ يَغْلِي مِنْهُ أُمُّ دِمَاغِهِ.** رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “ У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида амакилари Абу Толиб зикр қилинганида у зотнинг: **“Шоядки қиёмат кунида унга менинг шафоатим наф берса, у оловнинг чуқур бўлмаган, икки тўпиғигагина етиб турадиган саёз жойига қўйилади. Ўша жой сабабли бош миясининг пардаси қайнаб туради”,** – деганларини эшитган”. *Бухорий ривоят қилган.*

7. ***Барча мўминларга жаннатга кириш изни берилиши учун қиладиган шафоатлари.*** Бунинг далили ушбу ҳадисдир:

عَنْ أَنَسٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **أَنَا أَوَّلُ شَافِعٍ فِي الْجَنَّةِ.** رَوَاهُ الدَّارِمِيُّ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Мен жаннатга эришиш учун аввалги шафоатчиман”,** – дедилар”. *Доримий ривоят қилган.*

Яъни у зот инсонларнинг жаннатга киришлари учун аввалги шафоатчидирлар.

8. ***Гуноҳи кабира қилган уммалари учун қиладиган шафоатлари.*** Бунинг далили ушбу ҳадисдир:

عَنْ جَابِرِ بنِ عَبْدِ الله قال قَالَ رَسُولُ الله صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **شَفَاعَتِي لِأَهْلِ الكَبَائِرِ مِنْ أُمَّتِي.** رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Умматимдан аҳли кабоирларга шафоатим бордир”,** – дедилар”. *Термизий ривоят қилган.*

Умумий шафоатгўйларнинг шафоатлари:

1. ***Барча Пайғамбар алайҳиссаломларнинг ўз умматларига қиладиган шафоатлари.*** Қуйидаги ҳадис бунинг далилидир:

عَنْ عُثْمَانَ بْنِ عَفَّانَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **يَشْفَعُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ ثَلاَثَةٌ الأَنْبِيَاءُ ثُمَّ الْعُلَمَاءُ ثُمَّ الشُّهَدَاءُ.** رَوَاهُ اِبْنُ مَاجَّةَ

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Қиёмат кунида шафоат қиладиганлар учтадир, пайғамбарлар, сўнгра уламолар, сўнгра шаҳидлар”,** дедилар”. *Ибн Можа ривоят қилган.*

2. ***Фаришталарнинг гуноҳкорларга шафоатлари.*** Ушбу оят бунга далилдир:

﴿ وَكَم مِّن مَّلَكٍ فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ لَا تُغْنِى شَفَٰعَتُهُمْ شَيْـًٔا إِلَّا مِنۢ بَعْدِ أَن يَأْذَنَ ٱللَّهُ لِمَن يَشَآءُ وَيَرْضَىٰٓ ﴿٢٦﴾ ﴾

“**Осмонларда қанчадан-қанча фаришталар бўлиб, ўшаларнинг шафоатлари ҳам – Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ва рози бўлган кишиларга** (шафоатга) **изн бермагунича – фойда бермас”[291].**

3. ***Ёш болаларнинг ота-оналарига шафоатлари.*** Бунинг далили ушбу ҳадисдир:

عَنْ عَلِيٍّ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **إِنَّ السقْطَ لَيُرَاغِمُ رَبَّهُ إذا دَخَلَ أبَواهُ النَّارَ فَيُقالُ أيُّها السِّقْط المُرَاغِمُ رَبَّهُ أدْخِلْ أبَوَيْكَ الجَنَّةَ فَيَجُرُّهُما بِسَرَرِهِ حَتّى يُدْخِلَهُما الجنّة.** رَوَاهُ اِبْنُ مَاجَّةَ

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Гўдак ота-онаси дўзахга кирганда, албатта, Роббисига норозилик билдиради. Унга: “Эй Роббисига норозилик билдираётган гўдак, ота-онангни жаннатга олиб кир”, – дейилади. У иккаласини узун киндиги билан жаннатга киргизгунича тортиб боради”,** – дедилар”. *Ибн Можа ривоят қилган.*

4. ***Аллоҳ йўлида шаҳид бўлганнинг ўз яқинларидан етмиш нафарини қиладиган шафоати.*** Бунга қуйидаги ҳадис далилдир:

عَنْ الْمِقْدَامِ بْنِ مَعْدِيكَرِبَ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ **لِلشَّهِيدِ عِنْدَ اللَّهِ سِتُّ خِصَالٍ يُغْفَرُ لَهُ فِي أَوَّلِ دُفْعَةٍ مِنْ دَمِهِ وَيُرَى مَقْعَدَهُ مِنْ الْجَنَّةِ وَيُجَارُ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ وَيَأْمَنُ مِنْ الْفَزَعِ الْأَكْبَرِ وَيُحَلَّى حُلَّةَ الْإِيمَانِ وَيُزَوَّجُ مِنْ الْحُورِ الْعِينِ وَيُشَفَّعُ فِي سَبْعِينَ إِنْسَانًا مِنْ أَقَارِبِهِ.** رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ

Миқдам ибн Маъдийкариба розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Шаҳид учун Аллоҳ таолонинг ҳузурида олти хислат бўлади:**

[291] Нажм сураси, 26-оят.

1. Қони тўкилиши биланоқ мағфират қилиниб, жаннатдаги ўрни кўрсатилади;

2. Қабр азобидан ҳимоя қилинади;

3. Қиёмат қўрқинчидан омон қилинади;

4. Иймон безаги билан безалади;

5. Жаннат ҳурлари жуфт қилиб берилади;

6. Қариндошларидан етмиш киши шафоат қилинади”, – дедилар”. *Термизий ривоят қилган.*

5. ***Қуръонни ёдлаган қорининг ўз оиласига қиладиган шафоати.*** Бунинг далили қуйидаги ҳадисдир:

عَنْ عَلِيّ بنِ أَبِي طَالِبٍ قالَ قالَ رَسُولُ الله صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **مَنْ قَرَأَ الْقُرْآنَ وَاسْتَظْهَرَهُ فَأَحَلّ حَلاَلَهُ وَحَرّمَ حَرَامَهُ أَدْخَلَهُ الله بِهِ الْجَنّةَ وَشَفّعَهُ فِي عَشْرَةٍ مِنْ أَهْلِ بَيْتِهِ كُلّهُمْ وَجَبَتْ لَهُ النّارُ.** رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Ким Қуръон ўқиган ва уни ёд олган бўлса, ҳалолини ҳалол, ҳаромини ҳаром деб билган бўлса, шу сабабли Аллоҳ уни жаннатга киргизади ва ҳар бирига дўзах вожиб бўлган ўнта яқинлари учун унинг шафоатини қабул қилади”,** – дедилар”. *Термизий ривоят қилган.*

6. ***Мўминларнинг бир-бирларига шафоатлари.*** Ушбу ҳадис бунга далилдир:

عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اَللَّهُ عَنْهُمَا سَمِعْتُ اَلنَّبِيّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ **مَا مِنْ رَجُلٍ مُسْلِمٍ يَمُوتُ فَيَقُومُ عَلَى جَنَازَتِهِ أَرْبَعُونَ رَجُلاً لاَ يُشْرِكُونَ بِاَللَّهِ شَيْئًا إِلاَّ شَفَّعَهُمْ اَللَّهُ فِيهِ.** رَوَاهُ مُسْلِمٌ

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“Бирор бир мусулмон вафот этганда унинг жанозасига Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмайдиган қирқ киши қатнашса, албатта Аллоҳ уларнинг у ҳақидаги шафоатларини қабул қилади”,** – деётганларини эшитдим”. *Муслим ривоят қилган.*

7. ***Қуръони каримнинг ўз қорисига шафоати.*** Бунинг далили ушбу ҳадисдир:

عَنْ زَيْدٍ أَنّهُ سَمِعَ أَبَا سَلاّمٍ يَقُولُ حَدّثَنِي أَبُو أُمَامَةَ الْبَاهِلِيّ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ **اقْرَأُوا الْقُرْآنَ فَإِنّهُ يَأْتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ شَفِيعاً لأَصْحَابِهِ اقْرَأُوا الزّهْرَاوَيْنِ الْبَقَرَةَ وَسُورَةَ آلِ عِمْرَانَ فَإِنّهُمَا تَأْتِيَانِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ كَأَنّهُمَا غَمَامَتَانِ أَوْ كَأَنّهُمَا غَيَايَتَانِ أَوْ كَأَنّهُمَا فِرْقَانِ مِنْ طَيْرٍ صَوَافّ تُحَاجّانِ عَنْ أَصْحَابِهِمَا، اقْرَأُوا سُورَةَ الْبَقَرَةِ فَإِنّ أَخْذَهَا بَرَكَةٌ وَتَرْكَهَا حَسْرَةٌ وَلاَ يَسْتَطِيعُهَا الْبَطَلَةُ.** رَوَاهُ مُسْلِمٌ

Зайддан ривоят қилинади, у Абу Салломнинг менга Абу Умома Боҳилий гапириб берди деяётганини эшитган. У айтганки: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“Қуръон ўқинглар, чунки у қиёмат кунида ўз соҳибларига шафоатчи бўлиб келади. Икки нур сочувчини, Бақара ва Оли Имрон сураларини ўқинглар, чунки бу иккаласи қиёмат кунида гўё икки булут каби, ёки гўё икки баланд соябон каби, ёки гўё саф тортган икки қуш тўдаси каби келадилар. Иккалалари ўз соҳиблари тарафидан** (Забония билан) **тортишадилар. Бақара сурасини ўқинглар, албатта, уни олиш баракадир, уни тарк қилиш ҳасратдир. Сохтакорларнинг унга тоқатлари етмайди”,** деганларини эшитганман”. *Муслим ривоят қилган.*

8. ***Рўзанинг рўзадорга шафоати.*** Бунинг далили ушбу ҳадисдир:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ **الصِّيَامُ وَالْقُرْآنُ يَشْفَعَانِ لِلْعَبْدِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ يَقُولُ الصِّيَامُ: أَىْ رَبِّ مَنَعْتُهُ الطَّعَامَ وَالشَّهَوَاتِ بِالنَّهَارِ فَشَفِّعْنِى فِيهِ وَيَقُولُ الْقُرْآنُ مَنَعْتُهُ النَّوْمَ بِاللَّيْلِ فَشَفِّعْنِى فِيهِ قَالَ: فَيُشَفَّعَانِ.** رَوَاهُ أَحْمَدُ

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Рўза ва Қуръон қиёмат кунида бандани шафоат қиладилар. Рўза: “Эй Роббим, мен уни кундузлари таомдан ва хоҳиш-истаклардан қайтардим, унинг учун менинг шафоатимни қабул қилгин”, – дейди. Қуръон: “Уни кечалари уйқудан қайтардим, унинг учун менинг шафоатимни қабул қилгин”, – дейди. Бас, иккалалари шафоатчи қилинадилар”,** – дедилар”. *Аҳмад ривоят қилган.*

Шафоат ҳақида Сўфи Оллоҳёр бобомиз қуйидаги ажойиб сўзларни ёзган:

Худо изн айласа рўзи қиёмат
Суюклук бандаси айлар шафоат.

* * *

Илоҳи, лутф қил ҳасратли соат
Ҳабибингдин насиб этгил шафоат.

* * *

Айурма яхшиларни(нг) орасидин
Йироғ этма ҳабибинг қорасидин[292].

Яъни Аллоҳ таоло хоҳлаган суюкли бандаларнинг қиёмат кунидаги шафоатлари ҳақдир. Шунинг учун эй Роббимиз, ўша қийин вақтларда бизларни ҳам шафоатдан баҳраманд этгин, яхши зотлар билан бирга қилгин, дея дуо қиламиз.

[292] Сўфи Оллоҳёр. Саботул ожизин. – Тошкент: “Чўлпон нашриёти”, 1991. – Б. 34.

ПАЙҒАМБАРЛАРНИНГ МАЪСУМЛИКЛАРИ БАЁНИ

29 وَإِنَّ الأَنْبِيَاءَ لَفِي أَمَانٍ عَنِ الْعِصْيَانِ عَمْدًا وَانْعِزَالِ

Маънолар таржимаси:

Дарҳақиқат, пайғамбарлар қасддан исён қилишдан ва *(пайғамбарлик мартабасидан)* ***четлаштирилишдан, албатта, омонликда бўлганлар.***

Назмий баёни:

Пайғамбарлар ҳеч қачон қасддан исён этмаган,
Элчилик мақомидан ажралиб ҳам кетмаган.

Луғатлар изоҳи:

اِنَّ – “хуруфу мушаббаҳату бил феъл”дан бири бўлган таъкид ҳарфи. Ушбу ҳарф ва унинг шериклари худди феълга ўхшаб икки исмдан бирини насб ва иккинчисини раф қилишга сабаб бўлгани учун “феълга ўхшатилган ҳарфлар” дейилади.

الأَنْبِيَاءَ – ушбу сўз луғатда икки хил маънога далолат қилади:

1. Хабар берувчилар;
2. Хабардор қилинганлар.

Пайғамбар сўзига иккала маъно ҳам тўғри келади.

لَ – таъкид ҳарфи.

فِي – зарфият маъносида келган жор ҳарфи.

أَمَانٍ – жор мажрур اِنَّ нинг хабари эканига кўра раф ўрнида турибди. Луғатда ҳимоя маъносига тўғри келади.

عَنْ – “истеъло” (устун бўлиш) маъносида келган жор ҳарфи.

الْعِصْيَانِ – жор мажрур لَفِي أَمَانٍ га мутааллиқ. Луғатда “бўйинсунишни тарк қилиш” маъносини англатади.

عَمْدًا – тамйизликка кўра насб бўлиб турибди. Бу калима хато қилиб ҳам, тасодифан ҳам бўлмасдан, бир ишни қасддан қилишга нисбатан ишлатилади.

انْعِزَالِ – бу масдар бировнинг бошқа томонидан бирор нарсадан четлаштирилишига ишлатилади. إِعْتِزَال масдари эса бировнинг бирор нарсадан ўзи воз кечиб ташлаб кетишига нисбатан ишлатилади. Бирор пайғамбар ҳеч

қачон пайғамбарликдан четлаштирилмаган, маъносига урғу бериш учун Нозим اِنْعِزَال калимасини ишлатган.

Матн шарҳи:

Инсонлар орасидан Аллоҳ таолонинг элчилигига танланган зотлар ҳеч қачон қасддан исён қилмаганлар. Шунингдек, бу муҳтарам зотлар оқибатлари омонда бўлган, ҳеч қачон пайғамбарлик мартабасидан ажралмаган буюк инсонлардир. Бироқ пайғамбарлар ҳам бошқа инсонлар каби еб-ичадиган, касал ҳам бўладиган, аёлларни никоҳларига оладиган, бозорларда юрадиган, қарийдиган ва Аллоҳ белгилаган кунда ўлимга йўлиқадиган инсонлар бўлганлар. Аммо уларда бошқа инсонлардан кескин ажратиб турадиган улуғ хусусиятлар бўлган.

Пайғамбарларнинг хусусиятлари

Аллоҳ таолонинг элчилари қуйидаги сифатларга эга бўлганлар:

1. ***Ростгўй бўлиш.*** Ҳар бир инсон учун зарур бўлган ростгўйлик сифати пайғамбарлик учун, албатта, бўлиши лозим бўлган сифатдир. Чунки ёлғончилик оддий инсонга ҳам лойиқ кўрилмайдиган разил сифат бўлганидан кейин пайғамбарлардек зотларда бундай разилликнинг бўлиши ақлан ҳам, нақлан ҳам мумкин эмас. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ёшликларидан ўта ростгўй ва садоқатлиликлари билан ажралиб турганларидан у зотни Содиқ ва Амин деб аташган. Лекин у зотга ваҳий тушганидан сўнг ўта ростгўй, ўта садоқатли деб эътироф этилган зотни шоир ва фолбинга чиқаришиб, у ёлғон гапираяпти, айтаётганларини ўзи тўқиб олган дейишган. Шунда Аллоҳ таоло Ўзининг номидан ёлғон тўқийдиган ҳар бир кимса ҳақидаги қатъи ҳукмини эълон қилиб, пайғамбарлар саййиди ҳақида шундай деган:

﴿وَلَوْ تَقَوَّلَ عَلَيْنَا بَعْضَ ٱلْأَقَاوِيلِ ﴿٤٤﴾ لَأَخَذْنَا مِنْهُ بِٱلْيَمِينِ ﴿٤٥﴾ ثُمَّ لَقَطَعْنَا مِنْهُ ٱلْوَتِينَ ﴿٤٦﴾ فَمَا مِنكُم مِّنْ أَحَدٍ عَنْهُ حَٰجِزِينَ ﴿٤٧﴾ وَإِنَّهُۥ لَتَذْكِرَةٌ لِّلْمُتَّقِينَ ﴿٤٨﴾﴾

“Агар (пайғамбар) **Бизнинг номимиздан** (Биз айтмаган) **баъзи сўзларни тўқиб айтганда эди, албатта, Биз унинг ўнг қўлидан тутган, сўнгра унинг шоҳтомирини узиб ташлаган бўлур эдик. У ҳолда сизлардан бирор киши ундан** (пайғамбардан ҳалокатни) **тўса олувчи бўлмас эди. Ҳақиқатан, у** (Қуръон) **тақводорлар учун эслатмадир”**[293]**.**

Аслида, у зотнинг ёлғон гапирмаётганларини, айтаётганлари ҳақ эканлигини у зотни ашаддий инкор қилаётганларнинг ўзлари ҳам билиб турган бўлсалар-да, обрў ва мансабга бўлган муҳаббат каби иллатлар туфайли била туриб инкор қилишган.

Буни қуйидаги ривоят тасдиқлайди: “Қурайш қабиласи улуғларидан бир киши Макка кўчаларидан бирида Абу Жаҳлга йўлиқди ва ундан тўхтаб гаплашишни илтимос қилди. Сўнгра унга: “Эй Абул Ҳакам, бу ерда иккаламиздан бошқа ҳеч ким йўқ, сендан Аллоҳ учун сўрайман Муҳаммад ростгўйми, ёлғончими”, – деди. Абу Жаҳл унга очиқ-ойдин жавоб бериб: “Аллоҳга қасамки, албатта, Муҳаммад ростгўйдир, у асло ёлғон гапирмаган”, деди. Шунда ҳалиги киши: “Ундай бўлса, унга эргашишдан сизларни нима тўсиб турибди”, – деди. Абу Жаҳл унга: “Биз ва Бани Ҳошим ўзаро мусобақалашардик, улуғлик ва фахрланишда бир-биримиздан ўзишга ҳаракат қилардик, улар таом бердилар, биз ҳам таом бердик, улар сув улашдилар, биз ҳам сув улашдик, улар жой бердилар, биз ҳам жой бердик, бизлар Бани Ҳошим билан гўё икки чопқир отлар каби улуғлик ва фахрланишда мутлақо тенг эдик. Сўнгра улар биздан ўзиб кетдилар ва бизлардан пайғамбар юборилди, дейишди. Биз энди уларга қаердан пайғамбар олиб келамиз? Аллоҳга қасамки, унга иймон ҳам келтирмаймиз, эргашмаймиз ҳам”, – деди. Шунда Аллоҳ таоло Ўзининг пайғамбарига тасалли бериб, қуйидаги оятларни нозил қилган:

﴿قَدْ نَعْلَمُ إِنَّهُۥ لَيَحْزُنُكَ ٱلَّذِى يَقُولُونَ ۖ فَإِنَّهُمْ لَا يُكَذِّبُونَكَ وَلَٰكِنَّ ٱلظَّٰلِمِينَ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ يَجْحَدُونَ ﴿٣٣﴾﴾

“Айтган гаплари Сизни маъюс (хафа) **қилаётганини яхши билурмиз. Улар, аслида, Сизни ёлғончига чиқармаяптилар, балки** (бу) **золимлар Аллоҳнинг оятларини инкор этаётирлар”**[294]**.**

Ҳа, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ростгўй эканларини душманларининг ўзлари ҳам эътироф этганлар. Фақат мартаба ва мансабга бўлган муҳаббатигина уларни ҳақ динга эргашишдан тўсиб қолган”[295].

---

[293] Ал-Ҳаққоҳ сураси, 44, 48-оятлар.
[294] Анъом сураси, 33-оят.

2. ***Садоқатли бўлиш.*** Пайғамбар алайҳиссаломларнинг барчалари садоқатли зотлар бўлганлар. Улар Аллоҳ таолонинг буйруқ ва қайтариқларини бирор нарса қўшмасдан, камайтирмасдан, ўзгартирмасдан, алмаштирмасдан қандай нозил қилинган бўлса, худди шундай етказганлар. Қуръони каримда пайғамбарларнинг сифатлари қуйидагича баён қилинган:

﴿ ٱلَّذِينَ يُبَلِّغُونَ رِسَٰلَٰتِ ٱللَّهِ وَيَخۡشَوۡنَهُۥ وَلَا يَخۡشَوۡنَ أَحَدًا إِلَّا ٱللَّهَ ﴾

“Улар (ўтган пайғамбарлар) **Аллоҳнинг фармонларини** (бандаларга) **етказадиган, Ундан қўрқиб, Аллоҳдан ўзгадан қўрқмайдиган зотлардир”**[296]**.**

3. ***Хабар бериш.*** Бу сифат, яъни ўзларига нозил қилинган ваҳийни ўзгаларга етказиш расулларга хос сифат бўлиб, бундан уларнинг Аллоҳ таолонинг буйруқларини тўлиқ етказишлари тушунилади. Расуллар ўзларига ваҳий қандай нозил қилинган бўлса, уни етказишда ҳар қанча қийинчиликларга учрамасинлар, худди шундай етказиб кетганлар. Масалан, расуллардан бири бўлган Нуҳ алайҳиссаломнинг ўз қавмига шундай хабар берганлари баёни келган:

﴿ أُبَلِّغُكُمۡ رِسَٰلَٰتِ رَبِّي وَأَنصَحُ لَكُمۡ وَأَعۡلَمُ مِنَ ٱللَّهِ مَا لَا تَعۡلَمُونَ ٦٢ ﴾

“Сизларга Роббимнинг юборганларини етказаман, насиҳат қиламан ва Аллоҳдан (келган ваҳий орқали) **сизлар билмайдиган нарсаларни биламан”**[297]**.**

4. ***Фаросатли бўлиш.*** Пайғамбар алайҳиссаломларнинг барчалари етук ақл эгалари бўлиш билан бир қаторда жуда ўткир фаросат соҳиби ҳам бўлганлар. Пайғамбар алайҳиссаломлардаги бу хислатларнинг бошқа инсонлардагидан фарқи шуки, бу хислатлар бошқа инсонларда бўлгани каби ёш ўтган сайин заифлашиб, нуқсонга учрамайди, балки ҳар қанча узоқ умр кўрсалар ҳам заифлашмасдан тураверади. Бу эса Аллоҳ таолонинг уларга берган фазлу марҳаматидир. Ана шундай ўткир фаросат соҳиби бўлган зотлардан бири Иброҳим алайҳиссаломнинг бир зўравон кофирни қандай қилиб мот қилиб қўйганлари Қуръони каримдаги машҳур қиссалардан биридир:

﴿ أَلَمۡ تَرَ إِلَى ٱلَّذِي حَآجَّ إِبۡرَٰهِـۧمَ فِي رَبِّهِۦٓ أَنۡ ءَاتَىٰهُ ٱللَّهُ ٱلۡمُلۡكَ إِذۡ قَالَ إِبۡرَٰهِـۧمُ رَبِّيَ ٱلَّذِي يُحۡيِۦ وَيُمِيتُ قَالَ أَنَا۠ أُحۡيِۦ وَأُمِيتُۖ قَالَ إِبۡرَٰهِـۧمُ فَإِنَّ ٱللَّهَ يَأۡتِي بِٱلشَّمۡسِ مِنَ ٱلۡمَشۡرِقِ فَأۡتِ بِهَا مِنَ ٱلۡمَغۡرِبِ فَبُهِتَ ٱلَّذِي كَفَرَ ﴾

---

[295] Шайх Муҳаммад Али Собуний. Нубувват вал Анбия. – Байрут: “Мактабатул Асрия”, 2005. – Б. 60.
[296] Аҳзоб сураси, 39-оят.
[297] Аъроф сураси, 62-оят.

“Аллоҳ подшоҳлик бериб қўйгани сабабидан Иброҳим билан Роббиси ҳақида ҳужжат талашганни билмадингми? Иброҳим: “ Менинг Роббим тирилтиради ва ўлдиради”, – деганда, у: “Мен тирилтираман ва ўлдираман”, – деди. Иброҳим: “Албатта, Аллоҳ қуёшни машриқдан чиқаради, сен уни мағрибдан чиқаргин-чи”, – деди. (Бу гапдан) **куфр келтирган кимса каловланиб қолди”[298].**

5. ***Жиркантирувчи айблардан саломат бўлиш.*** Пайғамбар алайҳиссаломларга хос бўлган сифатлардан бири, уларда бошқаларни уларга эргашишдан жиркантирадиган хулқ-атворлар ёки касалликларнинг бўлмаслигидир. Пайғамбар алайҳиссаломлар ҳам бошқа инсонлар каби касал бўлганлар, бироқ уларни бошқалар жирканадиган касалликларга йўлиқишдан Аллоҳ таолонинг Ўзи сақлаган. Айюб алайҳиссалом ҳақидаги “баданлари чириб кетиб қуртлаган, ҳатто хотинлари ҳам жирканган”, деган ривоят эса ёлғон ва бўҳтон бўлиб, исроилиёт қиссаларидан ҳисобланади. Бу қиссани тасдиқлаш ёки унга эътиқод қилиш мумкин эмас. Чунки бундай бўлиш пайғамбарларнинг сифатларига тўғри келмайди. Шунинг учун Айюб алайҳиссаломнинг касалликлари қандай бўлганини билишни Аллоҳ таолонинг Ўзига ҳавола қилиб, Қуръонда берилган хабардан У зот нимани ирода қилган бўлса, ўшанга иймон келтирдим, дейиш банда учун энг тўғри йўл ҳисобланади. Бу ҳақида Қуръони каримда шундай хабар берилган:

﴿ وَأَيُّوبَ إِذْ نَادَىٰ رَبَّهُۥٓ أَنِّى مَسَّنِىَ ٱلضُّرُّ وَأَنتَ أَرْحَمُ ٱلرَّٰحِمِينَ ﴿٨٣﴾ فَٱسْتَجَبْنَا لَهُۥ فَكَشَفْنَا مَا بِهِۦ مِن ضُرٍّ ﴾

“Ва Айюбнинг Ўз Роббига нидо қилиб: “Албатта, мени зарар тутди. Сенинг Ўзинг раҳмлиларнинг раҳмлироғидирсан!” – деганини эсла. Бас, Биз уни (дуосини) **истижобат қилдик. Унга етган зарарни кетчказдик”[299].**

Ушбу оятнинг зоҳирига кўра, Айюб алайҳиссаломнинг баданлари билан биргаликда у зотнинг аҳлларига ҳам зарар етган. Бироқ бу зарар энг буюк Зотнинг элчиси ўлароқ бошқалар жирканадиган айбу нуқсонлардан ҳимоя қилинган зотнинг шаънига тўғри келмайдиган зарар бўлмаган.

6. ***Гуноҳлардан ҳимоя қилиниш.*** Пайғамбар алайҳиссаломларнинг бошқа инсонлардан ажралиб турадиган энг муҳим фарқларидан бири – улар гуноҳу маъсиятлардан ва комил инсон шаънига тўғри келмайдиган ҳар қандай разил иллатлардан пок бўлганлар. Ҳа, пайғамбар алайҳиссаломларнинг барчалари инсониятнинг хулқи энг гўзаллари, амали энг мусаффолари, нафси энг покизалари бўлганлар. Зеро, Аллоҳ таолонинг Ўзи ҳидоят қилиб бошқаларга намуна қилиб юборган зотлар бундан бошқача бўлиши мумкин эмасдир.

---

[298] Бақара сураси, 258-оят.
[299] Анбиё сураси, 83, 84-оятлар.

﴿أُوْلَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ هَدَى ٱللَّهُۖ فَبِهُدَىٰهُمُ ٱقۡتَدِهۡۗ﴾

“Айнан ўшалар Аллоҳ ҳидоятга бошлаган зотлардир. Бас, (Сиз ҳам) **уларнинг йўлига иқтидо қилинг!”[300].**

Пайғамбар алайҳиссаломлардаги гуноҳлардан ҳимоя қилиниш сифати араб тилида “исмат” дейилиб, ўзбек тилида “гуноҳсизлик”, “поклик” ва “ҳимоя” каби маъноларни англатади. Истилоҳда эса: “Аллоҳ таолонинг набийлари ва расулларини гуноҳ ва маъсиятларга тушишларидан ҳамда разилликлар ва ман этилган нарсаларни содир этишларидан ҳифзу ҳимоя қилиши исмат деб аталади”[301].

“Қуртубий раҳматуллоҳи алайҳ: “Исмат гуноҳ содир этишдан ҳимоя қилгани учун исмат деб номланган. Баъзиларнинг: исмат ёлғиз Аллоҳга хосдир ёки Аллоҳ ва Унинг расулигагина хосдир, деган сўзлари жуда қўпол хатодир. Чунки исмат гуноҳ ва маъсиятларни содир этишдан ҳимояланиш бўлади. Буларни эса Аллоҳ таолога нисбат бериш тўғри бўлмайди”, - деган”[302].

Пайғамбарлардан содир бўлган ишлар ҳақидаги қарашлар

Пайғамбарлар гуноҳлардан ҳифзу ҳимоя қилинган зотлардир. Бунинг ҳикмати шуки, Аллоҳ таоло бизларни пайғамбар алайҳиссаломларга эргашишга ва уларнинг йўлларидан юришга буюрган. Улар бутун инсоният учун намуна қилиб юборилганлар. Агар улардан гуноҳу маъсиятлар содир бўлганида маъсиятларни қилиш шариатдаги иш бўлиб қоларди ёки уларга эргашиш бошқаларга вожиб бўлмасди. Бу эса мумкин бўлмаган ишдир. Қолаверса, гуноҳу маъсиятлар “маънавий нуқсонлар”дир. Ана шундай ифлос нарсаларни Аллоҳ таолонинг танлаб олган элчиларига нисбат бериш дуруст эмаслиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Аммо Қуръони каримда зоҳиран баъзи пайғамбарларга маъсият нисбат берилган. Масалан Одам алайҳиссалом ҳақида шундай хабар келган:

﴿وَعَصَىٰٓ ءَادَمُ رَبَّهُۥ فَغَوَىٰ ١٢١﴾

“Одам Парвардигорига осий бўлиб, янглишди”[303].

Ушбу ояти каримада Одам алайҳиссаломнинг Аллоҳга осий бўлгани ва йўлдан озгани очиқ-ойдин баён қилинган. Шу ўринда Одам алайҳиссалом пайғамбар бўлса, қандай қилиб Аллоҳнинг буйруғига осий бўлади, пайғамбарлар маъсиятлардан маъсум зот эмасмилар, деган табиий савол пайдо бўлади. Ушбу саволга мазкур мавзуга тааллуқли китобларда пайғамбарларнинг маъсум зот бўлганлари, уларнинг ҳеч қачон Роббиларига қасддан исён

---

[300] Анъом сураси, 90-оят.
[301] Шайх Муҳаммад Али Собуний. Нубувват вал Анбия. – Байрут: “Мактабатул Асрия”, 2005. – Б. 73.
[302] Шайх Муҳаммад Али Собуний. Нубувват вал Анбия. – Байрут: “Мактабатул Асрия”, 2005. – Б. 72.
[303] Тоҳа сураси, 121-оят.

этмаганлари, улардан маъсият кўринишида содир бўлган баъзи ишларнинг эса, аслида, биз тушунадиган маъсиятдан тубдан фарқ қиладиган ишлар эканлиги ҳақида батафсил жавоб берилган. Ўша жавобларнинг қисқа ва лўндаси қуйидагилардир:

1. Одам алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг буйруғини унутиб, унга хилоф ишни қилиб қўйган, ўша ишни асло ва асло қасддан содир этмаган. Қуйидаги ояти карима бунга далилдир:

﴿ وَلَقَدْ عَهِدْنَآ إِلَىٰٓ ءَادَمَ مِن قَبْلُ فَنَسِىَ وَلَمْ نَجِدْ لَهُۥ عَزْمًا ﴿١١٥﴾ ﴾

“Батаҳқиқ, илгари Биз Одам билан аҳдлашган эдик. Лекин у унутди. Унда азму қарор топмадик”[304].

Яъни унга ман қилинган дарахт мевасини емасликни олдиндан тайинлаган эдик, лекин у бизнинг буйруғимизни унутиб қўйди. Юқоридаги “**Одам Парвардигорига осий бўлиб, янглишди**”, маъносидаги ояти каримада Одам алайҳиссаломнинг осий бўлгани қанчалик очиқ-ойдин баён қилинган бўлса, бу ишни асло қасддан қилмагани, балки унутган ҳолда қилгани ушбу ояти каримада шунчалик очиқ-ойдин баён этилган. Қасддан қилинган иш билан қасд қилмасдан унутган ҳолда қилиб қўйган иш орасида қанчалик фарқ борлиги ҳеч кимга сир эмас.

2. Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломга: “Жуфтинг Ҳавво билан жаннатда яшанглар, унинг қаеридаги меваларидан емоқчи бўлсаларингиз, марҳамат еяверинглар, фақат “мана бу дарахтга яқин келманглар”, – дея буйруқ қилган:

﴿ وَقُلْنَا يَٰٓـَٔادَمُ ٱسْكُنْ أَنتَ وَزَوْجُكَ ٱلْجَنَّةَ وَكُلَا مِنْهَا رَغَدًا حَيْثُ شِئْتُمَا وَلَا تَقْرَبَا هَٰذِهِ ٱلشَّجَرَةَ فَتَكُونَا مِنَ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٣٥﴾ ﴾

“Биз яна айтдик: “Эй Одам, сен ва жуфтинг (Ҳавво) **жаннатда яшангиз ва хоҳлаган жойларингизда ундан** (неъматларидан) **бемалол тановул қилингиз. Фақат мана бу дарахтга яқинлашмангиз,** (акс ҳолда) **золимлардан бўлиб қолурсиз”[305].**

Одам алайҳиссалом “**мана бу дарахтга яқинлашмангиз**”, яъни манави дарахт мевасидан еманглар маъносидаги буйруқни кўрсатилган дарахтнинг жинси деб эмас, балки айнан ўша битта дарахтнинг ўзи деб ўйлаган ва ўша дарахтнинг жинсидан бўлган бошқа дарахт мевасидан еган. Натижада бу қилган иши буйруққа хилоф бўлиб қолган. Бунда асло билиб туриб буйруққа хилоф ишни қилиш маъноси йўқдир. Билиб туриб қилинган иш билан билмасдан қилиб қўйган иш орасида қанчалик фарқ борлиги ҳеч кимга сир эмас.

---

[304] Тоҳа сураси, 115-оят.
[305] Бақара сураси, 35-оят.

3. Одам алайҳиссаломнинг дарахт мевасидан еб қўйиши пайғамбар бўлишидан олдин содир бўлган. Маъсумликни эса пайғамбарлик тақозо қилади. Одам алайҳиссаломнинг ман қилинган дарахт мевасини егани пайғамбар бўлишидан олдин содир бўлганига ушбу ояти карима далолат қилади:

﴿ثُمَّ ٱجۡتَبَٰهُ رَبُّهُۥ فَتَابَ عَلَيۡهِ وَهَدَىٰ ١٢٢﴾

“Сўнгра Парвардигори уни поклаб, тавбасини қабул этди ва ҳидоятга йўллади”[306].

Пайғамбарларнинг қиссалари, маъсумликларининг исботлари, Қуръонда пайғамбарлар қиссаларининг такрор келиш сирлари ва ҳоказо пайғамбарларга тааллуқли муҳим маълумотларни Шайх Муҳаммад Али Собуний “Нубувват вал-Анбия” китобида бобларга ажратиб, ажойиб услубда батафсил баён қилган.

[306] Тоҳа сураси, 122-оят.

ПАЙҒАМБАРЛАНИНГ СИФАТЛАРИ БАЁНИ

30 وَمَا كَانَتْ نَبِيًّا قَطُّ أُنْثَى وَلاَ عَبْدٌ وَشَخْصٌ ذُو افْتِعَالِ

Маънолар таржимаси:

Бирор аёл ҳам, қул ҳам ва бирор бир пасткаш шахс ҳам ҳеч қачон пайғамбар бўлган эмас.

Назмий баёни:

Аёл асло пайғамбар бўлган эмас,
Ҳамда бирор қулу, қабиҳ феълли шахс.

Луғатлар изоҳи:

مَا – ҳарфи لَيْسَ нинг амалини қилувчи нафий ҳарфи.

كَانَتْ – ноқис феъл.

نَبِيًّا –ноқис феълнинг хабари.

قَطُّ – мозий феълининг “истиғроқи” (маъносини батамом қамраб олиш) учун келган зарфи замон.

أُنْثَى –ноқис фелнинг исми. Кўплик шакли إِنَاثٍ бўлади.

عَبْدٌ –ноқис фелнинг исмига атф қилинган. Бу ўринда қул деганда уни сотиш ва сотиб олиш шаръан дуруст бўладиган инсон кўзда тутилган.

شَخْصٌ – Шахс деганда жисми бор нарсалар тушунилади.

ذُو – “асмои ситта”дан бири, “соҳиб” маъносини англатади. شَخْصٌ га сифат бўлгани учун роф бўлиб турибди.

افْتِعَالِ – шариатга хилоф иш ёки сўз маъносида ишлатилган. Чунки бу масдар одатда сохтакорлик қилишга нисбатан ишлатилади.

Матн шарҳи:

Аллоҳ таоло бирор аёлни пайғамбар этиб юбормаган. Чунки пайғамбарлик ниҳоят даражада улуғ иш бўлиб, бундай масъулияти улуғ ишнинг ожиза аёл кишига топширилиши ҳикматдан бўлмайди. Қолаверса, қасос ва шаръий ҳад[307]

[307] Ҳад луғатда “тўсиш” маъносини англатади. Шунга кўра, икки нарса орасини тўсадиган ва уларни бир-бирига аралашиб кетишдан ҳимоя қилиб турадиган ҳар бир нарсага ҳад сўзи ишлатилади. Масалан, ҳовлининг чегараси уни ажратиб турганлиги учун “ҳовлининг ҳади”, дейилади. Шаръий истилоҳда, бандаларга зарар

каби масалаларни ижро қилишни тушунтириш ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этиш каби ишлар ҳам нозик қалбли аёлларга мос келмайди. Шунинг учун Аллоҳ таоло аёлларни пайғамбар қилиб юбормаган. Бу ҳақда Қуръони каримда шундай хабар келган:

﴿ وَمَآ أَرۡسَلۡنَا قَبۡلَكَ إِلَّا رِجَالٗا نُّوحِيٓ إِلَيۡهِمۡۖ ﴾

“(Эй Муҳаммад!) **Биз Сиздан илгари ҳам фақат эркакларни ўзимиз ваҳий қилган ҳолда** (пайғамбар этиб) **юборганмиз”**[308]**.**

Шунингдек, Аллоҳ таоло бирор қулни ёки бирор қабиҳ феъли пасткаш инсонни ҳам пайғамбар этиб юбормаган. Чунки бундай шахсларга инсонлар эргашмайдилар, балки улардан жирканадилар. Пайғамбарларнинг энг сўнгги вакилининг хулқи мулойим, атрофдагиларни ўзига тортадиган даражада гўзал бўлгани шундай хабар берилган:

﴿ فَبِمَا رَحۡمَةٖ مِّنَ ٱللَّهِ لِنتَ لَهُمۡۖ وَلَوۡ كُنتَ فَظًّا غَلِيظَ ٱلۡقَلۡبِ لَٱنفَضُّواْ مِنۡ حَوۡلِكَۖ ﴾

“Аллоҳнинг раҳмати сабабли (Сиз эй Муҳаммад,) **уларга** (саҳобаларга) **мулойимлик қилдингиз. Агар дағал ва тошбағир бўлганингизда, албатта,** (улар) **атрофингиздан тарқалиб кетган бўлур эдилар”**[309]**.**

Пайғамбарлар энг улуғ Зот томонидан башариятга тўғри яшаш тарзини сўзда ҳам, амалда ҳам кўрсатиб бериб, бошқаларга намуна бўлиши керак бўлган шахслардир. Шунинг учун пайғамбарларнинг барчаси ўзлари яшаётган жамиятда ҳар тарафлама илм жиҳатидан ҳам, амал жиҳатидан ҳам энг афзали бўлганлар. Улар инсониятнинг энг ростгўйлари, хулқи энг гўзали бўлганлар. Аллоҳ таоло уларни махсус фазилатлар билан сийлаган бўлиб, бу фазилатларда ҳеч бир улуғ инсон уларга ета олмаган.

бўладиган турли фасод ишларнинг олдини олиш учун Аллоҳ таолонинг ҳаққи бўлиб белгиланган жазо, ҳад дейилади. Ҳад ман қилинган иш содир бўлишдан аввал ундан тўсувчи бўлади, содир бўлгандан кейин эса унга қайтишнинг олдини олувчи ҳисобланади. Қаранг: Абдулҳамид Маҳмуд Тоҳмоз. Фиқҳул Ҳанафий фи савбиҳил жадид, учинчи жуз. – Дамашқ: “Дорул қалам”, 2009. – Б. 246.

[308] Анбиё сураси, 7-оят.

[309] Оли Имрон сураси, 159-оят.

ЗУЛҚАРНАЙН ВА ЛУҚМОН ҲАҚИДА

31 وَذو الْقَرْنَيْنِ لَمْ يُعْرَفْ نَبِيًّا كَذَا لُقْمَانُ فَاحْذَرْ عَنْ جِدَالِ

Маънолар таржимаси:

Зулқорнайн пайғамбар деб танилмаган, шу каби Луқмон ҳам, шунинг учун тортишишдан тийилгин.

Назмий баёни:

Зулқарнайн набий деб танилганмас бил,
Шунингдек, Луқмон ҳам тортишишдан тийил.

Луғатлар изоҳи:

ذُو الْقَرْنَيْنِ – мубтадо. Баъзи олимларнинг сўзларига кўра Зулқарнайн қуёшнинг шарқдаги чиқадиган “шохи”даги жойларга ҳам, ғарбдаги ботадиган “шохи”даги жойларга ҳам, яъни бутун дунёга подшоҳлик қилгани учун “икки шох эгаси” деб номланган.

لَمْ – нафий, жазм ва қалб ҳарфи.

يُعْرَفْ – мажҳул музориъ феъли. Маҳзуф هُوَ ноиб фоили бўлиб, ذُو الْقَرْنَيْنِ га қайтади.

نَبِيًّا – иккинчи мафъулликка кўра насб бўлиб турибди. Жумла мубтадонинг хабаридир.

كَذَا – ташбеҳ ҳарфи бўлган كَ ва ذَا исми ишорадан тузилган киноя исм. Хабари муқаддамликка кўра раф ўрнида турибди.

لُقْمَانُ – хабаридан кейин келтирилган мубтадо.

فَ – “таълийлия” (изоҳламоқ) маъносидаги ҳарф.

احْذَرْ – амр феъли. Тақдирий أَنْتَ фоили.

عَنْ – жор ҳарфи مِنْ маъносида келган.

جِدَالِ – жор мажрур احْذَرْ га мутааллиқ. “Жидал” калимаси ўзбек тилида “тортишиш” маъносига тўғри келади. Яъни “жидал” деганда нариги тарафнинг қарашлари тўғри эканига шубҳа қилиб, ўзиникини маъқуллашга уриниш тушунилади.

Матн шарҳи:

Ўший раҳматулоҳи алайҳ ушбу байтда Қуръони каримда номлари келган Зулқарнайн ва Луқмонларнинг пайғамбар бўлганлари, ё солиҳ ва тақводор банда бўлганлари тўғрисидаги баҳсли масалада жумҳур уламоларнинг қарашларини баён қилган.

Зулқарнайннинг пайғамбар бўлган-бўлмагани тўғрисида гап кетар экан, шуни таъкидлаб айтиш лозимки, ушбу баҳс қилинган зот Зулқарнайн лақабли македониялик киши эмас. Қуръони каримда зикр қилинган Зулқарнайн солиҳ, тақводор мўмин банда бўлган. Баъзи уламолар ушбу Зулқарнайннинг македониялик Зулқарнайн лақабли кишидан икки минг йилдан кўпроқ вақт олдин яшаб ўтганини, айтганлар.

Зулқарнайнни пайғамбар бўлган дейдиганлар оятдан далил келтиришган:

﴿قُلْنَا يَٰذَا ٱلْقَرْنَيْنِ إِمَّآ أَن تُعَذِّبَ وَإِمَّآ أَن تَتَّخِذَ فِيهِمْ حُسْنًا ﴿٨٦﴾﴾

“Биз: “Эй Зулқарнайн! Ё (уларни) **азобга дучор қилурсан ёки уларга яхши муомалада бўлурсан”, – дедик”[310].**

Ушбу оятда айтилган нарсани Аллоҳ таоло Зулқарнайнга ваҳий билан билдирган, ваҳий эса пайғамбарларга келади,- дейдилар.

Зулқарнайнни пайғамбар бўлмаган дейдиганлар бу далилга шундай жавоб берадилар: Оятда айтилган нарса Зулқарнайнга ваҳий бўлмаган, балки унга илҳом бўлган. Зеро, бир нарсага илҳом беришнинг ҳам ваҳий деб аталиши Қуръонда келган. Аллоҳ таоло асаларига илҳом беришини ваҳий деб атаган:

﴿وَأَوْحَىٰ رَبُّكَ إِلَى ٱلنَّحْلِ أَنِ ٱتَّخِذِى مِنَ ٱلْجِبَالِ بُيُوتًا وَمِنَ ٱلشَّجَرِ وَمِمَّا يَعْرِشُونَ ﴿٦٨﴾﴾

“**Роббинг асаларига ваҳий қилди: “Тоғлардан, дарахтлардан ва кўтарилган сўритоклардан уй тутгин”[311].**

Ушбу ояти каримадаги “асаларига ваҳий қилди” маъносидаги сўзидан “асаларига илҳом қилди”, “асаларига тўғри йўл кўрсатди” маънолари ирода қилинган. Зулқарнайнга айтилган сўз ҳам пайғамбарларга келадиган ваҳий эмас, балки Аллоҳ таолонинг уни тўғри йўлга илҳом қилиши бўлган, - деганлар.

Луқмоннинг ҳам пайғамбар бўлгани ё бўлмагани тўғрисида бир-бирларидан фарқли қарашлар айтилган. Қуръони каримда Луқмонга ҳикмат ато этилгани ва унинг ўғлига қилган насиҳатлари ҳикоя тарзда баён қилинган:

﴿وَلَقَدْ ءَاتَيْنَا لُقْمَٰنَ ٱلْحِكْمَةَ أَنِ ٱشْكُرْ لِلَّهِ ۚ وَمَن يَشْكُرْ فَإِنَّمَا يَشْكُرُ لِنَفْسِهِۦ ۖ وَمَن كَفَرَ فَإِنَّ ٱللَّهَ غَنِىٌّ حَمِيدٌ ﴿١٢﴾﴾

---

[310] Каҳф сураси, 86-оят.
[311] Наҳл сураси, 68-оят.

“Биз Луқмонга ҳикмат ато этдик (ва унга дедик)**: “Аллоҳга шукр қилгин! Кимки шукр қилса, фақат ўзи учун шукр қилур. Кимки ношукурлик қилса, бас, албатта, Аллоҳ беҳожат ва ҳамд эгасидир”[312].**

Яъни Аллоҳ таоло Луқмонга тўғри фикрлаш ва ҳаққа мувофиқ сўзлаш иқтидорини берган. Мужоҳид раҳматуллоҳи алайҳ: “Ҳикмат: фиқҳ, ақл ва ҳаққа мувофиқ сўзлашдир, у набий бўлмаган, балки ҳаким зот бўлган”, – деган.

Қуртубий раҳматуллоҳи алайҳ: “Тўғриси Луқмоннинг ҳаким бўлгани, набий бўлмаганлиги ҳақидаги жумҳурнинг иттифоқ қилганидир, бу ҳадисда ҳам келган”, – деган.

Луқмоннинг ҳикмат билан сўзловчи ҳаким зот бўлгани унинг ўғлига қилган насиҳатомуз сўзларида очиқ-ойдин кўриниб туради:

﴿ وَإِذْ قَالَ لُقْمَٰنُ لِٱبْنِهِۦ وَهُوَ يَعِظُهُۥ يَٰبُنَىَّ لَا تُشْرِكْ بِٱللَّهِ ۖ إِنَّ ٱلشِّرْكَ لَظُلْمٌ عَظِيمٌ ﴿١٣﴾ ﴾

“Эсланг, Луқмон ўғлига насиҳат қилиб, деган эди: “Эй ўғилчам! Аллоҳга ширк келтирмагин! Чунки ширк улкан зулмдир”[313].

Луқмонга ҳикмат ато қилингани ҳадиси шарифда қуйидагича баён қилинган:

عَنْ ابْنِ عُمَرَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ **حَقًّا لَمْ يَكُنْ لُقْمَانُ نَبِيًّا وَلَكِنْ كَانَ عَبْدًا صَمْصَامَةً كَثِيرَ التَّفَكُّرِ حُسْنَ الظَّنِّ أَحَبَّ اللهَ فَأَحَبَّهُ وَضَمِنَ عَلَيْهِ بِالْحِكْمَةِ كَانَ نَائِمًا نِصْفَ النَّهَارِ إِذْ جَاءَهُ نِدَاءٌ يَا لُقْمَانُ هَلْ لَكَ أَنْ يَجْعَلَكَ اللهُ خَلِيفَةً فِي الأَرْضِ تَحْكُمُ بَيْنَ النَّاسِ بِالْحَقِّ فَانْتَبَهَ فَأَجَابَ الصَّوْتَ فَقَالَ إِنْ يُخَيِّرُنِي رَبِّي قَبِلْتُ فَإِنِّي أَعْلَمُ إِنْ فَعَلَ ذَلِكَ بِي أَعَانَنِي وَ عَلَّمَنِي وَ عَصَمَنِي وَ إِنْ خَيَّرَنِي رَبِّي قَبِلْتُ الْعَافِيَةَ وَلَمْ أَقْبَلِ الْبَلاءَ فَقَالَتْ الْمَلائِكَةُ بِصَوْتٍ لاَ يُزَاحِمُ لم يا لقمان قَالَ لِأَنَّ الْحَاكِمَ بِأَشَدِّ الْمَنَازِلِ وَأَكْبَدِهَا يَغْشَاهُ الظُّلْمُ مِنْ كُلِّ مَكَانٍ يَنْجُو أَوْ يُعَانُ وَ بِالْحَرِيِّ أَنْ يَنْجُوَ وَإِنْ أَخْطَأَ أَخْطَأَ طَرِيقَ الْجَنَّةِ وَمَنْ يَكُنْ فِي الدُّنْيَا ذَلِيلاً خَيْرٌ مِنْ أَنْ يَكُونَ شَرِيفًا وَمَنْ يَخْتَرِ الدُّنْيَا عَلَى الآخِرَةِ فَتَنْتَهِ الدُّنْيَا وَلاَ يُصِيبُ مُلْكَ الآخِرَةِ فَتَعَجَّبَتِ الْمَلائِكَةُ مِنْ حُسْنِ مَنْطِقِهِ فَنَامَ نَوْمَةً فَغُطَّ بِالْحِكْمَةِ غَطًّا فَانْتَبَهَ فَتَكَلَّمَ بِهَا.** رَوَاهُ الدَّيْلَمِيُّ

Ибн Умардан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“Ҳақиқатда, Луқмон пайғамбар бўлмаган! Лекин кўп тафаккур қилувчи, эзгулик билан зийнатланган қатъиятли банда бўлган. Аллоҳни яхши кўрган, Аллоҳ ҳам уни яхши кўрган ва ҳикмат ато этган. Бир куни куннинг ярмида ухлаб ётганида унга бир нидо келган: “Эй**

[312] Луқмон сураси, 12-оят.
[313] Луқмон сураси, 13-оят.

Луқмон, инсонлар орасида ҳақ билан ҳукм қилишинг учун Аллоҳ таолонинг сени ерда халифа қилишига рағбатинг борми?". У уйғонган ва овозга жавоб бериб: "Агар Роббим мени танлаган бўлса, қабул қилдим, мен биламанки агар У ўшани менга қилган бўлса, албатта менга ёрдам беради, билдиради ва сақлайди. Агар Роббим менга танлаш имконини берган бўлса, офиятни қабул қилдим, балони қабул қилмадим" – деган. Малоикалар баралла овоз билан: " Нимага эй Луқмон", – дейишган. У: "Чунки ҳоким энг қийин ва энг ташвишли ўринларда бўлади, уни ҳамма тарафдан зулм ўраб туради, у қутулиб қолади ё унга ёрдам берилади, яхшиси қутулиб қолмоқдир. Агар адашса, жаннат йўлидан янглишган бўлади. Кишининг дунёда мансабсиз бўлиши мансабли бўлишидан яхшироқдир. Кимки охиратни қўйиб, дунёни ихтиёр қилган бўлса, билсинки, дунё тамом бўлиб охирига етади, у эса охират мулкига эришолмай қолади" – деган. Фаришталар унинг гўзал нутқидан ҳайратга тушганлар. Ҳеч қанча вақт ўтмасдан у қаттиқ уйқуга кетган ва ҳикматга батамом чўмдирилган. Уйқудан уйғонгач, ҳикмат билан гапирадиган бўлган..." – деяётганларини эшитганман". *Дайламий ривоят қилган.*

ҚИЁМАТНИНГ КАТТА АЛОМАТЛАРИ БАЁНИ

32 وَعِيسَى سَوفَ يَأْتِي ثُمَّ يَتْوِي لِدَجَّالٍ شَقِيٍّ ذِي خَبَالِ

Маънолар таржимаси:

Ийсо** (алайҳиссалом) **келажакда келади, сўнгра тўхтамасдан бадбахт бузғунчи дажжолга йўл олади.

Назмий баёни:

Исо келажакда, албатта, келар,
Бадбахт дажжолга у тезда йўл олар.

Луғатлар изоҳи:

عِيسَى – мубтадо. Мақсур исм бўлгани учун марфуълиги билинмай турибди.

سَوفَ – музориъ феълининг олдидан келишга хос бўлган “тасвийф” ва “истиқбол” ҳарфи.

يَأْتِي – музориъ феъли. Тақдирий هُوَ фоили. Ушбу феъл ва фоил раф ўрнида бўлиб, мубтадонинг хабаридир.

ثُمَّ – тартибни ва маълум муддат ўтишини ифодалайдиган атф ҳарфи.

يَتْوِي – ушбу феъл бирор нарсага тўхтамасдан мақсадга интилишга нисбатан ишлатилади. Баъзи шарҳларда يُتْوِي (ҳалок этади) маъноси берилган. Таҳқиқларга кўра, юқоридаги маъно мўътабар ҳисобланади.

لِ –اِلَى маъносида келган жор ҳарфи.

دَجَّالٍ – жор мажрур يَتْوِي га мутааллиқ.

شَقِيٍّ – دَجَّالٍ нинг сифати. Луғатда “бадбахт” маъносини англатади.

ذِي – “соҳиб” маъносини англатувчи “асмои ситта”дан бири. Сифатдан кейин келган яна бир сифат.

خَبَالِ – музофун илайҳ. Луғатда “бузуқ” маъносини англатади.

Матн шарҳи:

Келажакда Исо алайҳиссалом ер юзига тушади ва бузуқ даъволари билан кўпчиликни довдиратиб кўйган Дажжолни ҳалок этади.

Исо алайҳиссаломнинг тушишлари, дажжолнинг чиқиши қиёматнинг энг катта аломатларидан ҳисобланади. Қиёмат яқин қолган бир пайтда ушбу воқеалар содир бўлади. Дажжол луғатда “ёлғончи”, “фирибгар”, каби маъноларни англатади. Истилоҳда эса ўта ёлғончи, ғайри оддий қобилиятга эга, бир кўзи теп-текис, пешонасига “кофир” деб ёзилган, қиёматга яқин чиқиб худолик даъвосини қиладиган дажжол лақабли кимса тушунилади. Ҳадиси шарифларда у ҳақида батафсил маълумотлар келган. Унинг ёлғончи каззоб киши бўлиши билан бирга, фитнаси катта бўлишини, унинг фитнасидан сақланиш учун нима қилиш кераклиги ҳам айтилган.

عَنِ النَّوَّاسِ بْنِ سَمْعَانَ الْكِلاَبِيِّ قَالَ ذَكَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الدَّجَّالَ فَقَالَ **إِنْ يَخْرُجْ وَأَنَا فِيكُمْ فَأَنَا حَجِيجُهُ دُونَكُمْ وَإِنْ يَخْرُجْ وَلَسْتُ فِيكُمْ فَامْرُؤٌ حَجِيجُ نَفْسِهِ وَاللَّهُ خَلِيفَتِي عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ فَمَنْ أَدْرَكَهُ مِنْكُمْ فَلْيَقْرَأْ عَلَيْهِ فَوَاتِحَ سُورَةِ الْكَهْفِ فَإِنَّهَا جِوَارُكُمْ مِنْ فِتْنَتِهِ** قُلْنَا وَمَا لُبْثُهُ فِي الأَرْضِ قَالَ **أَرْبَعُونَ يَوْمًا يَوْمٌ كَسَنَةٍ وَيَوْمٌ كَشَهْرٍ وَيَوْمٌ كَجُمُعَةٍ وَسَائِرُ أَيَّامِهِ كَأَيَّامِكُمْ** فَقُلْنَا يَا رَسُولَ اللَّهِ هَذَا الْيَوْمُ الَّذِى كَسَنَةٍ أَتَكْفِينَا فِيهِ صَلاَةُ يَوْمٍ وَلَيْلَةٍ قَالَ **لاَ اقْدُرُوا لَهُ قَدْرَهُ ثُمَّ يَنْزِلُ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ عِنْدَ الْمَنَارَةِ الْبَيْضَاءِ شَرْقِيَّ دِمَشْقَ فَيُدْرِكُهُ عِنْدَ بَابِ لُدٍّ فَيَقْتُلُهُ.** رَوَاهُ ابُو دَاوُدَ

Наввос ибн Самъон Килобий: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дажжолни зикр қилиб: **“Агар у чиқса ва мен сизларнинг ораларингизда бўлсам, сизларсиз ўзим унга қарши тураман. Агар у чиққанида мен бўлмасам, ҳамма ўз-ўзини ҳимоя қилади. Аллоҳ ҳар бир мусулмонга ёрдам беради. Сизлардан ким унга етса, унга қарши “Каҳф” сурасининг бошларини ўқисин. Чунки у унинг фитнасидан сизларнинг ҳимояларингиздир”.** Биз: “Унинг ерда қолиши қандай”, – дедик. У зот: **“Қирқ кун. Бир куни бир йилдекдир, бир куни бир ойдекдир, бир куни бир ҳафтадекдир, бошқа кунлари сизларнинг кунларингиз кабидир”,** – дедилар. Шунда биз: “Эй Аллоҳнинг Расули, ўша бир йилдек кунда бизга бир кеча кундузнинг намози кифоя қиладими”, – дедик. У зот: **“Йўқ, унинг миқдорини белгиланглар, сўнгра Исо ибн Марям Дамашқнинг шарқий оқ минораси олдида тушади ва уни “Боби луд”да топиб ҳалок қилади”, –** дедилар”. *Абу Довуд ривоят қилган.*

Қиёмат аломатлари ҳақида хабар берувчи ушбу ҳадисга жуда кўплаб шарҳлар ёзилган. Жумладан, имом Абу Довуднинг “Сунан”и шарҳида қуйидаги сўзлар айтилган: “ Биз: унинг ерда қолиши қандай, дедик. У зот: **“Қирқ кун. Бир куни бир йилдекдир, бир куни бир ойдекдир, бир куни бир ҳафтадекдир, бошқа кунлари сизларнинг кунларингиз кабидир”-** дедилар. Яъни у чиққанидан кейин ерда қолиш муддати қирқ кундир. Биринчи куни бир йилдекдир, иккинчи куни бир ойдекдир, учинчи куни бир ҳафтадекдир, қолган ўттиз етти кун эса бизларнинг кунларимиз кабидир. Бу ўша замонда бўладиган ғайриоддий ишлардан бири бўлади. Саҳобаи киромлар бирдан намознинг қандай ўқилиши ҳақида: “Эй Аллоҳнинг Расули, ўша бир йилдек кунда бизга

бир кеча-кундузнинг намози кифоя қиладими”, – дея сўрашди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам**: “ Йўқ унинг миқдорини белгиланглар”, -** дедилар. Яъни беш вақт намозни олдин ўқиб юрганларинг каби ўқинглар. Бомдодни ўқиганларингдан кейин қанча вақтдан сўнг пешинни ўқирдиларинг, ўша миқдорни белгилаб пешинни ўқинглар, қолган намозларни ҳам шу тартибда миқдорини белгилаб ўқинглар. Ушбу вақт кунларнинг ададлари эътиборидан йил каби бўлади, лекин у бир куннинг ўрнида бўлади. Яъни шу вақт давомида инсонлар қуёшнинг ботмасдан туравергани кўриб туради. Қуёш ана шундай тўлиқ бир йил ботмасдан туради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга ҳар бир намознинг орасини билишлари учун миқдорни белгилашни тайинлаганлар. Улар бир намозни ўқиганларидан сўнг кейинги намоз вақти кирадиган муддат келгунча кутадилар, сўнгра навбатдаги намозни адо этадилар. Шундай қилиб миқдори бир йилга тенг бўлган ўша кун ҳам ўтади. Ундан кейин миқдори бир ойга тенг бўлган кунни ҳам, ундан кейинги миқдори бир ҳафтага тенг бўлган кунни ҳам шу тартибда ўтказадилар. Худди шундай ишни кеча ва кундузни билолмайдиган қуёш ва ойни кўришдан тўсилиб қолган маҳбус ҳам қилади. Яъни у ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тайинлаганларидек миқдорини белгилаб ўқийди. Узун муддат қуёш ботмасдан турадиган жойлар ҳам дажжол ҳақида келган ушбу ҳадисдаги кўрсатмага кўра амал қиладилар”[314].

Пайғамбарлар орасидан нима учун айнан Исо алайҳиссаломнинг тушишлари хослангани ҳақида шундай дейилган: “Пайғамбарлар орасидан айнан Исо алайҳиссаломнинг тушишларининг ҳикмати шуки, бунда у зотни ўлдирганларини даъво қиладиган яҳудийларга раддия бор. Аллоҳ таоло уларнинг ёлғонларини ошкор қилади. У зот тушганларидан сўнг уларни ҳалок қилади. Ёки у зотнинг тушишлари ажаллари яқинлашгани сабабли ерда дафн этилишлари учун бўлади. Чунки у зотга ҳам ажал тайин қилинган бўлиб, тайин қилинган вақтда, албатта, ўлимни тотадилар. Тупроқдан яратилган зотнинг самода вафот этиши лозим эмасдир. У зотнинг тушиши дажжолнинг чиққан пайтига тўғри келади ва у зот уни ўлдиради. Аслида уни ўлдиришни қасд қилиб тушган бўлмайди”[315].

---

[314] Абдул Муҳсин. Шарҳу Сунани Аби Довуд, биринчи жузи. “Мактабатуш шомила”. – Б. 2.
[315] Муновий. Файзул қодир, олтинчи жузи. “Мактабатуш шомила”. – Б. 464.

ВАЛИЙЛАР ВА УЛАРНИНГ КАРОМАТЛАРИ БАЁНИ

كَرَامَاتُ الْوَلِيِّ بِدَارِ دُنْيَا لَهَا كَوْنٌ فَهُمْ أَهْلُ النَّوَالِ 33

Маънолар таржимаси:

Дунё диёрида валийларнинг кароматлари, уларда *(кароматларда)* ***мавжудлик бордир, чунки улар*** *(валийлар)* ***инъом аҳлидирлар.***

Назмий баёни:

Дунёда валийлар кароматлари
Бўлиши шубҳасиз, улар инъом аҳли.

Луғатлар изоҳи:

كَرَامَاتُ – мубтадо, музоф. Хабари тақдирий حَقٌّ дир.

الْوَلِيِّ – اَلْ “истиғроқия” (батамом қамраб олиш) учун келган жинсия ال дир. Шунинг учун муфрад бўлса ҳам “валийлар” дея таржима қилинди.

بِ – “зарфият” маъносида келган жор ҳарфи.

دَارِ دُنْيَا – мажрур, музоф, музофун илайҳ. دُنْيَا калимаси аввалги ҳарфи دُ нинг заммаси билан айтилиши машҳурдир. Баъзи уламолардан دِنْيَا шаклида аввалги ҳарфини касралик қилиб ўқилгани ҳам ривоят қилинган. Дунё луғатда “яқин” маъносига тўғри келади. Дунё калимасидан нима тушунилиши ҳақида икки хил қараш бор:

- Ҳаво кенгликлари билан биргаликда ер юзидаги барча нарсалар;
- Барча махлуқотлар.

Иккинчи қараш мўътабар ҳисобланади ва бу ўринда ҳам ушбу қараш ирода қилинган.

لَهَا –жор ҳарфи فِي маъносида келган. Замир билан келгани учун фатҳали бўлиб турибди. Замир كَرَامَاتُ га қайтади.

كَوْنٌ – хабаридан кейин келтирилган мубтадо. Унинг хабари олдин келган لَهَا дир.

فَ – “таълилия” (изоҳламоқ) маъносида келган.

هُمْ – мубтадо. Жам музаккар ғоиб замири.

أَهْلُ – хабар. Музоф. Аҳл калимаси бу ўринда “эга” маъносида келган.

النَّوَالِ – музофун илайҳи. Луғатда “тортиқ”, “ҳадя” каби маъноларни англатади.

Матн шарҳи:

Ушбу байтда Аҳли сунна вал-жамоанинг валийлар ва уларнинг кароматлари тўғрисидаги эътиқодлари қисқа ва лўнда қилиб баён қилинган. Чунки ушбу масалада ҳам мўътазилий фирқасининг нотўғри қарашлари бўлган.

Валий луғатда “яқин”, “дўст” каби маъноларни билдириб, кўплик шакли “авлиё” бўлади. Истилоҳда эса: “Имкон қадар Аллоҳ таолони танигувчи, тоатларда бардавом бўлувчи, ёмонликлардан сақланувчи, шаҳватларга берилишдан ўзини олиб қочувчи, дунёдан юз ўгирувчи, охиратга юзланувчи доимий равишда Роббисининг зикрида бўлувчи зот валий дейилади”[316].

Валийларнинг мартабалари

“Ақидатул муъмин” китобида валийларнинг тўрт мартабада бўлишлари баён қилинган.



1. “Энг олий мартаба – бу мартаба набий ва расулларнинг мартабасидир. Аллоҳ таоло тарафидан уларга ато қилинган кароматлар мўъжизалар бўлган. Улар бу мўъжизаларни одамларга Аллоҳ йўлида ҳужжат қилиб келтирганлар.

2. Юқори мартаба – бу мартаба пайғамбар алайҳиссаломларга эргашган, уларнинг яқин ёрдамчилари бўлган пешқадам кишиларнинг мартабасидир. Буларнинг мартабалари Аллоҳнинг элчисига қанчалик яқин бўлганлари эътиборидан бир-бирларига нисбатан турли даражаларда бўлган.

3. Ўртача мартаба – бу мартаба ўртача даражадаги ўнг тараф эгаларидан бўлган иймон ва тақво аҳлларининг мартабасидир.

4. Паст мартаба – бу мартаба иймон ва тақвода заиф бўлган, ўзларига зулм қилган кишиларнинг мартабасидир.

Ояти каримада шундай баён қилинган:

---

[316] Абу Ҳафс Сирожиддин Умар ибн Исҳоқ Ғазнавий. Шарҳу ақидати имом Таҳовий. – Қоҳира: “Даротул Караз”, 2009. – Б. 170.

﴿ ثُمَّ أَوۡرَثۡنَا ٱلۡكِتَٰبَ ٱلَّذِينَ ٱصۡطَفَيۡنَا مِنۡ عِبَادِنَاۖ فَمِنۡهُمۡ ظَالِمٞ لِّنَفۡسِهِۦ وَمِنۡهُم مُّقۡتَصِدٞ وَمِنۡهُمۡ سَابِقُۢ بِٱلۡخَيۡرَٰتِ بِإِذۡنِ ٱللَّهِۚ ذَٰلِكَ هُوَ ٱلۡفَضۡلُ ٱلۡكَبِيرُ ٣٢ ﴾

“Сўнгра бу китобни Ўз бандаларимиздан танлаб олганларимизга мерос қилдик. Бас, улардан ўзига ўзи зулм қилувчилари бор, улардан ўртачалари бор ва улардан Аллоҳнинг изни ила яхшиликларга ўзувчилар ҳам бор. Ана шу айни улуғ фазлдир”[317].

Ушбу ояти каримада инсонларнинг уч тоифаси зикр қилинган:

1. Ўзларига зулм қилувчилар;
2. Ўртачалар;
3. Яхшиликларга ўзувчилар.

Кейинги ояти каримада мазкур уч тоифанинг барчалари жаннатга киришлари, тилло билакузуклар ва инжулар билан безанишлари, либослари ипакдан бўлиши баён қилинган. Бу нарса эса иймон ва тақвода заиф бўлган кишилар ҳам агарчи баъзи заруриятларни тарк қилган ёки баъзи ножойиз ишларни қилган бўлсалар-да, Аллоҳ таолонинг дўстларидан саналишларига далолат қилади. Фақатгина уларнинг иймон ва тақволари заифликлари сабабли пешқадамлардан паст ва ўртачаларнинг даражаларига ҳам етмаган энг паст даражада бўладилар”[318].

Кароматнинг турлари

Каромат луғатда “иззат-икром”, “қадр-қиммат”, “олийжаноблик” каби маъноларни билдиради. Истилоҳда эса, “Аллоҳ таолонинг Ўзи севган бандаларига қилган иззат-икроми каромат, дейилади”.

Каромат икки хил бўлади:

1. Туғма каромат;
2. Меҳнат билан эришиладиган каромат.

Биринчи турдаги каромат барча инсонларга тегишлидир. Чунки уларни Аллоҳ таоло инсон қилиб яратган. Инсон қилиб яратилганлар эса мўмину кофирликларидан қатъи назар бошқа барча жонзотлардан азизу мукаррам қилиб қўйилган, яъни ҳозирги баҳс нуқтаи назаридан қаралса, одам боласи бўлиб, дунёга келишларининг ўзи Аллоҳ таолонинг уларни иззат-икром қилганидир. Агар Аллоҳ хоҳлаганида, бошқа жониворнинг боласи ҳолида дунёга келишлари ҳам мумкин эди. Аллоҳ таолонинг Ўзи уларни одам фарзанди сифатида дунёга келишларини ирода қилган. Одам болаларини эса бошқа кўплаб жонзотлардан азизу мукаррам қилиб қўйган. Ушбу азизу мукаррам қилиниш, инсониятнинг туғма кароматидир.

---

[317] Фотир сураси, 32-оят.

[318] Абу Бакр Жобир Жазоирий. Ақидатул муъмин. – Мадинаи мунаввара: “Мактабатул улум вал ҳикам”, 2009. – Б. 101.

﴿ وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِيٓ ءَادَمَ وَحَمَلْنَٰهُمْ فِي ٱلْبَرِّ وَٱلْبَحْرِ وَرَزَقْنَٰهُم مِّنَ ٱلطَّيِّبَٰتِ وَفَضَّلْنَٰهُمْ عَلَىٰ كَثِيرٍ مِّمَّنْ خَلَقْنَا تَفْضِيلًا ٧٠ ﴾

“Дарҳақиқат, (Биз) **Одам фарзандларини** (азиз ва) **мукаррам қилдик ва уларни қуруқлик ва денгизга** (от-улов ва кемаларга) **миндириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ бердик ва уларни Ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик”**[319]**.**

Яъни Аллоҳ таоло Одам наслига ақл бериб, илм бериб, нутқ бериб, коинотдаги барча нарсаларни уларга тобе қилиб, бошқа махлуқотлардан уларни азизу мукаррам қилиб қўйган. Уларга ҳайвонларни улов қилиб берган ва кемаларни ҳам кўтаришга салоҳиятли қилиб қўйган. Лаззатли таомлар ва ширин сувларни ризқ қилиб берган. Муқотил: “Бу ояти карима “Биз одам болаларига сариёғ, асал, қаймоқ, хурмо каби покиза нарсаларни ризқ қилиб бердик, бошқа ҳайвонларга эса сомон, суяк каби нарсаларни ризқ қилиб бердик” маъносини англатади”, – деган.

Кароматнинг иккинчи тури, яъни меҳнат билан эришиладиган каромат эса фақат тақводор мўминлардагина ҳосил бўлиши мумкин. Чунки бу каромат мўминларга хос эътиқод ва ҳаракатлар билан ҳосил бўлади.

Қуръони каримда инсонлар орасидаги энг ҳурматли, Аллоҳ таолонинг иззат-икромига сазовор банданинг сифати баён қилинган:

﴿ يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ إِنَّا خَلَقْنَٰكُم مِّن ذَكَرٍ وَأُنثَىٰ وَجَعَلْنَٰكُمْ شُعُوبًا وَقَبَآئِلَ لِتَعَارَفُوٓا۟ ۚ إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِندَ ٱللَّهِ أَتْقَىٰكُمْ ۚ ١٣ ﴾

“Эй инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) **ва бир аёл** (Ҳавво)**дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни** (турли-туман) **халқлар ва қабила** (элат)**лар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ наздида** (энг азизу) **мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир”**[320]**.**

Бу хитоб бутун башариятга қарата айтилган. Яъни эй одамлар, Биз сизларни битта аслдан яратганмиз. Сизларни бир ота ва бир онадан вужудга келтирганмиз. Шунинг учун ота-боболар билан мақтаниш ҳам, насабга суяниш ҳам беҳудадир. Сизлар барчангиз Одамдан тарқалгансизлар, Одам эса тупроқдан яратилгандир! Башариятнинг халқлар ва қабилалар қилиб қўйилиши ота-боболар билан фахрланиш учун эмас, балки бир-бирларининг насабларини таниб олиш, оталаридан бошқага нисбат бермаслик учундир.

Насаб урфда ҳам, шариатда ҳам эътиборга олинса-да, лекин унинг Аллоҳ ҳузурида қадри баланд бўлишда ҳеч қандай эътибори йўқдир. Аллоҳ ҳузурида

---

[319] Исро сураси, 70-оят.
[320] Ҳужурот сураси, 13-оят.

азиз бўлиш иймон ва тақво билан бўлади. Бу азизлик олдида қолган азизликлар худди қуёш чиққанида юлдузлар ғойиб бўлгани каби кўзга ташланмай қолади. Ҳа, одамлар наслу насаб билан эмас, тақво билан азиз бўладилар. Сўфи Аллоҳёр бобомиз айтганидек:

Ишонма отага, қолма талабдин,
Сўралмасдур қиёматда насабдин.

Яъни мен фалонийлар авлодиданман, деб алданиб қолмагин, чунки ҳисоб-китоб кунида насл-насабдан сўров бўлмайди, балки қилган амалларингдан сўров бўлади. Аммо дунёда бировнинг ҳам амали яхши, ҳам насаби яхши бўлса, нур устига нур бўлади. Бироқ амали ёмон бўлса...

Ҳикматли сўзда: “Амали ортга сурган кимсани насаби олдинга сура олмайди”, - дейилган.

Шунинг учун, кимки дунёю охиратда азизу мукаррам бўлишни, Аллоҳ таолонинг иззат-икромига сазовор бўлишни хоҳласа, албатта, тақводор мўмин бўлиши лозим!

Фаросат – ярим каромат

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам комил мўмин кишиларга бериладиган кароматлардан бирини шундай баён қилганлар:

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قال **اِتَّقُوا فِرَاسَةَ الْمُؤْمِنِ فَإِنَّهُ يَنْظُرُ بِنُورِ اللهِ**

ثُمَّ قَرَأَ ﴿ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَآيَاتٍ لِّلْمُتَوَسِّمِينَ ﴿٧٥﴾ ﴾ أَخْرَجَهُ التِّرْمِذِيُّ

Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Мўминнинг фаросатидан эҳтиёт бўлинглар, чунки у Аллоҳнинг нури билан назар солади”,** – дедилар сўнгра **“Албатта, бу** (ҳодиса)**да фаросатли кишилар учун аломатлар бордир”,**[321] оятини ўқидилар”. *“Сунани Темизий”да келган.*

Шарҳ: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам комил ва мухлис мўмин банданинг Аллоҳ таоло томонидан иззат-икром қилинишини, унга ҳақ билан ботил орасини ажратиш фаросати берилишини хабар бермоқдалар. У зотнинг: “Мўминнинг фаросатидан эҳтиёт бўлинглар”, дея буюришларидан қуйидаги маънолар ирода қилинган: маъсиятларнинг ошкорасидан ҳам, махфийсидан ҳам сақланинглар, эҳтимол, мўмин киши халойиқдан яшираётган нарсаларингизни билиб турар, натижада унинг олдида шарманда бўласизлар. Чунки комил мўмин киши сизлар яшираётган нарсага Аллоҳ таоло чароғон қилган қалб кўзи билан назар солади ва ҳақиқатни ҳис этади.

Фаросат луғатда “фаҳмлаш”, “ўткир ақл” каби маъноларни англатади. Шунинг учун ҳам халқимизда “Фаросат ярим каромат”деган ҳикматли сўз бор. “Туҳфатул аолий” китобида фаросат турларга ажратилиб шарҳланган:

[321] Ҳижр сураси, 75-оят.

-Иймоний фаросат, банда қалбига солган Аллоҳ таолонинг нури бўлиб, қалбни чулғаб оладиган идрокдан иборат бўлади. Ушбу фаросат иймон қувватига кўра турлича бўлиб, иймон қанчалик кучли бўлса, фаросат ҳам шунча ўткир бўлади.

-Риёзий фаросат, тўйиб таом емаслик, бедорлик ва ўзини хилватга олиб ёлғиз бўлиш каби ишлар билан ҳосил бўлади. Мазкур ишларни қилиш натижасида кишида фаросат ва атрофдаги нарсаларнинг ҳақиқатини англаш тўғрисидаги маълум бир тушунчалар юзага келади. Ушбу фаросат фақатгина мўмин кишига хос эмас, балки мазкур риёзатларни чеккан кофир кишида ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Чунки бу фаросат иймонга ҳам, валийликка ҳам далолат қилмайди, шунингдек, фақатгина ҳақиқатни ҳам, доимо тўғри йўлни ҳам кўрсатиб бермайди.

-Холқий фаросат Аллоҳ таолонинг ҳикмати тақозо қилган боғлиқликлардан хулоса чиқариш истеъдоди бўлиб, мазкур боғлиқликларни тўғри илғай олган кишиларда ҳосил бўлади.

Каромат тушунчасининг ғайриоддий ишларга қўлланилиши ҳақида қуйидаги сўзлар айтилган: “Кароматнинг ғайриоддий ишларга нисбатан қўлланиши мажозийдир. Зеро, Аллоҳ таоло ана шундай ғайриоддий ишларни тақводор мўмин учун иззат-икром сифатида зоҳир қилади. Кароматнинг зоҳир бўлиш ҳикмати эса валийнинг дунёда зуҳдга бўлган азму қарорини кучайтириш ҳамда уни нафсу ҳаво чақириқларидан ажратишдир”[322].

Ушбу таърифлардан кўриниб турибдики, валийлар Аллоҳ таолонинг дўстлари бўладилар, улар тарафидан содир бўлган ғайриоддий ишлар Аллоҳ таолонинг уларга берган инъоми бўлади. Улар бу мукофотларга шариат ҳукмларини яхши биладиган ва уларга қатъи амал қиладиган олим бўлганлари сабабли эришганлар. Чунки шариат аҳкомларини яхши тушунмаслик ва тушунишга жиддий ҳаракат қилмаслик Аллоҳ таолонинг дўстлари шаънига тўғри келмайди. Қолаверса, жаҳолат билан қилинган амалларда шариат кўрсатмаларидан чиқиб кетиш кўп учрайди. Шариат кўрсатмаларига номувофиқ ҳолатда риёзат чекиш эса тоат бўлмайди. Сўфи Аллоҳёр бобомизни Аллоҳ раҳмат қилсин, бу масалани икки оғиз сўз билан қалбга нақшлаб қўйганлар:

---

[322] Муҳаммад Анвар Бадахшоний. Талхису шарҳи ақидатит-Таҳовий. – Карачи: “Замзам бабилшарз”, 1415ҳ. – Б. 221.

Шариат ҳукмидин ташқи риёзат
Эмас тоат, қабоҳатдур, қабоҳат.

Яъни қилинаётган ишлар қанчалик машаққат билан қилинган бўлмасин шариатга тўғри келмаган риёзат ибодат саналмайди. Балки бемаъни хатти-ҳаракатлар бўлади. Тоат ибодат учун аввало шариат ҳукмини ўрганиш лозим.

Истидрож ҳақида

Валийлар тарафидан содир бўлган ғайриоддий ишлар каромат деб номланади. Аллоҳнинг душманлари томонидан содир бўлган ғайриоддий ишлар эса “эҳтиёжини қондириш” деб номланади. Бу ҳақида мазҳаббошимиз Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ “Фиқҳул акбар” да шундай ёзган:

أَمَّا الَّتِي تَكُونُ لِأَعْدَائِهِ مِثْلُ إِبْلِيسَ وَفِرْعَوْنَ وَالدَّجَّالِ مِمَّا رُوِيَ فِي الأَخْبَارِ أَنَّهُ كَانَ وَيَكُونُ لَهُمْ لاَ نُسَمِّيهَا آيَاتٍ وَلاَ كَرَامَاتٍ وَلَكِنْ نُسَمِّيهَا قَضَاءَ حَاجَاتٍ لَهُمْ وَذَلِكَ لأَنَّ اللهَ تَعَالَى يَقْضِي حَاجَاتِ أَعْدَائِهِ اِسْتِدْرَاجًا لَهُمْ وَعُقُوبَةً لَهُمْ.

“Аммо Аллоҳ таолонинг душманлари томонидан бўладиган, масалан, Иблис, Фиръавн ва Дажжол кабилардан содир бўлганлиги ва (бундан кейин) бўлиши хабарларда ривоят қилинган нарсаларни мўъжиза ҳам, каромат ҳам демаймиз. Лекин ўша нарсаларни улар учун эҳтиёжни қондириш деймиз. Чунки Аллоҳ таоло душманларининг ҳам ҳожатларини “истидрож” (дўзахнинг ўрнини янада чуқурлаштириш) ва жазолаш маъносида рўёбга чиқаради”.

Аллоҳ таолонинг душманлари тарафидан содир бўлган ғайриоддий ишларни, масалан, Иблиснинг бир лаҳзада машриқу мағрибга бориб кишиларни васвасага солиши, Одам болаларининг қонларида айланиши, қиёматга яқин чиқадиган Дажжолнинг бировни ўлдириб тирилтириши каби ғайриоддий ишларнинг барчаси мўъжиза ҳам, каромат ҳам дейилмайди. Сўфи Оллоҳёр бобомиз айтганларидек:

Шариат ҳукмин этмай истиқомат,
Таажжуб ишлари бўлмас каромат.

Яъни мўъжиза ва кароматлар фақатгина шариатда истиқомат қилган Аллоҳ таолонинг дўстларига берилади. Аллоҳнинг душманлари томонидан содир бўлган ғайриоддий нарсалар ўша кофиру фожирлар учун каромат эмас, балки қазои-ҳожат бўлади. Аллоҳ таоло Ўз душманларининг разилона истакларини ҳам уларнинг охиратдаги уқубатлари зиёда бўлиши учун бу дунёда даражама-даража амалга оширишларига имкон беради. Бу ҳақда Аллоҳ таоло қуйидагича хабар берган:

﴿ وَٱلَّذِينَ كَذَّبُواْ بِـَٔايَٰتِنَا سَنَسۡتَدۡرِجُهُم مِّنۡ حَيۡثُ لَا يَعۡلَمُونَ ١٨٢ ﴾

“Оятларимизни ёлғонга чиқарганларни эса, (улар) **билмайдиган жиҳатдан “даражали” қилиб** (ўз ҳолига вақтинча қўйиб бериб) **турамиз”**[323]**.**

Байзовий раҳматуллоҳи алайҳ ушбу оят тафсирида: “Уларни билмайдиган томонларидан аста-секин тутиш уларга неъматларни кўплаб бериш билан бўлади. Улар буни Аллоҳ таоло томонидан ўзларига бўлган лутф-иноят деб ўйлайдилар. Натижада адашган йўлларига баттар шўнғийдилар, ҳаттоки азоб калимаси устиларига содир бўлади”, – деган.

Истидрож ҳақида ҳадиси шарифда қуйидагича хабар берилган:

عَنْ عُقْبَةَ بْنِ عَامِرٍ عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ **إِذَا رَأَيْتَ اللَّهَ يُعْطِي الْعَبْدَ مِنْ الدُّنْيَا عَلَى مَعَاصِيهِ مَا يُحِبُّ فَإِنَّمَا هُوَ اسْتِدْرَاجٌ** ثُمَّ تَلاَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ﴿ **فَلَمَّا نَسُواْ مَا ذُكِّرُواْ بِهِۦ فَتَحْنَا عَلَيْهِمْ أَبْوَٰبَ كُلِّ شَىْءٍ حَتَّىٰٓ إِذَا فَرِحُواْ بِمَآ أُوتُوٓاْ أَخَذْنَٰهُم بَغْتَةً فَإِذَا هُم مُّبْلِسُونَ** ﴿٤٤﴾ ﴾ رَوَاهُ اَحْمَدُ

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Қачон Аллоҳ таолонинг бир бандага маъсиятларига қарамасдан дунёдан яхши кўрадиганини ато қилаётганини кўрсанг, албатта, ўша истидрождир”** – дедилар-да, сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алаҳи васаллам тиловат қилдилар: **“**(Улар) **эслатилган нарса** (синов кунлари)**ни унутганларида уларга ҳар нарсанинг эшикларини очиб қўйдик. Токи уларга берилган нарса** (нозу неъмат)**лар билан шоду хуррам бўлиб турганларида, уларни бирдан забт этдик. Бас,** (энди) **улар ноумиддирлар”**[324]**.** *Аҳмад ривоят қилган.*

Хулоса қилиб айтганда, валийларнинг кароматлари, яъни Аллоҳ таолонинг Ўз дўстларига қилган иззат-икроми ҳақ бўлгани каби душманларига қилган истидрожи ҳам ҳақдир.

---

[323] Аъроф сураси, 182-оят.
[324] Анъом сураси, 44-оят.

ВАЛИЙЛАР ПАЙҒАМБАРЛАРНИНГ УММАТЛАРИДИР

34 وَلَمْ يَفْضُلْ وَلِيٌّ قَطُّ دَهْرًا نَبِيًّا أَوْ رَسُولاً فِي انْتِحالِ

Маънолар таржимаси:

Қилинган даъволарда бирор валий ҳеч бир замонда набийдан ё расулдан асло афзал бўлмаган.

Назмий баёни:

Валий бирор даъвода ҳеч бир замон,
Набий ё Расулдан афзал бўлмаган.

Луғатлар изоҳи:

لَمْ – нафий, жазм ва қалб ҳарфи.

يَفْضُلْ – маълум жаҳд феъли.

وَلِيٌّ – фоилликка кўра раф бўлиб турибди. Луғатда “яқин бўлувчи”, “тўхтовсиз эргашувчи” каби маъноларни англатади. Бу исм فَعِيلٌ вазнида бўлганига кўра унга исми фоил ё исми мафъул маъносини бериш мумкин. Исми фоил маъноси берилса: “Бирор исён аралашмасдан тоат ибодати бардавом бўлувчи” маъносини англатади. Исми мафъул маъноси берилса: “Аллоҳ таолонинг фазлу марҳамати унга тўхтовсиз ёғилиб турган”, маъносини англатади.

قَطُّ – ўтган замон “истиғроқи” учун келтирилган “зарфи замон”.

دَهْرًا – калимаси “замон”, “аср” ва “узун умр” маъноларини англатади. Бу ерда замон маъноси ирода қилинган. Зарфликка кўра насб бўлиб турибди.

نَبِيًّا – мафъулликка кўра насб бўлиб турибди. Луғатда “хабардор қилинган” ё “хабар берувчи” маъноларини англатади.

أَوْ – “тафсийл” маъносида келган атф ҳарфи.

رَسُولاً –маътуф. Луғатда “элчи” маъносини англатади.

فِي – “зарфият” маъносида келган жор ҳарфи.

انْتِحالِ –бу масдар ўзига тегишли бўлмаган нарсани даъво қилишга нисбатан ишлатилади. Бу ерда бирор валийдан нақл қилинган сўз ёки бошқаларнинг валийлар ҳақидаги сўзлари ирода қилинган. Яъни ҳар қанча улуғликка далолат

қиладиган даъволар бўлмасин, валий ҳеч қачон пайғамбардан афзал бўлмаган, деб эътиқод қилиш лозим.

Матн шарҳи:

Валийлар ҳеч қачон бирор-бир пайғамбарнинг мартабасига ета олмаган. Бундай эътиқод қилишга ушбу ҳадисда очиқ-ойдин далолат бор:

عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ قَالَ رَآنِي رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَمْشِي اَمَامَ أَبِي بَكْرٍ فَقَالَ **يَا أَبا الدَّرْدَاءِ اَتَمْشِي اَمَامَ مَنْ هُوَ خَيْرٌ مِنْكَ فِي الدُّنْيَا وَ الآخِرَةِ مَا طَلَعَتِ الشَّمْسُ وَلاَ غَرَبَتْ عَلَى أَحَدٍ بَعْدَ النَّبِيِّينَ وَالْمُرْسَلِينَ أَفْضَلَ مِنْ أَبِي بَكْرٍ.** رَوَاهُ أَحْمَدُ بْنُ حَنْبَل

Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менинг Абу Бакрнинг олдида юрганимни кўрдилар ва: **“Эй Абу Дардо, дунёда ҳам, охиратда ҳам ўзингдан афзал бўлган кишининг олдида юрасанми? Набийлар ва Расуллардан кейин Абу Бакрдан афзалроқ бирор кишининг тепасига қуёш чиқмаган ҳам, ботмаган ҳам”,** – дедилар”. *Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган.*

Яъни барча саҳобаларнинг улуғи, валийлар султони Абу Бакр розияллоҳу анҳу Набийлар ва Расуллардан кейин турса, қолганлар шак-шубҳасиз улардан паст даражада бўладилар.

Аслида, ушбу байт ҳам карромийлар деб аталган бузғунчи тоифанинг қарашларидан оммани огоҳлантириш маъносида келтирилган. Чунки валий пайғамбарга эргашиши билангина ушбу мақомга етишади. Эргашувчи эса эргашилгандан афзал эмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Қолверса, пайғамбарлар маъсум ва ёмон хотимадан омонда бўлган зотдирлар.

Валийлар ва уларнинг кароматлари ҳақида “Ақоидун Насафий” асарида шундай дейилган:

كَرَامَاتُ الاَوْلِيَاءِ حَقٌّ فَيُظْهِرُ الْكَرَامَةَ عَلَى طَرِيقِ نَقْضِ الْعَادَةِ لِلْوَلِيِّ مِنْ قَطْعِ الْمَسَافَةِ الْبَعِيدَةِ فِى الْمُدَّةِ الْقَلِيلَةِ وَظُهُورِ الطَّعَامِ وَالشَّرَابِ وَاللِّبَاسِ عِنْدَ الْحَاجَةِ وَالْمَشْيِ عَلَى الْمَاءِ وَالطَّيَرَانِ فِى الْهَوَاءِ وَكَلاَمِ الْجَمَادِ وَالْعَجْمَاءِ وَغَيْرِ ذَلِكَ مِنَ الاَشْيَاءِ وَيَكُونُ ذَلِكَ مُعْجِزَةً لِلرَّسُولِ الَّذِى ظَهَرَتْ هَذِهِ الْكَرَامَةُ لِوَاحِدٍ مِنْ أُمَّتِهِ لاِنَّهُ يَظْهَرُ بِهَا اَنَّهُ وَلِيٌّ وَلَنْ يَكُونَ وَلِيًّا اِلاَّ اَنْ يَكُونَ مُحِقًّا فِى دِيَانَتِهِ وَدِيَانَتُهُ اَلاِقْرَارُ بِرِسَالَةِ رَسُولِهِ.

“Валийлар каромати ҳақдир. Узоқ масофани қисқа муддатда босиб ўтиш, муҳтож пайтда озиқ-овқат, ичимлик ва кийимларнинг пайдо бўлиши, сув устида юриш, ҳавода учиш, жонсиз ва тилсиз нарсаларнинг гапириши ва булардан бошқа нарсаларни (Аллоҳ таоло) валийга ғайриоддий йўлга кўра пайдо қилади. Умматларидан бирига каромат сифатида пайдо бўлган ушбу нарсалар пайғамбарга мўъжиза бўлади. Чунки ўша каромат сабабли унинг валий экани зоҳир бўлади. Валий фақат ва фақат ўз диёнатида ҳақиқий бўлиши

билан валий бўла олади. Унинг диёнати эса пайғамбарининг пайғамбар эканига иқрор бўлишидир”[325].

Ҳа, валийлар пайғамбарларнинг умматларидирлар, улар пайғамбарлари келтирган шариатни маҳкам тутиб яшашга бошқалардан кўпроқ интиладиган зотлар бўлганлар. Уларнинг барчаларига Аллоҳ таолонинг раҳмати бўлсин.

[325] Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳу ақоид. – Миср: “Мактабатул Азҳарий”, 2000. – Б. 131.

ВАЛИЙЛАР СУЛТОНИ ҲАҚИДА

35 وَلِلصِدِّيقِ رُجْحَانٌ جَلِيٌّ عَلَى الأَصْحَابِ مِنْ غَيْرِ احْتِمَالِ

Маънолар таржимаси:

Сиддиқ** (розияллоҳу анҳу)**нинг барча саҳобалардан ҳеч эҳтимолликсиз яққол устунлиги бор.

Назмий баёни:

Бордир афзаллиги Сиддиқнинг зоҳир,
Асҳоблар устидан, ҳеч шубҳа йўқдир.

Луғатлар изоҳи:

لِ – “шибҳи мулк” (мулк кўринишидаги) маънoсида келган жор ҳарфи.

الصِدِّيقِ – жор мажрур мубтадосидан олдин келтирилган хабардир.

رُجْحَانٌ – хабаридан кейин келтирилган мубтадо. Луғатда “афзаллик”, “ортиқлик” маъноларини англатади.

جَلِيٌّ – رُجْحَانٌ нинг сифати. Луғатда “аниқ”, “равшан”, “яққол” ва “ошкора” каби маъноларни англатади.

عَلَى – “истиъло” (устун бўлиш) маъносида келган жор ҳарфи.

الأَصْحَابِ – жор мажрур رُجْحَانٌ га мутааллиқ. صَاحِبٌ калимасининг кўплик шакли бўлиб, луғавий жиҳатдан “дўст”, “ҳамроҳ” каби маъноларни англатади. Истилоҳда эса “иймон келтирган ҳолатда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан кўришиб, мўмин ҳолида вафот этган киши саҳоба дейилади”.

مِنْ – “таълилия” (изоҳлаш) маъносида келган жор ҳарфи.

غَيْرِ – жор мажрур, музоф.

احْتِمَالِ – музофун илайҳ, жумла رُجْحَانٌ га сифат ўрнида турибди.

Матн шарҳи:

Валийлар тўғрисидаги баҳслардан сўнг барча валийларнинг энг улуғи саналган Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг фазллари тўғрисидаги хабарларга ўтилди. Эътиқодий масалаларга бағишланган китобларнинг деярли барчасида пайғамбарлардан кейинги афзал инсонлар ҳақидаги баҳслар келтирилган. Бу

баҳслар чаҳорёрлар ва бошқа саҳобалар тўғрисида бузуқ эътиқодда бўлган шиа фирқаларининг нотўғри қарашларидан омма мусулмонларни огоҳлантириш ва шиаларга раддия бериш тарзида ёзилган. Шиаларга раддия қилиб ёзилган алоҳида китоблар ҳам бўлиб, бу китобларда уларнинг нотўғри қарашлари далиллар билан очиб берилган. Муҳаммад Абдуссаттор Тунсавийнинг “Бутлану ақоиди шиа” китоби ана шундай китоблардан бири бўлиб, унда шиаларнинг ўн еттита бузуқ қарашларига раддия ёзилган. Шиаларнинг келтириб чиқарган зиддиятли баҳс мунозаралари натижасида шу қадар баҳслар юзага келганки, ҳатто чаҳорёрларни яхши кўриш ва уларни пайғамбарлардан кейинги энг афзал инсонлар деб билиш аҳли суннанинг белгисига айланган. Қуйидаги ривоят бунга далолат қилади: “Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳдан “Аҳли сунна вал-жамоа” мазҳаби ҳақида сўрашганида: “У икки шайхни, яъни Абу Бакр ва Умарни бошқа саҳобалардан афзал билишинг, икки куёвни, яъни Усмон ва Алини яхши кўришинг ва иккала маҳсига масҳ тортишни жоиз деб билишингдир”, – деб жавоб берган. Бу жавобни Анас ибн Молик раҳматуллоҳи алайҳнинг: “Икки шайхни афзал билишинг, икки куёвни яхши кўришинг ва иккала маҳсига масҳ тортишни жоиз деб билишинг суннатдандир”, – деган сўзларидан олган”[326].

Абу Бакр розияллоҳу анҳуни барча саҳобалардан афзал деган сўздан, у зотнинг пайғамбарлардан кейин инсонларнинг энг улуғи эканлари маълум бўлади. Чунки саҳобалар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суҳбатларига эришишдек улуғ мартабага мушарраф бўлган буюк зотдирлар.

Саҳобаларнинг фазилатлари

Саҳобаларни яхши кўриш ва уларни пайғамбарлардан кейин энг афзал инсонлар бўлган, деб эътиқод қилиш ҳар бир мусулмоннинг бурчи ҳисобланади. Саҳобалар муқаддас Ислом динини бутун башариятга етказиш йўлидаги барча машаққатларни зиммаларига кўтарган ҳамда бу вазифани тўла-тўкис адо этган зотлардир. Шунинг учун динини улуғлаган ҳар бир мусулмон уларни ҳам улуғлаши лозим бўлади.

Саҳобалар эришган улуғ мартабага улардан кейин ҳеч бир башар эриша олмайди. Чунки улар фосиқлик ва улуғликка номуносиб ишлардан пок эканлари ҳатто текшириб ҳам ўтирилмайдиган даражадаги зотдирлар. Қуръони каримда саҳобаи киромларга шундай хитоб қилинган:

﴿ كُنتُمْ خَيْرَ أُمَّةٍ أُخْرِجَتْ لِلنَّاسِ ﴾

“Сизлар одамлар учун чиқарилган энг яхши уммат бўлдиларингиз”[327].

Яъни ушбу ояти каримадаги васф Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг барча умматларига тааллуқли бўлса-да, саҳобаи киромларнинг барчаларига мос келадиган хитоб ҳисобланади.

---

[326] Иброҳим Ҳалабий. Ҳалабий кабир. – Истанбул: “Дор Саодат”, 1325 ҳ. – Б. 104.
[327] Оли Имрон сураси, 110-оят.

Ҳадиси шарифда саҳобаларнинг мартабалари шундай баён қилинган:

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **لَا تَسُبُّوا أَصْحَابِي فَوَالَّذِى نَفْسِى بِيَدِهِ لَوْ أَنَّ أَحَدَكُمْ أَنْفَقَ مِثْلَ أُحُدٍ ذَهَبًا مَا أَدْرَكَ مُدَّ أَحَدِهِمْ وَلَا نَصِيفَهُ.** رَوَهُ التِّرْمِذِيُّ

Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Саҳобаларимни таҳқирламанглар, жоним унинг қўлида бўлган зотга қасамки, агар сизлардан бирингиз Уҳуд** (тоғи) **мислича олтин сарфласа ҳам, улардан бирортасининг “муд”ига[328] ҳам, унинг** (муднинг) **ярмига ҳам эриша олмайди”,** – дедилар”. *Термизий ривоят қилган.*

Чунки бу зотлар пайғамбарларнинг сўнггисига саҳоба бўлишдек бахтга сазовор бўлган ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олиб келган ҳидоят нурини бошқаларга етказиш йўлида молу жонларини фидо қилган мўминлардир. Кейингилар эса фақат улар етказган нарсаларга риоя қиладиган мўминлар саналади.

Абу Заръа Розий раҳматуллоҳи алайҳ саҳобаларни улуғлаш лозимлигини таъкидлаб шундай деган: “Агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан бирортасини ёмонотлиқ қилаётган бирор кимсани кўрсангиз, билингки, у кимса зиндиқ (динсиз)дир. Чунки биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳақ деб биламиз, (у зот олиб келган) Қуръонни ҳақ деб биламиз, бизларга эса Қуръонни ҳам, суннатларни ҳам саҳобалар етказганлар. Шунинг учун ҳам Қуръон ва суннатни ботилга чиқармоқчи бўлган кимсаларгина бу иккаласини етказган зотларни ёмонотлиқ қилишга уринадилар. Ваҳоланки уларнинг ўзлари гувоҳликлари қабул қилинмайдиган зиндиқлардир”.

Саҳобаларнинг адади қанча бўлган?

Саҳобаларнинг адади қанча бўлгани ҳақида тарих уламолари аниқ бир ададга иттифоқ қилишмаган. Фақат баъзи муҳаққиқ олимлар уларнинг адади юз мингдан ортиқ бўлган, - деганлар. Абу Заръа Розий раҳматуллоҳи алайҳдан “саҳобаларнинг адади бир юз ўн тўрт мингта бўлган”, деган қавл ҳам ривоят қилинган.

Жинлар ҳам саҳоба ҳисобланадими?

Уламолар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўриб иймон келтирган ва мўмин ҳолида вафот этган жинлар ҳам саҳоба ҳисобланишини айтганлар. Бу ҳақида Мулла Али Қори раҳматуллоҳи алайҳ қуйидаги қавлни ривоят қилган: “Саховий: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрган ва у зотга имон келтирган жинлар ҳам саҳоба ҳисобланади, чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уларга ҳам пайғамбар этиб юборилганлари қатъи равишда аниқдир”, – деган.

[328] Муд – 544 грамга тенг ўлчов бирлиги.

Бадриддин Шиблий Ҳанафий раҳматуллоҳи алайҳ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўриб у зотга иймон келтирган жинларнинг охирги вакилларидан бирини Умар ибн Абдулазиз раҳматуллоҳи алайҳ дафн этганини ривоят қилган.

Исломни биринчи бўлиб қабул қилган саҳобалар

Ибн Салоҳ раҳматуллоҳи алайҳнинг таҳқиқларига кўра биринчи бўлиб Исломни қабул қилган саҳоблар деганда қуйидаги зотлар тушунилади:

– Ҳур эркаклардан: Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу;
– Балоғатга етмаган ёш болалардан: Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу;
– Аёллардан: Хадижа бинту Ҳувайлид розияллоҳу анҳо онамиз;
– Озод қилинган қуллардан: Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳу;
– Қуллардан: Билол розияллоҳу анҳу.
–

Фақиҳлик билан машҳур бўлган саҳобалар

Бир қанча саҳобалар фиқҳий масалалар билимдони сифатида машҳур бўлганлар. Шу маънода қуйидаги зотлардан кўплаб фатволар нақл қилинган:

– Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу;
– Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу;
– Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу;
– Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу;
– Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу;
– Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳу;
– Оиша розияллоҳу анҳо.

Энг кўп фатво берган саҳоба

Энг кўп фатво берган саҳоба “Қуръон таржимони” деб ном олган Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумо ҳисобланади. Чунки хулофои рошидинлар ва Абдуллоҳ ибн Масъуд сингари илмда пешқадам бўлган зотлар саҳобаларнинг кўпчилиги ҳаёт бўлган пайтларда вафот этиб кетганлар. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумо эса саҳобалар камайиб, уларнинг илмларига эҳтиёж кучайган вақтларда яшаб ўтган. Шу сабабли бу зотнинг фатволари кўпроқ нақл қилинган.

Энг кўп ҳадис ривоят қилган саҳобалар

Қуйидаги саҳобалар энг кўп ҳадис ривоят қилган саҳобалар ҳисобланади:

1. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу: 5374 та ҳадис ривоят қилган;
2. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу: 2630 та ҳадис ривоят қилган;
3. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу: 2286 та ҳадис ривоят қилган;
4. Оиша розияллоҳу анҳо: 2210 та ҳадис ривоят қилган;
5. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу: 1660 та ҳадис ривоят қилган;
6. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу: 1540 та ҳадис ривоят қилган.

“Абодила” (Абдуллоҳ исмли саҳоба)**лар**

Абдуллоҳ исмли саҳобалар 300 га яқин бўлган. Лекин ҳадис илмида “Абодила”лар деганда асли исмлари Абдуллоҳ бўлган қуйидаги саҳобалар кўзда тутилган бўлади:

1. Абдуллоҳ ибн Умар;
2. Абдуллоҳ ибн Аббос;
3. Абдуллоҳ ибн Зубайр;
4. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос ёки Абдуллоҳ ибн Масъуд.

Ушбу зотлар энг охири вафот этган ва кейингилар уларнинг илмларига ниҳоятда муҳтож бўлиб қолган олим саҳобалар ҳисобланади. Шунга кўра бу зотлар бошқалардан “Абодила”лар номи билан ажралиб турган. Агар бу зотлар бир фатвога иттифоқ бўлсалар, “бу Абодилаларнинг сўзи” – дейилган.

Тириклик вақтларидаёқ жаннат башорати берилган саҳобалар

Баъзи саҳобаларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг тириклик вақтларидаёқ жаннатий бўлишларини хабар берганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ҳадисларида уларнинг ўнтасини номма-ном санаганлар. “Ашараи мубашшара” (башорат берилган ўн киши) номи билан машҳур бўлган саҳобалар қуйидаги зотлардир:

عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ عَوْفٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **أَبُو بَكْرٍ فِي الْجَنَّةِ وَعُمَرُ فِي الْجَنَّةِ وَعُثْمَانُ فِي الْجَنَّةِ وَعَلِيٌّ فِي الْجَنَّةِ وَطَلْحَةُ فِي الْجَنَّةِ وَالزُّبَيْرُ فِي الْجَنَّةِ وَعَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ عَوْفٍ فِي الْجَنَّةِ وَسَعْدٌ فِي الْجَنَّةِ وَسَعِيدٌ فِي الْجَنَّةِ وَأَبُو عُبَيْدَةَ بْنُ الْجَرَّاحِ فِي الْجَنَّةِ.** رَوَهُ التِّرْمِذِيُّ

Абдураҳмон ибн Авф разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Абу Бакр жаннатда бўлади, Умар жаннатда бўлади, Усмон жаннатда бўлади, Али жаннатда бўлади, Талҳа жаннатда бўлади, Зубайр жаннатда бўлади, Абдураҳмон ибн Авф жаннатда бўлади, Саъд жаннатда бўлади, Саид жаннатда бўлади, Абу Убайда ибн Жарроҳ жаннатда бўлади”,** – дедилар”. *Термизий ривоят қилган.*

Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳ ривоят қилган бошқа бир ҳадисда эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Фотима розияллоҳу анҳога шундай деганлари ривоят қилинган:

أَمَا تَرْضَيْنَ أَنْ تَكُونِي سَيِّدَةَ نِسَاءِ أَهْلِ الْجَنَّةِ.

“Жаннат аҳли аёлларининг саййидаси бўлишингга рози бўлмайсанми!”.

Имом Насоий[329] ривоят қилган ҳадисда эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам набиралари Ҳасан ва Ҳусайн розияллоҳу анҳумолар ҳақида шундай деганлари ривоят қилинган:

أَنَّ الْحَسَنَ وَالْحُسَيْنَ سَيِّدَا شَبَابِ أَهْلِ الْجَنَّةِ.

“Албатта, Ҳасан ва Ҳусайн жаннат аҳли йигитларининг саййидларидир”.

Хулоса шуки, ҳадиси шарифларда номлари айтилган саҳобаларни жаннатий деб эътиқод қилинади. Номлари айтилмаган саҳобалар ҳақида эса жаннатий бўлишлари бошқалардан кўра кўпроқ умид қилинади.

Саҳобаларнинг табақалари

Ҳоким Найсабурий раҳматуллоҳи алайҳ саҳобаларни Исломни биринчи қабул қилганлари ва кўплаб улуғ ишларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларида бўлганлари эътиборидан ўн икки табақага ажратган:

1. Олдиндан Маккада Исломни қабул қилганлар табақаси;
2. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Исломга келганидан кейин Исломни қабул қилганлар табақаси. Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу: “Умар Исломга келганидан кейин доим азиз бўлдик”, - деган. Шунга кўра, бу зотдан кейин Исломни қабул қилганлар мусулмонлар азиз бўлгандан кейинги табақа ҳисобланади.
3. Ҳабашистон муҳожирлари табақаси. Мазкур муҳожирлар “Ҳабашистон муҳожирлари” деб аталадиган алоҳида бир табақа саналади;
4. Биринчи ақаба байъатида қатнашиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат қилган саҳобалар табақаси;
5. Иккинчи ақаба байъатида қатнашиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат қилган саҳобалар табақаси;
6. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага киришларидан олдин ҳижрат қилган саҳобалар табақаси;
7. Бадрда қатнашган саҳобалар табақаси;
8. Бадр ғазотидан кейин ҳижрат қилган саҳобалар табақаси;
9. Ҳудайбия ғазотидаги “Байъатур ризвон”да қатнашган саҳобалар табақаси;
10. Ҳудайбиядан кейин ҳижрат қилган саҳобалар табақаси;
11. Фатҳ йилида мусулмон бўлган саҳобалар табақаси;
12. “Фатҳ куни” ва “Ҳажжатул вадо”да ёш ва гўдак ҳолида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўриб қолиш бахтига муяссар бўлган саҳобалар табақаси.

---

[329] Аҳмад ибн Али ибн Шуайб ибн Али ибн Санон ибн Баҳр ибн Динор ҳижрий 215 йилда ҳозирги Туркманистон ҳудудига кирувчи Наса шаҳрида туғилган. Имом Насоий илм талабида Тобаристон, Бағдод, Басра, Ҳижоз, Миср каби шаҳарларда бўлган ва Мисрда яшаб қолган. Имом Насоийнинг энг машҳур китоби “Сунани Насоий”дир. Бундан ташқари “Мужтаба” каби китоблари ҳам бўлган. Имом Насоий ҳижрий 303 йилда 88 ёшида Байтул Мақдисда вафот этган.

Энг узун умр кўрган саҳобалар

Энг узун умр кўрган саҳобалар қуйидаги зотлардир:
1. Ҳаким ибн Ҳизом розияллоҳу анҳу;
2. Ҳассон ибн Собит ибн Мунзир ибн Ҳаром Ансорий разияллоҳу анҳу.
Бу зотлар жоҳилиятда 60 йил, Исломда 60 йил умр кечиришган. Ҳаким ибн Ҳизом разияллоҳу анҳу “Фил йили”дан 13 йил олдин Каъба ичида туғилган. Ҳижрий 54 йилда Мадинада вафот этган. Ҳассон ибн Собит ҳақида Ибн Исҳоқ ривоят қилишича унинг ота-боболари Собит, Мунзир ва Ҳаромларнинг ҳар бир 120 йилдан умр кечирган. Абу Нуайм Ҳофиз: “Арабларда бошқа бундайлар кузатилмаган”, - деган. Ҳассон ҳижрий 54 ёки 50 йилда вафот этган, - дейилган.

Саҳобаларнинг энг сўнги вакиллари ва улар вафот этган жойлар

Қуйидаги зотлар саҳобаларнинг энг сўнги вакиллари саналадилар:

– Абу Туфайл Омир ибн Восила розияллоҳу анҳу. Ҳижрий 110 йилда Маккада вафот этган;

– Маҳмуд ибн Робиъ розияллоҳу анҳу. Ҳижрий 99 йилда Мадинада вафот этган;

– Абдуллоҳ ибн Буср розияллоҳу анҳу. Ҳижрий 96 йилда Шомда вафот этган;

– Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу. Ҳижрий 93 йилда Басрада вафот этган;

– Абдуллоҳ ибн Абу Авфо розияллоҳу анҳу. Ҳижрий 86 йилда Куфада вафот этган;

– Абдуллоҳ ибн Ҳорис ибн Жазъи Зубайдий розияллоҳу анҳу. Ҳижрий 86 йилда Мисрда вафот этган.

Шу ўринда айтиш мумкинки, мазҳаббошимиз Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ ушбу саҳобалардан Анас ибн Молик, Абдуллоҳ ибн Ҳорис ибн Жазъи Зубайдийларни ҳамда булардан ташқари Жобир ибн Абдуллоҳ ва Оиша бинт Ажрад сингари саҳобаларни кўриб, улардан ҳадис ривоят қилгани ҳақида ҳам саҳиҳ қавллар келган.

Саҳобаи киромларнинг энг улуғи бўлган зот барча валийларнинг султони бўлиши табиий ҳолдир. Валийлар султони Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу милодий 573 йилда туғилган. Исми Абдуллоҳ бўлиб, насаби қуйидагича бўлган: Абдуллоҳ ибн Усмон ибн Омир ибн Амр ибн Каъб ибн Саид ибн Тайм ибн Мурра ибн Каъб ибн Луай. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан насаблари Мурра ибн Каъбда бирлашган. Бу зотнинг Сиддиқ деб номланиши ҳақида Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу шундай деган: “Аллоҳ таолонинг Ўзи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тиллари билан Абу Бакрни Сиддиқ деб номлаган”.

Ҳа, бу зот Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни тасдиқлашда ҳеч иккиланмаганлари сабабли ана шундай иззатга сазовор бўлганлар. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Масжидул-Ақсога сайр қилдирилганларида инсонлар буни гапира бошладилар. У зот алайҳиссаломга иймон келтириб, тасдиқлаганларнинг кўпчилиги бундан фитнага учраб муртад бўлиб кетдилар. Шунда Абу Бакр: “Мен бундан ҳам узоқроғини тасдиқлайман, унга эрталаб ё кечқурун самодан хабар келишини тасдиқлайман-ку”, – деди. Шу сабабли у Сиддиқ деб ном олди”.

“Бу зот яхши ишларга доимо илгари ташаббус кўрсатгани сабабли “Абу Бакр” (ўта пешқадам) кунясини олган дейилган”[330].

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг фазллари

Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг фазллари ҳақида кўплаб хабарлар келган. Қуръони каримда шундай хабар берилган:

﴿وَسَيُجَنَّبُهَا ٱلۡأَتۡقَى ١٧ ٱلَّذِي يُؤۡتِي مَالَهُۥ يَتَزَكَّىٰ ١٨ وَمَا لِأَحَدٍ عِندَهُۥ مِن نِّعۡمَةٖ تُجۡزَىٰٓ ١٩﴾

“Тақволи киши эса ундан (дўзахдан) **узоқлаштирилур. Қайсики, у молдавлатини** (яхшилик йўлида) **сарф қиладиган бўлса. Унинг** (сарф қилувчининг) **ҳузурида** (зиммасида) **бирор кимсага қайтариладиган неъмат йўқдир”[331].**

Аксар муфассирлар ушбу ояти карималарда васф қилинган инсон Абу Бакр Сиддиқдир, дейишган.

Бу зот Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ҳижрат қилиш бахтига муяссар бўлганига Қуръони каримда очиқ-ойдин ишора келган:

﴿إِلَّا تَنصُرُوهُ فَقَدۡ نَصَرَهُ ٱللَّهُ إِذۡ أَخۡرَجَهُ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ ثَانِيَ ٱثۡنَيۡنِ إِذۡ هُمَا فِي ٱلۡغَارِ إِذۡ يَقُولُ لِصَٰحِبِهِۦ لَا تَحۡزَنۡ إِنَّ ٱللَّهَ مَعَنَاۖ﴾

“Агар сизлар унга (Муҳаммадга) **ёрдам қилмасангиз, Аллоҳ** (Ўзи) **унга ёрдам қилган. Қачонки, уни кофирлар икки кишининг бири сифатида** (ватанидан) **чиқариб юборганларида, икковлари ғорда туриб,** (Муҳаммад) **ҳамроҳи** (Абу Бакр)**га: “Ташвиш чекма! Албатта, Аллоҳ биз билан биргадир!” – деган эди”[332].**

Мана шу ояти каримада зикр этилган икки киши – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу эканлари барча

---

[330] Муҳаммад Ризо. Мавсуату хулофаи рошидин. – Байрут: “Мактабатул Асрия”, 2006. – Б. 16.
[331] Лайл сураси, 17, 19-оятлар.
[332] Тавба сураси, 40-оят.

муфассирлар томонидан тасдиқланган. Шу сабабли ким Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг саҳоба эканини инкор қилса, кофир бўлади, - дейилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакрга: **“Сен Ҳавзда ҳам, ғорда ҳам менинг шеригимсан”,–** деганлар. Абу Бакр розияллоҳу анҳу хайрли ишларда доимо пешқадам бўлган:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **مَنْ أَصْبَحَ مِنْكُمُ الْيَوْمَ صَائِمًا** قَالَ أَبُو بَكْرٍ أَنَا قَالَ **فَمَنْ تَبِعَ مِنْكُمُ الْيَوْمَ جَنَازَةً** قَالَ أَبُو بَكْرٍ أَنَا قَالَ **فَمَنْ أَطْعَمَ مِنْكُمُ الْيَوْمَ مِسْكِينًا** قَالَ أَبُو بَكْرٍ أَنَا قَالَ **فَمَنْ عَادَ مِنْكُمُ الْيَوْمَ مَرِيضًا** قَالَ أَبُو بَكْرٍ أَنَا فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **مَا اجْتَمَعْنَ فِي امْرِئٍ إِلَّا دَخَلَ الْجَنَّةَ**. رَوَاهُ مُسْلِمٌ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Ким бугун рўзадор бўлиб тонг оттирди?”-** дедилар. Абу Бакр: “Мен”, – деди. У зот: “**Ким бугун жанозага қатнашди”,** дедилар. Абу Бакр: “Мен”, – деди. У зот: **“Ким бугун бирор мискинни таомлантирди”,** – дедилар. Абу Бакр: “Мен”, – деди. У зот: **“Ким бугун бирор касални бориб кўрди”,** –дедилар. Абу Бакр: “Мен”, – деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Ушбу ишлар қайси бир кишида жамланган бўлса, у, албатта, жаннатга киради”,** – дедилар”. *Муслим ривоят қилган.*

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг оилалари

1.**Қутайла бинти Саъд.** Бу аёлига жоҳилият даврида уйланган бўлиб, ундан Абдуллоҳ ва Асмо исмли фарзандлари туғилган.

2. **Умму Румон.** Бу аёлига ҳам жоҳилият даврида уйланган. Ундан Абдурраҳмон ва Оиша розияллоҳу анҳолар туғилган.

3. **Асмо бинти Умайс.** Бу аёлига Исломга кирганидан сўнг уйланган. Асмо олдин Жаъфар ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг аёли бўлган. Жаъфар “Мўъта” ғазотида шаҳид бўлгач, бева қолган Асмога Абу Бакр розияллоҳу анҳу уйланган. Асмодан Муҳаммад исмли фарзанди туғилган.

4. **Ҳабиба бинти Хорижа.** Бу аёлига ҳам Исломга кирганидан сўнг уйланган. Ушбу аёлидан Умму Кулсум исмли қизи туғилган.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларидан сўнг ҳижрий 11 йилда робиъул аввал ойининг 12 кунида мусулмонларга биринчи халифа этиб сайланган. Халифалик даврларида муртадларга қарши курашлар ва Қуръоннинг жамланиши каби муҳим ишлар бўлиб ўтган. “Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ҳижратнинг 13 йилида жумадул охир ойининг 23 куни вафот этган”[333].

[333] Муҳаммад Ризо. Мавсуату хулафаи рошидин. – Байрут: “Мактабатул Асрия”, 2006. – Б. 140.

ТИЛИ ВА ҚАЛБИГА ҲАҚ ЖОРИЙ БЎЛГАН ИНСОН

36 وَ لِلْفَارُوقِ رُجْحَانٌ وَفَضْلٌ عَلَى عُثْمَانَ ذِي النُّورَينِ عَالِي

Маънолар таржимаси:

Фаруқ *(розияллоҳу анҳу)* ***олий Усмон зиннуройн*** *(розияллоҳу анҳу)****дан ортиқ ва афзал бўлган.***

Назмий баёни:

Фаруқнинг устунлик, ортиқлиги бор
Бўлса ҳам Зиннуройн, олий фидокор.

Луғатлар изоҳи:

لِ – “шибҳи мулк” (мулк кўринишидаги) маъносида келган жор ҳарфи.

الْفَارُوقِ – жор мажрур мубтадосидан олдин келтирилган хабар.

رُجْحَانٌ – хабаридан кейин келтирилган мубтадо.

فَضْلٌ – маътуф.

عَلَى – “истиъло” (устун бўлиш) маъносидаги жор ҳарфи.

عُثْمَانَ – жор мажрур رُجْحَانٌ ва فَضْلٌ га мутааллиқ.

ذِي النُّورَينِ – мажрур исмга сифат бўлгани учун ي ҳарфи билан эъробланиб турибди.

عَالِي – сифатнинг сифати.

Матн шарҳи:

Абу Бакр розиялоҳу анҳудан сўнг валийларнинг улуғи Умар розияллоҳу анҳу ҳисобланади. Умар розияллоҳу анҳунинг насаби қуйидагича бўлган: Умар ибн Хаттоб ибн Нуфайл ибн Абдулуззо ибн Риёҳ ибн Абдуллоҳ ибн Қурут ибн Ризоҳ ибн Адий ибн Каъб ибн Луъай. Куняси Абу Ҳафс бўлган. Умар розияллоҳу анҳу нубувватнинг олтинчи йилида Исломни қабул қилган. Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ўттиз тўққизта эркак ва битта аёл киши Исломга кирган эдилар. Сўнгра Умар исломга кирди ва улар қирқта бўлдилар. Шунда Жаброил алайҳиссалом ушбу оятни олиб тушди:

﴿ يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّبِيُّ حَسۡبُكَ ٱللَّهُ وَمَنِ ٱتَّبَعَكَ مِنَ ٱلۡمُؤۡمِنِينَ ٦٤ ﴾

“Эй Пайғамбар! Сизга ва Сизга эргашган мўминларга Аллоҳ кифоядир”[334].

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Аллоҳ таоло ҳақни Умарнинг тили ва қалбига жорий қилган, у Фаруқдир, Аллоҳ таоло унинг воситасида ҳақ билан ботил орасини ажратди”,** – деганлар. Абу Умар Заквондан ривоят қилинади: “Оишага Умарни ким Фаруқ деб номлаган”, – дедим. У: “Набий алайҳиссалом номлаганлар”, – деди”.

Умар розияллоҳу анҳу асос солган ишлар

Умар розияллоҳу анҳу кўплаб улуғ ишларга асос солган:

– Биринчи бўлиб ҳижратнинг ўн олтинчи йили робиъул аввал ойида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Маккадан Мадинага ҳижрат қилган йилларидан бошланадиган ҳижрий йил ҳисобига асос солган.

– Биринчи бўлиб Қуръони каримни саҳифаларга жамлашга йўл бошлаган.

– Биринчи бўлиб таровеҳ намозининг жамоат бўлиб ўқилишини йўлга қўйган.

– Биринчи бўлиб Куфа, Басра, Шом, Миср ва Мусил каби шаҳарларнинг барпо этилишига асос солган.

– Биринчи бўлиб шаҳарларда одамларнинг ишларини ажрим қилиш учун қозиларни тайин қилган.

– Биринчи бўлиб девон, яъни рўйхат қилиш ишларини йўлга қўйган.

– Биринчи бўлиб Мисрдан кемаларда озиқ-овқат маҳсулотларини келтиришни йўлга қўйган.

Умар розияллоҳу анҳунинг оилалари

1. **Зайнаб бинти Мазъун.** Бу аёлидан Абдуллоҳ, Абдурраҳмон (каттаси)[335], Ҳафса розияллоҳу анҳолар туғилган.

2. **Умму Кулсум бинти Али ибн Аби Толиб розияллоҳу анҳо.** Бу аёли Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг неваралари, яъни Фотима розияллоҳу анҳонинг қизлари бўлган. Ушбу аёлларидан Зайд (каттаси) ва Руқойя исмли фарзандлари туғилган.

3. **Умму Кулсум бинти Жарвал.** Бу аёлидан Зайд (кичкинаси) ва Убайдуллоҳ исмли фарзандлари туғилган. Умар розияллоҳу анҳу билан Умму Кулсум бинти Жарвалнинг ораларини Ислом ажратган.

4. **Жамила бинти Собит.** Бу аёлининг олдинги исми Осия бўлган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни Жамила деб ўзгартирганлар. Бу аёлларидан Осим исмли фарзанди туғилган.

---

[334] Анфол сураси, 64-оят.

[335] Умар розияллоҳу анҳунинг Абдурраҳмон исмли учта, Зайд исмли иккита ўғиллари бўлган.

5. **Луҳаййа.** Бу аёл “умму валад”и бўлган. Бу аёлдан Абдурраҳмон (ўртанчаси) исмли фарзанди туғилган. Ушбу Абдураҳмоннинг лақаби Абул Мужбир бўлган.

6. **Умму валад чўрилари.** Бу аёлнинг исмини баъзилар Факиҳа бўлган дейишган, лекин баъзилар Факиҳа бошқа чўриси бўлган, дейишган. Бу чўрисидан Абдурраҳмон (кичиги) исмли фарзанди туғилган.

7. **Умму Ҳаким бинти Ҳорис ибн Ҳишом.** Бу аёлидан Фотима исмли қизи туғилган.

8. **Факиҳа.** Бу аёл яманлик бўлиб, Умар розияллоҳу анҳунинг “умму валад”и бўлган. Бу чўридан Зайнаб исмли қизи туғилган. Зайнаб Умар розияллоҳу анҳунинг энг кичик фарзанди бўлган.

9. **Отика бинти Зайд.** Бу аёлидан Иёз исмли фарзанди туғилган.

Албатта, ушбу аёлларнинг тўрттадан кўпи битта никоҳда жамланмаган.

Умар розияллоҳу анҳунинг фазллари

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу шундай деган: Умар ибн Хаттоб тўртта ишда инсонлардан афзал бўлди:

1. Бадр куни асирлар тўғрисида айтган фикри тўғри экани Қуръон оятлари билан собит бўлди:

﴿ لَّوۡلَا كِتَٰبٞ مِّنَ ٱللَّهِ سَبَقَ لَمَسَّكُمۡ فِيمَآ أَخَذۡتُمۡ عَذَابٌ عَظِيمٞ ٦٨ ﴾

“Агар Аллоҳнинг (тақдирда хатони кечириши тўғрисидаги) **битиги бўлмаганида, албатта, сизларга олган** (товон)**ларингиз учун улкан азоб етган бўлур эди”**[336]**.**

2. Ҳижоб тўғрисида айтган гапи Қуръон оятлари билан тасдиқланган. Умар розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларига ёпинчиққа ўранишларини буюрган эди. Шунда Зайнаб розияллоҳу анҳо: “Эй Хаттобнинг ўғли, бизнинг уйимизга ваҳий тушиб турган бўлса-ю, сен бизга буйруқ қиласанми”, – деди. Кўп ўтмай қуйидаги оятлар нозил бўлди:

﴿ وَإِذَا سَأَلۡتُمُوهُنَّ مَتَٰعٗا فَسۡـَٔلُوهُنَّ مِن وَرَآءِ حِجَابٖ ﴾

“Қачонки, сизлар улардан (пайғамбар аёлларидан) **бирор нарса сўрасангиз, парда ортидан сўрангиз!”**[337]**.**

3. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у ҳақида шундай дуо қилганлар: **“Эй Аллоҳим, Исломни Умар билан қувватлагин”.**

4. Абу Бакр розияллоҳу анҳу тўғрисидаги фикри билан. Бу зот Абу Бакр розияллоҳу анҳуга биринчи бўлиб байъат қилиб катта фитнанинг олдини олган эди”.

Умар розияллоҳу анҳунинг халифаликка сайланиши Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг ёзма равишдаги васиятига биноан бўлган. Тарихда “Умари одил” дея ном қолдирган бу зот милодий 644 йилда намоз ўқиб турган

---

[336] Анфол сураси, 68-оят.
[337] Аҳзоб сураси, 53-оят.

пайтида мажусий қул Абу Луълуъанинг суиқасди туфайли қаттиқ яраланган ва ўша куни кечқурун вафот этган. Ёши олтмиш учда бўлган. Васиятига биноан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуларнинг ёнларига дафн қилинган.

ФАРИШТАЛАР ҲАЁ ҚИЛГАН ИНСОН

37 وَذُو النُّورَينِ حَقًّا كَانَ خَيْرًا مِنَ الْكَرَّارِ فِي صَفِّ الْقِتَالِ

Маънолар таржимаси:

Зуннуройн *(розияллоҳу анҳу),* ***дарҳақиқат, уруш сафларидаги Қайтмас ботир*** *(розияллоҳу анҳу)****дан афзалроқ бўлган.***

Назмий баёни:

Албатта, Зуннуройн аълороқ бўлган,
Уруш сафларида қайтмас Ботирдан.

Луғатлар изоҳи:

ذُو النُّورَينِ – мубтадо.

حَقًّا – маҳзуф феълнинг мафъули мутлақи. Тақдирида أَحُقُّ феъли бор.

كَانَ – хабар.

خَيْرًا –ноқис фелнинг хабари. Бу калима, аслида, اَخْيَرُ исми тафзилнинг ҳамзаси ҳазф қилинган шаклидир.

مِنْ – “таълилия” (изоҳлаш) маъносида келган жор ҳарфи.

الْكَرَّارِ – жор мажрур كَانَ га мутааллиқ. Луғавий жиҳатдан жанг майдонида ўта ҳужумкор маъносига тўғри келади.

فِي – зарфият маъносида келган жор ҳарфи.

صَفِّ – саф деганда тўғри чизиқда теккис туриш тушунилади.

الْقِتَالِ – луғатда “жанг”, “кураш” маъноларини англатади.

Матн шарҳи:

Усмон розияллоҳу анҳунинг насаби қуйидагича бўлган: Усмон ибн Аффон ибн Абил Ос ибн Умайя ибн Абдушшамс ибн Абдуманноф. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан насаблари Абдуманнофда бирлашади. Милодий 576 йилда Тоифда туғилган. Куняси аввал Абу Абдуллоҳ, у вафот этгач, Абу Амр бўлган. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг иккита қизлари аввал Руқайя, у вафот этгач Умму Кулсумга уйланган. Шунинг учун ҳам у зот “Зуннурайн” (*икки нур эгаси*) деб аталган. Ривоят қилинишича, “Одам алайҳиссалом замонидан то

қиёматгача бирор пайғамбарнинг икки қизига Усмон ибн Аффондан бошқа уйланган киши йўқдир”[338].

Усмон розияллоҳу анҳунинг оилалари

1. **Руқайя бинти Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам.** Бу аёлидан Абдуллоҳ[339] исмли фарзанди туғилган.
2. **Умму Кулсум бинти Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам.** Бу аёлидан фарзанди бўлмаган.
3. **Фохита бинти Ғозвон.** Бу аёлидан Абдуллоҳ (кичиги) исмли ўғли туғилган.
4. **Умму Амр бинти Жундаб.** Бу аёлидан Амр, Холид, Убон, Умар, ва Марям исмли фарзандлари туғилган.
5. **Фотима бинти Валид.** Бу аёлидан Валид, Саид ва Умму Саид исмли фарзандлари туғилган.
6. **Умму Банийн бинти Уяйна ибн Ҳисн.** Бу аёлидан Абдулмалик исмли ўғли туғилган.
7. **Рамла бинти Шайба.** Бу аёлидан Оиша, Умму Убон ва Умму Амр исмли фарзандлари туғилган.
8. **Ноила бинти Фарофиса.** Бу аёлидан Марям исмли қизи туғилган.
9. **Умму валад чўрилари.** Бу чўрисидан Уммул Банийн исмли қизи туғилган.

Албатта юқорида баён қилинганидек ушбу аёлларнинг тўрттадан кўпи битта никоҳда жамланмаган.

Усмон розияллоҳу анҳунинг фазллари

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Усмон розияллоҳу анҳу ҳақларида ҳамма ҳавас қиладиган жуда кўплаб мақтовларни айтганлар:

– **“ Эй Аллоҳим, мен Усмондан рози бўлдим, Сен ҳам ундан рози бўлгин”;**
– **“ Усмон менинг жаннатдаги ўртоғимдир”;**
– **“Усмон дунёда ҳам, охиратда ҳам мен билан биргадир”;**
– **“Усмон умматимнинг энг ҳаёлироғи ва энг икромлироғидир”;**
– **“Усмон ҳаёлидир, ундан фаришталар ҳам ҳаё қиладилар”.**

“Бир куни Усмон розияллоҳу анҳу ва Абу Убайда ибн Жарроҳ розияллоҳу анҳулар тортишиб қолишди. Шунда Абу Убайда: “Эй Усмон, сен менга қарши гапиряпсан, лекин мен сендан уч хислатда афзалман”, – деди. Усмон: “Улар нима экан”, – деди. Абу Убайда: “Биринчиси, мен байъат кунида ҳозир эдим, сен йўқ эдинг, иккинчиси, мен Бадрда қатнашганман, сен қатнашмагансан, учинчиси, мен Уҳуд кунида собит турганлардан эдим, сен собит турмагансан”,

---

[338] Мулла Али Қори. Шарҳу Фиқҳил акбар. Байрут: “Дорул кутубил илмия”, Али Муҳаммад Дандал таҳқиқи. – Б. 112.
[339] Усмон розияллоҳу анҳунинг 9 ўғил, 7 қиз, жами 16 фарзандлари бўлган, иккита ўғилларининг исми Абдуллоҳ бўлган.

–деди. Усмон: “Тўғри айтдинг, ҳақиқатда шундай бўлган, аммо байъат кунида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени бир иш билан жўнатган эдилар. Байъат вақтида қўлларини менинг номимдан узатиб: “Бу Усмон ибн Аффоннинг қўлидир”, – деганлар. У зотнинг муборак қўллари эса, албатта, менинг қўлимдан яхшидир. Бадр кунида эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени Мадинага ўринбосар қилиб қолдирган эдилар. Мен қарши чиқиб, у зот тайинлаган жойни ташлаб кетолмасдим. У зотнинг қизлари Руқайя касал бўлиб ётганди, мен у вафот этгунга қадар хизматида бўлдим, вафот этганидан сўнг уни дафн этдим. Уҳуд кунида қочганимга келсак, Аллоҳ таоло бу иш тўғрисида мени афв қилган ва қилган ишимни шайтонга тааллуқли эканини айтган:

﴿ إِنَّ ٱلَّذِينَ تَوَلَّوْا۟ مِنكُمْ يَوْمَ ٱلْتَقَى ٱلْجَمْعَانِ إِنَّمَا ٱسْتَزَلَّهُمُ ٱلشَّيْطَٰنُ بِبَعْضِ مَا كَسَبُوا۟ ۖ وَلَقَدْ عَفَا ٱللَّهُ عَنْهُمْ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ حَلِيمٌ ﴿١٥٥﴾ ﴾

“Икки (ҳарбий) **бўлинма тўқнашган кунда орангиздан баъзи қилмишлари билан** (тайин этилган жойдан) **юз ўгириб кетганларни шайтон янглиштирган эди. Аллоҳ уларни афв этди ҳам. Зеро, Аллоҳ кечирувчан ва ҳалим зотдир”**[340]**.**

Усмон тортишувда енгиб чиқди”[341].

Усмон розияллоҳу анҳу ниҳоятда фаросатли киши бўлган. Бир куни у зотнинг ҳузурига бир киши кирди. Шунда Усмон розияллоҳу анҳу: “Сизлардан бирингиз кўзларидаги зино асари билан кириб келмоқда”, – деди. Ҳалиги киши ҳайрат билан: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин ҳам ваҳий борми”, – дея ғалати ҳолатга тушиб қолди. Усмон розияллоҳу анҳу: “Йўқ, лекин содиқ фаросат бор”, – деди.

Халифа Умар ибн Хаттоб вафотидан сўнг мусулмонларнинг ўзаро иттифоқлари билан у зот 644 йилда 69 ёшида халифа этиб сайланган.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу милодий 656 йилда, 82 ёшида фитначилар томонидан шаҳид қилинган ва Бақиъ қабристонига дафн этилган.

---

[340] Оли Имрон сураси, 155-оят.

[341] Муҳаммад Ризо. Мавсуату хулафои рошидин. Байрут: “Мактабатул Асрия”, 2006. – Б. 28.

ҲАВАС ҚИЛИНАДИГАН ИНСОН

38 وَلِلْكَرَّارِ فَضْلٌ بَعْدَ هَذَا عَلَى الأَغْيَارِ طُرًّا لاَ تُبَالِ

Маънолар таржимаси:

Шундан сўнг Қайтмас ботир *(розияллоҳу анҳу)****нинг қолган жамики барчалардан афзаллиги бор*** *(шу сўзни маҳкам ушлагин ва бундан бошқа сўзларга)* ***эътибор бермагин.***

Назмий баёни:

Шундан сўнг Ботирга афзал кўрилиш,
Қолган барчалардан тортма ҳеч ташвиш.

Луғатлар изоҳи:

لِ – “шибҳи мулк” (мулк кўринишидаги) маъносида келган жор ҳарфи.

كَرَّارِ – жор ва мажрур мубтадосидан олдин келтирилган хабар.

فَضْلٌ – хабаридан кейин келтирилган мубтадо. Луғатда “зиёдалик” маъносига тўғри келади.

بَعْدَ – зарфликка кўра насб бўлиб турибди.

هَذَا – исми ишора ذَا нинг олдидан танбеҳ هَ келган. Оқил ва ғойри оқил муфрад музаккарга нисбатан ишлатилади.

عَلَى – “истиъло” (устун бўлиш) маъносидаги жор ҳарфи.

الأَغْيَارِ – жор мажрур فَضْلٌ га мутааллиқ.

طُرًّا – тамйиз. Луғатда “жамики” маъносини англатади.

لاَ – наҳий ҳарфи.

تُبَالِ – “аҳамият бериш” маъносидаги مُبَالاَةً масдаридан олинган феъл. بَالٌ луғатда “қалб” маъносини англатади. Шунга кўра لَا تُبَالِ сўзидан “қалбингни машғул қилма” маъноси тушунилади.

Матн шарҳи:

Ўший раҳматуллоҳи алайҳнинг “шундан сўнг” деган сўзларига икки хил маъно берса бўлади:

1. Абу Бакр, Умар ва Усмон розияллоҳу анҳумлардан кейин энг афзал кўриладиган инсон Али розияллоҳу анҳудир;

2. Усмон розияллоҳу анҳудан кейин энг афзал кўриладиган инсон Али розияллоҳу анҳудир.

Ушбу байтда Али розияллоҳу анҳуни юқоридаги уччалаларидан ҳам ортиқ ҳисоблайдиган тоифаларга ҳам, фақат Усмон розияллоҳу анҳудан ортиқ ҳисоблайдиганларга ҳам, иккалаларини бир-бирларидан ортиқ кўрмайдиган тарафларга ҳам раддия бордир. Яъни шижоати билан ажралиб турган Али розияллоҳу анҳу юқоридагиларидан кейин барча валийларнинг улуғидир.

Али розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари Абу Толибнинг ўғли бўлиб, милодий 600 ёки 603 йилда Макка шаҳрида туғилган.

Али розияллоҳу анҳунинг насаби қуйидагича бўлган: Али ибн Абу Толиб ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим.

Али розияллоҳу анҳунинг оилалари

1. “**Фотима бинти Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам.** Фотима розияллоҳу анҳодан: Ҳасан, Ҳусайн, Зайнаб (каттаси), Умму Кулсум (каттаси) исмли фарзандлари туғилган. Фотима розияллоҳу анҳо ҳаётлик пайтида бошқа бирорта ҳам аёлга уйланмаган.

2. Ховла бинти Жаъфар ибн Қойс. Бу аёлидан Муҳаммад (каттаси) исмли ўғли туғилган.

3. Лайло бинти Масъуд ибн Холид. Бу аёлидан Убайдуллоҳ ва Абу Бакр исмли ўғиллари туғилган.

4. Уммул Банийн бинти Ҳизом ибн Холид. Бу аёлидан Аббос, Усмон, Жаъфар ва Абдуллоҳ исмли ўғиллари туғилган.

5. Умму валад чўрилари. Бу чўриларидан Муҳаммад (кичкинаси) исмли ўғли туғилган.

6. Асмо бинти Умайс. Бу аёлидан Яҳё ва Авн исмли ўғиллари туғилган.

7. Саҳбо Умму Ҳабиб бинти Робиъа. Бу аёлидан Умар ва Руқойя исмли фарзандлари туғилган.

8. Умома бинти Абул Ос ибн Робиъ. Умома Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Зайнаб розияллоҳу анҳонинг қизи бўлган. Бу аёлларидан Муҳаммад (ўртанчаси) исмли ўғиллари туғилган.

9. Умму Саъийд бинти Урва. Бу аёлларидан Уммул Ҳасан ва Рамла исмли қизлари туғилган.

10. Муҳайё бинти Имруул Қойс. Бу аёлидан Умму Ҳоний, Маймуна, Зайнаб (кичкинаси), Рамла (кичкинаси), Умму Кулсум (кичкинаси), Фотима, Умома, Хадийжа, Уммул Киром, Умму Салама, Умму Жаъфар, Жумона, Нафиса ва яна битта қизлари бўлган”[342]. Эҳтимол, ушбу қизлари ҳали ном қўйилмасдан вафот этган.

---

[342] Ибн Саъд “Тобақот”да “Али ибн Аби Толибнинг ўн тўртта ўғил ва ўн тўққизта қиз фарзандлари бўлган” дея келтирган. Қаранг: Муҳаммад Ризо. Мавсуъату хулафаи рошидин. Байрут: “Мактабатул Асрия”, 2006. – Б. 12.

Албатта, юқорида баён қилинганидек ушбу аёлларнинг тўрттадан кўпи битта никоҳда жамланмаган.

Али розияллоҳу анҳу Бадр, Уҳуд, Хандақ, Байъатур Ризвон каби барча воқеаларда иштирок этганлар. Фақатгина Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўринбосар қилиб кетганлари сабабли Табук ғазотида иштирок эта олмаган.

Али розияллоҳу анҳунинг фазллари

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Али розияллоҳу анҳу ҳақларида ҳамманинг ҳаваси келадиган жуда кўплаб мақтовларни айтганлар:

– **“Сен дунёда ҳам, охиратда ҳам менинг биродаримсан”;**

– **“Ким Алига азият берса, менга азият берибди”;**

– **“Ким Алини яхши кўрса, мени яхши кўрибди, ким мени яхши кўрса, Аллоҳни яхши кўрибди, ким Алини ёмон кўрса, мени ёмон кўрибди, ким мени ёмон кўрса, Аллоҳни ёмон кўрибди”;**

– **“Али Қуръон билан, Қуръон Али биландир, иккалалари то Ҳавзга келгунларича бир-бирларидан ажрамайдилар”;**

– **“Алининг мусулмонлар зиммасидаги ҳаққи отанинг боласидаги ҳаққи кабидир”.**

Усмон розияллоҳу анҳунинг вафотидан сўнг милодий 656 йилда 53 ёшида кўпчилик мусулмонларнинг иттифоқи билан халифа этиб сайланган. Халифалигининг бешинчи йилида милодий 661 йилнинг 19 январ куни фитначи Абдураҳмон ибн Мулжим суиқасди туфайли масжидда қаттиқ жароҳатланган ва икки кун ўтгач, шамсий ҳисоб билан 59 ёшида вафот этган.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга саҳоба бўлишдек бахтга мушарраф бўлган инсонларнинг барчасига Аллоҳ таолонинг розилиги бўлсин, уларни яхши кўришни бурчимиз деб биламиз[343].

---

[343] Иброҳим Лаққоний раҳматуллоҳи алайҳ: “ Салафи солиҳ сўзи мутлақ ишлатилса саҳобалар тушунилади”,- деган.
Шунингдек салафи солиҳлар сўзидан тўрттала мужтаҳид имомлар, Авзоъий, Мужоҳид, Суфён Саврий, Суфён ибн Уяйна каби уламолар тушилиши мумкин.
Халаф уламолар деганда ҳижрий 3 асрдан кейин яшаб ўтган уламолар тушинилади.
Имом Заҳабий: “Мутақаддим ва мутааххир уламолар орасини ажратувчи чегара учинчи асрнинг бошидир”, - деган.

СИДДИҚА ВА ЗАҲРО РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲУМОЛАР ҲАҚИДА

39 وَلِلصِّدِّيقَةِ الرُّجْحَانُ فَاعْلَمْ عَلَى الزَّهْرَاءِ فِي بَعْضِ الْخِلاَلِ

Маънолар таржимаси:

Сиддиқа *(розияллоҳу анҳо)****нинг Заҳро*** *(розияллоҳу анҳо)****дан баъзи фазилатларда устунлиги борлигини билиб қўйгин.***

Назмий баёни:

Сиддиқада Заҳродан устун тараф бор,
Баъзи хислатларда, қилсанг эътибор.

Луғатлар изоҳи:

لِ – “шибҳи мулк” (мулк кўринишидаги) маъносида келган жор ҳарфи.

الصِّدِّيقَةِ – жор мажрур хабари муқаддам.

الرُّجْحَانُ – хабаридан олдин келган мубтадо.

فَاعْلَمْ – амр феъли. Тақдирий أَنْتَ фоили.

عَلَى – “истиъло” (устун бўлиш) маъносидаги жор ҳарфи.

الزَّهْرَاءِ – жор мажрур الرُّجْحَانُ га мутааллиқ.

فِي – мажозий зарфият маъносида келган жор ҳарфи.

بَعْضِ – бу жор мажрур ҳам الرُّجْحَانُ га мутааллиқ.

الْخِلاَلِ – خَلَّةٌ нинг кўплик шакли бўлиб, “ўзига хос ижобий хусусиятлар” маъносини англатади. خَلَّةٌ ва خَصْلَةٌ ўртасида умум ва хосликда фарқ бор:

خَصْلَة - خِصَالُ – ўзига хос хусусиятлар. Ижобий хусусиятларга ҳам, салбий хусусиятларга ҳам қўлланади.

خَلَّةٌ – خِلاَلُ - ўзига хос хусусиятлар. Фақат ижобий хусусиятларга қўлланади. Шунинг учун Нозим раҳматуллоҳи алайҳ خِلاَلِ ни ишлатган.

Матн шарҳи:

Сиддиқа Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жуфти ҳалоллари Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг қизлари Оиша розияллоҳу анҳодир.

Захро эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Фотима розияллоҳу анҳодир. Ушбу байтда чаҳорёрларнинг қолган барча инсонлардан афзал эканларининг исботи бор. Яъни Оиша розияллоҳу анҳо баъзи хислатларда Фотима розияллоҳу анҳодан афзал бўладиган бўлса, тўрталалари билиттифоқ Оиша розияллоҳу анҳодан афзалдир. Ушбу муҳтарама зотларнинг иккалалари ҳақларида ҳам афзалликларига далолат қиладиган ҳадислар келган. Қуйидаги ҳадиси шарифда Фотима розияллоҳу анҳонинг жаннатий аёлларнинг саййидаси экани очиқ-ойдин баён қилинган:

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ أَقْبَلَتْ فَاطِمَةُ تَمْشِي كَأَنَّ مِشْيَتَهَا مَشْيُ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **مَرْحَبًا بِابْنَتِي** ثُمَّ أَجْلَسَهَا عَنْ يَمِينِهِ أَوْ عَنْ شِمَالِهِ ثُمَّ أَسَرَّ إِلَيْهَا حَدِيثًا فَبَكَتْ فَقُلْتُ لَهَا لِمَ تَبْكِينَ ثُمَّ أَسَرَّ إِلَيْهَا حَدِيثًا فَضَحِكَتْ فَقُلْتُ مَا رَأَيْتُ كَالْيَوْمِ فَرَحًا أَقْرَبَ مِنْ حُزْنٍ فَسَأَلْتُهَا عَمَّا قَالَ فَقَالَتْ مَا كُنْتُ لِأُفْشِيَ سِرَّ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَتَّى قُبِضَ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَسَأَلْتُهَا فَقَالَتْ أَسَرَّ إِلَيَّ **إِنَّ جِبْرِيلَ كَانَ يُعَارِضُنِي الْقُرْآنَ كُلَّ سَنَةٍ مَرَّةً وَإِنَّهُ عَارَضَنِي الْعَامَ مَرَّتَيْنِ وَلاَ أُرَاهُ إِلاَّ حَضَرَ أَجَلِي وَإِنَّكِ أَوَّلُ أَهْلِ بَيْتِي لَحَاقًا بِي** فَبَكَيْتُ فَقَالَ **أَمَا تَرْضَيْنَ أَنْ تَكُونِي سَيِّدَةَ نِسَاءِ أَهْلِ الْجَنَّةِ أَوْ نِسَاءِ الْمُؤْمِنِينَ** فَضَحِكْتُ لِذَلِكَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Фотима юриб кела бошлади. Унинг юриши худди Набий соллаллоҳу алайҳи васалламникидек эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Марҳабо хуш келибсиз қизим”,** – дедилар. Сўнгра уни ўнг томонларига ё чап томонларига ўтирғиздилар. Сўнгра унга бир сўзни шивирлаб айтдилар. У йиғлаб юборди. Мен унга: нега йиғлаяпсиз, – дедим. Сўнгра унга бир сўзни шивирлаб айтган эдилар, у кулди. Шунда мен: “Хурсандликнинг хафаликка бугунги кундаги каби яқинлигини кўрмаганман”, –дедим ва ундан у зотнинг нима деганларини сўрадим. У: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сирларини фош қилувчи эмасман”, – деди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этдилар, сўнгра мен ундан сўрадим. У шундай деди: “У зот шивирлаб: **“Жаброил Қуръонни менга ҳар йили бир марта ўқиб берарди, бу йил икки марта ўқиб берди, буни мен ажалим келгани деб биляпман, уйдагиларимдан биринчи бўлиб орқамдан етиб борадигани сенсан”, -** дедилар, мен йиғлаб юбордим. У зот: **“Жаннат аҳли аёлларининг саййидаси бўлишга рози бўлмайсанми?** ёки **мўминлар аёлларининг саййидаси бўлишга рози бўлмайсанми?”,** – дедилар, мен ўшанга кулдим”. *Бухорий ривоят қилган.*

Ушбу ҳадисда Фотима розияллоҳу анҳонинг жаннат аҳли аёлларининг ёки мўминларнинг аёлларининг саййидаси бўлиши баён қилинган бўлса, қуйидаги ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳонинг бошқа барча аёллардан афзал эканига ишора қилинган:

عَنْ أَبِي مُوسَى الْأَشْعَرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **فَضْلُ عَائِشَةَ عَلَى النِّسَاءِ كَفَضْلِ الثَّرِيدِ عَلَى سَائِرِ الطَّعَامِ كَمُلَ مِنْ الرِّجَالِ كَثِيرٌ وَلَمْ يَكْمُلْ مِنْ النِّسَاءِ إِلَّا مَرْيَمُ بِنْتُ عِمْرَانَ وَآسِيَةُ امْرَأَةُ فِرْعَوْنَ.** رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Оишанинг аёллардан афзаллиги сарийднинг бошқа таомлардан афзаллиги кабидир. Эркаклардан кўпчилиги камолга етган аёллардан эса фақат Имрон қизи Марям ва Фиръавннинг аёли Осиёларгина камолга етган”, -** дедилар”. *Бухорий ривоят қилган.*

Ҳадиси шарифда Оиша розияллоҳу анҳо бошқа аёллардан “сарийд”нинг бошқа таомлардан афзаллиги кабидир, дейилган. “Сарийд” деб аталадиган таом эса ҳозирги кунда бизлардаги “қозон кабоб”га ўхшаган нон билан гўштдан иборат таом бўлган. Нонга қўшиб ейиладиган нарсаларнинг энг улуғи гўшт экани эса бошқа бир ҳадисда келган:

عَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ بُرَيْدَةَ، عَنْ أَبِيهِ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ **سَيِّدُ إِدَامِ الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ اللَّحْمُ وَسَيِّدُ رَيْحَانِ أَهْلِ الْجَنَّةِ الْفَاغِيَةُ.** رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ

Абдуллоҳ ибн Бурайда розияллоҳу анҳумо отасидан ривоят қилади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Дунёю охиратда нонга қўшиб ейиладиган нарсаларнинг улуғи гўштдир, жаннат аҳли райҳонининг улуғи хинадир”, -** дедилар”. *Байҳақий ривоят қилган.*

Оиша розияллоҳу анҳонинг бошқа аёллардан афзаллиги “сарийд”нинг бошқа таомлардан афзаллиги кабидир, деган сўздан у зотнинг дунёю охиратдаги энг афзал аёл эканликлари маъноси келиб чиқади.

Оиша Сиддиқа розияллоҳу анҳонинг баъзи хислатларда Фотима Заҳро розияллоҳу анҳодан афзал деб ҳисобланишига Мулла Али Қори иккита далилни иқтибос қилиб келтирган:

1. Оиша розияллоҳу анҳо ривоятлари ва билимлари кўплиги жиҳатидан афзалдир;

2. Оиша розияллоҳу анҳо охиратда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бўлади, Фотима розияллоҳу анҳо эса Али розияллоҳу анҳу билан бўлади, ана шу жиҳатидан афзалдир.

Сўнгра сўзларида давом этиб: “Аммо бу сўз имом Моликдан нақл қилинган: “Фотима Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир бўлакларидир, у зотнинг бир бўлакларидан ҳеч кимни афзал санамайман”, – деган сўзларига зид эмас. Чунки имом Молик раҳматуллоҳи алайҳ айтган жиҳатлари эътиборидан қаралса, ҳеч ким у зотнинг гапига қарши чиқмайди, – деган. Мазҳаббошимиз Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ “Васият” китобида шундай ёзган: “Оиша розияллоҳу анҳо Хадижаи кубродан сўнг оламдаги барча аёлларнинг саййидаси ва мўминларнинг оналаридир”.

ЯЗИД ИБН МУОВИЯ ҲАҚИДА

40 وَلَمْ يَلْعَنْ يَزِيدًا بَعْدَ مَوْتٍ سِوَى الْمِكْثَارِ فِي الإِغْرَاءِ غَالِي

Маънолар таржимаси:

Язидга ўлимидан кейин гиж-гижлашда қаттиқ мутаассиб, ўта сергап *(кимсалар)****дан бошқалар лаънат айтмаган.***

Назмий баёни:

Язидни вафотидан сўнг лаънатлашмаган,
Мутаассиб сергаплар мустасно бундан.

Луғатлар изоҳи:

لَمْ – нафий, жазм ва қалб[344] ҳарфи.

يَلْعَنْ – музориъ мажзум феъли. Лаънат айтиш луғатда “қарғаш”, “узоқлаштириш” маънолари англатади. Истилоҳда эса икки хил маънода ишлатилади:

- Аллоҳнинг раҳматидан узоқлаштириш. Бу маънода фақат иблис сингари кофирлиги аниқ бўлган кимасаларга нисбатан ишлатилади;
- Яхшилар даражасидан узоқлаштириш. Бу маънода зулм қилган мусулмонларга нисбатан ишлатилади.

يَزِيدًا – мафъул. Бу исм “алам”лик ва “вазни феъл”ликка кўра ғойри мунсориф ҳисобланади. Аммо ушбу ўринда назм заруратига кўра танвинли бўлиб турибди.

بَعْدَ – зарфи замон.

مَوْتٍ – музофун илайҳ. Ўлим деганда ҳаёт сифатидан ажралиш тушунилади. Шунингдек, очлик ҳам “оқ ўлим” деб таърифланган. Чунки уламолар ихтиёрий равишда қоринни оч тутиш “қалб юзи” оқаришига сабаб бўлади, дейишган. Шу маънода ҳикматли сўзда:

مَنْ مَاتَتْ بِطْنَتُهُ حَيِيَتْ فِطْنَتُهُ

“Очофатлиги ўлганнинг донишлиги яшайди”,- дейилган.

سِوَى – истисно маъносини англатувчи исм.

---

[344] لَمْ ҳарфи феълни ҳозирги замондан ўтган замонга айлантиргани учун қалб (айлантириш) ҳарфи ҳам деб номланади.

الْمِكْثَارِ – “ўта кўп гапирувчи” маъносини англатувчи сийғаи муболаға.

فِي – “зарфият” маъносида келган жор ҳарфи.

الإِغْرَاءِ – жор мажрур الْمِكْثَارِ га мутааллиқ.

غَالِي – الْمِكْثَارِ дан бадал. غُلُوٌّ масдаридан олинган исми фоил.

Матн шарҳи:

Язидга лаънат айтиш жоиз эмаслиги ва унга лаънат айтадиганларнинг далилларини ўрганишдан олдин Язиднинг таржимаи ҳоли билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Язиднинг насаби қуйидагича бўлган: Язид ибн Муовия ибн Абу Суфён ибн Сохр ибн Ҳарб ибн Умайя ибн Абдушшамс. Унинг насаби Умайя ибн Абдушшамсда Усмон розияллоҳу анҳу билан бирлашади. Язид йигирма бешинчи, ё йигирма олтинчи, ё йигирма еттинчи ҳижрий санада туғилган. Отасининг ҳаётлик давридаёқ у валиаҳд этиб тайин қилинган. Отаси Муовия розияллоҳу анҳу вафот этганидан сўнг ҳижрий 60 йилнинг ражаб ойида унинг ўрнини эгаллаган. У отаси Муовия розияллоҳу анҳудан :

مَنْ يُرِدِ اللهُ بِهِ خَيْرًا يُفَقِّهْهُ فِي الدِّينِ

“Аллоҳ кимга яхшиликни ирода қилса, уни динда фақиҳ қилиб қўяди”, ҳадисини ривоят қилган.

Тарих китобларида унинг солиҳ киши бўлганига ҳам, ашаддий фосиқ киши бўлганига ҳам далолат қиладиган хилма-хил ривоятлар келган. Бундай ҳолатларда эса доимо яхши тарафини олиш ва яхши гумонда бўлиш аълороқ ҳисобланади. Унинг вафот этаётган пайтда айтган сўзи ҳақида қуйидаги ривоят келган: “Абдурраҳмон ибн Абу Мазъур айтади: “Менга аҳли илмлардан бири гапириб берди, Язид ибн Муовиянинг охирги сўзи ушбу бўлган: “Эй Аллоҳим, мен яхши кўрмаган ва мен ирода қилмаган нарса билан мени айбдор қилмагин. Мен билан Убайдуллоҳ ибн Зиёд орасида ўзинг ҳукм қилгин”[345].

Язид ибн Муовия ҳижрий 64 йилнинг робиъул аввал ойида Дамашқда вафот этган.

Лаънат айтишнинг хатарли экани

Аслида бировга лаънат айтиш деганда, уни Аллоҳнинг раҳматидан узоқ бўлишини тилаш маъноси тушунилади. Мўмин киши бошқа бир мўмин биродарини Аллоҳнинг раҳматидан узоқ бўлишини тилаши оқибати хатарли бўлган ишдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларни бир-бирларига лаънат айтишларидан қайтарганлар:

[345] Ибн Касир. Ал-Бидая ван-Ниҳая, 8-жуз. “Мактабатуш шомила”. – Б. 2235.

عَنْ سَمُرَةَ بْنِ جُنْدُبٍ قَالَ قَالَ رسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **لَا تَلاَعَنُوا بِلَعْنَةِ اللهِ وَلا بِغَضَبِهِ وَلَا بِالنَّارِ.** رواه أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ

Самура ибн Жундуб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Бир-бирларингизга Аллоҳнинг лаънати билан ҳам, Унинг ғазаби билан ҳам, дўзах билан ҳам лаънат айтманглар”,** –дедилар”. *Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.*

Шарҳ: “Бир-бирларингиз билан лаънатлашманглар” деган сўздан “бир-бирларингизнинг исмини айтиб, лаънатламанглар”, маъноси тушунилади. Зеро, лаънат айтиш жоиз бўлган ўринлар ҳам бор:

– Бировни аниқ айтмасдан умумий васф билан, масалан, “кофирларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин”, дейиш мумкин;

– Алоҳида хос васф билан, масалан, “Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлган қавмга Аллоҳнинг лаънати бўлсин”, дейиш мумкин;

– Кофир ҳолида ўлгани аниқ бўлган кимсаларга, масалан, “Фиръавнга, Абу Жаҳлга Аллоҳнинг лаънати бўлсин”, дейиш мумкин.

Ушбулардан кўриниб турибдики, мўмин киши бошқа бир мўмин кишини қилган гуноҳи учун лаънатлаши, яъни уни Аллоҳнинг раҳматидан узоқ бўлишини тилаши жоиз эмас. Аммо баъзи тоифалар Язид ибн Муовияга нисбат берилган айрим ишлар сабабли унга лаънат айтишни жоиз санашган. Аҳли сунна вал-жамоанинг ичидаги баъзи аҳли илмлар ҳам айрим далилларни келтиришиб, шу қарашни қувватлашган. Булардан ташқари, авом одамлар орасида ҳам ушбу гаплар тарқалган. Жумҳур уламолар эса уларга қарши кескин раддиялар ёзишган. Шу каби омиллар бу масаланинг ақида китобларига кириб қолишига сабаб бўлган. Язид ибн Муовияга лаънат айтишни жоиз санайдиганлар қуйидаги сабабларни келтирадилар:

1. Язид золим бўлган, золимларга эса лаънат бўлиши Қуръони каримда келган:

﴿أَلَا لَعۡنَةُ ٱللَّهِ عَلَى ٱلظَّٰلِمِينَ ١٨﴾

“Огоҳ бўлингизки, Аллоҳнинг лаънати золимларга (бўлур)”[346]**.**

2. У Ҳусайн розияллоҳу анҳунинг қатл этилишига сабаб бўлган, шунинг учун унга лаънат айтиш жоиз бўлади.

3. Язиднинг аскарлари Мадина аҳлига хунрезликлар қилишган, бунга йўл қўйиб бергани учун унга лаънат айтилади. Бунга далил:

عَنِ السَّائِبِ بْنِ خَلاَّدٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ **مَنْ أَخَافَ أَهْلَ الْمَدِينَةِ أَخَافَهُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ وَعَلَيْهِ لَعْنَةُ اللَّهِ وَالْمَلاَئِكَةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ لَا يَقْبَلُ اللَّهُ مِنْهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ صَرْفًا وَلَا عَدْلاً.** رَوَاهُ اَحْمَدُ

[346] Ҳуд сураси, 18-оят.

Соиб ибн Холлад розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Ким Мадинада яшовчиларни қўрқитса, албатта буюк Аллоҳ уни қўрқитади, унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча инсонларнинг лаънати бўлади. Аллоҳ қиёмат кунида унинг тавба-тазаррусини ҳам, ростгўйлигини ҳам инобатга олмайди”,** – дедилар”. *Аҳмад ривоят қилган.*

Юқорида келтирилган учта сабабнинг ҳар бирига уламоларимиз батафсил раддиялар билдиришган. Биринчи сабабда кўрсатилган унинг золим бўлганига кўра “**Огоҳ бўлингизки, Аллоҳнинг лаънати золимларга** (бўлур)” маъносидаги оятнинг ҳукмига кириши ҳақидаги даъволарига шундай жавоб берилган: Бу оят умумий маънода бўлиб ким золим бўлса, унга лаънат бўлишини тақозо қилади. Аммо баъзида тавба билан ё қилган гуноҳини ўчирадиган савобли иш билан, ё қилган ишига каффорат бўладиган мусибатга учраш сабабли ё бирор шафоатчининг шафоати билан, энг муҳими меҳрибонларнинг меҳрибони бўлган Зотнинг раҳмати туфайли бу ҳукм кўтарилиши ҳам мумкин. Шундай бўлганидан кейин мазкур оятни далил қилишиб, унга лаънат айтаётганлар, Язид ўша гуноҳидан тавба қилмаганини, Аллоҳга истиғфор айтмаганини қаердан биладилар ёки унинг гуноҳларини ўчирадиган савоблари бўлмаган дея оладилар-ми ёки қилган ишларига каффорат бўладиган мусибатларга учрамаганига гувоҳ бўлмаганлар-ку. Ёки Аллоҳ таоло уни кечириш ё кечирмаслигини аниқ билмайдилар-ку, ваҳоланки, Қуръони каримда шундай хабар берилган:

﴿ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَغۡفِرُ أَن يُشۡرَكَ بِهِۦ وَيَغۡفِرُ مَا دُونَ ذَٰلِكَ لِمَن يَشَآءُ ﴾

“Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтирилишини кечирмас. Ундан бошқани, кимни хоҳласа кечирур”[347].

Шунинг учун агар унга нисбат берилган ишлар аниқ бўлган тақдирда ҳам, Аҳли сунна вал-жамоа мазҳабидаги “агар ҳалол санамаса, гуноҳи кабира мўмин бандани иймондан чиқармайди” ҳукмига кўра у гуноҳкор мўмин бандадир. Гуноҳкор мўмин банданинг кечирилишига шунча эҳтимоллар бўлгандан кейин унга лаънат айтгандан кўра, у тавба қилган дея “ҳусни зон” қилиб, тавбасини меҳрибонларнинг меҳрибони бўлган Зот қабул қилган бўлса ажаб эмас, дейиш афзалдир.

Унга лаънат айтадиганларнинг иккинчи далиллари бўлган “у Ҳусайн розияллоҳу анҳунинг қатл этилишига сабаб бўлган, шунинг учун унга лаънат айтиш жоиз бўлади” деган сўзларига ҳам батафсил жавоблар берилган. Ҳужжатул Ислом имом Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳнинг жавоби жавоблар ичидаги ажойибидир: “*Агар Язидга лаънат айтиш жоизми ? Чунки у Ҳусайн розияллоҳу анҳуни қатл қилган ёки қатл қилишга амр қилган кишидир дейилса, айтамизки: “Бу асло аниқлиги собит бўлган хабар эмас, шунинг учун унга лаънат айтиш у ёқда турсин, у Ҳусайн розияллоҳу анҳуни ўлдирган, ё ўлдиришга амр қилган деб ҳам бўлмайди. Чунки аниқ бўлмасдан туриб,*

[347] Нисо сураси, 116-оят.

мусулмон кишини гуноҳи кабира қилишда айблаб бўлмайди...”. Агар Ҳусайннинг қотилига Аллоҳнинг лаънати бўлсин, ё уни қатл этишга буюрганга Аллоҳнинг лаънати бўлсин деса бўладими? дейилса, айтамизки, “Тўғриси шуки, агар Ҳусайннинг қотили тавба қилмасдан ўлган бўлса, унга Аллоҳнинг лаънати бўлсин дейиш жоиз бўлади, чунки унинг тавба қилгандан сўнг вафот этган бўлиши эҳтимоли бўлади. Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари Ҳамза розияллоҳу анҳуни Ваҳший кофир ҳолида қатл қилган эди, сўнгра у куфрдан тавба қилди, қатл гуноҳи кабира, аммо куфр даражасига етмайди, шунга кўра ҳамиша ҳам бу гуноҳ соҳибига лаънат айтиш жоиз бўлавермайди. Тавба билан қайд этилмаган пайтда ҳам бу гуноҳ соҳибига лаънат айтишда хатар бордир, сукут қилишда эса хатар йўқ, шунинг учун сукут қилиш авлодир”[348].

Язидга лаънат айтишни жоиз ҳисоблаганларнинг учинчи далиллари “Язиднинг аскарлари Мадина аҳлига қанчалар хунрезликлар қилишган, унинг бунга йўл қўйиб берганлиги сабабли унга лаънат айтилади”, деган сўзларидир. Муҳаққиқ уламолар бу даъволарини ҳам батафсил ўрганиб чиққанлар ҳамда қатъи ва собит йўллардан ривоят қилинмаганини ва бирортаси ҳам қабул қилишга яроқли ривоятлар эмаслигини исботлаганлар. Модомики, унга нисбат берилган ишлар исбот этилмай шубҳа остида қолдими, шубҳали далиллар билан мўмин кишига гуноҳи кабира нисбат берилмайди, – дейишган.

Хулоса қилиб айтганда, Аҳли сунна вал-жамоанинг жумҳури Язид ибн Муовияга лаънат айтишни жоиз санамаган. Унинг иши ҳақида ҳаддан ташқари гапни кўпайтирадиган хавориж ва баъзи мўътазилий каби фирқаларгина унга лаънат айтишган.

[348] Абу Ҳомид Ғаззолий. Иҳё улумид-дин, 3-жузи. “Мактабатуш шомила”. –Б 125.

МУҚАЛЛИД ИЙМОНИНИНГ ЭЪТИБОРЛИ ЭКАНИ

41 وَإِيْمَانُ الْمُقَلِّدِ ذُو اعْتِبَارٍ بِأَنْوَاعِ الدَّلاَئِلِ كَالنِّصَالِ

Маънолар таржимаси:

Муқаллиднинг иймони қиличнинг темиридек *(ёрқин)* ***далилларнинг навлари билан эътиборлидир.***

Назмий баёни:

Муқаллид иймонига бордир эътибор,
Қилич каби ёрқин далиллар бисёр.

Луғатлар изоҳи:

إِيْمَانُ – мубтадо ва музоф. Луғатда икки хил маънони англатади:

1. Ишонч;
2. Омонлик бериш.

الْمُقَلِّدِ – муқаллид луғатда “тақиб қўювчи”, “осиб қўювчи” каби маъноларни англатади. Истилоҳда эса “Маъсум зот соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўзганинг сўзини далилсиз қабул қилиб олувчи киши муқаллид дейилади”.

ذُو – хабар бўлгани учун و ҳарфи билан эъробланиб турибди.

اعْتِبَارٍ – музофун илайҳ.

بِ – “сабабия” маъносида келган жор ҳарфи.

أَنْوَاعِ –бу калима نَوْعٍ нинг кўплик шаклидир. Нав жинсдан хос бўлиб ҳақиқати бир хил нарсаларга нисбатан ишлатилади. Жинс эса ҳақиқати ҳар хил нарсаларга нисбатан ишлатилади. Масалан, ҳайвон жинс, инсон навдир. Шунга кўра, бу калима “ҳақиқатлари бир хил бўлган далиллар билан” деган маънони англатади.

الدَّلاَئِلِ – музофун илайҳ. Далил луғатда “белги”, “исбот” маъноларини англатади. Истилоҳда: “Уни билиш сабабли бошқа нарса ҳақида илм ҳосил бўладиган нарса далил дейилади”.

كَ – “ташбеҳ” (ўхшатиш) маъносидаги жор ҳарфи.

النِّصَالِ– نَصْلٌ нинг кўплик шакли бўлиб, қилич, найза ва пичоқ каби нарсалар ясаладиган мустаҳкам металлга нисбатан ишлатилади. Яъни қиличнинг мустаҳкам темири одатда ярқираб кўзга ташланиб турганидек муқаллид

ииймонининг мўътабарлиги ҳақидаги далил ҳам мустаҳкам ва ёрқин далил ҳисобланади.

Матн шарҳи:

Кимгадир бирор нарсани тақиш ёки нимагадир бирор нарсани осиб қўйишга нисбатан قَلَّدَ феъли ишлатилади. Шу маънода муқаллид (тақлид қилувчи) муқолладнинг (тақлид қилинганнинг) сўзини гўё ўзининг бўйнига тақиб олаётгандек бўлгани учун унга муқаллид дейилади. Шу маънода маъсум зот соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўзганинг сўзини далилсиз қабул қилиб олиш тақлид, дейилади. Яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ақидада, амалда ва умуман барча ишларда эргашиш тақлид бўлмайди. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларига далил сўралмайди, балки у зотнинг сўзлари, қилган ишлари ва “тақрир” (бирор ишни қарор топтириш)лари мусулмон киши қабул қилиши шарт бўлган далил ҳужжат ҳисобланади. Зеро, у зотга итоат қилиш Аллоҳга итоат қилиш бўлади.

Демак, умрида Ислом ҳақида умуман эшитмаган кимсанинг олдида Аллоҳ таолога иймон келтириш лозимлиги айтилиб, шаҳодат калимаси ўргатилса, у ҳам айтувчига тақлид қилиб бу калимани қайтарса, шу айтганларининг ўзи билан мўмин ҳисобланадими ёки ҳисобланмайдими? Матнда мана шу саволга жавоб берилди.

Шунга кўра муқаллид деганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бошқа кишининг сўзини далилсиз қабул қилувчи киши тушунилишига иттифоқ қилинган. Аммо далилсиз қабул қилувчи деганда ким тушунилиши тўғрисида икки хил қараш айтилган:

1. Одамлардан узоқ олис тоғ чўққиларида яшовчи билан одамлар орасида яшовчи орасида фарқ йўқ, барча инсонлар муқаллид бўлишлари мумкин;

2. Одамлардан узоқ олис тоғ чўққиларида яшовчи иймону Ислом ҳақида умуман эшитмаган кишигина муқаллид бўлади. Одамлар орасида яшовчилар эса барчалари фикр юритувчи ва далил изловчи кишилар бўлади.

Мана шу иккинчи қараш Имом Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳнинг мазҳаби ҳисобланади.

Муқаллидларни ҳам уламолар икки қисмга ажратганлар:

1. Ўзганинг сўзини қабул қилиб, бу сўзда қатъи турувчи. Яъни унга бу гапни айтган киши ўша гапидан қайтса ҳам, қайтмасдан тура оладиган киши;

2. Ўзганинг сўзини қабул қилган, аммо бу сўзда қатъи жазм қилмаган киши. Яъни унга бу гапни айтган киши ўша гапидан қайтса, бу ҳам, албатта, қайтадиган киши.

Муқаллиднинг иймони эътиборли экани ҳақидаги баҳс биринчи қисмга тегишлидир. Иккинчи қисмнинг эса иймони эътиборли эмаслиги билиттифоқдир. Чунки шак ва тараддуд асло иймон ҳисобланмайди.

Муқаллиднинг иймонини эътиборсиз ҳисоблайдиганлар қуйидаги маънодаги сўзларни айтадилар: Диннинг асосида тақлид қилиш жоиз бўлмайди.

Чунки бизлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашишга буюрилганмиз, у зот эса диннинг асосини билишга буюрилганлар:

﴿ فَٱعۡلَمۡ أَنَّهُۥ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا ٱللَّهُ ﴾

“Бас, (эй Муҳаммад!) **Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ эканини билинг”**[349].

Ҳар бир мўмин банда диннинг асоси бўлган эътиқод масалаларини билиши лозим. Эътиқод масалаларида ихтилоф кам бўлгани эътиборидан уларнинг асосийларини билиб олиш қийин ҳам эмас. Қолаверса, ҳар бир соғлом табиатли кишининг табиий сезгисида ҳам бу нарса мавжуд. Бунга қуйидаги ривоят далил бўла олади: “Бир аробий кишидан Аллоҳ таолонинг борлигига далил сўралди. Шунда у: “Бир дона қил катта туяга далолат қилади, қайси бир тезак эшакларга далолат қилади, қадамларнинг излари ўша ердан ўтган кимсага далолат қилади, шундай экан, юлдузларга тўла осмон, далаю яйловларга тўла ер, тўлқинланиб турувчи денгизлар барча нарсаларни Билгувчи, ҳамма нарсага қодир Зотга далолат қилмайдими”, – дея жавоб берди”[350].

Муқаллид иймонининг эътибори йўқ дейдиганлар ушбу каби далилларни келтиришиб, модомики, тақлид қилувчи Аллоҳни танимас экан, У ҳақида тафаккур қилмас экан, иймони эътиборли ҳисобланмайди, дейдилар.

Муқаллиднинг иймони эътиборлидир, дейдиганлар кўплаб ҳам ақлий, ҳам нақлий далилларни келтирганлар. Хулосалари шуки, иймон бу мутлақо “рост деб билиш”, “тасдиқ қилиш” каби маъноларни англатади, шу маънода бировга бир хабар берилса-ю, у ўша хабарни қабул қилса, шу хабар тўғрисида унинг мутлақо билими бўлмаса-да, “рост деб билди”, “тасдиқлади” дейилади-ку. Ана шу маънода бир кишига иймонни юзага чиқарувчи калима айтилган пайтда уни тасдиқласа, у мўмин бандага айланади ва Аллоҳ таолонинг мўмин бандаларига ваъда қилган нарсаларига ҳақдор бўлиб қолади. Яъни билиш билан тасдиқлаш бошқа-бошқа нарсалардир. Масалан, аҳли китоблар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни, аслида, ўз болаларидан ҳам кўра яхшироқ таниганлари, лекин у зотни тасдиқламаганлари Қуръони каримда баён қилинган:

﴿ ٱلَّذِينَ ءَاتَيۡنَٰهُمُ ٱلۡكِتَٰبَ يَعۡرِفُونَهُۥ كَمَا يَعۡرِفُونَ أَبۡنَآءَهُمۡۖ ١٤٦ ﴾

“Биз китоб берган ўша (золим кимса)**лар уни** (Муҳаммадни) **худди ўз фарзандларини танигандек танийдилар”** [351].

Шу маънода биров шаҳодат калимасини айтса, агар олам ва унинг Буюк Яратувчиси тўғрисида мутлақо тафаккур қилиб кўрмаган бўлса-да, унинг иймони эътиборли ҳисобланади. Зеро, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ёлғиз шаҳодат калимасини айтган аробийларни ҳам мўминликка ҳукм қилганлар. Бу эса уларнинг иймонлари зоҳиран эътиборга олинишига ва қалбларининг қандай экани Аллоҳга ҳавола қилинишига далолат қилади.

---

[349] Муҳаммад сураси, 19-оят.

[350] Абу Ҳафс Сирожиддин Умар ибн Исҳоқ Ғазнавий. Шарҳу ақидати имом Таҳовий. – Қоҳира: “Даротул Кураз”, 2009. – Б. 43.

[351] Бақара сураси, 146-оят.

АҚЛИ БОР КИШИНИНГ АЛЛОҲНИ ТАНИШИ ЛОЗИМЛИГИ

42 وَمَا عُذْرٌ لِذِي عَقْلٍ بِجَهْلٍ بِخَلاَّقِ الأَسَافِلِ وَالأَعَالِي

Маънолар таржимаси:

Ақл эгасига пастликлару баландликлар яратувчисини билмаслик узр эмасдир.

Назмий баёни:

Оқил банда асло узрли бўлмас,
Гар у еру осмон Холиқин билмас.

Луғатлар изоҳи:

مَا – нафий ҳарфи, لَيْسَ нинг амалини қилади.

عُذْرٌ –нафий ҳарфининг исми. Узр калимаси луғатда “кечирим сўраш” маъносини англатади. Истилоҳда “ўзини оқлаш учун келтириладиган ҳужжат узр деб аталади”.

لِ – “шибҳи мулк” маъносида келган жор ҳарфи.

ذِي – “соҳиб” маъносини англатувчи “асмои ситта”дан бири. Жор мажрур مَا нинг хабари бўлгани эътиборидан насб ўрнида турибди.

عَقْلٍ – ақл луғатда “тутиб туриш” маъносига тўғри келади. Яъни тўғри йўлдан оғиб кетишдан тутиб туриш учун яратилган нафсдаги қувват ақл деб аталади. Ақл икки хил бўлади:

1. Зарурий. Банданинг ихтиёрисиз ҳосил бўладиган ақл зарурий ақл дейилади;
2. Иктисобий. Ихтиёрий равишда тафаккур қилиш орқали ҳосил бўладиган ақл иктисобий ақл дейилади.

بِجَهْلٍ – жор мажрур عُذْرٌ га мутааллиқ. Жоҳиллик луғатда “нодонлик”, “бехабарлик” маъноларига тўғри келади. Истилоҳда эса “бирор нарса ҳақида унинг тескарисига кўра эътиқод қилиш жоҳиллик дейилади”.

Жоҳиллик икки турга ажратилган:

1. Жаҳли басийт – билиш керак бўлган нарсадан бехабарлик;
2. Жаҳли мараккаб – воқеликка тўғри келмайдиган нарса ҳақида қатъи эътиқодда бўлиш.

بِخَلَّاقِ – жор мажрур جَهْلٍ га мутааллиқ. Маънони кучайтириб баён қилиш мақсадида “сийғаи муболаға”[352] шаклида келтирилган.

الأَسَافِلِ – музофун илайҳ. سَافِل нинг кўплик шакли.

الأَعَالِي – عَالِي нинг кўплик шакли. الأَسَافِلِ га атф қилинган.

Матн шарҳи:

Ҳар бир ақл-ҳуши жойида бўлган инсоннинг осмонлару ерни яратган Аллоҳ таолони билмасдан дунёдан ўтиб кетиши унинг қиёмат кунида сўралмаслигига узр бўла олмайди.

Ақл инсонга берилган энг улуғ неъматдир. Зеро, Аллоҳ таоло фаришталарга ақлни бериб, шаҳватни бермаган. Ҳайвонларга эса шаҳватни бериб, ақлни бермаган. Одам болаларига эса ҳам ақлни, ҳам шаҳватни берган. Шунга кўра қайси инсоннинг ақли шаҳватидан устун бўлса, у инсон фаришталар мартабасида, балки улардан ҳам юқорироқ мартабада бўлади, кимнинг шаҳвати ақлидан устун бўлса, у инсон ҳайвонлар қаторида, балки улардан-да пастроқ даражада бўлади.

Аллоҳ таолони таниб, Унга иймон келтириш ҳар бир ақл эгасига вожибдир. Бу тўғрида ҳеч қандай бир-бирларидан фарқли қарашлар йўқ. Аммо Аллоҳ таолони таниш Унинг хабарларини эшитгандан кейин вожиб бўладими, ё эшитмаса ҳам инсон ўз ақли билан Уни таниши вожиб бўладими ? Ана шу тўғрисида Ашъарий ва Мотуридий мазҳаблари орасида бир-бирларидан фарқли қарашлар бор. Ушбу фарқли қарашларнинг умумий хулосаси қуйдагилардир: Ашъарий мазҳабида: “Аллоҳ таолони таниш Унинг хабарларини эшитиш далолати билан вожиб бўлади”, - дейилган.

Мотуридий мазҳабида эса: “Аллоҳ таолони таниш ақл далолати билан вожиб бўлади”, - дейилган.

Бундай бир-бирларидан фарқли ўринларда, табиийки, ҳар бирларининг ўзларига яраша далил-ҳужжатлари бор. Ашърий мазҳабининг далиллари:

﴿ رُّسُلًا مُّبَشِّرِينَ وَمُنذِرِينَ لِئَلَّا يَكُونَ لِلنَّاسِ عَلَى ٱللَّهِ حُجَّةٌۢ بَعۡدَ ٱلرُّسُلِۚ ﴾

“Пайғамбарлар (келган)**дан кейин одамларда Аллоҳга қарши ҳужжат бўлмасин деб пайғамбарларни хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб** (юбордик)**”[353].**

---

[352] Маънони муболаға билан ёки кучайтириб баён қилиш мақсадида исми фоил сийғаси (шакли) бешта самоъий (эшитиш орқали собит бўлган) сийғага ўзгартирилади:

1. فَعَّالٌ – مَنَّاعٌ – ўта ман қилувчи;
2. مِفْعَالٌ – مِهْذَارٌ – ўта кўп гапирувчи;
3. فَعُولٌ – غَفُورٌ – ўта кечиримли;
4. فَعِيلٌ – عَلِيمٌ – ўта билувчи;
5. فَعِلٌ – حَذِرٌ – ўта эҳтиёткор.

Ушбу сийғалар исми фоилнинг кучайтирилган маъносига далолат қилади. Шунинг учун ҳам ушбу сийғалар “сийғаи муболаға” деб номланади.

Яъни агар ақл одамларга зиммаларидаги бурчларни адо этиш учун ҳужжат бўлганида, Аллоҳ таоло уларга пайғамбарларни юбордик деб эмас, уларга ақлни яратдик деб баён қилган бўлар эди. Бошқа бир оятда токи пайғамбар юборилмас экан, уларга азоб келмаслиги хабар берилган:

﴿وَمَا كُنَّا مُعَذِّبِينَ حَتَّىٰ نَبْعَثَ رَسُولًا ١٥﴾

“То пайғамбар юбормагунимизча (бирор кимсани) **азобловчи бўлмадик”**[354]**.**

Яъни агар Аллоҳ таолони таниш ақл далолати билан вожиб бўлганда уларни пайғамбар юбормасдан ҳам бурчларини адо этмаганлари учун азоблаган бўлар эди. Ушбу далиллардан Аллоҳ таолони таниш Унинг хабарларини эшитиш далолати билан вожиб бўлиши кўриниб турибди.

Мотуридий мазҳабининг далиллари: Қуръони каримда осмонлару ерда, қуёш, ой, юлдузлар, тоғу тошлар, дарахтлар ва булардан бошқа қанчадан-қанча буюк Яратувчига ва қудратининг чексизлигига далолат қиладиган аломатлар борлиги баён қилинган:

﴿وَكَأَيِّن مِّنْ ءَايَةٍ فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ يَمُرُّونَ عَلَيْهَا وَهُمْ عَنْهَا مُعْرِضُونَ ١٠٥﴾

“Осмонлар ва Ерда қанчадан-қанча (Аллоҳ ва унинг сифатларига далолат қилувчи) **аломатлар бор.** (Лекин) **улар ёнидан юз ўгирган ҳолларида** (бепарво) **ўтиб кетадилар”**[355]**.**

Яъни улар Аллоҳ таолонинг борлигига далолат қиладиган шунча белги-аломатлар ҳақида тафаккур қилиб иймон келтирмайдилар. Агар аломатлардан юз ўгирмасдан уларни тафаккур қилиб кўрганларида, ақл юритиб эътибор берганларида, албатта, иймон келтирган бўлардилар. Бу эса инсонда ақл борлигининг ўзи Аллоҳ таолони танишга сабаб эканига далолат қилади.

Аллоҳ таолонинг яратувчилигини, ўта илмли зот эканини мушриклар ҳам эътироф этганлар:

﴿وَلَئِن سَأَلْتَهُم مَّنْ خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ لَيَقُولُنَّ خَلَقَهُنَّ ٱلْعَزِيزُ ٱلْعَلِيمُ ٩﴾

“(Эй Муҳаммад!) **Қасамки, агар улардан: “Осмонлар ва Ерни ким яратган?” – деб сўрасангиз, албатта: “Уларни Қудратли ва Билимли** (Аллоҳ) **яратган”, – дерлар”**[356]**.**

Яъни мушриклар ҳам осмонлару ерни азиз ва ўта илмли зот, Аллоҳ таоло яратганини билганлар. Сўнгра жоҳиллик билан Унга бошқани қўшиб ибодат қилганлар. Бу эса Аллоҳ таолони таниш инсон фитратида борлигини, бу фитратни Аллоҳ таоло инсонга қўшиб яратганини, шунга кўра ҳар бир ақл-

---

[353] Нисо сураси, 165-оят.
[354] Исро сураси, 15-оят.
[355] Юсуф сураси, 105-оят.
[356] Зухруф сураси, 9-оят.

ҳушли одам Аллоҳ таолони таниши лозимлигини, танимаслиги узр бўлмаслигини билдиради.

Ақлнинг Аллоҳ таолони таниш учун ҳужжат эканига қуйидаги оят ҳам ёрқин далилдир:

﴿إِنَّ ٱلسَّمۡعَ وَٱلۡبَصَرَ وَٱلۡفُؤَادَ كُلُّ أُوْلَٰٓئِكَ كَانَ عَنۡهُ مَسۡـُٔولٗا ٣٦﴾

“Чунки қулоқ, кўз, дилнинг ҳар бири тўғрисида (ҳар бир инсон) **масъул бўлур** (жавоб берур)”[357]**.**

Яъни, қулоқнинг масъуллиги эшитиладиган нарсаларга хосланади, кўзнинг масъуллиги кўриладиган нарсаларга хосланади, дилнинг масъуллиги тушунарли бўлган нарсаларга хосланади. Аммо қулоқ ҳам, кўз ҳам ўз вазифаларини адо этишда ақлга муҳтождир. Чунки қулоқ ҳақни ҳам, ноҳақни ҳам эшитади, кўз ҳам кўришда ҳақ билан ноҳақ орасини ажрата олмайди. Ҳақ билан ноҳақ орасини ақл ажратади. Агар ҳақ ва ноҳақни ажратишда ақл ҳужжат бўлмаганида, қулоқнинг эшитиши-ю, кўзнинг кўриши беҳуда иш бўлиб қоларди.

Хулоса қилиб айтганда, ақл-ҳушли инсонга еру осмонларнинг Яратувчиси, Аллоҳ таолони танимаслиги узр ҳисобланмайди. Чунки ҳар бир нарса хусусида ақл юритиб қаралса, Аллоҳ таолонинг биру борлигига далолат қилувчи белгилар мавжуд. Шоир Абу Атоҳиянинг шеъри мазкур маъноларни етарли даражада ифодалаб беради:

فَوَاعَجَباً كَيْفَ يُعْصَى الإِلَهُ أَمْ كَيْفَ يَجْحَدُهُ الْجَاحِدُ

وَللهِ فِي كُلِّ تَحْرِيْكَةٍ وَتَسْكِيْنَةٍ أَبَداً شَاهِدٌ

وَفِي كُلِّ شَيْءٍ لَهُ آيَةٌ تَدُلُّ عَلَى أَنَّهُ الْوَاحِدُ

Во ажабо, Аллоҳга қандай исён қилинар,
ё инкор этувчиУни қандай инкор этар
Аллоҳга ҳар бир ҳаракату сукунатда
доимий гувоҳлик берувчи бор-ку,
Барча нарсаларда белгилар борки,
Унинг бирлигига далолат этар.

“Жаъфар Содиқнинг ҳузурида зиндиқлардан[358] бири яратувчи борлигини инкор қилди. Жаъфар Содиқ унга: “Денгизни ва унинг қўрқинчини кўрганмисан”, – деди. У: “Ҳа, денгизга чиққанман, бир сафар денгизда

[357] Исро сураси, 36-оят.

[358] Зиндиқ луғатда “ярамас маккор” маъносини англатади. Истилоҳда “бирорта ҳам динга эътиқод қилмайдиган кимса зиндиқ деб аталади”. Зиндиқлар “замон ҳеч қачон тугамайди” деб эътиқод қилишган. Қаранг: Абдулҳамид Маҳмуд Тоҳмоз. Фиқҳул Ҳанафий фи савбиҳил жадид, учинчи жузи. – Дамашқ: “Дорул қалам”, 2009. – Б. 115.

қўрқинчли бўрон туриб, кемамизни чилпарчин қилди. Денгизчилар ғарқ бўлишди. Мен жон талвасада бир тахтага осилиб олдим. Осмон бўйлаб отилаётган тўлқин шиддатидан тахта ҳам қўлимдан чиқиб кетиб, ҳаётдан умидимни узгандим, ўшанда тўлқиннинг ўзи мени соҳилга чиқариб ташлаганди”, – деди. Шунда Жаъфар Содиқ: “Сенинг суянчиғинг ва ишонганинг кема, тахта ва денгизчилар эди, улар сендан кетган пайтда саломат қолишни истадингми”, – деди. У: “Ҳа”, – деди. Жаъфар Содиқ: “Кимдан”, – деди. У жим қолди. Жаъфар Содиқ: “Ўша пайтда сен умид қилган зот – Яратгувчидир. У сени ғарқ бўлишдан қутқарди”, – деди. У киши Жаъфар Содиқнинг қўлида Исломни қабул қилди.

Даҳрийлардан[359] бир гуруҳи Имом Шофиъий раҳматуллоҳи алайҳдан Яратувчининг борлигига нима далил бор, деб сўрашди. У зот: “Тут барги, унинг таъми, ҳиди ва ранги Яратувчининг борлигига далилдир, ушбу нарсаларни биласизлар-а”, – деб сўради. Улар: “Ҳа”, – дейишди. Имом Шофиъий: “Тут баргини ипак қурти ейди, ундан ипак чиқади, асалари истеъмол қилади, ундан асал чиқади, қўй ейди, ундан қумалоқ чиқади, уни кийик ейди, миск халтасида миск тўплайди. Табиий ҳолати бир хил бўлса ҳам, кейинги ҳолатларини ким ана шундай хилма-хил қилди”, – деди. Улар бу хусусда тафаккур қилиб қаттиқ тасирланишди ва Аллоҳга иймон келтирдилар.

Абу Нувосдан Яратувчининг борлигига далил сўрашганида ушбу шеър билан жавоб берган:

تَأَمَّلْ فِي بِنَاءِ الأَرْضِ وَ انْظُرْ إِلَى آثَارِ مَا صَنَعَ الْمَلِيكُ

عيُونٌ فِي لَجِينٍ شَاخِصَاتٌ وَأَحْدَاقٌ كَالذَّهَبِ السَّبِيكِ

* * * * * *

عَلَى قُضُبِ الزَّبَرْجَدِ شَاهِدَاتٌ بِأَنَّ اللهَ لَيْسَ لَهُ شَرِيكٌ

وَإِنَّ مُحَمَّدًا خَيْرُ البَرَايَا إِلَى الثَّقَلَيْنِ أَرْسَلَهُ الْمَلِيكُ

Ернинг биносига тааммул қил ва қара
Малик қилган нарсаларнинг асарларига,
Кумушлар ичинда тикилгувчи кўзлар,
Қуюлган тилло каби кўз қорачиғлар.

* * *

Забаржад дарахтида бордир гувоҳлар,
Улар Аллоҳга шерик йўқлигин айтар.
Муҳаммад яралганларнинг энг яхшисидир,
Маликнинг инсу жинга юборган элчисидир.

---

[359] Даҳрий луғатда “худосиз”, “шаккок” маъноларини англатади. Истилоҳда “Оламнинг ўзи азалий ва абадий мавжуд, унинг яратувчиси йўқ дейдиган кимса, даҳрий дейилади”. Қаранг: Мунжид фил-луғати аълом. – Байрут: “Дорул машриқ”, ўттиз саккизинчи нашр. – Б. 227.

Бир табибдан “Роббингни нима билан танийсан”, – деб сўрашди. У: “Асалари билан танийман, бир тарафи билан асал чиқаради ва бир тарафи билан чақади”, –деб жавоб берди[360].

Яъни оддий асаларида ҳам Аллоҳ таолонинг нақадар қудратли зот эканига далолат бор. У бир тарафидан, яъни оғзидан асал чиқарса, иккинчи тарафидан заҳар солади. Бу ҳақиқат асал сўзининг ёзилишида ҳам ўз ифодасини топган, عَسَلٌ (асал), لَسْعٌ (заҳар солиш), яъни асал сўзи тескари тарафидан ёзилса, заҳар солиш маъноси чиқади.

[360] Абу Ҳафс Сирожиддин Умар ибн Исҳақ Ғазнавий. Шарҳу ақидати имом Таҳовий. – Қоҳира: “Даротул Караз”, 2009. – Б. 43.

ЖОН ЧИҚАР ВАҚТДА КЕЛТИРИЛГАН ИЙМОН ҲАҚИДА

43 وَمَا إِيْمَانُ شَخْصٍ حَالَ يَأْسٍ بِمَقْبُولٍ لِفَقْدِ الإِمْتِثَالِ

Маънолар таржимаси:

(Ҳаётдан) ***умид узилган ҳолатда бўйсуниш йўқолгани учун бирор шахснинг иймони мақбул бўлмайди.***

Назмий баёни:

Ўлимгача иймон қилинса таъхир
Қабулмас, бўйсуниш қолмаган, ахир.

Луғатлар изоҳи:

مَا – нафий ҳарфи. لَيْسَ нинг амалини қилади.

إِيْمَانُ – مَا нинг исми ва музоф.

شَخْصٍ – музофун илайҳ.

حَالَ – зарфликка кўра насб бўлиб турибди.

يَأْسٍ – музофун илайҳ. Кўплаб нусхаларда بَأْسٍ келган. Аммо таҳқиқларга кўра يَأْسٍ мўътабар ҳисобланади. يَأْسٍ луғатда رَجَاءٌ нинг зидди яъни “умидни узиш” маъносини англатади.

بِ – таъкидлаш учун келган қўшимча жор ҳарфи.

مَقْبُولٍ – жор мажрур مَا нинг хабари эканига кўра насб ўрнида турибди.

لِ – “таълийлия” (изоҳламоқ) маъносида келган жор ҳарфи.

فَقْدِ – жор мажрур مَقْبُولٍ га мутааллиқ. Бу масдар ўзида бор нарсадан ажралиб афсусланишга нисбатан ишлатилади.

الإِمْتِثَالِ – музофун илайҳ. Луғатда “бўйсуниш” маъносини англатади.

Матн шарҳи:

Бирор кимса олдин иймонга келмай юрган бўлса, унинг ажали етиб, ўлимга рўбарў бўлган пайтида келтирган иймони қабул қилинмайди. Бу ҳақида Қуръони каримда шундай хабар берилган:

﴿ فَلَمْ يَكُ يَنفَعُهُمْ إِيمَٰنُهُمْ لَمَّا رَأَوْا۟ بَأْسَنَا ۖ سُنَّتَ ٱللَّهِ ٱلَّتِى قَدْ خَلَتْ فِى عِبَادِهِۦ ۖ وَخَسِرَ هُنَالِكَ ٱلْكَٰفِرُونَ ﴿٨٥﴾ ﴾

“(Лекин) **Бизнинг азобимизни кўрган вақтдаги иймонлари уларга фойда берувчи бўлмади.** (Бу) **Аллоҳнинг** (барча) **бандалари ҳақида** (жорий қилган) **йўлидир. Ўшанда** (иймонлари қабул бўлмагач) **кофирлар зиён кўрдилар”**[361]**.**

Ҳадиси шарифда жон халқумга тақалган вақтда тавба ҳам қабул бўлмаслиги баён этилган:

عَنِ ابْنِ عُمَرَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **إِنَّ اللهَ لَيَقْبَلُ تَوْبَةَ الْعَبْدِ مَا لَمْ يُغَرْغِرْ**. رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Аллоҳ таоло банданинг тавбасини, албатта, қабул қилади, модомики жони ҳалқумига келмаган бўлса”,** – дедилар”. *Байҳақий ривоят қилган.*

Тавба луғатда “қайтиш” маъносини англатади. Аҳли сунна вал-жамоа уламолари ҳақиқий тавба бўлиши учун унда учта шарт топилиши лозимлигини айтганлар:

1. Қилган гуноҳ иши учун надомат чекиш;
2. Мазкур гуноҳ ишни ташлаш;
3. Бундай гуноҳни асло такрорламасликка азму қарор қилиш.

Жон халқумга тақалган пайтда эса мазкур шартлар топилмайди. Чунки тавба қилувчининг яна ўша гуноҳларни қилиши мумкинлигига кўзи етиб турган пайтда тавба қилиб, бошқа уларни содир этмасликка аҳд қилсагина, ҳақиқий азму қарор бўлади, акс ҳолда мажбурий ҳолат бўлиб қолади. Шунинг учун жон ҳалқумга тақалмасдан олдин тавбага шошилиш лозим.

[361] Ғофир сураси, 85-оят.

АМАЛ ВА ИЙМОН ҲАҚИДА

44 وَمَا أَفْعَالُ خَيْرٍ فِي حِسَابٍ مِنَ الإِيْمَانِ مَفْرُوضَ الْوِصَالِ

Маънолар таржимаси:

Яхши ишлар** (иймонга) **қўшилиши фарз қилинган бўлса-да, улар ҳисоблашда иймондан эмасдир.

Назмий баёни:

Хайрли ишлар гарчи эрур фарз,
Иймон жузларидан ҳисоб этилмас.

Луғатлар изоҳи:

مَا – нафий ҳарфи.

اَفْعَالُ –нафий ҳарфининг исми.

خَيْرٍ – музофун илайҳ.

فِي – “мажозий зарфият” маъносида келган жор ҳарфи.

حِسَابٍ – жор мажрур مَا нинг хабари эканига кўра насб ўрнида турибди.

مِنَ – “табъийз” (бўлакларга ажратиш) маъносида келган жор ҳарфи.

الإِيْمَانِ – жор мажрур حِسَابٍ га мутааллиқ. Иймон калимаси ўзбек тилида “ишониш” маъносига тўғри келади. Иймон ҳақидаги баҳсларни ўрганишда араб тилида қай даражадаги ишониш иймон деб аталишини билиш муҳим ҳисобланади. Араб тилида бир нарсага нисбатан ишониш даражалари қуйидагича ифодаланади:

-Ваҳм – 50 % га етмаган ишонч;
-Шак – 50 % ишонч бор, 50 % ишонч йўқ;
-Зон – 50 % дан ортиқ, аммо 100 % га етмаган ишонч;
-Иймон – 100 % бўлган ишонч;

Ушбу 100 % ишонилган нарсани далиллари билан ўрганиб чиқилганини ифодалаш учун иймон билан биргаликда “ийқон” (далиллари билан ўрганилган 100% ишонч) ҳам дейилади.

مَفْرُوضَ – ҳолликка кўра насб бўлиб турибди.

الْوِصَالِ – музофун илайҳ. Бу масдар “бир нарсада узлуксиз доимий равишда бардавом бўлиш” маъносини ифодалайди. وَصْلٌ масдари эса бирор нарсага бир марта эришишга нисбатан ишлатилади. Шунинг учун айнан وِصَالِ калимаси ишлатилган.

Матн шарҳи:

Барча яхши ишлар-у тоат-ибодатлар бажариш фарзлигига кўра иймонга боғлиқлиги бўлса-да, иймоннинг жузларидан ҳисобланмайди. Иймон ва амаллар бир-бирларидан фарқли нарсалар деб қаралади. Қуръони каримда ҳам уларнинг оралари ажратиб баён қилинган:

﴿إِنَّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ﴾

“Албатта, иймон келтирган, яхши ишларни қилган... ”[362].

Ушбу оятда яхши амалларни қилиш иймон келтиришга атф қилиб келтирилган. Маътуф эса маътуфун алайҳдан бошқалиги ҳеч кимга сир эмас.

Яхши амалларни қилиш иймондан ҳисобланмаслигига энг ёрқин далиллардан яна бири – хайрли ишларнинг савоб келтирадиган амал бўлиши учун иймон шарт қилинганидир:

﴿وَمَن يَعْمَلْ مِنَ ٱلصَّٰلِحَٰتِ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَلَا يَخَافُ ظُلْمًا وَلَا هَضْمًا ١١٢﴾

“Кимки мўмин бўлган ҳолда эзгу ишларни қилса, бас, у зулмдан (қилмаган гуноҳларга жавоб беришдан) **ҳам, камайишдан** (савоби тўла берилмай қолишидан) **ҳам хавфсирамас”[363].**

Ушбу оятда яхши амалларни мўмин ҳолатда қилиш шарт қилинган. Шарт билан шарт қилинган нарсаларнинг бошқа-бошқа экани ҳеч кимга сир эмас.

Аслида, ушбу масала иймон ҳақиқати нима деган саволга берилган жавоблардан келиб чиққан. Шунинг учун дастлаб иймоннинг ҳақиқати тўғрисидаги таърифлар билан танишиб чиқилса, нима учун бундай баҳс қилинганини тушуниш осон бўлади.

Иймон рукнлари нечта?

“Иймон рукнлари нечта” деган саволга жавоб бериш учун аввало “иймон” ва “рукн” калималари нимани ифодалаши, яъни улар нималарнинг исми экани ҳақида тўғри тасаввур бўлиши лозим.

Иймон калимаси луғатда икки хил маънони англатади:

---

[362] Бақара сураси, 277-оят.
[363] Тоҳа сураси, 112-оят.

1. Тасдиқлаш;

2. Омонлик бериш.

Аҳли сунна вал-жамоа уламолари наздида биринчи маъно яъни “тасдиқлаш” мўътабар ҳисобланади. Истилоҳда эса Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таоло ҳузуридан келтирган барча нарсаларни қалб билан тасдиқлаш ва тил билан иқрор бўлиш иймон деб аталади.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидаги нарсаларга шаксиз ишониш лозимлигини таълим берганлар:

1. Аллоҳга;

2. Фаришталарга;

3. Илоҳий китобларга;

4. Пайғамбарларга;

5. Охират кунига;

6. Қадарнинг яхшиси ҳам ёмони ҳам Аллоҳдан эканига;

7. Ўлгандан сўнг қайта тирилишга.

Ушбу нарсаларга шаксиз ишониш иймон келтириш лозим бўлган барча нарсаларни ўз ичига қамраб олувчи ишонч ҳисобланади.

Рукн луғатда “устун”, “асос” “бурчак” каби маъноларни англатади. Истилоҳда эса “Бирор нарсанинг асосини ташкил қиладиган энг кучли тарафи унинг рукни дейилади”.

“Иймон рукнлари нечта” деган саволга жавоб излаб уламоларимизнинг бу ҳақидаги қарашларини ўрганиб чиқадиган бўлсак, Аҳли сунна вал-жамоа уламолари иймоннинг рукни ҳақида бир-биридан фарқли уч хил қарашни айтганларига гувоҳ бўламиз:

1. Иймон қалб билан эътиқод қилиш, тил билан нутқ қилиш ва арконларга амал қилишдир.

2. Иймоннинг аслий рукни тасдиқлашдир. Тил билан иқрор бўлиш аслга қўшимча рукн ҳисобланади.

3. *Иймон фақатгина тасдиқдан иборатдир. Иқрор бўлиш дунёда мўминлик ҳукмлари ижроси учун шартдир. Солиҳ амаллар эса иймоннинг саҳиҳ бўлиши учун эмас, балки комил бўлиши учун шартдир.*

Иймон рукнлари ҳақидаги ушбу фарқли қарашларнинг асл моҳиятини ўрганиш кўплаб тушунмовчиликларга барҳам беради. Шу маънода мазкур қарашларни алоҳида-алоҳида ўрганиб чиқамиз:

1. Иймон қалб билан эътиқод қилиш, тил билан нутқ қилиш ва арконларга амал қилишдир.

Бу қарашни олға сурганлар икки гуруҳга бўлинади:

а) *Аҳли сунна вал-жамоа уламолари.* Имом Молик, имом Шофеъий, имом Аҳмад, имом Авзоъий ва булардан бошқа аҳли ҳадислар, аҳли зоҳирлар ҳамда баъзи мутакаллимлар иймонни макзкур маънода таърифлаганлар. Ушбу муҳтарам имомларимиз ва уларга эргашган зотлар арконларга амал қилишни иймон ҳақиқатининг эмас, балки комил иймоннинг рукнидир, деганлар. Яъни арконларга амал қилмаганлар иймон ҳақиқатидан чиқиб кетмайди, деганлар. Демак, бу зотларнинг мазҳабларига кўра арконларга амал қилмаганлар “комил иймон”[364] эгаси бўла олмайдилар, аммо мўмин бўлиб тураверадилар, деган маъно тушунилади.

Бу қарашга қуйидагича далил келтирадилар: Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан иймон нима деб сўраганида, У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидаги оятни тиловат қилганлар. Кейин яна қайта сўраганида яна шу оятни тиловат қилганлар:

﴿ لَّيْسَ ٱلْبِرَّ أَن تُوَلُّوا۟ وُجُوهَكُمْ قِبَلَ ٱلْمَشْرِقِ وَٱلْمَغْرِبِ وَلَٰكِنَّ ٱلْبِرَّ مَنْ ءَامَنَ بِٱللَّهِ وَٱلْيَوْمِ ٱلْءَاخِرِ وَٱلْمَلَٰٓئِكَةِ وَٱلْكِتَٰبِ وَٱلنَّبِيِّۦنَ وَءَاتَى ٱلْمَالَ عَلَىٰ حُبِّهِۦ ذَوِى ٱلْقُرْبَىٰ وَٱلْيَتَٰمَىٰ وَٱلْمَسَٰكِينَ وَٱبْنَ ٱلسَّبِيلِ وَٱلسَّآئِلِينَ وَفِى ٱلرِّقَابِ وَأَقَامَ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتَى ٱلزَّكَوٰةَ وَٱلْمُوفُونَ بِعَهْدِهِمْ إِذَا عَٰهَدُوا۟ ۖ وَٱلصَّٰبِرِينَ فِى ٱلْبَأْسَآءِ وَٱلضَّرَّآءِ وَحِينَ ٱلْبَأْسِ ۗ أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ صَدَقُوا۟ ۖ وَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُتَّقُونَ ﴿١٧٧﴾ ﴾

Юзларингизни Машриқ ва Мағриб томонларига буришингиз (ибодат қилишингизнинг ўзи тўла) **яхшилик эмас, балки Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга имон келтирган, ўзи яхши кўрган молидан қариндошларига, етимларга, мискинларга, йўловчига, тиланчиларга ва қулларни озод қилиш йўлида берадиган, намозни тўкис адо этиб, закотни тўлаб юрадиган киши ва келишилган аҳдларига вафо қилувчилар, шунингдек, оғир-енгил кунларда ва жанг пайтида сабр қилувчилар яхшилик** (аҳли)**дир. Айнан ўшалар** (имонларида) **содиқдирлар ва айнан ўшалар тақводордирлар”[365].**

---

[364] Комил иймон ва иймон ҳақиқати орасидаги фарқ шуки комил иймон эгасига дўзахдан нажот топиб жаннатга кириш ваъдаси берилган. Иймон ҳақиқати бор кишига эса дўзахда абадий қолдирилмаслик ваъдаси берилган.

[365] Бақара сураси, 177-оят.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу жавобларида иймоннинг қалб билан эътиқод қилиш, тил билан нутқ қилиш ва арконларга амал қилишдан иборат экани зоҳир бўлиб турибди, деганлар.

б) *Мўътазилийлар.* Бу фирқа арконларга амал қилишни иймон ҳақиқатининг рукнидир, яъни арконларга амал қилмаганлар иймон ҳақиқатидан чиқиб кетади, деганлар. Демак, бу фирқанинг қарашига кўра, амал қилмаган кимса диндан чиқиб кетади. Шунга кўра кимки амал қилмаган кимса диндан чиқиб кетади, деса, мўътазилий фирқасининг даъвосини айтган бўлади.

2. Иймоннинг аслий рукни тасдиқлашдир. Тил билан иқрор бўлиш аслга қўшимча рукн ҳисобланади.

Саъдуддин Тафтазоний раҳматуллоҳи алайҳ бу ҳақида шундай деган: иймон аслига қўшилган нарса тил билан ифодалашдир. Чунки тил қалбдаги нарсани ифодалаб беради ва қалбий тасдиққа далолат қилади. Аммо тил билан ифодалаш аслий рукн ҳисобланмайди. Чунки тасдиқнинг ўрни қалбдир. Шунинг учун ҳам узрли пайтларда тил билан иқрор бўлиш соқит бўлади. Масалан соқов киши тили билан иқрор бўлмагани, ёки мажбурланган киши иқрорни инкорга айлантириб қўйгани сабабли улардан иймон ҳукми олиб ташланмайди. Тил билан иқрор бўлиш иймоннинг аслий рукнига қўшимча экани имом Сарахсий, Фахрул Ислом Паздавий ва бошқа кўплаб фақиҳлардан ривоят қилинган. Ушбу қараш улуғ ватандошимиз Нажмиддин Насафий раҳматуллоҳи алайҳ эътимод қилган қараш ҳисобланади. Бу зот “Ақоидун Насафий”да қуйидагиларни ёзган:

اَلْإِيْمَانُ هُوَ التَّصْدِيقُ بِمَا جَاءَ بِهِ مِنْ عِنْدِ اللهِ تَعَالَى وَالْإِقْرَارُ بِهِ.

“Иймон – (Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам) Аллоҳ таоло ҳузуридан келтирган нарсани рост деб билиш ва уни тил билан ифодалашдир”.

Бу қараш соҳиблари ўзларининг қарашларига қуйидагича далил келтирадилар: ояти карималарда иймон сўзи ишонч маъносида келган. Масалан,

﴿ قَالُوا۟ يَٰٓأَبَانَآ إِنَّا ذَهَبْنَا نَسْتَبِقُ وَتَرَكْنَا يُوسُفَ عِندَ مَتَٰعِنَا فَأَكَلَهُ ٱلذِّئْبُ ۖ وَمَآ أَنتَ بِمُؤْمِنٍ لَّنَا وَلَوْ كُنَّا صَٰدِقِينَ ﴿١٧﴾ ﴾

“Айтдилар: “Эй отамиз! Биз Юсуфни матоҳларимиз олдида қолдириб қувалашиб кетсак, уни бўри еб кетибди. Рост гапирсак ҳам, (барибир) **сиз бизга ишонувчи эмассиз”**[366]**.**

[366] Юсуф сураси, 17-оят.

Ушбу оятдаги бизга мўмин эмассан маъносидаги оят, бизнинг сўзимизни рост деб билувчи эмассан, маъносидадир. Бу эса бир нарсани рост деб билишнинг ёлғиз ўзи ўша нарсага мўмин бўлиш деганини билдиради.

Фақатгина рост деб билиш яширин иш бўлгани сабабли шариат мўминни кофирдан ажратиш учун тил билан эътироф этишни вожиб қилган. Бу ҳақиқат ҳадиси шарифларда ҳам баён қилинган:

عَنْ اَبِى هُرَيْرَةَ رَضِىَ اللَّهُ عَنْهُ اِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ **اُمِرْتُ اَنْ اُقَاتِلَ النَّاسَ حَتَّى يَقُولُوا لَا اِلَهَ اِلاَّ اللَّهُ فَمَنْ قَالَ لَا اِلَهَ اِلاَّ اللَّهُ عَصَمَ مِنِّى مَالَهُ وَنَفْسَهُ اِلاَّ بِحَقِّهِ وَحِسَابُهُ عَلَى اللَّهِ.** رَوَاهُ مُسْلِمٌ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Мен “ла илаҳа иллаллоҳ” дегунларигача инсонларга қарши курашишга буюрилдим. Бас, кимки “ла илаҳа иллаллоҳ” деган бўлса, мендан молини ва жонини сақлаб қолибди, фақат бунинг** (Исломнинг) **ҳаққи бундан мустаснодир. Унинг ҳисоби Аллоҳга ҳаволадир”,** – дедилар”. *Муслим ривоят қилган.*

Шунинг учун ҳам инсон умри давомида бир марта “ла илаҳа иллаллоҳ” дейиши унинг мўмин бўлишига кифоя қилади.

Бурҳон Лаққоний раҳматуллоҳи алайҳ “Жавҳаротут тавҳид” китобининг шарҳида қуйидагиларни ёзган: “Муҳаққиқ уламолардан Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ битта қавлда, ашъарийларнинг кўпчилиги, ҳанафий имомлардан Сарахсий ва Паздавийларнинг қарашларига кўра иқрор иймон ҳақиқатидан ташқаридаги шарт эмас. У иймон ҳақиқатининг ярми ва унинг ичига кирувчи рукндир. Аммо қолган солиҳ амаллар иймон рукнига кирмайди. Демак ушбу зотларнинг наздларида иймон – тил ва қалб амалларининг барчасининг исмидир”.

Саъдуддин Тафтазоний раҳматуллоҳи алайҳ айтадики: “Ушбу сўзга кўра кимки қалби билан тасдиқласа-ю, имкони бўла туриб умри давомида бирор марта ҳам тили билан иқрор бўлмаса, бундай кимса дунёда ҳам мўмин ҳисобланмайди, Аллоҳ ҳузурида ҳам мўмин эмасдир”.

3. Иймон фақатгина тасдиқдан иборатдир. Иқрор бўлиш дунёда мўминлик ҳукмлари ижроси учун шартдир.

Имом Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳдан ривоят қилинган ушбу қарашга кўра, солиҳ амаллар иймоннинг саҳиҳ бўлиши учун эмас, балки комил бўлиши учун шарт ҳисобланади. Шунинг учун биров қалби билан тасдиқласа-ю имкони бўла туриб тили билан иқрор бўлмаган бўлса, бундай кимса дунёда мўмин ҳисобланмаса ҳам Алло ҳузурида мўмин бўлади. Чунки қалбдаги нарсани фақат Аллоҳ билади, бандалар била олмайдилар. Ушбу мазҳабнинг қарашлари иккита мисолда яққол намоён бўлади:

а) бир зиммий мажбурланса-ю, тили билан иймонга иқрор бўлса, қалбан тасдиқлаганига аломатлар бўлмаса ҳам, дунё ҳукмларида унга мўмин деб қаралиши келиб чиқади;
б) мўмин киши куфр калимасини айтишга мажбурланса-ю тили билан куфрни иқрор қилиб қўйса ҳам дунё ҳукмларида у муртадга айланмайди. Аслида куфр калимасини гапириш туфайли кофирлик собит бўлиши керак эди. Лекин аслий рукн бўлган қалбий тасдиқ унда бор бўлиб тургани учун куфрга ҳукм қилинмайди.

Бундай эътиқодда бўлганлар ўзларининг қарашларини қўллаб-қувватловчи кўплаб далиллар келтирадилар. Масалан,

﴿إِلَّا مَنْ أُكْرِهَ وَقَلْبُهُۥ مُطْمَئِنٌّۢ بِٱلْإِيمَٰنِ﴾

“...Қалби иймон ила ором топа туриб зўрланганлар бундан мустасно... ”[367].

Абул Муин Насафий “Баҳрул калом” асарида Имом Абу Мансур Мотуридийнинг “иймон фақатгина тасдиқнинг ўзидир”, деганини ривоят қилган.

Аммо ушбу мазҳабга кўра ҳам тил билан иқрор қилмаслик қайсарлик сабабли ё инкор қилиш сабабли ёки арзимас санаш сабабли бўлмаслиги шартдир. Агар ушбу сабаблар билан бўладиган бўлса, дунёю охиратда мўмин ҳисобланмаслиги келиб чиқади.

Ушбу иккинчи ва учинчи қараш бизнинг мотурудия мазҳаби уламоларининг қарашларидир. Фақатгина баъзилари иқрор бўлишни “қўшимча рукн” деган бўлсалар, баъзилари “дунёда мўминлик ҳукмлари ижроси учун шартдир”, - деганлар.

Иймон зиёда ва кам бўлмайди

Иймон зиёда ва кам бўлиши ё бўлмаслиги тўғрисида ҳам атрофлича баҳслар қилинган. Бизнинг мотуридия мазҳабимизда иймон зиёда ҳам, кам ҳам бўлмайди. Чунки иймоннинг асли қатъи ишонилиши лозим бўлган барча нарсаларни рост деб билиш ҳисобланади. Юқорида ишонч 100% бўлгандагина иймон деб аталиши баён қилинган эди. Шунга кўра мазкур 100% ишонч зиёдалик ва нуқсонни қабул қилмайди. Иймоннинг зиёда бўлишига далолат қиладиган ояти карималар ҳақида қуйидагича эътиқод қилинади:

[367] Наҳл сураси, 106-оят.

﴿ إِنَّمَا ٱلْمُؤْمِنُونَ ٱلَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ ٱللَّهُ وَجِلَتْ قُلُوبُهُمْ وَإِذَا تُلِيَتْ عَلَيْهِمْ ءَايَٰتُهُۥ زَادَتْهُمْ إِيمَٰنًا وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ٢ ﴾

“Албатта, Аллоҳ зикр қилинса, қалблари титрагувчи, оятлари тиловат этилса, иймонларини зиёда қилгувчи ва Роббиларига таваккул қилгувчиларгина мўминлардир”[368].

Ушбу ояти каримада мўминларнинг сифатлари баён қилинган. Яъни комил ихлосли мўмин кишилар Аллоҳ таолонинг исми зикр қилинишининг ўзидаёқ Унинг ҳайбатидан таъсирланганларидан қалблари титраб кетадиган инсонлар бўладилар. Оятдаги “иймонларини зиёда қилувчи” маъносидаги лафз мўмин кишининг Қуръон оятлари тиловат қилинган пайтда иймон нури янада зиёдалашиб, ҳаёт йўлларидаги таъсири ошиб боришини англатади. Яъни мўминлар тоат-ибодатларда бир-бирларидан фарқли бўладилар, аммо иймоннинг аслида ўзаро тенг бўладилар.

﴿ هُوَ ٱلَّذِىٓ أَنزَلَ ٱلسَّكِينَةَ فِى قُلُوبِ ٱلْمُؤْمِنِينَ لِيَزْدَادُوٓا۟ إِيمَٰنًا مَّعَ إِيمَٰنِهِمْ ﴾

“У (Аллоҳ) **Ўз иймонларига яна иймон қўшилиши учун мўминларни дилларига таскин туширган зотдир”[369].**

Ушбу сингари зоҳири иймоннинг зиёда бўлишига далолат қиладиган оятларни мотуридия мазҳаби уламолари уч хил маънода тушунтирганлар:

1. Мўминлар дастлаб иймон келтириб тасдиқлашган. Сўнгра бир фарздан кейин яна бошқа фарзлар қўшилиб зиёда бўлган. Шунга кўра олдинги иймон келтирган нарсаларидан бошқа яна иймон келтирадиган нарсалар зиёда бўлган. Яъни иймоннинг ўзи эмас, иймон келтирилган нарсалар зиёда бўлади.

2. Мўминлар келтирган иймонларида доимо собит туришининг ўзи иймон узра зиёдалик ҳисобланади. Яъни, иймоннинг ўзи эмас иймонда бардавом бўлиш соатма-соат зиёда бўлиб боради.

3. Мўминлар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир мўъжизаларини кўрганларидан сўнг яна бошқа бир мўъжизаларини кўрган вақтларида ихлослари янада зиёда бўлиб боради.

Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ “Васият” асарида шундай деган: “ Иймоннинг зиёда бўлиши куфрнинг нуқсони билан, иймоннинг ноқис бўлиши эса куфрнинг зиёдалиги билан деб тасаввур қилинмайди. Чунки қандай қилиб бир киши бир ҳолатнинг ўзида ҳам мўмин, ҳам кофир бўлиши мумкин. Кофир шак-шубҳасиз кофир бўлганидек, мўмин шак-шубҳасиз мўминдир”.

---

[368] Анфол сураси, 2-оят.
[369] Фатҳ сураси, 4-оят.

ГУНОҲ САБАБЛИ КУФРГА ҲУКМ ҚИЛИНМАСЛИГИ БАЁНИ

45 وَلاَ يُقْضَى بِكُفْرٍ وَارْتِدَادٍ بِعَهْرٍ اَوْ بِقَتْلٍ وَاخْتِزَالِ

Маънолар таржимаси:

Зино ё қатл ва босқинчилик туфайли куфрга ҳам муртадликка ҳам ҳукм қилинмайди.

Назмий баёни:

Зино, қатл, босқин бўлса ҳам сабаб,
Куфрга маҳкуммас, дейилмас муртад.

Луғатлар изоҳи:

وَ – мутлақ жамлаш учун келган атф ҳарфи.

لاَ – нафий ҳарфи.

يُقْضَى – музориъ мажҳул феъли. Ноиб фоили тақдирий عَلَى اَحَدٍ дир. قَضَاءٌ калимаси “ҳукм қилиш”, “икки тараф орасини ажрим қилиш” маънолари ишлатилади.

بِ – “илсоқ” (ёпиштирмоқ) маъносида келган жор ҳарфи.

كُفْرٍ – жор мажрур يُقْضَى га мутааллиқ. Куфр калимаси луғатда “бекитмоқ” маъносини англатади.

ارْتِدَادٍ – луғатда “орқага қайтиш” маъносини англатади. Истилоҳда эса Ислом динидан қайтиш тушунилади.

بِعَهْرٍ – жор ҳарфи “сабабия” маъносида келган . Жор мажрур لاَ يُقْضَى феълига мутааллиқ. “Аҳр” луғатда “бузуқлик”, “фоҳишалик” маъноларига тўғри келади.

اَوْ – танлаш имконини қолдириш маъносидаги атф ҳарфи.

بِقَتْلٍ – بِ “сабабия” маъносида келган жор ҳарфи. “Руҳнинг танадан чиқиб кетишига сабаб бўладиган ишни қилиш қатл деб аталади”.

اخْتِزَالِ – бу масдар бирор нарсадан кесиб олишга нисбатан ишлатилади. Бу ерда бировнинг молидан ноҳақ ўзлаштириб олиш маъноси кўзда тутилган.

Матн шарҳи:

Аҳли сунна вал-жамоа эътиқодига кўра, зино, қотиллик ёки қароқчилик каби гуноҳлар энг катта гуноҳи кабиралар ҳисобланса-да, булар сабабли куфрга ҳукм этилмайди. Адашган тоифалар эса буларга зид бўлган қарашларни илгари сурганлар.

Гуноҳ содир этган мўмин киши ҳақидаги қарашлар

Гуноҳи кабира сабабли куфрга ҳукм этилмаслигининг далилларини ўрганишдан олдин гуноҳи кабиралар тўғрисидаги қарашларнинг фарқлари ажратиб олинса, ушбу масалани тушуниш осон бўлади. Бу масалада Аҳли сунна вал-жамоа ва адашган фирқалар орасида қуйидагича фарқлар бўлган:



Аслида бировни кофирга чиқариш ёки бирор мусулмонни динидан қайтиб муртад бўлганига ҳукм қилиш ниҳоят даражада хатарли ишлардан ҳисобланади. Чунки ҳақиқатдан кофир бўлган кимсаларга қаттиқ таҳдидлар келган:

﴿ وَٱلَّذِينَ كَفَرُواْ لَهُمۡ نَارُ جَهَنَّمَ لَا يُقۡضَىٰ عَلَيۡهِمۡ فَيَمُوتُواْ وَلَا يُخَفَّفُ عَنۡهُم مِّنۡ عَذَابِهَاۚ كَذَٰلِكَ نَجۡزِي كُلَّ كَفُورٖ ٣٦ ﴾

“Кофир бўлган кимсаларга эса, шундай жаҳаннам ўти бордирки, на уларга ҳукм қилиниб, ўла олурлар ва на улардан (жаҳаннам) **азоби енгиллатилур. Ҳар бир кофирни мана шундай жазолармиз”**[370]**.**

“Такфир” масаласи ҳақида Мулла Али Қори раҳматуллоҳи алайҳ қуйидагиларни ёзган: “Баъзи адашган фирқалар Қуръон ва суннатга тўғри келмайдиган қарашлари сабабли кишиларни шаҳодат калималарини айтаётган бўлсалар-да, ислом арконларини адо этаётган бўлсалар-да, кофирга чиқаришга уринганлар. Бошқа баъзи фирқалар эса юқоридагилардан мутлақо тескари йўл тутишиб, шаҳодат калималарини талаффуз қилганларни бирор ҳолатда ҳам

[370] Фотир сураси, 36-оят.

куфрга чиқариб бўлмайди, деб ҳисоблашган. Аҳли сунна вал-жамоадагилар эса куфрга чиқаришни мутлақо инкор ҳам қилмайдилар ва ҳар бир гуноҳ туфайли куфрга ҳам ҳукм қилмайдилар, балки аҳли қибла тўғрисида доимо яхши фикрда бўладилар”[371].

Аҳли сунна вал-жамоанинг мазкур масала тўғрисидаги қарашлари ҳақида “Ақидатут Таҳовий” китобида қуйидагилар ёзилган: “Қибламиз аҳлини модомики Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган нарсани эътироф этар эканлар мўмин мусулмон деб атаймиз... банда иймондан ўзини унга киритган нарсани инкор қилиши билангина чиқади”.

Яъни мусулмон киши икки шаҳодат калимасини талаффуз қилиб маъноларига эътиқод қилиш билан Исломга кирса, уларнинг маъноларини инкор қилиш билан исломдан чиқади.

Гуноҳ туфайли куфрга ҳукм этмасликнинг далиллари

Гуноҳи кабираларни содир этганлар қаттиқ гуноҳкор бўлсалар-да, лекин кофир саналмасликларига оятларда ҳам, ҳадисларда ҳам Аллоҳ амрига осий бўлган бандани мўмин деб аталгани энг катта далилдир:

﴿ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ كُتِبَ عَلَيۡكُمُ ٱلۡقِصَاصُ فِي ٱلۡقَتۡلَىۖ ﴾

“Эй иймон келтирганлар! Сизларга ўлдирилган кишилар учун қасос (олиш) **фарз қилинди”[372].**

Бошқа бир оятда эса шундай дейилган:

﴿ وَإِن طَآئِفَتَانِ مِنَ ٱلۡمُؤۡمِنِينَ ٱقۡتَتَلُواْ فَأَصۡلِحُواْ بَيۡنَهُمَاۖ ﴾

“Агар мўминлардан икки тоифа ўзаро урушиб қолсалар, дарҳол улар ўртасини ислоҳ этингиз!”[373].

Ушбу ояти карималарда катта гуноҳларни содир этган кимсалар мўмин деб аталган. Бу эса гуноҳи кабира сабабли мўмин кишининг диндан чиқиб кетмаслигини англатади. Қолаверса, гуноҳи кабира қилганлар диндан чиқиб кофир бўлганларида қасос олиш, ўғрининг қўлини кесиш, зинокорнинг турмуш қургани ё қурмаганига қараб маълум жазо бериш каби шаръий жазоларга ҳожат қолмасди. Балки уларга умумий қилиб диндан чиқиб муртад бўлган кимсаларга бериладиган жазо жорий қилинган бўлар эди. Шу маънода мазкур шаръий жазолар тайин қилинганининг ўзи ҳам мўмин кишининг гуноҳ сабабли иймондан чиқиб кетмаслигига ёрқин далилдир.

Машҳур ватандошимиз Умар Насафий раҳматуллоҳи алайҳ мазкур масала тўғрисида қуйидагиларни ёзган:

---

[371] Мулла Али Қори. Шарҳу имом Али Қори ала китаб алфозил куфр. “Дорул Фазила”, 2002. – Б. 16.
[372] Бақара сураси, 178-оят.
[373] Ҳужурот сураси, 9-оят.

اَلْكَبِيرَةُ لاَ تُخْرِجُ الْعَبْدَ الْمُؤْمِنَ مِنَ الإِيْمَانِ وَلَا تُدْخِلُهُ فِى الْكُفْرِ وَاللَّهُ تَعَالَى لاَ يَغْفِرُ اَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ مِنَ الصَّغَائِرِ وَالْكَبَائِرِ وَيَجُوزُ الْعِقَابُ عَلَى الصَّغِيرَةِ وَالْعَفْوُ عَنِ الْكَبِيرَةِ اِذَا لَمْ يَكُنْ عَنِ اسْتِهْلاَلٍ وَ الاِسْتِهْلاَلُ كُفْرٌ وَ الشَّفَاعَةُ ثَابِتَةٌ لِلرُّسُلِ وَالاَخْيَارِ فِى حَقِّ اَهْلِ الْكَبَائِرِ بِالْمُسْتَفِيضِ مِنَ الاَخْبَارِ وَاَهْلُ الْكَبَائِرِ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ لاَ يُخَلَّدُونَ فِى النَّارِ.

“Катта гуноҳлар мўмин бандани иймондан ҳам чиқармайди, куфрга ҳам киргизмайди. Аллоҳ таоло Ўзига ширк келтиришни кечирмайди, ундан бошқа кичик ва катта гуноҳларни эса хоҳлаган кимсадан кечиради. Кичик гуноҳга жазо бериши ҳам, агар ҳалол ҳисоблашдан бўлмаса, катта гуноҳни афв қилиши ҳам мумкин. Ҳалол санаш куфрдир. Пайғамбарлар ва солиҳ бандаларнинг катта гуноҳ аҳллари тўғрисидаги шафоатлари кўплаб хабарлар билан собитдир. Гуноҳи кабира содир этган мўминлар дўзахда абадий қолдирилмайдилар”.

Мулла Али Қори гуноҳ туфайли куфрга ҳукм қилмаслик тўғрисида қуйидаги иқтибосни келтирган: “Инсонлар икки хил бўладилар:

1. Мўмин одамлар;
2. Кофир одамлар.

Кофир одамлар билиттифоқ дўзахда бўлади. Мўмин одамларнинг ўзлари ҳам икки қисмга бўлинади:

1. Итоаткор одамлар;
2. Осий одамлар.

Итоаткор одамлар билиттифоқ жаннатда бўладилар. Осий одамлар ҳам икки қисмга бўлинади:

1. Тавба қилувчи одамлар;
2. Тавбани тарк этган одамлар.

Тавба қилувчи одамлар билиттифоқ жаннатда бўладилар, тавбани тарк этган одамлар эса Аллоҳ таолонинг хоҳишида бўладилар”[374].

Аммо мазкур гуноҳларнинг куфр ё куфр эмаслиги тўғрисида баҳс-мунозара бўлишининг ўзи ҳам уларнинг нақадар хатарли эканига далолат қилади. Ушбуларга ўхшаш ман этилган ишлардан сақланган бандаларнинг кичик гуноҳлари кечирилиши ваъда қилинган:

﴿ إِن تَجْتَنِبُوا۟ كَبَآئِرَ مَا تُنْهَوْنَ عَنْهُ نُكَفِّرْ عَنكُمْ سَيِّـَٔاتِكُمْ وَنُدْخِلْكُم مُّدْخَلًا كَرِيمًا ﴿٣١﴾ ﴾

“Агар сизлар ман этилган гуноҳларнинг катталаридан сақлансангиз, кичик гуноҳларингизни сизлардан ўчирурмиз ва сизларни роҳатбахш манзил (жаннат)**га киритурмиз”[375].**

---

[374] Мулла Али Қори. Зовъул маолий. – Истанбул: “Дор Саодат”, 1962. – Б. 128.
[375] Нисо сураси, 31-оят.

Яъни бандалар катта гуноҳлардан сақлансалар, кичик гуноҳлари ҳам ўчирилиб жаннатга киритиладилар. Катта гуноҳлардан сақланиш учун эса, аввало уларни яхши билиб олиш лозим.

Гуноҳларнинг турлари

Гуноҳлар икки турга бўлинади.

1. Гуноҳи кабиралар;
2. Гуноҳи сағиралар.

Аллома Тафтазоний раҳматуллоҳи алайҳ “Шарҳу ақоид” китобида қуйидагиларни ёзган: “Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо кабира ва сағира гуноҳларга шундай таъриф берган: “Ҳад тайин қилинган ёки дўзах билан, ё лаънат айтилиши билан, ё ғазаб қилиниши билан таҳдид қилинган ҳар бир гуноҳ гуноҳи кабирадир. Дунёда ҳад тайин қилинмаган, охиратда қўрқитув билан огоҳлантириш берилмаган ҳар бир гуноҳ сағира гуноҳдир”.

Ҳадиси шарифдаларда баъзи гуноҳ ишлар ҳалокатга олиб борувчи энг катта гуноҳи кабира бўлгани сабабли куфр деб номланган.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «سِبَابُ الْمُسْلِمِ فُسُوقٌ وَقِتَالُهُ كُفْرٌ» . مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Мусулмонни ҳақорат қилиш ахлоқсизликдир, у билан уришиш куфрдир”,- дедилар”.

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Мусулмон билаан урушишнинг куфр аталиши бу ишнинг кишини иймондан чиқариб юборадиган куфр бўлмаса-да, энг катта гуноҳлардан эканини билдиради.

ДИНДАН ЧИҚИШНИ НИЯТ ҚИЛГАН КИМСА ҲАҚИДА

46 وَمَنْ يَنْوِ ارْتِدَادًا بَعْدَ دَهْرٍ يَصِرْ عَنْ دِيْنِ حَقٍّ ذَا انْسِلاَلِ

Маънолар таржимаси:

Кимки бирор замондан сўнг муртад бўлишни ния̂т қилса, *(шу лаҳзанинг ўзидаёқ)* ***ҳақ диндан пинҳона чиқиб кетганга айланади.***

Назмий баёни:

Кимки муртадликни ния̂т-қасд этар,
Шу ондаёқ пинҳона ҳақ диндан кетар.

Луғатлар изоҳи:

مَنْ – шарт исм.

يَنْوِ – шарт феъли. Охиридаги ي си ҳазф қилиниши билан мажзум бўлиб турибди. Ния̂т ташдидли نِيَّةٌ ва ташдидсиз نِيَةٌ шаклларида келади, луғатда “қасд қилиш”, “азму қарор қилиш” маънолари англатади.

اِرْتِدَادٌ – луғатда “орқага қайтиш”, “тарк этиш” маънолари англатади. Шу маънода Ислом динидан қайтган киши муртад дейилади.

بَعْدَ – зарф.

دَهْرٍ – калимаси “замон”, “аср”, “узун умр” маънолари англатади.

يَصِرْ – жавоб шартликка кўра жазм бўлиб турибди.

عَنْ – жор ҳарфи مِنْ маъносида келган.

دِيْنِ حَقٍّ – музоф, музофун илайҳ. Ҳақ дин деган сўз билан Ислом динининг сифати баён қилинган.

انْسِلاَلِ – бу масдар бирор жойдан билдирмасдан чиқиб кетишга нисбатан ишлатилади.

Матн шарҳи:

Ушбу матнда Ислом динидан қайтишни ния̂т қилган кимсанинг муртад бўлиши баён қилинган. Бу масала ўта нозик бўлганидан матнда келган ҳар бир калимани диққат билан атрофлича ўрганиб чиқишни тақозо қилади. Муртад бўлишни ния̂т қилса, дейилди. Ния̂т қалбнинг иши бўлганидан аввало қалбда ниятгача бўлган босқичлар ҳам борлигини билиб олишимиз лозим.

Қалбнинг бирор нарсага қандай боғланиши ҳақида Ибн Ҳажар раҳматуллоҳи алайҳ Ибн Аби Жамрадан қуйидаги ривоятни келтирган: қалбга келадиган нарсалар қуйидаги тартибда бўлади:

1. اَلْهَمَّةُ (кўнгилга келиш);
2. اَللَّمَّةُ (истак пайдо бўлиш);
3. اَلْخَطَرَةُ (ўй-фикр келиш);
4. اَلنِّيَّةُ (ния қилиш);
5. اَلإِرَادَةُ (қасд қилиш);
6. اَلْعَزِيمَةُ (азму қарор қилиш).

Яъни дастлаб бирор маъно кўнгилга келади, сўнгра ўша маъно кучаяди, кейин эса у ҳақида турли ўй-фикрлар келади. Ушбу учта босқич банданинг ихтиёридан ташқарида бўлгани учун улар ҳақида банда масъул қилинмайди.

Аммо булардан кейинги ния, қасд қилиш ва азму-қарорлар банданинг ихтиёри билан вужудга келгани учун булар ҳақида банда жавобгар бўлади.

Демак, қайси бир мўмин киши миссионерлар таъсирига тушибми ё бошқа бир сабаблар туфайлими, маълум бир муддатдан кейин қисқа вақт бўлсин ёки кўпроқ вақт бўлсин, ўз ихтиёри билан Исломдан чиқишини ния қилса (Аллоҳ сақласин), келажакда муртад бўлишни ния қилаётган бўлса-да, ўша ондаёқ билдирмай диндан чиқиб кетган ҳисобланади. Чунки Исломни дин деб қабул қилиб, охиратга ишонган ҳар бир мўмин бандага келтирган иймонида собит туриш буюрилган:

﴿ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ ءَامِنُواْ بِٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ وَٱلۡكِتَٰبِ ٱلَّذِي نَزَّلَ عَلَىٰ رَسُولِهِۦ وَٱلۡكِتَٰبِ ٱلَّذِيٓ أَنزَلَ مِن قَبۡلُۚ ﴾

“Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳга, Пайғамбарига, (шу) **Пайғамбарига нозил қилган Китоб** (Қуръон)**га ҳамда илгари нозил қилган Китобга иймон келтирингиз!”**[376]**.**

Яъни иймон келтирганларга қарата яна иймон келтиринг, дея буюрилиши, эй иймон келтирганлар, келтирган иймонингизда собитқадамлик билан бардавом бўлинглар маъносини англатади. Чунки ишонган нарсаси тўғрисида қатъи эътиқодда туриш иймон тақозосидир. Агар банда ушбу қатъи эътиқодига қарши боришни ния қилса, бу нияти қалбидаги тасдиқни йўққа чиқаради, тасдиқни йўққа чиқаришга рози бўлиш эса ўзининг куфрга кетишига рози бўлишдир. Куфрга рози бўлиш эса куфр бўлади. Шунинг учун билиб-билмасдан бундой ишган дучор бўлган кимса дарҳол калимаи шаҳодат қайтариб, тавбага шошилиши лозим бўлади.

[376] Нисо сураси, 136-оят.

Аммо ушбу масаланинг тескариси бундай эмас. Яъни кофир одам бир муддатдан сўнг мўмин бўламан, деб ният қилса, то иймон келтирмагунича куфрдан чиқмайди. Чунки воз кечиш ниятнинг ўзи билан ҳосил бўлади, иш-ҳаракат эса ниятнинг ўзи билан ҳосил бўлмайди. Бунинг мисоли муқимлик билан сафарга ўхшайди, мусофир киши муқимликни ният қилишнинг ўзи билан муқимга айланади, чунки муқимлик сафардан воз кечишдир. Воз кечиш ниятнинг ўзи билан ҳосил бўлади. Муқим киши эса ёлғиз ниятнинг ўзи билан мусофирга айланмайди, у яшаб турган жойидан ажралиб чиққанидан кейин мусофирга айланади. Чунки сафар иш-ҳаракатдир, иш-ҳаракат ёлғиз ниятнинг ўзи билан ҳосил бўлмайди. Ислом иш-ҳаракатдир, шунга кўра мусофир ниятнинг ўзи билан муқимга айланиб қолганидек, мусулмон киши ҳам куфрни ният қилишнинг ўзи билан кофирга айланади. Кофир эса, муқим киши сафарга чиқмагунича, ниятнинг ўзи билан мусофирга айланиб қолмаганидек, то иймонга иқрор бўлмагунича, мўминга айланмайди...”[377].

[377] Мулла Али Қори. Зовъул маолий. – Истанбул: “Дор Саодат”, 1962. – Б. 103.

БЕПАРВОЛИКНИНГ АЯНЧИЛИ ОҚИБАТИ ҲАҚИДА

47 وَلَفْظُ الْكُفْرِ مِنْ غَيْرِ اعْتِقَادٍ بِطَوْعٍ رَدُّ دِيْنٍ بِاغْتِفَالِ

Маънолар таржимаси:

Эътиқод қилмасдан** (бўлса-да) **ўз ихтиёри билан куфр** (сўз)**ни талаффуз қилиш ғафлат билан динни рад этишдир.

Назмий баёни:

Эътиқодсиз ихтиёр-ла куфрни айтиш,
Демишлар: ғафлат-ла ҳақ диндан қайтиш.

Луғатлар изоҳи:

لَفْظُ – мубтадо. Лафз луғатда “чиқармоқ”, “талаффуз қилмоқ” каби маъноларни англатади. Истилоҳда икки хил таъриф берилган:

1. Инсон талаффуз қилган нарса;
2. Талаффуз қилган ё қилмаганидан қатъи назар унинг ҳукмидаги нарса.

الْكُفْرِ – музофун илайҳ.

مِنْ – “табйиния” (фарқлаш) маъносида келган жор ҳарфи.

غَيْرِ – сифат.

اعْتِقَادٍ – жор мажрур لَفْظُ га мутааллиқ.

بِ – “сабабия” маъносидаги жор ҳарфи.

طَوْعٍ – жор мажрур لَفْظُ га мутааллиқ. طَوْعٍ масдари луғатда ихтиёрий равишда бўйунсуниш маъносини ифодалаш учун ишлатилади.

رَدُّ – хабарликка кўра раф бўлиб турибди. Луғатда “қайтариш”, “инкор қилиш” маъноларини англатади.

دِيْنٍ – музофун илайҳ. Дин калимаси луғатда “тоат”, “мукофот” маъноларини англатади. Истилоҳда эса “ақл эгаларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларидаги нарсани қабул қилишга ундайдиган илоҳий қонун – дин деб аталади”.

Ислом дини ва Ислом миллати ўртасидаги фарқ қуйидагичадир:

– Унга итоат этилиш жиҳатидан дин деб номланади, яъни итоат этиладиган илоҳий ҳукмлар Ислом дини дейилади;

– Унга жамланиш жиҳатидан миллат деб номланади, яъни Ислом дини ҳукмларига итоат этувчилар Ислом миллати дейилади.

بِ – “мусоҳаба” (бирга бўлмоқ) маъносидаги жор ҳарфи.

اغْتِفَالِ – жор мажрур رَدُّ га мутааллиқ. اِغْتَفَلَ феъли ғофил ҳолатда эътиқод қилишга нисбатан ишлатилади.

Матн шарҳи:

Халқимизда “Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир” деган ҳикматли сўз бор. Сўфи Аллоҳёр бобомиз тилга ўта эҳтиёт бўлиш лозимлиги ҳақида шундай насиҳат қилганлар:

Ёмон тил икки оламда зарардир,
Гоҳи исён, гоҳи хавфу хатардир.
* * *
Ёмон тил шумлиги ки, жонга ургай,
Гоҳи жондин ўтиб иймонга ургай.

Яъни ёмон тил дунё-ю охиратда кишига зарар етказади. Унинг ёмонлиги гоҳида эгасининг бошига етса, гоҳида диндан чиқишига сабаб бўлади. Эътиқодга тааллуқли сўзларни яхши билмасдан гапириш мумкин эмаслигини ҳар бир мусулмон киши яхши англаши лозимдир. Ўший раҳматуллоҳи алайҳ ихтиёрий равишда куфр сўзини талаффуз қилиш диндан қайтиш эканини айтган. Ушбу баҳсга алоқадор масалалардан бири куфр калимасини мажбуран айтган кишининг иймони тўғрисидаги сўзлардир. Мажбурдан куфр калимасини айтган кишилар ҳақида турли хил қарашлар бор. Қалби иймонга тўлиқ бўлгани ҳолда, рўпарасидаги аниқ ўлимдан қутулиш учунгина ўзини иймондан қайтган қилиб кўрсатиш куфр бўлмаслиги ояти карима билан собит бўлган:

﴿ مَن كَفَرَ بِٱللَّهِ مِنۢ بَعۡدِ إِيمَٰنِهِۦٓ إِلَّا مَنۡ أُكۡرِهَ وَقَلۡبُهُۥ مُطۡمَئِنُّۢ بِٱلۡإِيمَٰنِ وَلَٰكِن مَّن شَرَحَ بِٱلۡكُفۡرِ صَدۡرٗا فَعَلَيۡهِمۡ غَضَبٞ مِّنَ ٱللَّهِ وَلَهُمۡ عَذَابٌ عَظِيمٞ ١٠٦ ﴾

“Ким Аллоҳга иймон келтирганидан кейин (яна қайтиб) **кофир бўлса** (ҳолига вой!) **Лекин кимнинг қалби иймон билан хотиржам ҳолда** (куфр калимасини айтишга) **мажбур қилинса, у мустаснодир. Аммо кимки кўнгилни куфрга очса, бас, у** (каби)**ларга Аллоҳ** (томони)**дан ғазаб ва улкан азоб бордир”**[378]**.**

Яъни кимки иймон келтирганидан сўнг куфр калимасини тилга олса, кимки куфрга рози бўлиб, унга кўксини очса, ундайларга жаҳаннамнинг қаттиқ азоби етади. Аммо қалби иймонга лиммо-лим бўла туриб куфр калимасини айтишга мажбурланганларга бундай азоб бўлмайди. Муфассирлар ушбу ояти каримани

[378] Наҳл сураси, 106-оят.

Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳу ҳақида нозил бўлган, -дейишган. Мушриклар у зотни тутиб азоблашганида у зот қаттиқ зўрланганидан улар хоҳлаётган нарсани мажбур ҳолатда айтиб қўйган. Шунда инсонлар: “Аммор кофир бўлди”, дейишган. Аммор розияллоҳу анҳунинг ўзлари ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига йиғлаб келганда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: “Қалбингни қандай ҳис қиляпсан, деганлар. У иймонга лимо-лимлигини айтган. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: “Агар улар қайтарсалар, сен ҳам қайтаргин”, - деганлар.

Шу ўринда улуғ саҳобалардан бири бўлган Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳунинг таржимаи ҳоли билан танишиб чиқиш фойдадан холи бўлмайди.

Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳунинг таржимаи ҳоли

Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳу Арабистон яриморолидаги Тиҳома номли жойда ҳижратдан 54 ёки 57 йил олдин туғилган. Насаблари Аммор ибн Ёсир ибн Омир ибн Молик ибн Кинона ибн Қайс бўлган.

Бу зот Исломни биринчилардан бўлиб қабул қилганлардан бири бўлиб дастлаб Исломга кирганларнинг еттинчиси ҳисобланади.

Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг яқин саҳобаларидан бўлган. Уҳуд, Аҳзоб, Хайбар, Макка фатҳи ва Ҳунайн ғазотларида иштирок этган.

Отаси Ёсир Ямандан Маккага иш билан келиб шу ерда қолиб кетади. Абу Ҳузайфа ибн Муғийра Махзумийнинг чўриси Сумайяга уйланади ва ундан Аммор розияллоҳу анҳу туғилади.

Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳу узун бўйли, кенг елкали киши бўлган.

Онаси Сумайя бинти Хоййат Исломдаги энг аввал шаҳид бўлган аёл ҳисобланади.

Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳу “Дорул Арқам”да Исломни қабул қилган. Бу зот Исломга кирганидан сўнг отаси Ёсир, онаси Сумайя ва укаси Абдуллоҳлар ҳам мусулмон бўлганлар. Бу оила Исломни қабул қилганлари сабабли Қурайш мушриклари томонидан жуда қаттиқ қийноқларга солинган. Қурайшлик зодагонлар бу оилани қийнаш билан бошқа янги мусулмон бўлганларни ҳам қўрқитиб қўйишмоқчи бўлишган. Махзумийларнинг Ёсир розияллоҳу анҳунинг оиласига қилган қийноқлари ҳақида турли ривоятлар келган. Ҳатто Абу Жаҳл Исломдан қайтишдан бош тортгани учун Сумайяга найза санчади. Ёсирни ҳам ўлдирадилар. Шунга кўра Аммор розияллоҳу анҳунинг ота-онаси Исломдаги дастлабки шаҳидлардан бўлганлар. Уларнинг Аммор розияллоҳу анҳуга қилаётган қийноқлари шу даражага етганки, у қийноқнинг зўридан нима деётганини идрок қила олмайдиган даражага етган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу оила ҳақида **“Сабр қилинглар, Ёсир оиласи, сизларга жаннат ваъда қилинган”,** - деганлар. Мазкур қийноқлардан қолган оловнинг излари Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳунинг юзларида умрининг охиригача билиниб турган. Бу зот ҳақида қуйидаги оят нозил бўлган:

﴿ مَن كَفَرَ بِٱللَّهِ مِنۢ بَعۡدِ إِيمَٰنِهِۦٓ إِلَّا مَنۡ أُكۡرِهَ وَقَلۡبُهُۥ مُطۡمَئِنُّۢ بِٱلۡإِيمَٰنِ وَلَٰكِن مَّن شَرَحَ بِٱلۡكُفۡرِ صَدۡرٗا فَعَلَيۡهِمۡ غَضَبٞ مِّنَ ٱللَّهِ وَلَهُمۡ عَذَابٌ عَظِيمٞ ١٠٦ ﴾

“Ким иймондан сўнг Аллоҳга куфр келтирса, – қалби иймон ила ором топа туриб зўрланганлар бундан мустасно – ким кўксини куфрга очса, бас, уларга Аллоҳдан ғазаб бор. Уларга улкан азоб бор”[379].

Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳу икки марта ҳижрат қилган. Қибла ўзгартирилишдан олдин намозни Байтул мақдисга қараб ўқиган саҳобалардан бири бўлган.

Бадр, Уҳуд ғазотларида қўшиннинг олдинги сафида туриб жанг қилган. “Байъатур ризвон”да ҳам қатнашган. Ямома ғазотида қулоқлари кесилиб кетган.

Кейинчалик Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу бу зотни Куфага волий қилиб тайинлаган.

Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васалламнинг Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳу ҳақларида айтган айрим сўзлари:

– **“Аммор бошидан оёғигача иймон билан тўлдирилган, иймон унинг гўшти ва қонларига аралашиб кетган”;**

– **“Жаннат уч кишига муштоқдир: Алига, Амморга ва Салмонга”;**

– **“Сумайянинг ўғли икки иш ўртасидан албатта тўғрироғини ихтиёр қилади, шунинг учун унинг изидан юринглар”.**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларидан сўнг доимо Али ибн Аби Толиб розияллоҳу анҳунинг ёнларида бўлган.

Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳу ҳижрий 37 йилда Сиффин жангида Али розияллоҳу анҳунинг қўшини сафида жангга кирган ва Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳунинг қўмондонларидан бири бўлган Абу Ғония Жуҳаний томонидан шаҳид этилган.

Сиффин жангида тўқсон ёшдан ошган Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳунинг ўлдирилишлари кўплаб мусулмонларнинг ҳақиқатни англаб етишларига ва Али розияллоҳу анҳунинг ёнларига қайтишларига сабаб бўлган. Чунки жангда қатнашганлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳу ҳақида ***“Амморни ўлдирадиган боғий гуруҳнинг ҳолига вой, бу уларни жаннатга чақиради, улар эса уни дўзахга чақиришади”,*** деган сўзларини билар эдилар. Али розияллоҳу анҳу бу зотнинг жасадларини кўтариб олиб чиқади ва кўпчилик жамоат билан жанозасини ўқиб, кийимлари билан дафн қиладилар.

Аллоҳ таоло бу зотни Ўз раҳматига олиб ётган жойларини жаннат боғларидан қилган бўлсин.

Куфрга мажбурланиш ҳақида сўз кетар экан, мажбурлаш даражалари ва мажбурланган кишининг ҳолатлари борасидаги баҳсларни ўрганиб чиқиш

[379] Наҳл сураси, 106-оят.

зарур бўлади. “Фатовои Қозихон” китобида “Мажбурланган кишига рухсат берилган ва ман этилган ишлар” мавзусида мажбурланган кишиларнинг ҳолатлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Мажбурланган кишига рухсат берилган ва ман этилган ишлар

“Мажбурланган кишига рухсат берилган ва ман этилган ишлар тўрт қисмдир:

1. Мажбур қилинган амалдан бош тортишдан кўра уни бажариш тўғрироқ ҳисобланадиган, бош тортиш сабабли гуноҳкорга айланадиган ишлар;

Масалан, ўлимтик ейишга ё шу каби бирор ҳаром нарсани истеъмол қилишга мажбур қилиниб, агар буюрилган нарсани бажармаса, ўлдирилиши, ё қўли кесиб олиниши, ёки юз қамчи урилиши билдирилса, мажбурланган ишни қилиб ўзини талофатдан қутқариб қолиши тўғрироқ бўлади. Агар мажбурланган ушбу ишни бажармаса ҳалок бўлиши аниқлигини била туриб, бош тортса гуноҳкор бўлади. Аммо билмаса гуноҳкор бўлмайди.

2. Мажбур қилинган амалдан бош тортиш тўғрироқ бўлган, қилмаслик туфайли савобга эга бўладиган, аммо қилиш сабабли гуноҳкор ҳам бўлмайдиган ишлар;

Масалан, Аллоҳ таолога куфр келтиришга мажбур қилиниб, агар куфр келтирмаса ўлдирилиши ё бирор аъзосига талофат етказилиши билдирилса, тил учида айтиб ҳалокатдан қутулиб қолишга рухсат борлигини билса ҳам, бу ишни ўзига эп кўрмасдан бош тортса, савобга эга бўлади. Шунингдек, қутулиб қолиш учун тил учида айтса ҳам гуноҳкор бўлмайди. Аммо ўлдириш ё бирор аъзосига талофат етказиш эмас, кишанлаб қўйиш ё қамаб қўйиш билдирилганда агарчи қалби иймонга лиммо-лим бўлиб турган бўлса-да, тил учида ҳам куфр келтириш мумкин эмас.

3. Мажбур қилинган амалдан бош тортиш туфайли савобга эга бўладиган, уни бажариш сабабли гуноҳкор бўладиган ишлар;

Масалан, мусулмон кишини ўлдиришга ё зино қилишга мажбур қилиниб, агар бажармаса ўлдирилиши билдирилса, жонини берса ҳам бу ишдан ҳазар қилиши туфайли савобга эга бўлади, жонини қутқариш учун шу ишни қилиб қўйса, гуноҳкор бўлади.

4. Мажбурланган ишни қилиш ва қилмаслик баробар бўлган ишлар.

Масалан, бошқанинг молига талофат етказишга мажбурланса, бундай ҳолатда иккала тарафи ҳам баробар бўлиб қолади.

Баён қилинганларнинг барчасида мажбурланаётган киши билдирилаётган нарсанинг қўрқитиш ва пўписа учун айтилмаётганига, амалга ошиши аниқ эканига ишонсагина, мажбурланган ҳукмида бўлади, акс ҳолда бу ҳукмда бўлмайди”[380].

---

[380] Ҳасан ибн Мансур ибн Маҳмуд Ўзгандий. Фатовои Қозихон, тўртинчи жилди. Покистон: “Мактабату Ҳаққония”. – Б. 419.

МАСТНИНГ ГАПИ ҲАҚИДА

48 وَلاَ تَحْكُمْ بِكُفْرٍ حَالَ سُكْرٍ بِمَا يَهْذِي وَيَلْغُوا بِارْتِجَالِ

Маънолар таржимаси:

Мастлик ҳолатида алжираши ва бемаъни гапларни гапириши сабабли куфрга ҳукм қилиб юбормагин.

Назмий баёни:

Маст кимса куфрга ҳукм этилмас,
Ўйламасдан беҳуда алжираган, бас.

Луғатлар изоҳи:

لاَ – наҳий ҳарфи.

تَحْكُمْ – кўплаб нусхаларда لَا يُحْكَمْ бўлиб ғоиб сийғасида келган. Аммо ушбу мухотоб нусхаси мўътабар ҳисобланади.

بِ – зоида жор ҳарфи.

كُفْرٍ – жор ва мажрур мафъулликка кўра насб ўрнида турибди.

حَالَ – зарф, музоф.

سُكْرٍ – музофун илайҳ. Мастлик деганда кишини ақлидан тўсиб турадиган ҳолат тушунилади.

بِمَا – “сабабия” ва “масдария” маъносида келган ҳарфлар.

يَهْذِي – бу феъл “алжираш” маъносидаги هَذَيَانٌ масдаридан олинган.

وَ – мутлақ жамлаш учун келтирилган атф ҳарфи.

يَلْغُوا – бу феъл “бемаъни гапларни гапириш” маъносидаги لَغْوٌ масдаридан олинган.

ارْتِجَالِ – “таёрланмасдан гапириш”, “ўйламасдан гапириш” маъноларини билдиради.

Матн шарҳи:

Ҳаром қилинган ичимликларни истеъмол қилиш гуноҳи кабира бўлиб, унинг дунёдаги зарарларидан бири инсонни айтаётган сўзига парво

қилмайдиган, қилаётган ишларига жавобгарликни ҳис этмайдиган даражага тушириб қўйишидир. Агар бирор кимса ана шундай аянчли ҳолатга тушса, унинг айтаётган сўзлари ҳам бошқалар тарафидан инобатга олиниш даражасидан пастга тушади. Ҳамма унинг айтаётган сўзлари эътиборга олинишга арзимаслигини яхши билади. Аммо ана шундай маст киши шариатда куфр ҳисобланган калимани алжираса-чи, у куфрга ҳукм қилинадими, ё бунда ҳам унинг сўзлари эътиборга олинмайдими? Ўший раҳматуллоҳи алайҳ ана шу масалага жавоб қилиб,

Маст кимса куфрга ҳукм этилмас,
Ўйламасдан беҳуда алжираган бас,

деган. Абдулҳамид Маҳмуд Тоҳмоз “Фиқҳул ҳанафий фи савбиҳил жадид” китобида қуйидагиларни ёзган: “Маст киши диндан қайтса, муртадликка ҳукм қилинмайди. Чунки муртадлик куфрга эътиқод қилиш жиҳатидан ёки дин ҳукмларини арзимас ҳисоблаш жиҳатидан юзага келади. Маст кишида эса, тўлиқ идрок этиш бўлмагани учун, куфрга эътиқод қилиш ҳам, арзимас ҳисоблаш ҳам бўлмайди. Чунки булар идрок этиш билан бўладиган нарсалардир. Ушбу сўз зоҳирий жиҳатдан чиқарилган ҳукмдир. Аммо унинг қалбидан нима ўтаётгани Аллоҳ таолога маълум, агар куфр калимасининг маъносини билиб туриб, қасддан айтган бўлса, кофир бўлади. Агар билмасдан айтиб қўйган бўлса, кофир бўлмайди”[381].

[381] Абдулҳамид Маҳмуд Тоҳмоз. Фиқҳул Ҳанафий фи савбиҳил жадид. – Дамашқ: “Дорул Қалам”, 2009. – Б. 283.

НОМАВЖУДНИНГ “ШАЙ” ЭМАСЛИГИ ҲАҚИДА

49 وَمَا الْمَعْدُومُ مَرْئِيًّا وَشَيْئًا لِفِقْهٍ لاَحَ فِي يُمْنِ الْهِلاَلِ

Маънолар таржимаси:

Номавжуд кўрилган ҳам, “шай” ҳам эмасдир, *(бу маъно)* ***фаҳм учун ҳилолнинг баракасида зоҳир бўлгандир.***

Назмий баёни:

Номавжуд кўрилмас, “шай” ҳам эмас бил,
Ҳилол нурларида зоҳирдир далил.

Луғатлар изоҳи:

مَا –нафий ҳарфи.

الْمَعْدُومُ –нафий ҳарфининг исми. Луғатда “номавжуд” маъносини англатади.

مَرْئِيًّا –нафий ҳарфининг хабари.

شَيْئًا – Сибавайҳ “шай”ни шундай таърифлаган: “Шай – уни билиш ва у ҳақида хабар бериш мумкин бўлган барча нарсадир”.

لِ – “таълилия” (изоҳламоқ) маъносида келган жор ҳарфи.

فِقْهٍ – “фаҳм” ва “далил” маъноларини англатади.

لاَحَ – “кўринди”, “зоҳир бўлди” маъноларидаги мозий феъли.

فِي – “зарфият” маъносида келган жор ҳарфи.

يُمْنِ – “барака” маъносида келган. Жор мажрур لاَحَ феълига мутааллиқ.

الْهِلاَلِ – янги ойнинг аввалида ингичка бўлиб кўрингани уч кунгача “ҳилол” дейилади, ундан кейин то ойнинг охиригача “қомар” дейилади. Чунки هَلَّ феъли “зоҳир бўлди”, “кучайди” маъноларида ишлатилади. Ой янги чиққан пайтда одамларнинг “ой чиқибди” деган овозлари кучайгани учун уч кунгача ҳилол дейилади.

Матн шарҳи:

Ушбу байтда Аллоҳ таолога ҳали вужудга келтирмаган нарсалари кўриниш-кўринмаслиги, ва уларга “шай” дейиш мумкин ё мумкин эмаслиги тўғрисида сўз юритилган.

Ўший раҳматуллоҳи алайҳ мазкур нарсалар тўғрисида Аҳли сунна вал-жамоанинг эътиқоди қандай эканини баён қилган. “Ҳилол нурларида зоҳирдир далил”, маъносидаги деган сўзлари билан мутакаллимлар аниқ баён келмаган ва бирор қоидага ҳам хилоф бўлмайдиган пайтда қўллашадиган қиёсий далилга ишора қилган. “Туҳфатул аолий” китобида бу ҳақида қуйидагилар айтилган: “Ўший ушбу сўзлари билан мутакаллимлар ҳузурида “яширинни кўриниб турганга қўшиш” деб номланадиган далилга ишора қилган. Мутакаллимлар бирор аниқ баён келмаган ва уни қўшишда бирор қоидага хилоф чиқиш ҳам бўлмаган пайтда ушбу далилни ишлатганлар. Далил шуки, ой мавжуд бўлиб турган вақтида кунма-кун нури зиёда бўлиб боради. Ойни номавжуд вақтда кўриб бўлмайди, фақат вужудга келган пайтдагина кўриб бўлади. Шундай экан, ойдан бошқа нарсалар ҳам кўрилишда у каби, балки ундан ҳам авлороқ бўлади. Чунки нур кўриладиган нарсаларнинг энг ёрқинроғидир. Модомики, шундай нурли ой номавжуд ҳолида кўрилмай мавжуд ҳолида кўрилдими, бундан кўришнинг иллати мавжуд бўлиш экани билинади. Худди гувоҳликнинг иллати ўша ерда ҳозир бўлиши шартлиги каби. Мазкур иллат бандаларга зоҳир бўлиб турган нарсаларда шундай бўлганидан кейин, уларга зоҳир бўлмаган нарсаларда ҳам шундай бўлади. Чунки иллатлар зоҳир бўлган ва зоҳир бўлмаган нарсаларда фарқли бўлмайди”[382].

Номавжуднинг нарса деб аталиш ё аталмаслиги ҳам Аҳли сунна вал-жамоа ва мўътазилий фирқаси орасидаги фарқлардан биридир. Мўътазилийлар номавжуд “шай” дейилади, чунки нарсаларнинг “шай”лиги яъни мутлақо борлиги Аллоҳнинг ёрдами билан бўлмайди, балки уларнинг йўқликдан борлиққа чиқарилиши Аллоҳнинг ёрдами билан бўлади, дейишган. Ушбу сўзларига оятдан далил келтиришган:

﴿إِنَّ زَلْزَلَةَ ٱلسَّاعَةِ شَيْءٌ عَظِيمٌ ١﴾

“Албатта, соат (қиёмат) **зилзиласи улкан “шай”** (нарса)**дир”[383].**

Ушбу оятда ҳали вужудга келмаган қиёмат зилзиласи улкан “шай”[384] дейилмоқда, бу эса номавжуднинг “шай” деб аталишига очиқ далилдир, дейишган.

Уларнинг бу қарашларига, қиёмат зилзиласи вужудга келган вақтда улкан “шай” бўлади, Аллоҳ таолонинг илмида унинг вужудга келиши аниқ бўлганидан шу тарзда хабар берилган дея жавоб берилган.

---

[382] Муҳаққиқлар гуруҳи. Туҳфатул аолий. – Миср: “Ахтар босмахонаси”, 1887. – Б. 80.
[383] Ҳаж сураси, 1-оят.
[384] “Шай” калимаси араб тилида икки хил маънода ишлатилади:
1. Масдар исм;
2.Жомид исм.
Масдар исм ҳам икки хил маънода қўлланади:
1. Исм фоил;
2. Исм мафъул.
“Шай”ни исми фоил маъносида Аллоҳ таолога нисбатан қўллаш жоиз ҳисобланади. Исми мафъул маъносида эса жоиз бўлмайди.
“Шай”ни жомид исм деб эътиборга олинганда “мутлақо бор” маъносини ифодалайди.Бу маънода уни бошқа “бор нарсаларга” қараганда Аллоҳ таолога қўллаш ҳақли бўлади.

Имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳ мўътазилийларга раддия қилиб қуйидагиларни ёзган: “Мўътазилийлар: “Номавжуд ҳам “шай” дейилади. Чунки нарсаларнинг “шай” бўлиши Аллоҳнинг ёрдами билан бўлмайди. Балки уларнинг йўқликдан борлиққа чиқарилиши Аллоҳнинг ёрдами билан бўлади”, дейишган. Уларнинг бундай дейишлари махлуқотлар азалда бўлган-у, лекин йўқликдан борлиққа чиқарилмаган, сўнгра борлиққа чиқарилган, деб тасдиқлашга ўхшаб қолади. Бундай тасдиқлаш эса тавҳидни инкор қилиш бўлади”[385].

Мўътазилий фирқасининг мазкур қараши юнон фалсафасидан таъсирланишлари натижасида пайдо бўлган.

[385] Имом Абу Мансур Мотуридий. Китаб Тавҳид. – Байрут: “Дорул кутубил илмия”, 2006. – Б. 64.

ТАКВИЙН СИФАТИ ҲАҚИДА ЭЪТИҚОДИМИЗ

50 وَغَيْرَانِ الْمُكَوَّنُ لاَ كَشَيْءٍ مَعَ التَكْوِينِ خُذْهُ لِإِكْتِحَالِ

Маънолар таржимаси:

Мукавван таквийн билан бир нарса эмас, бошқа-бошқа нарсалардир буни *(ушбу сўзни)* ***кўзга сурма қилиб олгин.***

Назмий баёни:

Мукавван бошқадир, бошқадир таквийн,
Буни сен кўзингга сурмадек олгин.

Луғатлар изоҳи:

غَيْرَانِ –бу калима غَيْرَ нинг тасниясидир. Мубтадосидан олдин келтирилган хабар.

الْمُكَوَّنُ – хабаридан кейин келтирилган мубтадо. Мукавван луғатда “яратилган”, “тузилган” маънолари англатади.

لاَ – маътуфдан ҳукмни нафий қиладиган атф ҳарфи.

كَشَيْءٍ –жумла غَيْرَانِ ни таъкидлаш учун келтирилган.

مَعَ – бу калиманинг исм ёки ҳарф экани тўғрисида нахв олимлари ихтилоф қилганлар. Исм экани ҳақидаги қавл кучлироқ ҳисобланади. Ундан кейин келган исм музофун илайҳликка кўра мажрур бўлади.

التَكْوِينِ – музофун илайҳ. Таквийн феъли сифатларнинг умумий номидир.

خُذْهُ – феъл ва мафъул. Тақдирий اَنْتَ фоили.

لِإِكْتِحَالِ – жор мажрур خُذْهُ га мутааллиқ.

Матн шарҳи:

Таквийн луғатда “пайдо қилмоқ”, “вужудга келтирмоқ” маънолари англатади. Истилоҳда: “Номавжудни йўқликдан борлиққа чиқариш – таквийн деб аталади”.

Демак таквийн деганда Аллоҳ таолонинг нарсаларни йўқликдан борлиққа чиқариши яъни пайдо қилиши тушунилади. Ушбу сифат ҳаётга тааллуқли бўлиши эътиборидан “иҳё” (ҳаётни пайдо қилиш), ўлимга тааллуқли бўлиш эътиборидан “имота” (ўлимни вужудга келтириш), суратга тааллуқли бўлиш

эътиборидан “тасвийр” ва ҳакозо нимага тааллуқли бўлса ўша нарсани пайдо сифати дея номланади. Ушбу сон-саноқсиз сифатларнинг умумий номи таквийн сифати дейилади.

Мотуридия мазабига кўра таквийн сифати Аллоҳ таолонинг азалий сифати ҳисобланади. Бунга нақлий ва ақлий далиллар бор. Нақлий далил:

﴿إِنَّمَآ أَمۡرُهُۥٓ إِذَآ أَرَادَ شَيۡـًٔا أَن يَقُولَ لَهُۥ كُن فَيَكُونُ ٨٢﴾

“Қачон бирон нарсани ирода қилса, Унинг иши “Бўл” демоқликдир, холос. Бас, у нарса бўлур”[386].

Ушбу оятда келган كُنْ Аллоҳ таолонинг таквийн сифати баёнидир. Яъни, ушбу كُنْ амри ك ва ن ҳарфларини айтиш эмас, балки Аллоҳ таолонинг нарсаларни вужудга келтиришининг қисқа ва лўнда баёнидир.

Ақлий далил: Аллоҳ таоло бутун оламнинг мукаввини яъни яратувчисидир. Ушбу “Мукаввин” исми Аллоҳ таолога нисбатан қўлланилади. Бу исм аслида “таквийн” масдаридан иштиқоқ қилиб олинган исми фоилдир. Иштиқоқ қилиб олинган исмни эса бировга фақат унинг масдари унда бўлсагина қўллаш тўғри бўлади. Масалан бировга олим сифатини бериш тўғри бўлиши учун, унда “олим” иштиқоқ қилиб олинган “илм” масдари бўлсагина тўғри бўлади. Шу маънода Аллоҳ таолога “Мукаввин” нисбатини беришнинг ўзи Унда “таквийн” сифати борлигини тақозо қилади.

Таквийн сифати ҳақида Умар Насафий раҳматуллоҳи алайҳ “Ақоидун Насафий”да шундай ёзган:

وَالتَّكْوِينُ صِفَةٌ لِلَّهِ تَعَالَى اَزَلِيَّةٌ وَهُوَ تَكْوِينُهُ لِلْعَالَمِ وَلِكُلِّ جُزْءٍ مِنْ اَجْزَائِهِ لِوَقْتِ وُجُودِهِ وَهُوَ غَيْرُ الْمُكَوَّنِ عِنْدَنَا.

“Таквийн Аллоҳ таолонинг азалий сифатидир. У оламни ва унинг ҳар бир жузъини вужудга келтириш вақтидаги яратишидир. У бизнинг наздимизда мукаввандан бошқадир”.

Ушбу матнларни аллома Тафтазоний бирма-бир батафсил шарҳлаб қуйидагиларни айтган: “Таквийн азалий ва абадий боқий турувчидир. Мукавван эса кейин вужудга келишга тааллуқли бўлиш эътиборидан янгидан пайдо бўлувчидир. Таквийн сифати ҳам худди илм, қудрат ва булардан бошқа қадим сифатлар кабидир. Бу сифатларнинг қадим бўлганлиги сабабли уларга тааллуқли нарсаларнинг ҳам қадим бўлиши келиб чиқмагани каби, таквийн сифатига тааллуқли нарсаларнинг ҳодислиги сабабли таквийн сифатининг ҳам ҳодис бўлиши келиб чиқмайди. Ушбулар бу ҳақида айтилган сўзларнинг таҳқиқидир. Зеро, оламнинг вужудга келиши Аллоҳ таолонинг зотига ёки сифатларидан бир сифатига тааллуқли бўлмаган бўлса, мантиқан Яратувчининг

[386] Ясин сураси, 82-оят.

сифатларини инкор қилиш ва вужудга келадиган нарсаларни вужудга келтирувчидан беҳожат деб билиш юзага келиб қолади. Бу эса мумкин эмас”[387].

Ашъария мазҳабида “таквийн” ҳодис деб қаралган ва унинг ҳодислигига шундай далил келтирилган: "Таквийнни (феълий сифатларни) қадим дейиш, “мукавван” (пайдо қилинган) ҳам қадим дейиш бўлиб қолади. Чунки “Таквийн” бўлгану лекин “мукавван” бўлмаган дейиш худди зарба бўлган-у лекин “мазруб” (зарба берилган) бўлмаган дейишга ўхшаб қолади. Бу эса муҳол нарсадир. Шунинг учун таквийнни ҳодис деб эътиқод қилишимиз керак, - деганлар.

Мотуридийлар бу қарашларига шундай жавоб берганлар: Агар феълий сифатлар ҳодис бўлганида Аллоҳ таолонинг зоти азалда бу сифатлардан холий бўлиб сўнгра улар билан сифатланган бўлар эди. Бу нарса эса У зотда ўзгариш бўлганига далолат қилиб қолади. У зотда ўзгариш бўлиши эса мумкин эмасдир. Шунинг учун “таквийн” қадимдир, унинг “мукавван”га таъсир ўтказиши ҳодисдир, деб эътиқод қилишимиз керак,- деганлар.

Мана шу нуқтада Мотуридийлар ва Ашъарийлар орасидаги фарқ ойдинлашади. Яъни Ашъарийлар “таквийн” деганда “қудрат” ва “ирода” сифатларининг махлуқотларга таъсир ўтказишини назарда туганлар ва ана шу таъсир ўтказишнинг ўзини назарда тутиб уни ҳодис деганлар. Мотуридийлар эса бу сифатнинг борлиги мукавванга таъсир ўтказишдан олдин ҳам мутлақо ибтидосиз бўлганини назарда тутганлар.

Хулоса шуки, агар иккала тарафнинг қадим ё ҳодис деб айтаётган нарсаларида нимани назарда тутаётганлари аниқлаштириб олинса, ўртадаги ихтилоф фақат лафзий экани маълум бўлади.

---

[387] Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳу ақоид. – Миср: “Мактабатул Азҳарий”, 2000. – Б. 69.

РИЗҚ ТУШУНЧАСИ ҲАҚИДА ЭЪТИҚОДИМИЗ

51 وَإِنَّ السُّحْتَ رِزْقٌ مِثْلُ حِلٍّ وَإِنْ يَكْرَهْ مَقَالِي كُلُّ قَالِي

Маънолар таржимаси:

Албатта ҳаром мол агарчи сўзимни барча ёмон кўрувчилар ёқтирмаса ҳам ҳалол молдек ризқдир.

Назмий баёни:

Ҳаром мол ҳалолдек ризқдир бегумон,
Рад этувчи сўзимни кўрса ҳам ёмон.

Луғатлар изоҳи:

إِنَّ – “ҳуруфу мушаббаҳату феъл”дан бири бўлган таъкид ҳарфи.

السُّحْتَ –бу калима إِنَّ нинг исми. Луҳатда “порахўрлик”, “ўғрилик” сингари нопок йўллар билан топилган ҳаром молга нисбатан қўлланилади.

رِزْقٌ – хабар. Ризқ луғатда “ундан манфаат олинган нарса” маъносини англатади.

مِثْلُ – араб тилида бирор нарсани бошқасига ўхшатиш учун نَظِير, شَبِيهَ نَدِيد, مِثْل, كَ,каби бир-бирига яқин маънодаги калималар ишлатилади. Ушбу калималар орасида нозик фарқлар бор:

كَ – фақат баъзи бир сифатларни бошқа сифатларга ўхшатиш учун ишлатилади;

مِثْل – уламолар бу калимани икки хил маънода тушунтирганлар:

1. Мисл – ҳақиқати бир хил нарсалардир. Масалан, инсон инсонга мислдир;
2. Мисл – бир-бирининг ўрнини боса олувчи нарсалардир. Ушбу маънонинг ўзи яна иккига бўлинади:

а) баъзи сифатлари бир-бирига мос келувчи нарсалар;
б) барча сифатлари бир-бирига мос келувчи нарсалар.

Мотуридия мазҳабида биринчи қараш мўътабар ҳисобланади.

شَبِيه – кўп жиҳатлари бир-бирига ўхшаш зотларга нисабатан ишлатилади;

نَظِير – қайсидир жиҳати бир-бирига ўхшаш зотларга нисабатан ишлатилади. Бу калима кўпинча қиладиган ишларининг ҳақиқати ўзаро ўхшаш зотларга нисбатан қўлланилади;

نَدِيد – бир-бирига қарши тура олишда ўзаро ўхшаш зотларга нисбатан ишлатилади.

حِلٍّ – музофун илайҳ. مِثْلُ حِلٍّ калималари رِزْقٌ га сифат.

وَإِنْ –шарт ҳарфи وَ ҳарфи билан бирга وَاِنْ шаклида ишлатилса, “гарчи бўлса ҳам” маъносини англатади.

يَكْرَهْ – мажзум феъли. كَرِهَ феъли ёқимсиз нарсаларга нисбатан ишлатилади.

مَقَالِي – фоилдан олдин келтирилган мафъул.

كُلُّ – фоил. Бу калима саналмишнинг ҳар бирини тўлиқ қамраш учун ишлатиладиган исмдир. Доимо лафзий ёки тақдирий музоф ҳолатда ишлатилади.

قَالِي – бу калима قِلًى (ёмон кўрмоқ) масдаридан олинган исми фоил.

Матн шарҳи:

Ризқ сўзи луғавий жиҳатдан “ризқ”, “кунлик овқат”, “улуш”, “инъом” каби маъноларни англатади. Истилоҳда эса “Аллоҳ таоло жонзотларга етказган ва улар истеъмол қилган нарса ризқ деб аталади”[388].

Дунёдаги ҳамма жонзотларнинг ризқи Аллоҳ таоло томонидан олдиндан белгилаб қўйилган. Сўфи Оллоҳёр бобомизнинг жойлари жаннатда бўлсин, ризқ ҳақида қандай эътиқодда бўлишни қисқа ва лўнда баён қилиб қўйган:

Қидирғон бирла ризқинг қатра тошмас,
Кетар қадринг, қадардин ҳаргиз ошмас.

Белгилаб қўйилган ризқ зиёда ва кам бўлмайди, барча халойиқ ўзига қанча ризқ белгиланган бўлса, ўшани олмасдан қолмайди, албатта, тўлиқ олади. Чунки бу унинг олдиндан белгилаб қўйилган насибасидир:

﴿نَحْنُ قَسَمْنَا بَيْنَهُم مَّعِيشَتَهُمْ فِي ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا﴾

“Уларнинг дунё ҳаётидаги тирикчиликларини ҳам уларнинг ўрталарида Биз тақсимлаганмиз”[389].

Шунга кўра, инсоннинг истеъмол қилган барча нарсаси ҳалол бўлсин, ҳаром бўлсин, ризқи ҳисобланади. Мўътазилий фирқаси ризқ мутлақо Аллоҳ таоло тарафидан ато қилинадиган нарсадир, шу боис У зот ато қилган нарсани ҳаром деб бўлмайди, - дейишган. Бу сўзларига қуйидагича жавоб берилган: ризқ Аллоҳ таоло томонидан ато этилишига нисбатан асло ҳаром дейилмайди, балки

[388] Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳу ақоид. – Миср: “Мактабатул Азҳарий”, 2000. – Б. 93.
[389] Зухруф сураси, 32-оят.

банда уни ман қилинган йўл орқали истемол қилгани ва дунё-ю охиратда унга зарар келтиргани учун ҳаром дейилади. Чунки ҳамма нарса Аллоҳ таолонинг мулки бўлиб, У зот Ўз мулкида хоҳлаган нарсасига ҳукм қилади. Мўътазилийларнинг даъволари нотўғри экани ақлан ҳам собитдир. Яъни агар ҳаромни ризқ дейилмаса, бир инсон узун умри давомида фақат ҳаром йўл билан мол топиб еган бўлса, уларнинг даъволарига кўра ўша одамга Аллоҳ таоло ризқ бермаган бўлиб қолади. Қуръонда эса ўрмалаган жонзот борки, барчасининг ризқи Аллоҳ таоло томонидан ато қилиниши баён қилиб қўйилган:

﴿وَمَا مِن دَآبَّةٍ فِي ٱلۡأَرۡضِ إِلَّا عَلَى ٱللَّهِ رِزۡقُهَا وَيَعۡلَمُ مُسۡتَقَرَّهَا وَمُسۡتَوۡدَعَهَاۚ كُلّٞ فِي كِتَٰبٖ مُّبِينٖ ٦﴾

“Ерда ўрмаловчи бирор нарса (жонзот) **йўқки, унинг ризқи** (таъминоти) **Аллоҳнинг зиммасида бўлмаса!** (У) **унинг қароргоҳини ҳам, оромгоҳини ҳам билур. Ҳаммаси аниқ Китоб** (Лавҳул-маҳфуз)**да** (ёзилган)**дир”**[390]**.**

Яъни инсонларнинг ҳам, бошқа ҳайвонларнинг ҳам, умуман барча жонзотларнинг ризқини Аллоҳ таоло Ўз зиммасига олган. Зеро, Аллоҳ таоло уларнинг Яратувчиси бўлгани каби ризқларини ҳам берувчисидир.

Шу ўринда ҳаром ҳам Аллоҳ таоло томонидан берилган ризқ экан нега уни еган одам жазо олиши керак, деган савол пайдо бўлиши мумкин. Бу саволга жавоб қуйидагича бўлади: ҳаромни еган одам ҳалолни қўйиб, ҳаромни танлагани учун жазоланади. Чунки Аллоҳ таоло мутлоқ ризқни ваъда қилган ва бандаларга уни ҳалол йўл билан топишга буюрган:

﴿يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ كُلُواْ مِمَّا فِي ٱلۡأَرۡضِ حَلَٰلٗا طَيِّبٗا﴾

“Эй одамлар, ердаги ҳалол-пок нарсалардан тановул қилингиз”[391]**.**

Агар банда шайтонга ва нафсу ҳавосига эргашиб, Аллоҳ таоло буюрган ҳалол йўлдан ризқ топишга уринмасдан ҳаром йўлдан топишга уринса, Аллоҳ таоло ўша йўлдан ҳам унга эриштириб қўяверади. Лекин буйруғини бажармасдан ман этилган йўлни танлагани учун жазога гирифтор қилади. Шунга кўра, ҳаром еган банда Аллоҳ таолонинг берган ризқини егани учун эмас, балки У зотнинг буйруғини бажармасдан шайтонга эргашгани учун жазоланади.

Ризқ ҳақидаги масала “Ақоидун Насафий”да қуйидагича баён қилинган:

الْحَرَامُ رِزْقٌ وَكُلٌّ يَسْتَوْفِي رِزْقَ نَفْسِهِ حَلاَلاً كَانَ اَوْ حَرَامًا وَلَا يُتَصَوَّرُ اَنْ لَا يَأْكُلَ اِنْسَانٌ رِزْقَهُ اَوْ يَأْكُلَ غَيْرُهُ رِزْقَهُ.

---

[390] Ҳуд сураси, 6-оят.
[391] Бақара сураси, 168-оят.

“Ҳаром ҳам ризқдир. Ҳамма ўз ризқини ҳалол бўлсин, ё ҳаром бўлсин, тўлатўкис олади. Инсон ўз ризқини ея олмай қолиши ёки бошқа биров унинг ризқини еб қўйиши тасаввур ҳам қилинмайди”.

Яъни Аллоҳ таоло бирор кишига истеъмол қилишни тақдир қилиб қўйган нарсани бошқа биров устамонлик ёки айёрлик билан илиб кетиши мумкин эмас. Ҳар бир киши ўз ризқу насибасини, албатта, олади. Аммо ризқ мулк маъносида қўлланганда, уни бошқалар ҳам олиши мумкин:

﴿ٱلَّذِينَ يُؤۡمِنُونَ بِٱلۡغَيۡبِ وَيُقِيمُونَ ٱلصَّلَوٰةَ وَمِمَّا رَزَقۡنَٰهُمۡ يُنفِقُونَ ٣﴾

“Улар ғайбий хабарларга (пайғамбарим Муҳаммад келтирган хабарларга) **иймон келтирадиган, намозни баркамол ўқийдиган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан** (садақа ва) **эҳсон қиладиганлардир”[392].**

Ушбу оятдаги ризқ қилиб берилган нарсалардан эҳсон қилишлари, уларга мулк қилиб берилган нарсалардан бошқаларга инфоқ-эҳсон қилишлари маъносини англатади.

Ибн Атоуллоҳ Сакандарий раҳматуллоҳи алайҳнинг “Ҳикамул Атоия”да айтган тўғри тафаккур юритган ҳар бир мўмин банданинг қалбини сурурга тўлдиради*:”(Аллоҳ таолонинг) сенга етарлича ризқ бериб, ҳаддингдан ошиб кетишга сабаб бўладиган(нарсалар)ни сендан тўсиб туриши, сенга неъматларни тўлиқ берганидир”.*

Шарҳ: Аллоҳ таолонинг бандага етарлича жисмоний ва руҳий озуқаларни бериб, (банданинг нафси хоҳлаган) баъзи зоҳирий ва ботиний нарсаларни унга ато қилмаслиги аслида унга берилган тўлиқ неъмат ҳисобланади. Чунки тирикчилиги учун етарли нарсани топа олмаслик кишини бандалар олдида хорланишига сабаб бўлса, туғёнга кетказадиган нарсаларнинг ато қилиниши унинг дунёсини ҳам, охиратини ҳам бой беришига сабаб бўлади. Шунинг учун кимга тирикчилигига етарли нарсалар берилмаган бўлса, унга неъматлар тўлиқ қилиб берилган бўлади.

[392] Бақара сураси, 3-оят.

ҚАБР ИМТИҲОНИ ҲАҚИДА ЭЪТИҚОДИМИЗ

52 وَفِي الأَجْدَاثِ عَنْ تَوْحِيدِ رَبِّي سَيُبْلَى كُلُّ شَخْصٍ بِالسُّؤَالِ

Маънолар таржимаси:

Роббимнинг тавҳидидан қабрларда ҳар бир шахс савол билан имтиҳон қилинади.

Назмий баёни:

Ҳар бир шахс қабрга қўйилган замон,
Роббим тавҳидидан бўлар имтиҳон.

Луғатлар изоҳи:

فِي – зарфият маъносида келган жор ҳарфи.

الأَجْدَاثِ – “қабрлар” маъносини англатади. Жор мажрур кейин келадиган سَيُبْلَى феълига мутааллиқдир.

عَنْ تَوْحِيدِ –Жор мажрур السُّؤَالِ га мутааллиқ.

رَبِّي – музофун илайҳ.

سَيُبْلَى – аввалидаги ҳарф музориъ феълининг ҳукмини ҳозирги замондан келаси замонга ўзгартирадиган истиқбол ҳарфи. بَلاَءٌ масдари имтиҳон қилиш маъносини англатади.

كُلُّ– ноиб фоилликка кўра раф бўлиб турибди. Накра исмга изофа бўлиб келгани учун “истиғроқул жинс”ни ифодалайди.

شَخْصٍ – шахс калимаси аслида бирор нарсанинг узоқдан кўринган қорасига нисбатан ишлатилади. Шунингдек бу исм эркак ё аёллигидан қатъи назар барча инсонларга нисбатан тенг ишлатилади.

بِ – “табъийз” (бўлакларга ажратиш) маъносида келган жор ҳарфи.

السُّؤَالِ – жор мажрур سَيُبْلَى феълига мутааллиқ.

Матн шарҳи:

Ҳар бир шахс вафот этиб қабрига қўйилганидан сўнг қабрида ё бирор офат туфайли қабрга кўмилмасдан қолиб кетса, ўша жойда “Роббинг ким?”, “дининг

нима?”, “пайғамбаринг ким?” деган фақат эътиқодга тааллуқли саволлар билан имтиҳон қилинади. Сўфи Оллоҳёр бобомиз айтганидек:

Агар чандики гўрсиз ўлса инсон,
Сўралур, албатта, бешаку нуқсон.
* * *
Агар дарёда ўлсун ё осилсун
Ғазаб этса бани одам на билсун.
* * *
Нечук қилса эрур қодир ва носир
Бу ерда бандасининг ақли қосир.

Яъни инсон денгизда чўкиб кетган ёки ёниб кулга айланган бўлса ҳам, албатта, сўроқ қилинади. Мазкур сўроқ-саволларни Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаганидек амалга оширишига иймон келтириш лозим. Зеро, бунинг қандай содир бўлишини идрок этишга бандаларнинг ақл қуввати етмайди. Шунга кўра жумҳур уламолар қабрдаги саволга жавоб бериш ҳақида умумий қуйидагича эътиқод қилишни айтганлар: сўроқ пайтида маййитнинг руҳи танасига қайтарилади, у саволни тушунади ва унга ўз ақли билан тириклик пайтида қилган амалларига кўра жавоб беради.

Маййитнинг ёнига Мункар ва Накир исмли икки фариштa келиб савол бериши, маййит эса мўмин ё кофирлигидан келиб чиқиб жавоб бериши жуда кўплаб ҳадисларда баён қилинган:

عَنْ أَنَسٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **إِنَّ العَبْدَ إِذَا وُضِعَ فِي قَبْرِهِ وَتَوَلَّى عَنْهُ أَصْحَابُهُ وَإِنَّهُ لَيَسْمَعُ قَرْعَ نِعَالِهِمْ أَتَاهُ مَلَكَانِ فَيُقْعِدَانِهِ فَيَقُولاَنِ مَا كُنتَ تَقُولُ فِي هَذَا الرَّجُلِ لِمُحَمَّدٍ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَمَّا الْمُؤْمِنُ فَيَقُولُ أَشْهَدُ أَنَّهُ عَبْدُ اللهِ وَرَسُولُهُ فَيُقَالُ لَهُ أُنْظُرْ إِلَى مَقْعَدِكَ مِنَ النَّارِ قَدْ أَبَدَّلَكَ اللهُ بِهِ مَقْعَدًا مِنَ الجَنَّةِ ، فَيُرَاهُمَا جَمِيعًا وَأَمَّا الْمُنَافِقُ وَالكَافِرُ فَيُقَالُ لَهُ مَا كُنتَ تَقُولُ فِي هَذَا الرَّجُلِ فَيَقُولُ لَا أَدْرِى كُنْتُ أَقُولُ مَا يَقُولُ النَّاسُ! فَيُقَالُ لَا دَرَيْتَ وَلاَ تَلَيْتَ وَيَضْرِبُ بِمَطَارِقٍ مِنْ حَدِيدٍ ضَرْبَةً فَيَصِيحُ صَيْحَةً يَسْمَعُهَا مَنْ يَلِيهِ غَيْرَ الثَّقَلَيْنِ.** مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **Банда қабрига қўйилиб, кишилар қайтишаётганда, албатта, у кишиларнинг кавушлари овозини эшитиб туради. Шу пайт икки фариштa келиб, уни ўтирғизишади ва: “Бу киши Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида нима дейсан?” – дейишади. Агар мўмин бўлса: “Гувоҳлик бераман, албатта, у Аллоҳнинг бандаси ва элчисидир”, – дейди. Унга: “Дўзахдаги ўрнингга қара. Аллоҳ сени ундан жаннатдаги ўринга алмаштирди”, дейишади ва барчасини кўрсатишади. Агар мунофиқ ва кофир бўлса, унга: “Бу киши ҳақида нима дейсан?” – дейишади. У: “Билмайман. Инсонлар нима десалар, мен ҳам шуни айтардим”, – дейди.**

Унга: “Билмадинг ва эргашмадинг”, дейишиб, темир тўқмоқ билан шундай уришадики, у қаттиқ чинқириб юборади. Унинг чинқириғини инсонлар ва жинлардан бошқа атрофдагиларнинг барчаси эшитади”, – дедилар”. *Муттафақун алайҳ.*

Иймон келтириб, солиҳ амалларни қилган инсонларни Аллоҳ таоло бу дунёда ҳам, охиратнинг дастлабки босқичи бўлган қабрда ҳам собитқадам қилиши ҳақида қуйидаги ривоят келган:

عَنْ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ ﴿ يُثَبِّتُ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ بِٱلْقَوْلِ ٱلثَّابِتِ ﴾ قَالَ **نَزَلَتْ فِي عَذَابِ الْقَبْرِ فَيُقَالُ لَهُ مَنْ رَبُّكَ فَيَقُولُ رَبِّيَ اللَّهُ وَنَبِيِّي مُحَمَّدٌ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَذَلِكَ قَوْلُهُ عَزَّ وَجَلَّ** ﴿ يُثَبِّتُ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ بِٱلْقَوْلِ ٱلثَّابِتِ فِي ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا وَفِي ٱلْأَخِرَةِ ﴾ رَوَاهُ مُسْلِمٌ

Барро ибн Озиб розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилади: “ يُثَبِّتُ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا بِالْقَوْلِ الثَّابِتِ **ояти қабр азоби ҳақида нозил бўлган. Унга: “Роббинг ким” дейилади, у: “Роббим Аллоҳ, Пайғамбарим Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам”, дейди. Ўшандай дейиши У зот азза ва жалланинг: (Аллоҳ иймон келтирганларни дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам устувор Сўз** (иймон калимаси) **билан собитқадам қилур)**[393] (сўзининг исботидир)”- дедилар”. *Муслим ривоят қилган.*

Яъни Аллоҳ таоло иймон келтирган ҳақиқий саодатманд мўмин бандаларни дунёда ҳам “Ла илаҳа иллаллоҳ” калимасини айтиб иймонда собит турадиган, йўлдан адашмайдиган ва ҳар хил фитналарга алданмайдиган қилиб қўяди. Охиратда ҳам, яъни қабрда икки фариштанинг берадиган саволларига ҳам “Ла илаҳа иллаллоҳ” калимасини айтиб, иймонда собит турадиган қилиб қўяди.

[393] Иброҳим сураси, 27-оят.

ҚАБР АЗОБИ ҲАҚЛИГИ БАЁНИ

53 وَلِلْكُفَّارِ وَالْفُسَّاقِ بَعْضٍ عَذَابُ الْقَبْرِ مِنْ سُوءِ الْفِعَالِ

Маънолар таржимаси:

Кофирларга ва баъзи фосиқларга ёмон ишлари туфайли қабр азоби бўлади.

Назмий баёни:

Кофирлару баъзи фосиқ кимсалар,
“қилмиш” учун қабр азобин кўрар.

Луғатлар изоҳи:

لِلْكُفَّارِ – жор ҳарфи اِلَى маъносида келган. Жор мажрур хабари муқаддам. Бу калимадаги الْ “жинсия” маъносида келган.

الْفُسَّاقِ – Бу калимадаги اَلْ “аҳдия”, яъни қайсидир бир бўлагини маърифа қилиш учун келган. Фисқ калимаси ҳақ ва тўғри йўлдан чиқиш маъносини англатади.

بَعْضٍ – бадал. Кўплаб нусхаларда بَعْضٍ нинг ўрнига يُقْضَى келган. Иккала жиҳатда ҳам маъно бир хил чиқади. Лекин таҳқиқларга кўра ушбу нусха мўътабар ҳисобланади.

عَذَابُ – мубтадо. Азоб калимаси луғавий жиҳатдан “ман қилиш” маъносини англатади. Чунки бировга берилган азоб бошқаларни ўшандай жиноят қилишдан ман қилиб тўсиб туради. Шу маънода чучук сувни ҳам عَذْبٌ дейилади. Чунки чучук сув ҳам чанқоқликни тўсади.

الْقَبْرِ – луғавий маъноси عَذَابُ الْقَبْرِ изофасига لِ ёки فِي маъноларини бериш мумкин[394]. Яъни “қабрнинг азоби” ёки “қабрдаги азоб” маъноларини бериш мумкин.

---

[394] Наҳв олимлари музофун илайҳинг жор бўлиш сабабини шундай тушунтирадилар: “Музофун илайҳ қуйидаги муқаддар жор ҳарфларидан бири сабабли мажрур бўлади:

1. Муқаддар لِ ҳарфи. Кўпинча изофада لِ ҳарфи муқаддар бўлади. Масалан, زُرْتُ حَدِيقَةَ الْحيَوَانات аслида حَدِيقَةً لِلْحَيَوانات дир.
2. Муқаддар مِنْ ҳарфи. Музофун илайҳ музофнинг жинсидан бўлса, مِنْ ҳарфи муқаддар бўлади. Масалан, إِشْتَرَيْتُ خَاتَمَ ذَهَبٍ аслида إِشْتَرَيْتُ خَاتَمً مِنْ ذَهَبٍ дир.

مِنْ – “таълийлия” (изоҳлаш) маъносида келган жор ҳарфи.

سُوءِ – “ёмонлик”, “бузуқ” маъноларини англатади.

الْفِعَالِ – музофун илайҳ. Бу калима فِعْلٌ нинг жами бўлиб, бажарувчилари кўп бўлган ишга нисбатан ишлатилади.

Матн шарҳи:

Қабрдаги имтиҳондан ўта олмаган кимсалар хабарларда келгани каби, то қиёмат кунигача қабр азобига гирифтор бўладилар. Қуръонда Фиръавн аҳлининг эртаю кеч оловга кўндаланг қилиниб туришлари хабар берилган:

﴿ فَوَقَىٰهُ ٱللَّهُ سَيِّـَٔاتِ مَا مَكَرُواْۖ وَحَاقَ بِـَٔالِ فِرۡعَوۡنَ سُوٓءُ ٱلۡعَذَابِ ٤٥ ٱلنَّارُ يُعۡرَضُونَ عَلَيۡهَا غُدُوّٗا وَعَشِيّٗاۖ وَيَوۡمَ تَقُومُ ٱلسَّاعَةُ أَدۡخِلُوٓاْ ءَالَ فِرۡعَوۡنَ أَشَدَّ ٱلۡعَذَابِ ٤٦ ﴾

“Ва Фиръавн аҳлини ёмон азоб ўраб олди. У оловдир. Унга эртаю кеч кўндаланг қилинурлар. Соат (қиёмат) **қоим бўлганида эса: “Фиръавн аҳлини энг ашаддий азобга киритинглар”,** (дейилур)”[395]**.**

Муфассирлар ушбу ояти каримадаги оловни муфассирлар, қабр олови ва азоби дейишган. Чунки қиёмат кунининг азоби ояти кариманинг давомида алоҳида баён этилган. Яъни Фиръавн аҳли қиёматгача қабрда азобланади, қиёматда эса ундан ҳам баттар азобга дучор бўлишади. Ўша кунда фаришталарга**: “Фиръавн зодагонларини энг қаттиқ азобга киритингиз!”,** – дейилади.

Шунингдек, зулм қилган кофирларга ҳам охират азобидан бошқа азоб борлиги баён қилинган:

﴿ وَإِنَّ لِلَّذِينَ ظَلَمُواْ عَذَابٗا دُونَ ذَٰلِكَ وَلَٰكِنَّ أَكۡثَرَهُمۡ لَا يَعۡلَمُونَ ٤٧ ﴾

“Албатта, золим (кофир) **бўлган кимсалар учун бундан** (қиёматдан) **илгари** (дунёда) **ҳам азоб**(лар) **бордир. Лекин уларнинг аксарияти** (буни) **билмаслар”**[396]**.**

---

3. Муқаддар فِي ҳарфи. Музофун илайҳ зарф бўлса فِي ҳарфи муқаддар бўлади. Масалан, تَطَلَّبْتُ مِنْهُ بُحُوثَ سَهَرِ اللَّيَالِي аслида سَهَرًا فِي اللَّيَالِي дир.

[395] Ғофир сураси, 45, 46-оятлар.

[396] Тур сураси, 47-оят.

Ушбу ояти каримадаги **“...бундан** (қиёматдан) **илгари** (дунёда) **ҳам азоб**(лар) **бордир...”** маъноси ҳақида ибн Аббос розияллоҳу анҳу: “У қабр азобидир,” – деган.

Мунофиқ кимсанинг то қиёмат кунигача азобланиб туриши кўплаб ҳадисларда баён қилинган:

عَن أَبِي عَن أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **إِذَا قُبِرَ الْمَيِّتُ أَوْ قَالَ أَحَدُكُمْ أَتَاهُ مَلَكَانِ أَسْوَدَانِ أَزْرَقَانِ يُقَالُ لِأَحَدِهِمَا الْمُنْكَرُ وَالْآخَرُ النَّكِيرُ فَيَقُولَانِ مَا كُنْتَ تَقُولُ فِي هَذَا الرَّجُلِ فَيَقُولُ مَا كَانَ يَقُولُ هُوَ عَبْدُ اللَّهِ وَرَسُولُهُ أَشْهَدُ أَنْ لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ فَيَقُولاَنِ قَدْ كُنَّا نَعْلَمُ أَنَّكَ تَقُولُ هَذَا ثُمَّ يُفْسَحُ لَهُ فِي قَبْرِهِ سَبْعُونَ ذِرَاعًا فِي سَبْعِينَ ثُمَّ يُنَوَّرُ لَهُ فِيهِ ثُمَّ يُقَالُ لَهُ نَمْ فَيَقُولُ أَرْجِعُ إِلَى أَهْلِي فَأُخْبِرُهُمْ فَيَقُولاَنِ نَمْ كَنَوْمَةِ الْعَرُوسِ الَّذِي لاَ يُوقِظُهُ إِلاَّ أَحَبُّ أَهْلِهِ إِلَيْهِ حَتَّى يَبْعَثَهُ اللَّهُ مِنْ مَضْجَعِهِ ذَلِكَ وَإِنْ كَانَ مُنَافِقًا قَالَ سَمِعْتُ النَّاسَ يَقُولُونَ فَقُلْتُ مِثْلَهُ لاَ أَدْرِي فَيَقُولاَنِ قَدْ كُنَّا نَعْلَمُ أَنَّكَ تَقُولُ ذَلِكَ فَيُقَالُ لِلْأَرْضِ الْتَئِمِي عَلَيْهِ فَتَلْتَئِمُ عَلَيْهِ فَتَخْتَلِفُ فِيهَا أَضْلاَعُهُ فَلاَ يَزَالُ فِيهَا مُعَذَّبًا حَتَّى يَبْعَثَهُ اللَّهُ مِنْ مَضْجَعِهِ ذَلِكَ.** رَوَاهُ التِّرْمِذِيّ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Қачон маййит қабрга қўйилса,** ё **сизлардан бирларингиз қабрга қўйилса,** -дедилар, **унга икки қора кўк фаришталар келадилар. Бири Мункар, иккинчиси Накир, дейилади. Улар: “Бу киши ҳақида нима дердинг”, – деб сўрашади. У олдин айтган нарсасини айтади: “У Аллоҳнинг бандаси ва Расулидир, гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Унинг бандаси ва Расулидир” – дейди. Улар: “Сенинг шундай дейишингни билардик”, – дейдилар. Сўнгра унинг қабри етмишга етмиш зироъ қилиб кенгайтирилади. Сўнгра ўша жой унинг учун чароғон қилинади. Сўнгра унга: “Ухла”, – дейилади. У: “Аҳлимга қайтиб уларга хабар берай”, – дейди. Улар: “Сен оиласининг энг севимли кишиси уйғотадиган янги уйланган куёвнинг уйқусидек ухлагин”, – дейдилар. У то Аллоҳ таоло уни ўша ётган жойидан қайта тирилтиргунича шундай ётади. Агар мунофиқ бўлса: “Одамларнинг айтаётганларини эшитган эдим, мен ҳам ўшандай деганман, билмайман”, – дейди. Улар: “Биз сенинг шундай дейишингни билардик”, – дейдилар. Бас, ерга: “Унинг устида бирлашгин”, дейилади. Ер унинг устида бирлашади, у ерда унинг қовурғалари аралашиб кетади. У то Аллоҳ таоло уни ўша ётган жойидан қайта тирилтиргунча доимо азобланиб туради”,** – дедилар”. *Термизий ривоят қилган.*

Мўътазилий ва Жаҳмия каби фирқаларнинг қабр азоби тўғрисида нотўғри қарашлари бўлганлиги учун Ўший раҳматуллоҳи алайҳ ушбу масалани алоҳида келтирган. Мазкур далиллар қабр азобини инкор қиладиган барча фирқаларга кескин раддия ҳисобланади.

Баъзи уламолардан қабр азобининг икки турда бўлиши ривоят қилинган:

1. Доимий. Бундай қабр азоби кофирларнинг барчасига ва баъзи осий мўминларга бўлади;

2. Доимий бўлмаган. Баъзи гуноҳкор мўминлардан қабр азоби дуо ва садақа каби ишлар туфайли тўхтатилади.

Қабр азоби ва неъмати ҳақ эканига иймон келтириш лозимлиги Аҳли сунна вал-жамоа иттифоқ қилган масала ҳисобланади. Қабр азобини инкор қилишнинг ҳукми ҳақида икки хил қавл ривоят қилинган:

а) қабр азобини инкор қилган кимса (маънавий) мутавотир хабарларни инкор қилгани учун кофир бўлади;

б) қабр азобини инкор қилган кимса Аҳли сунна вал-жамоадан чиққан бидъатчи бўлади.

Ушбу иккинчи қавл кўпчилик уламолар наздида мўътабар ҳисобланади.

ЖАННАТГА КИРИШ АЛЛОҲНИНГ РАҲМАТИ БИЛАН БЎЛИШИ ҲАҚИДА

54 دُخُولُ النَّاسِ فِي الْجَنَّاتِ فَضْلٌ مِنَ الرَّحْمَنِ يَا أَهْلَ الأَمَالِ

Маънолар таржимаси:

Эй умидвор бандалар, инсонларнинг жаннатларга киришлари Ар-Роҳманнинг фазлидир.

Назмий баёни:

Жаннатга эришмоқ Ар-Роҳман фазли,
Бу муҳим эътиқод, эй умид аҳли.

Луғатлар изоҳи:

دُخُولُ – мубтадо.

النَّاسِ – музофун илайҳ.

فِي – жор ҳарфи إِلَى маъносида келган .

الْجَنَّاتِ –луғатда “дархтзор боғ” маъносини англатади. Жор мажрур دُخُولُ га мутааллиқ.

فَضْلٌ – хабар. Луғатда “марҳамат” ва “мурувват” каби маъноларни англатади.

مِنَ – “табйиния” (уқтириш) маъносида келган жор ҳарфи.

الرَّحْمَنِ – жор мажрур فَضْلٌ га мутааллиқ.

يَا – яқинга ҳам, узоққа ҳам ишлатиладиган нидо ҳарфи.

أَهْلَ الأَمَالِ – музоф мунодо. Луғатда “умидворлар” маъносига тўғри келади.

Матн шарҳи:

Қайси бир инсон жаннатга кирадиган бўлса, албатта, Аллоҳ таолонинг лутфу марҳамати билан кирган бўлади. Шунинг учун У меҳрибон зотнинг фазлу марҳаматидан умидвор бўлиб ҳаракат қилиш лозим.

Жаннатдаги даражалар қилинган амаллар эътиборига кўра эгалланса-да, унга кириш фақат ва фақат Аллоҳ таолонинг фазлу марҳаматига боғлиқ бўлади.

Бу ҳақиқатни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари алоҳида таъкидлаганлар:

عَنْ عَائِشَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ **سَدِّدُوا وَقَارِبُوا وَاعْلَمُوا أَنْ لَنْ يُدْخِلَ أَحَدَكُمْ عَمَلُهُ الْجَنَّةَ وَأَنَّ أَحَبَّ الْأَعْمَالِ إِلَى اللَّهِ أَدْوَمُهَا وَإِنْ قَلَّ.** رَوَاهُ البُخَارِيُّ

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Тўғри бўлинглар, ғулуга кетманглар, билингларки сизлардан бирортангизни амали жаннатга киритмайди, албатта, амалларнинг Аллоҳга севимлироғи оз бўлса-да, давомлироғидир”,** – дедилар”. *Бухорий ривоят қилган.*

Яъни бирор инсон ҳам яхши амаллари кўплиги сабабли ўзининг жаннатга киришини накд қилиб қўя олмайди, балки жаннат фақатгина Аллоҳ таолонинг раҳматига сазовор бўлган бахтли инсонларгагина насиб этади.

Шунинг учун ҳар бир банда Аллоҳ таолонинг раҳматидан умидвор бўлиб яшаши лозим. Қуръони каримда тақводор бандаларнинг жонлари олинаётганда фаришталар уларга салом бериб, жаннат башоратини беришлари баён қилинган:

﴿ٱدۡخُلُواْ ٱلۡجَنَّةَ بِمَا كُنتُمۡ تَعۡمَلُونَ ٣٢﴾

“Қилиб ўтган амалларингиз билан жаннатга кирингиз!” – дерлар”[397].

Ушбу ояти каримадаги ب ҳарфи “сабабия” маъносида бўлса ҳам, “бадалия” маъносида бўлса ҳам, ҳадисда баён қилинган маънога зид бўлиб қолмайди. Агар “сабабия” маъноси бериладиган бўлса, “қилиб юрган яхши ишларингиз сабабли Аллоҳ таолонинг раҳматига сазовор бўлдингиз, жаннатга киринг” деган маъно тушунилади. Агар “бадалия” маъноси бериладиган бўлса, “қилиб юрган яхши ишларингиз бадалига Аллоҳ таолонинг раҳматига сазовор бўлдингиз, жаннатга киринг” бўлади.

Модомики, барча Аллоҳ таолонинг раҳматига сазовор бўлиш билангина жаннатга кирар экан, доимо У зотнинг раҳматидан умид узмай амал қилиб бориш лозим. Аммо умидвор бўлиш билан хом хаёл суришнинг орасини ажратиб олиш керак. Хом хаёл суриш – бирон иш қилмасдан фақатгина “ширин хаёл” суришнинг ўзи бўлса, умидвор бўлишнинг ўзига яраша бир қанча шартлари бор.

Умидвор бўлиш ва хом хаёл суриш орасидаги фарқлар

Умидвор бўлиш ва хом хаёл суриш орасидаги фарқлар ҳақида “Талхийсу шарҳи ақидатит Таҳовия” китобида қуйидагилар айтилган:

“Кимки бир нарсадан умидвор бўлса, унинг умидворлиги бир қанча ишларнинг бўлиши зарурлигини келтириб чиқаради:

1. Умид қилган нарсасига муҳаббатли бўлиши;

[397] Наҳл сураси, 32-оят.

2. Умид қилган нарсасига эришолмай қолишдан қўрқиши;

3. Умид қилган нарсасига эришиш учун имкони борича ҳаракат қилиши.

Ушбуларнинг бирортасига ҳам боғланмасдан, умид қилиш хом хаёл суриш бўлади. Умидворлик ва хом хаёл суриш бошқа-бошқа нарсалардир”[398].

Демак, кимки Аллоҳ таолодан ўзини жаннатга туширишини умид қилаётган бўлса, ўша умид қилгани жаннатга муҳаббатли бўлиши, уни доимо ёдида сақлаши ва унга олиб борадиган йўллардан юриши лозим.

Кимки Аллоҳ таолодан ўзини жаннатга туширишини умид қилаётган бўлса, ўша умид қилгани жаннатга эришолмай қолишидан қўрқиши, ундан ажратиб қўядиган нарсалардан сақланиб юриши лозим.

Кимки Аллоҳ таолодан ўзини жаннатга туширишини умид қилаётган бўлса, ўша умид қилгани жаннатга эришиши учун унга эриштирадиган барча омилларни ишга солиб имкони борича ҳаракат қилиши лозим. Аллоҳ муваффақ қилсин.

---

[398] Муҳаммад Анвар Бадахшоний. Талхийсу шарҳи ақидатит-Таҳовий. – Карачи: “Замзам бабилшарз”, 1415ҳ. – Б. 130.

УЛУҒ ҲИСОБ-КИТОБ БЎЛИШИ ҲАҚИДА

55 حِسَابُ النَّاسِ بَعْدَ الْبَعْثِ حَقٌّ فَكُونُوا بِالتَّحَرُّزِ عَنْ وَبَالِ

Маънолар таржимаси:

Қайта тирилишдан кейин инсонларнинг ҳисоб беришлари ҳақдир, шундай экан *(эй инсонлар)* ***ёмон оқибатдан*** *(қиёматда ёмон ҳисобга йўлиқишдан)* ***сақланишда бўлинглар.***

Назмий баёни:

Қиёматда ҳисоб бўлмоғи аниқ,
Ёмон оқибатдан сақлан, халойиқ.

Луғатлар изоҳи:

حِسَابُ – мубтадо.

النَّاسِ – музофун илайҳ.

بَعْدَ – зарфи замон.

الْبَعْثِ – музофун илайҳ. Луғатда “юбориш”, “жонлантириш”, “уйғотиш” каби маъноларни англатади.

حَقٌّ – хабар. Воқеликнинг берилган ҳукмга мувофиқ бўлиши ҳақ дейилади.

كُونُوا – ноқис феъл, охиридаги واو исми.

بِ – “мажозий зарфият” маъносида келган.

تَّحَرُّز – “сақланиш”, “ўзини асраш” ва “эҳтиёт бўлиш” маъноларини англатади. Жор мажрур كُونُوا нинг хабари эканига кўра насб ўрнида турибди.

عَنْ – مِنْ маъносида келган жор ҳарфи.

وَبَالِ – “зарар”, “ҳалокат” маъноларида бўлиб, ёмон оқибатга олиб борувчи нарсаларга нисбабтан ишлатилади. Жор мажрур تَّحَرُّز га мутааллиқ.

Матн шарҳи:

Байт мазмунидан, эй инсонлар, келажакда ҳисоб-китоб бўлиши ҳақдир, шунинг учун ўткинчи нарсаларга алданиб қолманглар, зиммаларингиздаги

Аллоҳ таолонинг ҳақларини ҳам, инсонларнинг ҳақларини ҳам адо этинглар, агар ҳозир адо этмасангиз, улуғ ҳисоб-китоб кунида бадалини тўлайсизлар, деган маъно тушунилади.

Сўфи Оллоҳёр бобомиз қайта тирилгандан кейинги ҳисоб-китобни қуйидаги содда ва равон сўзлари билан баён қилганлар:

Удур ҳоким нечукким ҳукм қилди,
Тирил дегач ҳама олам тирилди.
* * *
Йиғар маҳшар ерида барча жонни,
Сўрар бандасидин яхши-ёмонни.

Қуръони каримда зарра миқдоричалик яхшилигу ёмонликнинг ҳисоб-китоби бўлиши хабар берилган:

﴿ فَمَن يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ خَيْرًا يَرَهُۥ ۝٧ وَمَن يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ شَرًّا يَرَهُۥ ۝٨ ﴾

“Бас, кимки (дунёда) **зарра миқдорида яхшилик қилган бўлса,** (қиёмат куни) **уни кўрар. Кимки зарра миқдорида ёмонлик қилган бўлса ҳам, уни кўрар”**[399]**.**

Яъни ўша кунда инсонлар ҳисоб-китоб жойидан яхши ва ёмон қилган амалларининг самараларини кўриш учун гуруҳ-гуруҳ бўлиб қўзғаладилар. Тупроқ зарраси вазнидаги яхши амални қилган бўлса, уни ўзининг амаллари ёзилган саҳифада борлигини кўради ва ўшанга лойиқ мукофотни олади. Ибн Аббос розияллоҳу анҳу зарра ҳақида: “Кафтингизни ерга қўйиб кўтарганда унга ёпишган ҳар бир тупроқ заррадир,”- деган.

Ҳисоб-китоб кунида ҳар бир банданинг дунёда қилиб ўтган барча амаллари ёзилган китоб чиқарилади ва ҳамма ўз китобини ўқийди:

﴿ وَكُلَّ إِنسَٰنٍ أَلْزَمْنَٰهُ طَٰٓئِرَهُۥ فِى عُنُقِهِۦ ۖ وَنُخْرِجُ لَهُۥ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ كِتَٰبًا يَلْقَىٰهُ مَنشُورًا ۝١٣ ٱقْرَأْ كِتَٰبَكَ كَفَىٰ بِنَفْسِكَ ٱلْيَوْمَ عَلَيْكَ حَسِيبًا ۝١٤ ﴾

“Биз ҳар бир инсоннинг амалини бўйнига илиб қўйгандирмиз. Қиёмат кунида унга очиқ ҳолда учратадиган китобни (Номаи аъмолини) **чиқариб берурмиз.** (Унга айтилур)**: “Китобингни ўқи! Бугун ўз шахсинг ўзингга қарши етарли ҳисобчидир”**[400]**.**

Яъни ўша кунда қилинган барча яхшию ёмон амаллар соҳибидан асло ажрамайди. Ҳаммага амаллари ёзилган китоб очиқ ҳолатда кўрсатилади. Бу китобда яхши ишлар ҳам, ёмон ишлар ҳам, очиқ-ойдин кўриниб туради,

---

[399] Залзала сураси, 7, 8-оятлар.
[400] Исро сураси, 13, 14-оятлар.

бирортаси ҳам пинҳон қолмайди. Китоб соҳибига, амалларинг ёзилган китобни ўқи! Бугунги кунда қилган амалларингга ўзинг гувоҳлик берасан! Бошқа гувоҳ ё бошқа ҳисобчига муҳтож бўлмайсан, -дейилади.

Қилинган яхши ишларнинг мукофотлари кўпайтириб берилади, ёмон ишларга эса кўпайтирилмасдан жазо берилади:

﴿مَن جَآءَ بِٱلۡحَسَنَةِ فَلَهُۥ عَشۡرُ أَمۡثَالِهَاۖ وَمَن جَآءَ بِٱلسَّيِّئَةِ فَلَا يُجۡزَىٰٓ إِلَّا مِثۡلَهَا وَهُمۡ لَا يُظۡلَمُونَ ١٦٠﴾

“Кимки (бир) **ҳасана** (савобли иш) **қилса, унга ўн баробар** (кўпайтириб ёзилур)**. Кимки** (бир) **ёмон** (гуноҳ иш) **қилса, фақат ўша** (гуноҳ) **миқдорида** (бир гуноҳга яраша) **жазоланур. Уларга ноҳақлик қилинмагай”**[401]**.**

Ушбу ўн баравар ошириб мукофотлаш ҳам аслида кўп мукофот беришнинг энг ози ҳисобланади. Чунки гоҳида етти юз бараварига бериладиган ёки ундан ҳам кўпига бериладиган мукофот берилади. Ёмон амал қилганларга эса қилган ёмонликларидан ошиқча жазо берилмайди, қилган ёмонлигига белгиланган жазонинг ўзигина берилади. Яхши амалларнинг мукофотини кўпайтириб бериш, Аллоҳ таолонинг фазлу марҳамати бўлса, ёмон иш қилганларни қилмишларига яраша жазолаши У зотнинг адолати ҳисобланади.

Шунингдек, кофир жинларнинг ҳам азобга гирифтор этилишини уламолар бир овоздан таъкидлаганлар. Жин сурасида қуйидагича хабар берилган:

﴿وَأَمَّا ٱلۡقَٰسِطُونَ فَكَانُواْ لِجَهَنَّمَ حَطَبٗا ١٥﴾

“Аммо (йўлдан) **озганларга эса, бас, улар жаҳаннамга ўтин бўлувчи кимсалардир”**[402]**.**

Яъни тўғри йўлдан озиб, иймон келтирмаган кофир жинлар, кофир инсонлар каби жаҳаннамга “ўтин” бўладилар.

Аммо мўмин жинларнинг жаннатга киришлари тўғрисида ихтилоф бўлиб, бу ҳақида Бадриддин Шиблий Ҳанафий[403] ўзининг машҳур “Окомул маржон фи аҳкамил жан”[404] китобида тўрт хил сўзни келтирган.

---

[401] Анъом сураси, 160-оят.

[402] Жин сураси, 15-оят.

[403] Бадриддин Шиблий Ҳанафий ҳижрий 712 йилда Дамашқда туғилган. Ҳанафий мазҳабидаги улуғ муҳаддис олимлардан бири бўлган бу зотнинг “Фусул фи аҳвали Расул”, “Кашфул ибҳам бишарҳил аҳкам”, “Нашрул аълам фи аҳкамис салам” ва “Окомул маржан фи аҳкамил жан” каби кўплаб асарлари бўлган. Ҳижрий 796 йилда вафот этган.

[404] “Окомул маржон фи аҳкамил жан” китоби жинларга тааллуқли ҳукмларни баён қилувчи энг мўътабар асарлардан бири ҳисобланади. Унда жинларнинг мавжудлиги, уларнинг синфлари, саҳоба жинлар, мўмин жинларнинг жаннатга киришлари ҳақидаги қарашлар каби ранг-баранг мавзулардаги маълумотлар жамланган. Бадриддин Шиблийдан кейинги олимлар жинлар тўғрисидаги маълумотларни баён этишда, асосан, ушбу китобдан фойдаланишган. “Фатҳул Борий шарҳу Саҳиҳил Бухорий”дек мўътабар китобда ҳам агарчи номи баён қилинмаган бўлса-да, ушбу китобдан иқтибос келтирилган.

Мўмин жинларнинг жаннатга киришлари ҳақидаги қарашлар

“Уламолар мўмин жинларнинг жаннатга киришлари ҳақида тўрт хил қарашни айтганлар:

1. Жумҳур уламолар мўмин жинларни жаннатга киради, деб ҳисоблайдилар. Ушбу қарашни Ибн Ҳазм “Милал” китобида Абу Яъло, Абу Юсуф ва бошқа кўпчиликлардан ривоят қилган;

2. Жинлар жаннатга кирмайдилар, балки унинг атрофида бўладилар. Инсонлар уларни кўрадилар, улар эса инсонларни кўрмайдилар. Ушбу қараш Молик, Шофеъий, Аҳмад, Абу Юсуф ва Муҳаммадлардан ривоят қилинган;

3. Жинлар Аъроф[405] бўладилар;

4. Бу ҳақида ҳеч қандай гап айтмаслик”[406].

Жинлар ва шайтонлар орасидаги фарқлар

Жинлар ва шайтонлар орасидаги фарқлар ҳақида “Ақидатул муъмин” китобида қуйидагилар ёзилган: “ Жинлар икки турли бўлади:

1. Шайтонлар. Буларда ҳеч қандай яхшилик бўлмайди;

2. Жинлар. Булар орасида солиҳлари ҳам, ёмонлари ҳам бўлади.

Жинларнинг ҳолати инсонларга ўхшаш бўлиб, улар орасида хушфеъллари ҳам, бадфеъллари ҳам, мўминлари ҳам, кофирлари ҳам бўлади.

Шайтонлар аслида жинларнинг вакиллари ҳисобланади. Зеро, иблиснинг жинлардан бўлгани Қуръони каримда хабар берилган:

﴿ وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَٰٓئِكَةِ ٱسْجُدُوا۟ لِءَادَمَ فَسَجَدُوٓا۟ إِلَّآ إِبْلِيسَ كَانَ مِنَ ٱلْجِنِّ فَفَسَقَ عَنْ أَمْرِ رَبِّهِۦٓ ﴾

“Эсланг, (Эй Муҳаммад!) **Фаришталарга Одамга сажда қилинг, дейишимиз билан сажда қилдилар. Фақат иблис** (сажда қилмади)**. У жинлардан эди. Бас, Парвардигорининг амрига бўйин сунишдан бош тортди”[407].**

Шайтон илоҳий раҳматдан қувилиб, барча яхшиликлардан кесилгач, мазкур ишлар унинг зурриётларига ҳам мерос бўлиб ўтган. Шунинг учун шайтонларда асло яхшилик бўлмайди, улар фақат ёмонликни биладилар ва доим ёмонликка чақирадилар. Буларнинг ҳолатига илон анча яқин мисол бўла олади. Яъни илондан фақат илон туғилади, илон насли борки, барчаси доим заҳар солиш пайида бўлади. Худди шу сингари, шайтонлардан ҳам фақат шайтонлар

---

[405] “Аъроф – жаннат билан дўзахни ажратиб турадиган девор, арасот. Бу жой жаннатга ҳам, дўзахга ҳам кирмаган, яъни вақти соати келиб, Аллоҳ таоло уларни жаннатга киритгунга қадар маълум муддат турадиган кишиларнинг жойидир”. Қаранг: Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006. – Б. 151.

[406] Бадриддин Шиблий Ҳанафий. Окомул маржон фи аҳкамил жан. – Қоҳира: “Дорул ҳарам литтурос”, 2009. – Б 155.

[407] Каҳф сураси, 50-оят.

туғилади, шайтон насли борки, доим одам болаларини йўлдан уриш пайида бўлади.

Шунингдек, аслида шайтон бўлмаган жин ва инсонлар ҳам ифлос ишларни қилишлари ва туғёнга кетишлари сабабли шайтонга айланиб борадилар. Шайтонга айланганларининг ашаддийлари “Марид” дейилади, янада бундан ҳам ортиқ туғёнга кетганлари “Ифрийт” деб номланади.

Шайтонларнинг васваса қилишлари ҳақида Қуръони каримда шундай хабар берилган:

﴿ وَكَذَٰلِكَ جَعَلْنَا لِكُلِّ نَبِيٍّ عَدُوًّا شَيَٰطِينَ ٱلْإِنسِ وَٱلْجِنِّ يُوحِي بَعْضُهُمْ إِلَىٰ بَعْضٍ زُخْرُفَ ٱلْقَوْلِ غُرُورًا ﴾

“Шунингдек, ҳар бир пайғамбарга инсу жиннинг шайтонларини душман қилиб қўйдик. Улар алдаш мақсадида сохта хушсуханлик билан бир-бирларига васваса қиладилар”[408].

Ушбу оят шайтонларнинг инсонлардан ҳам, жинлардан ҳам бўлишига далолат қилади. Жинларнинг турли бўлиши ҳақида эса уларнинг тилидан ҳикоя тарзда шундай хабар берилган:

﴿ وَأَنَّا مِنَّا ٱلصَّٰلِحُونَ وَمِنَّا دُونَ ذَٰلِكَ كُنَّا طَرَآئِقَ قِدَدًا ﴿١١﴾ ﴾

“Ва албатта, биздан солиҳлар ҳам ва бошқалар ҳам бор. Турли гуруҳлар бўлган эдик”[409].

Ушбу оятда эса жинларнинг ораларида солиҳлари ҳам бўлиши баён қилинган”[410].

---

[408] Анъом сураси, 112-оят.
[409] Жин сураси, 11-оят.
[410] Абу Бакр Жобир Жазоирий. Ақидатул муъмин. – Мадинаи мунаввара: “Мактабатул улум вал ҳикам”, 2009. – Б. 122.

НОМАИ АЪМОЛ БЕРИЛИШИ ҲАҚИДАГИ ЭЪТИҚОДИМИЗ

56 وَتُعْطَى الْكُتْبُ بَعْضًا نَحْوَ يُمْنَى وَبَعْضًا نَحْوَ ظَهْرٍ وَالشِّمَالِ

Маънолар таржимаси:

Номаи аъмоллар баъзиларга ўнг томондан берилади, баъзиларга орқа ва чап томондан *(берилади)***.**

Назмий баёни:

Айримларга номалар келар ўнг қўлдан
Баъзиларга берилар орқа ва сўлдан.

Луғатлар изоҳи:

تُعْطَى – икки мафъулли феъл.

الْكُتْبُ – ноиб фоил биринчи мафъул. كُتْبُ калимаси كِتَابٌ нинг кўплиги бўлиб, аслида, كُتُبٌ дир. Бу ерда назм заруратига кўра كُتْبُ қилиб келтирилган.

بَعْضًا –иккинчи мафъул.

نَحْوَ – наҳв калимасининг бир қанча маънолари бўлиб, бу ерда “томон” маносида келган. Зарфликка кўра насб бўлиб турибди. Қуйидаги байтларда نَحْو калимасининг беш хил маноси баён қилинган: 1. “қасд”; 2. “жиҳат”; 3. “миқдор”; 4. “мисл”; 5. “қисм”.

نَحَوْنَا نَحْوَ دَارِكَ يَا حَبِيبِي
لَقِينَا نَحْوَ أَلْفٍ مِنْ رَقِيبِ
وَجَدْنَاهُمْ جِيَاعاً نَحْوَ كَلْبٍ
تَمَنَّوْا مِنْكَ نَحْوًا مِنْ شَرِيبِ

Эй дўстим, йўл олдик ҳовлинга томон,
Йўлиқдик минг қадар рақибга ҳамон.
Уларнинг ит мисол очлигин билдик,
Бирор қисм ютиминг кутишар ҳар он.

يُمْنَى – “ўнг” маносида бўлиб, тараф ва аъзога нисбатан ишлатилади.

وَبَعْضًا – олдин ўтган بَعْضًا га атф қилинган.

ظَهْر – орқа тараф маъносини билдиради. Масалан, ظَهْرُ الإِنْسَان деганда инсон елкаси ортидан белигача бўлган қисми тушунилади.

الشِّمَالِ – чап тараф маъносини англатади.

Матн шарҳи:

Қиёмат кунида ҳамма маҳшар майдонига тўпланади. Барчага бу дунёда қилган ишлари ёзиб қўйилган китоб – номаи аъмол тарқатилади. Ушбу номаи аъмоллар инсонларнинг ҳаётлари давомида қилган барча ҳатти-ҳаракатлари давомида ёзилган бўлади. Бу ҳақида Қуръони каримда шундай хабар берилган:

﴿وَإِنَّ عَلَيْكُمْ لَحَافِظِينَ ﴿١٠﴾ كِرَامًا كَاتِبِينَ ﴿١١﴾ يَعْلَمُونَ مَا تَفْعَلُونَ ﴿١٢﴾﴾

“Ҳолбуки, сизларнинг устингизда (барча сўзингиз ва ишингизни) **ёдлаб турувчи** (фаришталар) **бор.** (Улар номаи аъмолга) **ёзувчи улуғ зотлардир.** (Улар) **сиз қилаётган ишларни билурлар”**[411]**.**

Яъни инсонларнинг қилаётган амалларини кузатиб, ёзиб турувчи фаришталар бор. Улар Аллоҳ таоло ҳузурида энг ҳурматли фаришталар бўлиб, инсонларнинг талаффуз қилган барча сўзларини ва қилган барча амалларини ёзиб турадилар. Қуртубий ушбу оят ҳақида: “Устиларингизда кузатиб турувчи фаришталар бордир” маъносини англатади, - деган. Ушбу ҳурматли фаришталар инсонлар тарафидан содир бўлган барча яхшию ёмон ишларни билиб турадилар ҳамда қиёмат кунида қилмишларига яраша жазо ё мукофот олишлари учун номаи аъмолларига ёзиб турадилар.

Қиёмат кунида фаришталар барча инсонларни бир жойга тўплаганларидан сўнг ҳар бири билан алоҳида ҳисоб-китоб бошланади. Ҳисоб-китобдан олдин уларга бу дунёда қилган барча ишлари ёзиб қўйилган номаи аъмоллари берилади. Ашаддий кофирларга номаи аъмоллари орқа томондан берилади ва улар уни чап қўллари билан оладилар. Баъзи кофирларга чап томондан берилади.

Тақводор мўминларга ўнг томондан берилади. Тавба қилишга улгурмасдан ўлган фосиқ мўминга номаи аъмоли қайси тарафдан берилиши ҳақида уламолар икки хил қарашда бўлганлар:

– Ўнг тарафдан берилади;

– Бу ҳақида гапирмасликни афзал кўришган.

Ўнг тарафдан берилади, деганлар ҳам қачон берилиши ҳақида ўзаро икки хил гапни айтганлар:

1. Дўзахга киришидан олдин берилади ва бу унинг дўзахда абадий қолмаслиги аломати бўлади;

[411] Инфитор сураси, 10, 12-оятлар.

2. Дўзахдан чиққандан кейин берилади.

Номаи аъмоллари ўнг тарафларидан берилганлар осонгина ҳисоб китобдан сўнг жаннатдаги аҳллари олдига хурсанд ҳолда қайтадилар:

﴿فَأَمَّا مَنْ أُوتِيَ كِتَٰبَهُۥ بِيَمِينِهِۦ ۝٧ فَسَوْفَ يُحَاسَبُ حِسَابًا يَسِيرًا ۝٨ وَيَنقَلِبُ إِلَىٰٓ أَهْلِهِۦ مَسْرُورًا ۝٩﴾

“Бас, кимнинг номаи аъмоли (қиёмат куни) **ўнг томонидан берилса, бас, у осон ҳисоб билан ҳисоб-китоб қилинажак ва** (жанннатга тушган) **ўз аҳли** (оиласи)**га шоду хуррам ҳолда қайтажак”[412].**

Сўфи Оллоҳёр бобомиз ушбу масала тўғрисида қандай эътиқодда бўлиш лозимлиги ҳақида шундай ёзган:

Билур гарчи жамиъи ҳолимизни,
Юборур номайи аъмолимизни.
* * *
Юборса номани раҳмат йўлидин,
Келур нома у қулни ўнг қўлидин.
* * *
Қизил юзлик бўлуб ул ҳам сарафроз
Суюнганидин қилур ул банда овоз.
* * *
Ўқунг номамни эй турғон халойиқ
Келубдур нома ихлосимга лойиқ.

Яъни Аллоҳ таолога барча ҳолатларимиз маълум бўлса-да, амалларимиз ёзилган саҳифаларни юборади. У зотнинг буйруқларини бажариб, раҳматига сазовор бўлганларга амаллари ёзилган саҳифаларни ўнг тарафидан юборади.

Бундай бахтли инсонлар китоблари ўнг томондан берилиши биланоқ ўзларининг абадий бахт-саодатга эришганларини биладилар ва мислсиз хурсандчиликдан қувонч кўз-ёшлари билан энтикишиб: *“Мана, менинг китобимни ўқиб кўринглар! Албатта, мен ҳисоб-китобимга йўлиқишимга ишонардим”,* – дейдилар:

﴿فَأَمَّا مَنْ أُوتِيَ كِتَٰبَهُۥ بِيَمِينِهِۦ فَيَقُولُ هَآؤُمُ ٱقْرَءُوا۟ كِتَٰبِيَهْ ۝١٩ إِنِّى ظَنَنتُ أَنِّى مُلَٰقٍ حِسَابِيَهْ ۝٢٠﴾

“Бас, ўз китоби (номаи аъмоли) **ўнг томонидан берилган киши айтур: “Мана, менинг китобимни ўқингиз! Дарҳақиқат, мен ҳисоботимга рўбарў бўлишимни билар эдим”, – дер”[413].**

---

[412] Иншиқоқ сураси, 7, 9-оятлар.
[413] Ал-Ҳаққоҳ сураси, 19, 20-оятлар.

Аммо кимки Аллоҳга иймон келтирмай, Унинг буйруқларини бажармасдан ўзига берилган фурсатни фақат айшу ишратда яшашга эришиш, гўё дунё лаззатларининг охиригача етиш йўлида сарф қилиб юборган бўлса, унга китоби орқа тарафидан берилади. Китоби орқа тарафидан берилганлар қизиб турган дўзахга кирадилар:

﴿وَأَمَّا مَنْ أُوتِيَ كِتَٰبَهُۥ وَرَآءَ ظَهْرِهِۦ ﴿١٠﴾ فَسَوْفَ يَدْعُوا۟ ثُبُورًا ﴿١١﴾ وَيَصْلَىٰ سَعِيرًا ﴿١٢﴾﴾

“Аммо кимнинг номаи аъмоли орқа томонидан берилса, бас, (ўзига) **ўлим тилаб қолажак ва дўзахда куяжак”[414].**

Баъзиларга китоби чап тарафидан берилади. Бундай кимсалар китоби чап тарафдан берилганнинг ўзидаёқ шарманда бўлганларини биладилар. Олдиндаги даҳшатли азоб-уқубатларни ҳис этганларидан титраб-қақшаб: “*Вой шўрим, кошки менга китобим берилмаса эди*”, – деб қоладилар.

﴿وَأَمَّا مَنْ أُوتِيَ كِتَٰبَهُۥ بِشِمَالِهِۦ فَيَقُولُ يَٰلَيْتَنِي لَمْ أُوتَ كِتَٰبِيَهْ ﴿٢٥﴾ وَلَمْ أَدْرِ مَا حِسَابِيَهْ
﴿٢٦﴾ يَٰلَيْتَهَا كَانَتِ ٱلْقَاضِيَةَ ﴿٢٧﴾ مَآ أَغْنَىٰ عَنِّي مَالِيَهْ ﴿٢٨﴾ هَلَكَ عَنِّي سُلْطَٰنِيَهْ ﴿٢٩﴾﴾

“Энди, китоби чап томонидан берилган кимса эса дер: “Эҳ, қанийди, менга китобим берилмаса ва ҳисоб-китобим қандай бўлишини билмасам! Эҳ, қанийди, ўша (биринчи ўлимим ҳамма ишни) **якунловчи бўлса! Менга мол-мулким ҳам асқотмади. Салтанатим ҳам ҳалок бўлиб мендан кетди”[415].**

Хулоса қилиб айтганда, барчанинг қилган қилмишлари ва ҳолатлари маълум бўлса-да, Аллоҳ таоло уларга номаи аъмолларининг ҳам берилишини ирода қилган. Ушбу номаи аъмолларнинг қандай берилишининг ўзидаёқ яхши инсонларни тақдирлаш кўриниши бор.

---

[414] Иншиқоқ сураси, 10, 12-оятлар.
[415] Ал-Ҳаққоҳ сураси, 25, 29-оятлар.

АМАЛЛАРНИНГ ЎЛЧАНИШИ ВА СИРОТ ҲАҚИДАГИ ЭЪТИҚОДИМИЗ

57 وَحَقٌّ وَزْنُ أَعْمَالٍ وَجَرْيٌ عَلَى مَتْنِ الصِّرَاطِ بِلاَ اهْتِبَالِ

Маънолар таржимаси:

Амалларни тортиб ўлчаш собитдир ва Сирот узра югуриш ҳам *(сиротдан ўтиб кетишга интилиб унга чиқиш олдидан)* ***ҳозирлик кўришсиздир.***

Назмий баёни:

Амаллар ўлчанар, гар ақл етмас,
Сиротда югуришга эпчиллик кетмас.

Луғатлар изоҳи:

حَقٌّ – мубтадосидан олдин келтирилган хабар.

وَزْنُ – хабаридан кейин келтирилган мубтадо. Вазн калимаси луғатда “бирор нарсанинг оғир ё енгиллигини тортиб кўриш” маъносини англатади.

اَعْمَالٍ – музофун илайҳ. “ҳаракат қилишлар” маъносини англатади.

جَرْيٌ – калимаси وَزْنُ га атф қилинган. Луғатда “югурмоқ” маъносини англатади.

عَلَى – “истиъло” маъносида келган жор ҳарфи.

مَتْنِ – луғатда бирор нарсанинг асосий кўриниб турадиган жойига нисбатан ишлатилади. Бу ерда ҳам сиротнинг қадам қўйиладиган жойи маъносида ишлатилган. Жор ва мажрур جَرْيٌ га мутааллиқ.

بِلاَ – жор ҳарфи бўлган بِ ва нафий ҳарфи бўлган لا дан таркиб топган бўлиб, “...дан бошқа”, “...сиз” маъноларини англатади.

اهْتِبَالِ – бу калиманинг “қўлга киритиш”, “чап бериш”, “ғанимат билиш” ва “ҳозирлик кўриш” каби маънолари бўлиб, бу ерда “ҳозирлик кўриш” маъноси ирода қилинган.

Матн шарҳи:

Қиёмат кунида бу дунёда қилинган барча яхшию ёмон амаллар тортиб ўлчанади. Гарчи барчанинг ҳоли маълум бўлса-да, амалларнинг тортиб ўлчанишини Аллоҳ таоло ирода қилган. Сўфи Оллоҳёр бобомиз айтганидек:

Билур Тангри агарчи ҳолимизни,
Тарозуга солур аъмолимизни.
* * *
Қилур огоҳ қулин қилмишлариға
Етушмас ақл эгамнинг ишлариға.

Яъни Аллоҳ таолога махфий бирор амалимиз бўлмаса ҳам, амалларимизни ўлчаттириб, бандаларнинг қилмишларини ўзларига билдириб қўяди.

Қуръони каримда амалларнинг тортиб ўлчаниши ҳақлиги баён қилинган:

﴿وَٱلْوَزْنُ يَوْمَئِذٍ ٱلْحَقُّ ۚ فَمَن ثَقُلَتْ مَوَٰزِينُهُۥ فَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُفْلِحُونَ ﴿٨﴾ وَمَنْ خَفَّتْ مَوَٰزِينُهُۥ فَأُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ خَسِرُوٓا۟ أَنفُسَهُم بِمَا كَانُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَا يَظْلِمُونَ ﴿٩﴾﴾

“Ўша куни вазн (амалларнинг тарозида тортилиши) **ҳақиқатдир. Кимнинг мезонлари** (амаллари) **оғир келса, айнан ўшалар нажот топувчилардир. Кимнинг мезонлари** (амаллари) **енгил келса, ана ўшалар оятларимизга зулм** (инкор) **қилганлари сабабли, ўзларига зиён қилганлардир”**[416]**.**

Ўша кунда баъзи инсонлар ҳисоб-китоб қилинмасдан жаннатга кирадилар. Уларнинг сифатлари қуйидаги ҳадисда келган:

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ **يَدْخُلُ الْجَنَّةَ مِنْ أُمَّتِي سَبْعُونَ أَلْفًا بِغَيْرِ حِسَابٍ هُمْ الَّذِينَ لَا يَسْتَرْقُونَ وَلَا يَتَطَيَّرُونَ وَعَلَى رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ.** رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Жаннатга умматимдан етмиш мингтаси ҳисобсиз киради. Улар: Афсун қилишни сўрамайдиганлар, қушлардан шумланмайдиганлар ва Роббиларига таваккал қиладиганлардир”,** – дедилар”. *Бухорий ривоят қилган.*

Баъзилари эса бирма-бир қаттиқ ҳисоб-китоб қилиниб, омонат қилиб берилган нарсаларни нималарга сарфлаганларидан сўралмагунларигача жойларидан қимирлай олмайдилар:

عَنْ أَبِي بَرْزَةَ الأَسْلَمِيِّ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **لَا تَزُولُ قَدَمَا عَبْدٍ يَوْمَ الْقِيَامَةِ حَتَّى يُسْأَلَ عَنْ عُمُرِهِ فِيمَا أَفْنَاهُ وَعَنْ عِلْمِهِ فِيمَ فَعَلَ وَعَنْ مَالِهِ مِنْ أَيْنَ اكْتَسَبَهُ وَفِيمَ أَنْفَقَهُ وَعَنْ جِسْمِهِ فِيمَ أَبْلَاهُ.** رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ

Абу Барза Асламий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Қиёмат кунида банданинг қадамлари то**

[416] Аъроф сураси, 8, 9-оятлар.

умрини нимага сарфлаганидан, илми билан нима амал қилганидан, молини қаердан топиб қаерга сарфлаганидан, жисмини ниманинг йўлида ҳоритганидан сўралмагунича жойидан жилмайди”, – дедилар”. *Термизий ривоят қилган.*

Қаттиқ ҳисоб-китоб қилинган кимсалар эса азобга учрашлари аниқ бўлиб қолади.

حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ أَبِي مُلَيْكَةَ حَدَّثَنِي الْقَاسِمُ بْنُ مُحَمَّدٍ حَدَّثَتْنِي عَائِشَةُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ **لَيْسَ أَحَدٌ يُحَاسَبُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِلاَّ هَلَكَ** فَقُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَلَيْسَ قَدْ قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: ﴿فَأَمَّا مَنْ أُوتِيَ كِتَٰبَهُۥ بِيَمِينِهِۦ ۝٧ فَسَوْفَ يُحَاسَبُ حِسَابًا يَسِيرًا ۝٨﴾ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **إِنَّمَا ذَلِكِ الْعَرْضُ وَلَيْسَ أَحَدٌ يُنَاقَشُ الْحِسَابَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِلاَّ عُذِّبَ.** رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Бизларга Абдуллоҳ ибн Абу Мулайка гапириб берди, у менга Қосим ибн Муҳаммад гапириб берди деган, у эса менга Оиша гапириб берди деган: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Қиёмат кунида ким ҳисоб-китоб қилинса, ҳалок бўлибди”,** – дедилар. Шунда мен: “Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ таоло: (**Аммо кимнинг китоби ўнг тарафидан берилса. Тезда, осонгина ҳисоб қилинур),** демаганми”, – дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“У нарса кўрсатишдир. Қиёмат кунида ҳисоб-китобда муҳокама қилинган бирор кимса, албатта, азобланмасдан қолмайди”,** – дедилар”. *Бухорий ривоят қилган.*

Тарозида ўлчанадиган нарсалар

Тарозида ўлчанадиган нарса амалларми, амаллар ёзилган саҳифаларми ёки улардан бошқа бирор нарса бўлиши тўғрисида турли хил қарашлар бор. Бу қарашлар ҳақида доктор Аҳмад Фариднинг “Баҳрур Роиқ” китобида қуйидаги маълумотлар келган: “Тарозида тортиб ўлчанадиган нарсалар тўғрисида тўрт хил сўз бор:

1. Бажарилган амаллар тортиб ўлчанади; яъни бандаларнинг хатти-ҳаракатлари мужассам қилиниб тарозига қўйилади. Ояти каримада қилинган яхши-ёмон амаллар зарра миқдорида бўлса ҳам кўрилиши баён қилинган:

﴿فَمَن يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ خَيْرًا يَرَهُۥ ۝٧ وَمَن يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ شَرًّا يَرَهُۥ ۝٨﴾

“Бас, кимки (дунёда) **зарра миқдорида яхшилик қилган бўлса,** (қиёмат куни) **уни кўрар. Кимки зарра миқдорида ёмонлик қилган бўлса ҳам, уни кўрар”**[417]**.**

Ҳадиси шарифда айтилган калиманинг тарозида оғир келиши хабар берилган:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **كَلِمَتَانِ خَفِيفَتانِ على اللِّسانِ، ثَقِيلَتَانِ فِي الْمِيزَانِ حَبِيبَتَانِ إِلى الرَّحْمَنِ سُبْحَانَ اللَّهِ وَبِحَمْدِهِ، سُبْحَانَ اللَّهِ الْعَظِيمِ.** رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Икки калима борки, улар тилга енгил, тарозида оғир, ар-Роҳманга севимлидир, “Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи, Субҳаналлоҳил азийм”,** – дедилар”. *Бухорий ривоят қилган.*

2. Амаллар ёзилган саҳифалар тортиб ўлчанади; яъни тарозида бандаларнинг номаи аъмоллари тортиб ўлчанади. Бунга қуйидаги ҳадисда ишора бор:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرِو بْنِ الْعَاصِ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **إِنَّ اللَّهَ سَيُخَلِّصُ رَجُلاً مِنْ أُمَّتِي عَلَى رُؤُوسِ الْخَلاَئِقِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَيَنْشُرُ عَلَيْهِ تِسْعَةً وَتِسْعِينَ سِجِلاًّ كُلُّ سِجِلٍّ مِثْلُ مَدِّ الْبَصَرِ ثُمَّ يَقُولُ أَتُنْكِرُ مِنْ هَذَا شَيْئًا أَظَلَمَكَ كَتَبَتِي الْحَافِظُونَ فَيَقُولُ لاَ يَا رَبِّ فَيَقُولُ أَفَلَكَ عُذْرٌ فَيَقُولُ لاَ يَا رَبِّ فَيَقُولُ بَلَى إِنَّ لَكَ عِنْدَنَا حَسَنَةً فَإِنَّهُ لاَ ظُلْمَ عَلَيْكَ الْيَوْمَ فَتَخْرُجُ بِطَاقَةٌ فِيهَا أَشْهَدُ أَنْ لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللَّهُ وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ فَيَقُولُ احْضُرْ وَزْنَكَ فَيَقُولُ يَا رَبِّ مَا هَذِهِ الْبِطَاقَةُ مَعَ هَذِهِ السِّجِلاَّتِ فَقَالَ إِنَّكَ لاَ تُظْلَمُ قَالَ فَتُوضَعُ السِّجِلاَّتُ فِي كَفَّةٍ وَالْبِطَاقَةُ فِي كَفَّةٍ فَطَاشَتْ السِّجِلاَّتُ وَثَقُلَتْ الْبِطَاقَةُ فَلاَ يَثْقُلُ مَعَ اسْمِ اللَّهِ شَيْءٌ.** رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Аллоҳ таоло умматимдан бир кишини халойиқнинг кўз ўнгида халос қилади. Унинг зарарига гувоҳлик берадиган тўқсон тўққизта рўйхатни ёйиб қўяди. Ҳар бир рўйхат кўз етадиган жойдек бўлади. Сўнгра унга: “Булардан бирортасини инкор қиласанми, сенга менинг сақловчи ёзувчиларим зулм қилибдиларми”, – дейди. У: “Йўқ, эй Роббим”, – дейди. Унга: “Бирор узринг борми”, – дейди. У: “Йўқ, эй Роббим”, – дейди. Шунда унга: “Ҳа, бизнинг ҳузуримизда сенинг битта хайрли ишинг бор, бугун сенга ҳеч қандай зулм йўқ”, – дейди. Сўнгра бир ёрлиқ чиқади, унда “Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир ва гувоҳлик бераманки, Муҳаммад Унинг бандаси ва элчисидир”, деган ёзув бўлади. Унга: “Ўлчовинга кел”, – дейди. У: “Шунча рўйхатлар олдида бу ёрлиқ нима ҳам бўларди”, – дейди. Унга: “Сен зулм**

[417] Залзала сураси, 7, 8-оятлар.

қилинмайсан”, – дейди. Рўйхатлар бир паллага, ёрлиқ бир паллага қўйилади. Рўйхатлар енгил, ёрлиқ оғир келади. Аллоҳнинг исмига бирор нарса баробар келолмайди”, –дедилар”. *Термизий ривоят қилган.*

Шарҳ: “Тортиб ўлчанадиган нарса ёки амаллар битилган рўйхатлар бўлиб, ҳолатларга қараб турли хил бўлади, ёки Аллоҳ таоло қилинган ишларни ва сўзларни жисм ҳолига келтиради сўнгра улар тортиб ўлчанади. Тоат-ибодатлар оғир, гуноҳ-маъсиятлар енгил келади. Тоат-ибодатларнинг оғир келиши уларни дунёда бажариш оғир бўлгани учун бўлса, маъсиятларнинг енгиллиги уларни дунёда бажариш кишига енгил бўлгани учундир. Шунинг учун ҳам: “Жаннат қийинчиликлар билан ўралган, дўзах шаҳватлар билан ўралган”, - дейилган”[418].

3. *Амалларнинг савоби тортиб ўлчанади;* бу ҳақида қуйидаги ҳадисда ишора бор:

عَنْ زَيْدٍ أَنَّهُ سَمِعَ أَبَا سَلاَّمٍ يَقُولُ حَدَّثَنِي أَبُو أُمَامَةَ الْبَاهِلِيّ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ **اقْرَأُوا الْقُرْآنَ فَإِنَّهُ يَأْتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ شَفِيعاً لأَصْحَابِهِ اقْرَأُوا الزَّهْرَاوَيْنِ الْبَقَرَةَ وَسُورَةَ آلِ عِمْرَانَ فَإِنَّهُمَا تَأْتِيَانِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ كَأَنَّهُمَا غَمَامَتَانِ أَوْ كَأَنَّهُمَا غَيَايَتَانِ أَوْ كَأَنَّهُمَا فِرْقَانِ مِنْ طَيْرٍ صَوَافَّ تُحَاجَّانِ عَنْ أَصْحَابِهِمَا.** رَوَاهُ مُسْلِمٌ

Зайддан ривоят қилинади, у Абу Салломнинг менга Абу Умома Боҳилий гапириб берди деяётганини эшитган. У айтганки: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“Қуръон ўқинглар, чунки у қиёмат кунида ўз соҳибларига шафоатчи бўлиб келади, икки нур сочувчини, Бақара ва Оли Имрон сураларни ўқинглар, чунки бу иккаласи қиёмат кунида гўё икки булут каби, ёки гўё икки баланд соябон каби, ёки гўё саф тортган икки қуш тўдаси каби келадилар. Иккалалари ўз соҳибларининг тарафини олиб тортишадилар”,** деётганларини эшитдим”. *Муслим ривоят қилган.*

Термизий раҳматуллоҳи алайҳ: “Соҳибларининг тарафини олиб тортишадилар”, дегани қироатларининг савоблари келтирилади маъносини англатади,” – деган.

4. Амал қилувчининг ўзи тортиб ўлчанади. Қуйидаги ҳадисда бунга далил бор:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ **إِنَّهُ لَيَأْتِي الرَّجُلُ الْعَظِيمُ السَّمِينُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لاَ يَزِنُ عِنْدَ اللَّهِ جَنَاحَ بَعُوضَةٍ وَقَالَ اقْرَءُوا** ﴿فَلَا نُقِيمُ لَهُمْ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ وَزْنًا ١٠٥﴾. اَخْرَجَهُ الْبُخَارِيُّ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Қиёмат кунида катта семиз киши келади, Аллоҳ таолонинг ҳузурида пашшанинг қанотичалик ҳам вазни бўлмайди,** дедилар-да, **(Бас, Биз Қиёмат кунида улар учун ҳеч қандай вазнни қоим**

[418] Муҳаммад ибн Абдурраҳмон Муборакфурий. Туҳфатул Аҳвазий. “Мактабатуш шомила”. – Б. 380.

қилмасмиз!) [419] **оятини ўқинглар”,** деб қўшиб қўйдилар”. *Бухорий ривоят қилган.*

Мазкур далиллар умумлаштирилса, уларнинг бир-бирларига зид эмаслиги, амал қилувчи ҳам, унинг амали ҳам ва амаллари ёзилган саҳифалар ҳам барчаси тортиб ўлчаниши келиб чиқади”[420].

Сўфи Оллоҳёр бобомиз қиёмат тарозуси ҳақида қандай эътиқод қилишни осонгина тушунтириб қўйган:

Тарозу борига иқроримиз бор,
Нечук эрканига не коримиз бор.
* * *
Илоҳи, қил оғир мезонимизни,
Саломат тут бизнинг иймонимизни.

Яъни тарозининг қандай эканини билишга уриниб ўзимизни қийнамаймиз, балки унинг ҳақлигига иймон келтириб, “эй Роббимиз, амалларимизни тарозида оғир қилгин”, – дея дуо қилиб борамиз.

Ўший раҳматуллоҳи алайҳ сўзларининг давомида тарозидан сўнг барча халойиқнинг сирот кўпригига юзланишларига ишора қилганлар. Сирот дўзах устига қурилган узун кўприк бўлиб, ундан ўта олган инсонлар жаннатга эришадилар. Аммо Сиротдан югуриб ўтиб кетиш барчага ҳам насиб этмайди. Ҳамма ўзининг қилган амалига яраша кимдир тез, кимдир секин, кимдир судралиб зўрға ўтиб олса, кимдир унинг тагидаги дўзахга қулаб тушади. Абу Ҳурайра ва Абу Рибъий розияллоҳу анҳумолардан ривоят қилинган ҳадисда сиротдан ўтиш ҳолатлари тасвирланган:

عَن أَبِي هُرَيْرَةَ وَأَبُو رِبْعِيٍّ عَن حُذَيْفَةَ قَالاَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **يَجْمَعُ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى النَّاسَ فَيَقُومُ الْمُؤْمِنُونَ حَتَّى تُزْلَفَ لَهُمْ الْجَنَّةُ فَيَأْتُونَ آدَمَ فَيَقُولُونَ يَا أَبَانَا اسْتَفْتِحْ لَنَا الْجَنَّةَ فَيَقُولُ وَهَلْ أَخْرَجَكُمْ مِنْ الْجَنَّةِ إِلَّا خَطِيئَةُ أَبِيكُمْ آدَمَ لَسْتُ بِصَاحِبِ ذَلِكَ اذْهَبُوا إِلَى ابْنِي إِبْرَاهِيمَ خَلِيلِ اللَّهِ قَالَ فَيَقُولُ إِبْرَاهِيمُ لَسْتُ بِصَاحِبِ ذَلِكَ إِنَّمَا كُنْتُ خَلِيلًا مِنْ وَرَاءَ وَرَاءَ اعْمِدُوا إِلَى مُوسَى صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الَّذِي كَلَّمَهُ اللَّهُ تَكْلِيمًا فَيَأْتُونَ مُوسَى صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَيَقُولُ لَسْتُ بِصَاحِبِ ذَلِكَ اذْهَبُوا إِلَى عِيسَى كَلِمَةِ اللَّهِ وَرُوحِهِ فَيَقُولُ عِيسَى صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَسْتُ بِصَاحِبِ ذَلِكَ فَيَأْتُونَ مُحَمَّدًا صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَيَقُومُ فَيُؤْذَنُ لَهُ وَتُرْسَلُ الْأَمَانَةُ وَالرَّحِمُ فَتَقُومَانِ جَنَبَتَيْ الصِّرَاطِ يَمِينًا وَشِمَالاً فَيَمُرُّ أَوَّلُكُمْ كَالْبَرْقِ قَالَ قُلْتُ بِأَبِي أَنْتَ وَأُمِّي أَيُّ شَيْءٍ كَمَرِّ الْبَرْقِ قَالَ أَلَمْ تَرَوْا إِلَى الْبَرْقِ كَيْفَ يَمُرُّ وَيَرْجِعُ فِي طَرْفَةِ عَيْنٍ ثُمَّ كَمَرِّ الرِّيحِ ثُمَّ كَمَرِّ الطَّيْرِ وَشَدِّ الرِّجَالِ تَجْرِي بِهِمْ أَعْمَالُهُمْ وَنَبِيُّكُمْ قَائِمٌ عَلَى الصِّرَاطِ يَقُولُ رَبِّ سَلِّمْ سَلِّمْ حَتَّى تَعْجِزَ أَعْمَالُ الْعِبَادِ حَتَّى يَجِيءَ الرَّجُلُ فَلاَ يَسْتَطِيعُ السَّيْرَ إِلاَّ زَحْفًا قَالَ وَفِي**

---

[419] Каҳф сураси, 105-оят.
[420] Доктор Аҳмад Фарид. Бахрур-Роиқ. – Искандария: “Дорул Мажд”, 2009. – Б. 278.

حَافَتَيْ الصِّرَاطِ كَلاَلِيبُ مُعَلَّقَةٌ مَأْمُورَةٌ بِأَخْذِ مَنْ أُمِرَتْ بِهِ فَمَخْدُوشٌ نَاجٍ وَمَكْدُوسٌ فِي النَّارِ وَالَّذِي نَفْسُ أَبِي هُرَيْرَةَ بِيَدِهِ إِنَّ قَعْرَ جَهَنَّمَ لَسَبْعُونَ خَرِيفًا. رَوَاهُ مُسْلِمٌ

Абу Ҳурайра ва Абу Рибъий розияллоҳу анҳулар Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Аллоҳ табарока ва таоло инсонларни жамлайди, мўминлар жаннатга яқин жойда турадилар. Улар Одам алайҳиссаломнинг ёнларига келишади ва: “Эй отамиз, бизларга жаннатни очишни сўраб беринг”, – дейишади. У: “Сизларни жаннатдан отангиз Одамнинг хатоси чиқармадими, мен бунга эга эмасман, сизлар ўғлим Иброҳим Халилуллоҳнинг ёнига боринглар”, – дейди. У зот дедилар: “Иброҳим мен бунга эга эмасман, бундай юксак даражадаги халил бўлмаганман. – Сизлар Аллоҳ таолонинг Ўзи унга мутлақ гапирган Мусо соллаллоҳу алайҳи васалламга боринглар, – дейди. Улар Мусо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнига келадилар. У: “Мен бунга эга эмасман, Аллоҳнинг калимаси ва руҳи Исога боринглар”, – дейди. Исо: “Мен бунга эга эмасман”, – дейди. Бас улар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга келадилар. У зот турадилар ва у зотга изн берилади. Омонат ва қариндошлик ўз ҳолига қўйилади, улар сиротнинг ўнг ва чап томонларига туриб оладилар. Сизларнинг аввалгиларингиз чақмоқ каби ўтадилар. Мен: “Ота-онам сизга фидо бўлсин, қайси нарса чақмоқ каби ўтади”, – дедим. У зот: “Чақмоқнинг кўз юмиб очгунча қандай ўтиб қайтишини кўрмаганмисан, сўнгра шамолнинг ўтиши каби, сўнгра қушнинг ўтиши каби ва амаллари югуртираётган кишиларнинг судралиши каби ўтадилар. Пайғамбарларингиз сирот устида: “Роббим, қутқаргин, қутқаргин”, – деб туради. Ҳатто бандаларнинг амаллари** (уларни ҳаракатлантириб олиб ўтишдан) **ожиз қолади, ҳатто юришга қуввати етмайдиган, фақат судралиб ҳаракатланадиган киши келади”.** Яна дедилар: **“Сиротнинг икки четида буюрилган кимсани тутишга тайин қилиниб осиб қўйилган чангаклар бўлади. Бас тирналганлар** (яъни тирналиб бўлса-да ўтиб кетган) **нажот топувчидирлар, тўпланиб қолганлар дўзахдадирлар”.** Абу Ҳурайранинг жони Унинг қўлида бўлган зотга қасамки, албатта, жаҳаннамнинг қаъри етмиш куздир (етмиш йиллик масофадир)”, – деди”. *Муслим ривоят қилган.*

Кўплаб нусхаларда ушбу ўринда шафоат ҳақидаги байт такрор келтирилган. “Бадъул амолий” матни Ҳумайдий исмли мударрис томонидан татар тилига таржима қилиниб, 1908 йилда “Амолий таржимаси” номи билан Қозон шаҳрида чоп этилган. Ўша нусхада шафоат тўғрисидаги ушбу байт фақат бир жойда келган бўлиб, такрорнинг ўрнига қуйидаги бошқа бир байт келтирилган:

وَلَا عَرَضٌ وَلَا ذُو صُورَةٍ مَا تَعَالَى اللهُ عَمَّا فِي الْخِيَالِ

У араз[421] *ҳам, сувратда ҳам эмас, бирор хаёлий,*
Аллоҳ гумоний хаёллардан буюк ва олий[422].

Ушбу байтнинг маъноси юқорида келтирилган Сўфи Оллоҳёр бобомизнинг сўзлари билан деярли бир хил, яъни:

Кўнгилда кечса кўзга тушса ҳар шай,
Эрур андин муназзаҳ Холиқи Ҳай.

Шунингдек, мазкур байт Алишер Навоий бобомизнинг машҳур "Сирожул-муслимин" (Мусулмонларнинг чироғи) асаридаги байтга ҳам маънодошдир:

Не жавҳар, не араздур, не маконда,
Не воқеъдур жиҳатда, не замонда.

"У (яъни Аллоҳ таоло) жавҳар ҳам, араз ҳам эмас. У маконда ҳам, жиҳатда ҳам, бирор замонда ҳам эмас"[423].

---

[421] Мустақил мавжуд бўлиб турмайдиган, балки жисм ва унинг бўлаклари орқали борлиқдан жой олиб турадиган ранглар, ҳатту-ҳаракатлар, таъмлар ва ҳидлар каби нарсалар – араз дейилади. Қаранг: Саъдуддин Тафтазоний. Шарху ақоид. – Миср: "Мактабатул Азҳарий", 2000. – Б. 37.
[422] Ҳумайдий. Амолий таржимаси. – Қозон: "Каримия матбааси", 1908. – 4.
[423] Алишер Навоий. "Навоийдин чу топқайлар навое". – Тошкент: "Ҳилол-нашр", 2014. –Б. 136.

ДУОЛАРНИНГ ТАЪСИРЛАРИ БАЁНИ

58 وَلِلدَّعَوَاتِ تَأْثِيرٌ بَلِيغٌ وَقَدْ يَنْفِيهِ أَصْحَابُ الضَّلاَلِ

Маънолар таржимаси:

Дуоларнинг етук таъсири бордир, гоҳида адашганлар уни инкор қиладилар.

Назмий баёни:

Дуоларнинг етук таъсирлари бор,
Адашганларгина қиларлар инкор.

Луғатлар изоҳи:

لِ – жор ҳарфи فِي маъносида келган.

دَعَوَاتِ – калимаси دَعْوَةٌ нинг кўплик шакли бўлиб, луғатда “илтижолар” маъносини англатади. Жор ва мажрур мубтадосидан олдин келтирилган хабардир.

تَأْثِيرٌ – хабаридан кейин келтирилган мубтадо.

بَلِيغٌ – сифат. Ушбу калимада дуонинг таъсирга сабаб эканига ишора бор. Чунки таъсир, аслида, Аллоҳ таолонинг яратиши билан вужудга келади.

وَ – “ҳолия” маъносида келган.

قَدْ – “тақлилия” (чеклаш) маъносида келган.

يَنْفِيهِ – феъл ва мафъул. نَفِي калимаси луғатда “бир четга суриб қўйиш” маъносига тўғри келади.

اَصْحَابُ – фоил. Бу калима صَاحِب нинг кўплик шакли бўлиб, “лозим тутувчилар” маъносига тўғри келади.

الضَّلاَلِ – музофун илайҳ. Ушбу изофада لِ жор ҳарфи муқаддар бўлган[424]. “Залолат” калимаси “тўғри йўлдан адашиш” маъносида ишлатилади.

Матн шарҳи:

Дуо луғатда “илтижо”, “ўтинч” каби маъноларни англатади. Истилоҳда эса “банда ўзининг фақирлигини, ҳожатмандлигини ва мутелигини ҳамма нарсага

[424] Бу ҳақидаги маълумот 53-байтнинг изоҳида баён қилинди.

қодир бўлган Аллоҳ таолога изҳор қилиб, манфаатларни жалб қилишни ва зарарларни даф қилишни сўраши, дуо деб аталади”[425].

Мўмин бандаларнинг қилган дуоларида ўзларига ҳам, агар марҳумлар ҳақларига дуо қилаётган бўлсалар, уларга ҳам манфаатлар етади. Дуоларнинг таъсири борлигини адашган кимсаларгина инкор қиладилар. Матндаги “залолатдагилар” деган сўздан мўътазилий тоифаси кўзда тутилган. Чунки мўътазилий тоифаси бу масалада ҳам Аҳли сунна вал-жамоа эътиқодига зид даъволарни қилган.

Дуоларнинг таъсирини инкор этадиганлар бир қанча далилларни келтиришган. Масалан, ояти карималарда ҳар бир инсонга ўзи қилгандан бошқа нарса йўқлиги баён қилинган:

﴿ وَأَن لَّيْسَ لِلْإِنسَٰنِ إِلَّا مَا سَعَىٰ ﴿٣٩﴾ ﴾

“Инсонга фақат ўзи қилган ҳаракатигина (мансуб) **бўлур”** [426]**.**

Бошқа бир оятда эса киши ўзининг қилган яхши ишлари туфайли мукофотга эришса, ёмон қилмишлари сабабли жазоланиши баён этилган:

﴿ لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا ٱكْتَسَبَتْ ﴾

“Унинг касб этгани (яхшилиги) **– ўзига ва орттиргани** (ёмонлиги) **ҳам ўзигадир”**[427]**.**

Ушбу ояти карималарда ҳар бир кишининг кўрадиган манфаатлари бошқаларнинг қилган дуо ва хайрли ишларидан эмас, фақат ўзининг қилган ишларидан бўлиши баён қилинган, бу эса дуоларнинг таъсири йўқлигига далолат қилади, - дейишган.

Дуоларнинг таъсирларини инкор этувчиларга раддиялар

Дуоларнинг таъсирларини инкор этувчилар келтиришган юқоридаги ва ундан бошқа далилларига батафсил жавоблар берилган. “Талхису шарҳи ақидатит- Таҳовий” китобида қуйидагича жавоб келган: **“Инсонга фақат ўзи қилган ҳаракатигина** (мансуб) **бўлур”** маъносидаги оятда баён қилинганидек, ҳақиқатда инсон ўз сайи-ҳаракати ва яхши феъл-атвори билан дўстлар орттиради, уйланиб бола-чақали бўлади, инсонларга меҳр-муҳаббат кўрсатади ва кўплаб яхши ишларни амалга оширади. Шунга кўра инсонлар уни яхшилик билан эслаб, унга Аллоҳ таолодан раҳмат сўраб дуо қилсалар, тоат-ибодатларнинг савобларини унга ҳадя қилсалар, буларнинг барчаси бировнинг эмас, аслида, ўз сайи-ҳаракатининг натижаси бўлади.

---

[425] Доктор Аҳмад Фарид. Баҳрур-Роиқ. – Искандария: “Дорул Мажд”, 2009. – Б. 105.
[426] Нажм сураси, 39-оят.
[427] Бақара сураси, 286-оят.

Иккинчи далил бўлган “**Унинг касб этгани** (яхшилиги) **– ўзига ва орттиргани** (ёмонлиги) **ҳам ўзигадир”,** маъносидаги оят ҳам юқоридаги каби оят бўлиб, ҳар бир киши ўзининг қилган яхши ишининг самарасини кўради, қилган маъсиятига кўра жазоланади, каби маъноларни ифодалайди. (Яъни “ҳар ким экканини ўради”, дейилгани каби)”[428].

Шунингдек, дуо қилишнинг фойдаси бўлмаганида, мағфират сўрашга буйруқ бўлмасди. Қуръони каримда эса мағфират сўрашга буюрилган:

﴿ فَٱعۡلَمۡ أَنَّهُۥ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا ٱللَّهُ وَٱسۡتَغۡفِرۡ لِذَنۢبِكَ وَلِلۡمُؤۡمِنِينَ وَٱلۡمُؤۡمِنَٰتِۗ ﴾

“Бас, (эй Муҳаммад!) **Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ эканини билинг ва ўз гуноҳингиз учун ҳамда мўмин ва мўминалар**(нинг гуноҳлари) **учун мағфират сўранг!”**[429]**.**

Шунингдек, вафот этиб кетган кишилар ҳақига қилинган дуоларда манфаат бўлмаганида, уларни эслаб дуо қилганлар Қуръони каримда мадҳ этилмасди:

﴿وَٱلَّذِينَ جَآءُو مِنۢ بَعۡدِهِمۡ يَقُولُونَ رَبَّنَا ٱغۡفِرۡ لَنَا وَلِإِخۡوَٰنِنَا ٱلَّذِينَ سَبَقُونَا بِٱلۡإِيمَٰنِ وَلَا تَجۡعَلۡ فِي قُلُوبِنَا غِلّٗا لِّلَّذِينَ ءَامَنُواْ رَبَّنَآ إِنَّكَ رَءُوفٞ رَّحِيمٌ ١٠﴾

“Улардан кейин (дунёга) **келганлар: “Эй Роббимиз, бизни ва биздан аввал иймон билан ўтган биродарларимизни мағфират қилгин, иймон келтирганларга** (нисбатан) **қалбимизда нафрат** (пайдо) **қилмагин. Эй, Роббимиз, албатта, Сен шафқатли мехрибонсан”, – дерлар”**[430]**.**

Шунингдек, вафот этганларга жаноза намозини ўқиш тириклар зиммасига вожиб қилинган. Жаноза намозида эса сано ва саловот айтиш билан биргаликда **“Эй Аллоҳим, бизларнинг тирикларимизни ҳам, ўликларимизни ҳам мағфират қилгин”,** маъносидаги дуо ўқилади.

Мазкур далилларнинг барчасида дуоларнинг таъсири борлиги кўриниб турибди. Шунинг учун инсон вафотидан кейин ҳам ўз ҳақига хайрли дуолар қилинишига сабаб бўладиган яхши амалларни қилиши лозим.

Дуо қилиш бандага фойда келтирадиган ва ундан зарарларни даф қиладиган энг кучли сабаблардан экани Қуръони каримда ҳам, ҳадиси шарифларда ҳам баён қилинган:

---

[428] Муҳаммад Анвар Бадахшоний. Талхису шарҳи ақидатит-Таҳовий. – Карачи: “Замзам бабилшарз”, 1415ҳ. – Б. 192.
[429] Муҳаммад сураси, 19-оят.
[430] Ҳашр сураси, 10-оят.

﴿ وَقَالَ رَبُّكُمُ ٱدۡعُونِيٓ أَسۡتَجِبۡ لَكُمۡۚ إِنَّ ٱلَّذِينَ يَسۡتَكۡبِرُونَ عَنۡ عِبَادَتِي سَيَدۡخُلُونَ جَهَنَّمَ دَاخِرِينَ ٦٠ ﴾

“Парвардигорингиз: “Менга дуо қилингиз, Мен сизлар учун (дуоларингизни) **ижобат қилай!” – деди. Албатта, Менга ибодат қилишдан кибр қилган кимсалар яқинда тубан ҳолатда жаҳаннамга кирурлар”[431].**

Ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳ ушбу оят ҳақида: “Аллоҳ таоло бандаларини Ўзига дуо қилишга даъват этган ва Ўз фазлу марҳамати билан қилган дуоларини албатта ижобат этишга кафолат берган”, - деган. Ояти кариманинг давомидаги **“ибодатдан кибр қилганлар”** эса Аллоҳ таолога дуо қилишдан такаббурлик қилган кимсалар дея тафсир қилинган. Ҳадиси шарифларда дуонинг қазони қайтаришга сабаб қилиб қўйилгани баён этилган:

عَنْ سَلْمَانَ الْفَارْسِيِّ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ الله صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قال **لَا يَرُدُّ الْقَضاءَ إلا الدُّعاءُ وَ لَا يَزِيدُ فِي الْعُمُرِ إلاَّ الْبِرُّ.** رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ

Салмон Форсий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Қазони фақатгина дуо қайтаради, умрни фақатгина яхшилик зиёда қилади”,** – дедилар”. *Термизий ривоят қилган.*

Шарҳ: Ушбу ҳадисда дуонинг бажариладиган ишларга боғлаб қўйилган қазони қайтариш сабабларидан экани баён қилинган. Зеро, Аллоҳ таоло амалга ошадиган барча нарсаларга азалий сабабларни тайин қилиб қўйган. Солиҳ амаллар саодатга эришиш учун азалий сабаблар бўлса, ёмон амаллар бадбахт бўлиш учун азалий сабаблардир. Шунингдек, яхшилик, гўзал хулқли бўлиш, қариндошлик алоқаларини узмаслик каби амаллар ҳам азалий сабаблар қаторига киради. Ана шундай азалий сабаблар юзага чиқарилган пайтда ўша сабабга боғланган ишлар ҳам юзага чиқади.

[431] Ғофир сураси, 60-оят.

ДУНЁНИНГ ЙЎҚДАН БОР ҚИЛИНГАНИ БАЁНИ

59 وَدُنْيَانَا حَدِيثٌ وَالْهُيُولَى عَدِيمُ الْكَوْنِ فَاسْمَعْ بِاجْتِذَالِ

Маънолар таржимаси:

Дунёмиз йўқдан бор қилингандир ва “ҳайуло” эса бўлмаган нарсадир *(буни сен)* ***шодлик билан эшитгин.***

Назмий баёни:

Дунёмиз яратилган, “ҳайуло” эса,
Шодлик-ла эшитгин бўлмаган нарса.

Луғатлар изоҳи:

وَدُنْيَانَا – мубтадо, музоф музофун илайҳ. Бу калимадан Алоҳ таолодан бошқа бутун борлиқнинг барчаси кўзда тутилган.

حَدِيثٌ – хабар. “Ҳодис” луғатда “янги”, “яқинда бор бўлган” маъноларига тўғри келади. Дунё йўқдан бор қилингани учун унга нисбатан шу калима ишлатилади. فُعْلَى вазни музаккар ва муаннисликда тенг ишлатилгани учун хабар музаккар шаклда келтирилган.

وَ – “ибтидоия” маъносида келган.

الْهُيُولَى – ушбу калима ташдидли қилиб هَيُّولَى деб ҳам ўқилади. Бу калима, аслида, юнонча сўз бўлиб, “асл”, “асос” ва “модда” каби маъноларни англатади. Жумҳур файласуфлар ҳайулони “қадим жавҳар” ёки “бирлашиш ва ажралишни қабул қилувчи қадим нарса”, деб ҳисоблашган.

عَدِيمُ – хабар, музоф. Луғатда “номавжуд” маъносига тўғри келади.

الْكَوْنِ – музофун илайҳ. Луғатда “мавжуд” маъносига тўғри келади.

اسْمَعْ – амр феъли. Фоили зоҳир келтирилмаслиги вожиб бўлган замирдир.

بِ – “мусоҳаба” (бирга бўлиш) маъносидаги жор ҳарфи.

اجْتِذَالِ – “шодланиш”, “хурсанд бўлиш” маъноларини англатади. Жор мажрур اسْمَعْ га мутааллиқ.

Матн шарҳи:

Баъзи жоҳил файласуфлар ҳайуло ҳар бир нарсанинг аслидир, яъни бутун олам ҳайуло деб аталадиган бирламчи моддадан вужудга келган, уни биров яратмаган, деган фикрни илгари суришган. Ушбу байт ўша жоҳилларнинг даъволарига раддия сифатида ёзилган. Уларнинг “илмий” даъволари мусулмонлар томонидан кескин рад этилган. Чунки бу гапни айтаётган киши оламни қадим, яъни у ўз-ўзидан бор бўлган деяётган ва Аллоҳ таолонинг бутун борлиқни Ўзи яратгани тўғрисидаги хабарларини инкор этаётган бўлади. Бундай инкор этиш эса очиқ-ойдин куфр ҳисобланади. Ҳақиқий мўмин киши эса барча нарсаларни Аллоҳ таоло йўқдан бор қилган, деган тушунчада бўлади.

Ўший раҳматуллоҳи алайҳ ушбу “бирламчи модда” тўғрисида қандай эътиқодда бўлиш лозимлигини қисқагина қилиб “ҳайуло – бўлмаган нарса” дея баён қилган. Қуръони каримда осмонлару ердагиларнинг ҳаммаси истаса ҳам, истамаса ҳам, Аллоҳ таолонинг белгилаб қўйган қонунларига бўйсуниб яшашларини, борлиқдаги бирор нарса ўз-ўзидан бор бўлиб қолмаганини, балки барча нарсаларнинг яратувчиси Аллоҳ эканлиги баён қилинган:

﴿ وَلِلَّهِ يَسْجُدُ مَن فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ طَوْعًا وَكَرْهًا وَظِلَٰلُهُم بِٱلْغُدُوِّ وَٱلْآصَالِ ۩ ﴿١٥﴾ قُلْ مَن رَّبُّ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ قُلِ ٱللَّهُ ۚ قُلْ أَفَٱتَّخَذْتُم مِّن دُونِهِۦٓ أَوْلِيَآءَ لَا يَمْلِكُونَ لِأَنفُسِهِمْ نَفْعًا وَلَا ضَرًّا ۚ قُلْ هَلْ يَسْتَوِي ٱلْأَعْمَىٰ وَٱلْبَصِيرُ أَمْ هَلْ تَسْتَوِي ٱلظُّلُمَٰتُ وَٱلنُّورُ ۗ أَمْ جَعَلُوا۟ لِلَّهِ شُرَكَآءَ خَلَقُوا۟ كَخَلْقِهِۦ فَتَشَٰبَهَ ٱلْخَلْقُ عَلَيْهِمْ ۚ قُلِ ٱللَّهُ خَٰلِقُ كُلِّ شَىْءٍ وَهُوَ ٱلْوَٰحِدُ ٱلْقَهَّٰرُ ﴿١٦﴾ ﴾

“Осмонлар ва Ердаги барча жонзот ва уларнинг соялари хоҳ ихтиёрий, хоҳ мажбуран, эртаю кеч саждани Аллоҳга қиладилар. (Эй Муҳаммад!) **Айтинг: “Осмонлар ва Ернинг Парвардигори ким?”** (яна ўзингиз) **“Аллоҳ”, – деб жавоб қилинг! “Бас, Уни қўйиб, ўзларига на фойда ва на зарар етказишга қодир бўлмайдиган** (бут ва санам)**ларни дўст тутдингизми?” – денг! Яна айтинг: “Кўр** (гумроҳ) **билан кўрувчи** (ҳидоят топган киши) **баробар бўлурми? Ёки зулматлар билан нур баробар бўлурми?” Ё улар Аллоҳга Унинг яратиши каби ярата оладиган бутларни шерик қилиб олишган ва улар ҳам яратганлар-у, сўнгра уларга** (икки) **яратиш ўхшаш бўлиб қолдими?! Айтинг: “Аллоҳ барча нарсанинг яратувчисидир ва У Танҳо ва Ғолибдир”**[432]**.**

Яъни осмон ва ер аҳлларининг барчалари истасалар ҳам, истамасалар ҳам ёлғиз Аллоҳ таолога бўйсунишдан ўзга чоралари йўқ. Ҳасан раҳматуллоҳи алайҳ ушбу оят ҳақида: “Мўмин киши Аллоҳ таолога ўз ихтиёри билан бўйсунган ҳолда сажда қилади, кофир эса даҳшатга тушган ва чорасиз

[432] Раъд сураси, 15, 16-оятлар.

қолганида мажбуран сажда қилади”, – деган. Шунингдек, уларнинг соялари ҳам куннинг аввалида ва охирида сажда қилади. Ушбу оятда коинотдаги барча мавжудотни, ҳатто одамларнинг сояларини ҳам Ўзига сажда қилишга бўйсундириб қўйган Зотнинг буюклиги хабари берилган. Ояти кариманинг давомида “**Кўр** (гумроҳ) **билан кўрувчи** (ҳидоят топган киши) **баробар бўлурми?**”, **-** дейилган. Бу ерда кўзи кўрдан кофир киши, кўрувчидан эса мўмин киши ирода қилинган. Зулматлардан залолат йўллари, нурдан эса ҳидоят ирода қилинган. Умумий маъноси шуки, кўзи кўр билан кўрувчи, зулматлар билан нур баробар бўлмагани каби, ҳақиқат зиёсини кўрадиган мўмин киши билан, бу зиёни кўра олмайдиган кофир ҳам ҳеч қачон баробар бўла олмайди. Шунга кўра шариатда берилган хабарларни тасдиқлаш ҳақиқат зиёсини кўриш, бу хабарларни инкор қилиш эса ушбу зиёни кўра олмасликдир.

ЖАННАТ ВА ДЎЗАХНИНГ ЯРАТИБ ҚЎЙИЛГАНИ БАЁНИ

60 وَلِلْجَنَّاتِ وَالنِّيرَانِ كَوْنٌ عَلَيْهَا مَرَّ أَحْوَالٌ خَوَالِي

Маънолар таржимаси:

Жаннатлар ва дўзахлар *(ҳозирда)* ***бордир, уларга*** *(яратиб қўйилганларига)* ***ўтмиш йиллар ўтиб кетгандир.***

Назмий баёни:

Жаннатлар, дўзахлар мавжуд эрурлар,
Улар узра ўтган кўп ўтмиш йиллар.

Луғатлар изоҳи:

لِ – “шибҳи мулк” (мулк кўринишидаги) маъносини ифодаловчи жор ҳарфи бўлиб, исми маъно бўлган كَوْنٌ ва исми зот бўлган جَنَّاتِ ларнинг орасида келган.

الْجَنَّاتِ – Жор ва мажрур хабари муқаддам.

النِّيرَانِ – луғатда “алангалар” маъносини англатади.

كَوْنٌ – хабаридан кейин келтирилган мубтадо. كَانَ феълининг масдари бўлиб, луғатда “воқеликда бор бўлиш” маъносига тўғри келади.

عَلَيْهَا – “истиъло” (устун бўлиш) маъносидаги жор ҳарфи.

مَرَّ – кўплаб шарҳларда مَرَّ ни масдар қилиб маъно берилган. Аммо таҳқиқларга кўра унинг феъл экани мўътабар ҳисобланади.

اَحْوَالٌ – фоил. Луғатда “тўлиқ бир йил” маъносини англатувчи حَوْل нинг кўплик шаклидир.

خَوَالِي – خَالِيَةٌ нинг кўплик шакли бўлиб “ўтмишлар” маъносини англатади. اَحْوَالٌ нинг сифати.

Матн шарҳи:

Аҳли сунна вал-жамоа эътиқодига кўра жаннатлар ва дўзахлар ҳозирда яратиб қўйилган, улар ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайди.

Қадарийлар ва мўътазилийлар жаннат ва дўзахнинг ҳозирда яратиб қўйилганини инкор қилишган. Улар: “Агар жаннат ва дўзах мавжуд бўлса, ояти карималарда хабар берилганидек, йўқ бўлиб кетишлари лозим бўлиб қолади,

шунинг учун улар қиёмат кунида яратилади”, - деган эътиқодда бўлишган. Ўзларининг бу қарашларига далиллар келтиришган:

﴿كُلُّ شَيْءٍ هَالِكٌ إِلَّا وَجْهَهُۥ﴾

“Унинг “юзи”дан бошқа барча нарса ҳалок бўлувчидир”[433].

Яъни Аллоҳ таолодан бошқа ҳар бир нарса ҳалок бўлгувчидир. Бошқа бир оятда ҳам барча жонзотнинг фоний бўлиб, фақат Аллоҳ таолонинг Ўзи боқий қолиши хабар берилган:

﴿كُلُّ مَنْ عَلَيْهَا فَانٍ ﴿٢٦﴾ وَيَبْقَىٰ وَجْهُ رَبِّكَ ذُو الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ ﴿٢٧﴾﴾

“(Ер) **юзидаги барча мавжудот фонийдир. Улуғлик ва Икром эгаси бўлмиш Роббингнинг Ўзи боқийдир”[434].**

Ушбу оятлардаги كُلٌّ калимаси عَامٌّ ва جَمِيعٌ каби умумийликни ифодаловчи калималарнинг энг кучлиси бўлиб, у чегараланмаган кўпликка далолат қилади. Модомики, бу калимани мазкур маъносидан бошқа маънога ўзгартирувчи далил бўлмаса, у асл ҳолида туради. Шунга кўра жаннату дўзахлар ҳозирда яратиб қўйилган бўлганида улар ҳам, ичидагилар ҳам қиёмат кунидан олдин бошқа махлуқотлар қатори йўқ бўлиб кетиши лозим бўлиб қоларди.Уларнинг эса ҳалок бўлмасликлари хабар берилган. Шунинг учун ҳам улар қиёмат кунида абадий йўқолмайдиган қилиб яратилади, - дейишган.

Жаннат ва дўзахнинг яратиб қўйилганига далиллар

Мазкур тоифаларнинг келтирган далилларига батафсил жавоблар берилган:

Аввало, жаннат ва дўзахнинг ҳозирда яратиб қўйилганига жуда кўплаб далиллар бор:

1. Қуръонда жаннат ва дўзах ҳақида келган оятларда ўтган замонни ифодаловчи сўзлар билан хабар берилган:

﴿سَابِقُوا إِلَىٰ مَغْفِرَةٍ مِنْ رَبِّكُمْ وَجَنَّةٍ عَرْضُهَا كَعَرْضِ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ أُعِدَّتْ لِلَّذِينَ آمَنُوا بِاللَّهِ وَرُسُلِهِ﴾

“**Роббингизнинг мағфиратига ва Аллоҳга ҳамда Унинг пайғамбарларига иймон келтирганлар учун тайёрлаб қўйилган, кенглиги осмон ва ернинг кенглигича бўлган жаннатга мусобақалашинг”[435].**

Ушбу оятда жаннатнинг тайёр қилиб қўйилгани хабар берилган. Қуйидаги оятда эса дўзахнинг таёрлаб қўйилгани хабар берилган:

---

[433] Қасос сураси, 88-оят.
[434] Ар-Роҳман сураси, 26, 27-оятлар.
[435] Ҳадид сураси, 21-оят.

﴿ وَٱتَّقُواْ ٱلنَّارَ ٱلَّتِيٓ أُعِدَّتۡ لِلۡكَٰفِرِينَ ١٣١ ﴾

“Кофирлар учун тайёрлаб қўйилган дўзахдан сақланингиз!”[436].

Мазкур ояти карималарда жаннат ва дўзах ҳақида **“тайёрлаб қўйилган”** дея ўтган замонни ифодаловчи сўз билан келтирилиши уларнинг ҳозирда мавжуд эканига далолат қилади.

2. Қуръонда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Жаброил алайҳиссаломни иккинчи марта асл ҳолатда “Сидратул мунтаҳо”нинг олдида кўрганлари ва унинг олдида Маъво жаннати борлиги хабар берилган. Бу эса жаннатнинг яратиб қўйилганига ёрқин далилдир:

﴿ وَلَقَدۡ رَءَاهُ نَزۡلَةً أُخۡرَىٰ ١٣ عِندَ سِدۡرَةِ ٱلۡمُنتَهَىٰ ١٤ عِندَهَا جَنَّةُ ٱلۡمَأۡوَىٰٓ ١٥ ﴾

“Қасамки, (Муҳаммад Жаброилни илк бор Ерда кўргач, яна) **иккинчи бор кўрди. “Сидратул-мунтаҳо”** (дарахти) **олдида. “Маъво боғи” ҳам ўша** (дарахт)**нинг олдидадир”[437].**

3. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам “Сидратул мунтаҳо”га борганларидан сўнг жаннатга кирганларини айтиб, унинг қандай эканини тасвирлаб берганлар:

ثُمَّ دَخَلْتُ الْجَنَّةَ فَإِذَا فِيهَا جَنَابِذُ اللُّؤْلُؤِ وَإِذَا تُرَابُهَا الْمِسْكُ.

“... Сўнгра жаннатга кирдим, у ерда марварид гумбазлар бор экан, унинг тупроғи мушк экан”. *Бухорий ривоят қилган.*

4. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қуёш тутилган вақтда намоз ўқиганлари ҳақидаги ривоятда у зотнинг жаннатни ҳам, дўзахни ҳам кўрганлари, ҳатто жаннатдан бир шингил мева олайми, деб ўйлаганлари ҳам очиқ- ойдин келган:

عَنْ عُرْوَةَ قَالَ قَالَتْ عَائِشَةُ خَسَفَتْ الشَّمْسُ فَقَامَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَرَأَ سُورَةً طَوِيلَةً ثُمَّ رَكَعَ فَأَطَالَ ثُمَّ رَفَعَ رَأْسَهُ ثُمَّ اسْتَفْتَحَ بِسُورَةٍ أُخْرَى ثُمَّ رَكَعَ حَتَّى قَضَاهَا وَسَجَدَ ثُمَّ فَعَلَ ذَلِكَ فِي الثَّانِيَةِ ثُمَّ قَالَ **إِنَّهُمَا آيَتَانِ مِنْ آيَاتِ اللَّهِ فَإِذَا رَأَيْتُمْ ذَلِكَ فَصَلُّوا حَتَّى يُفْرَجَ عَنْكُمْ لَقَدْ رَأَيْتُ فِي مَقَامِي هَذَا كُلَّ شَيْءٍ وُعِدْتُهُ حَتَّى لَقَدْ رَأَيْتُ أُرِيدُ أَنْ آخُذَ قِطْفًا مِنْ الْجَنَّةِ حِينَ رَأَيْتُمُونِي جَعَلْتُ أَتَقَدَّمُ وَلَقَدْ رَأَيْتُ جَهَنَّمَ يَحْطِمُ بَعْضُهَا بَعْضًا حِينَ رَأَيْتُمُونِي تَأَخَّرْتُ وَرَأَيْتُ فِيهَا عَمْرَو بْنَ لُحَيٍّ وَهُوَ الَّذِي سَيَّبَ السَّوَائِبَ.** رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

[436] Оли Имрон сураси, 131-оят.
[437] Нажм сураси, 13, 15-оятлар.

Урва розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Оиша розияллоҳу анҳо дедилар: “Қуёш тутилган эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам турдилар-да узун сура ўқидилар, сўнгра рукуъ қилиб, узоқ вақт рукуъда қолдилар, бошларини кўтарганларидан кейин бошқа бир сурани ўқий бошладилар, сўнгра рукуъ қилдилар, ушбу ракатни адо этиб сажда қилдилар, кейин иккинчи ракатда ҳам шундай қилдилар. Сўнгра: **“Иккаласи Аллоҳнинг белгиларидан икки белгидир, агар ўшани кўрсаларингиз, то сизлардан очилиб кетгунича намоз ўқинглар. Мен ушбу турган жойимда менга ваъда қилинган барча нарсаларни кўрдим. Ҳатто менинг олдинга юрганимни кўрган пайтларингизда, жаннатдан бир шингил мева олайми ҳам деган эдим. Менинг орқага чекинганимни кўрган пайтларингизда, баъзиси баъзисини бузиб вайрон қилаётган дўзахни кўрдим. Унинг ичида Амр ибн Луҳайни кўрдим. У ибодат маъносида туяни қаровсиз ташлаб қўйишни биринчи бўлиб бошлаган эди”,** – дедилар”. *Бухорий ривоят қилган.*

Адашган тоифаларнинг كُلٌّ калимасини маъносидан бурувчи далил бўлмаса, у асл ҳолида тураверади, деган сўзларига эса қуйидагича жавоб берилган:

Юқоридаги далиллардан жаннат ва дўзахнинг ҳозирда мавжуд эканлиги собит бўлди. Мавжудлиги аниқ бўлган жаннатнинг тугаши йўқ экани ҳам хабар берилган:

﴿ إِنَّ هَٰذَا لَرِزۡقُنَا مَا لَهُۥ مِن نَّفَادٍ ٥٤ ﴾

“Албатта, бу Бизнинг (жаннат аҳлига берадиган) **ризқимиздирки, унда тугаш бўлмас”[438].**

Жаннатдаги неъматларнинг доимийлиги ҳам баён қилиб қўйилган:

﴿ مَّثَلُ ٱلۡجَنَّةِ ٱلَّتِي وُعِدَ ٱلۡمُتَّقُونَۖ تَجۡرِي مِن تَحۡتِهَا ٱلۡأَنۡهَٰرُۖ أُكُلُهَا دَآئِمٞ وَظِلُّهَاۚ ﴾

“Тақволилар учун ваъда қилинган жаннатнинг мисоли, унинг остида анҳорлар (доимо) **жорий, мевалари ва соялари боқийдир”[439].**

Ҳадиси шарифда жаннат неъматларининг доимийлиги ҳақида шундай хабар берилган:

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ وَأَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ **إِذَا دَخَلَ أَهْلُ الجَنَّةِ الجَنَّةَ يُنَادِي مُنَادٍ إِنَّ لَكُمْ أَنْ تَحْيَوْا فَلا تَمُوتُوا أَبَداً إِنَّ لَكُمْ أَنْ تَصِحُّوا فلا تَسْقَمُوا أبداً وإِنَّ لَكمْ أَنْ تَشِبُّوا فلا تَهْرَمُوا أبداً وإِنَّ لَكُمْ أَنْ تَنْعَمُوا فَلا تَبْأَسُوا أَبَداً.** رَوَاهُ مُسْلِمٌ

Абу Саид ва Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳумолардан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Қачон жаннат аҳли жаннатга кирсалар, бир нидо қилгувчи: “Албатта, яшашларингиз сизлар учун, ҳеч**

---

[438] Сод сураси, 54-оят.
[439] Раъд сураси, 35-оят.

қачон ўлмайсизлар. Албатта, соғлом бўлишларингиз сизлар учун, ҳеч қачон касал бўлмайсизлар. Албатта, ёш бўлишларингиз сизлар учун, ҳеч қачон қаримайсизлар. Албатта, ҳузур-ҳаловатда яшашларингиз сизлар учун, ҳеч қачон бахтсиз бўлмайсизлар”, – дея нидо қилади”, дедилар”. *Муслим ривоят қилган.*

Жаннатдаги неъматлар абадий бўлганидек, дўзахдаги азоблар ҳам абадийлиги ҳақида шундай хабар берилган:

﴿ إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ مِنۡ أَهۡلِ ٱلۡكِتَٰبِ وَٱلۡمُشۡرِكِينَ فِي نَارِ جَهَنَّمَ خَٰلِدِينَ فِيهَآۚ ﴾

“Албатта, аҳли китоб ва мушриклардан иборат кофирлар жаҳаннам ўтида бўлиб, ўша жойда мангу қолурлар”[440].

Хулоса қилиб айтганда, жаннат ҳам, дўзах ҳам ҳозирда мавжуд, ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайди. Улар Аллоҳ таолонинг йўқдан бор қилиши билан вужудга келгани каби, У зотнинг йўқ қилиб юбормаслиги билан доимий бор бўлиб туради.

[440] Баййина сураси, 6-оят.

МЎМИН БАНДАНИНГ ДЎЗАХДА АБАДИЙ ҚОЛМАСЛИГИ ҲАҚИДА

61 وَذُو الإِيْمَانِ لَا يَبْقَى مُقِيمًا بِسُوءِ الذَّنْبِ فِي دَارِ اشْتِعَالِ

Маънолар таржимаси:

Мўмин банда гуноҳ зарари туфайли алангаланиб ёниш диёрида муқим ҳолатда боқий қолмайди.

Назмий баёни:

Осий мўмин доимо қолмас абад ҳеч,
Алангали диёрдан чиқар эрта кеч.

Луғатлар изоҳи:

وَذُو الاِيْمَانِ – мубтадо.

لَا – нафий ҳарфи.

يَبْقَى – музориъ феъли. Фоили яширин هُوَ замир бўлиб, ذُو الاِيْمَانِ га қайтади.

مُقِيمًا – муқим деганда бирор маконда доимий қолувчи киши тушунилади.

بِ – “сабабия” маънosида келган жор ҳарфи.

سُوءِ الذَّنْبِ – сифат мавсуфга изофа қилинган, бу жумла, аслида, بِسَبَبِ الذَنْبِ السَّيِّءِ бўлган.

فِي – “зарфият” маънosида келган жор ҳарфи.

دَارِ اشْتِعَالِ – бу калимадан дўзах назарда тутилган. Чунки у абадий алангаланиб ёниб туради. Жор ва мажрур يَبْقَى феълига мутааллиқ.

Матн шарҳи:

Аҳли сунна вал-жамоа мазҳабига кўра гуноҳи кабиралар қилган мўмин киши ўша гуноҳларига тавба қилишга улгурмасдан вафот этиб кетган бўлса-да, дўзахда абадий қолмайди. Бундай кишилар қилган осийликларига яраша жазоланиб, сўнгра қалбларида иймон борлиги эътиборидан дўзахдан чиқариладилар. Бундай кишилар ҳақида ҳадиси шарифда хабар берилган:

حَدَّثَنَا عِمْرَانُ بْنُ حُصَيْنٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ **يَخْرُجُ قَوْمٌ مِنْ النَّارِ بِشَفَاعَةِ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَيَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ يُسَمَّوْنَ الْجَهَنَّمِيِّينَ.** رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Бизларга Имрон ибн Ҳусайн розияллоҳу анҳумо Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганини гапириб берди: **“Бир қавм Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шафоатлари сабабли дўзахдан чиқиб, жаннатга кирадилар, “жаҳаннамийлар” деб номланадилар”.** *Бухорий ривоят қилган.*

Шарҳ: Имом Бухорий ривоят қилган ушбу ҳадиси шарифга кўплаб шарҳлар ёзилган. Муновийнинг “Тайсир би шарҳи жомиъис соғир” китобида қуйидагича шарҳланган: “Бу ерда ушбу исм ишлатиладиган даражада уларнинг жаҳаннамда узоқ азобланишларига ва ҳатто ундан чиқишларига умид ҳам узилишига ишора бор. Шундан сўнг улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шафоатлари билан ундан чиқариладилар”[441].

Муборакфурийнинг “Туҳфатул Аҳвазий” китобида қуйидагича шарҳланган: “Ушбу ном уларга атоқли от бўлиб, (жаннатга кирганда ҳам) ўзгармаган бўлади”.

Ҳофиз “Фатҳ”да қуйидагиларни келтирган, “Насаий Амр ибн Амрнинг Анас розияллоҳу анҳудан қилган ривоятида: **“Жаннат аҳли “анавилар жаҳаннамийлар” дейишганида, Аллоҳ таоло: “Улар Аллоҳнинг озод қилган бандаларидир”, деб айтади”,** - дейилган.

Муслим ушбу ҳадисни бошқа йўлдан Абу Саъиддан ривоят қилган. Ўша ривоятда: **“Улар** (яъни жаҳаннамийлар деб ном олганлар) **Аллоҳга дуо қиладилар, Аллоҳ улардан ушбу исмни кетказади”,** лафзлари зиёда қилинган”[442].

Жазо соқит қилинишига сабаб қилиб қўйилган ишлар

Дунёда баъзи бир ишлар борки, Аллоҳ таоло бу ишларни гуноҳкор бандалардан дўзах азобини соқит қилишга сабаб қилиб қўйган. Булар:

1. *Тавба.* Қилган гуноҳларига астойдил тавба қилган ва иймонга келиб солиҳ ишларни қилган инсонларга жаннат ваъдаси берилган. Зеро, тавба қилиш деганда маъсиятларни тарк қилиб таоатга қайтиш тушунилади.

﴿ إِلَّا مَن تَابَ وَءَامَنَ وَعَمِلَ صَٰلِحًا فَأُوْلَٰٓئِكَ يَدۡخُلُونَ ٱلۡجَنَّةَ وَلَا يُظۡلَمُونَ شَيۡـٔٗا ٦٠ ﴾

“Илло, иймон келтириб, эзгу ишларни қилган зотларгина (бундан мустаснодир)**. Бас, улар жаннатга кирурлар ва уларга бирор нарсада ноҳақлик қилинмас”[443].**

2. *Истиғфор.* Аллоҳ таоло истиғфор айтган бандаларни азобламаслигини хабар берган:

---

[441] Муновий. Тайсир би шарҳи жомиъис-соғир. “Мактабатуш шомила”. – Б. 618.
[442] Муборакфурий. Туҳфатул Аҳвазий. “Мактабатуш шомила”. – Б. 318.
[443] Марям сураси, 60-оят.

﴿وَمَا كَانَ ٱللَّهُ مُعَذِّبَهُمْ وَهُمْ يَسْتَغْفِرُونَ ٣٣﴾

“Улар истиғфор айтиб (кечирим сўраб) **турган ҳолларида ҳам Аллоҳ уларни азобловчи эмас”[444].**

“Мағфират сўраш, яъни гуноҳларнинг зараридан сақлашни ва уларни бекитишни сўраб ёлвориш – истиғфор дейилади”[445].

Қуйидаги калималар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таълим берган энг машҳур истиғфорлардан бири ҳисобланади:

أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ الَّذِي لَا إِلَهَ إِلاَّ هُوَ الْحَيَّ الْقَيُّومَ وَأَتُوبُ إِلَيْهِ

“Аллоҳдан мағфират сўрайман, Ундан ўзга илоҳ йўқдир, У абадий барҳаёт ва бутун борлиқни тутиб тургувчидир, Унга тавба қиламан”.

3. *Яхши ишлар.* Аллоҳ таоло яхши ишлар ёмонликларни кетказишини айтган:

﴿وَأَقِمِ ٱلصَّلَوٰةَ طَرَفَيِ ٱلنَّهَارِ وَزُلَفًا مِّنَ ٱلَّيْلِ ۚ إِنَّ ٱلْحَسَنَٰتِ يُذْهِبْنَ ٱلسَّيِّـَٔاتِ ۚ ذَٰلِكَ ذِكْرَىٰ لِلذَّٰكِرِينَ ١١٤﴾

“Кундузнинг икки тарафида ва кечанинг бир бўлагида намозни тўкис адо қил! Албатта, яхшиликлар ёмонликларни кетказади. Бу эса, эсловчиларга эслатмадир”[446].

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ёмон иш содир бўлиб қолса, дарҳол уни ўчирадиган яхши ишни қилишга буюрганлар:

عَنْ أَبِي ذَرٍّ الْغِفَارِيِّ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **اتَّقِ اللَّهَ حَيْثُمَا كُنْتَ وَأَتْبِعِ السَّيِّئَةَ الْحَسَنَةَ تَمْحُهَا وَخَالِقِ النَّاسَ بِخُلُقٍ حَسَنٍ.** رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ

Абу Зар Ғифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Қаерда бўлсанг ҳам Аллоҳга тақво қил, ёмон ишга уни ўчирадиган яхши ишни эргаштиргин, инсонларга гўзал хулқлар билан муомала қилгин”, -** дедилар”. *Термизий ривоят қилган.*

4. *Дунёвий мусибатлар.* Дунёда мўмин киши бирор мусибатга учраса, шу мусибатлари сабабли Аллоҳ таоло унинг олдин қилган хатоларини ювиб юборади.

---

[444] Анфол сураси, 33-оят.
[445] Доктор Аҳмад Фарид. Баҳрур-Роиқ. – Искандария: “Дорул Мажд”, 2009. – Б. 100.
[446] Ҳуд сураси, 114-оят.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ وَأَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ **مَا يُصِيبُ الْمُؤْمِنَ مِنْ وَصَبٍ وَلاَ نَصَبٍ وَلاَ هَمٍّ وَلاَ حَزَنٍ وَلاَ أَذًى وَلاَ غَمٍّ حَتَّى الشَّوْكَة يُشَاكُهَا إِلاَّ كَفَّرَ اللَّهُ مِنْ خَطَايَاهُ.** رَوَاهُ اَحْمَدُ

Абу Ҳурайра ва Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳумолардан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Мўминга бирор касалликми, кулфатми, ғамми, ташвишми, хафаликми етса, ҳатто тикан кириб оғритса ҳам, албатта, Аллоҳ хатоларига каффорот қилади”, -** дедилар”. *Аҳмад ривоят қилган.*

5. *Мўминларнинг тириклигида ва вафотидан кейин орқасидан истиғфор айтишлари:*

﴿وَٱلَّذِينَ جَآءُو مِنۢ بَعۡدِهِمۡ يَقُولُونَ رَبَّنَا ٱغۡفِرۡ لَنَا وَلِإِخۡوَٰنِنَا ٱلَّذِينَ سَبَقُونَا بِٱلۡإِيمَٰنِ وَلَا تَجۡعَلۡ فِي قُلُوبِنَا غِلّٗا لِّلَّذِينَ ءَامَنُواْ رَبَّنَآ إِنَّكَ رَءُوفٞ رَّحِيمٌ ١٠﴾

“Улардан кейин (дунёга) **келганлар: “Эй Роббимиз, бизни ва биздан аввал иймон билан ўтган биродарларимизни мағфират қилгин, иймон келтирганларга** (нисбатан) **қалбларимизда нафрат** (пайдо) **қилмагин. Эй Роббимиз, албатта, Сен шафқатли ва меҳрибонсан”, – дерлар”**[447]**.**

6. *Ўлимидан кейин унинг номидан садақа ё ҳаж қилиш каби ишлар:*

Инсон вафотидан сўнг унинг ортидан у учун қилинган садақанинг савоби тегишига ушбу ҳадис далилдир:

أَخْبَرَنَا ابْنُ جُرَيْجٍ قَالَ أَخْبَرَنِي يَعْلَى أَنَّهُ سَمِعَ عِكْرِمَةَ يَقُولُ أَنْبَأَنَا ابْنُ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ سَعْدَ بْنَ عُبَادَةَ تُوُفِّيَتْ أُمُّهُ وَهُوَ غَائِبٌ عَنْهَا فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ أُمِّي تُوُفِّيَتْ وَأَنَا غَائِبٌ عَنْهَا أَيَنْفَعُهَا شَيْءٌ إِنْ تَصَدَّقْتُ بِهِ عَنْهَا قَالَ **نَعَمْ** قَالَ فَإِنِّي أُشْهِدُكَ أَنَّ حَائِطِيَ الْمِخْرَافَ صَدَقَةٌ عَلَيْهَا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Бизларга Ибн Журайж хабар берди у Икриманинг шундай деяётганини эшитган экан: “Бизга Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо хабар берди: “Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳунинг онаси вафот этди. Ўша пайт у онасининг ёнида эмас эди. Шунда у: “Эй Аллоҳнинг Расули, онам вафот этди, мен унинг ёнида йўқ эдим, агар мен унинг номидан бирор нарса садақа қилсам унга наф берадими?” – деди. У зот: **“Ҳа”,** – дедилар. Шунда у: “Мен сизни гувоҳ қиламанки, мевали боғим унинг номидан садақадир”, – деди”. *Бухорий ривоят қилган.*

Инсон вафотидан сўнг унинг ортидан у учун қилинган ҳажнинг савоби тегишига ушбу ҳадис далилдир.

---

[447] Ҳашр сураси, 10-оят.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ امْرَأَةً مِنْ جُهَيْنَةَ جَاءَتْ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَتْ إِنَّ أُمِّي نَذَرَتْ أَنْ تَحُجَّ فَلَمْ تَحُجَّ حَتَّى مَاتَتْ أَفَأَحُجُّ عَنْهَا قَالَ **نَعَمْ حُجِّي عَنْهَا أَرَأَيْتِ لَوْ كَانَ عَلَى أُمِّكِ دَيْنٌ أَكُنْتِ قَاضِيَةً اقْضُوا اللَّهَ فَاللَّهُ أَحَقُّ بِالْوَفَاءِ.** رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: “Жуҳайна қабиласида бир аёл Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига келди ва: “Онам ҳаж қилишни назр қилган эди, ҳаж қилишга улгурмасдан вафот этди. Унинг номидан ҳаж қилсам бўладими?”, – деди. У зот: **“Ҳа, унинг номидан ҳаж қил, айтгинчи, онангнинг зиммасида қарз бўлганида адо қилармидинг?! Аллоҳнинг қарзини адо этинглар, Аллоҳ вафога энг ҳақлидир”,** – дедилар”. *Бухорий ривоят қилган.*

7. *Шафоат қилувчиларнинг шафоати:*

Шафоат қилувчиларнинг шафоатларига сазовор бўлиш сабабидан ҳам Аллоҳ таоло бандадан дўзах азобини соқит қилади. Шафоат қилувчилар ва шафоатнинг ҳақида 28-байтнинг шарҳида батафсил баён қилинди.

8. Шафоатсиз ҳам, энг меҳрибон Зот Аллоҳ таолонинг авф этиши:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **إِنِّي لَأَعْلَمُ آخِرَ أَهْلِ النَّارِ خُرُوجًا مِنْهَا وَآخِرَ أَهْلِ الْجَنَّةِ دُخُولًا رَجُلٌ يَخْرُجُ مِنْ النَّارِ كَبْوًا فَيَقُولُ اللَّهُ اذْهَبْ فَادْخُلِ الْجَنَّةَ فَيَأْتِيهَا فَيُخَيَّلُ إِلَيْهِ أَنَّهَا مَلْأَى فَيَرْجِعُ فَيَقُولُ يَا رَبِّ وَجَدْتُهَا مَلْأَى فَيَقُولُ اذْهَبْ فَادْخُلِ الْجَنَّةَ فَيَأْتِيهَا فَيُخَيَّلُ إِلَيْهِ أَنَّهَا مَلْأَى فَيَرْجِعُ فَيَقُولُ يَا رَبِّ وَجَدْتُهَا مَلْأَى فَيَقُولُ اذْهَبْ فَادْخُلِ الْجَنَّةَ فَإِنَّ لَكَ مِثْلَ الدُّنْيَا وَعَشَرَةَ أَمْثَالِهَا أَوْ إِنَّ لَكَ مِثْلَ عَشَرَةِ أَمْثَالِ الدُّنْيَا فَيَقُولُ تَسْخَرُ مِنِّي أَوْ تَضْحَكُ مِنِّي وَأَنْتَ الْمَلِكُ** فَلَقَدْ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ضَحِكَ حَتَّى بَدَتْ نَوَاجِذُهُ وَكَانَ يَقُولُ **ذَاكَ أَدْنَى أَهْلِ الْجَنَّةِ مَنْزِلَةً.** رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **“Мен дўзахдан энг охири чиқадиган ва жаннатга энг охири кирадиган кишини аниқ биламан, у дўзахдан ранглари ўчиб чиқиб келади. Аллоҳ таоло унга бор: “Жаннатга кир”, – дейди. У жаннатнинг ёнига келади, унга жаннат тўлиб кетгандек туюлади. У қайтади ва: “Эй Роббим, у лиқ тўла”, – дейди. У зот: “Бор, жаннатга кир”, – дейди. У яна жаннатнинг ёнига келади, унга жаннат тўлиб кетгандек туюлади. У қайтади ва: “Эй Роббим, у лиқ тўла”, – дейди. У зот: “Бор, жаннатга кир,** (у ерда) **сенга дунёча келадиган ва яна унинг ўн бараварича келадиган,** ёки **сенга дунёнинг ўн бараварича келадиган жой бор”, – дейди. У: “Сен подшоҳ бўла туриб мени масхара қиляпсан, ё менинг устимдан куляпсан”, – дейди.** Шунда мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг озиқ тишлари кўринадиган даражада кулганларини кўрганман. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Ўша киши жаннатдан энг кам жой олган кишидир”,** – дедилар”. *Бухорий ривоят қилган.*

Шулардан кўриниб турибдики, қалбида иймони бор одам дўзахда абадий қолмайди, албатта, бир куни ундан чиқиб, жаннатга киради.

Ўший раҳматуллоҳи алайҳ шу ергача Аҳли сунна вал-жамоанинг асосий эътиқодий қарашларини баён қилган ва энди сўзларини якунлашга киришган.

ГЎЗАЛ НАЗМИЙ БАЁН

62 لَقَدْ أَلْبَسْتُ لِلتَّوْحِيدِ نَظْمًا بَدِيعَ الشَّكْلِ كَالسِّحْرِ الْحَلاَلِ

Маънолар таржимаси:

Дарҳақиқат, тавҳидга ҳалол сеҳр каби гўзал шаклли назмни кийгаздим.

Назмий баёни:

Кийгаздим тавҳидга назм нақшинкор,
Ҳалол сеҳр каби гўзал бетакрор.

Луғатлар изоҳи:

لَ – ибтидо ва таъкид ҳарфи.

قَدْ – таҳқиқия маъносида келган.

اَلْبَسْتُ – икки мафъулли феъл. Охиридаги муттасил замр фоили.

لِ – мутааддий феъл (ўтимли феъл) билан унинг мафъули орасига таъкидлаш маъносида киритилган зоида жор ҳарфи.

التَّوْحِيدِ – жор мажрур اَلْبَسَ феълининг биринчи мафъули.

نَظْمًا – иккинчи мафъул.

بَدِيعَ – نَظْمًا га сифат бўлгани учун насб бўлиб турибди. بَدِيعَ калимаси махлуқотларга нисбатан ишлатилганда, унинг ўхшаши бўлмаган аввал қилинган нарса тушунилади. Бу сўздан ушбу манзумага айнан ўхшаши олдин ёзилмаган, деган маъно чиқади.

الشَّكْلِ – музофун илайҳ. Шакл деганда маълум бир миқдор билан иҳота қилиниши сабабли жисмда ҳосил бўладиган қиёфа тушунилади.

كَ – “ташбеҳ” маъносидаги жор ҳарфи.

السِّحْرِ – сеҳр деганда вужудга келиши аслидан бошқача хаёл қилинадиган сабаби махфий бўладиган ишлар тушунилади. Гоҳида ажойиб тарзда адо этилган ишларга нисбатан ҳам ишлатилади.

الْحَلاَلِ –Ҳалол луғатда “ рухсат берилган” маъносига тўғри келади. Истилоҳда “уни истемол қилиш туфайли катта ё кичик бирор жазога тортиш

белгиланмаган нарсаларнинг умумий номи ҳалол деб аталади”. Сеҳргарлар қиладиган ҳаром ишларга хаёл кетиб қолмаслиги учун сеҳр ҳалоллик билан сифатлаб келтирилган.

Матн шарҳи:

Ўший раҳматуллоҳи алайҳ ушбу қисқа ва лўнда, лекин олам-олам маъноларни қамраб олган сўзлар билан тавҳид масалалари баён этилганига ишора қилган. Ушбу назмий асар ҳалол сеҳр каби инсонларни ўзига жалб қилиб оладиган гўзал шаклда ёзилганини айтган.

Баъзи ўринларда сеҳр сўзи мақташ мақташ маъносида хос ҳолатда қўлланилади. Масалан, ҳадиси шарифда гўзал услубда айтилган сўзларда “сеҳр” борлиги хабар берилган:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّهُ قَدِمَ رَجُلَانِ مِنْ الْمَشْرِقِ فَخَطَبَا فَعَجِبَ النَّاسُ لِبَيَانِهِمَا فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **إِنَّ مِنْ الْبَيَانِ لَسِحْرًا** أَوْ **إِنَّ بَعْضَ الْبَيَانِ لَسِحْرٌ**. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: “Машриқдан икки киши келиб хутба қилишди, инсонлар уларнинг баёнларидан ажабланишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Албатта, баёнда сеҳр бор** ёки (у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам) **баъзи баёнда сеҳр бор”, -** дедилар”. *Бухорий ривоят қилган.*

Яъни фасоҳат ва балоғат билан гўзал услубда айтилган сўзлар одамларни гуё сеҳрлагандек ўзига жалб қилиб олади.

Ўший раҳматуллоҳи алайҳнинг ёзган байтлари ҳақиқатдан ҳам ўқиган инсонни ўзига жалб қилиб олиши билан ажралиб туради. Ушбу “Бадъул амолий” асарининг яна бир номи “Қасидатул ломия” бўлиб, бу асар мисралари лом ҳарфи билан тугалланиб ёзилгани учун ҳам “Ломлик қасида” деб номланган. Аслини олганда, ақидавий масалаларни ёзиб баён қилиш қанча машаққатли бўлса, уларни шеърий тарзда баён қилиш ундан-да машаққатлироқдир. Шеърий тарзда баён қилиб ҳам ҳар бир мисрасини лом ҳарфи билан тугаллаб ёзиш эса юқоридаги машаққатлардан ташқари ёзувчида алоҳида иқтидор бўлишини ҳам тақозо этади. Ана шундай машаққатлар натижасида юзага келган асар эса Ўший раҳматуллоҳи алайҳ айтганидек “ҳалол сеҳр каби гўзал ва бетакрор” асар бўлади.

ТАСКИН БЕРУВЧИ НАЗМ

63 يُسَلِّي الْقَلْبَ كَالْبُشْرَى بِرَوْحٍ وَيُحْيِي الرُّوحَ كَالْمَاءِ الزُّلاَلِ

Маънолар таржимаси:

Севинчли хушхабардек қалбга тасалли беради ва зилол сув сингари руҳни жонлантиради.

Назмий баёни:

Қалбларга завқ берар мисли хушхабар,
Зилол сув етгандек ҳаёт жонланар.

Луғатлар изоҳи:

يُسَلِّي – “таскин бериш”, “кўнглини ёзиш” маъносидаги تَسْلِيَةً масдаридан олинган музориъ феъли. Фоили яширин هُوَ замир бўлиб, олдинги байтдаги نَظْمًا га қайтади.

الْقَلْبَ – қалб чап кўксдаги сановбар[448] шаклли аъзо. Баъзи уламолар бу аъзо тез ўзгариб турганидан шундай номланган деганлар. Чунки قَلْبٌ нинг луғавий маъноси “ўзгартирмоқ”дир.

كَ –“ ташбеҳ” маъносидаги жор ҳарфи.

الْبُشْرَى – жор мажрур يُسَلِّي феълига мутааллиқ. Хурсандлик ё хафалик билан юзнинг ўзгаришига сабаб бўладиган хабар араб тилида “бушро” дейилади. Кўпинча хурсандчилик хабарига нисбатан қўлланади.

بِرَوْحٍ – жор мажрур الْبُشْرَى га мутаалиқ. Луғатда “шодлик”, “хурсандчилик” маъноларини англатади.

يُحْيِي – музориъ феъли. Фоили яширин هُوَ бўлиб назмга қайтади. يُسَلِّي феълига атф.

الرُّوحَ – руҳ барча жонзотлардаги тириклик асосидир. Ҳар бир жонзот руҳ пуфланиши билан тирикка айланади, руҳ ундан ажралиши билан ўликка айланади. Бу калима музаккар ва муаннас жинсда қўлланади.

كَالْمَاءِ – жор мажрур يُحْيِي феълига мутааллиқ.

---

[448] Сановбар – ер куррасининг шимолий қисмидаги ўрмонларда ўсадиган дарахт меваси. Кўпинча бу ўсимликдан зийнатлаш учун фойдаланилади.

الزُّلاَلِ – сифат. زَلَّ феъли сирпаниб кетишга нисбатан ишлатилади. Шу маънода зилол сув деганда ҳалқумдан тўхтовсиз тез сирпаниб ўтиб кетадиган мусаффо чучук сув тушунилади.

Матн шарҳи:

Ушбу ёзилган мисралар ўқувчига роҳатбахш хушхабардек тасалли беради ва ўта чанқоқ одамнинг мусаффо зилол сув ичгандаги жонланишидек инсон руҳиятини жонлантиради. Чунки бу мисраларда мусаффо эътиқод баён қилинган. Мусаффо эътиқод эса инсонга зилол сувнинг чанқоқ одамга роҳат бағишлаганидек қалбига роҳат бахш этади. Шу маънода ушбу баён қилинган ақидавий масалалар ҳам ўқиган кишининг қалбига тасалли бериб, унга роҳат бахш этади, руҳиятини озиқлантиради. Руҳ озиқланганда эса бутун тана роҳатланади. Бу шундай роҳатки, бошқа бирор лаззат бу роҳатга тенглаша олмайди. Чунки тана озуқалари орқали ҳосил бўладиган лаззатлар ортида машаққатлар туради. Бу роҳатнинг ортида эса англаган сайин хурсанд бўлиш ва кўнгил кўтарилиш бўлади.

Ҳа, киши қандай улуғ Зотга банда эканини англаса, бу дунёдаги қийинчилигу машаққатларнинг барчаси тезда ўтиб кетишини тушунса, қилаётган озгина ҳаракатларига қанчалар улуғ мукофотлар ваъда қилинганини ҳис этса, ўзининг нақадар фахру ифтихор қиладиган улуғ обрў-мартабада эканини англайди. Тасаввуф олимларидан бири Бишр раҳматуллоҳи алайҳ қуйидаги шеърни такрорлаб юришни яхши кўрар экан:

كَفَى بِي عِزًّا أَنِّي لَكَ عَبْدٌ وَكَفَى بِي فَخْرًا أَنَّكَ لِي رَبٌّ

“Сенинг қулинг эканим – азизликка кифоя,
Менинг Роббим эканинг – обрўларга ниҳоя”[449].

Олимлардан бири: “Дунёдаги энг тотли нарсани татиб кўрмасдан ўтиб кетган кишилар дунё аҳлининг энг бечораҳоллари ҳисобланади”, – дебди. Шунда унга: “Энг тотли нарса нима”, – дейишибди. У: “Аллоҳ таолони таниш дунёдаги энг тотли нарсадир”, – дея жавоб берган экан.

Матнда баён қилинган мисраларнинг руҳни жонлантириши баён қилинди. Фарро раҳматуллоҳи алайҳ: “Инсоннинг тирик бўлишига сабаб бўладиган нарса руҳ деб аталади”, – деган.

Луғат олимларидан Абу Бакр Анборий раҳматуллоҳи алайҳ: “Нафс ва руҳ калималари битта маънони англатади”, – деган.

Баъзи уламолар: “Тирикликка сабаб бўладиган нарса руҳдир, ақлга сабаб бўладиган нарса нафсдир”, – деганлар.

Руҳ ҳақида Қуръони каримда шундай хабар берилган:

[449] Ҳофиз Ибн Ражаб. Шарҳу ҳадис Лаббайкаллоҳумма лаббайк. “Мактабатуш шомила”. – Б. 67.

﴿ وَيَسْـَٔلُونَكَ عَنِ ٱلرُّوحِۖ قُلِ ٱلرُّوحُ مِنْ أَمْرِ رَبِّي وَمَآ أُوتِيتُم مِّنَ ٱلْعِلْمِ إِلَّا قَلِيلًا ٨٥ ﴾

“Ва сендан руҳ ҳақида сўрайдилар. Сен: “Руҳ Роббимнинг ишидир. Сизларга жуда оз илм берилгандир”, – деб айт”[450].

Яъни руҳнинг нима экани фақатгина Аллоҳ таоло биладиган махфий нарсалардан ҳисобланади. Инсонларга бу тўғрисида оз илм берилган, шунга кўра, улар кўп нарсалар ҳақида эшитдик, итоат қилдик, дейишдан ўзга чоралари йўқдир.

Имом Шоҳ Валиюллоҳ Деҳлавий[451] “Ҳужжатуллоҳил Болиға” асарида “Руҳнинг ҳақиқати” деган алоҳида боб ажратган ва ўша бобда қўйидагиларни ёзган: “Руҳ тўғрисида идрок этиладиган нарсаларининг энг биринчиси шуки, у тирик жонзотлардаги ҳаётнинг асосидир. Жонзотларга руҳ пуфланиши сабабли тирилиб, унинг ажралиши сабабли ўладилар”[452].

---

[450] Исро сураси, 85-оят.

[451] Шоҳ Валиюллоҳ Деҳлавий номи билан машҳур бу зотнинг исми шарифи Аҳмад ибн Абдур Раҳим ибн Важиҳиддин бўлган. Ҳижрий 1114 йилда Деҳли шаҳрида туғилган. Тафсир, ҳадис, ақоид, усулул фиқҳ, тасаввуф ва луғат илмларига оид кўплаб асарлар ёзиб қолдирган. Ҳижрий 1176 йилда 62 ёшида Деҳлида вафот этган.

[452] Шоҳ Валиюллоҳ Деҳлавий. Ҳужжатуллоҳил болиға, биринчи жуз. – Қоҳира: “Дорул жийл”, 2005. – Б. 52.

АҚИДА БИЛМАГАН ШАЙТОНА ЭЛДИР

64 فَخُوضُوا فِيهِ حِفْظًا وَاعْتِقَادًا تَنَالُوا جِنْسَ أَصْنَافِ الْمَنَالِ

Маънолар таржимаси:

Шунинг учун *(эй ўқувчи)* ***ёдлаб,*** *(маъноларига)* ***эътиқод қилиб, унга киришинглар.****(Шунда)* ***турли мукофотларга эришасизлар.***

Назмий баёни:

Сўзларин ёд олинг қилиб эътиқод,
Мукофотларидан бўласизлар шод.

Луғатлар изоҳи:

فَ – “таълилия” маъносида келган ҳарф.

خُوضُوا – “шўнғиш” маъносидаги خَوضًا масдаридан олинган амр феъли. Фоили охиридаги واو дир.

فِيهِ – Жор мажрур خُوضُوا га мутааллиқ. هُوَ замир олдинги байтдаги نَظْمًا га қайтади.

حِفْظًا – тамйизликка кўра насб бўлиб турибди.

وَاعْتِقَادًا – бу калима ҳам тамйизликка кўра насб бўлган. Нозим ўқувчилардан ушбу назмни фақат ўқиб қўйиш билан чекланмасдан сўзларини ёд олиб маъноларига эътиқод қилишни сўраган.

تَنَالُوا – “эришмоқ” маъносидаги نَيْلاً масдаридан олинган амр феъли. Фоили охиридаги واو дир.

جِنْسَ – мафъул. Жинс ҳақиқати ҳар хил нарсаларга, нав эса ҳақиқати бир хил нарсаларга нисбатан ишлатилади. Масалан, ҳайвон жинс, инсон навдир. Шунга кўра ушбу калимадан ҳақиқатлари турли мукофотларга эришасизлар, маъноси тушунилади.

اَصْنَافِ – музофун илайҳ. Бу калима صَنْفٌ нинг кўплик шакли бўлиб, “турлар”, “навлар” маъноларига тўғри келади.

الْمَنَالِ – луғатда “эришиладиган мукофот” маъносини англатади. Яъни дунёю охиратда Аллоҳ таоло берадиган мукофотларга эришасизлар.

Матн шарҳи:

Ушбу қисқа ва лўнда эътиқод масалаларини баён қилувчи назмни ёдлаб, унда баён қилинган масалаларга эътиқод қилинса, мусаффо ақидага эга бўлинади. Эътиқоди мусаффо кишининг эса қилган озгина амали ҳам кўп мева беради, яъни Аллоҳ таоло унинг ақидаси мусаффолиги сабабли унга икки дунё бахт-саодатини ато этади. Сўфи Оллоҳёр бобомизнинг машҳур сўзларига эътибор беринг:

Ақида билмаган шайтони элдир,
агар минг йил амал деб қилса, елдир.
* * *
Уялма маърифатни ўрганурдин
Танур жойинг бўлур, қолсанг танурдин.

Яъни ақида билмаган кимсада шайтондан ўзини ҳимоя қиладиган энг муҳим восита бўлмайди. Шайтон бундай ҳимоясиз кимсани бир ҳамладаёқ ўз измига солиб етаклаб кетаверади. Шайтонга эргашган кимсанинг эса ўзича ибодат деб қилаётган нарсалари, аслида, беманиликдан бошқа нарса бўлмайди. Шунинг учун маърифатни, яъни Аллоҳ таоло тўғрисидаги соф эътиқодни ўрганишга астойдил ҳаракат қилиш лозим.

Мусаффо эътиқоддан баҳраманд бўлганларни Аллоҳ таоло хотиржамлик ва қаноат неъматидан баҳраманд қилиб қўяди. Қайси бир инсон эришган муваффақиятлари сабабли ҳовлиқишга эмас, шукр қилишга ўтаётган бўлса, бошига тушган мусибат ё омадсизликлар сабабли ортиқча маҳзунликка эмас, савоб умидида сабр қилишга ўтаётган бўлса, дунёнинг ўзидаёқ мусаффо эътиқодининг самарасини кўраётган бўлади.

مَنْ شَاءَ عَيْشًا رَحِيبًا يَسْتَطِيبُ بِهِ فِي دِينِهِ ثُمَّ فِي دُنْيَاهُ اِقْبَالاً
فَلْيَنْظُرَنْ اِلَى مَنْ فَوْقَهُ وَرَعًا وَلْيَنْظُرَنْ اِلَى مَنْ دُونَهُ مَالاً

“Динида хайрли ҳаёт излаган,
Қарасин тақвода ким ундан ўзар.
Дунёда фаровон ҳаёт кўзлаган,
Ўзидан ночорга ташласин назар”[453].

[453] Мулла Али Қори. Шарҳу айнил илм, иккинчи жуз. – Қозон: “Харитонов босмахонаси”, 1908. – Б. 209.

ДУО ҚИЛИШ ОДОБЛАРИ БАЁНИ

65 وَكُونُوا عَوْنَ هَذَا الْعَبْدِ دَهْرًا بِذِكْرِ الْخَيْرِ فِي حَالِ ابْتِهَالِ

Маънолар таржимаси:

(Эй ушбу назмни ёдлаб унинг маъноларига эътиқод қилганлар) ***тазарру қилган ҳолатда*** *(Аллоҳга дуо қилган пайтларингда)* ***доимо бу бандага*** *(ҳам)* ***яхши дуо қилиш билан ёрдамчи бўлинглар.***

Назмий баёни:

Бу бандага кўмакда бўлинглар мудом,
Эзгу дуолар-ла, ёлворган ҳар дам.

Луғатлар изоҳи:

كُونُوا – олдинги байтдаги خُوضُوا феълига атф. Охиридаги واو исми.

عَوْنَ – исми фоил маъносида келган масдар. كُونُوا нинг хабари эканига кўра насб бўлиб турибди.

هَذَا – музофун илайҳ. Танбеҳ ҳарфи бўлган هَ ва исми ишора ذَا дан таркиб топган лафз. Ушбу исми ишора билан яқинга ва яқиннинг ҳукмида бўлган зотга ишора қилинади. Яъни манзумани ўқиётганларга Нозим яқиннинг ҳукмида бўлади.

الْعَبْدِ – исми ишора ذَا дан бадал. Бу калиманинг маъноси عَبْدُ اللهِ экани ва ундан Нозим раҳматуллоҳи алайҳ ўзини ирода қилгани биринчи байтнинг изоҳида баён қилинган эди.

دَهْرًا – зарфликка кўра насб бўлиб турибди. دَهْرٌ истилоҳда “кетма-кет келувчи вақтларнинг йиғиндиси” маъносини англатади.

بِذِكْرِ – жор мажрур عَوْنَ га мутааллиқ. Зикр калимасининг кўплаб маънолари бўлиб бу ерда “дуо қилиш” маъносида келган.

الْخَيْرِ – музофун илайҳ. Бу калима, аслида, اَخْيَرُ исми тафзилнинг ҳамзаси ҳазф қилинган шаклидир.

فِي – “зарфият” маъносида келган жор ҳарфи.

حَالِ – жор мажрур ذِكْرِ га мутааллиқдир. Ҳол калимаси луғатда бир нарсанинг сифати, ташқи кўриниши ва умумий ҳолатига нисбатан ишлатилади.

ابْتِهَالِ – музофун илайҳ. Бу калима луғатда қаттиқ ялиниб сўрашга нисбатан ишлатилади. Шунинг учун ҳам ўзбек тилига “ёлвориш”, “ўтиниш”, “тазарру қилиш” каби маъноларда таржима қилинади.

Матн шарҳи:

Ўший раҳматуллоҳи алайҳ ушбу асарини якунлаш арафасида ўқувчиларнинг хайрли дуоларидан умидвор эканини баён қилган. “Ёлворган ҳар дам” деган сўзлари билан дуонинг энг муҳим одобларидан бирига ишора қилган. Зеро, ибодатларнинг мағзи бўлган дуо қилишнинг кўплаб одоблари бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

Биринчи одоб - эзгу ният қилиш.

Дуо қилишда аввало Аллоҳ таоло яхши кўрадиган ва рози бўладиган ишни адо этиш ният қилинади. Шу билан биргаликда барча ҳожатлари раво бўлиши Роббисининг иродасига боғлиқ эканини қалбан эътироф этиб дуо қилади. Мазкур сифатга эга бўлган дуо, албатта, манфаатли бўлади.

Зеро, дуо қилишнинг ўзи банда учун сўраган нарсаси ато этилишидан кўра яхшироқ бўлади. Чунки Аллоҳ ирода қилган бандагина дуо қила олади.

Иккинчи одоб - кўп дуо қилиш.

Дуо энг улуғ ибодатлардан бўлгани учун имкон қадар кўп дуо қилишга ҳаракат қилинади. Зеро, бандаларни дуо қилишга Аллоҳ таолонинг Ўзи буюрган:

﴿ وَقَالَ رَبُّكُمُ ٱدْعُونِىٓ أَسْتَجِبْ لَكُمْ ۚ إِنَّ ٱلَّذِينَ يَسْتَكْبِرُونَ عَنْ عِبَادَتِى سَيَدْخُلُونَ جَهَنَّمَ دَاخِرِينَ ﴿٦٠﴾ ﴾

“Роббингиз: “Менга дуо қилинг, сизга ижобат қилурман. Албатта, Менинг ибодатимдан кибр қилганлар жаҳаннамга хору зор ҳолларида кирурлар”, – деди”[454].

Ушбу оятда дуо қилишга буюриш билан биргаликда уни Ўз фазлу марҳамати билан ижобат этишини ҳам баён қилган. Оятнинг давомида эса Аллоҳга дуо қилишдан кибрланганларга қаттиқ таҳдид қилинган. Шунинг учун бандалар ҳаётлари давомида доимо дунёларига тааллуқли ишларида ҳам, динларига тааллуқли ишларида ҳам Роббиларининг раҳматига муҳтож эканларини изҳор қилиб боришлари лозим бўлади.

Каттоний раҳматуллоҳи алайҳ: “Аллоҳ таоло мўминнинг тилини узр сўрашга йўналтирган бўлса, албатта, унга мағфират эшигини очган бўлади”, – деган.

[454] Ғофир сураси, 60-оят.

Учинчи одоб - таҳоратли ҳолатда дуо қилиш.

Дуо ижобати учун таҳоратли ҳолатда бўлиш шарт бўлмаса-да, таҳоратли ҳолатда дуо қилиш афзал ҳисобланади.

Тўртинчи одоб - кафтларнинг ички тарафи билан дуо қилиш.

Дуо ибодат бўлганидан унда қилинадиган амалларда шариат кўрсатмаларига риоя қилиш лозим бўлади. Бу ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай кўрсатма берганлар:

عَنْ مَالِكِ بْنِ يَسَارٍ السَّكُونِيِّ ثُمَّ الْعَوْفِيِّ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ قَالَ **إِذَا سَأَلْتُمُ اللَّهَ فَاسْأَلُوهُ بِبُطُونِ أَكُفِّكُمْ وَلاَ تَسْأَلُوهُ بِظُهُورِهَا**. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ

Молик ибн Ясор Сакуний Авфийдан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “**Агар Аллоҳдан сўрасангиз, кафтларингнинг ичлари билан сўранглар, Ундан кафтларингизнинг орқалари билан сўраманглар”,** – дедилар”. *Абу Довуд ривоят қилган.*

Ушбу ҳадисда кафтнинг ичи билан сўраш яъни кафтнинг ичини юқорига қилиб дуо қилиш таълим берилган. Бу ҳадиснинг шарҳида уламолар шундай деганлар: қўлнинг ичи билан дуо қилиш кишининг эҳтиёжмандлигига далолат қилувчироқ бўлади. Чунки бундай дуо қилиш гўёки қўлларини чўзиб, унга бериладиган нарсага интизор бўлиб, сўраб турган кўринишда бўлади.

Бешинчи одоб - қўлларини баланд кўтариб дуо қилиш.

Дуо қилишда эътибор бериш лозим бўлган одоблардан яна бири қўлларни кўтариб дуо қилишдир. Бу ҳақида ҳадиси шарифда шундай хабар берилган:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ **مَا مِنْ عَبْدٍ يَرْفَعُ يَدَيْهِ حَتَّى يَبْدُوَ إِبْطُهُ يَسْأَلُ اللَّهَ مَسْأَلَةً إِلاَّ آتَاهَا إِيَّاهُ مَا لَمْ يَعْجَلْ** قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ وَكَيْفَ عَجَلَتُهُ قَالَ **يَقُولُ قَدْ سَأَلْتُ وَسَأَلْتُ وَلَمْ أُعْطَ شَيْئًا**. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “**Бирор-бир банда то қўлтиғи кўринадиган даражада қўлларини кўтариб, Аллоҳ таолодан бирор нарсани сўрар экан, агар шошқалоқлик қилмаса, албатта, Аллоҳ унга ўша нарсани ато этади”,** дедилар. Шунда (саҳобалар): “Эй Аллоҳнинг Расули, унинг шошқалоқлик қилиши қандай бўлади”, – дейишди. У зот: **“Сўрадим, сўрадим, менга бирор нарса ато қилинмади”, дейди”**, – дедилар”. *Термизий ривоят қилган.*

Ушбу кўриниш ҳам эҳтиёжмандликка далолат қилувчироқ бўлади.

Олтинчи одоб - Аллоҳга ҳамду сано билан бошлаш.

Барча ишларида Роббисини ёдга олиб, Унга ҳамду санолар айтиб бошлаш мусулмон кишининг одобларидан ҳисобланади. Шу маънода ҳамду сано билан бошланган дуо ижобат қилинишга яқинроқ бўлади.

Еттинчи одоб - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтиш.

Дуодаги муҳим одоблардан бири Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтишдир. Бу ҳақида Али розияллоҳу анҳудан шундай ривоят қилинган:

عَنْ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ قَالَ كُلُّ دُعَاءٍ مَحْجُوبٌ حَتَّى يُصَلَّى عَلَى مُحَمَّدٍ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَآلِ مُحَمَّدٍ أَخْرَجَ الطَّبَرَانِيُّ فِي الأَوْسَطِ

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “**Токи Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг оилаларига салавот айтилмас экан, барча дуо тўсилгандир”.** *Табароний “Авсат”да ривоят қилган.*

Саккизинчи одоб - азму қарор билан сўраш.

Дуо қилишда тараддудланмасдан, “агар хоҳласанг” деб истисно қилмасдан азму қарор билан сўраш лозим. Бу ҳақида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ **لَا يَقُولَنَّ أَحَدُكُمُ اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي إِنْ شِئْتَ اللَّهُمَّ ارْحَمْنِي إِنْ شِئْتَ لِيَعْزِمْ فِي الدُّعَاءِ فَإِنَّ اللَّهَ صَانِعٌ مَا شَاءَ لاَ مُكْرِهَ لَهُ.** رَوَاهُ مُسْلِمُ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “**Сизлардан бирингиз ҳаргиз эй Аллоҳим, агар хоҳласанг мени мағфират қилгин, хоҳласанг менга раҳм қилгин демасин. Дуода азму қарорли бўлсин. Албатта, Аллоҳ Ўзи хоҳлаганини яратувчидир, уни мажбур қилувчи йўқдир”,** – дедилар”. *Муслим ривоят қилган.*

Шунга кўра дуо қилувчи кечирармикин деб иккиланмасдан дуо қилиши лозим. Солиҳ Муррий раҳматуллоҳи алайҳ: “(Дуо ижобатига ишора қилиб) Кимки иштиёқ билан эшикни тақиллатса, албатта, унга очилади, – деб кўп айтар экан. Бу гапни эшитган Робиъатул Адавия унга: “Бу эшик қачон ёпиқ бўлганки, унинг очилиши сўралса”, – деб эътироз билдирибди. Шунда Солиҳ Муррий: “Шайх билмади, хотин билди”, – деган экан.

Тўққизинчи одоб - қалби бошқа нарса билан банд бўлмасдан дуо қилиш.

Дуо қилувчининг тилида талаффуз қилаётган сўзлари билан қалби бир хил бўлиши, қалби бошқа нарсалар билан “банд” бўлмаслиги ижобат қилинадиган дуонинг шартларидан ҳисобланади. Бу ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ **ادْعُوا اللَّهَ وَأَنْتُمْ مُوقِنُونَ بِالإِجَابَةِ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ لاَ يَسْتَجِيبُ دُعَاءً مِنْ قَلْبٍ غَافِلٍ لاَهٍ.** رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “**Ижобат қилишига аниқ ишонган ҳолда**

Аллоҳга дуо қилинглар, билингларки, ғофил (тили талаффуз қилаётган нарсадан бошқа нарса билан) **банд бўлган қалбдан Аллоҳ дуо қабул қилмайди”,** – дедилар”. *Термизий ривоят қилган.*

“Рисалутул Қушайрия” китобида қуйидаги ривоят келтирилган: “Мусо алайҳиссалом тазарруъ билан ёлвориб дуо қилаётган кишининг ёнидан ўтдилар ва: “Эй Аллоҳим, агар унинг ҳожатини раво қилиш менинг қўлимда бўлганида, албатта, раво қилар эдим”, – дедилар. Шунда Аллоҳ таоло у зотга: “Мен унга сендан кўра меҳрибонман. Лекин у менга дуо қилмоқдаю, бироқ қалби қўйида турибди, Менга дуо қилаётган банданинг қалби Мендан ўзгада бўлса дуосини қабул қилмайман”, – деб ваҳий юборди. Мусо алайҳиссалом ҳалиги кишига бу хабарни етказди. Шунда у бутун қалби билан Аллоҳ таолога астойдил дуо қилган эди, Аллоҳ унинг ҳожатини раво қилди”.

Шунинг учун дуо қилувчи сўровини қалбидан чиқариб дуо қилиши лозим.

Ўнинчи одоб - ижобатига аниқ ишониб дуо қилиш.

Дуонинг муҳим одобларидан бири қилаётган дуоси албатта ижобат бўлишига аниқ ишониб дуо қилишдир. Чунки ваъдасига хилоф қилмайдиган Зот ижобат қилишини ваъда берган:

﴿ وَإِذَا سَأَلَكَ عِبَادِى عَنِّى فَإِنِّى قَرِيبٌ ۖ أُجِيبُ دَعْوَةَ ٱلدَّاعِ إِذَا دَعَانِ ۖ ﴾

“Агар бандаларим сендан Мени сўрасалар, Мен, албатта, яқинман. Дуо қилувчи дуо қилганда, ижобат қилурман”[455].

Шунга кўра, доимо дуо қилишга ҳаракат қилиб бориш лозим.

Ўн биринчи одоб - бирор гуноҳ ишни амалга ошириш учун ёки қариндошлик алоқаларини узиш учун дуо қилмаслик.

Мусулмон киши бирор гуноҳни бажаришга эришиши учун ёки бирор қариндоши билан алоқани узишга муваффақ қилинишини сўраб дуо қилмаслиги керак. Зеро, бундай дуо ижобат ҳам қилинмаслиги ҳадиси шарифда хабар берилган:

عَنْ جَابِرٍ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ **مَا مِنْ أَحَدٍ يَدْعُو بِدُعَاءٍ إِلاَّ آتَاهُ اللَّهُ مَا سَأَلَ أَوْ كَفَّ عَنْهُ مِنَ السُّوءِ مِثْلَهُ مَا لَمْ يَدْعُ بِإِثْمٍ أَوْ قَطِيعَةِ رَحِمٍ.** رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: “**Кимда ким бирор дуо қиладиган бўлса, Аллоҳ таоло, албатта, унга сўраганини беради ёки ўшанча ёмонликни ундан тўсади, модомики у бирор гуноҳга ё қариндошлик алоқасини узишга дуо қилмаган бўлса”,** – деяётганларини эшитганман”. *Термизий ривоят қилган.*

Ушбу ҳадиси шарифда шариат ман қилган ишлардан сақланиб дуо қилиш, албатта, мазкур учта зарур нарсадан бирига сабаб бўлиши баён қилинган. Шунинг учун ориф зотлардан бири: “Дуо – гуноҳни тарк қилишдир”, – деган.

Ўн иккинчи одоб - ўзига ё фарзандига ё молига зарар етишини сўраб дуо қилмаслик.

---

[455] Бақара сураси, 186-оят.

Одатда ақли расо инсон ҳеч қачон ўзига ё фарзандига ё молига зарар етишини сўраб дуо қилмайди. Аммо “жаҳл келганда ақл кетади” деганларидек баъзи инсонлар бирор нарсадан қаттиқ ғазабланган пайтларида ўзларига нисбатан “ўлсам бўлмасмиди”, фарзандига нисбатан “бўйнинг узилгур”, молига нисбатан “қирилиб кетгур” каби сўзларни “жаҳл қилиб” айтиб юборадилар. Ушбу сўзларни айтаётган кимса зоҳиран шу нарсалар содир бўлиши учун дуо қилаётганга ўхшаб қолади. Зеро, дуонинг асли сўровдир. Ҳадиси шарифларда бундай “сўров”нинг ўта хатарли экани ҳақида огоҳлантирилган:

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ **لاَ تَدْعُوا عَلَى أَنْفُسِكُمْ وَلاَ تَدْعُوا عَلَى أَوْلاَدِكُمْ وَلاَ تَدْعُوا عَلَى خَدَمِكُمْ وَلاَ تَدْعُوا عَلَى أَمْوَالِكُمْ لاَ تُوَافِقُوا مِنَ اللَّهِ تَبَارَكَ وَتَعَالَى سَاعَةَ نَيْلٍ فِيهَا عَطَاءٌ فَيَسْتَجِيبَ لَكُمْ.** رَوَاهُ اَبُو دَوُودَ

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “**Ўзларингга зарар етишини сўраб дуо қилманглар, фарзандларингга зарар етишини сўраб дуо қилманглар, хизматчиларингга зарар етишини сўраб дуо қилманглар, молларингга зарар етишини сўраб дуо қилманглар** (тағин) **Аллоҳ табарока ва таоло** (сўралган нарсани) **ато қиладиган ижобат соатига мувофиқ келиб қолмангларки,** (сўровларингни) **ижобат қилиб қўяди”,** – дедилар”.

Абу Довуд ривоят қилган.

Ушбу ҳадисга риоя қилган мусулмонлар жаҳллари чиққан пайтда “бўйнинг узилгур”нинг ўрнига “барака топкур”, “уйинг буғдойга тўлгур” каби сўзлар билан “койиган”лар.

Ўн учинчи одоб - бирор зарар ё мусибат етгани сабабли ўлим сўраб дуо қилмаслик.

Мусулмон кишининг бирор мусибатга учрагани туфайли ўзига ўлим тилаши беодоблик ҳисобланади. Бу ҳақида ҳадиси шарифда шундай хабар берилган:

عَنْ أَنَسٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **لَا تَدْعُوا بِالْمَوْتِ وَلَا تَتَمَنَّوْهُ فَمَنْ كَانَ دَاعِيًا لَا بُدَّ فَلْيَقُلْ اللَّهُمَّ أَحْيِنِي مَا كَانَتْ الْحَيَاةُ خَيْرًا لِي وَتَوَفَّنِي إِذَا كَانَتْ الْوَفَاةُ خَيْرًا لِي.** رَوَاهُ النَّسَائِيُّ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “**Ўлим сўраб дуо қилманглар, уни ҳаргиз тиламанглар, агар кимки дуо қилишга мажбур бўлиб қолса: “Эй Аллоҳим, ҳаёт мен учун хайрли бўладиган бўлса, мени ҳаётда қолдиргин, агар вафот мен учун хайрли бўладиган бўлса, мени вафот эттиргин, десин”,** – дедилар”.

Насоий ривоят қилган.

Шунинг учун мўмин киши доимо Аллоҳ таолонинг раҳматидан умидвор бўлиб, яхшилик сўраб дуо қилиб бориши лозим.

Ўн тўртинчи одоб - дуо қилишда ҳаддан ошмаслик.

Банда дуо қилишда ҳаддан ошмаслиги, бандалардан сўрашдаги ҳолатлар сингари майдалаб гапириб эзмалик қилмаслик ҳам муҳим одоблардан ҳисобланади. Бу ҳақида Қуръони каримда шундай буйруқ келган:

﴿ٱدۡعُواْ رَبَّكُمۡ تَضَرُّعٗا وَخُفۡيَةًۚ إِنَّهُۥ لَا يُحِبُّ ٱلۡمُعۡتَدِينَ ٥٥﴾

“Роббингизга тазарруъ ила ва махфий дуо қилинг. Зотан, у ҳаддан ошувчиларни севмас”[456].

Бир куни Саъд ибн Аби Ваққос розияллоҳу анҳу ўғилларидан бирининг дуо қилаётиб: “Эй Аллоҳим, Сендан жаннатни, унинг неъматларини, шодликларини ва фалон- фалон нарсаларни ато қилишингни сўрайман, дўзахдан паноҳ беришингни, унинг занжирлару кишанларидан ва фалон-фалон нарсалардан паноҳ беришингни тилайман”, - деб дуо қилаётганини эшитиб қолибди. Шунда у зот: “Ҳой ўғилгинам, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “**Келажакда дуода ҳаддан ошадиган бир қавм бўлади**”, – деяётганларини эшитганман, ўшалардан бўлиб қолмагин. Агар сенга жаннат ато қилинса, унда нима бўлса ҳаммаси ато қилинган бўлади-ку, агар сенга дўзахдан паноҳ берилган бўлса, ундаги ҳамма ёмонликлардан ҳам паноҳ берилган бўлади-ку”, – деган экан.

Шунинг учун дуо қилишда ҳаддан ошмаслик керак.

Ўн бешинчи одоб – дунёнинг ўзида тезроқ жазо берилишини сўраб дуо қилишдан сақланиш.

Охиратдаги жазонинг қаттиқлигидан қўрқиб, дунёда берилишини сўраб дуо қилишдан сақланиш лозим. Чунки унинг мазкур сўрови ижобат қилинса, уни кўтара олмай қолиши ҳам мумкин. Балки унинг ўрнига Аллоҳ таолонинг раҳматидан умидворлик билан У зотдан мағфират ва офият сўраб дуо қилиш керак. Бунга қуйидаги ривоят ёрқин далилдир: “Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонлардан бир беморни зиёрат қилдилар. Бемор жуда ночор ҳолатда жўжадек бўлиб қолган эди. Унга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Бирор нарса тўғрисида дуо қилдингми, ёки У зотдан бирор нарсани сўрадингми?” –** дедилар. Ҳалиги бемор: “Ҳа, мен: эй Аллоҳим, менга охиратда берадиган жазоингни, тезроқ дунёда бергин”, деб дуо қилган эдим”, – деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Субҳаналлоҳ! Унга тоқатинг етмайди-ку** (ёки бир ривоятда) **уни кўтар олмайсан-ку,** (унинг ўрнига)**: Эй Аллоҳим, бизларга дунёда яхшиликни ато қилгин, охиратда ҳам яхшиликни ато қилгин”**, – деб айтмадингми”, – дедилар. У Аллоҳ таолога (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўргатган дуо билан) дуо қилган эди, Аллоҳ унга шифо берди”.

Ўн олтинчи одоб - Аллоҳ таолога доимо муҳтож эканини изҳор қилиб дуо қилиш.

Мусулмон киши ўзига бирор манфаат ҳосил бўлишида ҳам, бирор зарардан сақланишда ҳам Аллоҳ таолонинг мададига муҳтож эканини доимо ёдида

[456] Аъроф сураси, 55-оят.

тутиши лозим. Банда дунёга тааллуқли ишда ҳам, охиратга тааллуқли ишда ҳам ўзича мустақил бирор нарсага қодир бўла олмайди. Шунинг учун у ўзининг ожизлигини, Роббисининг қодирлигини эътироф этиб, эҳтиёжларини раво қилишни сўраб Роббисига дуо қилиши лозим. Ушбу одоб мусулмонликнинг асоси бўлган энг муҳим одоблардан ҳисобланади.

Яҳё ибн Муоз раҳматуллоҳи алайҳ: “Эй Аллоҳим, Сенга осийлик қилиб туриб яна Сенга қандай қилиб дуо қиламан? Эй Аллоҳим, Сен раҳмату икроми сўнгсиз Ал-Карийм зот бўлсанг, қандай Сендан дуо қилиб сўрамайман?”, – деб дуо қилган экан.

Ўн еттинчи одоб - сермазмун ва умумий дуо қилиш.

Дунё ва охират яхшиликлари сўрови жамланган дуолар сермазмун ва умумий дуолар ҳисобланади. Бундай дуоларнинг афзаллари, албатта, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам таълим берган дуолардир. У зот алайҳиссалом кўпроқ қуйидаги дуони ўқиганлар:

﴿رَبَّنَآ ءَاتِنَا فِى ٱلدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِى ٱلْءَاخِرَةِ حَسَنَةً وَقِنَا عَذَابَ ٱلنَّارِ ﴿٢٠١﴾﴾

“Роббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшиликни, охиратда ҳам яхшиликни бергин ва бизни дўзах олови азобидан сақлагин”[457].

Ўн саккизинчи одоб - кўпроқ офият сўраб дуо қилиш.

Офият сўзи луғавий жиҳатдан “тўлиқ эсон-омонлик” маъносига тўғри келади. Шунга кўра кимки офият сўраб дуо қилган бўлса ва Аллоҳ таоло уни дунёю охиратда офиятда қилган бўлса, унга барча яхшиликлар берилган бўлади. Офият сўраб дуо қилишга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг алоҳида кўрсатмалари бор. У зот амакилари Аббос розияллоҳу анҳуга шундай буюрганлар:

أَكْثِرِ الدُّعَاءَ بِالْعَافِيَةِ

“Кўпроқ офият сўраб дуо қилинг”.

Шунинг учун кўпроқ офият сўраб дуо қилиш керак.

Ўн тўққизинчи одоб - ижобат сабабларини адо этиб дуо қилиш.

Дуонинг ижобат қилиниши сабаблари жуда кўп бўлиб улар Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда баён қилиб қўйилган. Масалан, Аллоҳ таоло Ўзининг исмларини айтиб дуо қилишга буюрган:

﴿وَلِلَّهِ ٱلْأَسْمَآءُ ٱلْحُسْنَىٰ فَٱدْعُوهُ بِهَا ۖ﴾

“Аллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Бас, Унга ўша (исм)**лар ила дуо қилинг”[458].**

Басраликлар Иброҳим Адҳамдан: “Бизга нима бўлганки, дуо қилсак ҳам ижобат этилмайди”, – деб сўрашибди. Шунда у зот қуйидагича жавоб берган

---

[457] Бақара сураси, 201-оят.
[458] Аъроф сураси, 180-оят.

экан: “Дуоларингиз қабул бўлмаслигининг сабаби, қалбларингиз ўнта нарсани ҳис қила олмайдиган бўлиб қолган:

1. Аллоҳни танигансиз-у, бироқ Унинг ҳаққини адо этмагансиз;
2. Аллоҳнинг китобини ўқигансиз-у, бироқ унга амал қилмагансиз;
3. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ва у зотнинг саҳобаларини яхши кўришни даъво қилгансиз-у, бироқ у зотнинг суннатларини тарк қилгансиз;
4. Шайтонни ўзларингизга душман деб билгансиз-у, бироқ у билан муроса қилиб қолгансиз;
5. Жаннатни яхши кўрамиз дегансиз-у, аммо у учун амал қилмагансиз;
6. Дўзахдан қўрқамиз дегансиз-у, аммо унга ўзингизни гаров қилиб қўйгансиз;
7. Ўлимни ҳақ деб билгансиз-у, бироқ унга ҳозирлик кўрмагансиз;
8. Одамларнинг айблари билан машғул бўлгансиз-у, бироқ ўзингизнинг айбларингизни ташлаб қўйгансиз;
9. Роббингизнинг неъматларидан баҳраманд бўлгансиз-у, бироқ уларнинг шукрини адо этмагансиз;
10. Ўликларингизни дафн этгансиз-у, лекин улардан ибрат олмагансиз”.

Йигирманчи одоб -кўпроқ “Йа Зал жалали вал икром” деб дуо қилиш.

Аллоҳ таолонинг исмларидан бири Зул жалали вал икром бўлиб, луғатда “улуғлик ва фазлу карам эгаси” маъносини англатади. Дуо қилувчи кўпроқ Аллоҳ таолонинг ушбу исмини айтиб дуо қилиши афзал ҳисобланади. Чунки бу ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг алоҳида кўрсатмалари бор:

عَنْ أَنَسٍ أَنَّ النَّبِيَّ صلى الله عليه وسلم قَالَ **أَلِظُّوا بِيَا ذَا الْجَلاَلِ وَالإِكْرَامِ.** رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Йа Зал жалали вал икромни лозим тутинглар”**, – дедилар”. *Термизий ривоят қилган.*

Матнда келган أَلِظُّوا калимаси “уни лозим тутинглар”, “унда собит бўлинглар”, “уни кўп гапиринглар” ва “дуоларингда талаффуз қилинглар” каби маъноларни англатади.

Йигирма биринчи одоб - ялиниб дуо қилиб юришда доимий равишда бардавом бўлиш.

Дуо қилиш одобларидан бири ихлос билан ялиниб сўрашда бардавом бўлишдир. Бу ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

عَنْ عَائِشَةَ اَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ **إِذَا سَأَلَ أَحَدُكُمْ فَلْيُكْثِرْ فَإِنَّمَا يَسْأَلُ رَبَّهُ.** رَوَاهُ ابْنُ حِبَّان

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам” “**Қачон сизлардан бирингиз сўраса,** (сўровини) **кўпайтирсин. Албатта, у Роббисидан сўрамоқда”,** – дедилар”. *Ибн Ҳиббон ривоят қилган.*

Банданинг доимий равишда Роббисидан дуо қилиб сўрашни ўзига одат қилиб олиши У зотнинг марҳаматига ҳамиша муҳтож экани изҳори бўлади. Чунки бошқа бир ҳадиси шарифда: **“Ким Аллоҳдан сўрамаса, Аллоҳ унга ғазаб қилади”,** деб хабар беилган.

Ҳикматли шеърлардан бирида шундай дейилган:

لاَ تَسْأَلَنَّ بَنِى آدَمَ حَاجَةً وَسَلِ الَّذِى أَبْوَابُهُ لاَ تُحْجَبُ

اَللهُ يَغْضَبُ إِنْ تَرَكْتَ سُؤَا لَهُ وَإِذَا سَأَلْتَ بَنِى آدَمَ يَغْضَبُ

Одамлардан ҳеч қачон сўрамагил эҳтиёж,
Қўлларингни доимо чексиз даргоҳ сари оч.
Аллоҳ сендан ғазабланар агар сен сўранмасанг,
Ғазаб қилар одамлар гар улардан сўрасанг.

Абу Язид Бастомий раҳматуллоҳи алайҳ: “Банданинг Аллоҳдан мадад тилашни қўйиб, бандадан мадад тилаши, худди зиндонда ўтирган кишининг зиндондаги ўзига ўхшаш тутқундан мадад тилашига ўхшайди”, – деган.

Йигирма иккинчи одоб - Ижобат ваъда қилинган вақтларда ва фазилатли маконларда дуо қилишга ошиқиш.

Дуолар ижобат қилиниши ваъда қилинган фазилатли вақтлар ва маконларда кўпроқ дуо қилишга ошиқиш лозим бўлади. Буларнинг энг машҳурларидан айримлари қуйидагилардир:

– Азон ва такбир орасида;
– Фарз намозлар ортида;
– Кундузнинг охирги вақтида;
– Рўзадорнинг ифтор вақтида;
– Кечанинг охирги қисмида;
– Рамазон кунларининг барчасида;
– Зул ҳижжанинг ўн кунида;
– Арафа кунида;
– Ҳажда;
– Каъба ёнида ва ҳакозолар.

Йигирма учинчи одоб-кенгчилик ҳолатларда дуо қилишни кўпайтириш.

Дуо қилишнинг муҳим одобларидан бири қийинчиликка учрамаган кенгчилик пайтларда ҳам доимо ихлос билан ёлвориб дуо қилиб юриш ҳисобланади. Зеро, Аллоҳ таоло Ўзига тазарруъ қилмаган бандаларини доимо тазарруъ қилиб юришлари учун унинг сабабларини ҳам рўёбга чиқариб қўйишини баён қилган:

﴿ فَأَخَذْنَٰهُم بِٱلْبَأْسَآءِ وَٱلضَّرَّآءِ لَعَلَّهُمْ يَتَضَرَّعُونَ ﴿٤٢﴾ ﴾

“Сўнгра, шояд, тазарруъ қилсалар деб, уларни бало ва зиёнларга тутганмиз”[459].

Қолаверса, кенгчилик пайтида тазарруъ билан дуо қилиб юриш қийинчилик пайтида дуоси тез ижобат бўлишига ҳам сабаб бўлади. Бу ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضى الله عنه قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **مَنْ سَرَّهُ أَنْ يَسْتَجِيبَ اللَّهُ لَهُ عِنْدَ الشَّدَائِدِ وَالْكُرَبِ فَلْيُكْثِرِ الدُّعَاءَ فِي الرَّخَاءِ.** رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “**Кимни қийинчиликлар ва машаққатлар чоғида Аллоҳ таоло** (унинг дуосини) **ижобат қилиши хурсанд қилса, кенгчилик пайтида дуони кўпайтирсин”,** – дедилар”. *Термизий ривоят қилган.*

Йигирма тўртинчи одоб -дуо ижобат қилинмаслигига сабаб бўладиган нарсалардан сақланиш.

Дуо қилувчининг қилаётган дуолари қабул бўлмаслигига сабаб бўладиган бир қанча ишлар бўлиб, улар динимизда баён қилиб қўйилган. Жумладан, бирор гуноҳ ишни амалга ошириш учун дуо қилиш, қариндошлик алоқасини узиш учун дуо қилиш, зулм қилиш, ҳаром нарсани истеъмол қилиш ва ҳакозо ишларни қилувчиларнинг дуолари қабул этилмаслиги ҳадиси шарифларда баён этилган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ **أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّ اللَّهَ طَيِّبٌ لاَ يَقْبَلُ إِلاَّ طَيِّبًا وَإِنَّ اللَّهَ أَمَرَ الْمُؤْمِنِينَ بِمَا أَمَرَ بِهِ الْمُرْسَلِينَ** فَقَالَ ﴿ يَٰٓأَيُّهَا ٱلرُّسُلُ كُلُوا۟ مِنَ ٱلطَّيِّبَٰتِ وَٱعْمَلُوا۟ صَٰلِحًا ۖ إِنِّى بِمَا تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ ﴿٥١﴾ ﴾ وَقَالَ ﴿ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ كُلُوا۟ مِن طَيِّبَٰتِ مَا رَزَقْنَٰكُمْ ﴾ ثُمَّ ذَكَرَ الرَّجُلَ يُطِيلُ السَّفَرَ أَشْعَثَ أَغْبَرَ يَمُدُّ يَدَيْهِ إِلَى السَّمَاءِ يَا رَبِّ يَا رَبِّ **وَمَطْعَمُهُ حَرَامٌ وَمَشْرَبُهُ حَرَامٌ وَمَلْبَسُهُ حَرَامٌ وَغُذِىَ بِالْحَرَامِ فَأَنَّى يُسْتَجَابُ لِذَلِكَ.** رَوَاهُ مُسْلِمٌ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “**Эй инсонлар, албатта, Аллоҳ таоло покдир, пок** (амал)**дан ўзгасини қабул қилмас. Албатта, Аллоҳ таоло пайғамбарларни нимага буюрган бўлса, мўминларни ҳам шунга буюргандир. Албатта,** (Аллоҳ таоло): (***Эй Пайғамбарлар! Пок нарсалардан енглар ва солиҳ амаллар қилинглар. Албатта, Мен нима амал қилаётганингизни ўта билувчиман***[460]) деган, ҳамда: (***Эй иймон***

[459] Анъом сураси, 42-оят.
[460] Муъминун сураси, 51-оят.

келтирганлар! Сизларга ризқ қилиб берганимиз пок нарсалардан енглар[461]) **деган.** Сўнгра (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам) сочлари тўзғиб чанг-тўзонга беланиб, узун сафар қиладиган ва қўлларини самога чўзиб: “Эй Роббим, эй Роббим” – дея дуо қиладиган кишини (мисол тариқасида) зикр қилиб: “**Унинг егани ҳаром, ичгани ҳаром, кийгани ҳаром, ҳаромдан озуқаланган, бас, шундай экан, қандай қилиб** (дуоси) **ижобат қилинсин”**, – дедилар”. *Муслим ривоят қилган.*

Ориф зотлардан бири: “Дуо эҳтиёжларни қондириш калитидир, фақат бу калитнинг тишлари ҳалол луқмалардир”, – деган экан.

Йигирма бешинчи одоб - етишиб бўлмайдиган беҳуда нарсаларни дуо қилиб сўрашдан сақланиш.

Одатда бўлиши мумкин бўлмаган нарсаларни сўраш дуодаги беодоблик ҳисобланади. Масалан, “эй Аллоҳим, Ўзинг мадад бер мен фариштага айланиб қолай” ёки “эй Аллоҳим, менга тоғни кўтаришга етадиган куч бергин” ва ҳакозолар. Албатта, бундай беодобликлардан қатъи равишда сақланиш лозим бўлади.

Ҳикматли сўзларнинг бирида: “Дунёдаги бахт орзу қилган нарсага етишишда эмас, балки эришган нарсасининг қийматини англашдадир”, - дейилган.

Мазкур одоблар дуонинг энг зарур ва машҳур одоблари бўлиб, дуо қилувчи ушбу одоблар билан зийнатланган бўлса, иншааллоҳ, бу одоблари самараларидан дунёда ҳам, охиратда ҳам баҳраманд бўладиган саодатманд бандага айланади.

Эй Роббимиз, бизларни дуо қилиш бахтига муваффақ қилгин, унда бардавом қилгин, ҳеч қачон бу бахтдан айирма...

---

[461] Бақара сураси, 172-оят.

ВАСИЛА ҚИЛИШ БАЁНИ

66 لَعَلَّ اللهَ يَعْفُوهُ بِفَضْلٍ وَيُعْطِيهِ السَّعَادَةَ فِي الْمَآلِ

Маънолар таржимаси:

Шояд, Аллоҳ уни фазли билан афв этар ва унга охиратда саодатни ато этар.

Назмий баёни:

Шояд, Аллоҳ афв-ла айлаб иноят,
Ато этса охиратда унга саодат.

Луғатлар изоҳи:

لَعَلَّ – олтита насб қилувчи ҳарфлардан бири бўлиб, “таражжий” (умидвор бўлишни билдириш) ва “ишфоқ” (қўрқувдан огоҳлантириш) маъноларида келади. Бу ерда “таражжий” маъносида келган.

اللهَ – бу лафз لَعَلَّ нинг исми бўлгани учун насб бўлиб турибди.

يَعْفُوهُ – жумла لَعَلَّ нинг хабари бўлгани учун раф ўрнида турибди. Афв луғатда “узрини қабул қилиш”, “жазоламаслик” каби маъноларни англатади.

بِفَضْلٍ – жор ва мажрур يَعْفُوهُ га мутааллиқдир. Фазл қилиш деганда бирор сабабга боғламасдан яхшилик қилиш тушунилади.

يُعْطِيهِ – бу феъл икки мафъулли бўлиб, هِ биринчи мафъулидир.

السَّعَادَةَ –иккинчи мафъул. Саодат луғатда “бахт” маъносига тўғри келади. Бу калима кўпинча улуғлаш маъносида ишлатилади.

فِي – “зарфият” маъносида келган жор ҳарфи.

الْمَآلِ – жор ва мажрур يُعْطِيهِ феълига мутааллиқдир. Бу калима луғатда “қайтиладиган жой” маъносини англатади. Бу ерда барча бандаларнинг қайтадиган жойлари бўлган охират ирода қилинган.

Матн шарҳи:

Муаллиф “шояд, сизларнинг ихлос билан ёлвориб қилган дуоларингиз баракотидан ушбу байтлар муаллифини Аллоҳ таоло раҳматига олиб, охиратини обод қилса”, дея ўқувчилардан дуо қилишларини сўраган. Ушбу сўзларида хайрли амалларни васила қилиш мумкин эканига ҳам ишора бор. Шу

ўринда дуода васила қилиш ҳақидаги баҳслар билан яқиндан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Васила луғатда “у билан ўзгага яқин бўлинадиган нарса” маъносини англатади. Истилоҳда эса “дуо ижобат бўлиши учун Аллоҳ таолога Унинг ҳузурида қадрли экани билинган нарсани айтиб дуо қилиш, васила деб аталади”.

Васила дуонинг мақбул бўлиш даражасини кўтариш мақсадида қилинади.

Васила қилиш бандадаги муҳаббатнинг, Аллоҳ таолога далолат қиладиган нарсаларни улуғлашининг аломати ҳисобланади. Зеро, бундай иш Қуръони каримда қалбларнинг тақвосидан экани айтилган:

﴿ ذَٰلِكَ وَمَن يُعَظِّمۡ شَعَٰٓئِرَ ٱللَّهِ فَإِنَّهَا مِن تَقۡوَى ٱلۡقُلُوبِ ٣٢ ﴾

“Ким Аллоҳнинг нишонларини улуғласа, бас, албатта, бу, қалбларнинг тақвосидандир”[462].

Чунки қилинган амаллар қалбдаги тақвога далолат қилади.

Васила қилиш жоизлиги ҳақида гапирилганда, унинг восита қилиш эмаслигини, ундан тубдан фарқ қилишини билиб қўйиш лозим. Чунки банда ўзининг қалбидан ўтказаётган нарсаларини ҳам билиб турувчи Зотга восита орқали муножот қилмайди, балки васила қилади. Шу маънода Аллоҳ таолодан васила қилиб сўраш восита қилишдан қуйидаги жиҳатлардан фарқ қилади:

1. Восита қилиш ҳаққи поймол бўлган кишининг бирор кишини ёки бирор нарсани ўртага солиб золимдан адолат сўраши маъносида ишлатилади. Васила қилишда эса ўртага бирор нарсани восита қилиб Аллоҳ таолодан адолат сўраш маъноси йўқдир. Балки дуонинг мақбул бўлиш даражасини ошириш учун Аллоҳ таоло ҳузурида қадрли экани билинган нарсани айтиб дуо қилишдир.

2. Восита қилиш икки тараф ҳам манфаатдор бўладиган нарсага нисбатан ишлатилади. Масалан, бир шахс иккинчи шахс орқали ишини битказиб олса, иши битганидан кейин унга миннат қилиши ҳам мумкин бўлиб қолади. Чунки у ҳам бу ишдан озми-кўпми манфаат кўрган бўлади. Васила қилишда эса фақатгина бир тараф, яъни банда манфаатдор бўлади. Зеро, Аллоҳ таоло бандаларидан манфаат кўришдан олий бўлган Зотдир.

3. Восита қилишда бир тараф иккинчи тарафга у билмаган нарсани кимдир ё нимадир ёрдамида билдиришга ҳаракат қилади. Васила қилишда эса ошкора ва махфий барча нарсаларни билгувчи Зотга Унинг ҳузурида қадрли экани билинган нарсани айтиб дуо қилинади.

Шунинг учун васила қилувчида ушбу тушунчалар ҳақида тўғри тасаввур бўлиши лозимдир.

Қуръони каримда васила ахтаришга буйруқ келган:

﴿ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ ٱتَّقُواْ ٱللَّهَ وَٱبۡتَغُوٓاْ إِلَيۡهِ ٱلۡوَسِيلَةَ ﴾

[462] Ҳаж сураси, 32 оят.

“Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга тақво қилинглар ва Унга васила ахтаринглар”[463].

Ушбу оятнинг тафсирида Имом Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳ: “Бу оят Аллоҳга исён қилишдан сақланиш билан Унга муқарраб бўлишга урининглар” маъносини англатади”, – деган.

Василанинг бешта тури бўлиб, улардан тўрттасининг жоиз эканида бирор ихтилоф йўқдир:

1. **Замон.** Арафа куни, Рамазон ойи, Зул ҳижжанинг ўн куни, ҳар кечанинг охирги қисми каби улуғ саналган вақтларни васила қилиш мумкин ҳисобланади. Масалан, “Эй Аллоҳим, Рамазон ойини васила қилиб сўрайман”, дейиш мумкин.

2. **Макон.** Каъба, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг равзалари, Масжидул ақсо ва ҳакозо улуғ саналган маконларни васила қилиш мумкин ҳисобланади. Масалан, “Эй Аллоҳим, Каъбани васила қилиб сўрайман”, дейиш мумкин.

3. **Ҳолат.** Васила қилинадиган маълум бир ҳолатлар бор. Масалан, суянадиган ҳамма нарсасидан умиди узилиб, ҳеч илож топа олмай, чорасиз қолган киши ўзининг ночор ҳолатини васила қилиб сўраши мумкин ҳисобланади. Бундай ҳолатга тушган кишининг дуолари қабул бўлиши Қуръонда баён қилинган:

﴿ أَمَّن يُجِيبُ ٱلْمُضْطَرَّ إِذَا دَعَاهُ ﴾

“Ёки музтар (ночор) **одам дуо қилганда ижобат этадиган”[464].**

Шунинг учун ҳам суяниладиган ҳамма нарсадан умид узилиб, чорасиз қолган пайтда беихтиёр Аллоҳ таолога ёлворишга, Унга илтижо қилишга ўтиш барча инсонларнинг табиатида бор бўлган хусусиятдир.

4. **Амаллар.** Намоз ўқиб, рўза тутиб, садақа бериб, ҳаж қилиб, умра қилиб, Қуръон тиловат қилиб, зикр ва тасбеҳ айтиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтиб, истиғфор айтиб, дуо қилиб, мўминларнинг дуоларини олиб, Аллоҳ таолонинг гўзал исмларини айтиб, савоб ишлар қилиб ва ҳаром ишлардан воз кечиб васила қилиш мумкин.

Василанинг ушбу тўртта турининг жоизлигида ихтилоф йўқ. Аммо қуйидаги бешинчи тури ҳақида ихтилоф қилинган.

5. **Маълум шахсларни васила қилиш.** Шахсларни васила қилиш мумкин. Аммо бундай васила қилиш мумкин эмас, деганлар ҳам бор. Василанинг ушбу тури ҳақидаги ихтилофларни умумий уч қисмга ажратиш мумкин:

а) мўътазила ва хавориж фирқалари бирор шахсни васила қилишни мутлақ инкор қилишган. Ўзларининг бу даъволарига Қуръон ва суннатда келган

---

[463] Моида сураси, 35-оят.
[464] Намл сураси, 32-оят.

умумий хабарларни далил қилиб келтиришган. Масалан, Қуръони каримда фақатгина Аллоҳдан ёрдам сўраш баён қилинган:

﴿إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ ۝٥﴾

“Фақат Сенгагина ибодат қиламиз ва фақат Сендангина ёрдам сўраймиз”[465].

Ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай хабар берганлар:

إِذَا سَأَلْتَ فَاسْأَلِ اللَّهَ وَإِذَا اسْتَعَنْتَ فَاسْتَعِنْ بِاللَّهِ.

“Агар сўрасанг, Аллоҳдан сўра, агар ёрдам тиласанг Аллоҳдан тилагин”. *Термизий ривоят қилган.*

Ушбуларга ўхшаш оят ва ҳадисларнинг зоҳирларини далил қилишиб, бирор шахсни васила қилиш мумкин эмас, -деганлар.

б) баъзи уламолар бирор улуғ шахсни васила қилиш жоиз, фақат у тирик бўлиши шарт, дейишган. Ўзларининг бу қарашларига қуйидаги ҳадисни далил қилиб келтирадилар:

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ عُمَرَ بْنَ الْخَطَّابِ كَانَ إِذَا قَحَطُوا اسْتَسْقَى بِالْعَبَّاسِ بْنِ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ فَقَالَ اللَّهُمَّ إِنَّا كُنَّا نَتَوَسَّلُ إِلَيْكَ بِنَبِيِّنَا صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَتَسْقِينَا وَإِنَّا نَتَوَسَّلُ إِلَيْكَ بِعَمِّ نَبِيِّنَا فَاسْقِنَا قَالَ فَيُسْقَوْنَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Умар ибн Хаттоб агар қурғоқчиликка дуч келсалар, Аббос ибн Абдулмутталиб билан (васила қилиб) ёмғир сўраб шундай дерди: **“Эй Аллоҳим, биз сенга Набиййимиз соллаллоҳу алайҳи васалламни васила қилиб сўрар эдик, Сен бизга сув берар эдинг. Биз энди Сендан Набиййимизнинг амакиларини васила қилиб сўраймиз, бизларга сув бергин”.** Сўнгра уларга сув берилар эди”. *Бухорий ривоят қилган.*

Яъни ушбу ривоят Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни вафот этганларидан сўнг васила қилиб бўлмаслигига далолат қилади, -дейдилар.

в) Аҳли сунна вал-жамоанинг жумҳури бирор улуғ шахсни васила қилиш жоиздир, васила қилиш учун у зотнинг тирик бўлиши шарт эмас, - деганлар. Юқоридаги ҳадисни далил қилиб келтирганларга бир қанча раддиялар қилганлар:

– Мазкур ривоятда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни вафот этганларидан сўнг васила қилиб бўлмаслигига далолат қиладиган бирорта ҳам очиқ-ойдин лафз йўқ;

---

[465] Фотиҳа сураси, 5-оят.

– Ушбу ривоятнинг, ўзини, аслида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни васила қилиш жоизлигига далил дейиш ҳам мумкин. Чунки Умар розияллоҳу анҳу: “Набиййимиз соллаллоҳу алайҳи васалламни васила қилиб сўрар эдик”, – деган. Маълумки, ушбу қурғоқчилик йили Миср фатҳ этилгандан сўнг ҳижрий ўн саккизинчи йилдан кейин бўлган. Шунга кўра, бу ривоят ўтган йиллар мобайнида ҳаётда бўлмаганлари учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни бирор марта ҳам васила қилишмаган, деган маънога далолат қилмайди.

– Умар розияллоҳу анҳунинг Аббос розияллоҳу анҳуни васила қилгани аслида мусулмонларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бошқа зотларни ҳам васила қилиш мумкин эканини билдириб қўйиш учун бўлган. Саҳобалар ичидан айнан Аббос розияллоҳу анҳуни хослаши эса нубувват хонадони ҳурмати эътиборидан бўлган.

Шунингдек Умар розиялоҳу анҳунинг мазкур ишларида юқоридагилардан ташқари бошқа бир нозик жиҳат ҳам бор. Умар розияллоҳу анҳу заиф мўминларнинг риоясини қилиб Аббос розияллоҳу анҳуни васила қилган дейиш ҳам мумкин. Чунки дуо ижобати Аллоҳнинг иродасига боҳлиқ иш. Агар у зот фаразан Расулуллоҳ соллалаҳу алайҳи васалламни васила қилганида ва дуо ижобати кечикканида баъзи инсонларнинг кўнгилларига васвасага ўхшаган нарса келиши мумкин эди. У зот алайҳиссаломни бошқани васила қилганда эса ижобат кечикса ҳам мазкур ноқулайлик юзага келмайди. Ана шу эътибордан Умар розияллоҳу анҳунинг мазкур иши раҳимдиллик билан қилинган ҳикматли иш бўлган.

ХОТИМА

67 وَإِنِّي الدَّهْرَ أَدْعُو كُنْهَ وُسْعِي لِمَنْ بِالْخَيْرِ يَوْمًا قَدْ دَعَا لِي

Маънолар таржимаси:

Мен умрим бўйи тоқатим етганча мен учун бирор кун эзгу дуо қилган кишининг ҳаққига дуо қиламан.

Назмий баёни:

Мен доимо дуода етганча кучим,
Эзгу дуо қилганга мени бирор кун.

Луғатлар изоҳи:

وَإِنِّي – олтита насб қилувчи ҳарфлардан бири, таъкидлаш маъносида келади. إِنَّ га ёпишиб турган мутакаллим ي унинг исми, жумла хабаридир.

الدَّهْرَ – луғатда “замон”, “аср” ва “узун умр” маъноларини англатади. Бу ерда Нозим ўзининг умри муддатини ирода қилган. Зарфликка кўра насб бўлиб турибди.

أَدْعُو – ноқис музориъ феъли. Бу феълда фақатгина و нинг заммасини сукун қилиш қоидаси бор холос.

كُنْهَ –мафъул. Бу калима луғатда бирор нарсанинг аслини, ғоясини ва миқдорини англатиш учун ишлатилади.

وُسْعِي – мутакаллим ي га изофа қилинган. Бу калима луғатда “тоқат” маъносига тўғри келади.

لِ –жор ҳарфи إِلَى маъносида келган.

مَنْ – жор мажрур أَدْعُو феълига мутааллиқ. Бу калима турли маъноларда қўлланилади:

1. Исми шарт. Масалан, مَنْ يَعْمَلْ
2. Исми истифҳом. Масалан, مَنْ أَتَى
3. Исми мавсула. Масалан, ﴿يَسْجُدُ لَهُۥ مَن فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَن فِي ٱلْأَرْضِ﴾ (*Ҳаж сураси, 18-оят*).
4. Накраи мавсуфа. Бунга ушбу матнда келган مَنْ мисол бўлади.

بِ – мафъулун биҳга қўшилиб келган зоида жор ҳарфи.

الْخَيْرِ – жор мажрур دَعَا феълига мутааллиқ.

يَوْمًا – зарфликка кўра насб бўлиб турибди. Бу калима икки хил маънода ишлатилади:

1. Тонг отгандан қуёш ботгунча бўлган вақт;
2. Мутлақ вақт.

Бу ўринда иккинчи маънода ишлатилган.

قَدْ – “таҳқиқия” маъносида келган.

دَعَا – мозий феъли, фоили مَنْ га қайтадиган яширин هُوَ дир.

لِي – жор мажрур دَعَا феълига мутааллиқ.

Матн шарҳи:

Ўший раҳматуллоҳи алайҳ “мен умрим давомида, хусусан, ушбу ишимнинг сўнгида менга бирор марта бўлсин, эзгу дуо қилган барча дўстларим ҳақларига доимо дуо қилиб юришни ўзимнинг бурчим деб биламан”, - дея ўқувчиларининг ҳақларига дуо қилиб сўзларини якунлаган.

Аллоҳ таоло Ўший бобомизга ва тўғри эътиқодни тушунишимизга сабабчи бўлган барча уламоларга мўл-кўл мукофотлар ато қилиб, ётган жойларини жаннат боғларидан қилган бўлсин. Бизларни ҳидоятда собитқадам қилиб, гўзал оқибатга эришиш бахтига муваффақ қилсин!

Мана шу ўринда китоб поёнига етди. Сўнги сўз ўрнида китобни Ўший бобомизнинг услубларига эргашиб назм билан якунлаш маъқул кўрилди:

Амал поёнига етганда алҳол,
Шукр-ла дуога ўтамиз дарҳол:
“Роббимиз Сенгадир ҳамду санолар,
Раҳматлари чексиз Олий Зул жалол”.

Бўлсин салавоту салом баркамол,
Ҳошимий Набийга соҳиби жамол.
У зотнинг суннатин тутган жамоа,
Ҳавзи кавсаридан бўлгайлар хушҳол.

Эътиқод мусаффо бўлса қай бир ҳол,
Суннат, жамоадан айрилмоқ муҳол[466].
Мусаффо эътиқод даъвоси билан,
Ихтилоф-ла ўтди қанча аҳли зол[467].

[466] Муҳол “иложсиз” маъносини англатади.

Амал эътиқод-ла бўлса иттисол,[468]
Жонланар, ташнага етгандек зилол.
Ёки тун қўйнида юлдузлар аро,
Зулматни ёритган тўлин ой мисол.

Шарҳимиз чўзилиб кетди, эҳтимол,
Аммо бари зарур, олмангиз малол.
“Муқийн”[469]*лар сафида бўлолган банда,*
Дунё охиратда кўрмагай завол.

Аллоҳдан ёлвориб сўраймиз шу ҳол:
Ўший бобомизни раҳматингга ол,
Қилган дуоларин ижобат этиб,
Охиратда бергин саодат навол![470]

Қодир Зотга дуо қилганда алҳол,
Унинг қулига ҳам сўрангиз иқбол.
Сизларга саодат тиларман мудом,
Токи мавжуд экан бу танда мажол!

Оламлар Роббисига ҳамду санолар, Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога ҳамда у зотнинг аҳли оилаларию саҳобаи киромларига салавот ва саломлар бўлсин!

---

[467] Аҳли золл “адашганлар” маъносини англатади.
[468] Иттисол “бирлашиш” маъносини англатади.
[469] Анъом сурасининг 75 оятига ишора. “Муқийн” деганда ишонган нарсасини далиллари билан ўрганган киши тушунилади.
[470] Навол “инъом” маъносини англатади.

“БАДЪУЛ АМОЛИЙ” МАТНИ ВА НАЗМИЙ БАЁНИ

1 يَقُولُ الْعَبْدُ فِي بَدْءِ الأَمَالِي لِتَوْحِيدٍ بِنَظْمٍ كَاللَّآلِي

Сўз бошлар имлолар бошида банда,
Дурлардек назм-ла тавҳид ҳақинда.

2 إِلَهُ الْخَلْقِ مَوْلاَنَا قَدِيمٌ وَمَوْصُوفٌ بِأَوْصَافِ الْكَمَالِ

Эгамиз қадимдир олам илоҳи,
Бенуқсон комилдир Унинг сифоти.

3 هُوَ الْحَيُّ الْمُدَبِّرُ كُلَّ أَمْرٍ هُوَ الْحَقُّ الْمُقَدِّرُ ذُو الْجَلاَلِ

У Ҳайдир тайинловчи неки бўлса ҳол,
У Ҳақдир тақдирловчи олий Зул жалол.

4 مُرِيدُ الْخَيْرِ وَالشَّرِّ الْقَبِيحِ وَلَكِنْ لَيْسَ يَرْضَى بِالْمُحَالِ

Яхшию ёмонга иродаси бор,
Лек ёмон ишларга розимас зинҳор.

5 صِفَاتُ اللَّهِ لَيْسَتْ عَيْنَ ذَاتٍ وَلاَ غَيْرًا سِوَاهُ ذَا انْفِصَالِ

Аллоҳ сифатлари айни зотимас,
Ундан ажралувчи бошқа ҳам эмас.

6 صِفَاتُ الذَّاتِ وَالأَفْعَالِ طُرًّا قَدِيمَاتٌ مَصُونَاتُ الزَّوَالِ

Зотий феълий сифатлар бари баркамол,
Ибтидосиз, интиҳосиз доим безавол.

7 نُسَمِّي اللَّهَ شَيْئًا لاَ كَالأَشْيَاءِ وَذَاتًا عَنْ جِهَاتِ السِّتِّ خَالِي

Аллоҳни бетимсол “шай” деб аташ бор,
Ҳам зот деймиз, аммо, эмас тарафдор.

8 وَلَيْسَ الإِسْمُ غَيْرًا لِلْمُسَمَّى لَدَى أَهْلِ الْبَصِيرَةِ خَيْرِ آلِ

Исм номлангандан эмасдир ўзга,
Идрок аҳли – яхши оила наздида.

9 وَمَا إِنْ جَوْهَرٌ رَبِّي وَجِسْمٌ وَلاَ كُلٌّ وَبَعْضٌ ذُو اشْتِمَالِ

Роббим жавҳар эмас, жисм ҳам эмас,
Мураккаб ҳам эмас, қисм ҳам эмас.

10 وَفِي الأَذْهَانِ حَقٌّ كَوْنُ جُزْءٍ بِلاَ وَصْفِ التَّجَزِّي يَا ابْنَ خَالِ

“Бўлинмас жуз”нинг мавжудлиги бор,
Ўйла, тоғам ўғли, ақл этмас инкор.

11 وَمَا الْقُرْآنُ مَخْلُوقًا تَعَالَى كَلاَمُ الرَّبِّ عَنْ جِنْسِ الْمَقَالِ

Қуръон ижодиймас, каломи илоҳий
Робб каломи мақол жинсидан олий.

12 وَرَبُّ الْعَرْشِ فَوْقَ الْعَرْشِ لَكِنْ بِلاَ وَصْفِ التَّمَكُّنِ وَالتِّصَالِ

Арш Роббиси аршдан юқори, бироқ
Жой олиш, ўрнашиш васфидан йироқ.

13 وَمَا التَّشْبِيهُ لِلرَّحْمَنِ وَجْهًا فَصُنْ عَنْ ذَاكَ أَصْنَافَ الأَهَالِ

Ар-Роҳманга қиёслаш мумкинмас билгин,
Аҳоли синфларин ундан сақлагин.

14 وَلاَ يَمْضِي عَلَى الدَّيَّانِ وَقْتٌ وَأَزْمَانٌ وَأَحْوَالٌ بِحَالِ

Дайёнга нисбатан жорий бўлмас вақт,
Шунингдек, замонлар-у ва бирор ҳолат.

15 وَمُسْتَغْنٍ إِلَهِي عَنْ نِسَاءٍ وَأَوْلاَدٍ إِنَاثٍ أَوْ رِجَالِ

Роббимиз олийдир муҳтож қолишдан,
Қиз ё ўғил болаю, хотин олишдан.

16 كَذَا عَنْ كُلِّ ذِي عَوْنٍ وَنَصْرٍ تَفَرَّدَ ذُو الْجَلاَلِ وَذُو الْمَعَالِ

Кўмакчи-ю ёрдамчига муҳтожмас асло,
Зул жалолу Мутаолий мутлақо танҳо.

17 يُمِيتُ الْخَلْقَ طُرًّا ثُمَّ يُحْيِي فَيَجْزِيهِمْ عَلَى وَفْقِ الْخِصَالِ

Барчани ўлдирар, сўнгра тиргизар
Кимга жазо, кимга мукофот берар.

18 لأَهْلِ الْخَيْرِ جَنَّاتٌ وَنُعْمَى وَلِلْكُفَّارِ أَدْرَاكُ النَّكَالِ

Солиҳларга жаннат, шоду хуррамлик,
Кофирларга уқубат, азоб аламлик.

19 وَلاَ تَفْنَى الْجَحِيمُ وَلاَ الْجِنَانُ وَلاَ أَهْلُوهُمَا أَهْلُ انْتِقَالِ

Дўзаху жаннатлар ҳеч фано бўлмас,
Уларнинг аҳллари кўчмас ва ўлмас.

20 يَرَاهُ الْمُؤْمِنُونَ بِغَيْرِ كَيْفٍ وَإِدْرَاكٍ وَضَرْبٍ مِنْ مِثَالِ

Мўминлар кўрарлар Уни шаклсиз
Ҳамда идроксизу, “зарбул масал”сиз.

21 فَيَنْسَوْنَ النَّعِيمَ اِذَا رَأَوْهُ فَيَا خُسْرَانَ أَهْلِ الاِعْتِزَالِ

Неъматлар унутилар Уни кўрсалар қачон,
Ҳазир бўлинг Мўътазила аҳлига зиён.

22 وَمَا إِنْ فِعْلُ أَصْلَحَ ذُو افْتِرَاضٍ عَلَى الْهَادِي الْمُقَدَّسِ ذِي التَّعَالِي

“Аслаҳ иши” фарз эмас, улуғ Ҳодийга,
Бирор бир нуқсонсиз Мутаъолийга.

23 وَفَرْضٌ لاَزِمٌ تَصْدِيقُ رُسْلٍ وَأَمْلاَكٍ كِرَامٍ بِالنَّوَالِ

Фарзу лозим эрур тасдиқлаш расулларни,
Ҳам инъомлар-ла шарафланган малакларни.

24 وَخَتْمُ الرُّسْلِ بِالصَّدْرِ الْمُعَلَّى نَبِيٍّ هَاشِمِيٍّ ذِي جَمَالِ

“Содру муалло”дир хотамуннабий,
Жисмию хулқи гўзал расул Ҳошимий.

25 إِمَامُ الأَنْبِيَاءِ بِلاَ اخْتِلاَفٍ وَ تَاجُ الأَصْفِيَاءِ بِلاَ اخْتِلاَلِ

Барча пайғамбарлар имомидир у,
энг афиф бандалар тожидир у.

26 وَبَاقٍ شَرْعُهُ فِي كُلِّ وَقْتٍ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ وَارْتِحَالِ

Унинг шариати боқийдир ҳар вақт,
Келгунича кўчиш кун, рўзи қиёмат

27 وَحَقٌّ أَمْرُ مِعْرَاجٍ وَصِدْقٌ فَفِيهِ نَصُّ أَخْبَارٍ عَوَالِي

Меърож воқеасин ҳақ ва рост деб бил,
Олий хабарларда келгандир далил.

28 وَمَرْجُوٌّ شَفَاعَةُ أَهْلِ خَيْرٍ لِأَصْحَابِ الْكَبَائِرِ كَالْجِبَالِ

Солиҳлар шафоатидан, албат, умид бор,
Умидворлар бўлса ҳам тоғдек гуноҳкор.

29 وَإِنَّ الأَنْبِيَاءَ لَفِي أَمَانٍ عَنِ الْعِصْيَانِ عَمْدًا وَانْعِزَالِ

Пайғамбарлар ҳеч қачон қасддан исён этмаган,
Элчилик мақомидан ажралиб ҳам кетмаган.

30 وَمَا كَانَتْ نَبِيًّا قَطُّ أُنْثَى وَلاَ عَبْدٌ وَشَخْصٌ ذُو افْتِعَالِ

Аёл асло пайғамбар бўлган эмас,
Ҳамда бирор қулу, қабиҳ феълли шахс.

31 وَذو الْقَرْنَيْنِ لَمْ يُعْرَفْ نَبِيًّا كَذَا لُقْمَانُ فَاحْذَرْ عَنْ جِدَالِ

Зулқарнайн набий деб танилганмас бил,
Шунингдек, Луқмон ҳам, тортишувдан тийил.

32 وَعِيسَى سَوفَ يَأْتِي ثُمَّ يَتْوِي لِدَجَّالٍ شَقِيٍّ ذِي خَبَالِ

Исо келажакда, албатта, келар,
Бадбахт дажжолга у тезда йўл олар.

33 كَرَامَاتُ الْوَلِيِّ بِدَارِ دُنْيَا لَهَا كَوْنٌ فَهُمْ أَهْلُ النَّوَالِ

Дунёда валийлар кароматлари
Бўлиши шубҳасиз, улар инъом аҳли.

34 وَلَمْ يَفْضُلْ وَلِيٌّ قَطُّ دَهْرًا نَبِيًّا أَوْ رَسُولاً فِي انْتِحَالِ

Валий бирор даъвода ҳеч бир замон,
Набий ё Расулдан афзал бўлмаган.

35 وَلِلصِدِّيقِ رُجْحَانٌ جَلِيٌّ عَلَى الأَصْحَابِ مِنْ غَيْرِ احْتِمَالِ

Бордир афзаллиги Сиддиқнинг зоҳир,
Асҳоблар устидан, ҳеч шубҳа йўқдир.

36 وَلِلْفَارُوقِ رُجْحَانٌ وَفَضْلٌ عَلَى عُثْمَانَ ذِي النُّورَينِ عَالِي

Фаруқнинг устунлик, ортиқлиги бор
Бўлса ҳам Зиннуройн, олий фидокор.

37 وَذُو النُّورَينِ حَقًّا كَانَ خَيْرًا مِنَ الْكَرَّارِ فِي صَفِّ الْقِتَالِ

Албатта, Зуннуройн аълороқ бўлган,
Уруш сафларида қайтмас Ботирдан.

38 وَلِلْكَرَّارِ فَضْلٌ بَعْدَ هَذَا عَلَى الأَغْيَارِ طُرًّا لاَ تُبَالِ

Шундан сўнг Ботирга афзал кўрилиш,
Қолган барчалардан, тортма ҳеч ташвиш.

39 وَلِلصِّدِّيقَةِ الرُّجْحَانُ فَاعْلَمْ عَلَى الزَّهْرَاءِ فِي بَعْضِ الْخِلاَلِ

Сиддиқада Заҳродан устун тараф бор,
Баъзи хислатларда қилсанг эътибор.

40 وَلَمْ يَلْعَنْ يَزِيدًا بَعْدَ مَوْتٍ سِوَى الْمِكْثَارِ فِي الإِغْرَاءِ غَالِي

Язидни вафотидан сўнг лаънатлашмаган,
Мутаассиб сергаплар мустасно бундан.

41 وَإِيْمَانُ الْمُقَلِّدِ ذُو اعْتِبَارٍ بِأَنْوَاعِ الدَّلاَئِلِ كَالنِّصَالِ

Муқаллид иймонига бордир эътибор,
Қилич каби ёрқин далиллар бисёр.

42 وَمَا عُذْرٌ لِذِي عَقْلٍ بِجَهْلٍ بِخَلاَّقِ الأَسَافِلِ وَالأَعَالِي

Оқил банда асло узрли бўлмас,
Гар у еру осмон Холиқин билмас.

43 وَمَا إِيْمَانُ شَخْصٍ حَالَ يَأْسٍ بِمَقْبُولٍ لِفَقْدِ الإِمْتِثَالِ

Ўлимгача иймон қилинса таъхир
Қабулмас, бўйсуниш қолмаган ахир.

44 وَمَا أَفْعَالُ خَيْرٍ فِي حِسَابٍ مِنَ الإِيْمَانِ مَفْرُوضَ الْوِصَالِ

Хайрли ишлар гарчи эрур фарз,
Иймон жузларидан ҳисоб этилмас.

45 وَلاَ يُقْضَى بِكُفْرٍ وَارْتِدَادٍ بِعَهْرٍ اَوْ بِقَتْلٍ وَاخْتِزَالِ

Зино, қатл, босқин бўлса ҳам сабаб,
Куфрга маҳкуммас, дейилмас муртад.

46 وَمَنْ يَنْوِ ارْتِدَادًا بَعْدَ دَهْرٍ يَصِرْ عَنْ دِيْنِ حَقٍّ ذَا انْسِلاَلِ

Кимки муртадликни ният-қасд этар
Шу ондаёқ пинҳона ҳақ диндан кетар.

47 وَ لَفْظُ الْكُفْرِ مِنْ غَيْرِ اعْتِقَادٍ بِطَوْعٍ رَدُّ دِيْنٍ بِاغْتِفَالِ

Эътиқодсиз ихтиёр-ла куфрни айтиш,
Демишлар: ғафлат-ла ҳақ диндан қайтиш.

48 وَلاَ تَحْكُمْ بِكُفْرٍ حَالَ سُكْرٍ بِمَا يَهْذِي وَيَلْغُوا بِارْتِجَالِ

Маст кимса куфрга ҳукм этилмас,
Ўйламасдан беҳуда алжираган, бас.

49 وَمَا الْمَعْدُومُ مَرْئِيًّا وَشَيْئًا لِفِقْهٍ لاَ حَ فِي يُمْنِ الْهِلاَلِ

Номавжуд кўрилмас, "шай" ҳам эмас бил,
Ҳилол нурларида зоҳирдир далил.

50 وَغَيْرَانِ الْمُكَوَّنُ لاَ كَشَيْءٍ مَعَ التَكْوِينِ خُذْهُ لإِكْتِحَالِ

Мукавван бошқадир, бошқадир таквийн,
Буни сен кўзингга сурмадек олгин.

51 وَإِنَّ السُّحْتَ رِزْقٌ مِثْلُ حِلٍّ وَإِنْ يَكْرَهْ مَقَالِي كُلُّ قَالِي

Ҳаром мол ҳалолдек ризқдир бегумон,
Рад этувчи сўзимни кўрса ҳам ёмон.

52 وَفِي الأَجْدَاثِ عَنْ تَوْحِيدِ رَبِّي سَيُبْلَى كُلُّ شَخْصٍ بِالسُّؤَالِ

Ҳар бир шахс қабрга қўйилган замон,

Роббим тавҳидидан бўлар имтиҳон.

53 وَلِلْكُفَّارِ وَالْفُسَّاقِ بَعْضٍ عَذَابُ الْقَبْرِ مِنْ سُوءِ الْفِعَالِ

Кофирлару баъзи фосиқ кимсалар,
"Қилмиш" учун қабр азобин кўрар.

54 دُخُولُ النَّاسِ فِي الْجَنَّاتِ فَضْلٌ مِنَ الرَّحْمَنِ يَا أَهْلَ الأَمَالِ

Жаннатга эришмоқ Ар-Роҳман фазли,
Бу муҳим эътиқод, эй умид аҳли.

55 حِسَابُ النَّاسِ بَعْدَ الْبَعْثِ حَقٌّ فَكُونُوا بِالتَّحَرُّزِ عَنْ وَبَالِ

Қиёматда ҳисоб бўлмоғи аниқ,
Ёмон оқибатдан сақлан, халойиқ.

56 وَتُعْطَى الْكُتْبُ بَعْضًا نَحْوَ يُمْنَى وَبَعْضًا نَحْوَ ظَهْرٍ وَالشِّمَالِ

Айримларга номалар келар ўнг қўлдан
Баъзиларга берилар орқа ва сўлдан.

57 وَحَقٌّ وَزْنُ أَعْمَالٍ وَجَرْيٌ عَلَى مَتْنِ الصِّرَاطِ بِلاَ اهْتِبَالِ

Амаллар ўлчанар, гар ақл етмас,
Сиротда югуришга эпчиллик кетмас.

58 وَلِلدَّعَوَاتِ تَأْثِيرٌ بَلِيغٌ وَقَدْ يَنْفِيهِ أَصْحَابُ الضَّلاَلِ

Дуоларнинг етук таъсирлари бор,
Адашганларгина қиларлар инкор.

59 وَدُنْيَانَا حَدِيثٌ وَالْهُيُولَى عَدِيمُ الْكَوْنِ فَاسْمَعْ بِاجْتِذَالِ

Дунёмиз яратилган, "ҳайуло" эса,
Шодлик-ла эшитгин бўлмаган нарса.

60 وَلِلْجَنَّاتِ وَالنِّيرَانِ كَوْنٌ عَلَيْهَا مَرَّ أَحْوَالٌ خَوَالِي

Жаннатлар дўзахлар мавжуд эрурлар,
Улар узра ўтган кўп ўтмиш йиллар.

61 وَذُو الإِيْمَانِ لاَ يَبْقَى مُقِيمًا بِسُوءِ الذَّنْبِ فِي دَارِ اشْتِعَالِ

Осий мўмин доимо қолмас абад ҳеч,
Алангали диёрдан чиқар эрта кеч.

62 لَقَدْ أَلْبَسْتُ لِلتَّوْحِيدِ نَظْمًا بَدِيعَ الشَّكْلِ كَالسِّحْرِ الْحَلاَلِ

Кийгаздим тавҳидга назм нақшинкор,
Ҳалол сеҳр каби гўзал бетакрор.

63 يُسَلِّي الْقَلْبَ كَالْبُشْرَى بِرَوْحٍ وَيُحْيِي الرُّوحَ كَالْمَاءِ الزُّلاَلِ

Қалбларга завқ берар мисли хушхабар,
Зилол сув етгандек ҳаёт жонланар.

64 فَخُوضُوا فِيهِ حِفْظًا وَاعْتِقَادًا تَنَالُوا جِنْسَ أَصْنَافِ الْمَنَالِ

Сўзларин ёд олинг қилиб эътиқод,
Мукофотларидан бўласизлар шод.

65 وَكُونُوا عَوْنَ هَذَا الْعَبْدِ دَهْرًا بِذِكْرِ الْخَيْرِ فِي حَالِ ابْتِهَالِ

Бу бандага кўмакда бўлинглар мудом,
Эзгу дуолар-ла, ёлворган ҳар дам.

66 لَعَلَّ اللهَ يَعْفُوهُ بِفَضْلٍ وَيُعْطِيهِ السَّعَادَةَ فِي الْمَآلِ

Шояд, Аллоҳ афв-ла айлаб иноят,
Ато этса охиратда унга саодат.

67 وَإِنِّي الدَّهْرَ أَدْعُو كُنْهَ وُسْعِي لِمَنْ بِالْخَيْرِ يَوْمًا قَدْ دَعَا لِي

Мен дуода бардавом етганча кучим,
Эзгу дуо қилганга мени бирор кун.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Қуръони карим.
2. Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Мотуридий Самарқандий Ҳанафий. “Таъвийлоту аҳли сунна”. Муассасатур рисалати нашируна. Байрут Лубнон. 2004 йил.
3. Устоз доктор Ваҳба Зуҳайлий. “Тафсийрул Мунийр”. Дорул фикр. Дамашқ. Ўнинчи нашр. 2009 йил.
4. Шайх Муҳаммад Али Собуний. “Софватут тафосир”. Байрут Лубнон. 2009 йил.
5. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Тафсири Ҳилол”. Иккинчи нашр. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси. 2008 йил.
6. Шайх Абдулазиз Мансур. “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири”. “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2006 йил.
7. Аллома Шайх Аҳмад Совий Моликий. “Ҳошияту Совий ала тафсири Жалолайн”. Мактабатул Асрия. Сойдо Байрут Лубнон. 2010 йил.
8. Абу Бакр Жобир Жазоирий. “Айсарут тафосир ли каламил Алийил Кабир”. Мактабатул улум вал ҳикам. 2002 йил.
9. Мулла Али Қори. “Мирқотул мафотиҳ”. Дорул кутубил илмия. Байрут Лубнон. 2007 йил.
10. Имом Абу Мансур Мотуридий. “Китабут Тавҳид”. Байрут Лубнан. Дорул кутубил илмия. 2006 йил.
11. Қози Шайх Муҳаммад Аҳмад Канъон. “Жомиул лаолий шарҳу бадъил амолий фи илмил ақоид”. Дорул башаирил исламия. Биринч
и нашр. 2008 йил.
12. Аллома Шиҳобуддин Аҳмад ибн Иброҳим Тунисий Дақдусий. “Нашрул Лаолий би шарҳи бадъил амолий”. Дорул Байрутий. Дамашқ. Биринчи нашр. 2007 йил.
13. Шайх Жамолиддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Саид Ғазнавий Ҳанафий. “Усулуд дин”. Дорул башаирил исламия. Биринчи нашр. Байрут Лубнон. 1998 йил.
14. Имом Абул Муин Маймун Насафий Мотуридий. “Табсиротул адиллати фи усулид дин”. Устоз доктор Муҳаммаданвар Ҳомид Ийсо таҳқиқи. Мактабатул Азҳарияту литтурос. Биринчи нашр. 2011 йил.
15. Мулла Али Қори. “Шарҳу Фиқҳил акбар”. Дорун Нафаис. Иккинчи нашр. Байрут Лубнон. 2009 йил.
16. Мулла Али Қори. “Зовъул маолий”. Дор Саодат. Истанбул. 1962 йил.
17. Мулла Али Қори. “Шарҳу айнил илм”. Харитонов босмахонаси. Қозон. 1908 йил.
18. Мулла Али Қори. “Шарҳу имам Али Қори ала китаб алфози куфр”. Дорул Фазила. 2002 йил.
19. Абу Ҳафс Сирожиддин Умар ибн Исҳақ Ғазнавий. “Шарҳу ақидати Имом Таҳовий”. Доратул Караз. Қоҳира.2009 йил.
20. Имом Абулюср Паздавий. “Усулуд дин”. Мактабатул Азҳарияту литтурос. Қоҳира. 2005 йил.
21. Муҳаққиқлар гуруҳи. “Туҳфатул аолий”. Ахтар босмахонаси. 1887 йил.
22. Иззуддин Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Жамоа Шофеъий. “Даражул маолий шарҳу бадъил амолий”. Муассасатул кутубис сиқофия. Байрут Лубнон. 2011 йил.
23. Тожуддин Абу Наср Абдулваҳҳоб ибн Али ибн Абдулкофий Субкий. “Сайфул машҳур фи шарҳи ақидати Аби Мансур”. Биринчи нашр. Истанбул. 2000 йил.
24. Мустафо Сибоъий. “Ас-Суннату ва маканатуҳа фи ташриил исламий”. Дорус Салом. Миср. 2008 йил.
25. Абдураҳим ибн Али Шайхзода. “Назмул фароид ва жамъул фавоид”. Тақоддум босмахонаси. Миср.
26. Нуриддин Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Абу Бакр Собуний Ҳанафий. “Кифоя фил ҳидоя”. Лажнатул илмия литтаҳқиқ фи марказил исламия. Истанбул. 2012 йил.

27. Нуриддин Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Абу Бакр Собуний Ҳанафий. “Бидаяту фи усулиддин”. Анқара. 1995 йил.

28. Имом Абул Муин Насафий. “Баҳрул калом”. Дорул кутубил илмия. Байрут Лубнон. 2005 йил.

29. Масъуд ибн Умар ибн Абдуллоҳ Саъдуддин Тафтазоний. “Шарҳу ақоиди Насафий”. Мактабатул Азҳарий. Миср. 2000 йил.

30. Устоз Содрул Варо Қодирий Мисбоҳий. “Ҳошияту жамъул фаваид биинароти шарҳил ақоид”. Мактабатул Мадина, литтибоати ван нашри ват тавзиъ. Покистон. Иккинчи нашр. 2012 йил.

31. Муҳйиддин Муҳаммад ибн Баҳоуддин. “Қавлул фасл шарҳу фиқҳил акбар”. Мактабатул ҳақиқоти. Истанбул. 2003 йил.

32. Шайх Аҳмад Муҳаммад Моликий Совий. “Китабу шарҳи жавҳаротит тавҳид”. Дору Ибн Касир. Дамашқ. Иккинчи нашр. 1999 йил.

33. Муҳаммад Анвар Бадахшоний. “Талхийсу шарҳи ақидатит Таҳовия”. Замзам бабилшарз. Карачи. Ҳижрий 1415 йил.

34. Доктор Ийсо ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Мониъ Ҳимярий. “Тааммул фи ҳақиқотит тавассул”. Мактабатут тахсисия лирродди алал ваҳҳобия. Иккинчи нашр 2007 йил.

35. Абдулазиз ибн Фатҳий ибн Саййид Нидо. “Одобул Исламия”. Дору тоййиба линнашри ват тавзийъ. Учинчи нашр. Риёз. 2007 йил.

36. Абу Аммор Маҳмуд Мисрий. “Одобул Исламия литифлил муслим”. Мактабатул Софа. 2011 йил.

37. Доктор Бассом Соббағ. “Балаут такфийр”. Дорул Башаир. Биринчи нашр. Дамашқ. 2008 йил.

38. Доктор Муҳаммад Саид Рамазон Бутий. “Кубро яқиниятил кавния”. Дорул фикрил муасиро. Йигирма олтинчи нашр. Байрут Лубнон. 2006 йил.

39. Имом Абул Ҳасан Али ибн Исмоил Ашъарий. “Ибана ан усулид дияна”. Мактабатул муайяд. Риёз. 1993 йил.

40. Муҳаммад ибн Сулаймон Ҳалабий Райҳовий. “Нухбатул лаолий лишарҳи бадъил амолий”. Мактабатул ҳақиқоти. Истанбул. 1996 йил.

41. Абдурраҳмон ибн Носир Барок. “Шарҳу ақидатит Таҳовий”. Дору Тадмурия. 2008 йил.

42. Абу Бакр Жобир Жазоирий. “Ақидатул муъмин”. Мактабатул улум вал ҳикам. Мадинаи мунаввара. 2009 йил.

43. Абдулҳамид Маҳмуд Тоҳмоз. “Фиқҳул Ҳанафий фи савбиҳил жадид”. Дорул қалам. Дамашқ. Иккинчи нашр. 2009 йил.

44. Бадриддин Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Шиблий. “Окомул маржан фи аҳкамил жан”. Дорул ҳарам литурос. Қоҳира. 2009 йил.

45. Муҳаммад ибн Аби Бакр Розий Ҳанафий. “Шарҳу бадъил амолий”. Дорул кутубил илмия. Байрут Лубнон. 2001 йил.

46. Аҳмад Фарид. “Ал Баҳрур роиқ”. Дорул Мажд. Искандария. 2009 йил.

47. Имом Ибн Касир ва Имом Суютий. “Исро ва Меърож”. Дорул Ғоддил Жадид. Миср. 2005 йил.

48. Шайх Муҳаммад Али Собуний. “Нубувват вал Анбия”. Мактабатул Асрия. Байрут. 2005 йил.

49. Шайх Муҳаммад Али Собуний. “Мин кунузис сунна”, диросатун адабиятун ва луғавиятун мин ҳадиси шариф. Мактабатул Ғаззолий. Дамашқ. 1981 йил.

50. Абу Сано Маҳмуд ибн Зайд Ломиший Ҳанафий Мотуридий. “Тамҳид ли қоваидит-тавҳид”. Дору Ғорбил исламий. Абдулмажид Туркий таҳқиқи. 1995 йил.

51. Имом Абу Ҳанифа. “Васият”. Ахтар босмахонаси. 1887 йил.

52. Шайх Камолиддин ибн Аҳмад ибн Ҳасан Баёзийзода Румий Ҳанафий. “Ишаротул маром мин ибаротил Имом Аби Ҳанифа Нуъман”. Дорул кутубил илмия. Байрут Лубнон. Биринчи нашр. 2007 йил.

53. Юсуф Қарозовий. “Фатовои муосиро”. Дорул қалам. 1998 йил.

54. Шоҳ Валиюллоҳ ибн Абдурраҳим Деҳлавий. “Ҳужжатуллоҳил болиға”. Дорул Жайл. Байрут. Биринчи нашр. 2005 йил.

55. Ҳасан ибн Мансур ибн Маҳмуд Ўзгандий. “Фатавои Қозихон”. Мактабату Ҳаққония. Покистон.

56. Имом Зайнуддин Абулфараж Абдурроҳман ибн Шиҳобиддин Ибн Ражаб. “Жомиул улум вал ҳикам”. Дору Ибн Касир. Дамашқ Байрут. Биринчи нашр. 2008 йил.

57. Аллома Али ибн Муҳаммад Саййид Шариф Журжоний. “Муъжамут таърифот”. Муҳаммад Сиддиқ Миншавий таҳқиқи. Дорул фазийла. 2004 йил.

58. Маҳмуд Тоҳҳон. “Манҳажул ҳадис фи мусталаҳил ҳадис”. Риёз. 2004 йил.

59. Ҳумайдий. “Амолий таржимаси”. Каримовлар босмахонаси. Қозон. 1908 йил.

60. Ҳасан ибн Абдул Муҳсин. “Ровзатул баҳия фийма байнал ашаироти вал мотуридия”. Дору Сабилур Рошад. Байрут. 1996 йил.

61. Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Арабий Моликий. “Авасим минал қовасим”. Мактабатул Ансор. 2006 йил.

62. Доктор Муҳаммад Сомируннас. “Васийла ила фаҳми ҳақиқотит тавассул”. Дорут тавфийқ, мактабутут тахсисия лирродди алал ваҳҳобия. Биринчи нашр. 2003 йил.

63. Муҳаммад Ризо. “Мавсуату хулафои рошидийн”. Мактабатул Асрия. Байрут. 2006 йил.

64. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Сунний ақидалар”. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси. Тошкент. 2011 йил.

65. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Очиқ хат”. “Ҳилол нашр” нашриёти. Тошкент. 2015-йил.

66. Имом Абул Қосим Абдул Карим ибн Ҳавозин Қушайрий. “Рисолатул Қушайрия”. Дорул кутубил илмия. Байрут Лубнан. 2001 йил.

67. Имом Муҳаммад Абу Заҳра. “Тариху мазаҳибил исломия”. Дорул фикрил арабий. Қоҳира. 1996 йил.

68. Сўфи Оллоҳёр. “Саботул ожизин”. Чўлпон нашриёти. Тошкент. 1991 йил.

69. Абу Шакур Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Солимий Кеший. “Ат-тамҳийд фи баёнит тавҳид”. Таржимон ва изоҳлар муаллифи – Соатмурод Примов. “Мовароуннаҳр” нашриёти. 2014 йил.

70. Дўстмуҳаммад Насриддин. “Ақоид”. “Мовароуннаҳр” нашриёти. Тошкент. 2002 йил.

71. Аҳмад Яссавий. “Ҳикматлар куллиёти”. Нашрга таёрловчилар – Тожи Қораев ва Абул Бозоров. “Ўзбекистон” нашриёти. Тошкент. 2011 йил.

72. Жалолиддин Ҳамроқулов. “Ҳадис илми истилоҳлари”. “Мовароуннаҳр”. Тошкент. 2014 йил.

73. Абдулқодир Абдураҳим ўғли. “Ақоид дарслиги”. “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси. Тошкент. 2007 йил.

74. Абдулваҳҳоб Халлоф. “Усулул фиқҳ”. “Адолат” нашриёти. Тошкент. 1997 йил.

75. Абу Абдуллоҳ Ҳорис Муҳосибий. “Риояту лиҳуқуқиллаҳ”. Дорул маориф. Иккинчи нашр. Қоҳира.

76. Фуад Нуъма. “Мулаххос қоваиди луғотил аробия”. Мактабатул илмия ли таълиф ва таржима. Миср.

77. Маннаъ Қаттон. “Мабаҳис фи улумил Қуръон”. Байрут. 1980 йил.

78. Муҳаммад Ҳузарий. “Нурул яқин”. “Мовароуннаҳр”. Тошкент. 1992 йил.

79. Сафиюр Раҳмон Муборакфурий. “Роҳиқул махтум”. Мактабату Рушд. 2008 йил.

80. Нажмиддин Муҳаммад Дарконий. “Ихтисорур ривоя”. Дорул кутубил илмия. Байрут Лубнон. 2005 йил.

81.Муҳаммад Ҳаёт Синдий Маданий “Шарҳу ҳикамил Атоия”. Дору мактабатил маориф. Биринчи нашр. Байрут Лубнон. 2010 йил.

82. Аҳмад Яссавий. “Ҳикматлар куллиёти”. Нашрга таёрловчилар – Тожи Қораев ва Абул Бозоров. “Ўзбекистон” нашриёти. Тошкент. 2011 йил.

83. Ибн Касир. “Бидая ван-Ниҳая”. 8-жуз. Дорус Содр. Байрут. 2005 йил.

84. Оиз ибн Абдуллоҳ Қароний. “Ла таҳзан”. Мактабату Саҳаба. 2002 йил.

85. Усмон Пазорий. “Тафҳиймул мутафаҳҳим”. Қозон. Император босмахонаси. 1902 йил.

86. Иброҳим Ҳалабий. “Ҳалабий кабийр”. Дор саодат. Истанбул. 1904 йил.

87. Доктор Мустафо Муҳаммад Шакъа. “Ислом била мазаҳиб”. Дорул Мисриятил Баннания. 2006 йил.

88. Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Абдулкарим Шаҳристоний. “Милал ван-ниҳал”. Мактабатут Тавфиқия. Миср.

89. Алишер Навоий. “Навоийдан чу топқайлар новое”. Нашрга таёрловчилар, таржима ва изоҳ муаллифлари: Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид, Ҳусайнхон Яҳё Абдулмажид. “Ҳилол-нашр” нашриёти. Тошкент. 2014 йил.

90. Ибн Ҳажар Асқалоний. “Нузҳатун-назор”. Мадинаи мунаввара. 2008 йил.

91. Муҳаммад Абуссаттор Тунсавий. “Бутлану ақоиди шиа”. Дорул улум. Қоҳира.

92. Аҳмад Ҳодий Мақсудий. “Истикмал”. Қозон. 1909 йил.

93. Ўзбек тилининг изоҳли луғати”. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”давлат илмий нашриёти. Тошкент. 2006 йил.

94. “Мунжид фил-луғати вал аълом”. Ўттиз саккизинчи нашр. Дорул Машриқ. Байрут.

МУНДАРИЖА

Кириш.....3
Ақоид илми ҳақида тасаввур.....3
Ақоид илмининг луғавий ва истилоҳий маънолари..... 3
Ақоид илмининг мақсадлари.....4
Эътиқодий ҳукмлар Ислом дини моҳиятидир.....4
Ислом шариатидаги асосий илмлар.....5
Ақоид илмининг турли асрларда машҳур бўлган номлари.....6
Ақоид илмининг калом илми деб номланиши ва
“калом илми” атрофидаги баҳслар.....8
Ақоид илмининг тарихи.....11
Ислом умматининг етмиш уч фирқага бўлиниш ва
“Саводул аъзам” дан ажрамаслик лозимлиги.....12
Машҳур ақидавий фирқалар.....15
Хавориж фирқаси.....15
Хаворижларда такфир тушунчаси ва уларга
уламоларнинг раддиялари.....15
Шиа фирқаси.....18
Мўътазила фирқаси.....20
Ҳашвия фирқаси.....20
Зоҳирия фирқаси.....21.
Аҳли сунна вал-жамоанинг икки ақидавий мазҳаби..... ..21
Имом Ашъарий ва ашъария мазҳаби.....22
Имом Мотуридий ва мотуридия мазҳаби.....23
Имом Мотуридийнинг устозлари.....23
Имом Мотуридийнинг шогирдлари.....24
Имом Мотуридийнинг асарлари.....24
Мақолалар.....25
Раддиялар.....25.
Аллоҳ таолога иймон келтириш асослари.....26
Имом Мотуридийнинг унвонлари.....26
Мотуридия мазҳабининг ривожланиши.....26
Мотуридия мазҳабининг машҳур уламолари.....26
Абул Муин Насафий.....26
Абулюср Паздавий.....27
Абу Ҳафс Нажмиддин Умар Насафий.....27
Нуриддин Собуний Бухорий.....28
Камол ибн Ҳумом.....28
Мулла Али Қори.....29
Мотуридия мазҳабидаги мўътабар асарлар.....30
Ақоид масалаларини ўрганиш зарурлиги
эътиборидан тақсимоти.....30
Ақоид масалаларини баён этиш
эътиборидан тақсимоти.....31

Ақоид илмидаги машҳур матнлар ва
уларнинг хусусиятлари.....32
“Фиқҳул акбар”.....32
“Ақидатут Таҳовия”.....32
“Ақидатун Насафий”.....33
“Бадъул амолий”.....34
“Бадъул амолий” муаллифининг тажимаи холи.....34
“Бадъул амолий” асаринингг турли нусхалари
ва уларнинг шарҳлари.....35
“Бадъул амолий”нинг Ўзбек тилидаги таржима ва шарҳлари.....37.
“Эътиқод дурдоналари” ҳақида.....37
Тавҳид баёни.....39
Калимаи тойиба (Ёқимли калима).....41
Калимаи шаҳодат (Гувоҳлик калимаси..... 41
Калимаи тавҳид (Тавҳид калимаси).....42
Калимаи роддил куфр (Куфрни рад этиш калимаси).....42
Калимаи истиғфор (Мағфират сўраш калимаси).....43
Калимаи тамжийд. (Улуғлаш калимаси).....43
Иймони мужмал (Умумий иймон).....44
Иймони муфассал (Батафсил иймон).....44
Тавҳиднинг луғавий ва истилоҳий маънолари.....45
Аллоҳ таолонинг гўзал исмлари.....47
Аллоҳ таолога иймон келтириш баёни.....51
Аллоҳ таолога нисбатан мўминнинг одоби.....53
Борлиқнинг тадбирини қилиб турувчи зот.....63
Қазою қадарга иймон келтириш баёни.....67
“Ирода” сифати ҳақида эътиқодимиз.....69
“Ирода” сифати ҳақидаги савол-жавоблар.....70
Бандаларнинг амалларига эътиқодий жиҳатдан назар.....73
Қазо ва қадарнинг маънолари.....74
Қазо ва қадарга иймон келтириш тушунчаси.....74
Уламоларнинг қадар ҳақидаги сўзлари.....77
Дуо тақдирни ўзгартирадими? 78
Дуо ва сабабият қонунлари.....79
Сабаблар қазонинг даракчилари экани.....81
Аллоҳ таолонинг сифатлари баёни.....84
Аллоҳ таолонинг сифатлари ҳақидаги фарқли қарашлар.....87
Аллоҳ таолонинг исмлари ва сифатлари орасидаги фарқлар.....88
Зотий ва феълий сифатлар баёни.....90
Аллоҳ таолони “шай”дейиш мумкинлиги баёни.....93
Алоҳ таоло макон ва тарафдан холидир.....95
Аҳли сунна жумҳурининг далиллари.....101
Исм эгасига далолат қилиши баёни.....106

У зот Ўзи ва Расули баён қилганидекдир.....109
Булинмайдиган жузнинг ақлан мумкинлиги баёни.....111
Қуръони каримга иймон келтириш баёни.....114
Қуръони каримнинг олдинги илоҳий китоблардан фарқилари.....116
Қуръони каримга иймон келтириш маъноси.....116
Қуръони карим суралари.....119
Ҳавас қилинадиган амал.....119
Илоҳий китобларга иймон келтириш.....121
Аршга истиво ҳақида.....124
Аллоҳ бетимсол зотдир.....127
Аллоҳ таолонинг сифатлари ҳақидаги муташобиҳ оятлар.....129
Яхшига мукофот ёмонга жазо берувчи.....131
Мутлақ эҳтиёжсиз зот.....133
Улуғлик ва олийлик эгаси.....136
Қайта тирилишга иймон келтириш.....138
Иймон рукнларидан бири.....139
Қиёмат аломатлари.....141
Қиёмат кунидаги воқеалар тартиби.....142
Энг сўнгги манзиллар.....150
Жаннатнинг номлари.....151
Дўзахнинг номлари.....154
Жаннат ва дўзахнинг абадийлиги баёни.....157
Жаннат ва дўзахнинг яратиб қўйилганига далиллар.....159
Жаннатда Аллоҳ таолони кўриш баёни.....163
Жаннатдаги энг олий неъмат.....167
Аллоҳ адолатли ва раҳматли зотдир.....170
Пайғамбарлар ва Фаришталарга иймон келтириш баёни.....174
Қуръонда зикр қилинган пайғамбарлар.....176
Пайғамбарларга иймон келтириш тушунчаси.....177
Пайғайбарларнинг умумий адади ҳақида эътиқодимиз.....178
Фаришталарга иймон келтириш тушунчаси.....179
Фаришталарга иймон келтиришнинг мўмин ҳаётидаги таъсири.....180
Фаришталар қачон яратилган?.....180
Фаришталарни асл қиёфаларида кўриш мумкинми?.....181
Фаришталарнинг ададлари қанча ?.....181
Фаришталар ухлайдиларми?.....181
Фаришталар гўзал суратда бўладиларми?.....182
Фаришталарнинг вазифалари.....182
Фаришталар вафот этадиларми?.....190
Хотамул анбиё ҳақида.....192
Пайғамбарлар сўнгисига иймон келтириш тушунчаси 193
Жисми ва хулқи гўзал Ҳошимий Набий.....195
Хотамул анбиёнинг сифатлари.....198
Сўнгги мукаммал шариат ҳақида.....201

Исо алайҳиссалом тушганларидан сўнг ваҳий тушадими?.....203
Исро ва Меърож баёни.....204
Байтул Мақдисга олиб борилиш ҳикмати.....206
Шафоат тушунчаси баёни.....209
Шафоатнинг шартлари.....210
Шафоатнинг турлари.....211
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хос шафоатлар.....212
Умумий шафоатгўйларнинг шафоатлари.....214
Пайғамбарларнинг маъсумликлари баёни.....218
Пайғамбарларнинг хусусиятлари.....219
Пайғамбарлардан содир бўлган ишлар ҳақидаги қарашлар.....223
Пайғамбарларнинг сифатлари баёни.....226
Зулқарнайн ва Луқмон ҳақида.....228
Қиёматнинг катта аломатлари баёни.....232
Валийлар ва уларнинг кароматлари баёни.....235
Валийларнинг мартабалари.....236
Кароматнинг турлари.....237
Фаросат- ярим каромат.....239
Истидрож ҳақида.....241
Валийлар Пайғамбарларнинг умматларидир.....243
Валийлар султони ҳақида.....246
Саҳобаларнинг фазилатлари.....247
Саҳобаларнинг адади қанча бўлган?.....248
Жинлар ҳам саҳоба ҳисобланадими?.....248
Исломни биринчи бўлиб қабул қилган саҳоба.....249
Фақиҳлик билан машҳур бўлган саҳобалар.....249
Энг кўп фатво берган саҳоба.....249
Энг кўп ҳадис ривоят қилган саҳобалар 249
“Абодила” (Абдуллоҳ исмли саҳоба)лар.....250
Тириклик вақтларидаёқ жаннат башорати берилган саҳобалар.....250
Саҳобаларнинг табақалари.....251
Энг умр кўрган саҳобалар.....252
Саҳобаларнинг энг сўнги вакиллари ва улар вафот этган жойлар.....252
Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг фазллари.....253
Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг оилалари.....254
Тили ва қалбига ҳақ жорий бўлган инсон.....255
Умар розияллоҳу анҳу асос солган ишлар.....256
Умар розияллоҳу анҳунинг оилалари.....256
Умар розияллоҳу анҳунинг фазллари.....257
Фаришталар ҳаё қилган инсон.....259
Усмон розияллоҳу анҳунинг оилалари.....260
Усмон розияллоҳу анҳунинг фазллари.....260
Ҳавас қилинадиган инсон.....262
Али розияллоҳу анҳунинг оилалари.....263

Али розияллоҳу анҳунинг фазллари.....265
Сиддиқа ва Захро розияллоҳу анҳумолар ҳақида.....266
Язид ибн Муовия ҳақида 269
Лаънат айтишнинг хатарли экани.....270
Муқаллид иймонининг эътиборли экани.....274
Ақли бор кишининг Аллоҳни таниши лозимлиги.....277
Жон чиқар вақтда келтирилган иймон ҳақида.....283
Амал ва иймон ҳақида.....285
Иймон рукнлари нечта?.....286
Иймон зиёда ва кам бўлмайди.....291
Гуноҳ сабабли куфрга ҳукм қилинмаслиги баёни.....293
Гуноҳ содир этган мўмин киши ҳақидаги қарашлар.....294
Гуноҳ туфайли куфрга ҳукм этмасликнинг далиллари.....295
Гуноҳларнинг турлари.....297
Диндан чиқишни ният қилган кимса ҳақида.....298
Бепарволикнинг аянчли оқибати ҳақида.....301
Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳунинг таржимаи холи.....303
Мажбурланган кишига рухсат берилган ва ман этилган ишлар.....305
Мастнинг гапи ҳақида.....306
Номавжуднинг "шай" эмаслиги ҳақида.....308
Таквийн сифати ҳақида эътиқодимиз.....311
Ризқ тушунчаси ҳақида эътиқодимиз.....314
Қабр имтиҳони ҳақида эътиқодимиз.....318
Қабр азоби ҳақлиги баёни.....321
Жаннатга кириш Аллоҳнинг раҳмати
билан бўлиши ҳақида.....325
Умидвор бўлиш ва хом хаёл суриш орасидаги фарқлар.....326
Улуғ ҳисоб-китоб бўлиши ҳақида.....328
Мўмин жинларнинг жаннатга киришлари ҳақидаги қарашла.....331
Жинлар ва шайтонлар орасидаги фарқлар.....331
Номаи аъмол берилиши ҳақидаги эътиқодимиз.....333
Амалларнинг ўлчаниши ва Сирот ҳақидаги эътиқодимиз.....337
Тарозида ўлчанадиган нарсалар.....339
Дуоларнинг таъсирлари баёни 345
Дуоларнинг таъсирларини инкор этувчиларга раддиялар.....346
Дунёнинг йўқдан бор қилингани баёни.....349
Жаннат ва дўзахнинг яратиб қўйилгани баёни.....352
Жаннат ва дўзахнинг яратиб қўйилганига далиллар.....353
Мўмин банданинг дўзахда абадий қолмаслиги ҳақида.....357
Жазо соқит қилинишига сабаб қилиб қўйилган ишлар.....358
Гўзал назмий баён.....363
Хушхабардек қалбга тасалли берувчи назм.....365
Ақида билмаган шайтона элдир.....368
Дуо қилиш одоблари баёни.....370

Васила қилиш баёни.....382
Хотима.....387
“Бадъул амолий” матни ва назмий баёни.....390
Фойдаланилган манба ва адабиётлар.....398

АБДУЛҚОДИР АБДУР РАҲИМ

ЭЪТИҚОД ДУРДОНАЛАРИ

"БАДЪУЛ АМОЛИЙ" ШАРҲИ

<<Sharq>> нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2016

Муҳаррирлар:*Соатмирод Примов, Қудратуллоҳ Сиддиқмуҳаммадий*
Бадиий муҳаррир *Вафо Файзуллоҳ*
Теҳник муҳаррир
Саҳифаловчи *Толибжон Қодиров*
Мусаҳҳиҳлар:*Абдулқаюм Исмоил, Ҳасанбой Эргашев*

Нашр лицензияси AI № 201, 28.08.2011 йил.

Теришга берилди 29.02.2016. Босишга рухсат этилди 01.03.2016. Бичими 70 x 100 /16
<<PT Serif>> гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма тобоғи 0. Нашриёт-ҳисоб табоғи 00.
Адади 4000 нусха. Буюртма № 00. Баҳоси шартнома асосида.

<<Sharq>> нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.